

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2012**



ЎТКИР ҲОШИМОВ

*Танланган
асарлар*

VI

Дафтар ҳошиясидаги
битиклар,
қисса,
ҳикоялар,
ҳажвий ҳикоялар,
ўйлар,
мулоқот

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 821.512.133-3

ББК 84(5Ў)6

X 71

L

84937

X 71

Хошимов, Ўткир.

Танланган асарлар / Ў. Хошимов. – Тошкент: «Sharq», 2012.

Жилд VI: Дафтар ҳошиясидаги битиклар, қисса, ҳикоялар, ҳажвиялар, ўйлар, мулоқат. – 496 б.

ISBN 978-9943-00-875-5

УДК: 821.512.133-3

ББК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-00-875-5

10-37793/6

292

© Ў. Хошимов.

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

Болгария, 2012.

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

Ko'makchi fond

013/53

3980

МАШАҚҚАТЛИ САФАР

(Китобхон билан икки оғиз сұхбат)

Болалигимни эсласам, илиқ ёз кечалари күз олдимга келади...

«Дунёнинг ишлари» қиссасининг бир боби шу сўзлар билан бошланади. Чиндан ҳам бу асар деярли автобиографик қисса. Фақат баъзи одамларнинг исми ўзгарган. Аслида ҳар қандай асарда ҳам маълум маънода қаламкаш таржимаи ҳолининг бир бўлаги акс этади. Ёзувчи ўзи ёзаётган асарга қалбини бағишлайди.

Менга қолса, ижод жараёнида қандайдир илоҳиёт бор, деган бўлур эдим. Ҳақиқий ижодкор Худо кўнглига солганда қўлига қалам олади. Чинакам бадиий асар ёзилмайди, туғилади! «Дунёнинг ишлари» китоби ҳам алланечук изтироб бўлиб, дард бўлиб туғилган. «Баҳор қайтмайди» ва «Икки эшик ораси»да ҳам, «Тушда кечган умрлар» ва «Инсон садоқати»да ҳам, «Нур борки, соя бор» ва «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»да ҳам шундай бўлган.

Одам ўз аждодлари билан мақтанмаслиги керак. Аммо фахрланишга ҳакли. Менинг ота-боболарим ҳам ўз замонасининг машҳур кишилари бўлган. Жумладан бобокалоним – бобомнинг оталари Абулқосим эшон Туркистон тарихида чукур из қолдирган мўътабар шахслардан бўлган эканлар.

Тошкентнинг тарихий ёдгорликлари ичida XIX асрга тегишли бир обида – мадраса бор. Бу даргоҳда ўтган аср бошларида бўлажак улуг адиб Абдулла Қодирий, олим ва адиб Абдурауф Фитрат, Ўзбек миллий университети асосчиларидан бири Мунавварқори Абдурашидхонов, драматург Фулом Зафарий, Ўрта Осиё республикалари диний арбоби Зиёвиддин Қори Бобохонов ва бошқа улуг зотлар таълим олган. Обида бир ярим аср давомлайди,

1856 йили Абулқосимхон эшон томонидан бунёд этилган.

Бу зукко инсон ўзбек тилидан ташқари араб, форс ва бошқа тилларни билган, Туркистоннинг Чор Россияси томонидан босиб олинишига қарши курашнинг ғоявий раҳнамоларидан бири бўлган эканлар. 1899 йили Санкт-Петербургда нашр этилган «Мусулмонликка оид материаллар тўплами» китобида бундай деб ёзилган. «1892 йили вафот этган Абулқосимхон эшоннинг Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўн минглаб муридлари бўлиб, улардан келган маблағлар ва вакф ерларидан тушган даромадлар ҳисобидан эшон 30 минг олтин сўмга мадраса қурдирган. Мадрасада 100–150 талаба таҳсил олган... Унинг аҳоли орасидаги нуфузи ниҳоятда баланд бўлган...» Мадрасада фақат диний эмас, дунёвий илмлар ҳам ўргатилган.

Бобокалонимнинг мўътабар ва фидойи шахс бўлганини исботловчи яна иккита далил мавжуд.

1892 йили Тошкентда вабо касали тарқалади. Устига-устак келгиндилар зулмидан тинкаси куриган халқ қўзгалон кўтаради. Тарихга «вабо қўзгалони» номи билан кирган миллий озодлик ҳаракати бошланади. Чор ҳукумати аскарлари эски шаҳарга бостириб кириб, қирғин бошлай деб турганида Абулқосимхон эшон муқаррар ўлимни бўйнига олиб, ўша пайтдаги Туркистон генерал-губернатори Вревский номига ариза ёзиб, унинг олдига боради. Босқинчи аскарлар Тошкентнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмидан (эски шаҳардан) олиб чиқилмаса, оқибати иккала томон учун ҳам фожиали бўлишини тушунтиради. Губернатор буйруғи билан «саллотлар» шаҳардан олиб чиқилади.

Кейин эса ундан ҳам ғаройиб ҳодиса рўй беради...

Тарихда «Худодон тилаб олиш» деган удум бўлган. Шоҳ Бобур ўлим тўшагида ётган ўғли Хумоюн атрофида айланиб, Яратгандан ўғлининг

ҳайтини сақлаб, эвазига ўзининг жонини олишни илтижо қилган. Чиндан ҳам орадан кўп ўтмай, Хумоюн оёққа туриб кетган. Бобур эса вафот этган...

1892 йил 30 июнь куни Абулқосимхон эшон Ҳўжа Аҳрор жоме масчитида минг-минг одамлар орасида вальз айтиб, Тошкент аҳли бир балодан қутулгани – «оқподшо» аскарлари шаҳардан олиб чиқилгани билан халойикни кутлайди ва тағин бир оғатни – вабони ўзи билан олиб кетиш ниятида эканини айтиб, Аллоҳга илтижо қиласди. «Туркистон вилоятининг газети» мухаррири, олим Н.Остроумов «Фон Кауфман – Туркистон ўлкасининг ташкилотчиси» деган мақоласида бу ҳайратомуз ҳодиса ҳақида шундай деб ёзади: «Мункиллаган ёшида сўнгти кунлардаги воқеалардан («Вабо кўзгалони»дан демоқчи) қаттиқ ларзага тушган мухтарам Абулқосимхон шундан сўнг тезда – 4 юлда вафот этди. Қизиқарлиси шундаки, вабо барҳам топди, тошкентлик сартлар буни унинг вафотига нисбат бердилар...»

Шу тариқа Абулқосимхон эшон ҳалқ фидойиси сифатида тарихга кирганлар. Бобокалонимнинг фарзандларидан бири Ҳошимхон эшон тижорат билан шуғулланган, кўп йиллар падари – бузрукворлари бунёд этган мадрасада дарс берган эканлар.

Аждодларим тўғрисида бу қадар батафсил тўхталганимнинг сабаби шундаки, эллик ёшга чиқкунимча бобокалонларимнинг ким бўлганини билмаганман. 1991 йили таникли олим ва журналист Сирожиддин Аҳмедов шажарамиз тўғрисидаги маълумотни қўлимга топширди. Кекса ёшдаги қариндошларимдан бу далилларни нега менга айтишмаганини сўраганимда жуда асосли жавоб эшилдим. Гап шундаки, агар бу гапларни билганимда қаердадир айтишим ёки ёзишим муқаррар эди. Собиқ шўро сиёсати эса «ҳалқ душманлари»га алоқадор бўлган одамни кўкартирмаслиги аниқ эди. Худога шукроналар бўлсинки, 1991 йили Ва-

танимиз Мустақилликка эришди ва минг-минглаб инсонлар иймон сари юз тутди. Асрлар давомида динни никоб қилиб тараккиётга ҳалақит берган, не-не алломаларнинг қатлига сабабчи бўлган мутаассиблар, чаламулла «домла»лар ҳамма мамлакатларда ҳам бўлган. Бироқ муқаддас ислом дини ҳамиша инсонни улуғлаган, одамларни илм олишга чорлаган. Большевиклар эса дин арбобларини эл ҳурматини қозонган, илмли алломалар деб эмас, ҳаммасини қаторасига «текинхўр фанатик» деб санаган ва каттиқ зулм ўтказган.

Фуқаролар уруши қизиган йиллари Бегларбеки мадрасаси олдида минглаб одамларни тўплаб, уларнинг дилига ваҳима солиш учун «намунали қилиб» отиб ташланганлар орасида онамнинг тоғаси Абдусафийхон ҳам бўлган. Бу бегуноҳларнинг «гуноҳи» ўз эътиқодидан воз кечмаганида эди, холос. Ўз ерларини шўргага топшириб дехқончилик орқасидан кун кечирган амаким Носирхон тўрани эса қўшниси Тўлаган қора деган шахснинг чақуви билан сургун қилиб, ўлдириб юборадилар. Тўлаган қора ўзи абгор қилган оила номусига ҳам кўз олайтирганда оиланинг тўнгич фарзанди ўн олти ёшли Абдуллажон бунга чидай олмай, маразни маст-аласт бўлиб ётганида чопиб ташлайди. Оила номусини асраб қолган йигитчани эса суд қилиб отувга ҳукм этадилар. Болалигимда элас-элас кулогимга чалинган бу фожия мустабид тузум зулми кутурган ўттизинчи йилларда кечган экан. «Тушда кечган умрлар» романидаги Эшон ота, унинг оиласи, фарзандлари, Қурбоной бошига тушган чексиз кулфатлар шу инсонлар қисматидан олинган.

Отам Атоуллохон Ҳошимов тазийклардан безор бўлиб қишлоққа – Дўмбравотга кўчиб келган, харобагина кулбада тирикчилик қила бошлаганлар. Бироқ бу ерда ҳам тазийклар тўхтамаган. Дехқончилик қилганлар. Тўқимачилик комбинатида, сўнг шу комбинатга қарашли болалар оромгоҳида ишлаганлар.

...«Эски китоб»ларни ҳам, замонавий адабиёт ва газеталарни ҳам мунтазам ўқиб борар, ўта ҳақпарат, ноҳақликни кўрса ёниб кетар эдилар.

Эсимни таниганимда бир ҳақиқатни тушундим. Бир умр меҳнатдан боши чиқмаган отам ҳам, бир умр меҳнат қилиб нолимаган онам ҳам фарзандларга харомдан ва ёлғондан хазар қилишни ўргатишган экан...

Онам – Ҳошимова Ҳакима ниҳоятда ювош, жуда меҳрибон эдилар. Кўчада бирон бола йиглаб ўтирган бўлса, албатта тепасига бориб бошини силар, бирон сабаб билан биз болаларни қарғасалар, ўзлари ҳам йиглаб юборар, ўша заҳоти кўнглимизни олишга ҳаракат қиласалар. Ойим қанча содда бўлсалар, шунча донишманд ҳам эдилар! Иложи борича ҳаммага яхшилик қилишни хоҳлар, ўта оқкўнгил, гина-кудуратни билмайдиган аёл эдилар. («Дунёнинг ишлари»да қандай тасвирланган бўлса, шундай эдилар).

Мен 1941 йил 5 августда Тошкент биқинидаги Дўмбравот қишлоғида туғилганман. Қишлоқда, тағин, пойтахт биқинидаги қишлоқда туғилганим тақдирнинг ҳадяси бўлса ажаб эмас. Ижодкорда қишлоқнинг қалби, шаҳарнинг ақли бўлиши керак.

Ойим бир гапни кўп айтардилар. «Сен туғилганингда қиёмат қойим бўлган эди. Ўрис хотинлар уруш бошланибди, деб йиглаган, мен – амманинг бузоги ҳайрон бўлгандим. Уруш аллақаёқда бўлаётибди-ю, булар нега дод солади, дегандим. Кейин ақлим етди».

«Икки эшик ораси» романида Қора амма ҳам уруш ҳақидаги хабарни худди шундай қабул қиласди. Ўғли Кимсан фронтга кетмокчи бўлганидан кейингина ваҳимага тушиб қолади. Баъзи дўстларим роман қўлёзмасининг муҳокамасида уруш бошлангани ҳақидаги хабарни бу қадар соддалаштириб тасвирламаслик керак эди, деган мулоҳазани айтди. Бироқ мен учун бу ҳодиса киноларда тасвирланганидан кўра онам айтиб берган хикояда ҳаётга яқинроқ кўринди.

Оиламиизда бир қиз, түрт ўғил эдик. Мен учинчи ўғил эдим. Отамнинг биринчى оиласидан яна бир опам борлиги, онам иккаламиз кўп овораи сарсонликлардан кейин тўнгич опамни ҳам топиб олганимиз «Дунёнинг ишлари»да ёзилган.

Отамдан қаттиқ ҳайиқар эдик. Отам бирон марта ҳам биронтамизни чертган эмаслар. Отани қаттиқ иззат қилишни онам ўргатганлар: «Ҳозир аданг келадила, уйни супуриб қўй», «Адангни жаҳллари ёмон, тинч ўтиринглар», «Адангни кетмонаига тегма», «Адангни соатига қўл тегизма...»

Билмадим, балки ҳозирги – замонавий оилаларга бу ҳолат «феодаллик» бўлиб туюлар. Аммо бизнинг оиламиизда ота шахсига сириниш фарзандларга зиён келтирганини эслай олмайман.

Дўмбравот боғ-роғларга кўмилган сўлим қишлоқ эди. Шунинг учун бўлса керак, бу ерда Тўқимачилик комбинатининг болалар оромгохи (ўша замон тили билан айтганда пионер лагери) жойлашган, ҳали айтганимдек, отам ҳам, онам ва опам ҳам шу ерда ишлашар, ёз бўйи болаларнинг қий-чуви оламни тутар, онамга кўмаклашиш учун акаларим билан эрталаб туриб лагерь йўлкаларига сув сепардик. Шаҳардан келган ўзинг тенги болалар роҳат қилиб уйқуни уриб ётганида муздек ариққа тушиб сув сепиш унчалик марокли бўлмасада пешин чорлари Қонқусда чўмилиш мазза эди. Дам олувчилар асосан ўрис болалар бўлгани учун кичкиналигимдан рус тилини ўрганиб олдим.

Болаликда эшитган ўгитлари одамнинг қулоғига кўроғошиндек қуишлиб қоларкан. Ота-онам ўзидан каттани ҳурмат қилиш, нонни эъзозлаш, андишли бўлиш кераклигини қайта-қайта таъкидлашарди. Отам бир гапни, айникса, кўп такрорлар эди. «Бошингга қилич келса ҳам рост гапир! Ростгўй одамнинг тили қисик бўлмайди. Ёлғон эса эртами-кечми очилмай қолмайди!» ...Табиийки, бу ўгитларга амал қилишга уриндик.

Оқ-қорани ажратадиган бўлганимда ростгўйлик учун маломатга қолганларни ҳам, ёлғонни сувдек

симириб умргузаронлик қилғанларни ҳам күрдим... Начора, одамзод ҳар хил бўларкан-да!

Акаларимга эргашиб, Дўмбравот гузаридағи мактабга борганим эсимда. Аввал тўрт йиллик мактаб эди, сўнг етти йиллик бўлди. Мактабимиз пастаккина бино бўлиб, баҳор кезлари сомонсувоқ томида лолақизғалдок, чучмомалар қийғос очиларди... Оғир йиллар эди. Ўқувчилар орасида бизга ўхшаган гўдаклар ҳам, овози дўриллаб қолган ўспириналар ҳам бор, баъзилари тонг сахарлаб эшак мингандча Бешёғоч бозорига бориб, узумми, шафтолими сотиб келишар, дарсга кеч қолса ўқитувчиларимиз уларнинг аҳволини тушуниб кўп ҳам койимас эди. Ўқитувчилар биз учун энг обрули, энг намунали инсонлар эди. Бунака фидойи устозлар кам бўлади. Улар дарс ўтатуриб, каҳратон қиши совуғида синфхонани аранг илитаётган темир печкага ўтин ёки кўмир қалаб қўйишдан эринмас, ҳар бири ўз фанини жон куйдириб тушунтиради...

Биринчи синфга борганимда қизик воқеа бўлган. Уч-тўрт кун дарсга қатнадим-да, кейин мактабга бормай қўйдим. Ойим нега бундай қилғанимни сўраган эди, «ўқитувчи опамиз чиройли эмас экан», дедим. Етти яшар тирранчага ўқитувчининг «чиройли» ёки «чиройли эмаслиги»нинг нима дахли борлигини билмайман. Бу гап адамнинг қулогига этиши билан шундай дағдаға қилдики, латта жилдимни кўтариб, мактабга зингиллаб қолдим... Орадан уч-тўрт ой ўтгач яна бир иш бўлди. Баҳор эди. Ўриклар гуллаганди. Бир куни мактабдан бошим оғриб, иситмалаб келдим. Ойим табибликтан унча-мунча хабари бор Ҳожи буви деган кампирни чақириб чиқди. Кампир негадир қўлагимни ечиб, қорнимни ҳидлаб кўрди. «Ҳавотир олманг, Пошша, – деди онамни юпатиб, – боладан гул ҳиди келяпти, гул тошади!» Онам қўркиб кетди. Мен эса ҳайрон бўлдим. Нима, мен ўрикманми, гул ҳиди келиб? Кейин билсам, «гул тошиш» дегани қизамиқ экан! Камида йигирма кун, бўлмаса кирқ кун қизил кўрпа ёпиниб ётиш шарт экан... Шундай кунлардан

бирида худди ўша – «чиройли эмас» ўқитувчи опам мени күргани келди. Узоқ вақт бошимни силаб ўтири... Ўша лаҳзадан бошлаб мен учун дунёдаги энг гўзал одам шу опам бўлиб қолди.

Ўша йиллари негадир киш жуда қаҳрли келар эди. Эҳтимол турмуш ночор бўлгани учун шундайдир. Совуқ заптига олганида уй деворининг ички томонини ҳам қиров босар, биз – ака-укалар инидан мўралаган қалдирғоч палапонлари каби илиқмилик танча (сандал)га оёқ сукқанча бир кўрпа тағида қаторлашиб ётар, хатто бошга телпак кийиб ухлашга тўғри келарди.

Узундан узоқ чўзиладиган бундай «ялдо кечалари»да кўни-кўшни бир-бириникига чиқиб, ўтган-кетгандан гурунглашиб ўтирас, дастурхонда нон бўлмаса ҳам қайнатилган қизилчами, қанд лавлагими бўлар ва албатта ўрик туршаги, олма қоқи, шафтоли қоқи, ёнғоқ, тут майиз каби курук мевалар ўртага кўйиларди... «Тут пишиғига етсак ўлмаймиз», дейишарди. Бунинг маънисини кейинроқ тушундим. Яхшиямки ўзбек халқининг баҳтига мевали дараҳтлар бор экан. Энг аввал тут пишади. Кетидан оқўрик, чиллаки узум, олма, олхўри, нок... Кузга бориб ёнғоқ, жийда... Одамларни очлик балосидан мевалар бир қадар сақлаган экан...

Тошкентда «питрак» деган ибора бор. Жони ичига сифмаган, «ҳар балони бошлаб» юрадиган болаларни шунаقا дейишади. Мен ҳам питрак бўлганман шекилли, ҳали эсимни танимасдан Дархон ариғида оқиб кетган эканман. Тўхтавой ака деган катта ёшли қўшнимиз «Тўйингда менга тўн кийгизишинг керак, сени мен куткариб қолганман», деб ҳазиллашар эди. Футбол ўйнайман деб икки марта қўлим, бир марта оёғим синган.

* * *

Хуллас, аввал етти йиллик мактабда ўқидик. Уни битириб, анча нарида «катта» мактабда ўқиши давом эттиридик. Мактаб директори Одил

Қаюмовни, Маъсуда опа, Абдуусмон ака, Зухридин ака, Қўчкор ака, Абдували ака, Марям опа, Зайниддин ака, Ислом ака сингари ўқитувчилик миннатдорлик билан эслайман. Дарвое, «катта мактаб»га қатнашда хотирамга муҳрланиб қолган Бўрижар, Ёнғоқзор, «Алвасти кўпприк», темирийўл манзаралари кейинчалик асаларда тасвиirlанди.

Болалик шууримда нурли из қолдирган тағин бир нарсани айтишим керак. Урушдан кейинги йилларда «оилавий қироатхонлик» деган гап бўларди. Совук шамол увиллаган кечалари танча четида қаторлашиб ўтириб олиб китоб эшитар эдик. Катта акам хира нур таратиб турган керосин лампа ёруғида «Кунтуғмиш», «Алпомиш» достонларини ўқир, биз – адам, ойим, ака-укалар, кўпинча қўшнилар ҳам ички ҳаяжон билан тинглардик. Орадан йиллар ўтгач бир нарсани тушундим. Оилавий китобхонлик улуғ ҳикмат экан. Бу – китоб тинглаётганларни биргалашиб фикрлаш, биргаликда ҳаяжонга тутишга, иноклик, инсонийликка ундар экан...

...Замон ҳарчанд оғир бўлмасин, ҳалқимизда одамларни бемеҳр, худбин бўлиш балосидан асрарган бир фазилат бор экан. Бунинг отини ўзаро ҳамдардлик деймизми, оқибат деймизми, хуллас бир қўшни мухтоҷ бўлиб, иккинчи қўшниникига чиқса, наригиси ўз насибасидан юлиб бўлса ҳам албатта қўшнининг ҳожатини чиқарар, ҳатто «Сўраганинг бир юзи қора, бор туриб бермаганинг икки юзи қора», деган мақол ҳам бор эди. Айнан мана шу ҳамжиҳатлик, мушкул паллада бир-бирига елкадош бўлиш ҳалқимизнинг ноёб фазилати экан... Орадан кўп йиллар ўтиб, тағин бир нарсани тушундим. Farb менталитетида шахс ва унинг хуқуки, манфаати биринчи ўринда турса, Шарқ удумида жамоавийлик, елкадошлиқ, керак бўлса, бошқалар учун ўз хузуридан кечиш биринчи ўринга қўйиларкан. Албатта, бу одатларнинг бирини яхши, иккинчисини мундайроқ дейишга ҳеч

кимнинг ҳакқи йўқ. Асрлар давомида шаклланган дунёқарашнинг ўзи шундай... Биздаги мана шу одатни асарларга киритишга ҳаракат қилдим.

* * *

...Болалик шууримга чақмоқдек ёрқин таъсир қилган биринчи китоб Даниэль Дефонинг «Робинзон Крузо» асари бўлди. Эрта баҳорда шамоллаб, анча ётиб қолдим. Акам «Робинзон Крузо»ни келтириб берди. Албатта, аввал ҳам турли китоблар ўқиган, дарсликларда берилган анча-мунча шеърларни ёдлаган эдим. Аммо бу китоб мени бутунлай янги оламга олиб киргандек бўлди. Асар қаҳрамонига қўшилиб, нотаниш оролга бориб қолдим. Неча йиллар танҳоликда яшадим, сўнг Жумавой билан дўстлашдим... Шундан кейин Жек Лондон, Фенимор Купер, Жонатан Свифт, Майн Рид, Жюль Верн, Марк Твен каби адилларнинг китобларини қидириб ўқийдиган бўлдим... Мактабимиздаги торгина, негадир доим салқин нафас уфуриб турадиган кутубхона гаройиб сирлар хазинасига ўхшар, кутубхоначи опа турфа китобларни тавсия этар эди. Узбек адиллари асарларидан энг катта таассурот қолдиргани Fafur Гуломнинг «Шум бола» киссаси бўлди. Асар қаҳрамони қарийб ўзимга тенгдош, унинг ҳаракатлари ишонарли ва табиий эди. Сўнг Ойбек домланинг «Қутлуғ қон» романи, Абдулла Қаххор хикоялари, Ҳамид Олимжон шеърлари энг севимли китобларим бўлиб қолди. Қачондир ёзувчи бўлиш, китоб ёзиш деган нарса ҳаёлимга ҳам келмаган. Биринчи «шеърим»ни эса бешинчи синфда ўқиётганимда шунчаки ҳавас учун ёзганман. Эрта баҳор эди. Мактабдан келаётсан, деворнинг кунгай этагида қоқигул очилиб ётиби. Ҳаяжонланиб кетиб «Олтин тугмача» деган «шеър» ёздим. Эсимда қолмаган. Факат қоқигулни олтин тугмачага ўхшатганим ёдимда.

9-синфда ўқиётганимда учувчи бўлишига қарор қилдим. Жавзад деган дўстим билан аэропорт

деворидан ошиб ўтиб, учиш майдонига чиқиб қолганимиз, баджаҳл навбатчи «Ҳозир отиб ташлайман», деб бакиргани ёдимда.

Қисмат бизни ўз измига солди. Жавзад биринчи тоифали учувчи бўлди. Менинг тақдирим ёзувчилик экан...

Талабалик – олтин даврим, дейдилар.

«Олтин даври»ни мазза қилиб ўтказган тенгкурларимга ҳавас қиласман. Мен учун бу давр кўп ҳам олтин бўлди деёлмайман. Гарчанд ўрта мактабни медаль билан битирган бўлсам ҳам сиртки бўлимга кирдим.

Аввал «Темирийўлчи» газетасида хат ташувчи (куръер) бўлиб ишладим. Кейин «Қизил Ўзбекистон»да мусаххих ёрдамчиси (подчитчик) бўлдим. Кунора тонготар таҳририятда қолиб кетардик. Ярим кечалар корректура ўкиб толикқанда, камтар (хатто ўта камтар) болалик дўстим Юнус Зиёдов билан сұхбатлашиб, бир кун келиб бизлар ҳам «катта одам», «катта ёзувчи» бўлиб кетишни орзу қиласдик. Отам оғир бетоб, акам ҳарбийда, оиласа ёрдам бериш керак эди. Жон-жаҳдим билан ёзишга берилиб кетдим.

Тўртинчи босқичдан кундузги бўлимда ўкий бошладим. Аммо ишдан бўшамадим.

Орадан кўп йиллар ўтгач таникли олим, дўстим Абдуғафур Расулов бир гап айтди. «Сизнинг баҳтингиз шуки, ёмон одамларга кам дуч келгансиз». Балки бунчалик эмасдир. Менинг қисматимда ҳам нурли ва қоронги кунлар бўлди. Аммо ҳарқалай Абдуғафур аканинг гапида жон бор экан. Қаерда бўлмай, яхши одамларга кўпроқ дуч келдим. Илк бор «Темирийўлчи» газетасига ишга кириб, биринчи маошим – арзимас пулни отамга келтириб бериб, дуосини олишимга сабабчи бўлган устоз журналистлар – Йўлдош Мансуров, Асом Исҳоқовлардан умрбод миннатдорман. Уша йиллари «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири бўлган таникли адаб Мақсуд Қориев, ярим кун таҳририятда ишласам, ярим кун универ-

ситетда ўқишимга шароит яратиб берган «Тошкент ҳақиқати» газетасининг муҳаррири Аҳмад Исмоилов шу газетада биринчи бадиий асаримни чоп этган устозим, отахон шоир Назармат ака, Нўъмон Насимовлар бошимни силаганини унутмайман...

* * *

Биринчи китобим З-босқичда ўқиётганимда чиқкан. Бу «Пўлат чавандоз» деган очерклар тўплами эди. Биринчи бадиий асарим – «Тўрт мактуб» ҳикояси 1963 йил 17 апрель куни «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган. (Шундан бери ҳар йили 17 апрелни ўзимча нишонлайман). Шу ҳикоя асосида «Чўл ҳавоси» деган қисса ёзилди. «Шарқ юлдузи»ди босилди.

Асарга Абдулла Қаххордек талабчан ёзувчинг хат ёзиши оддий талаба учун кугилмаган хол эди. Уша воқеани ҳеч қачон унумасам керак. Қисса «Шарқ юлдузи» журналида босилганидан ўзимнинг хабарим йўқ эди. У пайтда талабалар ойлаб пахта даласида «жавлон уриб» теримчиларга ёрдамлашар, биз ҳам Бўка туманида ҳашар қилаётган эдик. Орамизда ёши биздан улугрок курсдошимиз Тўлкин Алимов янги уйланган, домлалар унга ўн-ўн беш кунда бир марта уйига боришга рухсат бериб туришарди. Шундай кунлардан бирида Тўлкин ака уйидан пахтага қайтиб бориб, «сенга Абдулла Қаххордан хат кепти, факультетда ётган экан, уйга ташлаб келдим», деди. Бу мен учун энг қувончли кун эди. Демак, асар журналда босилиб, уни Абдулла Қаххордек буюк адид ўқиган. Мабодо у кишига қисса маъқул келмаган бўлса, мени койиган бўлса ҳам майли, ўқиб, хат ёзганининг ўзи катта гап эди.

Пахтадан қайтган кунимиз қопимизни орқалаб, Тўлкин аканинг уйига бордик. Қўлимиз ҳаяжондан титраб, хатни очиб ўқидик. Устоз биринчи асари чиқкан ёш ёзувчининг руҳини кўтарадиган, қанот бағишлийдиган хат ёзган экан. Шундан кейингина

мендан ҳам ёзувчи чиқиши мумкин экан, деган ха-
ёлга бордим...

Тошкент зилзиласидан кейин – 1966 йилдан 1982
йилгача «Тошкент оқшоми» газетасида бўлим му-
дири бўлиб ишладим. Газета янги ташкил этилган,
кандайдир кўхна банкнинг цемент полли, қишида
исимайдиган биносида ишлардик. Газетачилик-
нинг ўзи оғир хунар. Устига устак газета икки тил-
да, ҳар куни чиқар, ходимлар эса оз эди. Шунга
қарамай жамоа жуда инок эди. Файратли ва та-
шаббускор бош муҳарриримиз Саъдулла Каро-
матов, Максим Каримов, Солих Ёқубов, Абдулла
Пўлатов, Абдусамат Обидхўжаев, Маҳмуд Комил-
жонов, Насриддин Муҳаммадиев, Раҳматулла
Файзуллаев, Тўхтамурод Тошев, Абдуғани Абдул-
лаев, Темур Убайдуллаев, Мурод Абдуллаев, Му-
ҳаммадвали Муродов сингари қаламкашлар би-
лан шунчаки ҳамкасб эмас, ака-уқадек инок бўлиб
кетдик... Булар орасида бир инсонни алоҳида
эҳтиром билан эслайман. Бу – бошингизда қуёш
чараклаб турганида эмас, бошингизга булат соя
солганида дарҳол етиб келадиган, ҳамманинг дар-
дига шерик бўлиб, «казизим» деб ардоклайдиган
истеъодли адаб ва журналист Тўлкин Расулов
эди. (Илоҳо жойи жаннатда бўлсин!) Бу йиллар
мен учун энг ҳаяжонли, энг сермаҳсул дамлар
бўлди. «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга кулоқ сол»,
«Квазарлар» киссалари, «Нур борки, соя бор»
романи, «Инсон садоқати», «Виждон дориси»,
«Тўйлар муборак» саҳна асарлари, кўплаб ҳикоя
ва ҳажвиялар, публицистик асарлар шу йиллар
ёзилди.

* * *

Ҳар гал янги китобим чиқиши билан биринчи
нусхасини Онамга тақдим этардим, «биринчи ус-
тозим Ойимга» деб ёзиб берардим.

1980 йили онамнинг тўсатдан вафот этиши мен-
га жуда оғир таъсир килди. Фарзандлик бурчимини

Ališer Navoiy

— 17 —

2013/63

nomidagi

3980

O'zbekiston MК

қай даражада адо этдим, деган ўқинчли савол вужудимни ларзага солди. «Дунёнинг ишлари» китоби шу изтиробли туйгулар туфайли туғилди.

Ҳар қандай асарнинг ўз тарихи, ўз қисмати бўлади. Худди инсон тақдирига ўхшаш... «Дунёнинг ишлари»ни китоб қилиш учун ёзган эмасман. Қалбимни ларзага солган «дард»ларнинг ўзи қоғозга тўкилган. Унинг баъзи бобларини «Саодат» журналига элтиб берганимда ҳам китоб қилиш ниятим йўқ эди. Атоқли шоира Зулфия опа ўқиб, «Бу – яхши асар бўлади, сиз ёзаверинг, биз журналда сонма-сон босаверамиз», дедилар... Шу тариқа «Дунёнинг ишлари» қиссага айланди, анча тилларга таржима қилинди. Ўттиз йил аввал турилган асар бугунги китобхонни ҳам ҳаяжонга сололса, қувонган бўлур эдим...

Тўрт йил давомида F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош мухаррир ўринбосари бўлиб хизмат қилдим. Нашриётда ҳам дўстлардан буюрди. Таникли шоир Жуманиёз Жабборов бошлигигида ишлаган Лола Тожиева, Омон Матジョン, Ҳасан Тўрабеков, Шоир Усмонхўжаев, Тўлқин Алимов, Низом Комилов каби таникли ижодкор, таржимон ва моҳир мухаррирлар билан елкама-елка меҳнат қилдик. «Икки эшик ораси» романни, талай ҳикоя ва қиссалар, драматик асарлар шу йиллари ёзилди. Телевидениеда «Баҳс» деган кўрсатувни олиб боришга тўғри келди. Назаримда, бу оммалашиб кетган кўрсатув бўлди, сабаби, жамиятдаги муаммолар ҳакида оғиз очиш қийин бўлган паллада ҳақиқатнинг бир чеккасини ошкор этишга ҳаракат қилинди... Бу йиллар бир қанча асарларим турли тилларда нашр этилди.

1985 йилдан 1995 йилгача «Шарқ юлдузи» журналида бош мухаррир бўлиб ишладим. Йирик адабий журналда яхши асарлар босилиши, ададнинг қарийб икки юз минг нусхага етишида Ҳайдарали Узоков, Худойберди Тўхтабоев, Неъмат Аминов, Носир Фозилов, Тоҳир Малик, Муроджон Мансу-

ров, Мурод Мұхаммад Дұст, Икром Отамуродов, Ортиқбай Абдуллаев, Абдусаид Күчимов, Омон Мухторов, Турсун Иброҳимов, Алиназар Эгамназоров, Тоҳир Қаҳҳор, Асқар Ҳайдаров, Асад Дилмуродов, Юсуф Абдуллаев ва бошқа шоир, олим, адиб, журналистларнинг хизмати катта бўлди... «Қатағон фожиаси», «Тушда кечган умрлар» романни, «Икки карра икки – беш» ҳажвий қиссаси, талай ҳикоя ва ҳажвиялар, публицистик асарлар шу даврда яратилди.

Тарихда биринчи марта муқаддас Қуръони Каримнинг маъно таржимаси «Шарқ юлдози» журналида ўзбек тилида эълон қилингани ва бу ҳайрли юмушга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ўзи раҳнамолик қилгани унутилмас воқеа бўлди.

«Темур тузуклари», «Кеча ва кундуз», «Абулфаизхон» каби «тақиқланган» қатор асарлар, миллий озодлик ҳаракати ҳакидаги ҳаққоний мақолалар эълон қилинди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари – «ўзбек иши» деган янги қатағон авж олган давр бўлди. Бу сиёsatда ростдан кўра ёлрон кўпроқ эканини, мустабид тузумнинг ишонган куроли зулм ва таҳдид эканини тасвиrlаш вижданни уйғоқ ҳар бир қаламкаш бурчидир. Олисдаги пойтахтда бўлган анжуманларда сиёсий арбоблар билан «ташлашишга», ҳалқни бадном қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини айтишга тўғри келган ҳолатлар бўлди.

Табиийки, ёзилган асарларнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Муқаммал асарнинг ўзи йўқ. Чунки, ҳар қандай китобни одам ёзади. Одам эса муқаммал зот эмас. Нашр этилган ва намойиш қилинган асарларимнинг ютуқ ва камчиликларини холис кўрсатган таниқли мунаққидлар – Баҳтиёр Назаров, Собир Мирвалиев, Нуриддин Шукуров, Малик Муродов, Наим Каримов, Салоҳиддин Мамажонов, Ҳафиз Абдусаматов, Сайдулла Мирзаев, Баҳодир Каримов, Қозоқбай

Йўлдошев, Қаршибой Самадов, Умрзок Ўлжабоев, Маҳкам Махмудов ва бошқаларга миннатдорчилик изҳор қиласман. Бир нарсани айтишим мумкин. Ўзим қаттиқ ишонган, ягона ҳақиқат деб билган нарсани ёзишга ҳаракат қилдим. Ўқувчи анойи эмас. Жиндай ёлғонни дарҳол сезади. Китобхон назаридан қолиш эса қаламкаш учун оғир фожиа...

* * *

Баъзи учрашувларда сиз урушда бўлмагансижу, нима учун уруш ҳақида кўп ёзасиз, деб сўрайдилар. Ўринли савол. Тўғри, мен урушда бўлмаганман. (Аллоҳга шукр!) Аммо шунга қарамай, бир қатор ҳикоялар, «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби асарларда бевосита шу мавзуга алоқадор сахифалар катта ўрин эгаллайди. Уруш ҳақидаги бундан кейин ҳам ёзилади. Негаки, инсоният тарихининг ўзи урушлар тарихидан иборат. Албатта, ўз Ватанини ёвдан ҳимоя қилиш билан босқинчилик уруши орасида катта фарқ бор. Буларнинг бирини адолатли, иккинчисини адолатсиз уруш деган қутбга ажратиш мумкин. Аммо яхлит олганда уруш деган офат ҳеч кимга яхшилик олиб келган эмас. Айниқса, оммавий қирғин қуроллари удум бўлган замонда уруш ҳар қандай адолат ва ҳақиқатнинг юзини тескари қилиб ташлайди! «Замонавий» урушда жанг майдонида битта аскар ўлса, унинг атрофида эллик нафар тинч аҳоли қирилади! Ҳозир шундай қаттол қуроллар борки, ер юзидағи олти миллиард инсонни ўн марта қириб ташлашга етади! Демак, уруш деган палакат инсоният учун шармандали, жирканч нарса эканини, уруш бошловчилар бани инсоннинг ашаддий душмани эканини фош этувчи асарларни бундан кейин ҳам ёзавериш керак!

Менимча, йигирманчи асрда иккита тарихий воеа рўй берди. Бири – инсон қадамининг Ойга етиши, иккинчиси – Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши. Унисини ҳам, бунисини ҳам бир эмас, бир неча авлодлар умрбод орзу қилган эди.

1995 йилдан 2005 йилгача Олий Мажлисда ишладим. Қонун яратиш ҳам ижод. Мураккаб ижод. Бир қатор қонунлар лойиҳаси устида ишлашдик. Қатор мамлакатларда бўлиб, Ўзбекистон деган юрт ҳақида, унинг бой тарихи, ажойиб инсонлари, келажаги ҳақидаги сұхбатларда иштирок этдим. «Нурли дунё», «Умр савдоси», «Баҳор соғинчи» «Ҳадикли тушлар» номли тўрт жилдли сайланма асарларим чоп этилди. «Дафтар ҳошиясидаги битиклар», «Осмондан тушган пул», «Тўйлар муборак», «Шоҳруҳнинг топишмоқлари» каби китобларим нашр қилинди. «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби етмишдан ортиқ китобим турли тилларда нашр этилди. «Ўзбек иши» деб аталган тухматни фош этувчи «Қатағон» фожиаси саҳналаштирилди. Бир қатор асарларим асосида телевизион фильм ва телеспектакллар ишланди. Улар орасида китобхон узоқ йиллар эслаб юрадиган асарлар бўлса, ўкувчи қайсиdir сатрларни ўқиганда кўзига ёш келса, қаердадир маза қилиб кулса, ҳаяжонга тушса, мен учун бундан ортиқ кувонч йўқ. Инсон ҳақида ёзишга, халқимизнинг содда донишмандлиги, сабр-қаноатини тасвирлашга уриндим.

Бир парча ер обод бўлиши учун қанча одам тер тўкиб, ариқ қазийди. Бир дараҳт мевага кириши учун боғбон қанча меҳнат қиласи. Бир инсон вояга етиб, элга нафи тегиши учун қанча устоз заҳмат чекади... Мактабда илк бор саводимни чиқарган ўқитувчи опадан тортиб, университетда таълим берган домлаларимгача барчасининг олдида қарздор ҳис киласан ўзимни...

Ижод сирларини ўргатган, ютуғимдан суюниб, камчилигимдан куюнган Абдулла Қаххор, Комил Яшин, Сайд Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Шұхрат домла, Аскад Мухтор, Матёқуб Қўшжонов, Туроб Тўла, Ҳамид Ғулом, Зулфия опа, Лазиз Қаюмов, Саида Зуннунова каби устозларим руҳи олдида таъзим қиласан. Ўлмас Умарбеков, Баҳо-

дир Фуломов, Шукур Ҳолмирзаев, Азиз Абдураззок, Нормурод Нарзуллаев, Үктам Усмонов, Рауф Парфи, Малик Муродов, Неъмат Аминов, Раҳматилла Иноғомов, Шавкат Раҳмон, Сайёр, Тўлқин, Муҳаммад Юсуф, Ҳабиб Саъдулла, Йўлдош Сулаймон, Ҳожиакбар Шайхов, Сафар Барноев, Тўра Сулаймон, Менгзиё Сафаров (барчасининг охирати обод бўлсин)лар номини эҳтиром билан эслайман. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Носир Фозилов, Жонрид Абдуллахонов, Эркин Самандар, Худойберди Тўҳтабоев, Учқун Назаров, Тоҳир Малик, Омон Матжон, Фарҳод Мусажонов, Умарали Норматов, Иброҳим Faфуров, Бахтиёр Назаров, Миразиз Аъзам, Абдуғафур Расулов, Карим Назаров, Турсунбой Адашбоев, Саъдулла Сиёев, Муҳаммад Али, Неъматилла Иброҳимов, Абдулла Аъзамов, Урфон Отажонов, Эркин Маликов, Шуҳрат Ризаев, Абдуқаҳҳор Иброҳимов сингари ҳамфирк ижодкор ва олимларни теран ҳурмат қиласан. Адабиётга катта ҳисса қўшган ва қўшаётган Ҳайдариддин Султонов, Эркин Аъзамов, Иқбол Мирзо, Анвар Обиджон, Ҳуршид Даврон, Набижон Бокий, Махмуд Тоирев, Сирожиддин Саидов, Саъдулла Ҳаким, Даҳаҳон Нурий, Шароф Бошбеков, Эркин Усмонов, Ашурали Жўраев, Мирпўлат Мирзо, Аҳмаджон Мелибоев, Уткир Раҳмат, Азим Суюн, Усмон Азим, Муҳаммад Очил, Шойим Бўтаев, Чори Латипов, Абдунаби Бойқўзиев, Улугбек Раҳимов, Баҳодир Каримов, Усмон Қўчкор, Сирожиддин Аҳмедов, Салим Ашур, Ҳамидулла Болтабоев, Носир Муҳаммад, Ҳуршид Дўстмуҳаммад, Қўчкор Норқобилов, Нормурод Норқобилов, Носиржон Тошматов, Нуриддин Исмоилов, Саид Анвар, Мурод Тиллаев, Илҳом Зоир каби дўстларим ва укаларим, Ҳалима Худойбердиеva, Ойдин Ҳожиева, Муҳаббат Шарафиддинова, Шарифа Салимова, Қутлибека Раҳимбоева, Дилбар Саидова, Фарида Афруз, Мунаввар Тош-

пўлатова сингари сингилларимиз ютуғидан қувонаман.

Рўйхат узайиб кетгани учун узр сўрайман. Бироқ адабиёт ва адабиётшунослик равнақида барча қаламкашларнинг ўзига хос ўрни бор ва ҳар бири хурматга сазовордир.

Устозлар ҳақида гап кетганда эса тагин бир фикрни айтиш керак. Албатта, барча устозларимни бирдек эъзозлайман. Аммо ҳар доим тўғри йўлга бошлаган, кези келса койиб, кези келганда қатъий ҳимоя қилган икки инсонни алоҳида таъкидлашим керак. Бири – Саид Аҳмад ака, бири – Озод ака...

Саид Аҳмад ака деярли барча асарларим кўлёзмасини ўқиган. Жўяли маслаҳатлар берган. Устоз билан мамлакатимизнинг ҳамма туманларида бўлганмиз десам муболага қилмайман. Устоз кириб борган давра гулдек яшнаб кетарди. Орага айрича кайфият, файз қўнарди... Ҳолбуки, мустабид тузум замонида ёзувчи Саид Аҳмад кўрган жабру жафоларни филнинг устига ортса, бели майишиб кетган бўларди.

Бир неча йил аввал Фарронга водийсига борганимизда устоз билан туни бўйи сухбатлашиб чиқдик. Саид Аҳмад акани ҳеч қачон бундай маҳзун қиёфада кўрмаган эдим. У кўзида ёш билан бошига тушган кўргуликларни айтиб берди. Саида опага уйлангач, куёв-келин бир-бирининг дийдорига тўймасдан, ёш ёзувчи Саид Аҳмадни машинага босиб олиб кетишгани, салкам бир йил коронги камерада бир ўзи ўтиргани, айбини бўйнига қўёлмаса ҳам судсиз-бошқасиз «халқ душмани» тамғасини ёпиштириб ўн йилга «кесиб юборгани», қўлига кишан солиб, юқ поездига босганча Қозористоннинг Бадбаҳтдала сахросига, мис конига обориб тиққани, конда ишлаганларнинг анчаси ўпкаси чириб қирилиб кетгани, бўёқда эса фариштадек покиза аёли, истеъдодли шоира Саида Зуннуновани «эрим халқ душмани» деб ариза ёзасан, эрингдан ажрашасан, деб мажбур қилишгани,

Саида опа бундай «ғамхўрлик»ни қатъият билан рад этгач, Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдашгани, муштипар қайнона билан ёш келин бир тийинсиз, оч қолгани...

Буни қарангки, Саид Аҳмад ака шунча азоблардан кейин ҳам бир-биридан дилбар романлар, ҳикоялар, «ичак узди» комедиялар ёзди. Ўзининг тили билан айтганда бир вақтлар «халқ душмани» деб бадарға қилинган одам Ҳалқ ёзувчиси бўлди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Қаҳрамони деган шарафли унвон олди...

Саид Аҳмад аканинг атоқли адабликдан ташқари яна бир гўзал фазилати бор эди. Устозга хурмат, шогирдга муруватни Саид Аҳмаддан ўрганиш керак. Ростини айтганда бирон ўзбек адаби устозлари, тенгқурлари ва шогирдлари ҳакида шунчалик кўп ва хўб ёзгани йўқ. «Йўқотганларим ва топганларим» китёби бунга мисол бўла олади.

Яна бир устозим Озод Шарафиддинов билан ҳам кўп сафарларда бўлганмиз. Тўғририғи, Озод аканинг ўзи бундай саёҳатларни олдиндан режалаштириб кўяр, сўнг кекса олим Субутой Долимов, Умарали Норматов, Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов ва бошқалар билан «тўнни елкага ташлаб» йўлга чиқилар эди. Охангарондан отлик юриб, домланинг Четсув қишлоғида яшайдиган қадрдони Абдуманноп ака бошчилигида тоғ орасидаги Арашон бува мукаддас булоғини зиёрат қилганимиз, чўпон ўтовида тунаб қолганимизда Тошкент университетининг боладек содда ва беғубор домласи Баҳодир Гуломовнинг сумкасига гўшт солиб кўйиб, эртасига «ўғирлигини фош қилиб», чойхона паловга туширганимиз, яйловга борганимизда эса дўпписини беркитиб кўйиб, ўзига сотганимиз, Қирғизистондаги Саричелак қўриқхонасиға кетаётуб ярим кечаси ўрмонда адашиб қолганларимиз – ҳаммаси соғинчли, ёруғ хотиралар бўлиб қолди. (Буларнинг бир қисми китобларга киритилган).

Тожик биродарларимиз «Боми дунё» – «Дунё томи» деб атаган Помир тогига қилган саёҳатимизнинг ўзи бир тарих.

Саратоннинг қоқ чилласида Қирғизистоннинг Ўш шаҳридан «ЗИЛ» юқ машинасига миниб, Тожикистоннинг Бадахшонига йўл олдик. Қалтис тоғ йўлларида енгил машина юролмас экан. Бир машина кабинасида Озод ака билан Бегали Қосимов, иккинчисида Абдуғафур ака билан мен Олой тоғлари оралаб кетдик.

Аввалига одатдаги тоғ йўлларидан юргандек бўлдик. Юз чақирилардан кейин дилга кутқу соладиган довонлар бошланди. Ўзимизнинг Тошкент – Қўқон йўлидаги Қамчиқ довонидан кўп ўтганмиз. Аммо бу йўллар олдида Қамчиқ довони оддий тепаликка ўхшаб қолди. Тўсатдан гупиллатиб қор ёға бошлади. Машинанинг юриши борган сайин оғирлашар, бир томон осмонга қадалган, ўшшайган қоялар, иккинчи томон тубсиз жарлик... Иккита машина рўпара келса бир-бирига йўл беролмайди... Бора-бора қор ҳам, булутлар ҳам пастда қолиб кетди. На бир дараҳт, на йилт этган гиёҳ қўринади. Ўша кезлари Америка астронавтлари Армстронг билан Олдриннинг Ойга кўниши тасвирланган фильмни кўрган эдим. Ўша кинодагига ўхшаган файзсиз фариб манзара. Ҳаммаёқ пости-баланд тоғлар... Июль ойининг ўртаси. Поча-пўстинга ўраниб олганмиз-у совукдан қалтираймиз...

Негадир уйқу босади.

– Ухламанг, ака, ухламанг! – дейди Солижон исмли ҳайдовчи шанғиллаб. – Бу йўлларда ухлаган одам қайта уйғонмай оёқни узатиб юбориши хеч гапмас.

Негадир нафас қисиб, юрак қинидан чиқиб кетгудек типирлайди.

– Пиёз чайнанглар, пиёз! – дейди Солижон баттар бақириб. Ҳайдовчи шунаقا бўлишини билиб, ярим хатлача нўшипиёз овлолган экан. Абдуғафур

ака иккаламиз пиёз пўстини титрок кўлларимиз билан арчиб, гарчиллатиб чайнадик. Пиёз димоқни куйдириб юборгудек бўлса ҳам, негадир нафас олиш енгиллашди. Ҳайдовчи ҳам бир қўллаб руль чамбарагини ушлаган кўйи пиёз чайнади. Шундай қилинса нафас йўли очиларкан...

Бир маҳал қандайдир ягона ўтов олдида тўхтадик. Нарироқда жуни ергача осилиб тушган, оёклари калта, шоҳлари қайрилиб кетган, катта-катта кўзлари одамга хўмрайиб боқадиган кўтослар (яклар) тентираб юрибди. Қизик, йилт этган кўкат йўқ бу жойларда нима еркан, бу жониворлар?

...Иссиқина ўтов ўртасида чўян печка гуриллаб ёнар, ўрта ёшлардаги қирғиз аёл боласини тоғорага солиб чўмилтирар, қатиқ иси келар эди... Аёл Абдуғафур аканинг юзига синчиклаб қарадида, хитоб қилди:

– Ўй-баёв! Тутак опти-ку, сени!

Қарасам, Абдуғафур аканинг юзи кўкариб кетибди.

– Сени-да тутак опти! Иш муни! Қўтасдинг қатифи! Ишмасанг бўлбайт! Жикилиб қаласин! – Аёл шундай деб иккаламизга бир косадан қатиқ тикишитирди. Қатиқка йирик-йирик пиёз тўгралган эди. Бир қадар енгилроқ нафас олгандек бўлдик.

Тутак дегани ҳаво сийраклиги, кислород етишмаслигидан бўладиган касаллик экан. Тоққа қанча баланд кўтарилсангиз, ҳаво шунча сийраклашиб, босим ўзгаради. Юрак ҳар дақиқада 120 мартагача уриб, қинидан чиқиб кетгудек бўлади. Ўрганмаган одам беҳосдан эллик – олтмиш қадамга югурса, юраги ёрилиб кетиши мумкин. Солижон бу йўллардан кўп юрган. Шунга қарамай ҳар гал сафарга чиққанида ичиди Яратганга минг бир тавалло қилишини тан олди. Айтишича, бир вақтлар бу йўллардан яккам-дуккам отлиқ йўловчилар ҳам ўтган. От йиқилиб қолса, тумшуғига бигиз тикиб қонатилса, от жонивор пишкириб ўрнидан туриб кетаркан...

— Энг қийин жойдан энди ўтамиз, — деди Солижон «суюнчи оладигандек». — Оқбайталдан омон-эсон ўтиб олсак марра бизники! Буёғига машинани түхтатиш ҳам, моторни ўчириш ҳам мумкинмас. Мотор ўчса қайта ўт олмайди, ҳаво етишмайди...

Оқбайтал дегани денгиз сатхидан салкам беш чақирим баландда жойлашган довон бўлиб, унга етиш учун «Қуюн водийси» лақабини олган Маркансу деган жойдан ўтиш керак экан. Начора, ўтилди, ўттиз чақиримга чўзилган ўша водийдан ҳам. Атроф ҳамон ой сатхидагига ўхшаш файзсиз манзара. Ҳаммаёқ қум ва тошлок. Осмон тиник, аммо қандайдир кўкимтири қора рангда. Муттасил бўрон гувиллайди. Машина ойнасига данакдек тошлар чарсиллаб урилиб дилга фулу солади... Худонинг қудратини қарангки, мана шу чўққида ҳам қўл бор экан! Бу бошидан қарасангиз нарига боши кўринмайдиган кўл! Исми жисмига монанд: Коракўл! Кўлда балиқ тугул бирон бошқа жонзот, ҳатто сувўтлариям йўқ. Улик кўл...

Ярим кечаси Мурғоб деган жойга етиб бордик. Қандайдир қурилиш бўлаётган экан. Мотор билан ёқиладиган электр чироқ, совуқдан жон сақласа бўладиган хона бор. Чой келтиришни илтимос қилдик. Озод домла стакандан бир хўплам чой ичиб, ранжиди. «Иссикроқ чой йўқми, совук қақшатиб юборди-ку, одамни!» «Меҳмонхона» ходими қўрсрок экан, «ёқмаса ўзларинг қайнатиб олинглар» дегандек жавоб қилган эди, домла менга буюрди. «Боринг, ўзингиз дамлаб келинг! Эплаб чой қайнатишниям билмайди булар». Ошхонага кирсам, электр плита устида сирланган яшил чойнак бақирлаб қайнаб турибди. Янги чой дамлаб келдим. Ичиб қўрсак, бу ҳам кўнгилни айнатадиган даражада илиқ. Бояги ходимнинг гапини энди тушундик. Ҳаво босими чатоқлиги сабабли сув олтмиш даражада қайнаб кетар, овқат қилсангиз картошкаси пишса гўшти, гўшти пишса картошкиси пишмас экан...

Эртасига тушга яқин Қўйтезак деган жойга етганимизда йўл четида кўкатлар, пастак тол дарахтлари кўринди. Кўзимиз шунаقا қувондики, янги йилда Қорбободан совға олган гўдак ҳам бунақа суюнмаса керак. Одам ўзини баҳтли ҳис қилиши учун кўп нарса керак эмаслигини ўшандада англадим... Сўнг тағин бир ҳақиқатни тушундим. Узоқдан, мафтункор кўринган тоғларнинг одамовилиги, қайсар феъли бўларкан. Чўққига кўтарилишни орзу қилганлар, бунинг хавф-хатарини, битта қалтис қадам кўйса, охиривой бўлишини ҳам бўйнига олиши керак экан...

«Дунё томи» – Помирга қилган саёҳатимиз «Нур борки, соя бор» романининг журнал вариантида, баъзи саёҳатномаларда тасвирланди. Аммо ўша ажабтовур таассуротларнинг ҳаммаси қоғозга тушди, деёлмайман...

Сайд Аҳмад ака ҳам, Озод ака ҳам Ўзбекистоннинг қайси чеккасига бормасин, ўнлаб шогирдлари истиқболига пешвоз чиқиб, бошига кўтаргудек бўларди. Фарғонада – Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳаким, Йўлдош Солижонов, Андижонда – Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа, Намангандаги – Нуриддин Бобохўжаев, Ҳабиб Саъдулла, Зиёвуддин Мансур, Бухорода – Тошпўлат Аҳмад, Садриддин Салимов, Қашқадарёда – Исмоил Тўхтамишев, Муҳаммад Очил, Самарқандда – Муслиҳиддин Муҳитдинов, Хоразмда – Рўзмат Отаев, Ошиқ Эркин, Сирдарёда – Тўра Сулаймон, Умрзок Ўлжабоев, Жиззахда – Усмон Қосимов, Қодиржон Пирматов... Устозлар ҳам бу шоир, адаб ва олимларнинг асарларини мунтазам кузатиб боришар, лозим бўлса, маслаҳат ва ёрдамини аямас эди...

Саксонинчи йилларнинг охири – тўқсонинчи йиллар бошида Озод домла билан Бешариқдаги «Рапқон» сиҳатгоҳида бир неча мавсум оиласидаги дам олдик. Домланинг нақадар одамшавандада, тेरан билимли, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқатни

ва адолатни ҳимоя қиласидиган одам эканини кўп бор кўрдим. Фарғона водийсида қанчадан-қанча дўстлар орттиридик, ака-ука бўлиб кетдик. Озод Шарафиддинов ҳам Саид Аҳмад ака каби Мустақиллик шарофати билан эътибор топди. Қахрамон бўлди.

Инсон қисмати шахмат таҳтасидаги пиёданинг юришига ўхшар экан. Ҳаётимда нурли кунлар ҳам бўлди, булатли онлар ҳам. Садоқатни ҳам кўрдим, хиёнатни ҳам. Виждани булоқдек покиза инсонларга ихлос кўйдим, андишани қўрқоқлик, камтарликни нодонлик ҳисоблайдиган юзсизларга ҳам дуч келдим.

Ҳаммамиз ҳом сут эмган бандамиз. Менинг ҳам камчилигим ва нуқсонларим, ўзим билиб-бilmай килган хатоларим йўқ эмасдир. Ҳамма қатори ўз ҳаётий принципларим бор. Тўғрилик, соғдиллик, самимийликни энг гўзал инсоний фазилат деб биламан. Қамишга ўхшаб шамол қаёққа эssa, ўша ёққа «шоҳ ташлайдиган» мунофиқларни, ўзидан бошқа ҳаммага ғашлик қиласидиган ғаразгўйларни ёмон кўраман.

Қаламкаш учун китобхон қалбига озми-кўпми эзгулик нурини олиб кириш, унинг қувонч ва ташвишлари, муҳаббат ва нафратини ҳалол, таъсирчан тасвирлашдан ортиқ баҳт йўқ.

Зеро ҳар қандай китобнинг холис баҳосини китобхон ва вақт белгилайди. Шу маънода айтиш мумкинки, асарнинг эгаси ёзувчи эмас. Асарнинг эгаси – ўкувчи. Ўқувчиси йўқ асар эгаси ташлаб кетган ховлига ўхшайди... Хатлар ёзган, учрашувларда айрим китоблардан ёддан парчалар ўқиган, асар қаҳрамонлари қисмати ҳакида шеърлар битган ўқувчиларга мингдан-минг раҳмат дейман. Ўзининг шоир ва адиларини бағрига босадиган, маънавияти юксак ҳалқимиз борлиги билан фахрланаман!

Давлатимиз, Юртбошимиз камтарин меҳнатимни қадрлагани, «Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси»

унвони, «Меҳнат шуҳрати», «Буюк хизматлари учун» орденлари, Давлат мукофотлари билан тақдирлаганидан беҳад миннатдорман. Мен учун тағин бир мукофот бор. Бу – китобхон меҳри. Ўқувчи меҳрини ялиниб ҳам, зўравонлик қилиб ҳам, сотиб олиб ҳам бўлмайди.

Ижод юз метрли масофада ким ўзарга югуриш эмас. Ижод ўта мураккаб, ўта масъулиятли, олис ва машакқатли йўл. Истеъдод дегани Аллоҳ берган неъматdir. Ёзувчилик эса – қисмат. Қисматнинг ўз қонун-қоидалари бўлади. Худо ёзганини бандаси ўчиролмайди, Худо берганини бандаси тортиб ололмайди...

Оиламдагилар ижодни яхши тушунишади. Умр йўлдошим Ўлмасхон – адабиётчи. Кўп йиллардан бери Тошкент Педагогика коллежида ишлайди. У кишининг шогирдлари меникидан кўп. Аёлим мендек анчайин инжиқ, «битта гап камлик, иккитаси кўплик қиласиган» одамга шунча йилдан бери чи-даб келаётгани, ижод қилишим учун қулай шароит яратишга уринганига раҳмат.

Ҳамиша бир орзу билан яшайман. Шунақа китоб ёсангки, уни ўқиган китобхон ҳамма нарсани унутса, асар қаҳрамонлари ҳаёти билан яшаса. Китобни ўқиб бўлган куни кечаси билан ухломай, тўлғониб чиқса. Орадан йиллар ўтиб асарни қайтадан қўлига олганида тағин ҳаяжонланса, янги маънолар топса. Энг катта орзум шу.

Нимаки ёзсан энг аввал умр йўлдошим, ўғлим, қизим, келиним биринчи бўлиб ўқишади. Дастлабки «олқиши»ни ҳам, «танқид»ни ҳам шулардан эшиштаман. Яратганга беадад шукр: икки фарзанд, беш нафар набирам бор. Ҳамма қатори мен ҳам уларни оила чироғи деб биламан.

2010 йил.

(Тұлдирілған ва қайта ишланған нашри)

Азиз ўқувчим! Бу китобни ёза бошлаганимга қирқ үйлдан ошиди. Булар – менинг кузатувларим. Үйларим. Бир қадар армонли, бир қадар истеңзоли, бир қадар табассумли Хулосаларим... Аслида уларнинг ҳар бирини алоҳида асар қылса ҳам бўларди-ку, майли... Илтимос, Сиз ҳам китобни шошилмасдан, ўйлаб ўқисангиз...

Тагин бир гап. Баъзи кузатувлар остига ёзилган санаси таъкидлаб қўйилған. Сабаби – улар Ватанимиз бошига оғир кулфат – «ўзбек иши», «пахта иши» деган қатагон ёзилган кезлари ёзилған. Бу гапларни ўша пайтда эълон қилиш мумкин эмас эди. Яратганга шукр, юртимиз Мустақилликка эришди. Шўро замонининг баъзи ҳунарларини эслаб қўйиш бугунги кунимизни қадрлашга хизмат қиласди, деб ўйлайман.

Ушбу битикларни ҳаётнинг барча аччик-чучугини мен билан баравар тотган умр йўлдошим, маслакдошим, фарзандларимнинг Онаси – Ўлмасхонга багишлайман.

Муаллиф.

ТАҚДИРИ АЗАЛ

Худо ёзганини бандаси ўчиролмайди.
Худо берганини бандаси тортиб ололмайди.

ДЕВОНАИ ҲАҚГҮЙ

Телбаларга таъзим қилинг!
Юзта донишманд айтотмаган ҳақиқатни битта
төлба айтади!

ДАРВИНГА ЭЪТИРОЗ

Дарвин таълимоти нотўғри. Одам маймундан эмас, маймун одамдан тарқаган. Оёғи ердан узилмаганлар одам бўлиб қолган. Оёғи ердан узилгандар эса маймун бўлиб дараҳтга чиқиб кетган... Бу жараён ҳамон давом этмоқда...

МУНОЖОТ

Худодан, умр бер, деб сўраганларни кўрдим.
Худодан, баҳт бер, деб сўраганларни кўрдим.
Худодан, фарзанд бер, деб сўраганларни кўрдим.
Худодан, давлат бер, деб сўраганларни кўрдим.
Худодан, омад бер, деб сўраганларни кўрдим.
Фақат... Худодан, эй, Яратган Эгам, мен – но-
донга бир чимдим ақл бер, деб сўраган бандасини
кўрганим йўқ!

ЎКИНЧ

Дараҳтнинг мева туғишига шай турган қанчадан-қанча гулларини бемаврид шамоллар учирив кетгани сингари умримнинг қанчадан-қанча онлари ҳасадгўй ва мунофиқлар етказган жароҳатлардан оғринишу, турмуш икир-чикирларини ўйлаш билан бесамар ўтаётганига ўқинаман...

ЭНГ АҚЛЛИ ЖОНИВОР

Дунёда энг ақлли жонивор – балиқ! Биринчидан, соқов. Иккинчидан, муттасил думини ликиллатади!

«ТАБИАТ ГУЛТОЖИ»

Кийик оч қолмаслик учун кўкат ейди. Аммо бир-бирини ўлдирмайди. Шер оч қолмаслик учун кийикни ейди. Аммо бир-бирини ўлдирмайди. Одам кўкатни ҳам ейди. Кийикни ҳам ейди. Кўнгил хуши учун шерни ҳам ўлдиради... Кейин... уруш қилиб, бир-бирининг бошини ейди...

«БИЛИМДОН»

Ҳамма нарсани биламан, дейдиган одам ҳеч ни-
мани билмайди!

ЧЕГАРА

Одамзот нима учун кафтдек ҳовлисига гул эка-
ди? Ундан кўра шолғам экса, қозонига тушади-ку.

Одамзот нима учун булбул чаҳ-чаҳини эшитган-
да энтикиб кетади? Ундан кўра булбулни шўрвага
солиб пиширса, нафсини қондиради-ку.

Одамзот нима учун осмонда чарақлаб ётган юл-
дузларни кўриб, кўнгли завққа тўлади? Юлдузлар
унинг ҳамёнидаги тиллалар эмас-ку.

Одамзот нима учун китоб ўқиётуб, суюкли қаҳ-
рамони ўлиб қолса йифлайди? Уни ёзувчи «ичидан
тўқиб чиқаргани»ни билади-ку?

Одамзот нима учун ўзга юртларга бориб беҳисоб
мол-дунё орттирасаю, иттифоқо болалиги кечган
кулбаси тушига кириб қолса, туни билан йифлаб
чиқади? Ахир у шоҳона қасрда яшайди-ку.

Одамзот нима учун боласининг бошида алла айт-
ади? Гўдак алла эшитмаса ухламайдими?

Одамзот нима учун неварасини етаклаб неча за-
мон аввал ўтиб кетган бобосининг қабрини зиёрат
қиласди? Марҳум уларни кўрмайди-ку?!

Гап шундаки, Одамзотни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи Маънавият деб аталади!

ЙИГИРМАНЧИ АСР

Йигирманчи асрда сил, безгак, чечак каби бедаво дардларга шифо топилди ва миллионлаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди. Йигирманчи асрда «спид» деган бедаво дард пайдо бўлди ва миллионлаб инсонлар ҳаёти хавф остида қолди.

Йигирманчи асрда дахрийлар тузуми барҳам топди ва миллионлаб инсонлар иймон сари юз тутди. Йигирманчи асрда диний экстремизм авж олди ва миллионлаб инсонлар ҳаётига қутқу солди.

Йигирманчи асрда мустамлакачиликка чек қўйилди ва миллионлаб инсонлар ҳурликка чиқди. Йигирманчи асрда фашизм ва тоталитаризм авж олди. Миллионлаб инсонлар Гитлер ва Сталин қамоқоналарида қурбон бўлди.

Йигирманчи асрда «учар гиламлар», «ойинаи жаҳонлар», компьютерлар кашф этилди ва миллионлаб инсонлар уларнинг хизматидан баҳраманд бўлди. Йигирманчи асрда икки марта жаҳон уруши рўй берди ва миллионлаб инсонларнинг ёстифи қуриди.

Йигирманчи асрда самовий кемалар яратилди ва инсон қадами Ойга етди. Йигирманчи асрда миллионлаб инсонларни қириб ташловчи ядро қуроли ўйлаб топилди ва синовдан «муваффақият билан» ўтди...

Йигирманчи аср – донишмандлар асри.

Йигирманчи аср – телбалар асри.

ХУДБИН

Ўзидан бошқа ҳаммани ёмон кўрадиган одам охир-оқибат ўзидан бошқа ҳамманинг нафратаiga йўлиқади.

ХАВФЛИ ОДАМ

Яхшигаям, ёмонгаям бирдек яхши күринишга уринадиган одам энг хавфли одамдир!

ИНСОН ВА ШАЙТОН

Баъзиларга ҳайрон қоласиз. Қилғиликни қилиб қўяди-да, «Билмай қолдим, шайтон йўлдан урди», дейди... Тўғри, одамзот қонида шайтон васвасаси айланиб юриши – бор гап.

Аммо... Шунақанги эркаклар борки, қирқта урғочи шайтонни болалатиб ташлайди. Шунақанги аёллар борки, қирқта эркак шайтонни алимент тўлайдиган қилиб қўяди...

Ҳамма айбни шайтон шўрликка тўнкайверманг!

АЁЛ ҚАЛБИ

Аёл қалби тескари магнитга ўхшайди: яқинлашсанг – узоқлашади, узоқлашсанг – яқинлашади.

ЁҚИМЛИ ДУШМАН

Умрбод ортингдан эргашиб юрадиган ёқимли душман – нафс!

САЛТАНАТ

Салтанат – қуёшга ўхшайди. Жуда яқин борсанг, ёниб кетишинг, жуда узоқ кетсанг, музлаб қолишинг мумкин.

ГЎДАК ИСИ

Аёл гўдак исини биринчи фарзанди туғилганидаёқ ҳис этади. Эркак эса гўдак иси нималигини неварали бўлганидан кейин англайди!... Биз – эркаклар доим кечикиб юрамиз....

ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

У оддий одам эди. Ҳаммолчилик қиласарди. Тўртқиз, уч ўғилни оёққа турғазди. Ўғилларини уйлан-

тирди. Қизларини чиқарди. Ҳаммасини уйли-жойли қилди.

Кўз юмаётганида «Ҳаммаларингдан мингдан-минг розиман», – деди...

Қарашса, кафанлиги йўқ экан...

АНДИША

Ота-боболаримиз шундай деб танбеҳ берадилар: «Ўчиқбошини ҳеч қачон қўшнининг деворига ёпишириб солма. Таом пишираётганда ўчоғингдан чиққан тутун қўшнининг кўзини ачитса, еган овқатинг ҳаром бўлади!»

...Ўзбекнинг андишасини исботлаш учун яна қандай мисол керак?

НОАҲИЛЛИК

Олтмишинчи йиллар латифаси.

Қадим замонда бир юрт подшосининг ҳазинасидан бебаҳо гавҳар йўқолибди. Бошқа юртлардан келган савдогарлар гумон билан ҳибсга олинибди. Атрофига қилич яланғочлаган соқчилар қўйилибди. Иттифоқо ўша юртга тўрт нафар ўзбек савдогари ҳам бориб қолган экан. Уларни ҳам ҳибсга олибдилар. Аммо тепасига соқчи қўйишмабди. Сабабини сўрашса, «буларга соқчининг кераги йўқ, бири кутулмоқчи бўлса, иккинчиси тутиб беради», дебдилар...

Етмишинчи йиллар латифаси.

Арман радиосига савол берибдилар:

– Париждаги кўрикда уч юлдузлик арман конъяги олтин медаль олди. Беш юлдузлиги нима учун ҳеч нима олмади?

Арман радиоси жавоб берибди:

– Ва-а-ах! Ўзимиз ҳам ҳайронмиз! Иккаласи битта бочкадан қуйилган эди-ку!

Саксонинчи йиллар фожиаси.

Юртимизда «ўзбек иши» деган қатағон рўй берди. Минглаб бегуноҳлар қамоқقا тиқилди, олис

юртларга бадарға қилинди. Ўзбек «қўшиб ёзувчи» бўлди. «Порахўр» бўлди. «Боқиманда» бўлди. Азбаройи «қўшгани» учун эмас, лоқайдлиги учун. Азбаройи пора олгани учун эмас, бир ёқадан бош чиқаришни билмагани учун. Азбаройи текинхўрлиги учун эмас, ноаҳиллиги учун!

Иккинчи мингинчи йил саволи.

Қачон қовушамиз? Қачон?!

ҲАҚИҚАТ

Шу қадар ширинки, тотиб кўргинг келади. Шу қадар аччиқки, тилингни куйдиради!

ИШОНЧ. ОРЗУ. УМИД. ИЛИНЖ

Ишонч йўқолса, Орзу қолади.

Орзу йўқолса, Умид қолади.

Умид йўқолса... Илинж қолади.

Илинж йўқолса, Ҳеч нима қолмайди...

КАМОЛ ВА ЗАВОЛ

Одам ўз фарзандларининг йил сайин ўсиб, камол сари кетаётганини биладиу, ўз ота-онасининг йил сайин чўкиб, завол сари кетаётганини билмайди...

ПУЛ

«Пул – макруҳ нарса, одамни бузади!»

Камбағал шундай деб, ўзини юпатади ва бора-бора қашшоқقا айланади.

Бойвачча шундай деб, ўзгаларни юпатади ва бора-бора бой отага айланади.

ҚАЛДИРФОЧ

Эътибор берганмисиз: қалдирфочлар файзсиз, ноаҳил хонадонга ҳеч қачон ин қурмайди. Гоҳо қалдирфоч одамдан ақллироқмикин, деб ўйлаб қоламан.

АТЛАНТИКА ОКЕАНИ УСТИДА

Тепада бир уммон, пастда бир уммон,
Икки денгиз аро кечар лаҳзалар.
Хаёлга толаман: мен ўзи кимман?
Ожиз ва нотавон зарра... алҳазар!

ОШКОРАЛИК

Ошкоралик шундай дарахтки, унинг мевасини
энг аввал чинқироқ маймунлар ейди.

КАТАЛИЗАТОР

Бошингизга синов тушса кўп нарсани йўқоти-
шингиз мумкин. Лекин ҳар ёмоннинг бир яхиси
бўлганидек, анча нарса ютасиз ҳам. Ким дўсту ким
душман, ким содифу ким мунофиқ – билиб оласиз...
Ишонинг: бу – озмунча ютуқ эмас...

ДЕБОЧА

Адолат Ҳақиқатни айтиш ва тинглашдан бошла-
нади...

КУЛГИ ВА ЙИФИ

Кулишни билмайдиган одам – бахтсиз одам
Йиғлашни билмайдиган одам икки ҳисса бахтсиз!

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ...

Болалигида қуш уясини бузишга одатланган
одам катта бўлганида бироннинг оиласини бемалол
буза олади.

ЭВРИЛИШ

Тарих такрорланиб туради, деган гап бор. Ин-
соният ибтидоий жамоага қайтиши мумкин. Бу-
нинг илк белгилари ҳозирдан кўриняпти: китоб
ўқийдиганлар камайиб боряпти.

ХУШЁР БҮЛИНГ

Аёл сизни жуда қаттиқ севса, ҳушёр бўлинг. Оташин муҳаббат – рашкка, рашк – шубҳага, шубҳа – худбинликка, худбинлик – душманликка айланиси мумкин.

СОПОЛ ВА ОЛТИН

Сопол товофинг синса, дод сол: кесакка айланади. Тилла идишинг синса, парво қилма: баҳоси тушмайди!

ЮК КЎТАРГАН...

«Юк кўтарган одам юзага чиқади», дейдилар... Чиқади. Албатта чиқади! Фақат юк кўтарганни суяб юборадиган Қўл бўлса бас!

ДУО ВА ҚАРФИШ

Дунёда халқ дуосини олишдан ортиқ савоб йўқ.

Дунёда халқ қарфишига қолишдан ортиқ гуноҳ йўқ.

МАСЛАҲАТ ВА НАСИҲАТ

Кўмак тилаб ёки маслаҳат сўраб борганингда ёрдам бериш ёки йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига «отандан аъло» насиҳат қиадиган дўст – дўст эмас, шунчаки таниш, холос.

ИНСОФ ВА ИЙМОН

Одам ўз манфаатига мос келиш-келмаслигидан қатъи назар эзгу амалларни бажарса ва қилиш мумкин бўлмаган ишлардан тийилса, инсофли бўлади. Бунинг учун у мукофот олмаслиги мумкин. Аммо иймони тўкис бўлади. Шу боисдан бундай инсонни иймонли дейдилар.

Одам эзгу амаллардан манфаат тополмагани учун улардан воз кечса ва қилиши мумкин бўлмаган

ишларни қилса, ноинсоф бўлади. Бунинг учун у жа-
золанмаслиги мумкин. Аммо иймонга шикаст етади.
Шу боисдан бундайларни иймонсиз дейдилар.

Иймонсизлик эса қабоҳатлар учун дарвозани
ланг очиб қўйиш билан тенг!

Инсоф – иймон дарвозасининг посбонидир!

ГУМРОҲ БАНДАЛАР

Одамларга ҳайронсан. Ота-онаси тириклигига
икки оғиз ширин сўзни текинга айтмайди-да, улар
ўлганидан кейин минг-минг пул сарфлаб, ўша сўз-
ларни қабртошга ёздириб қўяди...

МАЙМУНИЯТ

Олимлар ер юзида одамсимон маймунлар ка-
майиб кетяпти, деб бонг урмоқда. Улар ташвишлан-
маса ҳам бўлади. Ер юзида маймунсимон одамлар
кўпайиб бормоқда...

КЎЗГУ

Аёл киши ҳуда-беҳудага ўзини кўзгуга солавер-
са, ҳушёр бўлинг: бир гап бор...

БАХТЛИ ВА БАХТСИЗ

Бахтли одам худбин бўлади: бахтсизларга ачин-
майди. Бахтсиз одам ҳам худбин бўлади: бахтлилар-
га файрлиги келади.

ДАЬВО

Донолик билан нодонлик шу қадар яқинки, одам
доноликни қанча кўп даъво қилса, шунча нодон
бўлади!

«ДАҲО» ЭКАНСИЗ!

«Аёл қавмини ипидан игнасигача биламан», дей-
сизми? О-о-о, сиз даҳо экансиз!

Айтингчи, шарқдан секундига беш-етти метр тезликда эсаётган шамол ўн дақиқадан кейин шимолга буриладими, жанубгами? Ярим соатдан кейин изиринга айланадими, бўронгами?..

БЕЛГИ

Мақтанчоқлик қариликнинг биринчи белгисидир.

ХУДОНИНГ ҚУДРАТИ

Тангри шунақанги қудратлики, хоҳласа, гулшанинг қоқ ўртасида сассиқ алаф ўстиради. Хоҳласа, ботқоқнинг қоқ ўртасида нилуфарни гуллатиб қўяди...

ЛАЙЛАК

Она ёш эди. Она навжувон эди. Бола фур эди, бола гўдак эди... Кунларнинг бирида она-бола қишлоқقا – узоқ қариндошлариникига борадиган бўлишди. Она қаддини роз тутиб, тез-тез юриб борар, бола эса аланг-жаланг қилиб атрофдаги манзараларни томоша қиласа эди. Қишлоқ гузарида ярмини яшин учирив кетган баҳайбат чинор бор экан. Бола дарахтни кўриб анграйиб қолди: чинорнинг тарвақайлаб ўсган шохида супрадек каттакон уя қорайиб кўринар, уяда эса оёғи, тумшуғи узун бир қуш турар эди.

Бола мўъжиза кўргандек таққа тўхтаб қолди.

– Анави нима, ойи? – деди ўша томондан кўз узмай.

– Лайлак, ўғлим, лайлак! – она ўғлининг бошини силаб қўйди. – Юра қол, жоним

Бола ҳеч қачон бунақа қушни кўрмаган эди. Қуш негадир бир оёқлаб турагди. У яна тўхтаб қолди.

– Нима у, ойи? – деди тағин чинор учига кўз тикиб.

– Лайлак, ўғлим, лайлак.

– Нимага бир оёқда турибди?

Она кулди:

– Бир оёғи чарчагандир-да. Юра қол, жоним

Оёғи узун қүш негадир бўйини чўзиб, тумшүғини осмонга қаратиб силкитар, шунда «тарактарак» деган овоз эштиларди.

Бола тағин тўхтаб қолди.

– Нима ўзи у, ойи?

Унинг кўзларида қувонч бор эди. Ҳайрат бор эди. Она шошиб турарди. Мингта юмуши бор. Ҳали шаҳарга қайтиши керак.

– Лайлак дедим-ку, жиннивой, – деб оҳиста эгилуб, ўғлининг юзидан ўпди. – Сенга салом беряптида.

Она ёш эди. Она навжувон эди.

...Орадан ўттиз йил ўтди. Бола йигит бўлди. Она кексайиб қолди. Оёғидан мадор, кўзидан нур кетди.

Кунлардан бирида она-бола иттифоқо яна ўша қишлоққа бориб қолдилар. Йигит қаддини фоз тутиб тез-тез юриб борар, она эса толикқан оёқларини, оғир-оғир кўтариб босганча ҳарсиллаб келарди. Гузардаги ярмини яшин учириб кетган чинор ҳали ҳам бор экан. Буни қарангки, чинорнинг тарвақайлаб ўсган шохида ҳамон супрадек каттакон уя қорайиб кўринар, уяди эса оёғи, тумшуғи узун лайлак турарди. Йигит лайлакка бир қараб қўйдию қадамини тезлатди.

Орқада келаётган она нурсизланиб қолган кўзларини чинорга, чинор шохида қорайиб турган уяга тикди. Шоҳда осилиб турган нарса кўзига фалати кўринди.

– Анави нима, ўғлим? – деди тўхтаб.

– Лайлак, ойи, лайлак!

Она яхши эшитмади. Уч-тўрт қадам юриб яна тўхтаб қолди. Саватдек нарса ичида бир нима оқариб кўриняпти. Тавба...

– Нима, ўғлим? – деди кўзларини пирпиратиб.

Ўғил таққа тўхтади. Фаши келди. Ўзи шошиб турибди: мингта иши бор! Одам қариганидан кейин эзма бўлиб қоларкан-да!

– Лайлак! – деди жеркиб. – Лайлак деяпман-ку, кармисиз!

Шундай деди-ю, жаҳл билан тез-тез юриб кетди.
Начора, йигит ёш, йигит навқирон. Унинг юмуши қўп. Ҳали шаҳарга қайтиши керак... Унинг фўр, гўдак болалари бор...

ТАРИХ «ХАТОСИ»

Тўққизинчи аср. Муҳаммад ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди.

Ўнинчи аср. Абу Наср Форобий Аристотелнинг «Метафизика» асарига энг мукаммал шарҳ ёзиб, «иккинчи устоз» унвонини олди.

Ўн биринчи аср. Абу Райхон Беруний Ер билан Ой ўртасидаги масофани ўлчади. Ибн Сино медицина Қомуси – «Тиб қонунлари»ни яратди.

Ўн тўртинчи аср. Соҳибқирон Амир Темур Евроосиёning ярмини тасарруфга олди. Аҳли илм бошини силаб, ўлмас обидалар яратди.

Ўн бешинчи аср. Улуғбек 1019 юлдузнинг ҳарат жадвалини тузди. Алишер Навоий ўлмас «Ҳамса»сини ёзди.

Ўн олтинчи аср. «Бобурнома» оламга тарқалди.

Ўн еттинчи аср. Шоҳжаҳон дунёдаги етти мўъжизанинг бири – «Тожмаҳал»ни бунёд этди.

Йигирманчи аср. Ўзбек совет олимлари мисли кўрилмаган «ихтиро» қилдилар: тарих «хато»сини тузатиб, ўтмишда биз ёппасига «саводсиз» бўлганимизни исботлаб бердилар...

УМР

Танишдилар...

Севишдилар...

Турмуш қурдилар...

Фарзанд кўрдилар...

Тўнғичи нимジョンроқ эди. Касал бўлиб, қўп куйдирди...

Ўртанчаси ўйинқароқ эди... Қамалиб чиқди...

Кенжаси қиз эди... Эркароқ ўсади. Турмуши бузилди...

Бир куни эркак кечаси уйғониб кетди. Узоқ ўйлаб ётди. Қараса, аёли ҳам уйғоқ экан.

— Онаси,— деди.— Дунёга келиб нима күрдик ўзи?

— Билмасам, — деди аёли хұрсина...

...Боботоқша борганимда қуриб қолган иккита дарахтни күргандым. Иккаласи бир-бирига сұяни-и-иб турарди...

КУЧСИЗНИКИ – КУЧЛИ

Кучли одамнинг ғазабидан қўрқманг. Ожизникидан қўрқинг! Кучли тўкса, ўз ғазабини тўқади. Ожиз эса ғазаби билан бирга ўзгалардан кўрган ситамини ҳам қўшиб сочади...

ТОВУҚ

Жўжаси чийиллаб, безор қилмаслиги учун тухумини инкубаторга топширди. Энди бошқа Хўroz билан дон олиши-и-иб юрипти...

ОҚ ВА ҚОРА

(Хуқуқшунос укамга тилагим)

Қора қофоз ҳарчанд ювган билан оқ бўлмайди. Оқ қофозни қора қилиш учун бир чизиқ тортиш кифоя.

Қорани оқлаш эмас, Оқни қораламаслик адолатдир!

АҚЛ ВА ТҮЙФУ

Эркак – ақлга, аёл – туйфуга мойил, дейдилар.

Ақли туйфусига бўйсунган эркак – нодон. Туйфуси ақлига бўйсунган аёл донодир...

ДИЛ ВА ТИЛ

Дили билан тили муттасил бир кўчадан юрадиган одамга осон тутманг...

УЯТ

Бандасидан уялмаган одамнинг Худодан қўр-қишига ишониш қийин.

ЭВОЛЮЦИЯ

Ота-боболаримиз бундан юз минг йил аввал бир-бирини тошболта билан ўлдирган. Биз бир-бири-мизни ядро қуроли билан қириб ташлаш йўлини ўйлаб топдик.

«Ўсиш» бўлса, шунчалик бўлади-да!

«ГИРГИТТОН БУВИ»НИНГ ЯПОН НЕВАРАСИ

Ҳали мактабга қатнамасдим Куз палласи томо-фимга «тепки» келиб, бўйним шишиб кетди. Ойим «иримини қилиш» учун «Гиргиттон буви»ни книга олиб чиқди.

Дунёда «Гиргиттон буви»дан мулоим, ундан меҳрибон одам бўлмаса керак. Ҳамма билан «бувинг гиргиттон» деб айланиб-ўргилиб кўришади... Бувининг ҳовлисига кирсак, этакдаги девор тагида аллақанча ёнфоқ думалаб ётибди. Кечаси шамолда тўкилган бўлса керак. Югуриб бориб, тера бошладим. Бир маҳал айвон томондан «Гиргиттон буви»нинг овози келди:

– Ҳай, ҳай, гиргиттон, тегма, ёнфоқقا! – Шундай деб илдам келди-да, қўлимдаги ёнфоқларни олиб, пастак девор оша нарёқقا улоқтира бошлади.

Сўнг хазон орасида ётган бошқа ёнфоқарни ҳам энкайиб терганча, девор ортига ташлади. Бувининг бундай «қизғанчиқ» лигига ҳайрон бўлиб туриб қолдим Ниҳоят тўкилган ёнфоқлар қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, қўлимдан етаклади. «Юрақол, гиргиттон, санга бошқа ёнфоқ бераман!» Шундай деб, пастак бостиurmaga олиб кирди-да, саватда уйилиб ётган ёнфоқлардан ҳовучлаб олиб, дўппимни тўлдириб берди...

Сўнг тушунтириди:

– Деворнинг нарёғида қўшнининг ҳам ёнфоги

бор. Сен терган ёнғоқ қўшнининг дарахтидан тўкилган бўлиши мумкин. Бироннинг ҳақини ўзидан сўрамасдан олса, гуноҳ бўлади, гиргиттон!

Бу гапларни унутиб юборган эдим-ку, орадан кўп йиллар ўтиб тағин ёдимга тушди.

Япониядан бир гурӯҳ мартабали меҳмонлар ташриф буюришди. Улар орасида Япония парламенти раҳбарларидан бири ҳам бор эди. Шу кишига ҳамроҳ бўлиб Самарқандга бордик. Меҳмон икковимиз ва таржимон бир машинада кетяпмиз. Самарқанд қишлоқ туманида бораётуб, яшнаб ётган боғ олдидан ўтдик. Йўл чети кета-кетгунча шафтотолизор. Зарғалдоқ шафтолилар фарқ пишган. Ҳар бири кичикроқ чойнакдек келади. Меҳмон ниманидир завқланиб гапирди. Таржимон меҳмон жаноблари бу боғ кимники эканини сўраётганларини айтди. Япония, Корея, Хитой сингари мамлакатларда шафтотилига айрича ихлос қўйишларини эслаб, ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўрадим. Йўл четидаги ариқчадан ҳатлаб ўтиб, қўлимга сиқсанча шафтоли узиб олдим. Буни қарангки, нарироқда темир қувурдан сув оқиб турган экан. Шафтолиларни чайиб, олиб келдим. Меҳмонга узатдим. Меҳмон одоб билан жилмайди, аммо қатъян бош чайқади. Ўз тилида ҳаяжонланиб, бир нима деди.

— «Мумкинмас», деяптилар, — деди тилмоч таржима қилиб.

— Ташвишланманг, жаноб, — дедим тушунтириб. — Бояги сув ифлос эмас, водопровод кранининг суви. Бу туман тўлиқ водопроводлашган. Бемалол еяверинг, мана, ўзим бошлаб бера қолай.

Меҳмон тағин бош чайқади. Таржимонга бир нималарни куйманиб тушунтириди.

— Мумкин эмас! — деди таржимон меҳмоннинг гапини сўзма-сўз афдариб. — Жаноб шафтолининг эгасига ҳақ тўламадилар. Шунча мевани сўроқсиз олиб чиқдилар. Мумкинмас.

Биз ўтиб бораётган жой менга бегона эмаслигини, бу ерга кўп келганимни, туманинг ҳокими – мэри яқин танишим эканини айтдим.

Барибир, гапларим ишончсиз чиқаётганга ўхш-
ётганини ўзим ҳам сезиб турардим...

...Кўз ўнгимда икки буқланганча ёнғоқ териб,
пастак девордан қўшниникига улоқтираётган «Гир-
гиттон буви» пайдо бўлиб қолгандек эди...

...Шунда дунёдаги бани инсоннинг ҳаммасини
Худо яратганига, улар орасида феъл-атвори, инсоф-
виждони бир-бирига жуда ўхшашлари оз эмасли-
гига яна бир карра иймон келтирдим...

ТАСКИН

Ҳамкаслари юз ўгирган одам таскин топиши
мумкин.

Дўстлари юз ўгирган одам таскин топиши мум-
кин.

Умр йўлдоши юз ўгирган одам таскин топиши
мумкин.

Фарзандлари юз ўгирган одам... Билмадимов...

ФАРИШТАЛАР

Хонадонингизда кекса одам борми? Бахтли экан-
сиз! Дунё ташвишларидан тўйиб кетсангиз, шулар-
ни зиёрат қилинг: ҳаёт абадий эмаслигини ўйлаб,
таскин топасиз.

Хонадонингизда гўдак борми? Сиз ҳам баҳтли
экансиз... Дунё ташвишларидан тўйиб кетсангиз,
гўдакни бағрингизга босинг: ҳаёт абадий эканини
ўйлаб, таскин топасиз...

ЭНГ ОЛИЙ ТУЙФУ

Энг тоза туйғу нима?

Биринчи маошингизни келтириб бериб, отангиз-
нинг дуосини олганингизми?

Биринчи марта совға кўтариб келганингизда
онангизнинг кўзида қалқиган ёшми?

Биринчи бўсами?

Тўй кечасидаги ҳаяжонларми?

Ногаҳон кўз юмган онангизнинг қабрини силаб
ийлаганингизми?

Түнгич фарзандингизни ilk бор мактабга етак-
лаб борганингизми?

Ҳаммаси... ҳаммаси покиза туйгулар... Аммо...

Бола эмизиб ўтирган аёлга зимдан разм солинг...
Гўдагига кўксини тутиб термилиб ўтирган онанинг
кўзларига синчика-а-а-б тикилинг...

Энг олий туйфу нималигини шунда кўрасиз!

ТАРНОВ

Эрта баҳор эди. Ҳордиқ куни эди. Кеч турдим Ҳовлига тушсам, ҳавонинг авзойи бузуқ Ювениб чиқиб қарасам, тунука том пешидаги тарнов бир томонга қийшайиб ётиби. Қишида ёқсан қор залворидан қийшайиб қолган шекилли... Қаттиқроқ шамол бўлса, тушиб кетадиган...

Йўлакда ётган нарвонни кўтариб келиб томга тирагунча тинкам қуриди, зах тортиб, зилдек бўп кетиби.

Нарвон зинасига оёқ қўйишим билан айвондан онам тушиб келди.

– Нима қилмоқчисан? – деди кўзимга термилиб.
– Ҳозир, – дедим бепарво қўл силтаб. – Тарнов қийшайиб қопти.

– Шошма, болам, аввал чойингни ичиб ол...

– Ҳозир тушаман.

Шундай дедиму нарвонга тирмашдим Томга чиқишим билан пастдан онамнинг хавотирли хитоби эшитилди:

– Эҳтиёт бўл, том лабига борма!

– Уйга кирсангиз-чи! – дедим оғриниб.

Тунука томни тарақ-туруқ босиб, қийшайган тарнов олдига келдим Увалло уринаман, тарнов лаънати ўнгланса қани! Занглаб кетганми, бўёғи ёпишиб қолганми...

Аксига олиб, ёмғир шивалай бошлади. Аввалига томчилаб турди-да, кейин шиддат билан ёғиб кетди. Том лабида ўтирганча, тарновни қўшқўллаб суришга уриндим Қилт этмайди!

Пастдан яна онамнинг овози келди:

— Менга қара, болам.
Нарвон олдига қайтиб келдим.
— Нима дейсиз?
— Жон болам, мана буни кийиб олгин...
Қарасам, онам бир құли билан нарвонни чангаллаганча, иккинчи құлида түн ушлаб турибди. Юпқа рүмولي, нимчаси хұл бўлиб кетган...

Хунобим ошди.

- Ҳозир тушаман, дедим-ку! Мен ёш боламанми?
- Шамоллаб қоласан!
- Оббо! Сиз уйга кираверинг! Ҳозир тушаман.

Шундай деб, тағин тарнов олдига қайтдим. Жаҳл билан тарновни муштлай бошладим.

Бир маҳал пастдан яна овоз келди:

- Ада! Адажон!
- Ҳа! – дедим баттар хуноб бўлиб.
- Варрагим йиртилди!

Қарасам, етти яшар ўғлим ҳовли ўртасида турибди. Оёғи остида йиртилиб қамишлари қовурғадек туртиб чиқсан варрак лойга қоришиб ётибди. Ўзи кўйлакчан. Бошяланг. Ёмғир остида дийдираф турибди.

— Уйга кир, Фарруҳ! – дедим бақириб. – Уйга кир, шамоллаб қоласан!

Кулоқ солса қани! Гоҳ варрагига, гоҳ менга қарайди. Капалагим учиб кетди! Томда сирғалиб-сирғалиб, нарвон томон югурдим.

Уч-тўрт пиллапоя тушиб қарасам, онам ҳамон нарвон оёғини чангаллаб турибди. Рўмоли жиқقا хұл бўлиб, соchlарига ёпишиб қолган... Бир құли нарвон оёғида. Бир құлида түн...

ИНСОН

Инсон шу қадар буюкки, унинг фазилатларини ўлчаш – дунёдаги энг баланд тоғнинг энг баланд чўққисига эмаклаб чиқиши заҳмати билан тенг.

Инсон шу қадар тубанки, унинг иллатларини ўлчаш – дунёдаги энг баланд тоғнинг энг баланд чўққисидан эмаклаб тушиши заҳмати билан тенг.

«ОТЧОПАР»ДА

«Отчопар» бозорида қадрдон дўстимни учратиб қолдим. Математик... Олим... Сигарет сотиб ўтирган экан... Мени кўриб кўзини яширди. Мен ҳам бурилиб кетдим... Иккаламиз бир-биримиздан нега уялганимизни билмайман.

Негадир... йиғлагим келди...

ОЛИЙ ҲАКАМ

Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ҳеч кимга бўйсунмайдиган, оқни оқقا, қорани қорага бехато ажратадиган Олий ҳакам бор. Бу – Тангрининг ҳукми!

АНТИҚА КИТОБ

Ўқиб кўрдилар.
Ёқмади.
Қайта ёздилар.
Асл ҳолига қайтди.
Ўчириб ташладилар.
Тағин аслига қайтди.
Оловга отдилар.
Ёнмади...
Бу Китоб – Тарих эди!

АҚЛ ТИШИ

Ақл кириши учун ақл тиши чиқишини кутиб ўтириш шарт эмас.

МЕХР ВА МАКР

Аёл меҳри – асалдек тотли. Аёл макри – заҳардек хавфли.

ХАТАР

Кўшни қишлоқда туғилган донишманддан кўра ўз қишлоғимдан чиқсан телба афзал дейдиганлар жамият илдизига тушган қуртдир!

МУСТАМЛАКАЧИЛАР ОРЗУСИ

Икки қўчқор сузишса, бўрининг насибаси бутун бўлади...

СУКУТ – ОЛТИН

Олимларнинг кузатишича, эр-хотин қанча кам гаплашса, оила шунча мустаҳкам бўларкан.

ОХИРИ ҚАНДАЙ БЎЛАРКИН?

Қачондан бери бир нарсани ўйлаб ўйимга етолмайман. Бу дунёда ҳамма нарса сотилади ва сотиб олинади, деган ақида билан яшайдиганлар Охиратни хаёлига келтиармикин? Ё у дунёга борганда ҳам шайтон билан тил бириктириб, дўзаҳга чап бераману, жаннатнинг энг гуллаган жойини сотиб оламан, деб ишонармикин? Шуларга ўзинг инсоф бер, Яратган Эгам!

РОСТ ВА ЁЛГОН

Ҳақиқатдан қўрқсан одам ёлғоннинг панасига беркинади.

ХОМ СУТ ЭМГАН

Одам учта нарсанинг қадрини доим кечикиб билади. Ёшлиқ. Соғлик. Тинчлик.

ГУНОҲИ АЗИМ

Дўстни хўрлаш – гуноҳ. Умр йўлдошини хўрлаш – юз ҳисса гуноҳ. Ота-онани хўрлаш – минг ҳисса гуноҳ. Гўдакни хўрлаш – чексиз гуноҳ...

ҚИСМАТ

Инсон ҳаёти шатранж тахтасидаги пиёданинг юришига ўхшайди... Гоҳ оқ катакдан ўтади, гоҳ қора катакдан... Фарқи шуки, бировнинг қисматида оқ катаклар кўпроқ бўлади, бировникида – қора катаклар...

ОФТОБ

Яхшиямки Худо офтобни бағрикенг қилиб яратған. Бұлмаса ер юзидаги одамларнинг иллатларини ҳар куни күравериб, аллақачон сўниб қолган бўлармиди...

ОРОЛ ВА ҚИТЪА

Инсоният орол эмас, қитъа бўлиб яшашни ўрганса, кўп балоларнинг олди олинган бўларди.

БАҲО

Одам боласи электр сими эмаски, бирини мусбат, бирини манфий десанг...

СОДДА ФАЛСАФА

Мункиллаб қолган аммам бўларди. Художўй кампир эди. Болалигимда олдига ўтқазиб қўйиб, бир гапни кўп айтарди.

— У қулоқ, бу қулоғинг билан эшитиб ол, болам. Одамнинг у елкасида ҳам, бу елкасида ҳам биттадан фаришта ўтиради. Ўнг елкангдаги фаришта умр бўйи қилган савоб ишларингни, чап елкангдагиси гуноҳларингни ҳисоблаб боради. У дунёга борганингда ҳисоб-китоб қилиб кўришади. Савобинг ортиқ бўлса, жаннатга, гуноҳинг ортиқ бўлса, дўзахга тушасан...

Саводсиз кампирнинг содда фалсафасида қанчалик чуқур маъно борлигини энди тушуняпман.

МЎЛЬТАБАР ЗОТ

Аёл кишига аввало Она деб қарасак, ҳаммаси жой-жойига тушади.

ТОШ ВА ҚУМ

Тошни майдалаб, қумга айлантириш учун бир дақиқа кифоя. Аммо қумнинг тошга айланиши учун минг йил камлик қиласи. Дўстлик ҳам шунга ўхшайди.

БОШ АЙБДОР

Турмуш синовларига биз – катталар дош берол-
масак, болада нима гуноҳ? Нега бизнинг айбимиз
учун гўдаклар етим қолиб, азият чекиши керак?

ДОНИШМАНД

Нар лочин емиш топиб келаркан. Мода лочин
ўлжани палапонларига бўлашиб бераркан. Бирон
фалокат бўлиб, мода лочин ўлиб қолса, нар лочин
ҳар қанча емиш топиб келтирмасин, барибир, пала-
понлар очидан нобуд бўлар экан. Негаки, нар ло-
чин ўлжани болаларига бурдалаб беришни эплолмас
екан...

Табиат нақадар бешафқат, табиат нақадар доно!

МАҚТОВ

Бегона аёлни ўзининг олдида мақтанг.
Ўз аёлингизни ўзи йўғида мақтанг...

ДУО ҚИЛИШНИ БИЛАДИГАН ОДАМ

Маҳалламиизда мункиллаб қолган чол бўларди. Кўклам палласи чойхонанинг кучала чиқарган тол
тагидаги сўрисида махси-калишли оёғини чўзиб,
чой ичиб ўтирас, биз – мактаб болалари ўқишдан
қайтаётуб салом берсак, қироат билан алик олар
эди:

– Во алайкум ассало-о-ом! Мулло бўлинг. Ум-
рингиздан барака топинг! Сизнинг юз ёшга чиққа-
нингизни кўриб ўзим қувониб юрай, бўтам!

ТЎЛА ВА ЧАЛА

Ярим ҳақиқат чин билан ёлғоннинг ўртасида ту-
ради, деган одам янгишади. Ярим ҳақиқат ҳамиша
чиндан кўра ёлғонга яқинроқ туради.

УМР КИТОБИ

Одамзод ҳаётининг ўзи нима? Инсон бу фоний
дунёга нега келадию, нега кетади, деган саволни

ўйлаб кўрмаган киши кам бўлса керак. Чиндан ҳам инсон ҳаётининг ўзи нима?

Чамамда, «Номай-аъмол», «Умр китоби» деган гаплар бежиз айтилмаган. Ҳар банданинг умри бир китобга ўхшайди. Умр китобининг дебочаси одам ҳали туғилмасиданоқ Аллоҳнинг ўзи томонидан битиб қўйилади. Дебочанинг номи «Пешанага битгани» ёки «Тақдирни азал» деб аталса ажаб эмас.

Инсон оқ-қорани таниб, онгли ҳаёт кечира бошлагач, ўзининг «Умр китоби»ни ўзи ёзишга киришади. Ҳар куни, ҳар лаҳзада... Синов даври деб аталмиш бу паллада бандаси қилган жамики яхшию ёмон амаллар ёзилиб бораверади. Умр поёнига етган куни китоб ҳам ёпилади.

Сўнг барчаси ҳисоб-китоб қилинади-да, Хотимани тағин Яратганинг ўзи битади. Савоб кўп бўлса – бир тараф, гуноҳ кўп бўлса...

Умр китобига эзгу саҳифаларни кўпроқ ёзиш ҳар бандага насиб этсин...

НИЯТИНГ – ЙЎЛДОШИНГ

Ривоят қилишларича, Исо алайҳиссалом маййитни тирилтиргач, ихлосманлари қатори ҳасадгўй рақиблари ҳам кўпайиб кетади. Шундайлардан бири «Маййитни тирилтирадиган дуони менга ҳам ўргатасан», деб туриб олибди. Исо масиҳ бу кимсанинг нияти нопоклигини билгани учун рад этибди. Бояги одам ялиниб-ёлворибди, минг тавалло қипти, охири пайғамбарни фирибгарликда айблабди... Исо масиҳ: «Ке, шу ҳам ноумид бўлмай қўяқолсин», деб дуони ўргатибди.

Бояги одам йўлда кетаётиб, Исо мени барибир алдади, ўргатган дуоси ёлғон, деб ўйлабди. Қараса, ерда бир бўлак суюк ётганмиш. Дуо кучини синаш учун ўқиган экан, суюк бир зумда баҳайбат шерга айланибди-да, уни парчалаб ташлабди...

Яхшиликдан ёмонлик излашнинг жазоси шу бўлса керак...

ЮКНИНГ ОФИРИ

Рўзғор тебратиш кўпроқ аёллар зиммасига тушиб, эркаклар уйга кириб қолаяпти, деган гаплар юради. «Танаси бошқа дард билмас», дейдилар. Бунинг ҳам сабаблари бордир. Шунаقا-ку... Одам Ато замонидан қолган одат бор. Эркак ўлимга тик бориб, шер чангалидаги кийикни овлаб келадими, дарахтнинг қир учига нарвонсиз чиқиб, мева узиб тушадими, тўмтоқ ёғоч билан ер тирмалаб дон сепадими, нима қилса ҳам топиб-тутиб келиб, рўзғор тебратган. Хотин эса оила чироғини ёқиб, ўчоғини ўчирмай ўтирган... Ҳар қандай вазиятда ҳам юкнинг оғирини эркак кўтарган!

Ҳозирги эркаклар шунчалик нотавон бўлиб қолмагандир, ахир...

СУҚРОТ САВОЛИ

Улуғ олим Суқрот кўчада кетаётса, бир номард орқасидан келиб, курагига пичноқ урибди. Суқрот хотиржам бурилиб қараб, сўрабди:

– Мен сенга қачон яхшилик қилувдим, биродар?

Буюк файласуф саволида қанчалар изтироб борлигини хиёнатга йўлиқкан одам билади!

ЎЗ УЙИНГ

Кўчада тинчи йўқнинг азоби – бир кун.

Уйида тинчи йўқнинг азоби – бир умр.

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВ

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», дейдилар.

Чиндан ҳам шундай. Олдимиздан оққан сувни увол қилсак – чидайди. Қўлимизни ювсак – чидайди. Бетимизни чайсак – чидайди. Борингки, оёғимзни ювсак ҳам – чидайди... Аммо... Олдимиздан оққан сувга тупурсак, чўп тиқиб лойқалатсак, бошидан мағзава ағдарсак... Олдимиздан оққан сувнинг гуноҳи нима ўзи?!

ИФТИХОР

Бир гал анча олис сафарга чиқишига тұғри келди.
Аввал Германияга учдик. Үндан Америкаға. Сүңг Швейцарияға. Кейин Англияға.

Ниҳоят Лондондан Тошкентта учадиган бұлдик. Ҳаво кемасига чиқишимиз билан осойишта ва ёқимли овоз янгради: «Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар! Сизларни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси номидан муборакбод этамиз!» Ростини айтсан, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Бу сўзлар менинг тилимда, она тилимда жаранглади! Ватанимдан минглаб чақирим нарида, тагин юзлаб хорижий йўловчилар ўтирган кемада!..

Ақалли мана шу ҳолатнинг ўзи учун Истиқлолга минг бора таъзим қилишга тайёрман!

МУНОФИҚ

Онасини беҳурмат қилган одам қўшни кампирни яхши кўраман деса, ишонмайман. Ўз халқининг тилини, маданиятини, тарихини ҳурмат қилмаган одам бошқа халқларнинг тилини, маданиятини, тарихини ҳурмат қиласан, деса ишонмайман.

«ЎЗБЕК ИШИ»

Осмон баравар режани бердилар.

- Бажарасан! – дедилар.
- Бажаролмайман, – деди.
- Бажарасан!! – дедилар.
- Бажармайман!! – деди.
- Қамаласан!!! – дедилар.

Бажарди... Бола-чақаси кўп эди...

Орден бердилар... Режани ошириб бажаргани учун...

Кейин... қамадилар... Қўшиб ёзгани учун... Бола-чақаси кўп эди...

1984 йил.

ОНА ТИЛИ

Қанча күп тилни билсангиз, шунча яхши. Бироқ одам она тилида тафаккур қиласы, она тилида туш күради, она тилида йиглайди... Үлеми олдидан она-сини она тилида йүқлайди...

ҰЖАР

Хақиқатни майиб қилиш мумкин, аммо үлдириб бўлмайди!

БЕКОРЧИЛИК

Иш кўплигию, вақт йўқлигидан нолиманг. Вақт кўплигию, иш йўқлигидан қўрқинг. Одамни абгор қиласидиган нарса – бекорчилик.

АФСОНА

Қадимий туркий афсона бор. Эмишки, Оллоҳ Арши аълодан Ерга тушибди. Қараса, кимсасиз оролда бир тола тук ётган эмиш. «Майли, – дебди қарами кенг Худо. – Шунга ҳам жон ато эта қолай». Ўша заҳоти тук Одам қиёфасига кирибди. Одам бундай қараса, Оллоҳнинг қудрати беқиёс эмиш: хоҳласа жонлини бежон қиласи, хоҳласа бежонга жон ато этади. Одам ўйлаб қопти. Нега Худо хоҳлаган ишини қилишга қодиру мен қилолмайман? Нимам кам ундан?!

...Шундай қилиб, Одамнинг кўнглида ҳасад деган қора ният пайдо бўлибди.

Оллоҳнинг қаҳри келиб, фармон қилибди:

«Одамзот менгаки ҳасад қилдими, бир-бирига омонлик бермайди. Ҳасадгўй дўзахга кунда бўлсин!»

Ўша-ўша дўзах ланғиллаб ёнармиш.

ИНОҚЛИК

Телевизорда кино кўрсатди. Ўттиз еттинчи йил қатағони ҳақида. Қора плаш кийганлар бир бечорани икки қўлтиғидан олиб, кўча бошида турган

қора машина томонга судраб кетяпти. Эшик олдида унинг аёли эмизикли боласини бағрига босиб, унсиз йиглаяпти. Беш-олти ёшлардаги болакай «дада, дадажон», деганча отасининг кетидан чопиб боряпти. Кўчанинг у юзида одамлар турибди. Бирининг кўзида қўрқув, бириникида ўқинч, яна бири лоқайд қараб турибди. Бирови эса лабини истеҳзоли буриб, худбинона илжаяди. («Халқ душмани»ни «тегишли жой»га чаққан «сиёсий ҳушёр» кимса...)

Орадан анча ўтиб, телевизорда яна бир кино кўриб қолдим Тўғрироғи, кино эмас, «Ҳайвонот олами» кўрсатуви. Йўлбарс дарахтнинг пастак шохida банаң еб ўтирган маймун боласига ташланиб қолди. Маймунча жон аччиғида чийиллади. Шунда ғалати ҳолат рўй берди. Пасти-баланд дарахтлардан ўнлаб маймунлар шиддат билан тушиб, йўлбарсга ташлашиди. Қудратли йўлбарс уларнинг бир-иккитасини мажақлаб ташлади. Аммо маймунлар бор овозда шовқин кўтариб, мўр-малаҳдек ёприлди. Бири тишлости, бири юмдалади. Забардаст бир маймун эса йўғон харини олиб, йўлбарснинг бошига чунонам туширдики, йўлбарс думини қисганча қочиб қолди...

...Маймунларга ҳавасим келди...

ЎРТАДАГИ ОДАМ

Ўртадаги одамга ҳавас қилманг. Ҳам болғадан зарба ейди, ҳам сандондан.

ТЕСКАРИ ҲАҚИҚАТ

Одам қанча кўп қизиқса, шунча кўп ўқийди. Қанча кўп ўқиса, шунча кўп билади. Қанча кўп билса, яшashi шунча қийин бўлади.

ТУФИЛМАСДАН ТО...

Үйингизга меҳмон келди. Зиёфат қиляпсиз. Ҳовлингизнинг бир четида кабоб пишяпти... Аёлингиз секин келиб, қулоғингизга шипшийди. «Дадаси, кабоб тарқатишдан аввал икки сихини ажратиб қўйинг: қўшнининг келини бошқоронғи...» дейди.

Бунинг отини нима дейиш керак? Бунинг оти инсон боласи туғилмасиданоқ меҳрга муҳтоҷ бўлади, бир-бирларингиздан меҳрни аяманг, дегани бўлади.

Арзимаган баҳона билан икки киши фижиллашиб қолди. Униси ҳам ўзича ҳақ буниси ҳам Индамай турсангиз жанжал катталашиб кетадиган. Шунда эсли бир одам ўртага тушиб, айтади: «Ҳай-ҳай-ҳай, тобуткашсизлар-а, барака топкурлар, бир гапдан қолингар», дейди. Ёниб турган олов ўша заҳоти учади.

Бунинг отини нима дейиш керак? Бунинг оти инсон ҳаётдан кўз юмганидан кейин ҳам меҳрга муҳтоҷ бўлади, бир-бирларингдан меҳрни аяманглар, дегани бўлади.

Бунинг оти ўзбек удуми, ўзбек менталитети, дейилади!

ҲАР КИМ ЎЗ АРАВАСИНИ ТОРТСА...

Ҳар ким ўз юмушини бажарса, олам – гулистан. Сартарошни сувоқчи қилиб қўйсангиз, деворга соғун кўпиги суртади. Этиқдўзни сартарош қилсангиз, одамнинг бошига мих қоқади...

САВОБ ВА ГУНОҲ

Одамзотнинг табиати қизиқ: ўзининг тариқдек савоби – тарвуздек, тарвуздек гуноҳи – тариқдек туюлади...

АЛДОВ

Биз ҳаммамиз – ёлғончилармиз. Айтиңг, қайси бирингиз ақалли бирон марта гўдакка ёлғон гапирмаганман, дея оласиз? Гўдакни алдаш эса энг катта ёлғондир!

ДАСТХАТ

Ҳаётимда кўп дастхат ёзишга тўғри келган. Китоблар, альбомлар, суратлар... Фақат бир гал дастхат ёзиш мушкул иш эканини билганман.

Олис вилоятга борганимизда етимхонага таклиф қилишди. Дастьурхон тўкин эди. Ширинликлар... Болаларнинг ўзи пиширган кулчалар... Томофим хиппа бўғилиб, сув ҳам ўтмай қолди. Кейин концерт қўйиши. Болалар хушчақчақ қўшиқ айтаяптию, йиғлаётганга ўхшайди. Қизалоқлар шўх-шўх рақсга тушаяптию, қўзларида мунг бор, гусса бор... Бир қизалоқнинг оёғидаги туфличалари икки хил.

Учрашув охирида етимхона журналига дастхат ёзишни илтимос қилишди. Узоқ ўйланиб қолдим Сўнг ёздим: «Шу даргоҳдаги болаларнинг ота-онаси ўлган бўлса, Худо раҳмат қилсин. Тирик бўлса, юзи қаро бўлсин, қаро бўлсин, қаро бўлсин!»

МЕҲР

Куёш булоқ сувига ҳам, мағзавага ҳам баравар нур сочаверади.

Ер чучмўмани ҳам, чақириканакни ҳам баравар ўстираверади.

...Ота-онага боланинг яхши-ёмони йўқ...

КОМПЬЮТЕР

Олимлар компьютерни инсон миясидан андоза олиб яратган. Ўйлайди. Ҳисоб-китоб қиласди. Муаммони ечади. Хулоса чиқаради. Эслаб қолади... Фақат компьютернинг инсондан битта устунлиги бор: кераксиз ахборотни хоҳлаган пайтда хотирасидан ўчириб ташлаши мумкин... Одам эса ёмон хотираларни миясидан ўчириб ташлолмай азият чекади...

ЙЎҚЧИЛИК ВА ТЎҚЧИЛИК

Бир нарсани ҳеч тушунмайман: китоб ўқий-диганларда пул йўқ. Пули кўплар китоб ўқимайди...

МАНГУ ҲАҚИҚАТ

Она – битта! Ватан – ягона!

ТОНГ ВА ШОМ

Болаликда қуёш секин чиқаётгандек бұлаверади.
Кексаликда қуёш тез ботаётгандек бұлаверади...

АСЛ АЙНИМАС

Ит тумшуғини суққаны билан дарё харом бұлиб
қолмайды.

Номард тош отгани билан тоғ қулаб тушмайды...

КУЧ ВА АДОЛАТ

Адолат Кучга бүйсунған юрт – вайрон юрт.
Куч Адолатга бүйсунған юрт – бүстон юрт.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

Үз фурсатида қилинмаган яхшилик – ёмонликка
йўл очиши мумкин.

СЕВГИ

Аввалига бир-бирларини танимас эдилар.

Уларни Севги деган гаройиб куч топиштириди.

Улар ана шу куч сеҳрига мафтун бұлиб қол-
дилар.

Ажаб, Севги ҳеч қачон ёлғиз юрмас экан. Унга
Ҳижрон деган аланга эргашиб келди. Улар ана шу
аланга оташида баравар күя бошладилар.

Ниҳоят, Ҳижрон алангаси сүнди-ю, Севги Висол
деган энтиktиuvчи түйфуни етаклаб келди. Энди
улар баҳтиёр эдилар.

Ажаб, Севги ҳеч қачон ёлғиз юрмас экан. Энди у
Синов деган түсиқни етаклаб келди. Агар улар Сев-
гининг құлидан маҳкам тутишганида бу түсиқдан
үтишлари мушкул змасди. Аммо ундай бўлмади.
Улар Синов олдида чекиндилар.

Уртада Шубҳа, Рашқ деган шарпалар ўрмалаб
қолди. Шунда улар ўзларини топиштирган Севигига
илк бор таъна тоши отдилар.

Севги шунда ҳам уларни кечирди. Сабот, Мехр
деган кучларга ошно қилишга уринди. Аммо улар

Саботни ҳам, Меҳрни ҳам унутдилар. Ўзларини то-пиштирган Севги деган «ёвуз күч»га лаънат айтдилар!

Шунда... Уларнинг қисматига Хиёнат кириб келди! Улар Севгини айблай-айблай, охири... ажрашдилар...

Қисмат чорраҳасида эса учта бегуноҳ гўдак чирқиллаб қолди. Беш яшар ўғил, уч яшар қизалоқ ва... етим қолган Севги...

ОЛИЙ ЖАЗО

Африка қабилаларидан бирида жиноят қилган одамни сазойи қилиш, қамаб қўйиш, қатл этиш деган гаплар йўқ экан. Танҳо ўзини қабиладан ҳайдаб юборишаркан, холос...

Аслида одам учун ёлғизлик энг олий жазодир!

ТУШ

Бошимга ташвиш тушса, бир нарсадан қаттиқ сиқилсам, онам тушимга киради. Қувончли дамларда эса, хоҳласам ҳам на онамни, на отамни тушимда кўроламан... Қизиқ...

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ

Баъзилар «ҳалол ва ҳаром» деганда «еб-ичиш мумкин бўлган ва еб-ичиш мумкин бўлмаган» нарсани англайдилар... Юзаки тушунча! Аслида бу – «қилиш мумкин бўлган ва қилиш мумкин бўлмаган» амаллар дегани ҳамдир...

Биласиз: нон энг табаррук неъмат. Бироқ нопок йўл билан топилган нон ҳам ҳаром! «Нонингни ҳалоллаб е», деган гап бежиз айтилмаган.

ҲАҚИҚАТ СИНМАЙДИ...МИ?

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида «қайта қуриш», «ошкоралик» деган шиорлар удум бўлди. Бирор ундоқ деди, бирор бундоқ. Бирор адолат ҳақида гапирди, бирор минбарга чиқиб, шовқин солди...

Шундай кунлардан бирида ашаддий жинояти учун ўн беш йилга қамаган Турсунбой деган маҳбусдан хат келди. Лўнда қилиб айтганда, хатнинг мазмани шу эди. Турсунбой қўшинисининг вояга етмаган қизини зўрлагани учун «строгий режимли» қамоқقا ҳукм этилган. Чўкаётган одам хасга ёпишади. Аввал қилғилиқни қилиб қўяди-да, чуви чиққанидан кейин «қўй оғзидан чўп олмаган фаришта»га айланади.

Шунақа-ку, хат шу қадар чуқур мантиқ билан ёзилган эдики, «ошкоралик» неъматидан фойдаланиб, ўша маҳбус билан учрашдим.

Турма бошлиғи «артист»ни келтиришни буюрди. Турсунбой хатида йигирма ёшга чиққанини ёзган эди. Рўпарамда эса камида қирқни қоралаб қолган, чакка соchlарига оқ оралаган, кўзларида бирор маъно йўқ, лаблари пўрсилдоқ кимса ўтиради.

Гапни нимадан бошлашни билмасдим. Охирокибат энг ўринсиз савонни бердим:

– Сизни нега «артист» дейишади?

Унинг ҳеч нимани ифодаламайдиган юзида бир сония, атиги бир сония истеҳзоли табассум пайдо бўлди.

– Терговда ҳам, судда ҳам ялиниб-ёлвордим, бақирдим, «Тепамда Худо турибди, гуноҳим йўқ», деб дод солдим Улар «артистлик қилма», дейишди... – Шундай деди-да, тағин ифодасиз ҳайкалга айланди...

Унинг айтишича, воқеа шундай бўлган. Ён қўшинисининг ақли ноқисроқ ўн олти яшар қизини бир номард зўрлаб қўяди. Эртасига Турсунбойнинг собық синфдоши, институтда ўқиётган, ёзги таътилга келган Фарҳод боғдаги чойхонада улфатлар билан ош еб ўтириб, кеча канал бўйида биттаси билан «мазза қилгани»ни айтиб мағтанади. Бу гапни даврадаги бошқа йигитлар ҳам эшитади. Уч кундан кейин милиция Турсунбойни ҳибсга олади. Юзлашибтириш пайтида телбанамо қизалоқ «Мени қоронфида канал бўйига олиб борган шу эди, шекилли», дейди. Вояга етмаган, бунинг устига руҳий касал

қизни зўрлагани учун ўн беш йил берадилар. Судга гувоҳ сифатида чақирилган Фарҳод ўша оқшом Турсунбой қизалоқни канал томонга етаклаб кетаётганини кўрганини айтади...

Фарҳоднинг отаси туманинг «каттаси» – «райком бува» экан. Тоғаси ҳукуқшунос экан. Турсунбойнинг отаси эса оддий тракторчи бўлган...

Тракторчининг адолат излаб, елиб-югуришлари шу билан тугайдики, кеч кузнинг туманли кечасида трактор йўлдан чиқиб, зовурга тушиб кетади. Тракторчининг оёғи синади. Икки прицепдаги пахта лойга қоришиб, сифати бузилади. «Социалистик мулк»ни қасдан лойга ботиргани учун уни уч йилга ҳукм қиласидилар. Шунда «райком бува» ўртага тушиб, «оталик» қиласиди: қамоқни шартли жазо билан алмаштиришга эришади...

– Менга барибир, – деди Турсунбой ўта осоийшта оҳангда. – Агар ҳозир терговчи келиб, «ўнта қизни зўрлагансан, бешта одамни ўлдиргансан», деса, индамай қўл қўйиб бераман.

– Наҳотки сизга ҳаммаси барибир бўлса, наҳот бирор ниятингиз бўлмаса? – деган эдим, узоқ ўйланиб қолди. Сўнг жавоб қиласди:

– Ниятим бор. Худодан тилагим шуки, Фарҳод менинг «айбимни бўйнимга қўйган» ҳукуқшуноснинг қизини зўрласин. Ҳукуқшунос «райком бува»нинг неварасини бузиб қўйсин. Аммо улар қамал масин, аввалгилик апоқ-чапоқ бўлиб юраверсин! Бошқа гапим йўқ!

Турсунбой масаласида отаси билан гаплашдим. Изиллаб йифлайди! «Олти қиз ичида биттагина ўғил эди, Худодан тилаб-тилаб олганим учун Турсун деб исм қўйгандим, менинг болам унаقا номард эмасди», дейди.

...Олий судга мурожаат қиласиди «Строгий режим»га кесилганлар масаласини фақат Москва ҳал қиласкан... Москвага хат ёзишдан маъно йўқ эди. Бу пайтда марказнинг аллақандай «майда-чуйда» ишлар билан ўралашишга вақти йўқ, улар «тарихда қоладиган» «ўзбек иши» бўйича минглаб одам-

ларнинг «кайбини бўйнига қўйиш»дек муҳим юмуш билан овора эди...

...Орадан икки йилча ўтиб, Турсунбойнинг отасидан хат келди. Ўғли қамоқда ўзини осиб қўйибди. «Боламни ўзимизнинг хилхонамизга қўяйлик», деб ялиниб борса, майитни беришмабди. Тартиб шунаقا экан...

Орадан уч йил ўтиб-ўтмай Истиқлол рўй берди. «Ўзбек иши» бўйича «жонажон совет ватанининг» бепоён саҳроларию, гадой топмас ўрмонларига бадарфа қилинган бегуноҳларнинг ҳаммаси шахсан Президентнинг қатъий талаби билан ўз юртига қайтарилди.

ЁМОНЛАРНИ АСРАНГ

Ёмонларни эҳтиёт қилинг! Ёмон йўқ бўлса, яхшининг қадри билинмай қолади!

«БОЕВИК»

Автобус бекатида «Интернет-клуб» бор. Мактаб болалари дарсдан чиқади-ю, «гуур» этиб шу ерга югурди. Ҳар куни. «Боевик» ўйнаш учун. Соатига беш юз сўм...

Албагта, «Интернет-клуб» бўлгани яхши. Ёшларни замонавий техника билан ишлашга ўргатади, компьютер билан ошно қиласди... Фақат... боласига «боевик» ўйнаш учун кун ора беш юз сўм берадиган ота-она «у ҳафта «боевик» ўйнаган бўлсанг, бу ҳафта бир ярим минг сўмга китоб олақол», демайди...

Китоб бир соатга эмас, бир йилга, ўн йилга, ҳақиқий зўр асар бўлса бир умрга хизмат қиласди!

БУРЧ

Ҳатто булбул ҳам бола очганидан кейин сайрашни бас қилиб, полапонларига емиш ташийди.

МУШУК

Ўзи итдан қочиб, дарахтга чиқиб олади-да, тағин қушларга дағдаға қиласди... Қўрқоқ шаллақи бўлади!

ОЛИМ ВА ШОИР

Унча-бунча нарсага ҳайрон қолмайдиган одамдан Олим чиқади.

Ҳамма нарсага ҳайратланадиган одамдан Шоир чиқади!

БОЗОР ИҚТИСОДИ

Кеча колхозда кетмон чопиб, бири икки бўлмаган дедқон бугун ер олиб, бола-чақаси билан гуллатиб қўйсаю, қаддини кериб юрса, қувонаман.

Омадини берсин! Бу – бозор иқтисоди!

Кеча заводдан олган маошини қай бирига етказишни билмай ранги сарфайиб юрган инженер бугун цех очсаю, нест-нобуд бўлиб кетаётган мевалардан шарбат тайёрлаб, бойиб кетса қувонаман.

Қандини урсин! Бу – Бу бозор иқтисоди!

Кеча катаклагандек хонага тиқилиб, «эскилик сарқити» – сандиқ ва бешик ясагани учун юрагини ҳовучлаб юрган ҳунарманд бугун замонавий корхона очсаю, меҳнатининг роҳатини қўрса, қувонаман.

Барака топсин! Бу – бозор иқтисоди!

Кеча олис шимолга қовун-тарвуз обориб сотиб, ўша ердагиларнинг ҳожатини чиқаргани учун «раҳмат» эшитиш ўрнига «чайқовчи» деб қамалиб кетишига бир баҳя қолган тадбиркор бугун ўзимизда йўқ нарсаларни чет элдан келтириб, бозорни тўлдириб қўйса, қувонаман.

Ҳалоли бўлсин! Бу – бозор иқтисоди!

Бева боши билан учта боласини боқаётган аёл уйида торт пишириб, бозорга чиқариб сотса ҳайрон қолмайман. У меҳнат қилаяпти. Бу ҳам бозор иқтисоди!

Кўп болали оиласда ўсаётган йигитча дарсдан бўш пайтида фермер отасининг ёнига кириб кетмон чопса ҳам ҳайрон қолмайман. У ҳам меҳнат қилаяпти. Буям бозор иқтисоди...

Борингки, кеча ўқитувчисидан дакки эшитиб юрган нотавон бола бир юмалаб «бизнесмен»га ай-

ланиб қолсаю, уч қаватли қаср солса ҳам ҳайрон қолмайман. Бу ҳам бозор иқтисоди!

Аммо... Бозорга кириб келаётган дәхқоннинг пешона тери билан етиштирган ҳосилини сув текинга олиб, беш баҳосига пуллайдиган чайқовчи бирдан «тадбиркор»га айланса-да, бозорнинг етакчи «диллери» бўлиб «Жип»да «ккатайса» қилиб юрса, ҳайратланмай иложим йўқ!

Алифни калтак деёлмай, «худосизлар жамияти»дан қўним топган чаласавод «бизнесмен» «кругний дата»сини нишонлаб, амри маъруф қиласа-да, бир вақтлар унга дашном берган ўқитувчи издаҳомда чой ташиб юришга мажбур бўлса, ҳайратланмай иложим йўқ!

Кўп болали оилада ўсиб, мактабни аъло баҳоларга битирган бола институт эшигига яқин боролмай ҳамон кетмон чопиб юрса-да, корчалоннинг дискотекадан бери келмайдиган тантик қизи «тест» саволлариға «юз эллик фоиз» «тўғри» жавоб бериб, талабага айлансаю, дарс пайтида уяли телефонида гап сотиб ўтиrsa ҳайратланмай иложим йўқ!

Университетда қирқ йил ишлаб, ўнлаб олимлару, юзлаб шогирдлар етиштирган профессор бекатда трамвай пойлаб турсаю, «контракт» билан ўқишга кирган биринчи босқич талабаси ўзининг «иномарка»сида унга лой сачратиб ўтса, ажабланмай иложим йўқ!

Давлат бозор иқтисоди шунаقا бўлсин, дегани йўқ! Инсоф, андиша, илм, маърифат, маънавият пулга сотилсан, дегани йўқ! Бунаقا бозорга ўт тушиб, алангаси осмонга чиқсан!

ТЕБРАНМА ДУНЁ

Меҳр – яхшилик, қаҳр – ёмонлик белгиси. Шунақа-ку, мабодо тескариси бўлса-чи?

Тасаввур қилинг. Бир мараз кимса бегуноҳ одамини ўлдириб қўйди. Сиз меҳр кўргазиб, минг ёққа югурдингиз. Бўлган ҳодисани «тасодиф»га йўйиб, уни жазодан қутқариб қолдингиз. Эртасига эса у

бошқа одамни ўлдирди... Сизнинг меҳрингиз яхшиликка хизмат қилдими, ёмонликками?

Дунёда соат капгиридек тебраниб турадиган ҳақиқатлар ҳам бўлади...

ОЛМАЛАР

Зумрад хола ҳар сафар нафақа пули олганида узумми, ҳандалакми, хуллас, бирон-бир тансиқ нарса харид қиласди. Бугун ҳам почтахонадан нафақа пулинин олди-да, гузардаги бозорчага кирди. Юпқа гардишли кўзойнак тақиб ўтирган чўқки соқол чолнинг қимизак олмалари кўзига иссиқ кўринди. Яхши-яхшиларидан танлаб олди.

Ҳовлига кириши билан этагига ёпишган Ҳасан-Ҳусан невараларига олма улашди. Кечқурун келини ишдан келганида унга ҳам берди. Азимжон хизмат сафарида эди. Ўғлимнинг ҳам оғзи тегсин деб, иккита катта-катта олмани шкаф тепасига яшириб қўйди.

Уч кундан кейин Азимжон келди. Зумрад хола бир тиззасига Ҳасанни, биттасига Ҳусанни ўтқазиб ўтирган ўғлини кўриб, қайси куни яшириб қўйган олмаларини олиб чиқди.

Азимжон олмаларни ҳузур қилиб ҳидлади-да, биттасини Ҳасанга, биттасини Ҳусанга берди. Уларнинг карсиллатиб олма ейишини кўриб, онасига қараганча, мамнун жилмайиб қўйди...

АҚЛ ВА ЮРАК

Юрак – ақлга, ақл – юракка қулоқ солса, ҳаммаси жой-жойига тушар эди!

ОИЛА

Оилани муқаддас билмаганлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ!

АЁЛ ЗАКОВАТИ

(Афсонавий ҳақиқат)

Амир Умархон – Қўқон хони бўлган. Бетакрор шоир бўлган.

Нодирабегим – Умархоннинг жуфти ҳалоли, ма-лика бўлган. Бетакрор шоира бўлган. Хон саройида мунтазам ташкил этилган мушоираларда манаман деган шоирларни «бир чўқишда» қочириб юборган.

...Буни қарангки, шоҳ хонадонида ҳам эр-хотин ўртасида «ғиди-биди»лар бўларкан-да!

Кунлардан бирида Умархон билан Нодирабе-гим арзимаган масалада гап талашиб қолибдилар. Аслида-ку Нодирабегим ҳақ экан. Аммо Умархон – барибир хон-да!

– Маликам, – дебди жаҳл отига миниб. – Сиз-га рухсат! Салтанат хазинасидан ўзингиз учун энг қимматли нарсани олинг-да, юртингизга жўнанг!

Базми жамшид давом этибди. Умархон толиқиб, мудроққа кетибди...

Бир маҳал кўзини очса, қўш отли фойтонда кетаётганмиш. Бийдек дала... Ҳаммаёқ зулмат...

Осмонда юлдузлар... Навкарлар отининг туёфи гурсиллайди... Қараса, ёнида Нодирабегим ўтирган-миш...

– Бу не синоат? – дебди хон ҳайрон бўлиб. – Қаёққа кетяпмиз?

– Андижонга! – дебди Нодирабегим кулимси-раб. – Ўзингиз юртингизга жўнанг, деб амр этдин-гиз.

Хон, шу куни бўлган ҳангомани эслаб, яна аччиқланибди.

– Мен сизни Анжон боринг, деб эдим! Анжонга мен ҳам бораман, деган эмасмен!

– Тўғри, олампаноҳ! – дебди Нодирабегим.– Сиз мени Анжон юборишни ҳукм этдингиз. Аммо салта-нат хазинасидан ўзинг учун энг қимматли нарсани олиб кет, дедингиз. Ҳукмингиз вожиб! Салтанат ха-зинасида мен учун энг бебаҳо бойлик – Сиз бўласиз!

Мен ўша хазинани ўзим билан олиб кетишга жазм этдим!

...Карвон дарҳол ортга қайтибди.

Ўша-ўша жаннатмакон Амир Умархон саройида осойишталик ҳукм сурган, дейишади.

ПАХТАКОР

Кўнгли – пахтасидек оппоқ. Феъли – пахтасидек юмшоқ. Мехри – пахтасидек қайноқ... Faқат битта айби бор: «пахта қўйиш»ни билмайди!

УМР ВА ҲАЁТ

Бир сайёҳ, қайси юрга борса, аввал бозорини, кейин мозорини айланар экан. Бозорга кириб, ўша мамлакатнинг моддий бойлигига, қабристонни зиёрат қилиб, маънавий бойлигига баҳо бераркан. Бир мамлакатга борибди. Бозор айланиб, юрга маъмурчиликда яшаётганига тан берибди. Қабристонга кириб фалати манзарани кўрибди. Ҳар бир қабр тепасида тош лавҳа бор эмиш. Лавҳага фалати сўзлар битилганмиш. «Фалончи етмиш йил умр кўрди ва саккиз йил яшади». «Пистончи эллик йил умр кўрди ва ўн тўрт йил яшади». «Бу инсон етмиш тўққиз йил умр кўрди ва... бир йил ҳам яшамади».

Сайёҳ бу не синоатлигини сўраган экан, тушунириб беришибди:

– Умр – бу Худо берган умр. Биронники кўпроқ бўлади. Биронники камроқ. Яашаш деганда эса биз бошқа нарсани тушунамиз. Марҳумни тупроқча топшираётганда аҳли-жамоани тўплаб, «фалончи қанча яшади?» деб сўраймиз. Марҳум умрининг қанчаси мазмунли ўтганини ҳисоблаб чиқамиз. Қанча фурсат савобли иш қилгани. Қанча муддат яхши амаллар бажаргани. Шодумон дамлари қанча бўлгани... Биронники кўпроқ чиқади, биронники – камроқ...

...Албатта, бу – бир афсона. Бироқ ер юзида чиндан ҳам шундай мамлакат бор бўлса, шубҳасиз, бу – донолар мамлакатидир!

БОЛАДЕК СОДДА

Үн түққизинчи аср охирларида Туркистанда Темир йўл қурилди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган «оташ арава» маҳаллий «сарт»ларни ҳайратга солади. Ҳатто наманганликлар олис йўл босиб чарчаб келган, оғиз-бурнидан олов сочадиган «арава»ни сийлаш учун қирқ боф беда, юз пақир сув олиб чиққанлари ҳақида ҳангомалар ҳам бор...

«Оқпошшо» тўраларининг димоғи чоғ. Ёввойи «сарт»ларга шундай замонавий техника олиб келдилар...

Шунақа-ку, «оташ арава» «сатр»ларга ҳадя учун эмас, бу юртнинг битмас-туганмас бойликларини ташмалаб кетиш учун келган. Қолаверса, Темир йўл қурилишига «ёввойилар» ҳам улуш қўшган: ўзи билмаган ҳолда. Масалан, мана бундай.

Биласизки, ҳар юртнинг ўз бойлари бўлади. Улар Туркистанда ҳам оз бўлмаган. Темир йўл қурилаётганида «у ёқдан келган» тўралар, дейлик, бешариқлик бойнинг уйига ўз вакилини юборади. Вакил бойга «хушхабар» етказади. «Суюнчи беринг, бой ота, «оташ арава» сизнинг мулкингиз устидан ўтадиган бўлди. Фалон таноб боғингиз, пистон таноб пахтангиз, уй-жойингиз бузилади. Вақт фаниматда бошқа жойга кўчинг. Биласиз «оқпошшо» одамлари билан ҳазиллашиб бўлмайди».

Бой шўрликнинг патагига қурт тушиб қолади. Қандай қилиб бўлмасин, бу балодан қутқаришини илтижо қилади. Вакил иккиланиброқ шама қилади. «Бунинг сирам иложи йўқ-ку, майли, сизнинг ҳурматингиз учун тўралар билан кенгашиб кўрамиз».

Уч кундан кейин «хушхабар» келади. «Суюнчи беринг, бой ота, сизнинг арзингизни «ярим пошшо»нинг ўзига етказдик. Жаноблари саховат қўрсатдилар. «Майли, фалончи бойни ранжитманглар, «оташ арава»ни четроқдан олиб ўтинг, дедилар. Сизнинг мулкингиз дахлсиз қолди. Аммо жиндай харажати бор: минг тилла!»

Бой ярим давлатини сотиб бўлса ҳам айтилган пулни топиб беради. Ўзига шундай ҳурмат кўрсатгани учун «ярим пошшо»ни дуо ҳам қиласди. Шўрлик билмайдики, темирйўл унинг мулки, далалари, уй-жойидан беш чақирим наридан ўтиши аввалданоқ равшан бўлган...

«Ярим пошшо» вакиллари бойдан олинган пулнинг ярмини темир йўл қурилишига сарфлайди, ярмини ўз ҳамёнига уради...

...Келаси ҳафта Рапқондаги бойнинг ҳузурига «чопар» бориб, «хушхабар» етказади. «Эшитдингизми, сизнинг мулкингиз устидан «оташ арава» ўтадиган бўлди...»

«Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Николай Остроумов яна бир ҳайратомуз воқеани ёзиб қолдирган.

Тошкентда зўр бир пахта «зовуди» очилади. Қовунчилик деҳқонлар қанчадан-қанча туя, от араваю эшак аравага ортиб, пахта олиб келадилар. «Зовудчи бой» уларни эрмак қилиш учун «червон» ўрнига бир қоп чақа билан ҳисоб-китоб қиласди. Деҳқонлар инқилаб-синқиллаб, чақа тўла қопни аравага ортиб жўнайдилар. Икки кундан кейин «сарт»лардан бири бойнинг ҳузурига келади.

«Нима гап? – дейди «зовудчи бой» энсаси қотиб. Деҳқон унга бир ҳовуч чақа узатади.

«Тўрам, пулингизни санасак, бир ярим сўм ортиқ чиқди. Шуни олиб қўйсангиз. Қиёмат қарз бўлиб қолмайлик!»

...Ўзбекда боладек соддалик бор.

Ўзбекда боладек гўллик бор.

Ўзбекда боладек поклик бор...

ҲАСАД БАЛОСИ

Ҳасадгўйлик баъзи одамлар қонида айланиб юрадиган кўхна хасталик. Афсуски, асрлар давомида бударднинг давоси топилмаган. Фализ ташбеҳ учун узрку, ҳасадгўй қутурган итга ўхшайди. Фарқи шуки, қутурган ит дуч келган одамни қопади. Ҳасадгўй

эса эл таниган, энг яхши одамларни «танлаб» абгор қилади. Ит дангал келиб қопади. Ҳасадгүй эса зимдан иш күради. Бирони ёмон отлиқ қилиш учун минг бир хил ҳаром «усул»дан фойдаланади.

Уларни икки тоифага бўлиш мумкин. Ўзини бирор танимайдигани «фалончи бўлмаса, менинг ишим юришиб кетарди, у эмас, мен машҳур бўлардим», деб ичидан зил кетади. Тағин бир тоифаси бор: кўпчиликка танилган, нишон ва унвони ҳам бор. Бироқ ҳеч кимни ёнига йўлатгиси келмайди. «Фалончи мендан ўзиб кетмасин, мендан бошқа ҳеч ким ўнгланмасин», деб ичи куяверади. Ҳаммадан шубҳаланаверади...

Ҳасадгүйнинг шубҳаси фашликка, фашлик фаразга, фараз фитнага айланиб, бегуноҳлар бошига кўй-ўп кулфатлар солиши мумкин. Қодирий ва Чўлпонларнинг отилишига, Ойбек ва Қаҳҳорларнинг майиб бўлишига, Саид Аҳмад ва Шуҳратларнинг қамалишига фақат золим Сталиннинг «қонли қиличи» эмас, ҳасадгүй «ҳамкасб»ларнинг фитнаси ҳам ҳисса қўшган.

Бундайлар бир нарсани тушунмайди. Тушунишни истамайди ҳам. Бошқа соҳалар-ку майли, ижодда ҳеч ким ҳеч кимнинг ўрнини эгаллай олмайди, китобхон меҳрини зўравонлик билан ҳам, ялиниб ҳам, пул бериб сотиб олиб ҳам бўлмайди, бунинг учун Худо берган истеъдод керак. Йигирма беш миллионли ўзбек халқи учун мингта буюк адаб, мингта улуғ шоир, мингта улуғ санъаткор камлик қилади, «кўнгилни кенгроқ қила қолай», деган гап хаёлига ҳам келмайди...

КАПАЛАК ВА ТОШБАҚА

Тошбақа гулдан-гулга қўниб юрган капалакни кўриб фаши келди.

«Бир кунлик умрига учиб-қўнишини қара!»

Капалак тошбақани кўриб қулди.

«Юз йиллик умрига судралиб юришини қара!»

КҮНГИЛ

Одам ҳамма нарсага түйиши мумкин. Бойликка... Амалга... Шон-шуҳратга... Худонинг ўзи кечирсингу, ҳатто... ҳаётга ҳам... Қариб чуриганида «Омонатингни олақол, Яратган Эгам», дейдиганлар чин дилдан гапиради...

Одам ҳамма нарсага түйиши мумкин. Фақат бир нарсага – Меҳрға түймайди. Бу масалада шоҳу гадо баробар.

Ҳолбуки, дунёда бундан арzon нарса йўқ. Бир оғиз ширин Сўз, бир чимдим Меҳр кимни ўлдирибди! Биз эса шуни ҳам бир-биримиздан аяймиз...

ҚОИДА

Балиқ бошидан сасийди. Аммо уни думидан то-залаидилар...

ЧАРХПАЛАК

Мактабимиз биқинида ариқ оқарди. Ариқда чархпалак бор эди. Катта танаффусда чархпалакни томоша қилишни яхши кўрардим... Ёғоч гардиши кўҳна, темир пақирчалари занглаб кетган. Парракларига кўкимтири сув ўтлари ёпишган... Бирор ёлғондан тутиб юборса, ростдан қулаб кетадигандек... Чархпалак нолали фийқиллаб айланади. Кафтида сув кўтариб, юқорига олиб чиқади... Тепага чиқиб олган сув ортига қайтмайди... Чархпалак ҳам бунга ранжимайди. Янгидан-янги сув томчиларини юқорига кўтариб бераверади... Нолали фийқиллайди...

Орадан кўп йиллар ўтиб, ўша чархпалак тушларимга кирадиган бўлди. Нега шундай бўлганини узоқ ўйладим...

Сўнг... Бир ҳақиқатни англадим. Мен чархпалакни эмас, устозларимни қўмсар эканман.

Сув – сув эмас, мен эканман! Чархпалак – чархпалак эмас, ўқитувчиларим экан!

Мени – бир томчи сувни катта ҳаёт йўлига олиб чиқиб қўйган устозларим – чархпалак заҳматини оқлай олдиммикан?.. Билмадим.

...Кўҳна чархпалак ҳамон тушларимга киради...

МЕНТАЛИТЕТ

Кунларнинг бирида Америкада чиқадиган йирик газетанинг раҳбари билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. У ўзбеклар нима учун маҳаллани бунчалик ҳурмат қилишини, нега маҳалла тўғрисида махсус Қонун қабул қилинганини сўради. Маҳалла дегани қандай институт эканини тушунтириб беришимни илтимос қилди.

— Мен сизга маҳаллани тушунтиришга ожизман, жаноб, — дедим ростини айтиб. — Узр-ку, сиз уни ба-рибири тушунмайсиз... Бунинг учун сиз ҳам, мен ҳам айбдор эмасмиз... Ҳамма гап ҳаёт тарзининг қандай шаклланганида.

Тасаввур қилинг. Сизларда фарзанд вояга етиши билан ота ўғлига аталган улуш – капитални беради. Шу кундан бошлаб йигитча мустақил ҳаётга қадам қўяди ва ўз кунини ўзи кўради. Ўғил бир ойдан кейин бурнини тортиб келса, отаси уни ҳайдаб юборади... Бизда эса ота-она болани вояга етказади. Уйлантиради. Уйли-жойли қиласди. Бу ҳам етмагандек, неваралариниям ортмоқлаб юради. Хуллас, болачақам деб умри ўтганини билмай қолади.

Сизларда ўн олти яшар бола отаси билан эллик доллар талашиб, судга мурожаат этсаю, ғолиб чиқиб, отасини минг доллар жарима тўлашга мажбур қилса, бу – демократия тантанаси саналади. Бизларда шундай ҳодиса рўй берса, бунақа болани «оқпадар» дейдилар ва бир умр лаънатлайдилар.

Сизларда Лос-Анжелесда яшайдиган ота вафот этиб қолсаю, Вашингтонда турадиган ўғил вазирликдаги юмушлари кўплиги учун дафн маросимига боролмаса, уни бирор маломат қилмайди. Бизда Сурхондарёнинг олис қишлоғида яшайдиган ота вафот этиб қолсаю, Тошкентда турадиган ўғил вазирликда иши кўпайиб кетгани учун отасини сўнгги манзилга ўз елкасида кўтариб бормаса, бунақа вазирдан ҳамма юз ўгиради.

Сизларда, масалан, бир қиз бегона эркак билан... нима десам экан... ноқулайроқ вазиятда турган бўлсаю, уни ён қўшниси кўриб қолиб, қизнинг

отасига хабар қилса, ота уни судга бериши мумкин: вояга етган қизининг шахсий ҳаётига аралашгани учун. Бизда, мабодо шундай ҳолат рўй бериб қолса, қўшни бу қизга қаттиқ дашном бериши, қўлидан етаклаб отасининг олдига олиб бориши мумкин. Қизнинг отаси унга миннатдорчилик билдиради: қизнинг ор-номусини ҳимоя қилгани учун.

Сизларда бир қўшни иккинчисидан «Кеча уйингизга қандай меҳмон келди?» деб сўраса, нариги қўшни ранжиши мумкин. Бирорвнинг уйига келган меҳмон билан бирорвнинг нима иши бор? Бизда бирорникига меҳмон келса, ён қўшниси албатта хабар олади. Иложи бўлса меҳмонни ўзиникига таклиф қилиб, олдига дастурхон ёзади.

Сизларда, дейлик ўн йил турмуш кечирган оиласининг бекаси кунларнинг бирида эрига «Азизим, мен бошқа бирорни севиб қолдим, кел, орани очиқ қилайлик, болаларни хоҳлаган пайтингда кўриб турасан, ёки «меҳрибонлик уйи»га топширсак ҳам бўлади, десаю, эр жаҳл устида қўл кўтаргудек бўлса, хотин ўша заҳоти адвокатини чақириб, эрини судга беради. Мабодо, эркакнинг кўнгли оиласидан совиган бўлса, амалда уни ҳам аёли билан яшашга мажбур қилиш мумкин эмас. Бу – инсон эркини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Бизда аёл киши нобоб эридан безор бўлса, адвокат чақирмайди, судга бормайди, маҳаллага чиқади. Маҳалладагилар аёл ҳуқуқини камситмайди, аммо «Қаматиб юбор, бундай баттолни», демайди ҳам. Аёлга жиндай сабр қилишни, икки гўдакнинг кўзёшини оқизмасликни масаҳат беради. Эркакни чақириб олиб, аёлинни тағин хафа қилса, бегуноҳ болаларни «тирик етим» қилса, уни маҳалладан бадарға қилиб юборишгача чора кўришини тушунитириб қўяди. Сизларда бу – инсон ҳуқуқини поймол қилиш, аёлга «феодалларча муносабат» деб баҳоланиши мумкин. Бизда эса бунинг оти – оиласи сақлаб қолиш, норасида болалар манфаатини ҳимоя қилиш деб аталади. (Ҳарқалай ўттиз яшар эркак ёки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилгандан кўра етти ёки беш

яшар бола ҳуқуқини ҳимоялаш афзалроқ деб саналади).

Билмадим, балки сиздаги одатлар яхшироқдир. Балки биздагиси маъқулдир. Буюк ўзбек олими Беруний бундан минг йил аввал яратган «Ҳиндистон» китобида «Бирон ҳалқнинг у ёки бу удумига баҳо беришда «буниси менга ёқади, униси эса ёқмайди», дейишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, негаки ҳар бир ҳалқ анъаналари йиллар мобайнида шаклланган ва ўша ҳалқнинг ҳаёт тарзига айланган», деб ёзгани бежиз эмас. Сизларда индивидуализм – шахс манфаати кучли. Бизда колективизм – жамоавийлик, бошқалар манфаати учун ўз манфаатидан кечишдан оғринмаслик удуми қадимдан бор...

Билиб турибман, жаноб, маҳалла дегани нималигини барибир тушунтириб беролмадим. Аммо бор гап шу...

БИР МАЖЛИС ҲАНГОМАСИ

Рус адиби Михаил Булгаковнинг «Қўлёзмалар ёнмайди», деган гапи бор. Шу гап рост бўлса вақти келиб ушбу «ҳангома» ҳам дунё юзини кўриб қолса ажаб эмас. Буям бир «тарих-да».

Яқинда менга «коммунист сифатида», «партийное поручение» топширилди. ЦКда катта мажлис бўларкан. Марказдан келган жуда «катта» одам жуда муҳим мавзуда доклад қиларкан. Мен ҳам сўзга чиқиб, унинг фикрини маъқуллашим керак экан. Иложи бўлса ҳаётий мисоллар билан...

Шундай қилиб йиғилиш очилди. Президиумда марказдан келган «катта одам» (адашмасам, фамилияси ўртоқ Бессарабов), унинг ёнида «юргут оталири» ва «юргут опалари» ўтиришибди.

Меҳмон жуда гапдон экан. Салкам бир соатча маъруза қилди. Биз билмаган эканмиз. Ўзбекистон «қўшиб ёзувчилар», «пораҳўрлар», «боқимандалар» юрти экан! «Пахта иши» бўйича минглаб жиноятчи қамалибди. «Ич-ичидан чириб кетган» республикани тозалаш, ҳалол меҳнат қилишни ўргатиш учун мар-

казий районлардан тоза, принципиал, ишбилармон кадрлар келаётган экан...

Табиийки, маъруза «муҳокама» қилинди. Энг аввал «юрготалари» ва «опалари» сўзга чиқишиди. «Жиноят макони»га айланган Ўзбекистоннинг танобини тортиб қўйиш вақти аллақачон етганлиги, бизга ҳалол ишлашни ўргатаётган «кристалдек тоза» коммунист кадрлар юборилаётгани учун КПСС Марказий Комитетига қизғин миннатдорчилик билдирилди.

Бошимни қўйи солганча, оғир ўйларга чўмиб ўтирибман. Майли, пахтани «қўшиб ёзганлар» бўлса бўлгандир. Порахўрлар ҳам бўлса бордир. Аммо бунинг учун бутун Ўзбекистонни бадном қилиш шартмикин? Мунча fazab отига минмаса бу «оталар» ва «опалар?» Улар Ўзбекистон раҳбарлари-ку! Қайси ота хато қилган ёки йўлдан адашган боласини қўшнининг оёғи тагига ташлаб тепкилатади? Қайси опа ўз укасининг исботланмаган айби учун қўлига кишан солдиради? «Катта одам»нинг бир гапи айниқса фалати бўлди. «Ўртоқлар! – деди ҳайқириб. – Ишонасизларми, Ўзбекистондан марказий районларга тола ўрнига вагон тўла ҳаво борган. Ҳа-во! Самолётларда эса дипломат тўла пул борган. Пора!

Хаёл суриб ўтирган эканман, бирор елкамга туртди. Қарасам, менга «партийний поручение» берган «опача».

– Вы будете выступать или нет? – деди паст, аммо таҳдидли оҳангда. (Бизда одат шу. Расмий мажлисларда нутқ у ёқда турсин, ўзаро сухбат ҳам рус тилида бўлади). Сўзга чиқаман, деб қўйганим учун минг карра афсусландим. Аммо энди гапирмай илож йўқ. Дафъатан хаёлимга фикр келди.

– Савол берсам ҳам бўлаверадими? – дедим сенин.

– Конечно. – «Опача» шундай деб минбар томон кетди.

Қўлимни кўтаришим билан юқорида ўтирган мажлис раиси дарров сўз берди.

— Пожалуйста! — деди минбарни кўрсатиб.

— Узр, мен сўзга чиқмоқчи эмасман, фақат бир саволим бор эди, — деган эдим, «рухсати олий» тегди. — Мен пахтакор ҳам, хўжалик раҳбари ҳам эмасман, — дедим ичимни қақшатиб юборгудек асабий титроқни базур босиб. — Албатта, «қўшиб ёзувчилар»ни, порахўларни жазолаш керак. Фақат бир нарсани унчалик тушунмаяпман. Ҳозир докладда бир гап айтилди. Ўзбекистондан марказий районларга тола ўрнига вагонларда ҳаво, самолётларда эса дипломатларда пул борган экан. Марказдагилар нега айтмабди: бизга вагонларда ҳаво, самолётларда пора эмас, толанинг ўзини юборинглар, деб нега талаб қилмабди? Одатда, пора оладиган қўл пора берадиган қўлдан баландроқда туради, шекилли?!

Зал икки дақиқача «музлаб» қолди. Ростини айтсам, ўзимнинг ҳам бутун вужудим музлаб кетди! «Тамом бўлдинг! — дедим ўзимга ўзим. — Тилингни тийиб ўтиранг бир бало бўлармидинг? Умуман, нега келдинг бу палакат мажлисга! Эртага партия мажлисига масалангни қўйишади!»

Йўқ, бир оздан кейин йиғилиш ўз маромига тушиб кетди. Аллақайси районнинг «комсомол вожаги» жонажон ЦК КПССнинг доно сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашга ёшлар номидан ваъда берди. Сўнг бошқалар сўзга чиқди. Мажлис «бир овоз»дан қарор қабул қилди...

Йиғилиш тугаши билан мени «сўзга чиқиши»га ундалган «опа»ча шиддат билан ёнимга келди.

— Чтобы духа вашего больше здесь не было! — деди кулранг кўзларидан ўт чақнатиб.

Бўйруққа амал қилиб қорамни кўрсатмай юрибман. Худога шукр, (ие, кечирасиз, ўн олтинчи пленумдан кейин Худони тилга олиш тақиқланган, шунинг учун «осмонга шукр, осмонга шукр»), улар ҳам ҳозирча менга тегмай туришибди...

1986 йил, май.

САБОТ

Тангри инсонга сабот берган. Нонини тортиб олсалар, чидайды. Молини ўғирласалар, чидайды. Урсалар, сўксалар, чидайды. Аммо оқни қора, қорани оқ десалар, фариштани «шайтон», шайтонни «фаришта» деб «исботлаб берсалар», бунисига чидаши қийин...

Бундай пайтда сўнгти илинж – Оллоҳдан мадад сўраб, илтижо қилишдир. Тангрининг тарозуси бехато ишлайди...

1987 йил, март.

НЕОФАШИСТЛАР

Кўз ўнгингда рўй бераётган адолатсизликни кўра туриб бир нима деёлмасанг, ҳеч нима қиломасанг, оғир бўларкан. Юртимизга оғат оралади. «Ўзбек иши», «пахта иши» баҳонасида минглаб одамлар қамоқقا тиқилди. Қатағон қилинди. Бир қанчаси қийноқ ва тухматларга чидолмай ўзини осиб ўлдирди, деразадан ташлаб нобуд бўлди... Қамалганлар орасида эл устида юрган ҳурматли инсонлар ҳам оз эмас эди. Шундайлардан бири барча хўрликлару, ситамларга чидаб, узоқ вақт жалодмисол терговчиларга «керақли» кўргазмаларни бермайди. Орадан бир йил ўтгач терговчилар столида «мен фалончидан эллик минг пора олганман», «мен фисмадондан етмиш минг олганман», «мен фисмадончига юз минг пора берганман» қабилидаги «иқрорномалар» пайдо бўлади. Яна ўнлаб бегуноҳларнинг шўри қурийди... Бир куни ўша одам бадарғадан қайтиб келади. Афтадаҳол. Оғир дардга чалинган... Уч ойнинг нари-берисида йиқилади. Ҳаётининг сўнгги лаҳзаларида ўзи «сотиб», қамалишига сабабчи бўлган дўстининг ўғлини чақиради.

– Биламан, отанг мендан нафратланади, – дейди у. – Биз қадрдан дўст эдик. Сени болалигингдан биламан. Шунинг учун дардимни сенга айтади.

ман. Олисдаги пойтахт қамоғида бир йил ўтириб, минг бир азобга чидадим. Гдлян деган жаллоднинг олдиндан тайёрлаб қўйган биронта «показание»сига қўл қўймадим. Бир йилдан кейин менга «свидание» учун рухсат берди. Қизим ҳуқуқшунос эди. Етиб борди. Кўришдик. Анча суҳбатлашдик. «Мен ҳақимда ким нима демасин, ишонманглар, ҳеч қандай гуноҳим йўқ, ҳеч кимга хиёнат ҳам қилганим йўқ», дедим. Қизим далда берди. СССР бош прокурорига хат ёзгани, унинг қабулига кирмоқчи экани, керак бўлса, давлатнинг энг каттасига – Кремлгача боришини, тез кунда гуноҳсизлигим исботланиб, озодликка чиқишимни айтди. Дилем ёришиб хайрлашдик. Эртасига Гдлян тағин сўроқча чақирди. Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, рўпарамга телевизор келтириб қўйди. «Манавини диққат билан томоша қил!» деб телевизорни ёқди. Қарасам, қизим худди ўзим ўтирганга ўхшаш камера бурчагида ўтирибди. Сочлари тўзғиган, қўллари титраб, нуқул йифлайди... «Танидингми? – деди Гдлян. – Қизинг наркобизнес билан шуғулланган. Бир кило наркотик билан қўлга тушди. Камида ўн йил нақд! Буниси ҳали ҳолва! Шартимизга кўнмасанг, қизингни бир эмас учта рецидивист баравар зўрлайди. Камера туйнугидан сен томоша қилиб турасан!» Шу гапни эшишиб адой тамом бўлдим! Бу ваҳшийларнинг қўлидан ҳар нарса келишини билардим. Шунинг учун ҳар қанча «показание» бўлса «тасдиқлашга» тайёр эканимни, фақат қизимни чиқариб юборишларини сўрадим... Эртасига қизим аэропортдан телефон қилди. Тошкентга учадиган самолётга чиқариб юборишаётганини айтди. Бўлган гап шу. Энди айт-чи, ўғлим, менинг ўрнимда бошқа одам бўлса нима қиласарди?

Бу – жабрдийда инсоннинг сўнгти васияти эди...

Гдлянчилар фашистдан баттар! Улар тарих олдидаги жавоб бериши керак!

1988 йил, декабрь.

ЯКДИЛЛИК

«Халқ» деган сўз билан «ҳалқа» деган сўзда муштараклик бор. Қадимда занжирнинг қувватини аниқлаш учун энг ожиз ҳалқани синаб кўришар экан. Негаки, юзта ҳалқа мустаҳкам бўлгани билан биттаси нобоп бўлса, занжир худди ўша ердан узилади...

...Бир-бири билан занжирдек боғланган, орасидан «ола» чиқмайдиган ҳалқни енгиб бўлмайди.

ДАРДМАН ХУЛОСАЛАРИ

Эрталаб турганингда, кундузи юрганингда, кечаси ухлаганингда ҳеч қаеринг оғримаса шунинг ўзи баҳт!

ПРОЛЕТАРИАТ ДИКТАТУРАСИ

Отам эскича илмдан яхши хабардор эди: Қуръони Каримни ёдан қироат билан ўқир, рўзани канда қилмасди. Янгича илмдан ҳам хабардор эди. Кўлидан газета тушмас, ичида ўқиб, негадир истеҳзоли кулимсираб кўярди.

Бешинчими-олтинчи синфда ўқирдим. СССР тарихидан дарс тайёрлаб ўтириб, «пролетариат диктатураси» деган сўзни яхши тушунмадим.

– «Пролетариат диктатураси» нима, ада?

– «Пролетариат диктатурасими?» – Отам бир зум ўйланиб қолди-да, истеҳзоли кулимсиради. – Кузакда келадиган ойначини кўргансан-а? Ёндоқ ҳазончинак бўлган пайтда келади. Елкасида яшик. Яшикда ойна. Оғзида газит-попирис... Мўйлови сарфайиб кетган. Ҳар эшик олдига бориб, «айне-е-е тзатама-а-а-ан» деб бақиради... «Пролетариат диктатураси» – шунақалар Пошшо бўлади, дегани!

ТАМАГИРЛИК

Тамагирлик шундай касалликки, унга йўлиққан одам бора-бора ўзининг хотинини ҳам бировнинг қўли билан қучоқлагиси келадиган бўлиб қолади...

ЖАВОБГАР

Ота учун бола жавобгар эмас. Аммо бола учун ота жавобгар! Бола – отани эмас, ота – болани дунёга келтиради ва тарбиялайди...

БОЗОР ВА МОЗОР

Бозорда ҳаёт қайнайди... Мозор эса марҳумлар макони...

Бозорда шоҳ – шоҳ, гадо – гадо. Мозорда эса шоҳу гадо баробар...

Бозорда шовқин тинмайди. Мозор эса сукунат маскани...

Бозор билан Мозор, бир-биридан нақадар узоқ...
Лекин...

Ақли расо одам ҳеч қачон Бозорни бузмайди,
Ақли расо одам ҳеч қачон Мозорни ҳам бузмайди...

Ақли расо одам қай юртга бормасин, бозорни айланади. Ақли расо одам қай юртга бормасин, Мозорни ҳам айланади.

Бозор билан Мозор бир-биридан нақадар узоқ.
Бозор билан Мозор бир-бирига нақадар яқин!

БАЙРАМ ЧЕЧАКЛАРИ

Бугун байрам. Кўчалар гавжум. Шўх-шўх куйлар янграйди. Гурас-гурас одамлар ўтади. Ўйин-кулги, шодон шовқин баҳор осмонини титратади.

Шундоққина йўлка чеккасида ўтириб олган болакай овози борича ҳайқиради:

– Гул! Кеп қолинглар, гул! Атиргул. Байрам гуллари!

Унинг олдидаги бир сават гул қуёш парчасидек товланади.

Гуллар ҳар хил: оқ, қизил, пушти...

Одамлар келиб гул олишади.

Нарироқда тўнкарилган эски пақир устида ўтириб, редиска сотаётган хотин ора-чора болага танбеҳ бериб қўяди:

– Издачисини бердингми, Аъзам? Пулингга эҳтиёт бўл!

Болакай ҳамон ҳайқиради:

— Келинглар! Гул олинглар. Гул!

...Болалик йилларимни эслайман. Түрт ака-ука эдик. Дадам ҳаммамизни баравар кийинтира олмагани учун байрамга биримизга янги дүппи, биримизга ботинка, яна биримизга күйлак совға қиласы. Биз байрам келишини орзиқиб кутар, шунгача янги кийимларимизни ҳар күн бир-биримизга күз-күз қиласы, аммо киймас эдик.

Байрам куни шаҳар тушардик. Гүё ҳамма бизнинг янги дүппимизга, күйлагимизга ҳавас билан қараётгандек туюларди.

...Бугун байрам. Одамлар гурас-гурас ўтади. Чиройли кийинган болалар шовқин солиб югуришади.

Гулчи болакай ҳамон қичқиради:

— Гул олинглар, гул!

Бояги хотин яна танбеҳ беради:

— Пулингга қара, пулингга!

Бугун байрам. Қара, ҳаммаәк байрам! Сен қачон байрам қиласан, болажон?! Ҳой, пул жонингни олгур хотин, айт, у қачон байрам қиласы?!

МАНТИҚСИЗ МАНТИҚ

Үнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, деган гап бор. Бирорга яхшилик қилиб, жавобини кутиш – тамагирлик.

Шунақа-ку... Бошига оғир күн тушганида ёнида турган, кўмаклашган, дардига ҳамдард бўлган одамларинг сенинг бошингга синовли кунлар тушганда яқинингга йўламаса, оғир ботмай илож йўқ. Қизиқ, шундай паллада, кўпинча, сендан бирон манфаат кўрмаган, ҳатто етти ухлаб тушингга кирмаган одамлар ёнингга етиб келиб, суюнчиқ бўлади.

...Дунёнинг ишларини тушуниш қийин...

МЕВАЛИ ДАРАХТ

Мевали дараҳт ўзига ишонгани учун ёнидан янги ниҳол ўсиб чиқса, қувонади. Тўнка ўзига ишонмагани учун ниҳолга ғашлик қиласы. Бироқ у хоҳлайдими-йўқми, ниҳол ўсаверади!

ОТ МИНГАН ОДАМ

Боботоқقا борганимда қизиқ воқеа бўлган.

Ярим кечагача чўпонлар билан ҳангомалашдик. «Тандир» тановул қилдик... Мезбонлар қоп-қора, ча-йир бир йигитни кўрсатиб, мана шу Бўривой кийик боласини қўли билан тутиб олган, деганларида, тўғриси, ишонмадим. Тошкандан келган «оқбилак»-ларга нима десанг лақиллайверади, деб ўйлашса керак-да. Одам кийикка ета оларканми?

Шунақа-ку, эртасига... Ҳаммамиз отлиқ, янайм тепароқ яйловга йўл олдик. Анча юрдик. Бир маҳал белга урадиган ўтлоқ ўртасидаги «қора уй» олдига келиб ҳамма отдан туша бошлади. Мен ҳам ўзимни ерга ташлаган эдим, чап оёғим узангига қисилиб қолди. Мен учун бу кулгили ҳолат эди. Қўлим ерда. Оёғим узангига билан от қорни орасига қисилиб қолган. Ҳарчанд уринганим билан чиқаролмайман. Кулиб юбордим.

Қарасам, отдан тушган мезбонлар турган жойида қотиб қолибди. Ҳаммасининг кўзида даҳшат... Ўттиз қадамча нарида турган Бўривой, ишонсангиз, тўрт хатлашда тепамга етиб келди. Отимнинг жиловини маҳкам чангллади. Шу орада бошқалар ҳам келишди. Оёғимни узангидан ажратиб, турғазиб қўйишиди. Йўл бўйи жимгина келган от эса, бирдан қулоқлари чимрилиб, кишнаб юборди. Бўривой жиловни қўйиб юбориши билан думини гажак қилганча, дуч келган томонга югуриб кетди.

Мен ҳамон ҳеч нимага тушунмай туардим.

– Бир ўлимдан қолдингиз, ака! – деди Бўривой ҳансира. – Оёқ узангига қисилиб қолса, от ҳуркади. Ҳуркдими – тамом! Осилиб қолган одамни тепиб, югураверади. Одам тепки еб, тошларга урилиб, бир халта этга айланади... Яхшиям вақтида ултурдик...

Сийрак соқолли кекса чўпон эса елкамга қоқди.

– Худойфа бир ёзғанинг бор экан, улим! Отқа ми-нувдан олдин тушувни ўйлаб қўюв керак...

ЭРК

Инсон табиати шу: ҳамма эркни орзу қилади.
Ҳамма озодликка интилади. Шунақа-ку...

...Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Нима учун Ер курраси ўз ўқи атрофида нуқул бир томонга қараб айланади?
Бугун бир томонга, эртага бошқа томонга айланса,
нима бўларди?

Нима учун Ер ўз ўқи атрофида 24 соатда бир айланади? Бугун 24 соатда, эртага 30 соатда айланса
нима бўларди?

Нима учун Замин Қуёш атрофини уч юз олтмиш беш куну олти соатда бир марта айланиб чиқади?
Бир йил уч юз олтмиш беш куну олти соатда, иккинчи йили икки юз кунда айланса нима бўларди?

Нима учун Ер курраси ҳар йили 22 декабря Қуёшга энг яқин масофага боради, 22 июня Қуёшдан энг узоқ масофага кетади? Шундаям керагидан ортиқ яқин ҳам бормайди, керагидан ортиқ узоқ ҳам кетмайди?

Бу қонунларни, аниқроғи, қонуниятларни ким яратган?

Оллоҳ эмасми?

Инсон эса Оллоҳнинг бандаси эмасми?

Мутлақ эркни орзу қилиш Тангрига ҳам хуш келмайди...

ИЛК МУҲАББАТ

Илк муҳаббат баҳор осмонидаги булутта ўхшайди. Оппоқ. Покиза. Шаффоф... На қўлингиз билан тутасиз. На ортидан югуриб етасиз... Шамол уни қаёққа олиб кетишини ҳам билмайсиз...

Биринчи муҳаббат кўпинча натижасиз тугаши балки шундандир...

СИНОВ

Бир нарсани кўп кузатдим. Она овқатга ўтирган замон чақалоқ йифлайверади. Кексалар, бунақа пайтда болани шайтон чимчилайди, дейдилар. Билмадим... Худонинг ўзи кечирсинку, менимча гап шай-

тонда эмас. Бу – Тангрининг она меҳрини синаш усулларидан бири бўлса ажабмас...

ШАМ ЁНМАСА...

Эркак билан аёл муносабатида айбни нуқул эр-кақдан излаш инсофдан эмас. Шам ёнмаса, парвона яқин келмайди...

ҚИРҚ ЖОН

Хотин кишининг жони қирқта бўлади, десалар ажабланманг. Негаки у битта жонни ўзига олиб қолиб, ўттиз тўққизтасини фарзандларига беради...

СОДДА ВА БУЮК

Қадимги мусавирлар фариштани гўдак қиёфа-сида тасвиrlашгани бежиз эмас. Бола шу қадар соддаки, биз унинг даражасига туша олмаймиз. Бола шу қадар буюкки, биз унинг даражасига етолмай-миз!

ҚЎҒИРЧОҚ

Бу одам лойдан ясалган қўғирчоққа ўхшайди. Замон сал ўзгарса, бошидан жиндай сув қуядида, лойини ийлаб-ийлаб, ўзини қайтадан ясаб, бошка қиёфага кириб олади...

Қаттиқроқ ёмғир ёғса, балчиққа айланиб кетади-ёв!

АҚЛ ВА МАНСАБ

Ақл билан мансабга эришиш мумкин. Мансаб билан ақлга эришиб бўлмайди.

КОММУНИЗМ

- Жаннат билан коммунизм орасида фарқ борми?
- Бор! Жаннатдан ҳеч ким қайтиб чиқмайди. Коммунизмга ҳеч ким етиб бормайди!

ЕБ ТҮЙМАГАН – ЯЛАБ ТҮЙМАС

Қадим замонда кўзи ожиз одам бўлган экан. Албатта, кўзи ожизлик айб эмас... Хуллас ўша одам тирикчилиги танг аҳволда қолгач ўзига ўхшаш сўқир бир тиланчига шогирд тушибди. Гадойлик ҳунарининг сирини ўргатишни сўрабди.

– Бу ҳунарнинг учта қоидаси бор, – дебди устози. – Қаерда бўлса ҳам, қанча бўлса ҳам, кимдан бўлса ҳам олаверасан!

Орадан кўп йиллар ўтибди. Устоз тиланчи ҳаммомнинг иссиқ хонасида мудраб ўтирса, ёнбош томондан овоз келибди:

– Хайр қили-и-инг!

– Эсинг жойидами? – дебди устоз тиланчи. – Ҳаммомда ҳам садақа сўрайдими?

– Қаерда бўлса ҳам! – дебди бояги овоз.

Устоз тиланчининг аччиғи чиқибди.

– Қанақа бетамизсан, яланғоч одамда пул нима қиласин?

– Қанча бўлса ҳам!

Устоз тиланчи шогирдини овозидан таниб қолибди.

– Ҳой, бадбахт! Келиб-келиб ўз устозингни шиласанми?

– Кимдан бўлса ҳам! – дебди шогирд тиланчи...

Албатта, порахўр тиланчи эмас. Порахўр аввалига ўзини тийиб юради. «Инсоф» билан олади. Аммо бора-бора қаерда бўлса ҳам, қанча бўлса ҳам, кимдан бўлса ҳам олишга ўрганади. Ва... охири ҳаммомга яланғоч киради...

Тағин ким билсан... Қариб-чуругунча умргузаронлик қиладиганлари оз эмас шекилли.

ЧИРОҚ КЎТАРГАН ОДАМ

Ҳақгўй – қоронфида чироқ кўтариб бораётган одамга ўхшайди. Унинг чироғи оламни мунаvvар қилмаслиги мумкин. Бироқ дилларга далда беради, умид ўйғотади... Ҳақгўй олис-яқиндан кўриниб туриши – шундан.

Афсуски, чироқ кўтарган одам кўп қоқилади...

ОДАМ АТОДАН ҚОЛГАН УДУМ

Севги изҳор қилаётган эркак соқов бўлса ҳам булбулигүёга айланиб кетади. Аммо айтганларини тезда унугради.

Изҳори-дилни тинглаётган аёл булбулигүё бўлса ҳам соқовга айланиб қолади. Аммо эшигларини ҳеч қачон унумтайди...

«АФЛОТУН БЎПКЕТ-Е»

«Қайси юртда қонунлар ҳокимлар устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга қул бўлса, ўша ерга Худонинг неъматлари ёғилиб туради!»

Бу гапни Афлотун ёзган. «Қонунлар» деган китобида. Бундан икки минг тўрт юз йил аввал!

Одамлар бирорга қойил қолса, «Афлотун бўпкет-е!» деб хитоб қилиши бежиз эмас-ов...

БАРДОШ

Кексаларни узоқ умр кўргани учунгина эмас, ҳаёт синовларига узоқ бардош бергани учун ҳам ҳурмат қилмоқ керак!

ҲАММА ОНА – БИР ОНА

Америка билан Ўзбекистон ораси ўн беш минг чақирим. Австралия билан Канада ораси йигирма минг чақирим. Аммо америкалик сенаторнинг хотини ўз фарзандини ўзбекистонлик деҳқоннинг хотинидан камроқ яхши кўрмайди. Австралиялик абориген аёл ўз фарзандини канадалик миллионер аёлдан кўпроқ яхши кўрмайди.

БУЗИЛГАН НИКОҲ

Уйни қонуний бўлашдингиз...

Мол-мулкни қонуний бўлашдингиз...

Муҳаббат бўлакланди...

Садоқат бўлакланди...

Бола-чи? Болани қайси қонун билан бўлашасиз?
Онаси билан бўлса, отасиз қолса. Отаси билан бўлса,

онасиз қолса... Яххиси, униям иккига бўлинг! Бир нимтаси – эрга! Бир нимтаси – хотинга!

Қани кўтаринг болтани, боланинг уволи туттурлар!

ТИРИК МУРДА

У хў-ў-ўп ўқимишли, хў-ў-ўп билимдон, хў-ў-ўп олим одам. Фақат битта «жузъий» камчилиги бор: чин дилдан кулолмайди, чин дилдан йиғолмайди...

ТОМСУВОҚ

Қишлоқда куз палласи томсувоқ қилиш удуми бўларди. Унинг ёзилмаган қоидаси бор. Биринчидан, ҳеч ким томини ёлғиз ўзи сувамайди: ҳамма ҳашарга келади. Иккинчидан, бева-бечора, қўли қисқа хонадоннинг уйи энг аввало томсувоқ қилинади. Кейин, навбатма-навбат давом этаверади...

Ўқитувчимизнинг ҳашарига, айниқса, кўп одам йиғилди. Уйи катта йўл ёқасида эди. Шундоқ кўча четидан лойхандақ қазилган экан. Сомон, катта йўлнинг кўпчиб ётган тупроғига қовушиб, обдон юмшабди. Ўқитувчимизнинг Азим aka деган қўшниси ишбоши бўлди. Бирор хандаққа тушиб лой солиб бериб турибди, бирор пақирлаб лой ташийди, яна бирор томда туриб, илгак билан тортиб олади, бошқаси ҳафсала билан сувайди...

Эрта пешиндаёқ ҳамма ишни қойил қилиб ташладик. Ҳовли ўртасидаги тут тагида овқатланиб ўтирасак, ўқитувчимизнинг кекса онаси келиб қолди. (Кейин эшитсак, бир ҳафта аввал кўзи ёриган қизиникига кетган экан).

Кампир ҳассасини дўқиллатиб, тўппа-тўғри ўқитувчимизнинг олдига борди.

– Нима қилдинг?! – деди ўғлининг саломига алик ҳам олмай. – Нима иш қипқўйдинг?!

Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб қолдик. Муаллим ўқувчиларининг олдига, айниқса, мулзам бўлди шекили, қизариб кетди.

– Нима қипман, ойи? – деди күзларини пирпира-тиб.

– Дард! – кампир ҳассаси билан ерни нуқиди.– Санга қачон ақл киради, нодон бола! – Кейин Азим акага юзланды. – Бу-ку аҳмоқлик қилишга қипти, сиз қаёқда эдингиз? Нега күчадан лой қилдиларинг?! Күчанинг тупроғига тегиб бўладими, нобакор! Кўпчиликнинг ҳақи-ку, бу! – Бир зум ҳарсиллаб турди-да, тўсатдан йиғлаб юборди. – Ман юртнинг ҳақига сувалган том тагида турмайман! – Шундай дедио, супа лабига бориб, терс ўтириб олди...

...Ҳаммамиз қайтадан томга чиқдик... Сувоқ қи-лишдан кўра лойни кучириш қийин бўларкан. Битта қолдирмай, қиртишлаб, томдан туширдик. Пақирлаб ташиб, кўчадаги лойхандақни тўлдириб қўйдик...

...Орадан йиллар ўтиб, кампир кўз юмганида тумонат одам уни ўша кўчадан сўнгги манзилига кўтариб борди...

Кўча тупроғи илиқ эди... Майин эди...

ҲАР ТЎКИСДА – БИР АЙБ

Ростгўй одамнинг битта ожизлиги бўлади: уни алдаш осон.

ИЛТИФОТ

Ўзи учун илтифот тилаган – гадо. Ўзгалар учун илтифот тилаган – ярим подшо.

ДЎСТ

Дўст дегани дараҳт япроғига ўхшайди. Баҳор чоғи – беҳисоб. Куз келганда – саноқли. Ёшлиқ чоғи – беҳисоб. Кексайганда – саноқли...

ИТБОЗГА «ЭҲТИРОМ»

Собиқ шўро замонида қорга ёзиб, офтобда қуритилган ваъдалар анчагина эди. Масалан, собиқ Иттифоқдаги барча миллатлар тенг ҳуқуқли, бир халқ иккинчи халқни камситиши мумкин эмас...

Чиройли шиорлар! Шунақа-ку... Ҳамма миллат-лар тенг, аммо шоир зоти борки, йилда ақалли бир марта «у ёқقا» таъзим қилиб, «улуг оға»га ҳам-ду сано битмаса, косаси оқармайди. Гоҳ ошкора, гоҳ яширин шовинизм бўлиб туради-ю, кўриб кўрмаганга соласан. Фиринг десанг, ўзингни «миллат-чи»га чиқариб, кунингни кўрсатади...

Саксонинчи йиллари қўлимга «Клуб служебного собаководства» деган китоб тушиб қолди. 1979 йили Москвадаги ДОСААФ нашриётида чоп этилган китоб. Эътироф этиш керак. Китоб муаллифларининг бафоят тажрибали итшунос эканлиги кўриниб турарди. Биласиз, ит – инсон дўсти. Шарқ шеъриятида ҳам ит вафо рамзи сифатида кўп чиройли тасвирланган. Бу китобчада итваччани қандай боқищдан тортиб, қандай чўмилтиришгacha, ит зотини қандай аниқлашдан тортиб қайси соҳа бўйича «мутахас-сис» қилиб тарбиялашгacha – ҳаммаси баён этилган. И. Духновский дегани эса «Итларга қандай лақаб қўйиш керак?» сарлавҳали каттагина мақоласи билан чиқсан. Мақолада кўп жўяли фикрлар бор. Духновский итга инсон исмини лақаб қилиб бериш тўғри эмаслигини таъкидлайди. Яххиси, ҳайвонлар номи, табиат ҳодисаси ёки жўкрофий номларни танлаган маъқул. Масалан, Бўрон, Момақалдироқ, Тай-фун, Казбек, Дон, Амур, Бўри, Олмахон дегандек...

Муаллиф шу тарзда итларга қўйиладиган ла-қаблар рўйхатини давом эттиради: Акбар, Али-шер, Анвар, Араб, Асқар, Бек, Ботир, Жўра, Ко-мила, Лола, Мухтор, Наим, Нодир, Наргис, Ноди-ра, Умар, Падар, Рафиқ, Садир, Султон, Тоҳир, То-йир, Ҳайдар, Ҳасан, Шайх, Амир, Майна ва ҳоказо... Ана, сизга итларга мўлжалланган «одам эмаслар» номи! Хоҳлаганингизни танлаб олаверинг! Итингиз эркак бўлса – «Алишер», урғочи бўлса – «Нодира»!

Майли, Духновский деган кимсанинг итдан бошқа ташвиши бўлмай қўя қолсин. Аммо ўша китобни минглаб нусхада чоп этган ноширлар ҳам шунчалик ит билан ҳамтовоқми? Наҳотки, улар Али-шер Навоийдек даҳо шоирни билмайдиган даражада

нотавон бўлса? Умар Хайём деган буюк зот номини эшитмаган бўлса? Мухтор Аvezov қозоқ халқининг машҳур адиби экани, ўзбек шоираси Нодира бутун бир хонликни тебратган давлат арбоби бўлгани наҳот қулоғига ҳам чалинмаган бўлса?! Буни бошқа халқларни ҳақорат қилиш – шовинизм демай, нима деб аташ керак?!

«Дўстлик ҳурматдан бошланади» деган аччиқ ва изтиробли мақола шу мисол билан бошланган, унда марказий нашрларнинг Ўзбекистон устидан тогора-тогора мағзава афдараётгани исботлаб берилган эди. Унинг бир нусхасини ДОСААФ нашриётига юбордим. Табиийки, жавоб беришни ҳам лозим топмадилар. Мақола ўзимиздаги газеталарда босилди, китобларга киритилди.

Барибир, Духновский каби итфеъллар қилмиши кўнглимнинг бир четида иштибоҳ бўлиб ётар эди...

Орадан бир-икки йил ўтгач, дилхиралик бирдан тарқаб кетди. Олис тоғ қишлоқларидан бирига борган эдим. Нотаниш бир киши уйига таклиф қилди. Мактаб ўқитувчиси экан. Бир пиёла чой ичиб кетмасам қаттиқ ранжишини айтди. Турфа хил меваллар ғарқ пишиб ётган кенг саҳнли ҳовлига киришимиз билан этак томондаги молхона девори тагида ётган, қулоқ-думи кесилган ит важоҳатли акиллаб қолди. Мезбон итга ҳайқирди: «Ёт, Духновский!», «Ўчир овозингни, Духновский!». Ит норози алфозда фингшиб, нари кетди.

Беихтиёр кулиб юбордим... «Бунаقا лақабни қаердан олдингиз?» десам, «Сизнинг китобингиздан», деди. Мезбоннинг айтишича, шу қишлоқнинг ўзида олтита «Духновский» бор экан!

ШУКР ҚИЛГАН...

Бир синфдошим бор эди. Отаси «катта жой»да ишлар, бадавлат яшашарди. Маҳаллада биринчи бўлиб телевизор олишганди. Синфдошим яхши ўқирди. Еттинчи синфни битирган куни мотоциклли бўлди. Мактабни олтин медаль билан тугатди.

Йиллар ўтди. Бир куни кўришиб қолдик.

– Ишлар қалай? – десам, зарда билан қўл силтади:

– Расво! Домлам ўлгудек мараз! Кандидатлик ишимни чўзиб ётиби.

Йиллар ўтди. Тағини кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Расво! Ўглим кўп ичади. Кеча яп-янги машина ни пачаини чиқариб келди!

Йиллар ўтди. Яна кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Расво! Қизимнинг турмуши нотинч. Қайноаси ёмон. Судлашмоқчиман.

Йиллар ўтди. Синфдошим бетоб деб эшилдим. Шифохонага борсам, ранги бир ҳолатда ётиби.

– Ишлар қалай?

– Расво! Қанд касали деган палакат адойи тамом қилди. Ўлиб-ўлмайман, тузалиб-тузалмайман!

Тавба деб гапирай-ку, фаришталар омин, деган эканми, узоққа бормади, бечора...

Яна бир синфдошим бор эди. Отаси урушдан яримжон бўлиб қайтган, тўкилиб кетай деб турган кулбада туришарди. Яхши ўқирди. Лекин медалга «илинмади».

Йиллар ўтди. Бир куни кўришиб қолдик.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, зўрман! Мебель фабрикасида ишлайпман. Кундузи дурадгорлик қиласман. Кечаси уч кунда бир қоровулман. Яқинда велосипед олдим.

Йиллар ўтди. Тағини кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, зўрман! Ўглим ўқишни битириб, чет элга ишга кетди.

Йиллар ўтди. Яна кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, зўрман! Қизим фарзанд кўрди. Неварамга бешик олишга кетяпман!

Йиллар ўтди. Синфдошим бетоб деб эшилдим. Худди ўша, бошқа синфдошим ётган шифохонада экан. Ранги бир ҳолатда.

- Ишлар қалай?
- Худога шукр, зўрман! Буйрак жиндай шамоллабди. Берган дардига шукр!
- Яқинда уни тағин кўрдим.
- Ишлар қалай?
- Худога шукр, зўрман! Тўнғич неварамнинг бўйи чўзилиб қолди. Худо хоҳласа, беш-олти йилда невара куёв кўраман. Тўйга борасан-а?!

ЙЎЛ БЎЙИДАГИ ДАРАХТ

Катта йўл бўйида дарахт ўсарди... Иттифоқо унинг тагига бир йўловчи келди. Кун иссиқ, йўловчи чарчаган эди. Дарахт соясида ўтириб дам олди...

Йўловчи очиқан эди. Қараса, дарахтда мевалар пишиб ётибди. У дарахтга чиқишга эринди: тош отди. Мевалар дув тўкилди. Йўловчи тўйгунича еди...

Манзил олис эди. Йўловчи дарахт шохини синдириб, таёқ ясади...

Кейин... заҳар танг қилиб қолди. Йўловчи дарахт панасиға ўтди...

Сўнг... йўлига кетди...

Дарахт бошқа йўловчини кута бошлади...

Бу дарахтнинг номи – Яхшилик эди...

НЕЬМАТ

Аёллар! Йифлаб кўнглингизни бўшатишдек неьматни ато этгани учун Яратганга шукроналар қилинг!

«ЁЛГОНЧИ» ҚОП

Бозор гавжум. Кекса деҳқоннинг сабзисига харидор бўлдим. Мушак сабзи. Нокдек ярақлаб турибди. Мендан олдин келган шляпали харидор савдолашгунча пойлаб турдим. Шляпали сабзини қопи билан оладиган, деҳқон нархни туширадиган бўлди.

– Манави қоп неча кило чиқади? – деди харидор бўғзигача тўлдириб, устига сабзи барги солинган қопни кўрсатиб.

– Эллик кило болам, – деди деҳқон.

– Ҳарқалай тортиб кўрсакмикин? – деди харидор иккиланиброқ.

– Бемалол, болам, bemalol! – Деҳқон раста бошига имо қилди. – Ҳов анави ерда катта тарози бор. Аравачи болани чақирсанг, қопи билан олиб борасан. Бирпасда тортиб кўрасан.

Шундай бўлди. Харидор қопни темир аравага орттириб олиб кетди. Қайтиб келишгунча деҳқон нос чекиб, пойлаб турди. Бир оздан кейин бола аравани судраб келди. Кетидан харидор ҳам етиб келди.

– Ота, – деди киссасини кавлаб, – қопингиз қирқ беш кило чиқди.

Деҳқон гоҳ харидорга, гоҳ қопга ҳайрон бўлиб қаради. Чиндан ҳам қопнинг оғзи очилмаган, ҳатто сабзи барглари ҳам жойида эди.

Деҳқон носини тупурди. Тирноқлари қорайиб кетган бармоқлари билан соқол-мўйловини артди. Кейин сабзи тўла қопни беозор шапатилади.

– Нега менга туҳмат қиласан, ноинсоф қоп?! – деди бош чайқаб. – Оппоқ соқолим билан ёлғон гапираманми, эси паст қоп! Шунча йил меҳнат қилиб, бироннинг ҳақига хиёнат қилганимни кўрганмидинг, нобакор қоп?! Эртаматтан ўз қўлим билан тортганимда эллик кило чиққандинг-ку, турган жойингда беш кило сабзини еб қўймагандирсан, ёлғончи қоп?!

...Пул санаётган шляпалининг ранги ўчди. Бир зум кўзини пирпиратиб турди-да, ўзини оломон орасига уриб, фойиб бўлди.

– Болам, – деди деҳқон анграйиб қолган аравакашга, – сабзини жойига опқўяқол, барака топкур. «Қоп» шунча мулзам бўлгани етар. Энди минбад ёлғон гапирмайди!

Деҳқоннинг тирноқлари қорайиб кетган қўлини маҳкам сиққум келди...

БИР ДОНА ГУГУРТ

Унинг, кечаси туриб чекадиган одати бор эди. Ҳар галгидек, тунги соат учда уйғонди. Қараса, бир дона ҳам гугурт қолмабди. Аксига олиб, хо-

тини қариндошларни кига кеттган... Уйда ҳамма нарса бору, оддий электр иситгич йўқ экан... Тамаки хумор қилиб, эрталабгача қийналиб чиқди. Иккита таёқни ишқалаб ўт чиқарадиган ёввойи қабилаларга ҳаваси келди...

Бу одам лазер қурилмасини яратган машҳур олим эди...

Инсон нақадар қудратли, инсон нақадар ожиз!

ҚАРЗ

Болам бемеҳр чиқди, нуқул ўзининг болалари билан андармон деб, кўп ҳам ўқинманг. Балки, сизга адолатсизлик бўлиб туюлаётган нарсанинг ўзи адолатдир... Сиз ота-онангиздан олган қарзни болангизга берасиз. Болангиз – ўзининг боласига...

Ҳаёт занжири узилмаслиги керак-ку...

ҚИЗИЛИШТОН

Бола эдим... Куз эди... Сўрида дарс қилиб ётибман. Аммам бир бурчакда мудраб ўтирибди... Осмонда мезонлар учади. Қондек қизарган ток барглари оҳиста чайқалади. Ўрик хазонлари унсиз пирпираб тўклилади. Боғ томондан яккаш бир садо келади: «тук-тук-тук, тук-тук-тук». Фашга тегади. Хаёлингни қочиради... Охири бўлмади, аммамдан сўрадим:

– Нима, у, амма?

Аммам чўчиб, кўзини очди.

– Нимани сўрайсан, болам?

– Анави тўқиллаётганни-да, нима ўзи?

Аммам бир зум кулоқ солиб турди. Кейин носини тупуриб, жилмайди.

– Қизилиштон-ку!

– Нега ҳадеб тўқиллатади? Жонга тегди-ку?

– Унақа дема, болам, – деди аммам хўрсиниб.–
Худо уни шунга яратган, дарахтнинг қуртини еб тозалайди... – Узоқ жим қолди-да, кўшиб қўйди.–
Қанийди, Оллоҳ одамзотнинг кўнглидаги қуртларни тозалайдиган шундоқ жонивор яратса. Ҳамма жантага тушармиди...

ОМОНАТГА – ХИЁНАТ

Умр Тангрининг одамзодга ўлчаб берган омонатидир. Биз эса кўпинча, уни беҳуда ўтказиб, омонатга хиёнат қиласиз.

«ТУТИНГАН» ЎФИЛ

(*Бир дўстимнинг иқрори*)

Амал курсисида ўтирганингда ким энг кўп товонингни яласа, курсидан тушганингда ўша биринчи бўлиб сендан юз ўгиради, деганлари қанчалик тўғри эканига ўзим ишонч ҳосил қилдим.

Бир қадрдоним бор эди. Кун ора қўнфироқ қилиб, ҳафтада келиб туар, шифохонага тушиб қолсам, «овора бўлманг», дейишимга қарамай ҳаммадан аввал етиб борар, таътил пайтида Ўзбекистоннинг қайси бурчагида дам олмай, топиб борар, «бир чўқимгина» ош қилмаса, кўнгли жойига тушмас эди... Буниси ҳам майли, икки гапнинг бирида «мен сизни отам деганман, сиз менинг отамсиз», деб Худони ўртага солиб қасам ичарди...

Мансабим жиндай ўзгарган эди, «боламни» йўқотиб қўйдим. Суриштирсан бошқа ота излаб юрган экан...

ЁВВОЙИЛАР

Мўгуллар Мовароуннаҳри босиб, қирғин қилганида бир аёл тирик қолиш йўлини топибди. Босқинчига айтибди:

– Мен баҳоси ярим жаҳонга тенг бир гавҳарни ютиб юборганман. Мени ўлдирмай, уч-тўрт кун сабр қилсанг...

Шунда мўгуллар ўша қишлоқдаги ҳамма хотинларнинг қорнини ёриб, гавҳар излаган экан...

Шўрлик юртим! Не балолар кечмади бошингдан!

ХИММАТНИ ҚАРАНГ!

Тарихчиларнинг ёзишича, «оқпошшо» Александр Иккинчи олий ҳазратлари кўп адолатпеша бўлган эканлар.

Черняев айни саратонда Тошкентни қарийб икки ой сувсиз қолдириб қамал қылганини, шаҳарга бостириб киргач, мункиллаган кампирлару, бешикдаги гүдаккача аёвсиз қирганини эшитиб, подшои олам қаттиқ ранжибдилар. Шу қадар хафа бўлибдиларки, Чернаевни капитанлик унвонидан маҳрум қилиб... генерал унвонини берибдилар. Банди бриллиант билан жилоланган олтин қилич ҳадя қилибдилар...

Бир «бечора»ни «жазолаш» бўлса, шунчалик бўлади-да!!

«ТЎЙЧИБОЙ»

Тўйчибой тўй қиласиган бўлди: суннат тўй...

«Сабзи тўғрар»га келган маҳалла оқсоқоллари «юз кило гуруч дамлаш шартми, ўзингизни қийнамай қўя қолинг», деган эди, астойдил хафа бўлди:

– Нима, мен одаммасманми? Ўзимга яраша орзуҳавасим бор, улфатларим бор... Мен ҳам юртнинг ошини еганман...

...Шундай бўлди... Юз кило эмас, юз йигирма кило ош дамланди...

Тонг отмасдан ҳофизлар хониш қилди... Гурасгурас одамлар келди...

Тўйчибой «юз йигирма кило ошнинг тагида бир капир қолмаганини» гапириб юрди...

...Икки ҳафталардан кейин уйида қий-чув бўлиб қолди. Ўзи бақирган, хотини додлаган...

Ҳарқалай, қўшни... Чиқдим.

Қарасам, Тўйчибой ток сўри тагида турибди. Кўзлари бежо.

Нуқул бир гапни такрорлайди: «Ўзимни ўлдирсан қутиламанми? Ўлиб кетсам қутиламанми, санлардан?!»

Янга нарироқда шумшайиб турибди.

– Тўй қиласман деб бўғзимгача қарзга ботдим! – деди қўшним чинқириб. – Мени хонавайрон қилмоқчимисан?!.. Ўзимни ўлдириб қўя қолай!..

Янга мени кўриб бир қадар таскин топди, шекилли эрини юпатди:

— Кўйинг, дадаси, ўзингизни босинг... — Кейин айвон томонга қараб мушт дўлайтирди. — Сан, қиз ўлгурга қачон ақл киради-а?! Ман буни нонга чиқарсам, китоб обкебди!.. Ҳаҳ, ўша санга китоб ўқиши буюрган ўқитувчингнинг уйига ўт тушсин! Саккиз юз сўмгаям китоб оладими, жувонмарг?! Китоб санга ош билан нон бўлармиди, ер ютгур!

...Кўшнимнинг еттинчими, саккизинчими синфда ўқийдиган қизига энди кўзим тушди.

Қизалоқ айвон устунига суюниб турар, кафти билан юзини тўсганча, унсиз, ўкиниб-ўкиниб йиғлар эди...

Индамай, чиқиб кетдим.

...Ростини айтсам, умримда биринчи марта... ўзбек бўлганимга уялдим...

ТАОМИЛ

Ўзбекнинг фалати таомиллари бор. Марҳумни тупроққа топширгандан сўнг қабристонга келган аҳли жамоадан сўрайдилар:

— Фалончи қандай одам эди?

Ўтганларни ёмон отлиқ қилиш – гуноҳ. Мақташ керак. Жиллақурса, бирон фазилатини айтиш керак...

Умрида бирорга яхшилик қилмаган, аксинча, ҳамманинг дилини оғритган баттол бир одам бандаликни бажо келтирибди.

Одатдаги савол ўртага тушибди.

— Фалончи қандай одам эди?

Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Савол тағин такрорланибди:

— Биродарлар, фалончи қанақа одам эди?

Яна узоқ сукунат чўкибди. Ниҳоят шу маҳаллада яшайдиган тиш дўхтири ўртага чиқибди.

— Ҳамма тишлари бутун эди, — дебди...

...Ўзбекнинг фалати таомиллари бор... Ўзбекнинг фалати донишмандлиги бор...

ЗАҲАР СОЛМОҚ...

Америка қитъасидаги ўта заҳарли чинқироқ илон судралиб юрганида думи «шақир-шуқир» қилиб турди... Шунинг узиб ташланган боши ҳам одамни чақиб ўлдириши мумкин экан...

Илон-ку, ўз номи билан – илон. Ўзи ўлганидан кейин ҳам одамлар ҳаётини заҳарлаётган кимсалар йўқми, бу дунёда?!

ДАРДИ – БЕДАВО

Меҳрга bemexрлик билан жавоб бериш инсоннинг абадий касаллигидир.

ГУЛДОН ВА ТОШ

Биллур гулдон билан тош тўқнашса, тошга балоям урмайди, гулдон синади. Негаки, гулдон бағрида гул бор.

Яхши билан ёмон тўқнашса, ёмонга балоям урмайди, яхшининг дили вайрон бўлади. Негаки, яхшининг қалбida эзгулик бор...

ФИЛДИРАК

Филдиракнинг яратилиши дунёдаги энг катта кашфиёт бўлган. Аммо филдиракни кашф қилган одам уни тўхтатиш, «тормозлаш» йўлини ўйламаган бўлиши мумкин эмас!

Устоз Озод Шарафиддинов «шунчаки», «кези келганда» айтган бир гап тагида теран маъно борлигини кейинроқ тушундим. Филдирак-ку, инсоннинг оғирини енгил, узоғини яқин қилди. Лекин думалаб кетаётган филдиракни тўхтатишнинг ҳеч иложи бўлмаса, қандай фожиалар рўй беришини тасаввур қилиб кўринг!

Сўнг тағин бир гап эсимга тушди. Мактабда бирга ўқиган учувчи дўстимдан «Самолёт бошқаришда энг қийин нима?» деб сўраганимда «қўниш», деган эди...

Бас, маълум бўлдики, ҳатто энг эзгу ишни ҳам аввал оқибатини ўлаб, кейин қилиш керак экан...

ТУЯ ВА ЭШАК

Тұртингчи «А» синфда үқиридим. Фалати үқитувчимиз бор эди. Үзи найнов. Бүйни узун. Ҳар қадам босганида боши лиқиллайди. Туяning үзи... Шұхлик қылсақ, койимайды, фақат «Ха, болажон-а, болажон!» деб хүрсинаң құяды. Унга сайин биз баттар түполон қиласыз... Аммо күзларини ярим юмиб шеър үқиганида синфимиз жим бўлиб қолади... Үша шеърларнинг баъзи сатрлари чала-ярим эсимда қолган. «Ҳақиқатни кўрганларнинг кўзи кўрдир, ҳақиқатни тинглаганинг қулоғи кар...»

Кунлардан бирида үқитувчимиз дарсга кирмади. Эртасига ҳам... Индинига ҳам...

Қизиқ, биз уни соғина бошладик.

Бир ҳафтадан кейин янги муаллим келди. Тұртингчи «Б»нинг муаллими. «кителли» муаллим. Күриниши шу қадар қўрқули эдики, ҳамма пиlldирпис бўлиб қолди. Орамиздаги дадилроқ бола «Ўзимизнинг муаллим қани?» деб сўраган эди, «кителли» муаллим сапчиб ўрнидан турди.

– Шоир маълиминг Магаданда! – деди қўлини пахса қилиб.– У – маълим эмас. Халқ душмани! Антисовет шоирларнинг шифирини үқиган! Мутаассиб! Диндор! Маълимингни соғинган бўлсанг, отангга айт: иккалангни маълимингни олдига жўнатамиз!

...Кейин бир-биридан ваҳимали гаплар тарқалди. «Шоир-үқитувчи халқ душмани экан. Янги маълим тегишли жойга ёзид берибди...»

«Кителли» муаллим яна анча йил дарс берди. Аммо бирон марта «шифир» үқимади...

Орадан кўп йиллар ўтди. Наврӯз байрами бўлаётган эди. Бир маҳал микрофонда таниш, виқорли овоз жаранглаб қолди:

– Биродарлар! Яратган Эгамга шукроналар қилинг! Асрий анъаналаримиз тикланди. Наврӯз – халқ байрами. Ҳаммамизнинг байрамимиз!

...Қарасам, ўзимизнинг «кителли» муаллим. Деярли ўзгармабди. Ҳамон тетик. Ҳамон виқорли... Фақат згнида жигарранг кител эмас, тўн. Бошида дўппи...

«Кителли» муаллимнинг гапига маҳлиё бўлиб, рўпарамда ўтирган қарияга эътибор бермабман.

Бир маҳал қариянинг ўзи гап бошлаб қолди:

– Сиз мени танимайсиз. Мен сизнинг китобларингизни ўқийман, болажон!

«Болажон» дегани қалбимда қандайдир соғинч туйғуларни уйғотгандек бўлди. Покиза кийимли, қадди букук қарияга синчиклаб тикилдим.

– Сиз...

– Ҳа-да! – деди қария мулойим кулиб. – Мен ўша «шоир» ўқитувчингизман... Хурсандман, болажон, ёзганларингиздан хурсандман.

...Агар микрофонда «кителли» муаллим ваъзини чўзмаса, бошқа мавзуга кўчган бўлармидик...

– Домла, – дедим қарияга. – Манавилар ҳамон ваъзхонлик қилиб ётибди. Ахир сиз...

– Начора, – деди қария хотиржам алпозда. – Эшак қачон хоҳласа, қаерда хоҳласа, ҳанграйверади, болажон... Менинг ҳеч кимга хусуматим йўқ... – Бир зум ўйланиб турди-да, синиқ жилмайди. – Бир ҳангомани айтиб берайми?.. Эсини еб қўйган чолни маъзур тутасиз. Бу гапларни китобдан ўқиганмидим, ё эллик иккинчи йили «куёқча» жўнатишганида этапда эшигандим, эсимда йўқ. Аммо маъноси бундай.

Қадим замонда бир сарбон бўлган экан. Кўп юртларга борибди. Кўп азият чекибди. Ёшини яшаб, ошини ошаб, вақти-қазоси етганини сезибди. Болачақлари, қариндош-уруғлари билан рози-ризолик тилашибди. «Мендан розимисизлар?» дебди. «Мингдан-минг розимиз», дейишибди.

Ногаҳон яна бир қадрдони сарбоннинг эсига тушибди. Қирқ йил хизматини қилган тұяси бор экан. Шу билан ҳам видолашадиган бўпти.

«Вақти келса, керагидан ортиқ юк ортдим, вақти келса, сувсиз қолдинг, оч қолдинг, мендан розимисан?» – деб сўрабди тұядан.

«Розиман, – дебди тұя. – Тўғри, юк ҳам ортдинг, сувсиз ҳам қолдирдинг. Нимаики қилсанг, карвон манзилга бехатар етсин, деб қилдинг... Аммо бир

марта сендан қаттиқ дилим оғриган. Бир гал менинг жиловимни эшакнинг думига боғлаб қўйгансан... Ўшанда эшак тупроқ чангитгани етмагандек биринки марта тумшуғимга тепди... Сен бўлса, кулиб томоша қилдинг...»

Қария жимиб қолди. Тағин синиқ жилмайди.

– Яхши сарбон юк ортадиган туясини эшакка тептириб қўймайди...

Микрофонда эса ҳамон «кителли» муаллим нутқ ирод этар эди:

– Мана, Худога шукур, динимиз тикланди. Маҳалламиизда мачит қуриляпти. Иймонли бўлайлик. Ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан арасин...

Қаердадир эшак ҳангради. Узоқ, кучаниб ҳангради...

ЖАВОБСИЗ САВОЛ

Бу телба дунёда жавобсиз саволлар кўп. Бироқ «айбим нима?» деган сўроқقا жавоб тополмаслик – ўта адолатсизликdir!

САҲНА ВА ҲАЁТ

Саҳнадаги ўйин ҳаётдаги «ўйинлар» олдида ўйинчоқdir!

ЁМОН КАСАЛ – ЮҚУМЛИ

Фаришта шайтонга айланиши мумкинми-йўқми, билмадим-ку, аммо шайтон асло фариштага айланмайди!

АБАДИЙ ЖУМБОҚ

Аёл – шундай жумбоқлар китобики, ҳали ҳеч ким уни охиригача ўқий олган эмас.

ТЎҒРИ СЎЗ

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир подшоҳнинг иккита вазири бор экан. Бири бошига қи-

лич келса ҳам ҳақиқатни айтадиган тұғрисүз экан. Иккінчиси эса тилёглама, мунофиқ одам экан.

Кунлардан бирида подшо туш күрса, битта бармоғи узилиб тушганмиш. Таъби хира бўлиб уйғонибди. Иккала вазирини чақириб, кўрган тушининг таъбирини сўрабди.

— Шоҳим, — дебди биринчи вазир. — аввало, кўрган тушиңгиз яхшиликка бўлсин. Худо хоҳласа шундай бўлади ҳам. Башарти мўътабар бармоғингизга бирон шикаст етган тақдирда ҳам шукронга қилмоқ керак бўлади. Негаки Оллоҳнинг хоҳишисиз бандасининг бир тола сочи ҳам тўкилмайди...

Табиийки, бу «совуқ» гап подшога ёқмабди.

— Сен нима дейсан? — деб сўрабди иккинчи вазирдан.

Иккинчи вазир ўз мухолифини йўқотиш фурсати етганини тушуниб, қувониб кетибди.

— Олампаноҳ! — дебди таъзим қилиб. — Муборак бўлсин, кўп хосиятли туш кўрибсиз! Мўътабар тушиңгизнинг таъбири шуки, яқин орада бирон итингизми, отингизми, хизматкорингизми ўлади. Сизнинг азиз жонингиз асло азият чекмайди... Аммо манавининг гапи мени ҳайрон қолдирди, — дебди биринчи вазирга қараб. — Қачон қараса, сизга ёмонликни раво кўради!

Подшо дарғазаб бўлиб, биринчи вазирни олис ерга бадарға қилиб юборибди. Буни қарангки, орадан кўп ўтмай қиличини қинидан суфураётгандан эҳтиётсизлик қилиб чап қўлининг жимжилогини кесиб олибди. Қилич ўткир экан, жимжилоги узилиб тушибди.

— Кўрдингизми, олампаноҳ, — дебди иккинчи вазир. — Анави баттол қора ниятига етди. Худди шуни башорат қилган эди!

Подшо биринчи вазирни топтириб келиб, зинданбанд қилибди.

Орадан тағин анча фурсат ўтиб, подшоҳ аъёнлари билан шикорга чиқибди. Катта ўрмон четида чиройли бир оҳуга дуч келибдилар. Шоҳ кийик ортидан от солибди. Бошқалар унга эргашибди. Оҳу

эса елдек учиб, ўрмон оралаб кетибди. Овчилар ҳам кетидан қувиб бораверибдилар. Охири подшо билан иккинчи вазирдан бошқа ҳамма орқада қолиб кетибди. Шоҳ билан вазир қуёш ботгунча оҳу кетидан от елдириб, ўрмонда адашиб қолибдилар. Қоронғи тушибди. Сўнг тўлин ой чиқиб, атроф ёришибди. Бундай қарашса, ҳар тарафдан ярим яланғоч, найза кўтарганлар ўраб олганмиш. Булар ёввойи қабила бўлиб, ой тўлган кечаким ўрмонга биринчи бўлиб кирса, қурбонлик қиласидан одати бор экан.

— Манавининг оти биринчи бўлиб кирди, — дебди ёввойилардан бири подшони кўрсатиб.

— Сўйинглар! — деб амр қилибди қабила бошлиғи. Ёввойилар подшога ташланган пайти биттаси тўхатиб қолибди.

— Буни қурбонлик қилиб бўлмайди, — дебди қабила бошлиғига. — Нуқсони бор экан!

— Қанақа нуқсон? — деб сўрабди қабила бошлиғи.

— Битта бармоғи йўқ экан!

Қабила удумига кўра «қурбонлик»нинг тўрт мучаси соғ бўлиши шарт экан.

— Бўлмаса, унисини сўйинглар! — дебди бошлиқ.

Шундай қилиб, ёввойилар иккинчи вазирни ўлдириб, эртасига подшони ўрмондан чиқариб юборибдилар...

Подшо саройига қайтиши билан биринчи вазирни озод қилиб, ҳузурига чорлабди. Бўлган воқеани айтиб, бунинг остида қандай синоат борлигини сўрабди.

— Шоҳим, — дебди биринчи вазир. — Ҳаммаси Оллоҳнинг иродасига боғлиқ, мабодо бармоғингиз шикастланса ҳам шукронга қилмоқ керак, деганим бежиз эмас эди. Бармоғингиз кесилгани сизнинг жонингизни асраб қолди. Тўғри сўз айтганим эса менинг жонимга оро кирди. Бармоғингиз кесилгач, мени зиндонга солмасангиз, овга иккинчи вазир билан эмас, мен билан борардингиз. Унда ёввойилар мени ўлдирган бўларди. Кўрдингизми шоҳим, ни маики бўлмасин, Худога шукронга қилмоқ керак!

КОСОВ

Косовнинг юмуши оғир эмас. Вақти-вақти билан ўчоқни чуқулаб, оловни «тезлатиб» турса бас. Бир дараҳтда ўсган биродарларини куйдираётганига ачинмайди. Ўзи ёнмаганига хурсанд.

Шунақа-ку, косов ҳадеб ўчоққа кириб-чиқаверганидан кейин қораяди. Қўлни кир қила бошлайди. Учи секин-секин ёниб, калталашади. Қўлни куйдиради...

Шунда унинг ўзини оловга улоқтириб юборадилар.

НУРНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Бозорнинг «ҳунари» – сотиш ва олиш, олиш ва сотиш. Бозорнинг «пайғамбари» ҳам, «авлиёси» ҳам – пул! «Бозор – шайтоннинг айвони», деган гап бор. Айтинг-чи, қуёш нурини сотиш мумкинми? Со-тиб олиш-чи? Агар сотилса нурни қайси тарозида тортиш керак? Мехрнинг баҳоси қанча? Номуснинг-чи? Орнинг-чи? Виждон қайси бозорда қанчадан со-тилади? Иймон-чи?!

...«Бозор» деган тушунча билан «маънавият» деган тушунча бир кўчадан юриши қийин экан...

КЎЗ ЗИНОСИ

Шариатда «кўз зиноси» деган тушунча бор. Номаҳрам эркак бировнинг аёли, опаси ёки синглисига ёмон назар билан қараса, шунинг ўзи зино саналади.

Шунақа-ку, аёл ёки бўй етган қизнинг пастки этаги тиззасидан икки қарич баландда, юқори этаги эса (узр, одам айтишга ҳам ийманади) киндигидан бир қарич тепада бўлса, бу ҳам етмагандек, киндигига тилла зирак тақиб юрса, кўча-кўйда нечта номаҳрам «кўз зино»сига ботаркин? У ёғини сўрасангиз, ўша қиз ёки жувоннинг ярим ялангоч кийинищдан муроди нима? Қанақасига айлантирганда ҳам бегона эркакларни «жалб қилиш» эмасми?

Номаҳрамларни зинога чорлашнинг ўзи ҳам зино шекилли?!

Аёлни – аёл десак, кейинги пайтда «Худо урган» баъзи эркакларни кўриб, ёقا ушлайсиз. Почаси тиззасидан баланд иштон (ҳатто «шортик» ҳам эмас, айнан иштон) кийиб, кўчада юриш, метроға тушиш, автобусга чиқишга бало борми? Ўзини ҳурмат қиласиган аёл рўпарасида жун босган болдирини намойиш қилиб ўтирган эркакни кўриб кўзини қаерга яширишини билмай қолади-ку! Нима қилсин, аёл шўрлик?!

Таъна эмас, тавба деб гапирайлик. Ҳаммамизнинг ҳам бола-чақамиз, невараларимиз бор. Эҳтимол янги «мода» дегани шудир? Эҳтимол бизлар «консерватор»дирмиз. Аммо жамоат жойида юришнинг ўзгармас қоидалари бўлади, чофи? Ҳаммомдами, пляждами юрганинг йўқ-ку, барака топгур! Ҳатто одамхўр ёввойилар ҳам «нозик» жойларини пана қилиб юрган-ку! Алҳазар!

ХАЗИНА

Ақл – шундай хазинаки, қанча кўп ишлатсангиз, шунча тўлишиб бораверади.

ИЛОҲИЙ КУЧ

Севги – илоҳий куч. Қалбида муҳаббат туйфуси бор одам разиллик қилмайди.

НИСБИЙЛИК

Оlam шу қадар кенгки, хаёлан ҳам қамраб ололмайсан.

Оlam шу қадар торки, олган нафасинг акс садо беради...

«ЯХШИГА КУН ЙЎҚ...»

Халқимиз: «Яхшига кун йўқ, ёмонга ўлим», дейди. Ҳақ, гап! Ёмонлар яхшиларни ўлдириб, уларнинг умрини ҳам ўзиникига қўшиб олади. Шунинг учун узоқ яшайди.

ХОТИРА

Яхшиликни эслаб, ёмонликни унутадиганлардан күра, яхшиликни унугиб, ёмонликни эслаб юрадиганлар, афсуски, күпроқ.

ЧОХ ҚАЗИГАН...

Бирөвга чох қазиган одам ўзи йиқилади. Ўша чуқурға бўлмаса бошқасига. Бугун бўлмаса, эртага...

ЭЛЧИ

Тун – хасталар ва сўққабошларни синаш учун Тангри томонидан юборилган элчидир.

МЕН ЙИГЛАСАМ, У ҲЎНГРАДИ

Дўхтири дори ёзив берди. Аллергияга қарши. Оддийгина дори. Мармар зиналари ярақлаб турган аптекага кириб, дориқоғозни кўрсатдим. Оқ халати ўзига хўп ярашган кўҳликкина қиз мулойим табасум ҳадя этди.

– Уч минг бир юз сўм, амаки.

Ростини айтсам, пулим етмади. Хижолат бўлиб, чиқиб кетдим. Буни қарангки, баҳтимга кўччанинг нариги бетида ҳам аптека бор экан. (Кейинчалик бир нарсани англадим. Бошқа жойни билмадим-ку, бизнинг кўчада дорихоналар нон дўконидан кўпроқ экан. Хуллас, аптекага кирдим. Буниси анчайин оддий, торгина экан. Дориқоғозни узатдим.

– Бир минг тўрт юз сўм, – деди ёши улуғроқ аптекачи.

Ҳайрон бўлдим.

– Қоғозда кўрсатилган дори шуми?

– Шу. Овқатдан олдин биттадан ичасиз.

Ташқари чиқиб ўйланиб қолдим. Бу қандай синоат бўлди? Эринмасдан кўччанинг бериги бетига ўтдим. Ҳатто қадамимни санаб ҳам кўрдим. Роса эллик икки қадам чиқди.

Сертабассум қиздан бояги дорини кўрсатиши
илтимос қилдим. Қарасам, ҳозир олганим дорининг
ўзи.

– Неча сўм эди? – дедим ўсмоқчилаб.

Қиз боягидан ҳам майинроқ кулимсиради:

– Уч минг бир юз.

– Аллергиянинг дорисими?

– Ҳа.

– Буниси-чи? – дедим нариги аптекадан олган
дорини кўрсатиб.

Қизалоқ иккала дорини эринмай солиштириб
кўрди.

– Буям шу.

– Нега бўлмаса, бошқа жойда бир минг тўрт юз
сўм, сизларда уч минг бир юз?

– Бу – «импортний» дори, амаки, – деди қиз ту-
шунтириб. – Польшадан келган.

– Буниси-чи?

– Буям «Польский».

– Нима, бошқалар «Польский» дорини эшак ара-
вага ортиб келган-у, сизлар «космический корабл»да
келтирганмисизлар?

Овозим баландлаб кетди шекилли, ичкаридан ба-
шанг кийинган йигит чиқди.

– Нима гап, акахон?

Ҳаммасини бир бошдан айтиб бердим. Йигит га-
пимни диққат билан тинглади. Кейин овозини паст-
латиб сўради:

– Қайси аптекадан олдингиз, акахон?

Хунобим ошди.

– Айтсан нима қиласардингиз, «оптовой» олиб ке-
либ, икки ҳисса қумматига сотмоқчимисиз?

– Гап ундумас, ака, – деди йигит тушунтириб. –
Аптекамиз хусусий дорихона. Бозор иқтисоди де-
гани шу-да! Нарх-наво ҳамма ерда бир хил бўлсин,
деган замонлар ўтиб кетди, акахон!

– Ҳой, барака топкур! – дедим йифламоқдан бери
бўлиб. – Ахир бу дори-ку, тилла эмас-ку! Олтин-
фуруш бир тиллани ўн тиллага сотиб, бир ҳисса

генохга ботса, бир сүмлик дорини икки сүмга сотган одам ўн ҳисса генохга ботади-ку! Тиллани бойиш учун оладилар. Дорини тирик қолиш учун олади-ку! Генохга ботишдан күркмайсизларми?!

Түғрисини айтсам, йигитчада инсоф бор экан.

— Одамни қийнаманг, aka! — деди ерга қараб. — Нима қилайлик, бизниям «точкаларимиз» бор. Харажатимиз бор. Акахонларимиз бор...

Индамай чиқиб кетдим...

КАМТАРГА... ЗАВОЛ

Гулшан гўзал эди. Гуллар турфа хил эди. Айниқса, биттаси... Ҳусни шу қадар ўткир, ҳиди шу қадар анвойи эдики... Гулларнинг бири унга ҳавас билан, бири ҳасад билан қаради...

Антиқа гул «камтарга – камол» деган ақидага амал қилас, бошқалардек ўзини кўз-кўз қилмас, бир чеккада бошини қуи солиб турарди...

Кунларнинг бирида боғбон гулзор оралади. Ҳамма гуллар «манаман» деб турибди. Антиқа гулнинг эса боши эгик...

Боғбон уни сўлиб қолган гумон қилди-ю, сууриб ташлади. Гулзор антиқа гулдан жудо бўлди...

У камтар эди.

Боғбон эса нодон эди...

ТЎРТ ТОИФА

Бошингда қуёш чарақлаб турганида изингдан қолмайдиган дўст – шунчаки дўст.

Бошингда қуёш чарақлаб турганида изингдан қолмайдиган, бошингта булут келганида фойиб бўладиган дўст-дўст эмас.

Бошингда қуёш чарақлаб турганида изингдан қолмайдиган, бошингта булут келганида хиёнат қилидиган дўст – душман.

Бошингда қуёш чарақлаб турганида изингдан қувмайдиган, бошингта булут келганида изингдан қолмайдиган дўст – ҳақиқий дўст.

СУКУТ

Ўзининг донолигини кўрсатиш учун гапирадиган одамдан ўзининг нодонлигини яшириш учун сукут сақлайдиган одам ақллироқдир.

БҮЮК ВОҶЕА

Мен учун йигирманчи асрнинг энг буюк воҷеаси иккита: бири инсон қадамининг Ойга етгани. Бири – Ватанимнинг Мустақил бўлгани. Иккаласи ҳам асрий орзулар эди...

ТИШ ВА ТИЛ

Гоҳо ўттиз иккита тиш битта тилга соқчилик қилолмайди-да, бош балога қолади.

ТОЛХИВИЧ

Ҳали мактабга бормасдим. Баҳор эди... Акаларим ўқишида, укам бешикда... Зерикиб кетдим. Уйимиз рўпарасидаги самбиттолдан хивич кесиб олиб, хуштак ясашга тушдим.

Ҳарчанд уринмай, тол пўстини ажратиш қўлимдан келмади. Алам қилди. Толхивич билан ерни савалашга тушдим. Шунинг устига саватда зорора нон кўтариб, ошхонадан онам чиқиб келди.

– Нима қиласяпсан? – деди қўрқиб. – Ерни нега урасан, аҳмоқ? Қара, ҳар урганингда «ўл-ўл», деяпти. Ташла, хивичингни!

Ҳеч балога тушунмадим. Толхивични баланд кўтариб, ерни баттар савалай бошладим.

Шунда... толхивични ҳар урганимда «ўл-ўл!» деган садони аниқ эшилдим! Толхивич қўлимдан тушиб кетди...

...Ишонмасангиз, сиз ҳам толхивич билан ерни савалаб кўринг...

«ПОДШОҲИ ОЛАМ»

Дам олиб ётсам, айвон томондан икки яшар неварамнинг овози келди.

- Опажон, «оҳ» бейинг...
- Йўқ, – деди аяси. – Ўзи тилинг ўйилиб ётибди,
Шоҳруҳжон...
- Адажо-о-н...

Адаси ҳам кўнмади... Ўша томондан дўп-дўп қадам товуши эшитилди. Ётоқ эшиги фийқиллаб очилди. Биласанки, ота-онасидан ундиrolмаган нарсани мендан сўрайди. Ухлаган киши бўлиб, кўзими ни юмиб олдим. Пилдираб, ёнимга келди.

- Дадо-о-ов...
- Индамай ётавердим. Елкамга туртди.
- Дадажо-о-он, «оҳ!»
- Кўзимни очмай, чуқур-чуқур нафас ола бошлидим. Яна туртди.
- Дадажо-о-он, «оҳ» бейинг...
- Осон қутулиш ниятида хуррак тортдим.
Шунда... шарақ этиб, юзимга тарсаки тушди!
Кўзим очилиб кетди. Қарасам, жавдираб турибди.
- Дадажо-о-он, «оҳ» бейинг!
...Кўтариб бағримга босдим.
- Бош устига, «подшоҳи олам!» Сизнинг ҳукмингиз – вожиб!
- Ота-онасининг ҳай-ҳайлашига қарамай, қўлига бир ҳовуч конфет тутқаздим.

КИМ КУЧЛИ?

- Аёл кучлими, эркакми?
- Аёл кучли! Хотин кишининг макри қирқ туюга юк бўлади.
- Эркак кучлими, аёлми?
- Эркак кучли! Қирқ туюнинг юкини елкасига ортиб олади-да, чопқиллаб кетаверади!

АҲМОҚҶА ҚОНУН ЙЎҚ

Ҳар қандай доноликнинг чеки бўлади. Нодонлик эса чегара билмайди. Дунёда донолардан кўра нодонлар кўплиги шундан бўлса керак.

ИЛДИЗ

Нуқул ўтмишидан нолийдиган одам келажагини барбод қилиши мумкин. Ўз илдизини инкор қилған дараҳт қуриб қолади.

ЎЛЧОВ

Умр ўлчови ёлғиз Оллоҳга, мазмуни эса кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ.

БОЛАЛИК ВА КЕКСАЛИК

Болаликда дунё кенгу кийим тор.
Кексайгандан кийим кенгу дунё тор...

ОДОБ

Фарзандга осон тутманг. Отанинг юзига тик қаролмайди.

Отага осон тутманг. Фарзандига дардини айтольмайди.

ДЕҲҚОН ВА МУАЛЛИМ

Деҳқон ерга нобоп уруғ сепса, аччиқ «ҳосили»ни бир ўзи «ўриб олади». Уша йили.

Уқитувчи боланинг қалбига нобоп уруғ сепса, аччиқ «ҳосили»ни бутун жамият ўриб олади. Йигирма йилдан кейин...

Муаллим моддий бойлик яратмайди, дейдиганлар жамиятни ичидан портлатувчи бомбадир!

НОУМИД – ШАЙТОН

Адолатпешалиги учун Анушервон одил деб ном олган подшо сарой аъёнлари билан сафарга чиқибди. Қарашса, бир жойда мункиллаб қолган чол кўчат ўтқазаётганмиш.

- Бу ниманинг кўчати? – деб сўрабди подшо.
- Ёнғоқнинг кўчати, шоҳим, – дебди чол.
- Ўзинг неча ёшга чиқдинг? – сўрабди подшо.
- Худо хоҳласа шу кузакда юз ёшга тўламан, – дебди чол.

Анушервон одил кулибди.

— Юз ёшга чиқибсан. Эккан ёнғоғинг қачон ҳосилга кирадио, қачон мевасидан баҳраманд бўласан?

— Шоҳим, — дебди чол, — ноумид — шайтон! Худо хоҳласа, ёнғофимиинг мевасидан албатта баҳраманд бўламан! Мабодо мен баҳраманд бўлмасам, болачам баҳраманд бўлар. Башарти улар ҳам баҳраманд бўлмаса, невара-чевараларим бўлар. Борингки, улар ҳам баҳраманд бўлмаса, шу йўлдан ўтганкетганлар баҳраманд бўлар... Ноумид — шайтон, шоҳим, ноумид — шайтон!

Чолнинг гапига қойил қолган подшо қарияга бир ҳамён олтин беришни буюрибди.

— Кўрдингизми, шоҳим, — дебди чол ҳамённи қўйнига солиб. — Ёнғофим экишим билан ҳосил берди!

Бу гап подшога янайм маъқул тушибди. Чолга тағин бир ҳамён тилла берибдилар.

— Ана, шоҳим, — дебди чол иккинчи ҳамённи ҳам олиб. — Ҳамманинг дарахти йилда бир марта ҳосил берса, меники икки марта берди. Ноумид — шайтон!

Подшоҳ чолга тағин бир ҳамён тилла берибдидида, кула-кула мулозимларига буюрибди:

— Кетдик! Бирпас ҳаялласак, бу чол бутун хазинани қоқиб оладиган кўринади!

АЗОБ

Эркак учун сўққабош қолиш, аёл учун эътиборсиз қолишдан ортиқ азоб йўқ!

ТАБАҚАЛАШУВ

Камбағалга осон тутманг. Рўзгор ташвишини ўйлаб, кечалари уйқуси қочиб кетади.

Бойга ҳам осон тутманг. Давлатини янайм кўпайтиришни ўйлаб кечалари уйқуси қочиб кетади...

Албатта, беш қўл баравар эмас. Тангри бировнинг зуваласини каттароқ, бировникини кичикроқ узиши мумкин. Қолаверса, отамерос, ишбилармон-

лик, ғайрат, омад, ақлни ишлатиш деган гаплар ҳам бор. Аммо бу – бойларнинг ҳаммаси доною, камбағаллар қаторасига нодон, танбал, нўноқ дегани эмас. Камбағаллар орасида меҳнатдан боши чиқмайдиган, ҳалол, илмли, зиёли, маънавияти бой инсонлар кўп.

Камбағал янайм қашшоқлашиб кетаверсаю, бирор холинг нима кечди, демаса, бой янайм бойиб кетаверса-да, ажойиб кунларнинг бирида қамбағал қўшнисининг уйини сотиб олмоқчилиги, бузиб ташлаб, ўрнига «кичикроқ хусусий гастиниса» қуриш нияти борлигини шама қилса, Бедил ҳазратлари кўп асрлар аввал ёзган байт ҳақиқатга айланиши мумкин.

*«Кисай ҳежж кас надид нури,
То накард ихтиёри кисса бури...»*

Яъни:

*«Ҳеч ким ўз киссасин тўлдира олмас,
Ўзга киссасига токи қўл солмас...»*

Бундай пайтда камбағалнинг хаёлига «қўшни шунча давлати камлик қилгандек, энди менинг кулбамга ҳам кўз олайтираяпти, киндик қоним тўкилган ота масканимни бузиб ўрнига хусусий меҳмонхона қуриб, пул ишламоқчи», деган ўй келиши табиий. Камбағалнинг фурури бойникидан камроқ бўлади, деган одам адашади. Бу фикр бошқа саволни етаклаб келиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. «Шошма, бой қўшним шунча давлатни қаердан топаяпти, менга ўхшаганларнинг ҳисобига эмасми?» Бу мулоҳазада қанчалик жон бор, қанчалик йўқ, айтиш қийин. Аммо саволнинг ўзи жуда қалтис...

«Бойга инсоф, камбағалга тўзим берсин», деган гап бежиз айтилмаган... Астағфириллоҳ!

СЕВГИ НИМА?

Инсоният пайдо бўптики, шу савол устида бош қотиради. Аммо жавоб тополмайди. Агар инсон севгининг барча сир-асрорларини билганида эди,

унинг модели – қолипини яратган бўларди. Севги ҳеч қандай қолипга сифмагани учун ҳам сирли ва абадийдир...

БИРОВГА ҚОЛГАН КУНИНГ

Виждонли инсон учун «Шу менинг мушкулимни осон қиласмикин?» деб бировнинг кўзига термилишдан ортиқ азоб йўқ.

Виждонли инсон учун кўзига термулиб турган одамнинг мушкулини осон қилишдан ортиқ роҳат йўқ.

МУВОЗАНАТ

Дунёда яхшилар ёмонлардан кўпроқ бўлмаса, одамлар аллақачон бир-бирини еб битирган бўлур эди...

ҚОНУН

Дарё қирғози иккита бўлиши бежиз эмас. Ўнг қирғоқ қуласа ҳам. Чап қирғоқ қуласа ҳам тошқин бўлиб, офат рўй беради.

Қонуннинг қирғози иккита бўлиши ҳам бежизмас. Бири – ҳуқуқ, бири – мажбурият. Ҳуқуқ, деган қирғоқ қуласа, инсон қулга айланиб, офат рўй беради. Мажбурият деган қирғоқ қуласа, юрт талотўп бўлиб, офат рўй беради...

АҚЛ ЁШДА ЭМАС

Ёшлигига ақли расо одам кексайиб, «каннақароқ» бўлиб қолиши мумкинми-йўқми, унисини билмадим-ку, аммо ёшлигига «каннақароқ» одам кексайганида ақли расо бўлади, десалар... Билмадимов.

ЛОҚАЙДЛИК

Мулла Насриддин кўча эшигига чиқиб нос чеке-е-еб ўтиrsa, бир одам ҳовлиқиб келибди.

– Афандим, кўча бошида бир арава келяпти! Ичи тўла ноз-неъмат! Совға-салом!

Афанди пашша қўригандек қўл силтабди:

– Менга нима?

– Қизиқмисиз? – дебди ўша одам. – Ҳоким тўра аравадаги ноз-неъматларни сизга юборибдилар!

– Сенга нима? – дебди Афанди тағин қўл силтаб...

...Қизифи шундаки, орадан ой ўтиб, йил ўтиб, Мулла Насриддин сафарга чиқибди. Бегона бир қишлоққа бориб қолибди. Бу қишлоқнинг номи «Телбақишлоқ» бўлиб, одамларининг феъли ҳам шунга яраша экан: икки қўшни бир-бири билан қасдлашиб қолса, ўзига индамас экану, аламини меҳмондан оларкан.

Афанди нотаниш хонадонга қўниб, энди бир пиёла чой ичган экан, биттаси важоҳат билан болта кўтариб кирибди.

– Мана, энди қўлга тушдинг! – дебди мезбонга. – Ҳозир меҳмонингни ўлдираман!

Афанди «ҳай-ҳай, бу қандай бедодлик», деб ти-пирчилаб қолган экан, мезбон юпатибди:

– Қўрқманг, меҳмон, қўрқманг! Сиз бемалол ўлаверинг! Бу сизни ўлдирсинг, мен унинг ўнта меҳмонини ўлдираман!

...«Менга нима, сенга нима» дейдиганларнинг манзили – «Телбақишлоқ!»

ТИРИКЛАР ВА ЎЛИКЛАР

Вақти-вақти билан қабристонга борасиз. Аждодларингиз бошида туриб, ўтганлар руҳини хотирлай-сиз... Кейин... ўз юмушингиз билан кетасиз.

Шошилманг. Дунё иши битганмас... Иложи бўлса, қабристонни осойишта айланинг. Шунда... фалати ҳолат рўй беради. Марҳумлар сизга кў-ў-ўп нарсаларни айтади...

Ишонинг, марҳумлар тириклардан кўра теранроқ фикрлайди...

КҮХНА УДУМЛАР

Таъзим бажо айлаш – одамзоднинг күхна удуми.

Намозда саждага бош қўйиш – фарз.

Ота-онага таъзим қилиш – қарз.

Ўтганлар руҳи олдида бош эгиш – суннат.

Ёши улуғлар ва устозларга таъзим қилиш – садоқат.

Аёл олдида бош эгиш – одоб.

Ҳақиқат олдида бўйин эгиш – мардлик.

Анжуманларда бош эгиб саломлашиш – расмият.

Ўз юмушини битириб олиш илинжида таъзим қилиш – мунофиқлик.

Мансаби бир қарич баландроқ амалдор олдида икки букилиш – лаганбардорлик...

...Йиқилган бир ночор бандасини турғазиб қўйиш учун ерга таъзим қилиш – ҳам фарз, ҳам қарз, ҳам суннат, ҳам одоб, ҳам мардликдир!

ЖАҲОЛАТ

Мактабдош дўстим анчайин нозик масалада маслаҳат сўраб келди.

– Тўрт қиз орасида Худодан тилаб-тилаб олганим бир ўғлим бор. Шу ... кейинги пайтда сал ғалатироқ бўпқолди... Нима бўлаётганини тушунмайман... Шуни би-и-ир йўлга солсанг, хурсанд бўлардим, ўртоқ...

Бироннинг оиласиди ишига аралашибдан нохуш нарса йўқ. Баҳона изладим:

– Ўғлинг ёшлиқ қилиб, нобопроқ даврага қўшилиб қолган бўлиши мумкин. Ёшлиқда нималар бўлмайди. Яхшиси, ўғлинг билан ўзинг чин дилдан гаплашиб олганинг маъқулмикин?

– Нобоп даврамас, – деди дўстим хўрсиниб. – Аксинча... Мен уни иймон-эътиқодли бўлсин, десам... Ёлғизгина ўғлим билан бир суҳбатлашгин, ўртоқ...

...Бир ҳафталардан кейин «ёлғизгина ўғил» билан суҳбатлашдик. Ёши йигирманинг ўёқ-буёғида.

Кўриниши эл қатори йигит... Сийраккина соқоли ҳам бор. Нима қипти, соқол қўйиш ҳар кимнинг ихтиёри... Фақат... кўзлари фалати. Юзингизга қараб турадиyo, аллақандай бўшлиқقا тикилаётганга ўхшайди. Гўё сиз йўқсиз...

Гапни отасининг «минг йиллик қадрдони» эканимдан бошлаб, секин мақсадга кўчдим:

— Яхши йигит кўринасиз, ўғлим... Отангиз сиздан жиндек ранжиган кўринадилар. Менга қолса, ўғлим, ота-онангизнинг дуосини олиб қолганингиз маъқулмикин? Уларният боғлаб берганмас. Шулар сизни дунёга келтирган, боқиб, вояга...

— Мени ота-онам эмас, Худо яратган, тақсир! — деди йигитча кутилмаган беписандлик билан. — Ота-онам воситачи, холос! Агар бу ота-она бўлмаса, бошқа ота-она воситасида дунёга келган бўлардим!

Ростини айтсам, эсанкираб қолдим. Йигитчанинг кўзларига синчиклаб қарасам, тағин ўша бўшлиқقا тикилган «соққа»га айланиб қопти.

— Тўғри, — дедим муросага чақириб. — Сизни Худо яратган. Ота-онангиз воситачи бўлган. Кўръони каримда ҳам шундай дейилган. Аммо бу — ота-она ҳеч нарса эмас, деган маънони англатмайди, шекилли...

— Мени Худо яратган! — деди йигитча пинагини бузмай.

Фашим кела бошлади.

— Менга қаранг, мулла! — дедим энсам қотиб.— Бундан чиқди, отангиз электр токи, онангиз — инкубатор экан-да! Унда сиз тухум бўласизми? Албатта, ҳамманиям Худо яратган. Гулниям, тиканийям. Одамниям, эшакниям... Оллоҳ сизни эшак эмас, одам қилиб яратганига шукrona қилмайсизми? Тангри сизга ақл-заковат, тил-забон берганига хурсанд бўлмайсизми?

Ажаб! Йигитчанинг бирон туки қилт этмади.

— Ўша, сизга устозлик қилган муллага айтиб қўйинг! — дедим куйиниб. — Муқаддас Қўръони каримни, Ҳадиси шарифни ўқисин, саводи бўлса!

Оллоҳнинг каломида ҳам, Ҳадисларда ҳам ота-онани эъзозлашга даъват этилган-ку! «Жаннат оналарнинг оёғи остидадур!» – деган доно гапни Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганлар-ку!

– Ота-онам воситачи! – деди йигитча пашша қўригандек қўл силтаб...

Ростини айтсам, шу туришда йигитча битта гапни такрорлашдан бошқага ақли етмайдиган тўтиқушга ўхшар эди.

Қўнглимга ғалати иштибоҳ тушди. Ким, ким шунчалик заҳарлаб ташлади бу бегуноҳ вужудни? Қофоздек оппоқ қалбига бундай жоҳилликни ким ёзди?

Албатта, каттадир-кичикдир ҳар ким иймон-эътиқодли бўлмоғи керак. Тарихдан маълумки, дин пешволари, уламолар ҳамиша халқ назарида бўлган. Қалтис пайтда чет эл босқинчиларига қарши Ватан ҳимоясига эл-улусни оёқлантирган... Улар орасида маърифат ва маданият фидойилари кўп бўлганини ұнутмаслик керак. Биргина мисол. Шўро пайтда Үрта Осиё республикалари ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратининг бошлиғи муфтий Зиёвуддин Бобохонов ҳазратлари замонанинг дахрийлик қиличидан қон томиб турган паллада ўз пулига кутубхона очиб, йигирма беш йил давомида маошининг teng ярмини ажратиб, динга, шунингдек, мантиқ, адабиёт, тиббиёт, фалсафа, тарих, географияга оид минглаб китоб ва қўллэзмаларни тўплаб, авлодларга мерос қилиб қолдирганлар. Яратганга шукроналар бўлсинким, Истиқлол туфайли муқаддас динимиз тикланди. Минглаб масжидлар қурилди, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари расман байрам деб эълон қилинди, Ислом университети очилди...

Булар-ку, барчasi эзгу юмушлар. Аммо рўпа-рамда ўтирган йигитчанинг шишадек қотиб қолган кўзларига тикилиб туриб, ёшлиарни ҳидоят эмас, жаҳолатга, эътиқодга эмас, хурофотга етаклаётган баъзи чаламулла «домла»лар ҳам пайдо бўлмаяп-тимикан, деган иштибоҳга бордим...

АМАЛПАРАСТ

Эчкідек амалга минган эди, фил устида үтиргандек босар-тусарини билмай қолди. Амалдан тушганида филдан йиқилгандек сұяклари сочилиб кетмаса деб құрқаман!

АКА-УКАЛАР

Ака-укалар ноаҳил чиқди.

Бир оиласа сифмадилар. Рұзғор бўлиниб, қозон айри бўлди.

Бир ҳовлига сифмадилар. Ўртадан девор олинниб, ҳовли бўлинди.

Бир маҳаллага сифмадилар. Униси у ёқса кўчиб кетди. Буниси бу ёқса.

Бир туманга сифмадилар.

Бир шаҳарга сифмадилар.

Бир дунёга сифмадилар!

Униси ҳам, буниси ҳам бевақт кўз юмди...

...Ажаб! Бир онанинг қорнига қандай сиғди экан, ака-укалар?!

ҚАСАМХҮР

Қасамхўр бир қўлида асал, бир қўлида заҳар олиб юради. Қасамига қўшиб асални ўзи ичади, заҳарини сизга беради...

ҚАРҚУНОҚ

Учинчими-тўртинчими синфда ўқирдим. Акам темирқанот қарқуноқ олиб келди.

– Боқиб катта қылсанг, «гаҳ» деганингда қўлингга қўнадиган бўлади.

Қарқуноқни чигиртка, хом гўшт билан боқдим. Ҳовучимдан сув ичишга ўргатдим. Ҳар куни эрталаб ёстиғим олдига учиб келади. «Қий-қийлаб» уйғотади. Дараҳтда қўниб турган бўлса, «гаҳ» десам пирпираб учиб келиб елкамга қўнади... Ўртоқларим қойил қолади.

...Бир куни қарқуноғим йўқолиб қолди. Ҳовлини айландим. Боққа чиқдим. Қарасам, бошқа қарқуноқлар билан шохдан-шоҳга қўниб юрибди. Узимнинг қарқуноғимни аниқ танидим. Аммо неча марта «гаҳ-гаҳ» десам ҳам олдимга келмади. Алам қилди...

Йўқ, эртасига кечқурун ўзидан-ўзи учиб келиб, «қий-қий» деб елкамга қўнди. Тағин қочиб кетишидан қўрқиб, супанинг бир чеккасига олиб бордимда, устига тоғора тўнкариб қўйдим.

Эрталаб туриб, тоғорани кўтарсан... қарқуноғим ўлиб ётибди.

Йўқ, йифламадим. Кўрқиб кетдим! Кимдир қулоғим остида ҳайқиргандек бўлди: «Уни сен ўлдирдинг! Учишни хоҳлагани учун ўлдирдинг!»

Бир ҳафтадан кейин болалар билан тўп тепаётib оёғим синди. Йигирма кунча тахтакачда ётдим. Қарқуноғим тушимга кирди.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК

Маҳаллийчилик – миллатчиликнинг никоҳсиз туғилган боласи, шовинизмнинг никоҳсиз туғилган невараасидир!

ИБТИДО ВА ИНТИҲО

Бу эшикдан кириб кеганда ҳеч вақоси йўқ эди.

Бир парча матога ўраб, бешикка солдилар.

Ўсди. Улфайди. Мол-дунё топди. Антиқа жиҳозлар олди. Уй солди. Бир қаватли. Икки қаватли. Уч қаватли... Машина олди. «Волга». «Нексия». «Мерседес». «Ягуар»... Дача қурди. Саунаси билан. Фаввораси билан... Майшат қилди... Қорасочлар билан... Малласочлар билан...

Бирорвга яхши қўринди. Бирорвга ёмон қўринди...

У эшикка кириб кетаётганида ҳеч вақоси йўқ эди.

Бир парча матога ўраб, «бешик»ка солдилар-да, сўнгти манзилга элтиб қўйдилар...

ПҮЛАТ

Пүлат синса синадики, эгилмайди...

БИРИ КАМ ДУНЁ

Бола туғдирғанларнинг ҳаммаси ҳам Ота бўла-вермайди.

Бола туққанларнинг ҳаммаси ҳам Она бўлавер-майди.

Боланинг ҳаммаси ҳам Фарзанд бўлавермайди...

ЎЗБЕК ХОНАДОНИ

Ўзбек хонадонидан нон ва райҳон иси келади...

«ДОНИШМАНД» СИЧҚОН

«Ошкоралик» деган нарса удум бўлган кезлари фаройнб тоифа пайдо бўлди. Ҳар мажлисда сўзга чиқмаса, қулоғини кесади. Ўзи ўғлинг тенги кела-дию, отангдан зўр насиҳат қиласди.

– Ундоқ қилмоқ керак! Мана бундоқ қилмоқ ке-рак! Шу гапга қўшилмаганларни йўқ қилмоқ керак!

...Қадимий ҳангома ёдимга тушади.

Сичқонлар кенгаш тўплаб мушукдан қутулиш йўлини излабди. Бир сичқон бафоят доно фикр айт-бида:

– Қўнфироқ топиш керак! Қўнфироқни мушук-нинг бўйнига илиб қўйиш керак! Мушук қаерга борса, қўнфироқ жиринглаб туриши керак! Биз қўн-фироқни эшитиб, қочиб кетишимиз керак! Охири, мушук очидан ўлиши керак! Шу гапга қарши чиқсан сичқонларнинг думини кесиши керак!

Ҳамма қойил қолиб, унга «Донишманд сичқон» деган унвон беришибди. Мажлис охирида бир сич-қон сўраб қопти:

– Ҳаммаси яхшику-я, ўша қўнфироқни мушук-нинг бўйнига ким илади?

Шу гап чиқиши билан сичқоннинг ини минг тан-га бўлиб кетган экан.

Албатта, маслаңат бериш яхши. Аммо уни ба-
жариш қийин. «Қилиш керак», деган сүз билан
«Қилинди», деган сүз орасида узоқ, жуда узоқ масо-
фа бор...

«ГАЗАНДА»

Ҳиндистонда дунёдаги энг йирик, энг заҳари
илон – «қирол кобра»си бўлади. Шу илоннинг
галати хусусияти бор экан. Тухумини қўриқлаб ёт-
ган урғочи кобрага одамми, ҳайвонми, яқин келиши
билан унинг заҳари бир неча баравар ортиб кетиб,
ҳатто филни ҳам чақиб ўлдирапкан...

Меҳрибон онахонларимиздан узр сўрайман-ку...
Боласини ташлаб қочаётган аёллар фарзандни авай-
лашни мана шу газандадан ўрганса чакки бўлмас
эди...

ОЙ ВА ҚҮЁШ

Ой қүёшдан нур олади. Қүёш қанча ёрқин порла-
са, ой шунча тиниклашади.

Эркак қанча кўп меҳр берса, аёлнинг ҳусни шун-
ча очилади...

ТАРКИ ОДАТ...

Одамлар чиндан кўра ёлғонга тезроқ ишонади.
Бу дунёning ўзида ростдан кўра ёлғон кўпроқ бўлса,
нима қилсин...

ҚИСМАТДАН ҚОЧИБ БЎЛМАС

Рус подшолари орасида қаҳри қаттиқлиги билан
«ном чиқарган» Иван Грознийнинг қисмати галати
бўлган. 1584 йили қиши палласи осмонда «дум-
ли юлдуз» – комета пайдо бўлади. Подшо «дум-
ли юлдуз» чиқиши ўзининг ўлимига ишора деб
ўйлаб ваҳимага тушади. Салтанатдаги энг машҳур
«башоратгўй»ларни тўплашни буюради. (Нимагадир
айнан аёл «башоратчилар»ни.) Олтмишга яқин ба-

шоратчини бир ерга қамаб, ушбу синоат нимадан дарак беришини айтмагунча биронтасини ҳибсдан бўшатмаслик ҳақида фармон чиқаради.

Қизиги шундаки, «башоратгўй»ларнинг деярли ҳаммаси шаҳаншоҳ 18 апрель куни вафот этади, деб «каромат» қиласидилар. Айтилган кун ҳам этиб келади. Подшоҳи олам эса соппа-соғ юрибди. Эрталаб туриб, қалбаки «кароматгўй»ларнинг ҳаммасини бир ерга тўплаб ёкиб юборилсин, деб ҳукм чиқарди. Кенг майдонга катта гулхан ёқадилар. «Башоратчилар»ни олиб келадилар. Ҳаммасини ёппасига оловга ташлаш учун Грознийнинг амрини кутадилар...

Айни шу паллада шахмат ўйнаб ўтирган подшо ўзидан-ўзи шилқ этиб йикиласди-ю, жон таслим қиласди...

Бу жумбоқнинг ечимини ҳанузгача ҳеч ким тополган эмас...

Тўғри, тарихчилар подшо умрининг охирида «вос-вос» бўлиб қолган, дейишади. Фитна билан ўлдирилган, деган фикрлар ҳам бор. Аммо унинг айнан шу куни вафот этганининг ўзида ғалати жумбоқ йўқ эмас...

ОНАМНИНГ ЎГИТИ

Йифлаб турган гўдакнинг бегонаси бўлмайди.

ОДИЛЛИК

Баҳорнинг ilk майсалари шаҳаншоҳлар саройининг олтин қуббаларида эмас, фарид кулбасининг лойсувоқ томида кўкаради.

Тўнғич чучмўмалар бойваччалар гулшанида эмас, ўқсик қабрлар устида очилади...

Адолатни табиатдан ўрганиш керак...

«ДОЯ»

Нодонлик разолатнинг онаси эмас-ку, дояси бўлиши мумкин.

«СЕНДАН ҲАРАКАТ...»

Қадимдан қолган латифанамо гап бор. Бир юртни сув босибди. Ҳамма ҳар ёққа қочибди. Қарашса, бир одам том бошида ўтирганмиш. Сув тўпифига келиб қолган...

Ёнига бир қайиқ келиб тўхтабди.

«Қайиққа чиқ», дейишса бош чайқабди.

«Мен умр бўйи тоат-ибодат қилганман, Тангри паноҳида асрайди!»

Сув белига чиққанда яна бир қайиқ келиб тўхтабди. «Қайиққа чиқсангчи», дейишса бош чайқабди.

«Мен умр бўйи тоат-ибодат қилганман. Тангри паноҳида асрайди».

Охири, сув томоғига чиқибди. Тағин бир қайиқ сузуб кепти.

«Хой, барака топгур, қайиққа чиқ, чўкиб кетасан!» дейишса бош чайқабди.

«Мен умр бўйи тоат-ибодат қилганман, Тангри паноҳида асрайди!»

Қайиқ нари кетиши билан «гулқ» этиб чўкиб кетибди. У дунёга бориб, Худога нолибди.

«Мен умр бўйи тоат-ибодат қилдим, Яратган Эгам! Сен эса менинг жонимга оро кирмадинг...»

«Эй, ғофил банда! – дебди Тангри. – Жонингни асраш учун бир эмас, уч марта қайиқ юбордим-ку, тағин нима ҳақинг қолди?!»

...Албатта, тоат-ибодат қилиш – фарз. Аммо Яратганинг «Эҳтиёт сендан, асраш мендан», деган вайдаси ҳам бор...

УСТОЗ

Устоз отангдек улуғ, деганлари бежиз эмас, Ота ҳаёт беради. Устоз эса яшашга ўргатади. Туғилишдан кўра яшаш қийинроқ...

ХУСН

Йўлбарс бошқа ов тополмаса, дарахтнинг пастак шохига қўниб ўтирган товусни думидан тутиб ер экан... Ортиқча ҳусн бошга битган бало бўлади, деганлари шу бўлса керак...

ИЛГОР ТАЖРИБА

Одамлар «бозор муносабати»ни балиқдан ўрганган. Каттаси кичигини сяверади...

КАЛТАБИНЛИК

Бир юртда яшаб туриб, ўша халқ тилини билмаслик:

Биринчидан – ўша халқа нисбатан ҳурматсизлик.

Иккинчидан – ўша халқдан ўзини устун қўйиш.

Учинчидан – фирт нодонлиқдир!

ШАЙТОННИНГ ФЕЪЛИ

Дурадгорлар ишлатадиган «шайтон» деган асбоб бор. Қайси томон баланд бўлса, «лип» этиб ўша ёқقا ўтиб олади. Бунақалар одамлар орасида ҳам учраб туради. Қизиги шундаки, бирор ундан «Кеча у ёқда эдинг, бугун нега бу ёқقا ўтиб олдинг?» деб сўрамайди.

«Шайтон»нинг шайтонлиги ҳам шунда бўлса керак-да!..

ОТИ «ҚЎРҚОҚ»

Андишасиз азбаройи беандиша бўлгани учун дасти узун, тили бурро бўлса-да, андишали азбаройи андишали бўлгани учун қўли қисқа, тили қисиқ бўлса... алам қиларкан!

НАФС БАНДАСИ

Денгиз бўйига дам олишга борганимда юртдoshim билан ҳамхона бўлиб қолдим. Ниҳоятда таво-

зели, «илоннинг оғзидан чиққандек» кийинадиган, бўйинбоф тақиб юрадиган одам экан...

Бир куни Сочидаги дендрарийга кирдик. Ер юзида жаннат бўлса, шунчалик бўлар! Етти иқлимининг дараҳтлари: ҳар бири чинни косадек оппоқ, ним пушти гуллари ақлни лол қолдирадиган магнолиялар... Арчалар... Бамбуклар... Кактуслар... Бананлар... Анвойи чечаклар...

Озода майсазорда товуслар таманно билан кезади. Бир хиллари дараҳтлар шохига қўниб ўтирибди. Одамларга шу қадар кўнишиб кетганки, яқин боришингиз билан камалакдек думини ёйиб, ҳуснини кўз-кўз қиласди...

Маҳлиё бўлиб туриб қолдим. Бир маҳал ҳамхонам елкамга туртди.

– Шунинг гўштидан табака қиласа бўлармикин, домла?

Кўзига узоқ тикилиб турдим-да, индамай бурилиб кетдим...

Тошкентга қайтгунча деярли гаплашмадим...

ЙЎЛ

Йўлни торайтиришдан тийилинг. Худо йўлни торайтирганинг гўрини торайтиради, деган гап бор...

ЖАННАТ ФАРИШТАЛАРИ

Ҳадиси шарифда таъкиданишича, Пайғамбаримиз Мұҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам айтган эканлар: «Қайси ота-она уч қизни тарбиялаб, вояга етказса, шулар жаннатда менинг ёнимдан жой олади. Агар иккита қизни тарбиялаб, вояга етказса ҳам жаннатда менинг ёнимдан жой олади. Башарти битта қизни тарбиялаб, вояга етказса ҳам жаннатда менинг ёнимдан жой олади...»

Ислом дини хотин-қизларни камситади, деган гапни ким айтган ўзи?

Ҳадиси шарифда тағин бир гап бор. Агар бир аёлнинг уч фарзанди гўдаклигига нобуд бўлса, Маҳшар куни улар дўзах йўлини тўсиб, онасини

ҳимоя қиласар экан. Агар болалигига нобуд бүлган гүдак иккита бўлса ҳам шундай қиласкан. Башарти, ўша аёлнинг битта боласи гүдаклигига нобуд бўлган бўлса ҳам шундай қиласкан. Зоро, она учун фарзанд дофининг ўзи дўзах азобидан кучлидир...

Айтинг-чи, дунёдаги қайси бир шоир, қайси адаб, қайси мусаввир она меҳрини шу қадар теран тасвирлай олган?!

УШАЛМАС ОРЗУ

Қани энди, ёшлигингда кексалардек донишманд, кексайганда ёшлардек бақувват бўлсанг...

АҚЛ ВА ТИЛ

Гоҳо ақл қанча қисқа бўлса, тил шунча узун бўлади...

ОҚ ЛИБОС

Инсон бу дунёга келиб, кўз очган чоғи бошида турган оқ либосли одамни кўради.

Инсон бу дунёни тарқ этиб, кўз юмаётган чоғи бошида турган оқ либосли одамни кўради.

Дўхтирларга таъзим қилинг!

ЖИНОЯТ

Ўз кўнглидаги меҳрни ўлдириш одам ўлдиришдан оғирроқ жиноятдир. Негаки ҳар қандай разиллик бемеҳрикдан бошланади.

ФОЖИАМИЗ

Армани:

– Сизга ким керак, азизим? «Қоровул Петросян» дейсизми? Вах-вах-вах! У қоровул эмас, академик! Донишманд одам! Юринг, уйини кўрсатаман. Яқинда икки қаватли уй солди, азамат!

Гуржи:

– Кимни сўраяпсиз, батано? «Этиқдўз Панжикидзе?» О-о-о! У этиқдўз эмас, академик! Бунаقا

денишманд одам юз йилда бир туғилади! Юринг, дачасига обориб құяман. Уч қаватли дача қуряпти, азамат!

Ўзбек:

– Нима? Ким дейсиз! «Академик Алижонип?» Ҳеч қанақа академик эмас у! Қоровулчалик саводи йўқ! Этикарчалик илми йўқ! Фирт аҳмоқ одам. Порахўр! Ўрикзорда данғиллама иморат солаяпти. Шунча пулни қаёқдан олади? Умуман... мен ҳеч қанақа Алижонип-палижонипни танимайман!

ТУҲФА ЭМАС

Мустақиллик берилмайди. Мустақиллик олинади!

«ТАДБИРКОР» ВА «ЧАЙҚОВЧИ»

«Тадбиркор» дегани йўқни бор қилиб, бир нима яратадиган, жилла қурса, ўзимизда камёб нарсани четдан келтириб, ҳожат чиқарадиган одамни англатгувчи эди. Бозорга кирган деҳқоннинг ҳосилини сув текинга оладиган, шу ернинг ўзида беш баҳосига пуллайдиган одамнинг номи «чайқовчи» дейиларди, шекилли?! Шуни биттасига айтсам, аччиғи чиқди. «Оғзингизга қараб гапиринг, ака, биз – тадбиркормиз!» – дейди.

Ҳайронман, ё мен ўзбек тилини унутиб қўйдим, ё ҳаётдан орқада қолиб кетганман...

БОЙ ВА КАМБАҒАЛ

Бой гердайса – салобат. Камбағал таъзим қилса – хушомад.

Бой гапирса – донолик. Камбағал сукут сақласа – нодонлик.

Бой «Мерседес» олса – камтарлик. Камбағал велосипед олса – манманлик.

Бой жиноят қилса – «шўхлик». Камбағал шўхлик қилса – жиноят.

Бой ўлса – мотам. Камбағал ўлса – «ҳа, энди, бандалик»...

УНУТМАНГ

Она тилини унутмоқ – ўз онасини унутмоқ билан тенг!

АДОЛАТ

Адолат битта бўлади, дейиш – гўлликдир. Адолатнинг қиёфаси минг хил бўлиши мумкин. Бу – унга ким қарашига, қаёқдан қарашига, қай ниятда қарашига боғлиқ.

ЭНГ БЕБАҲО, ЭНГ АРЗОН

Дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша беназир тарқатиладиган хазина бор. Бу – Она меҳри!

БОЗОР «МАДОННА»СИ

Исириқ олиш учун бозорга тушгандим. Дарвозадан кираверишда сомса сотиб ўтирган аёлни кўриб, беихтиёр тўхтаб қолдим. Ростини айтсам, бундай мукаммал хилқатни умримда кўрмагандим. Юзи шу қадар тиниқ, қош-кўзи, лаблари шу қадар мутаносиб, шу қадар жозибали эдики, раҳматли Чингиз Аҳмаров тирилиб келса, ўзбек мадоннасини шу аёлга қараб чизган бўларди. Хаёлимдан «Қайси бахти чопган эр шундай парипайкар билан яшаркин?» деган ўй кечди.

Харид қилиб қайтиб чиқаётib, ғалати шовқинсурон эшитдим. Яқин келиб, тағин беихтиёр тўхтаб қолдим. Бояги аёл рўпарасида озодагина кийинган, бўйинбоғ таққан бир киши кўзини пирпирашиб, эсанкираб турар, чамаси қаёқча қочишини билмай, фужанак бўлиб олгандек эди. Сомса важидан эътиroz билдирганми, ораларидан нохушроқ гап ўтганми, хуллас, аёл уни шу қадар қалаштириб ҳақорат қилар, оғзидан шу қадар ифлос сўзлар отилиб чиқардики, қирқ йил кўмир ташиган аравакаш бундай сўкишларни эшитса, ўзи ҳам, оти ҳам, араваси ҳам, борингки кўмири ҳам уятдан қизарив кетган

бўларди! Ёмон гап одамни хунук қилиб юборишини шунда кўрдим. «Пари-пайкар»нинг чиройли кўзлари олайиб кетган, ойдек юзи қийшайиб, ваҳимали тус олганди...

Хаёлимдан «Қайси бахтиқаро эр шундай алвости билан яшаркин?» деган ўй кечди...

БОЙЧЕЧАК

Бойчечак биринчи бўлиб очилгани боис кўпинча совуқ шамолларга қурбон бўлади. Аммо у баҳорни бошлаб келгани учун одамлар кўзига суртиб, «омон-лик-сомонлик» қиласидилар...

ВАТАН ТУЙФУСИ

Қайси юртда нон арzon бўлса, ўша ерга кўчиб юрадиган одамда Ватан туйфуси бўлмайди.

ХОМ ХАЁЛ

Қани энди, қайтадан гўдакка айланиб қолсанг-да, ўйлаганингни қўрқмасдан айтаверасанг!

ДОНО ВА НОДОН

Доно нодондан ўзини бир погона қуи тутса, ҳайрон бўлманг. Тарозининг юкли палласи бўш палладан доим пастроқда туради...

ҲУРЛИК ВА ҲЎРЛИК

Ҳурлик йўқ жойда ҳўрлик ҳукмрон бўлади.

Мустақиллик йўқ жойда мустабидлик ҳукм суради!

АЁЛЛАРГА МАСЛАҲАТ

Ҳадеб «Эрим кам пул топади, эрим кам пул топади», деб нолийверманг. Эркак киши қанча кўп пул топса, хотини шунча кўпаяди!

АЖДОДЛАР РУҲИ

Руҳшунос олимлар ғалати тадқиқот ўтказган. Нима учун вафот этган одам дастлабки кунлари яқинларининг тушига бот-бот кириб туради? Гап шундаки, тириклар уни кўп эслагани учун майитнинг руҳи ўзи яшаган муҳит атрофида чарх уриб юраркан. Шу боисдан умр йўлдоши, фарзандлари, қариндошлари, ҳамкасларининг тушига тез-тез кирап экан. Орадан маълум вақт ўтиб, тириклар уни камроқ хотирлайдиган бўлгач, руҳ «ўз» муҳитидан узоқлашиб, Ер курраси атрофида учиб юраркан. Марҳумлар вақти-бевақт тушимизга кириб туриши шундан экан. Агар бу дунёда уни эслайдиган биронта одам қолмаса, руҳ ноумид бўлиб, ўзга оламларга учиб кетаркан...

Ўтганлар руҳини шод этишдан осони йўқ. Ақалли ора-чора «Ўтган ота-боболаримиз, она-момоларимизни Оллоҳ раҳмат қилсин, охирати обод бўлин», деган биргина калима кифоя... Биз эса гоҳи шунга ҳам ярамаймиз.

ОСИЙ БАНДА

Шу қадар доноки, коинотнинг олис пучмоқларида юз йилдан кейин нима рўй беришини айта олади. Шу қадар нодонки, эртага ўзининг нима бўлишини билмайди.

Шу қадар меҳрлики, чумолига озор бермайди. Шу қадар қаҳрлики, бир-бирининг дилини вайрон қилиб, ҳузур топади.

Қалби шу қадар уйғоқки, осмонда чараклаб ётган юлдузларни томоша қилиб, кўзига ёш олади. Қалби шу қадар сўқирки, ўз боласини етимхонага, ўз отасини гарибхонага ташлаб кетади.

Бир бурда нонга қорни тўяди. Дунёнинг жамики бойликлари камлик қиласди.

Бир қўли билан само кемалари, «ойнаи жаҳон»лар яратади. Бир қўли билан ер юзини култепага айлантирувчи қурол ясади.

Бир феъли – адолат. Бир феъли – разолат.

Бир ҳунари – садоқат. Бир ҳунари – хиёнат...
Начора... Одамзот шундай: нур ва зулмат қоришиғидан бино бўлган.

ЧИНОР

Чинор маҳобатли бўлгани учун буюк эмас. Чинор узоқ умр кўргани учун ҳам буюк эмас...

Чинор... қандай шамол эсишидан, қачон эсишидан, қаёқча қараб эсишидан қатъи назар, қилт этмай тургани учун буюkdir.

«ФЕОДАЛЛАР»

Болалигимни эсласам, оиласиздаги бир одат эсимга тушади. Биз – фарзандлар учун дунёда отамиздан улуғроқ, отамиздан кучлироқ, билимдонроқ одам йўқ эди. Онам икки гапнинг бирида «ҳой, ўғлим, ҳозир аданг кепқоладилар, дарров сигирга ўт юлиб кел», «ҳой, қизим, аданг кепқоладилар, ҳовлини супур», «адангни соатига тегма», «адангни жаҳллари ёмон, шовқинламай ўтиринглар», деб қайта-қайта тайинлар эдилар. Ҳолбуки, «жаҳли ёмон» адамиз биронтамизни бирон тарсаки урган эмаслар...

Кейин тушунсам, отани қаттиқ иззат қилиш, керак бўлса, «ота шахсига сифиниш» фақат яхшиликка олиб келишини билгани учун ҳам онам шундай қилган эканлар. Бу мутелик эмас, донишмандлик экан!

Агар шунинг оти «феодаллик» деб аталса, раҳмат, бундай «феодализм»га!

ЯПРОҚ

Бу кўҳна дунёда одамнинг умри осмонда учган юлдузнинг «йилт» этишидек гап...

Бу кўҳна дунёда одамнинг умри минг йиллик чинордан узилган битта япроқнинг ерга тушишидек гап...

Ҳоли шу-ку, оламнинг устуниман, деб ўйлади хом сут эмган банда!

ОРЗУЛИ ДУНЁ

Бир кунлари ўтиб турувди. Бирордан олдин, бирордан кейин дегандек... Қора қозон қайнааб турувди...

...Орзули дунё экан. Хотин дугоналари билан гап еди. Унисини күрди, бунисини күрди... Үкинди:

— Ўртоқларим бриллиантга беланиб юрибди. Мен шўрликда тузукроқ узук ҳам йўқ. Пешонам шўр бўлмаса, шу ношудга тегармидим?! Нима қилай? Ўзимни сотайми?

Эрнинг ҳамияти озор чекди. Аёлига олтин «комплект» олиб берди...

Орзули дунё экан. Хотин тагин нолиди:

— Пахмоқ қизнинг баҳтини берсин, дегани рост экан. Анави Ҳумайрадан нимам кам? Мактабда энг хунук қиз эди. Эри «Мерседес»да олиб юради. Бу ношуд машина тугул биттагина ўғлига велосипед ҳам оберолмайди. Пешонам шўр экан! Ўзимни сатайми энди?!

Эрининг ҳамияти озор чекди. Жудаям «Мерседес» эмас-ку, «Матиз» сотиб олди.

Иттифоқо ён қўшни иморат солди. «Участка». Икки қаватли. Саунаси билан. Бассейни билан! Қўшнининг қасри олдида уларнинг «шипир» томли уйи бостирмаға ўхшаб қолди. Хотин ўкиниб нола қилди:

— Шу хонадонга тушганимга ўн беш йилдан ошди. Бу ношуд биттаям гишт қўйгани йўқ! Гадойнинг кулбаси яхшидир бундан! Пешонам шўр бўлмаса, шунга тегармиди? Ўзимни сатақолай энди!

Эр «участка» солди. Қўшнининг томидан бир қулоч баланд қилиб. Бассейни билан. Саунаси билан. Ҳовлида фонтани билан!

...Орзули дунё экан. Хотин энди тоғда қуриладиган дачани орзу қилиб турганида... тўсатдан қий-чув бўлиб қолди. Хотин эрталаб «жиндай сугаргини қизитиш учун» саунага кирса, эр ўзини осиб қўйганмиш!

Хотин дод устига дод солди:

— Вой-дод! Пешонам шўр бўлмаса шу ношудга тегармидим? Ўлмай ўлгур бир парча хат ташлаб кетибди. Олам жаҳон қарзи бор экан! «Парасани»нинг ўзи саксон минг доллармиш! Нима қилай, ўзимни сотаман, энди?

...Ўзини сотмоқчи эди... харидор чиқмади...

КАМБАГАЛНИ КАМСИТМАНГ

Ривоят қилишларича, бир йигит донғи кетган бойнинг қизига ошиғу беқарор бўлиб қолибди. Қизнинг ҳам унда кўнгли бор экан. Йигит неча бор совчи юбормасин, рад жавоби олаверганидан кейин бойнинг ҳузурига ўзи борибди.

— Минг бора узр, бой ота, — дебди одоб билан. — Кўнгил иши экан. Айбга буюрмайсиз, қизингизни чин дилдан яхши кўриб қолдим. Нима шартингиз бўлса, розиман, фақат ноумид қилманг...

Бой ўйлаб-ўйлаб, бу «бетамиз» йигитнинг адабини бериш йўлини топибди.

— Майли, — дебди. — Иккита шартим бор. Биринчисини бажарганингдан кейин иккинчисини айтаман.

— Жоним билан! — дебди йигит.

— Шартим шуки, уч кун эртадан кечгача тиланчилик қиласан! Бозор бошида, ўз маҳаллангда, маҷит дарвозаси олдида. Мен буни ўз кўзим билан кўришим керак.

Йигит чиндан ҳам уч кун тиланчилик қилибди. Тўртингчи куни бой пешингача кутса ҳам йигитдан дарак бўлмабди. Бой излаб борса, йигит бозор бошида гадойлик қилиб ўтирганмиш.

— Иккинчи шартим шуки, — деб гап бошлаган экан, йигит айтибди.

— Шартингиз ҳам, қизингиз ҳам ўзингизга сийлов! Одамни тирикчиликдан қолдирманг!

Қизифи шундаки, қиз «шундан бошқасига берсангиз, ўзимни ўлдираман», деб туриб олибди.

Қиссадан ҳисса: камбағални камситган гадойга ялинади!

ПОЙТАХТ МИССИЯСИ

Уни ҳаммамиз яхши күрамиз.

Унга ҳаммамиз талпинамиз.

Борамиз.

Үқиймиз.

Ишлаймиз.

Турмуш қурамиз.

Уйли-жойли бўламиз.

Ва...уни яқдиллик билан фийбат қиласиз!

...Начора, пойтахт бўлганидан кейин чидайдида...

Муаллиф изоҳи: баъзилар «маҳаллийчилик қил-япсиз» демаслиги учун айтиб қўяй. Ўзим ҳам қишлоқда туғилиб ўсганман. Ҳар доим қишлоқ одамларининг фазилатини тасвирлаганман...

ЭНГ ҚИСҚА ЁЗУВЛАР

Бешикдаги ёзув

«Кенг оламга сифмайдиган буюк зот бўлиб кетганингда ҳам тор қучофимда йиғлаб ётганингни унутма!»

Етимхона дарвозасидаги ёзув

«Хой, она! Сен бу даргоҳга Мехр деган ниҳолни ташлаб кетаяпсан. Ундан Қаҳр деган дараҳт ўсиб чиқиши эсингда бўлсин».

Фарибхона дарвозасидаги ёзув

«Хой, фарзанд! Ота-онангни «комон-эсон» жойлаб чиқдингми? Баракалла! Бугун сен жаҳаннамнинг олов ланғиллаб турган қудуғидан ўзингга жой тайёрлаб қўйдинг! Муборак бўлсин!!!»

Ариқ қирғозидаги ёзув

«Мен одамларни поклайман, деб жоним ҳалак, одамлар мени булғаш билан овора...»

Автобус ўринидидаги ёзув

«Хой, йигитча! Тепангда қалтираб турган қарияга жой бериш-бермаслик ўзингизга ҳавола. У сенинг ҳеч киминг эмас. Фақат «мен ҳам шунинг ёшига етармиканман», деб ўзингдан ўзинг сўраб кўрсанг бас...»

Қадаҳдаги ёзув

«Мени сипқоришдан олдин синчилаб разм сол. Тубимда не-не одамлар чўкиб ётиди!»

Кетмон дастасидаги ёзув

«Пастга қараб кетган илдизга тегсанг, дарахтга жабр қиласан. Тепага қараб кетган илдизга тегсанг, ўзингта жабр бўлади...»

Кўзгудаги ёзув

«Яхшиямки, одамзоднинг айби ўзига билинмайди. Бўлмаса, дунёда биттаям бутун тошойна қолмас эди...»

Ўқ-ёйдаги ёзув

«Ўзинг тўғри бўлатуриб, нега бегуноҳларни жароҳатлайсан, деб маломат қилманг. Мени отган камон қийшиқ бўлса, нима қилай?»

Узангидаги ёзув

«Нега мени тепкилайсан? Кимга таяниб от минганинг эсингдан чиқдими?!»

Қалам зиҳидаги ёзув

«Онани мадҳ этсанг – қувонаман. Муҳаббатни мадҳ этсанг – қувонаман. Ватанини мадҳ этсанг – қувонаман. Садоқатни мадҳ этсанг – қувонаман... Тама йўлида, ростни ёлғон, ёлғонни рост деб ёзсанг, синиб кеттиларим келади!»

Институт эшигидаги ёзув

«Жаноб талабалар! Миниб келган машинанингизни тартиб билан «парковка» қилишингизни сўраймиз. Профессорларнинг велосипеди киришга қийналяпти...»

Концерт зали пештоқидаги ёзув

«Микрофонни яратган одамга кумушдан, фонограммани ихтиро қилганга олтиндан ҳайкал қўя-
миз!»

Бозор дарвозасидаги ёзув

«Стоянка»га бир марта кириб чиқиш 2 минг сўм.
Машинангга бир гап бўлса, ўзинг жавобгарсан!»

ИРСИЯТ

Ҳали мактабга қатнамасдим. Орамизда «Елим» лақабли бола бўларди. Текканга тегиб, тегмаганга кесак отар, ҳатто ёши катта болалар ҳам ундан узокроқ юришга ҳаракат қиласарди. «Елим» лақабини олишига сабаб – у, отаси урушга кетганидан кейин икки йил ўтиб туғилган, онасининг айтишига қараганда «қорнига ёпишиб қолган» экан.

Бир куни «Елим» ёмон иш қилди. Қаердантир ориқлаб кетган қора мушукни топиб келди. «Ҳозир сенларга томоша кўрсатаман», деди-да, мушукнинг думига чизимча боғлаб, бигиллатиб, дарахт шохига илиб қўйди. Анҳор бўйидаги тошлардан кўйлагининг этагига тўлдириб келди. Кейин, бешолти қадам орқага чекиниб, мушукка тош ота бошлади. Болалардан бири «унақа қилма», деса, «бўпти, ўзингни тошбўрон қиламан», деб хезланди. «Елим» тошларни шошилмай, узоқ мўлжалга олиб отар, мушук ҳар гал тош текканда аянчли миёвлар, типирчилаб, ўзини уёқдан-бу ёққа ташлар, аммо қутулиб кетолмас эди. Охири бечоранинг оғзидан қон кела бошлади. Биз – болалар даҳшатдан қотиб, қилт этмай турар, нима қилишни билмасдик. Бир маҳал

мушукнинг кўзидан яшил олов сачраб кетгандек бўлди-да, сўнгги бор миёвлаб, тинчиб қолди...

Ўша куни рўй берган воқеани ичимга сифиролмай, онамга айтиб бердим. Онам отамга айтган шекилли, кечқурун отам бизни ёнига чақириб, танбех берди:

— Ўша бола билан ўйнасаларинг таъзиiringни бераман! — Сўнг, бир зум ўйлаб турди-да, қўшиб қўйди. — Балки болада гуноҳ йўқдир. Палаги нопок!

Отамнинг гапини яхши тушунмаган бўлсам-да, «Елим»дан нарироқ юрадиган бўлдим... У еттинчи синфни битириб, бошқа ўқимади... Университетда ўқиб юрган кезларим «Елим» одам ўлдириб, ўн йилга кесилиб кетганини эшитдим...

...Орадан анча вақт ўтди. Билмадим, ўттиз йилми-ўттиз беш йилми... Куз кечаларидан бирида дарвоза тақиллаб қолди. Чиқсан, телпак кийган нотаниш одам турибди.

— Танимадинг-а? — деди эски қадрдонлардек елкамга қўй ташлаб. — Мен... фалончиман.

Ростини айтсан, бунақа исмли одамни эслай олмадим. Отини қайта сўраган эдим, илжайди.

— «Елимман!»

Шундагина «эски қадрдоним» ёдимга тушди.

— Сенга бир масалада келдим, — деди мақсадга кўчиб. — Ўғлим арзимган нарса билан қамоқча тушиб қолди. Терговчи билан гаплашсам, жаа-а «заряжат» қилиб юборяпти. Шунга бир ёрдам бериб юборсанг...

— Мен терговчини танимайман, — дедим ростини айтиб.

— Сен уларни танимасанг, улар сени танийди-ку!

Очифи, ўғлининг «арзимаган нарса билан» қамалганига ишонмадим. Бунақа ишларга арашламаслигимни айтдим. «Елим» хафа бўлмади.

— Бўпти, сен бўлмасанг, бошқаси топилиб қолар, — деди-да, кетаверди...

Ўғлининг қисмати нима бўлганини билмайманку, орадан тағин беш-олти йил ўтиб, ноxуш хабар эшитдим. «Елим» хотин, бола-чақаси билан ажра-

шиб, қўшни маҳалланинг чеккароқ жойидан ҳовли сотиб олган экан. Қиши кунларидан бирида уйига ўт кетибди. «Пажарний»лар ўтни ўчириб, ичкари кирса, «Елим»нинг куйиб кетган жасади ётганмиш. Негадир оёқ-қўли сим билан чандилаб боғлаб ташланган эмиш...

Бечорага ачиндим. Отамнинг гапи ёдимга тушди. «Палаги нопок»...

ЛАФЗ

Халқимизда «Ваъдага вафо – марднинг иши», «Арслон изидан қайтмас, йигит сўзидан», деган мақоллар бор. Буни исботловчи мисоллар ҳам етарли.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг васияти билан таҳтга ўтирган Ҳумоюн ҳам отаси каби жасур, доно ва соғдил инсон бўлган. Бироқ шаҳаншоҳ вафотидан кейин бошланган тожу-таҳт талаши салтанатни таҳликали аҳволга солиб қўяди ва рақиблар бундан усталик билан фойдаланиб, хуружга ўтади. Бобурийлар ҳукмронлигига қарши уруш олиб бораётган Шерхоншоҳнинг қўли баланд келиб, Ҳумоюн чекинишга мажбур бўлади. Ҳиндистонда дарё кўп. Чавза дарёсидан ўтаётганда Ҳумоюннинг оти чўкиб, унинг ўзини ҳам сув остига тортиб кетади. Подшоҳнинг баҳтига ҳўқиз терисидан ясалган мешда сузиб келаётган мешкобчи уни қутқариб қолади. Шунда миннатдор шаҳаншоҳ оғзидан сенга подшолик таҳтини берганим бўлсин, деган мазмунда гап чиқиб кетади. Пойтаҳтга етиб келишгач, мешкобчи шоҳга ваъдасини эслатади... Шунда Ҳумоюн ақл бовар қилмас иш қилади. Сарой аъёнларининг зътиrozига қарамай мешкобчини таҳтга ўтқазиб қўяди. Шаҳаншоҳ акаси ҳақида «Ҳумоюннома» деган гўзал асар ёзган Гулбаданбегим ҳам кўз кўриб қулоқ эшишмаган бу ҳодисани оғриниб тасвирлаган. У шундай деб ёzáди. «Бу воқеадан сўнг подшоҳ ўша саққо фуломни таҳтга ўтқазиб, ҳамма амирлар унга кўриниш бер-

синглар, фулом эса кимга нимани хоҳласа ҳадя этсин ва мансаб берсин, деб буюрдилар... Икки кунгача бу фуломга подшоҳликни бериб қўйдилар...»

Ҳумоюннинг ўз тахтини икки кунгача аллақандай саққо (гадо), фулом (қул)га бериб қўйишини ҳар ким ҳар хил баҳолаши табиий. Бироқ у «подшо ҳукми – вожиб» деган шиорга амал қилиб, сўзининг устидан чиққани аниқ... Бу-ку, қарийб беш аср нарида рўй берган ҳодиса. Сўз устуворлигига амал қилган инсонлар ҳамиша бўлган ва бундан кейин ҳам бўлаверади. Яна бир мисол. Буниси яқин ўтмишда бўлган воқеа.

Тошкентда Мамат акани танимаган одам йўқ эди. Халқ ҳофизи Муҳаммаджон Каримов борган тўйга айрича файз қўнарди. Ёши бир жойга бориб қолган, ихчам гавдали ҳофиз мумтоз фазалларни шу қадар теран тушуниб, шу қадар тиник овозда айтар эдики, тингловчилар беихтиёр сеҳрланиб қоларди...

Мен Муҳаммаджон Каримовнинг сўнгги қўшиғини (афсуски сўнггисини) эшитганман. Қай бир йили Ҳумсонга дам олишга бордик. Мамат аканинг ўн чоғли улфатлари ҳам оромгоҳ яқинида Угам дарёси бўйидаги чойхонада маскан тутиб, бир-икки ҳафта дам оладиган одати бор экан.

Бир куни оромгоҳдаги дам олувчилар илтимоси билан Мамат ака концерт берадиган бўлди. Очиқ майдонга юзлаб одамлар тўпланган. Ҳофиз иккимич қўшиқдан сўнг Фузулий фазалини айта туриб, ҳушидан кетиб қолди. Уч кундан кейин...

...Мамат аканинг ҳамма биладиган фалати одатлари бор эди. У «закалат-пакалат» деган сўзни бирон марта оғзига олмаган. Қаерга борса, сидқидилдан хизмат қилган. Бир тўйни чала ташлаб, иккимичисига югурмаган. Тўй эгаси ҳақ берса, олган. Бермаса, дуо қилган. Башарти тўй қилаётган кишининг қўли қисқароқлигини пайқаб қолса, тўпланган пулни ҳам «тўяна» деб ташлаб кетган...

Энг муҳими – «Мамат аканинг «темир дафтари» деган гап эл аро машҳур эди. Дейлик, маҳалланинг

ямоқчиси тўйга айтиб келди. Ҳофиз «темир дафтарини» варақлаб кўрган ва ўша куни бўш бўлса, «Худо хоҳласа, албагта хизматда бўламан», деб дафтарига ёзиб қўйган. Иттифоқо, ярим соатдан кейин бирон катта мансабдор ёки донғи кетган бойвачча келиб қоладиу, худди ўша куни тўй қилаётганини айтиб, таклиф этади. Ҳофиз «Иложи йўқ, бир одамга ваъда бериб қўйганман, сўзимдан қайтмайман», деб рад этади. Ҳеч қандай илтимос, ҳеч қанча пул, ҳеч қандай дафдаға ўтмайди! Вассалом!

Бунинг отини лафз дейдилар!

ҚЎШҚАНОТ

Йигирма ёшдаги ошиқ-маъшгуқликдан етмиш ёшдаги меҳр-оқибатгача етиб борган эр-хотин сабрқаноат фаришталаридир.

ТИЛАНЧИ

- Гадой билан маддоҳнинг фарқи борми?
- Бор. Гадой жўн тиланчилик қиласи. Маддоҳ қофиясини келтириб тиланади.

БОБО БИЛАН НАБИРА

Қария – оила яшинқайтарғичи. Хонадонни турли балолардан асрайди.

Гўдак – оила чироғи. Хонадонни ёритиб туради.

НОМУКАМАЛЛИК

Дунёда мукаммал нарса йўқ. Ҳатто Мұҳаббат деб аталмиш олий туйфуда ҳам адолатсизлик бор. Ким қаттиқроқ севса, ўша кўпроқ изтироб чекади.

СЕВИНЧ ВА ЎКИНЧ

Ҳаётингизда севинчдан кўра ўкинч кўпроқ бўлса, ажабланманг. Одам боласи йиғлаб туғилади. Кулишни эса анча кейин ўрганади...

«ИХТИРО»

Самарқанд бозорида чет эллик сайёхлар юрган экан. Биттаси, айниқса, зътиборимни тортди. Калта иштон кийган, қора күзойнакли, шопмўйлов киши ўғил сумакка тамаки тўлдириб чекиб кетаяпти...

...Шунаقا «универсал» буюмни ихтиро қилган халқимизга тасанно дедим...

«ҚУЛФ»

(Покиза аёлларимизга алоқаси йўқ гап)

Хотин кишининг хиёнат эшиги бир очилмасин. Очилса, ёпилиши қийин бўлади. Қулфи «бузилиб» қолади...

ТЕХНИКА АСРИ

Техника асрида яшаяпмиз. Қандоқ яхши! Оғирни – енгил, узоқни – яқин, мушкулни – осон қиласи. Шунаңгидан осон қиласиди, фақат мушакни эмас, каллани ишлатиб ҳам овора бўлиб ўтирамайсиз...

Бир «мини-маркет»га кириб, майдада ҳарид қилдим. Буни қарангки, сотувчи йигитчанинг калькулятор деган «сехрли» асбоби ишламай қолса денг. Батареяси «ўтириб қолган» экан. Ҳисоб-китобнинг охирига етолмай терлаб кетди. Менинг ҳам сабрим тугади. «Саккиз карра саккиз қанча бўлади?» десам, бир муддат пешанаси тиришиб турди-да, «саксон саккиз!» деди.

Икки ярим минг йил аввал ўлиб кетган Пифагор шўрлик шу гапни эшилса, қайтадан тирилиб, ўзини осган бўлур эди!

СЎҚҚАБОШ АЁЛ

Бева боши билан яхши фарзанд ўстираётган аёл палапонларини қаноти остига олиб, бургутдан ҳимоя қилаётган каптарга ўхшайди.

Сўққабош аёлни ўкситиш гўдакни хўрлашдан оғирроқ гуноҳ...

ҚИЁС

Дунёда Онага қиёслаш мумкин бўлган иккита нарса бор.

Она тили, Она-Ватан.

ТАНСИҚ ФАСЛ

Баҳорда деҳқоннинг юмуши кўпаяди. Ерга омоч солади. Кўчат қадайди. Ниҳол ўтқазади. Суғоради, озуқа беради... Вақтида шудгор қилмаса, эккани унмайди. Вақтида суформаса, кўчати қуриб қолади. Донни нобоп ерга сепса, кузда оч қолади...

Инсон умри ҳам шундай. Ёшлиқда йўл қўйган хатоси, босган ножӯя қадами, билиб-билмай қилган гуноҳи ёши улгайганида аччиқ «меваси»ни бериши ҳеч гапмас.

...Деҳқон-ку, бу баҳорда қилган хатосини келгуси баҳорда тузатиши мумкин. Инсонга эса ёшлиқ бир марта берилади. «Баҳор қайтмайди» деганлари шу.

ШУКРОНА

«Ўзингизни асранг», дейдилар...

«Ўйламанг», дейдилар...

«Ҳаяжонланманг», дейдилар...

Ўйламаслик мумкинми? Ўйламаслик учун одам ақл ўрнига бир товоқ қатиқ кўтариб юриши керакку...

Ҳаяжонланмасликнинг иложи борми? Ҳаяжонланмайдиган одам юрак ўрнига кўксига муштдек тош солиб юради-ку...

...Тафаккур деган нурли, ҳаяжон деган мунгли неъматни ато этгани учун Яратганга шукроналар бўлсин!

ВАРРАК ВА ҚУШ

Варрак ҳарчанд ҳаволангани билан қуш бўлолмайди: ипи бироннинг қўлида...

ҚАЙНОНА

Совчи бўлиб борди.

— Қулчиликка келдик, — деди эҳтиром билан.

Яна борди.

— Қулчиликка келдик, айланай!

Тағин борди.

— Қулчиликка келдик, ўргилай. Ноумид қилманг!

Ноумид қилмадилар. Чиройли тўй бўлди...

...Кейин... келинини қулдек ҳўрлай бошлади...

КЕЛИН

Битта болали бўлгунча қайнонасини «ойижон» деди.

Иккита болали бўлгач, «ойи» деди.

Учта болали бўлганида «анави» деди.

Боласи тўртга бўлганидан кейин «отинг ўчур» дейдиган бўлди...

...Унинг тўртта ўғли бор. Худо хоҳласа, тўртта келин кўради.

ҚЎРИҚЧИ

Эшигини қоқсанг, эгасидан олдин ити чиқиб келади.

Қизиқ, наҳотки ит Одамни Одамдан қўриқласа?

ОЛМОҚ ВА ҚОЛМОҚ

Инсоннинг баҳоси бу дунёда ўзи олгани билан эмас, ўзидан қолгани билан белгиланади.

АФАНДИ ДОМЛАНИНГ ЎГИТИ

Маҳалламиизда Афанди домла деган отахон бўларди. Юзи нурли, донишманд чол эди. Бир гал биз – ўсмирларга ғалати насиҳат қилди.

— Худо хоҳласа, сенлар катта одам бўласан. Топармон-тутармон бўлиб, яхши тўйлар қиласан, уй-жой қурасан... Иморат солаётганингда томингни қўшниникидан ақалли бир қарич пастроқ қилиб ёп. Токи, ҳамсоянгни кўнгли чўкмасин...

Ростини айтсам, бу гаплар хаёлимдан кўтарилиб кетган экан. Иттифоқо бир танишимнига бориб қолдим. Осмон баравар қилиб «участка» қураётган экан. Домланинг насиҳати эсимга тушиб, айтиб қўйибман. Гапирмасам бўларкан. Танишим хафа бўлди.

— Ўша домлангизнинг «томи кетган» экан! — деди қўл силтаб.

Индамай қўяқолдим. Балки Афанди домланинг «томи кетгандир». Балки танишимнинг «томи баландлик қилиб» домланинг ўгити «етиб бормагандир»...

ВАТАН ТАНЛАНМАЙДИ

Тақдир тақозоси билан бадавийлар оиласида туғилсам, эллик даражали иссиқда қутурган қум бўрони мен учун энг гўзал манзара бўлур эди.

Тақдир тақозоси билан эскимослар оиласида туғилсам, эллик даражали совуқда қутурган қор бўрони мен учун энг гўзал манзара бўлур эди...

Мен Ўзбекистонда туғилганим билан фахрлана-ман.

ВАҚТ

Вақт — учиб бораётган ўқ. Уни ҳеч ким тўхтатиб қололмайди. Аммо если одам «ўқ»ни тўғри манзилга йўналтириши мумкин.

НОН

Халқимизнинг ажиб удумлари бор.

Бешикда ётган чақалоқнинг ёстиғи тагига бир бурда нон қўйиб қўядилар.

Бола йўлга кирса, оёғи орасидан кулча думалатиб, нишонлайдилар.

Бувиларимиз совчиликка нон тугиб борадилар.

Икки ёш тақдирни қўшилганинг рамзи сифатида нон ушатилади.

Олис ва хатарли сафарга кетаётган одамнинг насибаси узилмасин деб нон тишлатиб қоладилар.

Чавандоз кўпкари тўдасига кираётиб, белига нон туғиб олади.

Дастурхонга энг аввал нон қўйилади.

Ота-боболаримиз фарзандларига «Кўчада ётган нон бўлагини кўрсанг, кўзингга суртиб, покиза жойга олиб қўй», деб ўйт берадилар.

«Нондек азиз бўл», деган дуо энг улуғ олқиши саналади.

Одам ўзининг ҳақлигини билсаю, ҳеч нима билан исботлай олмаса, «нон урсин!» деб қасам ичади!

Нега шундай?

Олимларнинг аниқлашича, нонда инсон ҳаёти учун зарур барча моддалар бор экан. Одам ҳамма неъматларни истеъмол қиласаю, нон емаса, барибир яшай олмас, аммо бошқа ҳеч нима емасаю фақат нон истеъмол қиласа, бемалол яшайверар экан... Бундан чиқди халқ азбаройи оч қолишдан қўрқиб, юқоридаги одатларни ўйлаб топган экан-да!

Йўқ! Бу удумлар Аллоҳ томонидан инсонга беришган неъматни қадрлаш, уволдан қўрқиш, фарзандларига ҳалол луқма егизиш учун одат тусига киритилган...

Нонни иймон даражасига кўтарган халқа таъзим қилинг!

АКСИОМА

Бозор қанча қимматлашса, одам шунча арzonлашади.

ТАЪЗИМ

Қайраоч бақувват эди. Илдизи теран эди. Одамлар соясидан баҳраманд бўлар, шохлари орасига қушлар ошиён қуриб, палапон очар эди...

Қамиш мўрт эди. Илдизи омонат эди. Одамларга нафи тегмас, қуш қўнмасди...

Иттифоқо қаттиқ шамол туриб, қайраочнинг шохини синдириди. Қамишга ҳеч нима қилгани йўқ. У шамолга таъзим қилишнинг хў-ў-ўп машқини олган эди...

ЯХШИ АЛОМАТ

Бемор шифокор буюрган дорини вақтида ичишиңи унутса, хурсанд бўлинг: дарди арий бошлабди.

ЖАҲОЛАТ

Жоҳиллик қўрқинчли эмас. Жоҳилнинг оқилга ақл ўргатиши қўрқинчли.

БИРИ ИККИ БЎЛМАГАН...

Қадимда икки ака-ука бўлган экан. Иккаласи ҳарчанд урингани билан иши юришмас, омади чопмас экан. Кунлардан бирида ака-укалар Донишманд ҳузурига бориб, маслаҳат сўрабди:

– Шунча ҳаракат қилсак ҳам биримиз икки бўлмайди. Нима қилайлик?

Донишманд айтибди:

– Икковларинг иноқмисан? Фақат тўғрисини гапир!

Ака-укалар ноаҳил эканини тан олибди.

– Эй, нодон! – дебди донишманд. – Иккиси бир бўлмаганнинг қандоқ қилиб бири икки бўлсин?

ПОЗИТИВ

Уйингда шундай кўзгу борки, сен унга ҳар куни қарайсан. Ҳар қараганингда ўз фазилатларингни ҳам, нуқсонларингни ҳам кўрасан.

Бу кўзгу – фарзандинг!

ҚОЗИҚ

Қишлоқ боласининг вазифаси – мол боқиши. Бизнинг ҳам сигиришимиз бор эди. Тенгқур болалар билан жийдазорда мол боқардик. Адашмасам, ўшандага бешинчи синфда ўқир эдим. Жийдазорда ўт кўп. Бекинмачоқ ўйнашга ҳам қулай жой. Фақат кун ботар-ботмас, ҳар ким ўз молини етаклаб уйига жўнар, жийдазорда ажина бор, ёлғиз юрсанг, оғзингни қийшайтириб кетади, деган ваҳима гап-

лар юрарди. Менинг сигирим ювош бўлса ҳам бир айби бор эди. Нуқул қозифини суфуриб «дайдиб кетарди». Биласиз, қозиқ ёғочдан ясалади. Ҳар куни қоқавергандан кейин боши едирлади, синади. Қарбасизки, бошқа қозиқ ясаш керак...

Шундай кунлардан бирида темир қозиқ топиб олдим. Бошида халқаси ҳам, ҳатто узилиб қолган биринки қарич арқон ҳам бор. Ўртоқларимдан «кимнинг қозифи», деб сўрасам эгаси чиқмади. Севиниб кетдим. Сигиримни янги қозиқча боғлаб қўйдим: эндиам суфуриб кўрсин-чи!

Ўша куни эмас-ку, эртасига фалати иш бўлди. Кечаси энди ухлаган эканман, ойим «Аданг чақиряптилар, туаркансан», деб қолди. Ҳайрон бўлиб айвонга чиқсам, отам қовоғини уйиб ўтирибди. Қўлида ўша темир қозиқ.

– Қаёқдан олдинг буни? – деди таҳдид билан. Отамдан қаттиқ хайиқардик. Қўрқиб кетдим.

– Топиб олдим, – дедим ростини айтиб.

– Қаердан?

– Жийдазордан.

– Қайси жийданинг тагидан?

– Қийшиқ жийданинг.

– Жийданинг тўғриси бўлмайди, қайси бирининг тагидан? Кўрсанг танийсанми ўша жийдани?

– Танийман, – дедим қўрқа-пуса.

Отам қўлимга қозиқни тутқазди.

– Худди ўша жийданинг тагига ташлаб келасан!

Юрагим орқага тортиб кетди. Жийдазорда «ажина» борлиги эсимга тушиб, талмовсираб қолдим.

Айвон бурчагида турган ойим ялинди:

– Ташлаб келади, адаси, тонг отсин, албатта ташлаб келади.

– Сен аралашма! – деди отам эътиrozга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

Ўйғониб, ичкаридан чиқсан акам ҳаммасини тушунди шекилли, костюмини кия бошлаган эди, отам жеркиб берди:

– Сен қаёқча?

– Бирга бориб келамиз.

— Йүк! — деди отам шиддат билан. — Үзи топганми, ўзи обориб құяди!

Куз, салқын тушиб қолған. Фира-шира күройдин... Құлымда муздек темир қозиқ билан йүлга түшдим. Жийдазор-ку узоқ эмас. Аммо унга етгунча Дархон ариқ устидаги күңна күпrikдан ўтиш керак. Одам ёлғиз қолса кундузи ҳам құрқадиган қинғир-қийшиқ жийда чакалакзори орасига кириш керак. Аксига олиб ярамас қозиқни Қонқус анҳори бүйидаги да-рахт тагидан топғанман...

Салқын ҳаводанми, құрқувданми оёғим қалтираб күпrikдан ўтдим. Фира-шира күройдинда сирли су-кунат чүккан жийдазорга кирдим. Назаримда ҳар бир дараҳт орқасида нимадир беркиниб турғандек зди. Қаердадир бойқуш «хұв-хұв»лади... Ростини айтсам, Қонқус бүйигача бормадим. Құлымдаги қо-зиқни кучим борича улоқтириб орқага қараб югур-дим...

Ойим билан акам күчага чиқиб кутиб туришган экан...

Лабимга учук тошиб, бир-икки кун ачишиб юрга-нини ҳисобға олмаганда ҳеч нима бўлмади... Фақат орадан бир ойча ўтгач, отам шу масалага қайтиб, бир гап айтди.

— Сен топиб олган қозиққа боғланған сигир ар-қонини узиб, адашиб кетган бўлса ёки бирор ўғир-лаган бўлса-да қозиқ сенинг уйингдан чиқса, эгаси сени ўғри гумон қилса, нима бўлади?

Отамнинг саволига жавоб йўқ эди...

...Орадан кўп йиллар ўтгач, яна бир воқеа бўлди. Сочига дам олишга бордим. Денгиз совиб, «ўлик мавсум» бошлангани учунми, дам олувчилар сийрак, хоналар бемалол зди. Менга алоҳида хона беришди. Кириб ечиндим. Ювиниш учун ваннага кириб кетаётсам, хизматчи аёл кириб, кўрпа-тўшакларни алмаштира бошлиди. Сўнг диван бошидаги столча тортмасини очган зди, бир даста пул чиқди. Катта пул!..

— Кечирасиз, — деди аёл ҳижолат чекиб тортмани ёпаркан. — Мен бехосдан...

Хайрлашиб чиқиб кетаётган эди, тұхтатдим.

– Бу пул меники эмас.

– Мени синамоқчимисиз? – деди аәл ранжиб. –

Хонанинг эгаси кетганига уч күн бўлди. Пулини унутиб қолдирган бўлса аллақачон довланган бўларди...

– Меники эмас, – дедим такрорлаб. – Олиб кетинг!

Шу кеча отам тушимга кирди. Кулиб турғанмиш...

ЗУЛМАТ БАНДАЛАРИ

Ислом дини – муқаддас дин. Инсонни энг мукаррам зот деб улуғловчи, бегуноҳ қон тўкишни қораловчи дин.

Шўро сиёсатининг барча дин арбобларини «төкинхўр, душман» деб атагани – туҳмат. Тарихда улусни ҳидоят сари бошлаган, ўз юртини чет эл босқинчилари ҳуружидан ҳимоя қилишга бош-қош бўлган аллома, уламолар оз бўлмаган. Афсуски, айрим зулмат бандалари динни ниқоб қилиб, не-не буюк зотларнинг умрига зомин бўлгани ҳам бор гап. Шундай жаҳолат қурбонларидан бири 1370 йили Озарбайжонда туғилган улуғ шоир Имомуддин Насимий эди. Диний илмдан ҳам, дунёвий билимдан ҳам яхши хабардор бўлган шоир инсон эркини куйловчи ғазаллари учун ҳукмдор Мироншоҳ ва ўз юртидаги мутаассиблар зуғумидан безор бўлиб, Шом (Сурия)га кетишдан ўзга чораси қолмайди.

Сурия ҳукмдори султон Муайд шоир Насимиини эҳтиром билан қарши олади. Афсуски, жоҳиллар бу ерда ҳам жирканч фитна ўюштирадилар.

Ижод аҳли анчайин самимий, содда бўлади. Ўзининг кўнглида бировга ёмонлик бўлмагани учун бошқалардан ҳам ёмонлик кутмайди. Ганимлар унинг шу ожизлигидан усталик билан фойдаланадилар. Султон билан шоир иштирок этаётган жума намозида жаҳолатпастлар «Орамизда дини исломни таҳқирловчи кимса бор, у «Ёсин» сураси-

ни оёғи остига олиб тепкилаб юрибди», деган гап тарқатадилар. Табийики, бу султоннинг ғазабини қўзғатади. Султон бундай шаккокни қандай жазолаш кераклигини Насимийдан сўрайди. «Бунаقا даҳрийни тириклийин терисини шилиш керак», дейди шоир комил ишонч билан. Буни қарангки, муқаддас Калом сураси айнан унинг кавушидаги патак остидан чиқади! Шоир бу фитнани ғаламислар пухта ўйлаб уюштирганини, сурани унинг кавушига тиқиб қўйганини хаёлига келтирмагани аниқ эди!

Султон ҳам, шоир ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қоладилар. Султон энди нима қилиш кераклиги ни тағин шоирнинг ўзидан сўрайди. Шунда Насимий бекиёс мардлик қиласди. «Начора, подшоҳнинг ҳукми вожиб, ҳукмни ижро этишсин!» дейди.

Разил ниятига етган жаҳолатпарамастлардан бири намозхонларга қараб, «Диндан қайтган бу шаккокнинг қони ҳаромлиги, бир томчиси теккан жойни ҳам кесиб ташлаш зарурлигини» айтиб, ваъзхонлик қиласди.

Худонинг қудратини қарангки, шу пайт тириклийин териси шилинаётган шоир танасидан сачраган қон худди ўша кимсанинг қўлига келиб тегади! Аҳли мўмин жумбушга келиб, ундан ўз сўзини исбот қилишни талаб этади. «Пешво» эса «Мен шунчаки мисол учун айтувдим», деб панага беркинади... Бу фожия 1417 йили рўй беради...

Афсуски, тарихда бундай мисоллар оз эмас. Бир вақтлар Абу Али ибн Сино «Агар мен даҳрий бўлсам, бу дунёда мусулмон йўқ экан», деб ёзгани бежиз эмас. Буюк олимни «даҳрий» деб эълон қилганлар шулар эди. Улуғбекни ўз пушти камаридан бўлган фарзандининг ҳукми билан сўйдирганлар, ишқи боқийни куйлаб гўзал ғазаллар ёзган Машрабни дорга тортирганлар, элнинг суюкли шоираси Нодиранинг кўз ўнгидаги аввал гўдак набирасини, сўнг ўғлини, ундан кейин ўзини бўғизлатганлар ҳам шундай зулмат бандалари эди...

Яратганинг адолатини қарангки, жаҳолат қурбонларининг номи тарихда абадий қолди. Жоҳилларга эса абадий лаънат тамғаси босилди!

БОЗОРДАГИ «СЕВГИ»

- Севгини сотиб олиш мумкинми?
- Мумкин! Фақат бир марта сотилган нарса юз марта сотилмайди, деб кафолат бериб бўлмайди!

СЎЗ

Сўз – чифаноқ ичидаги гавҳар.

Сўз – қин ичидаги ханжар...

ЭСКИ ЧОРИҚ

Тайландда фалати удум бор экан. Будда ибодатхонасининг роҳиблари бошида бошпана, эгнида бир сидра либос, егулик бир кунлик таом билан кифояланади, ибодат билан шуғулланади. Ибодатхона юмушларини бажаради. Бироқ яаш учун пул топиш керак. Шу сабабдан улар ҳар куни тонг саҳарлаб эгнига пуштиранг ёпқич ёпган кўйи яланғоч кўчага чиқиб кетади-да, магазин ва ресторонлар, идора ва ташкилотлар, дуч келган хонадон эшигига бориб, тиланчилик қиласи. Садақа берувчи дуоталаблар уларни ҳеч қачон насибасиз қолдирмайди. Чунки уларнинг ўзи ҳам айнан шу «юмуш»ни бошидан кечирган ёки кечиради. Гап шундаки, мамлакатдаги ҳар бир эркак умрида ақалли бир марта, ҳеч бўлмаса, икки-уч ой ибодатхонада роҳиб бўлиб, тиланчилик қилишга мажбур. Мол-давлати, мансаб-матлабидан қатъи назар. Акс ҳолда қувфинга учрайди...

Фалати удум... Босар-тусарини билмай қолганларнинг «попугини пасайтириб» қўядиган доно удум...

ИККИ ҚУТБ

Ёшликнинг қудрати кўп, кексаликнинг фурбати...

ФЕЛЬИГА ЯРАША

Оқкүнгил одам ҳаммани дўст деб ўйлайди.
Ичқора ҳаммадан душман ахтаради.

ДОВОН

Довонга чиқиш қийин эмас, довондан тушиш қийин.

Тоққа чиқаётганингизда куч-қувват, шавқу завқ, ҳамроҳлар кўп бўлади. Тушаётганда куч камайиб, завқ хиралашиб, ҳамроҳлар сийраклашиб қолади...

Ишонмасангиз, ёши олтмишдан ўтганлардан сўранг...

ХУДБИН ШИОРИ

«Дунёга ўт кетса-кетсин, оловига менинг шўрвам пишсин!»

«ГАРТКАМ»

Пастқам кўчада тўрт йигит ошиқ отиб, қимор ўйнаётган экан, ҳасса тутган кўзи ожиз одам ўтиб қолибди. Йигитларнинг ўзаро гапини эшитиб, тўхтабди-да, «мен ҳам ошиқ ўйнасам майлими, деб сўрабди. Йигитлар «ўзинг шу аҳволда бўлсанг, қандай қилиб ўйнайсан», деса, «ҳа энди, бир уриниб кўрайлик-чи», дебди. Йигитлар уни эрмак қилиш учун қўлига ўнта ошиқ тутқазишибди. Бояги одам «гарткам!» деб ошиқларни кўча четидаги томга улоқтириб юборибди. Қиморбозлар «Бу нима қилиқ», деса «Чиқиб қара-чи, ошиқлар қанақа тушган экан», дебди.

Йигитлардан бири томга чиқса, ўнта ошиқнинг ҳаммаси «олчи» тушган эмиш. Йигитлар ҳайратланиб, бунақа ҳунарни қандай ўрганганини сўрашган экан, кўзи ожиз айтибди.

— Униси билан ишларинг бўлмасин. Бу «ҳунар»-дан орттирганим шу бўлдики, охир-оқибат кўзимни қиморга тикиб, шу аҳволга тушдим...

...Бу – эски ривоят. Ҳозир ҳеч ким ошиқ ўйнамайди. Замонавий казиноларда қанча одам миллионер бўлган, қанчаси кўзини гаровга тикканини билмайман. Аммо қанчаси қамоқقا тушгани, қанчаси уй-жой, хотин, бола-чақасини «ютқазиб» қўйгани, қанчаси эсдан оғиб, яна қанчаси бир-бирини ўлдирганини биладиганлар бор...

ДЕҲҚОН

Ҳар қандай касб – табаррук. Лекин деҳқончиликда илоҳиётга яқинлик бор. Деҳқоннинг қўли кетмонда, кўзи осмонда бўлади. Навоий ҳазратлари дон сепиб, ризқ етиштирувчи деҳқонни Одам Атога қиёс қилганлари бежиз эмас...

«ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС!»

Бир танишим қизини узатадиган бўлди. Тўй ресторанда ўтди. Шоҳона тўй! Фақат бир нарсага жиндек ҳайрон бўлдим. Келин билан куёв бир-бирига мос эмасмией... Үн саккиз яшар қизалоқ ёнида ёши элликларни қоралаб қолган, тепакал, қорин қўйган одам ўтирса фалати кўринаркан. Худди фунчани тўнканинг ёнбошига ўтқазиб қўйгандек.

Шуни беихтиёр ўйладиму, ўша заҳоти фикримдан қайтдим. Нима қипти, юлдузи юлдузига тўғри кепти – бўпти-да!

Бу гап эсимдан чиқиб кетган эди-ку, орадан икки-уч ой ўтиб бояги танишим билан учрашиб қолдик. Негадир тўй ҳақида ўзи гап бошлади.

– Бизнинг тўйга ҳайрон қолдингиз-а?

Нима дейишимни билмай турган эдим, ўзи тушунтирди. Маълум бўлишича, ҳозир бундай тўй кўп мамлакатларда удум бўлган экан. Аввало келин томон куёв томоннинг «иқтисодий аҳволи» билан қизиқаркан. Куёвтўранинг банкда қанча маблағи бор? Қолаверса, қизнинг «қўли ва қалбини сўрагани учун» келинпошшанинг ҳисоб рақамига неча минг доллар (евро) ўтказади? Қандай уй олиб беради?

Қандай маркадаги автомашина ҳадя қиласы? Қаерда неча қаватли дача қуриб беради? Келинпошшани қаерга «никоҳ сайли»га олиб боради? Ва, ниҳоят, башарти турмушлари келишмай қолса, етказилган моддий ва маънавий зарар учун неча минг доллар (евро) жарима тұлайды?

– Бунинг отини «контрактли никоҳ» дейдилар, биродар! – деди «куда бува». – Тушундингизми?

Тушунишга тушундим-ку, нима десам экан... Охиригача эмас. Албатта, ҳамма замонларда ҳам турмушға чиқаётган қизнинг ҳуқуқи ҳисобға олинған. Ҳатто шүро замонининг тили билан айтганда, «хотин-қызларға феодалларча муносабатда бўлган» хонликлар даврида ҳам «келиннинг маҳри» деган тушунча бўлган. Дейлик, бир уй, бир айвон, битта сигир, иккита қўй, дегандек... Шариатга биноан келиннинг маҳрига эри, қайнота-қайнонаси у ёқда турсин, ўзининг ота-онаси ҳам даҳл қилолмаган. Яъни, аёл ҳуқуқи ҳимоя қилинганди.

Шунаقا-ку... Биз – «бесавод»ларнинг ақли етмайдиган замонавий никоҳдан очиқдан-очиқ «улгуржи савдо»нинг ҳиди келмаяпти микан? Куёв тўра «така бўлсин – сут берсин!»

Агар шу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, «медаль»нинг тескари томонини ўгириб кўришга тўғри келади.

Дейлик, эллик яшар «кампир келин» йигирма яшар «куёв бола»га «қалби ва қўлини тақдим этгиси» келиб қолди. Нима қипти, пул бўлса чангалда шўрва! «Кампир келин»да нима кўп – пул кўп! Шу тариқа у йигирма яшар «куёв бола»га неча минг доллар (евро) «мукофот» тўлаши, қандай қаср, қанақа дача ҳадя этиши, қайси маркадаги машина совфа қилиши, «ёшлар» асал ойини қайси океаннинг қайси оролида ўтказиши, мабодо «кампир-келин» умри вафо қилмай ўлиб-нетиб қолса, «куёвтўра»га неча минг доллар (евро) мерос қолдириши нотариус орқали тасдиқлатиб қўйиладими?!

Бозор бўпкет-е! Утган асрда «фalonчи қизига фалонча «қалин» сўрабди, деган гапни эшитсак,

«чириган феодализмнинг бадбўй қолдифи», дердик. Янгича никоҳнинг отини нима десак экан? «Гуллабашнаган капитализмнинг муаттар чечаги», дейсизми?! Билмадим...

АБАДИЯТ

Олти-етти улфат тоқقا борадиган бўлдик. Пастбаланд йўллардан ўтиб, тоғ ичкарисига кириб кетдик. Ниҳоят, атрофи ҳайбатли қоялар билан ўралган майсазор майдондаги қандайдир кўхна бинода манзил қурдик.

Қуёш ботиши билан қоронфилик тушди. Олисда – дара томонда сой шовуллайди. Қаердадир ҳаққуш тинимсиз нола чекади.

Ейилди. Ичилди. Хушчақчақ сухбатлар бўлди...

Бир маҳал рўпарадаги осмон-фалакка туташиб кетган чўққи бир зум ёришиб турди-да, тоғ ортидан ҳаддан ташқари катта, ёруғ ой чиқиб кела бошлиди. Ой кўтарилиган сайин ер ўша томонга оғиб кетаётганга ўхшар, осмондан кумушранг нур кукуни ёғилиб, еру кўкни сутранг ёғдуга чулғаб борар, чор-атрофга қандайдир сеҳрли ва хавотирли сукунат чўккан эди... Назаримда, сойнинг шовуллаши ҳам, ҳаққуш ноласи ҳам тиниб қолгандек, елкамиз ортида қад кериб турган баҳайбат қоялар устимизга бошиб тушаётгандек эди...

Боядан бери шодон шовқинлаётганлар бирдан жимиб қолдик. Ҳамма чуқур ўйга толган, ҳар ким ўз хаёли билан банд, аммо чамамда, ҳаммамиз бир нарсани ўйлаётганга ўхшардик. Мана шу тўлин ой, мана шу ҳайбатли чўққи бошида неча минг марта пайдо бўлмади экан? Таҳдидли ўшшайган манави қоялар бундай манзарага неча минг марта гувоҳ бўлмади экан? Тош бағрига не-не сирларни яширган мана шу қадимий тоғлар биздақа «ўткинчи»ларнинг неча мингини кўрмади экан?!...

Оlamга сифмай кетсангиз, тоқقا боринг...

ОТА МЕХРИ

Она меҳри ота меҳридан юз чандон ортиқ бўлди, дейдилар. Тўғри гап. Шунақа-ку, ота меҳри онаникидан қолишмаслигини тасдиқлайдиган воқеалар ҳам оз эмас.

Буюк подшоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур қисматида рўй берган воқеа бунга мисол бўла олади. Ҳиндистонда Бобурийлар салтанатини ўрнатган шаҳаншоҳнинг суюкли фарзанди Ҳумоюн хасталикка чалиниб, кундан-кун аҳволи оғирлашаверди. Табиблар ҳарчанд уринмасин, шаҳзодани даволай олмайдилар. Охир-оқибат сарой аҳли қадимдан қолган сўнгти чорани маслаҳат беради. Беморнинг жонини сақлаб қолиш учун энг азиз, энг қимматли нарсани Худо йўлига атамоқ керак. Ҳазинада шундай нарса бор эди. Бу – Ҳиндистондаги жанглардан бирида ғолиб Бобурга ҳадя этилган, қирмизи рангда товланиб турадиган «Кўҳи нур» деб аталмиш жаҳондаги энг катта олмос эди. Унинг вазни бир юз саксон олти карат эди.

Фарзандининг ҳаёт билан видолашаётганини кўрган Бобурнинг жони-жаҳони ўртаниб кетади ва олмосни Худо йўлига бахшийда қилишни маслаҳат берганларга шундай жавоб қиласди. «Дунё моли аниг эвазига нечук бўлфай, мен аниг фидоси қилурменким, хол анга мушкул бўлибдур». Яъни, шаҳаншоҳ дунёнинг моли фарзандим жонига арзимайди, боламнинг жони ўрнига ўз жонимни фидо қиласман» дейди-да, Ҳумоюн беҳуш ётган кўшк атрофида чарх уриб, Аллоҳга нола қила бошлайди.

Бобурнинг қизи – ниҳоятда гўзал ва ҳаққоний тарихий асар – «Ҳумоюннома»нинг муаллифи Гулбаданбегим отасининг ўша палладаги ҳолатини бундай тасвирлайди: «Подшоҳ ҳазратлари Ҳумоюн ётган кўшк атрофида айланба бошлади. Бу иш сешанба куни бошлади, чоршанба ҳам илтижо билан ўтди... Бемор атрофида айланниб, Яратганга илтижо билан тавалло қиласар экан, у киши шундай деди: «Эй, Парвардигор! Агар жонга жон алмаштириш мумкин

бўладиган бўлса, мен – Бобурнинг жони ва борини олгину, Ҳумоюннинг жонини сақлаб қол!» «Шу куннинг ўзидаёқ жаннатмакон ҳазрат подшоҳнинг тоблари қочиб қолди, – деб давом этади Гулбадан. – Шаҳзода Ҳумоюн эса бошларидан сув қуйиб ташқарига чиқди ва соғайиб кетди...»

Бобурнинг иситмаси кун сайин кўтарилиб борар, шунча жангу жадаллардан омон чиқсан, ҳатто душманлари қаттол оғу билан заҳарланганида ҳам тирик қолган жасур шаҳаншоҳ кун сайин «нари кетар», аммо табиблар муолажасидан бош тортар эди. Чамаси Бобур Яратганга «Жон ўрнига жон бераман», деган қасамида собит туриб олганди...

1530 йил поёнида буюк подшоҳ, оташнафас шоир ва меҳридарё ота Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётдан кўз юмди. Ўшанда у энди 47 ёшга чиқсан эди...

ОСМОН ЯҚИН, ЕР ҚАТТИҚ

Бола эдим. Кекса аммам туриб-туриб, фалати гаплар айтарди. Бир куни шундай деб қолди:

– Осмонда меҳр кўп. Ер устида орзу кўп. Ер тагида армон кўп...

– Бу нима деганингиз? – десам

– Катта бўлганингда тушунасан, – деб қўяқолди.

Ростини айтсам, катта бўлганимда бу гапларни унугиб юборган эканман. Яқинда тасодифан ёдимга тушди. Аммамнинг гапини энди англағандек бўлдим.

«Осмонда меҳр кўп», дегани Аллоҳнинг карами кенг, бандаларига меҳрибон, дегани экан. «Ер устида орзу кўп», дегани одамзод борига қаноат қилмайди, бир орзуси ушалиши билан бошқасининг кетидан югуради, дегани экан. «Ер тагида армон кўп», дегани эса бандаси вафот этганидан кейин тириклик чоғида ўзи билиб-билмай қилган гуноҳлари учун армон чекади, дегани экан...

Билмадим... Ҳарқалай мен шундай тушундим...

БИРОВНИНГ ДАРДИ

(Шифокор укамга тилагим)

Пул сўраб келганга пул бермаслик – гуноҳ эмас.
Мол сўраб келганга мол бермаслик – гуноҳ эмас.
Амал сўраб келганга амал бермаслик – гуноҳ
эмас.

Аммо... шифо тилаб келганга ёрдам бермаслик...

...Хузурингга ҳар хил одам келиши мумкин. Ҳар
хил пайтда келиши мумкин. Ҳар хил ҳолатда ке-
лиши мумкин. Баъзан бу сенга малол келиши ҳам
мумкин.

Бундай пайтда ўзингга ўзинг «шу одамнинг ўр-
нида мен ҳам бўлишим мумкин эди-ку», деб қўй-
санг, бас.

«ЖАННАТИ ОДАМ»

Биревга яхшилик қилганида, биревнинг ҳожа-
тини чиқарганида ўша «биров»дан кўра ўзи кўпроқ
қувонадиган одамни «жаннати одам» деса арзиди.

ПАРАДОКС

Эси паст одамнинг димоги баланд бўлади.

ОФТОБ ЧИҚАР ОЛАМГА

Дунёда ҳеч қандай чегарани тан олмайдиган ик-
кита мўъжиза бор. Бири – Қуёш нури, иккинчиси –
Она меҳри.

ЎТ БИЛАН СУВ

Ҳаром кириб борган эшикдан иймон қочиб чи-
қади.

«ТОМОША»

Одамлар қизиқ. Икки эркак муштлашаётган бўл-
са, ажратиб қўяди-да, икки аёл юлишаётган бўлса,
завқланиб томоша қиласди... «Камёб» нарса «томо-
шабоп» туюлса керак-да...

БЕЗОВТА РУХ

Эзгуликни кўрса, ўзини анвойи чечаклар очилган гулзорда юргандек сезадиган... Разилликни кўрса, ёввойи ҳайвонлар ўкирган ўрмонга кириб қолгандек безовта кезадиган Рух бор.

Бу Рухнинг исми – Виждон...

ПЕШАНАГА ЁЗГАНИ

Инсофли одамнинг пешанасига битилган ёзуфи бор. «Сабру тоқат. Андишаю қаноат»...

МУҲТОЖЛИК

Муҳтож одам минг урингани билан ўзини эркин ҳис қилолмайди. Эрк билан муҳтожликнинг мижози бир эмас...

КУЧ-ҚУВВАТ

Карами кенг Худо бандасига уч марта қувват бераркан.

Биринчиси: Болалигида – оёғига. Чопқиллаб юриб кетсин, деб.

Иккинчиси: Ёшлигида – белига. Эзгу амаллар қилсин, яхши фарзандлар кўрсин, деб.

Учинчиси: Қариганда... Тил – жағига...

ТЕНТАК ТЎРИНИ БЕРМАС

Нодон давранинг тўрига ўтгиси келаверади.

Доно учун тўр билан пойгакнинг фарқи йўқ. Чироқ қаерда турса ҳам нур сочаверади...

ОНА ҚАЛБИ

Бундан кў-ў-ў-п йиллар аввал бир нарсадан қаттиқ изтиробга тушдим. Уч кеча-кундуз деярли ухламадим. Ҳеч ким билан гаплашмай қўйдим...

Шунда онам кўзимга узоқ термулиб ўтирида-да, бундай деди:

— Ўғлим! Сен учун менинг жони-жақоним оташ-алангага айланиб ёниб кетганида бошқаларнинг этагини учи ҳам тутамайди! Нега мени бунчалик куйдирасан, болам?!

...Онамнинг ўша гапларини эсласам, ҳар гал томофимга бир нима тиқилиб қолаверади...

НОЗИК ҲУНАР

Дунёда шундай ҳунарлар борки, бирининг хатосини иккинчиси тузатиши мумкин. Пахсакаш хатосини сувоқчи, сувоқчи хатосини бўёқчи; тўқувчи айбини бичиқчи, бичиқчи айбини тикувчи «ёпиб юборса» юборар...

Дунёда шундай ҳунарлар борки, хатосини ҳеч ким тузата олмайди. Булар – шифокор ва ҳуқуқшунос. Улар инсон ҳаётини, инсон қисматини ҳал қилади.

НОН ВА СЎЗ

Одамлар Сўз уволидан ҳам Нон уволидан кўрқ-қанчалик қўрқсалар олам гулистон бўлур эди.

СОФ ЎЗБЕКОНА ЛУТФЛАР

Ўзбек бойиса...

— Менинг ўғлим хў-ў-п орзу-ҳавасли чиқди-да, барака топгур! Яқинда тўй қиласман деб, яп-янги «Нексия»сини сотиб юборди, азамат!

— Менинг жиянимни айтмайсанми? Тўй қиласман деб, уй-жойини сотди! Энди ўзи кўчада юрибди!

Миришкор

— Юртимизда энг миришкор, ишнинг кўзини биладиганлар ким?

— Олтиариқликлар! Олтиариқликнинг боласи эмаклашни ўрганиши билан бодринг экилган плёнка тагига кириб кетади-да, нариёқдан машина миниб чиқади!

Ютуқ

– Эшитдингми, ўртоқ, Соқивой лотереяга «Нексия» ютибди! Тавба деб гапирай, бирорга ғашлигим йўқ-ку, шу... ютуқ деган жонивор ҳам сен билан менга ўхшаганларга эмас, ўзи «Мерседес», ўғли «Жип» миниб юрадиганларга чиқаркан-да!

– Парво қилма, ўртоқ, парво қилма... Ёмғир ҳам чўлга эмас, денгизнинг устига бориб ёғади!

Чўпоннинг чўпонга маслаҳати

– Эшагим ҳаром ўлгур, ҳанграйвериб жонга тега-япти, Мамарайим, нима қилсан бўлади-а?

– Юкни кўпроқ ортсанг, овози ўчади!

Улов

– Бизнинг хотин икки йилдан бери «Эмирят»да. Яқинда машина сотиб олинг деб, доллар юборибди. Нима олсан экан: «Неския»ми, «Матиз»ми?

– Маслаҳат шуки, сен эшак арава сотиб ол.

– Аравани нима қиласман?

– Нима қиласардинг, торте-е-еб юрасан.

Уддабурро

– Менинг ўғлим шунаقا уддабурроки, тегирмонга тушса, бутун чиқади!

– Менини тегирмонга тушса бир қоп ун орқалаб чиқади!

Космонавтика

– Нега ўзбекдан космонавт кам чиқаяпти?

– Бир эмас, ўнтаси чиққан бўлардию, уёқдан наҳорга ошга етиб келиш жиндай узоқлик қиласади!

Икковлонми, учовлон?

– Нима учун ўзбек сафаргами, саёҳатгами, камиди уч киши бўлиб чиқади?

– Шуниям билмайсанми, овсар? Биттаси қўл чайишга кетганда иккитаси унинг ғийбатини қилиб туриши керакми, йўқми?

Эзма

– Тинчликми, қўшни? Кеча кечаси уйингизда жиндай шовқин-сурон бўлдими?

– Тинчлик, ҳаммаси жойида.

– Кеннойи қаттиқ-қаттиқ гапиргандек бўлдилар шекилли?

– Ҳа, энди арзимаган жанжал-да...

– Бир нарса гумбирлаб кетди-ку!

– Кеннойинг аччиқ устида деразадан чопонимни улоқтириб юборди.

– Қизиқ, чопон деганиям шунаقا гурсиллайдими?

– Жудаям эзма экансан-да! Чопон ичида ўзим бор эдим, қутулдимми энди!

«Ҳамдарлар»

Куёв:

– Эсингиздами, дада, тўй олдидан «қизимга уйлансангиз, менга ҳайкал қўясиз», дегандингиз. Жудаям унчаликка ўхшамайди, шекилли. Қизингиз инжиқлиқ қилавериб жонимдан тўйдирив юбордику, дадажон!

Қайнота:

– Ундей бўлса, ҳайкални бошлайверинг, ўғлим. Сиз қизимнинг инжиқлигига бир йил базур чидабисиз. Мен бунинг онасининг зулмига қирқ йилдан бери чидаб келаяпман.

Меҳмондорчилик

Мезбон дастурхондаги «қуруқ мева»ларни олмакондек илдамлик билан «шипириб ташлаётган» меҳмонга зимдан разм солиб туриб, илтифот қилди:

– Марҳамат қилсинлар, меҳмон, марҳамат қилсинлар! Манави «чақ-чуқ»лардан жиндай-жиндай тановул қилиб ўтирсинлар...

– Раҳмат, – деди меҳмон «юмуши»ни бамайлихотир давом эттириб. – Отам раҳматли ўлар чоғида менга васият қилганлар. «Меҳмонга борсанг, ўнта майиз, ўнта мағиз, ўнта хандонписта, ўнта бодом, ўнта ерёнгоқ, ўнта туршак, ўнта шўрданак, ўн бўлаккина бурама холовул қилмасанг, мезбон хафа бўлади», деганлар...

– Ҳай-ҳай-ҳай! Отангиз кў-ў-ўп донишманд бўлган эканлар-да! Мабодо шунча нарсани бир йўла тановул айлаш одамни жиндай беором қилади, демаганмилар?

– Айтганлар! «Шунча неъматни тановул этиш оғирлик қилса ёки шошиб турган бўлсанг, мевалардан тўртга-тўрттадан егин-да, қолганини чўнтағингга солиб қўй, бўлмаса, мезбон хафа бўлади», деганлар.

– Э, баракалла, меҳмон, баракалла! Марҳамат, олаверсинлар! Сўраганинг айби йўқ, мабодо отангизнинг олдига шошиб турганингиз йўқми?

Ҳунарнинг ёмони йўқ

– Менинг ўғлим – дўхтири!

– Менинг ўғлим – мол дўхтири.

– Шуям ҳунар бўлди-ю?! Болангга бошқа касб қуриб қолганмиди?

– Унақа дема, ўртоқ, ҳунарнинг ёмони бўлмайди. Мен касал бўлсам, сенинг ўғлинг даволайди. Сен касал бўлсанг, менинг ўғлим даволайди!

Ўзбекона эмас лутф

Маҳаллада «Мама Роза» деб ном чиқарган Розия сатанг қўшни кампирга гинахонлик қилди:

– Кеча салом берсам, нега алик олмадингиз, хола пошша?

Кампирнинг энсаси қотди:

– Ўзингиз бегона эркак билан гаплашиб турган экансиз-ку?!

«Мама Роза» астойдил ҳайрон бўлди:

– Вой, эркакнинг ҳам бегонаси бўларканми, хола пошша!

ҲАБИБА БУВИНИНГ ЧОЛИ

Анча йиллар аввал туман касалхонасида даволанишга тўғри келди. Шифохона ёндоқзор боғ орасида жойлашган, аскарларнинг казармасига ўхшаган бир қаватли бино. Узун йўлак. Қатор палаталар... Бизнинг палата олти кишилик эди...

Биринчи куни кечқурун дўхтири эмлагач қотиб ухлаб қолибман. Бир маҳал ғалати товушдан уйғониб кетдим. Кимдир деразани тақиллатди. Сўнг қайсиидир дераза фийқиллаб очилди.

– Оббо! – деди ёнимдаги каравотда ётган бемор норози тўнфиллаб. – Анави чол тағин сўфи уйғонмасдан келди! Ҳар куни шу аҳвол!

– Тузукмисан, Ҳабиба? – деган овоз эшитилди. Чолнинг қулоги оғирроқ шекилли, шанғиллаб гапирарди. – Қаймоқ обкелдим. Тирмизингда чой борми? Иссикқина ичиб олақол, Ҳабиба!

Девор ортидан аёл кишининг куйманиб гапиргани эшитилди:

– Нима зарил, саҳар мардонлаб, отаси? Ҳали болалар билан келардингиз. Неча марта айтаман, овора бўлманг, деб!

– Чойингни ичиб ол! – деди чол тағин овозини барадла қўйиб. – Овораси бораканми? Бомдодни ўқиб келавердим-да!

Ҳамма беморлар уйғониб кетди... Ҳар куни бўладиган «хангома»ни айтиб беришди. Чол саҳарлаб бирон тансиқ егулик кўтариб келар, то кампир «иссиққина» чой ичиб олгунча пойлаб туаркан.

Ҳабиба буви майиздеккина бўлиб қолган, аммо икки юзи қип-қизил, нурли кампир экан. Тушликда чол тағин келди. Ўғли биланми, невараси биланми. Бир қўлида хасса. Бир қўлида белбоғ-тугун... Чолкампир япроқлари сарғайган азамат ёндоқ тагидаги узун харакада ўтириб, узоқ суҳбатлашдилар... Шу топда иккови бир шоҳга қўниб ўтирган иккита мусичага ўхшаб кетарди...

Бир куни кампирни ҳамхоналари – бемор қизжувонлар ўртага олишди:

— Буви, чолингиз сизни нега бунча яхши кўрадилар?

Кампир бийронгина экан.

— Шунча йил бирга яшагандан кейин яхши кўради-да! — деди ишонч билан. — Яхши кўрмай қаёқча борарди!

Буёқдан эркак беморлар ҳам гапга солишли:

— Тўйдан олдин чолингиз билан неча марта свиданиега боргансиз, буви?

— «Свидананг»ни бошимга ураманми? — деди кампир беозор койиб. — Эл қатори совчи қўйган. Гўшангада юз кўришганмиз...

...Орадан йиллар ўтгач, ўша чол-кампирни кўп эслайдиган бўлдим. Шунда бир ҳақиқатни англадим. Ёши ўтган сайин одам меҳрга муҳтож бўлиб қоларкан. Шунинг учун ҳам бир-бирига кўпроқ меҳр бергиси келаркан...

КАМЧИЛИК

Ҳақиқат кўп улуғ нарса-ку, битта камчилиги бор: ҳар доим ҳам ширин бўлавермайди. Аччиқ ҳақиқат фойдали нарса-ку, унинг ҳам битта камчилиги бор: ҳар кимга ҳам ёқавермайди...

МАЛОМАТ

Одамнинг ўз виждонига хилоф иш қилгани учун маломатга қолиши қанчалик адолатли бўлса, ўз виждонига хилоф ишни қилмагани учун маломатга қолиши шунчалик адолатсизликдир.

МАҲЛИЁЛИК

Олимлар узоқ йиллик тажрибалардан сўнг бир нарсани аниқлаган. Кўзгуга кўп қарайдиган одам тез қариб, хотираси сусайиб кетаркан. Тошойнада инсон кувватини сўриб олиш хусусияти — вампирлик бор экан... Бу гапнинг илмий асоси қанчалик эканини билмадим-ку, бир нарса аниқ: ўзига маҳлиё бўлиб, бино қўйишнинг хосияти йўқ...

ҚИРОВ

(Аёлларга)

Сочимга оқ тушди деб ўкинманг. Начора, куз келганда далага қиғор тушади. Қиғор – қор эмас. Куз эса – қиши эмас.

КАРВОНСАРОЙ

(Юз ёшли Тұлаган отанинг чойхона гурунги)

Дунё дегани – эски карвонсарой. Ҳеч ким унинг кемтигини түлдиролған эмас. Бу дунёнинг сенга күрсатған жамики «каромати» – роҳатиу азоби, меҳрию қаҳри, вафосиу жафоси – ҳаммасини йиғишириб келганда бир пиёла чой ичгулик фурсатдағам чекишингга арзимайды!

БЕМИННАТ ДҮСТ

Эътибор берғанмисиз-йўқми, билмадим-ку, сизнинг садоқатда тенгсиз дүстингиз бор. Қачон хоҳласанғиз сиз билан ҳамсуҳбат бўлади. Шод пайтингизда қувончингизга қувонч қўшади. Фамгин паллада дардингизни олади. Билмаганингизни ўргатади. Адашсанғиз, тўғри йўл кўрсатади. Яқин кишиларингиз бурилиб кетганида ҳам у сизни тарқ этмайди. Хизмати учун ҳеч нима тама қилмайди. Йиллаб унубтиб, ташлаб қўйсанғиз индамайди. Ҳатто улоқтириб юборсанғиз ҳам аразламайди. Тағин чорласанғиз, етиб келиб, хизматингизни қиласеради...

...Бу дўстнинг номи – Китоб!

ФАРЗАНДЛАРДА ЎРУГЛАР

* * *

Учрашувларда бир саволни кўп беришади:
«Ўзингиз учун энг қимматли асар қайси?»
Кўпинча ярим ҳазил билан жавоб қиласман:
«Менинг иккита энг қимматли «асарим» бор:
бири – ўғлим, бири – қизим!»

Сенлар ва набираларим менга Худо берган энг бебаҳо бойликсан... Шу боис, диққат билан эши-тинглар!

* * *

Дараҳт, ўз томиридан ўсиб чиқсан Ниҳолга айтган экан:

— Баҳор чоги гулга бурканганимда бошим устида боларилар ғужғон ўйнаб, алёр айтди. «Сизлар кимсиз?» — демадим.

Ёз палласи япроқларим зумраддек товланганда қушлар шохларимда паноҳ топиб, ошиён қурди. «Сизлар кимсиз?» — демадим.

Саратон офтоби оламни ёндирганда йўловчилар соямдан баҳраманд бўлиб, жон сақлади. «Сизлар кимсиз?» демадим.

Куз келиб, меваларим фарқ пишганда одамлар узиб, тўйгунча тановул қилди. «Сизлар кимсиз?» демадим...

Ногаҳон бир номард танамга болта урган эди, ҳаммаси ҳар ёқقا қочди-кетди! Улардан нажот сўрасам «Сен кимсан?» дейишиди...

Ёнимда танҳо сен қолдинг!

* * *

Бир нарсани орзу қиласман.

Бу дунёда мен қилган яхши ишлардан ақалли битта кўпроқ яхшилик қилсанг...

Бу дунёда мен қилган хатолардан ақалли битта камроқ хато қилсанг...

* * *

Ҳеч қачон Осмонга тупурма! Осмон қаҳрли. Тупугинг юзингга қайтиб тушади!

Ҳеч қачон Ерга тупурма! Ер меҳрли: тупугинг юзингга сачрамайди. Аммо шу Ер сени кўксида кўтариб юради!

* * *

Худо кўрсатмасин-ку, бошингга синоқли кунлар тушса, яхши ҳамкасбинг, яхши жўраларинг ёки ду-

гоналаринг эмас, «ёмон» умр йўлдошинг, «ёмон» болаларинг кунингга ярайди...

* * *

Кулиб турган одамнинг олдида йифлама.
Йифлаб турган одамнинг олдида кулма.

* * *

Күш бўлиб, осмонда учма.
Тошибақа бўлиб, ерда судралма.
Дарахт бўл! Бошинг – осмонда, оёғинг ерда
бўлсин!

* * *

Ҳаммамиз хом сут эмган бандамиз. Менинг ҳам ўзимга яраша нуқсонларим йўқ, демайман. Шундай бир «қусур»дан умр бўйи қутула олмадим. Начора, Худо берган феъл экан-да. Бирорлар адолатсизлик қурбони бўлса, қуруқ тухматга йўлиқса, «тўнни ечиб ташлаб» ҳимоя қилган пайтларим кўп бўлган. (Гоҳ сўзим билан, гоҳ қаламим билан). Қизифи шундаки, ўзим шунаقا аҳволга тушсан, тамом эсанкираб қоламан. Мен буларга ёмонлик тилаганим ҳам йўқ эдику, нега булар менга ёмонлик қилиши керак, деган саволга жавоб тополмай изтироб чекаман. Фанимлар эса буни гўллик, ожизлик, ҳатто «айбини бўйнига олиш» деб тушуниб, тантана қиласди...

Шу нуқсоним сизларда такрорланмасин!

* * *

Қўлингдан келмайдиган ишга ваъда берма.
Қўлингдан келадиган ишга ҳам ваъда берма.
Қўлингдан келмайдиган ишга ваъда берсанг, уятга қоласан.

Қўлингдан келадиган ишни эса, ваъда бермасдан бажарса ҳам бўлаверади...

* * *

Ҳаётда ғалати тескари ҳақиқатлар бор. Эл-юрт ўртасида обрўйинг қанча ошса, фаразгўйларинг ҳам шунча кўпаяди. Уларнинг зулмидан шу қадар безор

бўлганманки, ҳасадгўйлар дўзахга эмас, ундан ҳам чуқурроқ жаҳаннамга тушсин, деган пайтларим кўп бўлган. Сенларни шунақаларнинг зуфумидан асрасин...

* * *

Ёмонликка яхшилик билан жавоб берсанг, бир ҳисса савоб оласан. Яхшиликка ёмонлик билан жавоб берсанг, ўн ҳисса гуноҳга ботасан. Негаки, бу дунёда ёмонликка яхшилик қиладиганлардан кўра яхшиликка ёмонлик қиладиганлар кўпроқ.

* * *

Дераза – ойнадан ясалади. Кўзгу ҳам. Фарқи шуки, кўзгу ўзингни ўзингта кўрсатади. Дераза эса ҳаммасини кўриб туради-ю, ўзини кўрмаганга солади... Кўзгуга кўпроқ қара!

* * *

Ҳеч кимга озор берма. Ерда ётган тошни тепсанг ҳам оёғинг синиши мумкин.

* * *

Бандасининг боши – Оллоҳнинг тоши, дейдилар. Бошингга кўргулик тушса, ноумид бўлма: булут ўткинчи, Қуёш эса абадийдир...

* * *

Шижаатли бўл. Бироқ андишасиз бўлма.
Андишали бўл. Бироқ шижаатсиз бўлма.

* * *

Ёмон билан ўчакишма. Эсли одам оёғига ёпишган ахлатни қўли билан тозаламайди.

* * *

Аёлни кафtingда кўтар, аммо бошингга чиқарма!

* * *

«Дўстим менга нима берди?» – дейишдан олдин «Мен дўстимга нима бердим?» дейишни одат қил.

* * *

Ўнта яхшилигингта битта яхшилик қайтса, хурсанд бўл. Шуям қайтмаслиги мумкин эди. Ўнта яхшилигингта биронта яхшилик қайтмаса ҳам хурсанд бўл. Яхшилика ёмонлик қайтиши ҳам мумкин эди.

* * *

Обрўга эришишнинг энг ҳалол йўли – камтарлик.

* * *

Нодонлар даврасида кар бўл.
Донолар даврасида соқов бўл...

* * *

«Ошсиз уй бор, уришсиз уй йўқ», дейдилар. Ои-лангда жанжал чиқса, энг аввал фарзандларингни ўйлаб иш қил!

* * *

Ҳеч кимга ёмонлик соғинма. Ҳатто душманингга ёмонлик тиласанг бир чеккаси ўзингга қайтиб кела-ди. Негаки олам бус-бутундир.

* * *

Аёл – гул. Эркак – боғбон. Сен гулни хор қилисанг, уни ўзга боғбон сийпалайди... Эркак – боғбон. Аёл – гул. Сен боғбонга тикан санчсанг, у ўзга гулни сийпалайди... Икки ўртада сенинг меванг етим қолади. Худо шундан асрасин!

* * *

Ота-онам ўгитига амал қилиб, бир умр камсуқум ҳаёт кечиришга ҳаракат қилдим. Сенларга ҳам нуқул «камтарин бўл», «камтарин бўл», деб қулоғингта қуайиб келдим...

Афсуски, камтарликни нодонлик, андишани қўр-қоқлик, хокисорликни хорлик деб санайдиганлар оз эмас экан! Камтарин бўл, аммо камтарлик ортида

Гуруринг яққол кўриниб турсин! Андишали бўл, аммо андишасиз олдида ҳеч қачон тилингни қисиқ қилма! Икки букилиб таъзим қилганга уч букилиб таъзим бажо айла. Аммо қаршингда тоғдек кериладиганлар олдида қаддингни осмон қадар тут! Бир юзингга ноҳақ урсалар, икки юзига уриб жавоб қил! Шунда сен билан ҳисоблашадиган бўладилар! Фарзандларингга ҳам шуни ўргат!

Ёшим бир жойга борганда англаб етган ҳақиқатим шу бўлди...

* * *

Менга юз марта озор берсанг, кечиришим мумкин. Онангга бир марта озор берсанг, кечирмайман: онанг сенга мендан кўра юз ҳисса кўп меҳр берган!

* * *

Нонингни йўқотсанг йўқот, номингни йўқотма!

* * *

Ҳар қандай юмушни бошлишдан олдин учта қоидага амал қил. Биринчидан, ниятинг пок бўлсин: Худо сени қўллайди. Иккинчидан, борар манзилингни аниқ белгилаб ол: йўлдан адашмайсан. Учинчидан, матонатли бўл: ортга чекинмайсан.

Дили пок, мақсади аниқ, изчил одам осмондаги юлдузгача етиб бориши мумкин.

Нияти бузуқ, режаси мавҳум, иродаси мўрт одам юз қадам наридаги шамчироқقا ҳам етолмайди.

* * *

Иложи борича одамларнинг мушкулини осон қилишга ҳаракат қил. Токи улар сен эккан дарахтнинг мевасидан баҳраманд бўлсин.

Одамларнинг мушкулини осон қилиш қўлингдан келмаса, ақалли бир оғиз ширин сўз билан қўнглини кўтар. Токи улар сен эккан дарахтнинг соясидан баҳраманд бўлсин...

* * *

«Аввал хеш, кейин дарвеш», дейдилар.

«Онажон, яхши ётиб турдингизми, менга нима юмушингиз бор?» деган бир оғиз сўзингни савоби бегонага бир қоп олтин ҳадя этишдан кўра каттароқдир!

* * *

Фуурли бўл, аммо димоғдор бўлма.

Камтарин бўл, аммо хокисор бўлма...

* * *

Кичиклигида чумчукъа тош отган бола катта бўлганида одамга ўқ отиши мумкин. Бешафқатлик билан жиноятнинг ораси бир қадам.

* * *

Ўз ота-онасига меҳр бермаганларнинг ўз боласидан меҳр кўрганини эшифтганим йўқ. «Қайтар дунё» деганлари шу...

* * *

Ўзингдан кучсизга озор берма: ўзингдан кучлидан озор чекмайсан.

* * *

Ота меҳри она меҳридан камроқ эмас, фақат «яширинроқ» бўлади.

* * *

Ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта ота-онангдан «нима дардингиз бор?» деб сўраб қўй. Улар сенга дардини айтмаслиги мумкин. Аммо кўнгли кўтарилади...

* * *

Фарзандларим! Мен юқоридаги ўғитларни ёза бошлаганимда сенлар ёш бола эдинг. Худога шукр, мана, вояга етдиларинг, оила қуриб, фарзандлар кўрдиларинг. Шу кунгача сенларнинг орtingдан «Фалончининг боласи фалондақа номаъқулчилик

қилибди», деган таъна-маломат эшитганим йўқ. Илоё бундан буён ҳам шундай бўлсин. Бир бурда нонини ҳаллоллаб ейдиган, виждонли, иймонли инсонлар бўлиб етишганларинг учун Яратганга тағин бир карра шукроналар қиласман! Менга нимаики эзгу амаллар қилган бўлсанг, сенларга ҳам набираларимдан қайтсин! Мен сенлар билан фахрланаман!

УРУШЛАР ҲАҚИДА

* * *

Учрашувларда бир саволни кўп сўрашади. «Сиз уруш кўрмагансиз-ку, нима учун уруш ҳақида кўп ёзасиз?»

Ўринли савол. Лекин инсоният тарихининг ўзи урушлар тарихидан иборат бўлса, нима қилиш керак? Эртакларда – уруш. Достонларда – уруш. Киноларда – уруш... Табақалар уруши. Фуқаролар уруши. Мамлакатлар уруши. Жаҳон уруши...

Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, сўнгги олти минг йил ичидаги Ер куррасида 5700 марта уруш бўлган экан. (Майда-чуйда қабилалар жанжали бу ҳисобга кирмайди.) Яна ўша олимларнинг айтишича, одамзод ўртача олтмиш йил умр кўраркан. Бундан чиқди, инсон боласи ҳаёти давомида 57 йил уруш қилиб, уч йил «дам олар» экан. Астағфириллоҳ! Биз киммиз ўзи?!

* * *

Урушда ғолиб ва баҳтли подшоҳ, ғолиб ва баҳтли қўшин, ғолиб ва баҳтли давлат, ғолиб ва баҳтли тузум бўлиши мумкин. Аммо ғолиб ва баҳтли одам бўлмайди. Негаки, уруш одамни одам ўлдиришга мажбур қиласми. Одам ўлдирган одам эса ҳеч қачон баҳтли бўлмайди!

* * *

Қайси йил экани эсимда йўқ. Ҳарқалай уруш биттанига икки-уч йил бўлиб қолган эди. Ёш бола

эдим. Ҳали мактабга бормасдим... Опамнинг тўйи бўлди. Ҳаммалари қиз узатиб кетиши. Уйда биз – ёш болалар қолдик. Қўрқиб-нетиб юрмасин, дедими, қўшни кампир бизникига чиқиб ётди.

Бу ёфи аниқ ёдимда... Жийда гуллаган эди. Супада қатор ётибмиз: акам, мен, укам... Энг чеккада қўшни кампир... Сутдек ойдин кеча. Ҳаммаёқ осуда. Чигирткалар нағма чалади...

Энди кўзим илинган экан, олисдан поезд филдирагининг тарақа-туруқ товуши келди. Кейин павоз чўзиб «гу-у-у-к» деди. Кампир, овози титраб, хитоб қилди:

– Ў-ў-ўл! Овозинг ўчсин, ў-ў-ўл! Турғунимни қаёққа обкетдинг, жувонмарг! Обкеб бер ёлғизимни!

Кўрпадан мўралаб қарасам, кампир тиззасини қучоқлаб, ойга термилиб ўтирибди. Уйқум бутунлай ўчиб кетди. Анчагача жим ётдим-да, охири сўрадим:

– Пойиззи нега қарғаяпсиз, буви?

Кампир хўрсинди:

– Ухла, болам, ухла...

...Ўшандан бери ёз кечалари ҳовлида ётсам, олисдан поезд филдиракларининг шовқини, гудок товуши келса, тиззасини қучоқлаб ўтирган кампир кўз ўнгимда жонланади...

* * *

Урушнинг яххиси бўлмайди. Аммо энг даҳшатли уруш – фуқаролар уруши... Негаки, у авлоддан авлодга «мерос» ўтиб, абадий давом этади!

* * *

Уруш билан беш кунда битадиган муаммо тинчлик билан беш йилда битса, иккинчи йўлни танлаш керак!

* * *

Афғонистонда уруш бўлди... Газеталарда сурат чиқади. Бирорнинг юртига бориб, «интернационал бурчи»ни бажараётган шўро аскари танқда кетаяпти. Қўлида автомат...

Фахрлангандек бўласан.

Яна сурат чиқади. Ҳанжар тишлаб олган «душман»... Кўзлари ваҳшийларча ёниб турибди...

Нафратланиб кетасан...

...Чеченистонда уруш бўлди... Газеталарда сурат чиқади. Ўғлидан келган «қора хат»ни ўқиб ўтирган маъюс ота... Темир тобутни қучоқлаб йиғлаётган фамгузор она...

Ачиниб кетасан...

Фақат... Ўша газетада «интернационал бурчи»ни бажаришга борган зобит зўрлаган, номусига чидолмай ўзини осиб қўйган аффон қизнинг сурати чиқса нима бўлади? Бомбадан пара-парча бўлиб кетган беш яшар қизалоги устида дод солаётган чечен аёлнинг сурати чиқса-чи?...

Уруш, ҳатто ҳақиқатнинг қиёфасини ҳам тескари қилиб қўяди...

Урушда ҳақиқат бўлмайди!

* * *

Бир замонлар урушда аскарлар ўлса-ўлгандир. Ҳозирги урушда қурол кўтаргандан кўра қурол кўтармаганлар кўпроқ қирилади. Ҳатто «энг замонавий», «энг ақлли» қурол ҳам окоп билан болалар боғчасининг, аэрором билан туғруқхонанинг фарқига бормайди!

* * *

Одамхўрлик – каннибализм, беш аср аввал барҳам топган, дейдилар... Ундей эмас.

Модомики, ер юзида уруш балоси бор экан, шунинг ўзи одамхўрликдир.

* * *

Уруш деган палакатни кўпинча нодон сиёсатчилар ўйлаб топади. Жангари саркардалар бошлайди. Жабрини эса бегуноҳлар тортади. Жангда ҳалок бўлган бегуноҳ аскар. Гулдек ўғлидан айрилган бегуноҳ она, бегуноҳ ота. Тул қолган бегуноҳ келин. Отасидан жудо бўлган бегуноҳ гўдак...

БОЛЛЫК – ПОНШОЛЫК

* * *

Фарруҳ. Уч яшар.

– Бұлди, Фарруҳ, ухла!

– Адажон, чироқни ўчирманг, күзимга қоронғи кириб кетади!

* * *

Юлдуз. Уч яшар.

– Нима ейсан, Юлдуз, нокми шоколадми?

– Ноколад!

* * *

Дониёр. Уч ярим яшар.

– Адажон! Мен катта бұлсам, сизга ўхшаган бұламан-а?

– Албатта-да, ота ўғил! Қаёқдан билдингиз?

– Аяжон айтдила! Катта бұлсанг, сен ҳам адангга ўхшаган аҳмоқ бўласан, дедила!

* * *

Азимжон. Олти яшар.

– Алло, ким бу?

– Менми? Мен Азимман!

– Азимжон. Мен дадангни ўртоғиман. Дадангни чақиргин.

– Хўп бўлади, амаки, ҳозир... Дадам айтдилаки, уйда йўқ эканла...

* * *

Шерзод. Тўрт яшар.

– Аям қаёққа кетдила?

– Аянг магазинга кетди. Шерзоджон. Агар сен яхши бола бўлиб, йифламасдан юрсанг, аянг магазиндан сенга укача олиб келади. Ўғил укача олиб келсинми, қиз укачами?

– «Дода» машина обкелсинла! КАМАЗ!

* * *

Ҳилола. Тўрт яшар.

– Уйингларда ким бор, Ҳилола?

– Ҳамма бор. Бувижон овқат қиляптила. Адажон ароқ ичяптила. Аяжон Бахтини «ата-та» қилиб, энди иштонини юваяптила.

* * *

Зилола. Уч яшар.

– Нега мунча вақтли туриб олдинг?

– Ухлайвериб-ухлайвериб чарчаб кетдим!

* * *

Хуршид. Беш ярим яшар.

– Санашни биласанми, Хуршид?

– Биламан.

– Битта қўлингда нечта бармоқ бор?

– Шундоқ санасам – бешта. Қўлимни шимимнинг чўнтағига тиқиб санасам – олтита!

* * *

Жаҳонгир. Олти яшар.

– Аяжон. Нега дадажоннинг соchlари йўқ?

– Дадажоннинг кўп ўйлайдилар-да, ўғлим. Дадажон ақллилар!

– Бўлмаса, нега сизнинг сочингиз кўп?

– Ўчир овозингни, зумраша!

* * *

Зиёда. Уч яшар.

– Жамшид жинни-а?

– Унақа дема, қизим, уканг яхши бола-ку!

– Йўқ, Жамшид – жинни! Мен ўзимнинг сўскамни эмаман, Жамшид – аяжонникини!

* * *

Дилором. Беш яшар.

– Жевачкангдан Шоҳруҳга ҳам бердингми, Ди-лиш?

– Бердим.

- Нечтасини?
- Ҳаммасини. Қоғозини!

* * *

Шоҳруҳ. Уч ярим яшар:

- Ҳайвонот боғига ким билан бординг, Шоҳруҳ?
- Адажоним билан.
- Қайси ҳайвон энг катта экан?
- Фил, айиқ полвон, арслон...
- Энг кўп ҳайвон қайси экан?
- Қушла, балиқла, маймунла, одамла...

* * *

(Ойнинг сувдаги аксини кўриб):

- Ойижон, қаранг, оймума сувга «бу-у-м» этди!

* * *

(Йифлаб):

- Ҳумоюннинг чойи қантимни еб қўйди!

* * *

– Сен ким билан ётасан, Шоҳруҳ? Адажон биланми, опажон биланми?

– Ухлаётганимда адажон билан опажоннинг ўртасида. Ўйғонганимда ўзимнинг калаватимда!

* * *

– Яқинда тўй қиласиз, Шоҳруҳжон! Сен-чи, тўйбона бўласан. Отга минасан. Кейин ка-а-атта йигит бўпкетасан. Қизлар орқангдан югуриб юради!

- Етиб бўпти!

* * *

Хумоюн. Олти яшар.

– Адажон, бугун боғчамга бормайман. Оёғим оғрияпти.

– Бўпти. Кўчага чиқмайсан. Велосипед минмайсан!

– Оёғим велосипед минишга эмас, боғчамга боришга оғрияпти!

* * *

Мұҳаммадёр. Олти яшар.

— Мұҳаммадёр, агар боғчангда одобли бола бўлиб юрсанг, мактабда, кейин институтда аъло ўқисанг, зў-ў-ўр одам бўласан! Пулинг кўп бўлади, ҳамма сени ҳурмат қиласди. «Мерседес» оласан.

— Опажон, сиз боғчада одобли бўлганмисиз?

— Албатта.

— Яхши ўқиганмисиз?

— Албатта!

— Бўлмаса, нега менга қачо-о-ондан бери пультили ўйинчоқ машина олиб беролмайсиз?

* * *

Фаҳриёр. Уч ярим яшар.

— Адажон, шарим пақиллаганини эшитдингизми?

— Эшитдим, ўғлим.

— Қаттиқ пақиллади-а?

— Ҳа, қаттиқ пақиллади.

— Жудаям қаттиқ пақиллади-а?

— Жудаям қаттиқ пақиллади.

— Энди бошқа шар оберинг!

ТАБАССУМГА МӨҲИЛ ГАПЛАР

«ЖАЗО»

Камбағални урма-сўкма, ёқасини йирт!

Хотинингни урма-сўкма, сериални ўчириб қўй!

ҲАМЖИҲАТЛИК

Эр уйига келмади. Хотин кечаси билан мижжа қоқмай чиқди. Тонг-саҳар эрининг дўстига қўнфироқ қиласди.

— Ваҳобжон акам келмадилар. Хабарингиз йўқми, қаёқда юрибдилар?

— Ташвиш қилманг, келин, — деди эрининг дўсти. — Ваҳобжон бизникида ётиб қолди. Кечаси мажлис чўзилиб кетди...

Хотин эрининг иккинчи дўстига қўнфироқ қилди.

— Шунгаям бўғиласизми? — деди иккинчи дўст. — Кеча Чирчиққа борувдик. Хизматчилик-да! Ваҳобжон бизнида эди...

Хотин эрининг учинчи дўстига ҳам қўнфироқ қилди.

— Хавотир олманг, янгажон! — деди учинчи дўст. — Кеча десангиз, чет элдан меҳмонлар кепқолса бўладими! Шуларни жойлаштиргунча тонготар бўлиб кетди. Ваҳобжон aka бизнида ётиб қолдилар...

Хотин, фифони фалакка чиқиб, дугонасига қўнфироқ қилди:

— Эрим уйга келмади. Учта ўртоғига қўнфироқ қилсан, учаласиям эринг меникида ётиб қолди, дейди!

Дугонасининг жаҳли чиқиб кетди:

— Э, Худо олсин, ёлғончиларни! Учаласиям бекор айтибди! Эринг меникида эди!

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДАГИ СУХАНДОН ЭЪЛОНӢ

— Диққат! Диққат! Ургенч – Тошкент йўналиши бўйича йигирма тўртинчи рейс билан учиб келган йўловчи Тешабой Болтабоевич Деҳқонбоев! Сизни ўғлингиз Альберт, қизингиз Офелия, куёвингиз Фридрих, келинингиз Луиза, невараларингиз – Ричард, Эрнест, Изабелла, Карлсон, Сильвия, Зико, Индира, Кастилио, Чандра, Марильда, Арчибалд ва... чеварангиз – Мошхўрда кутиб туришибди!..

ИҚРОР

Одам қариганидан кейин кам уйқу бўпқоларкан. Бу – бир.

Одам қариганидан кейин эзма бўпқоларкан. Бу – икки.

Одам қариганидан кейин сергумон бўпқоларкан. Бу – уч...

Чол алла-паллагача шифтга қара-а-аб ётди. Сўнг тескари қараб ухлаётган кампирини туртиб уйғотди.

— Кампир, — деди, — буёғи шартимиз кетиб, партимиз қолди. Бир-биримиздан яширадиган сир ҳам қолмади ўзи. Тўғрисини айт: бирон марта чакки қадам босганимисан?

— Алжимай ўлинг! — деди кампир мингиллаб. — Шундан бошқа гап қуриб қолганми?

— Омади гапни айтдим-да! — деди чол. — Менда бунақа номаъқулчилик бўлган. — Шундай деб, аззабазза ўрнидан туриб, чироқ ёқди. Азза-базза бориб, уй бурчагидаги тия сандиқни очди. Узоқ тимирскиланиб, сандиқ бурчагида ётган, унниқиб кетган тамаки халтани топди. — Мана, — деди халтачани кампирга узатиб.

Кампир халтачани тўшак устига тўккан эди, еттита тош чиқди.

— Вой, шарманда-а-а! — деди қоқшол қўллари билан юзини юмдалаб. — Вой бевафо! Шунча хиёнат қилганмисиз, менгинага, а?!

— Энди... Ёшлиқда бўлган-да, кампир, — деди чол ерга қараб.

Кампир жавраб-жавраб ҳовлига тушиб кетди. Этак томондаги омборхонада чироқ ёнди. Бир маҳал кампир инқиллаб-синқиллаб, ярим қоп мошни судраб кирди. Чолнинг кўзи ола-кула бўпкетди.

— Вой, ярамас! Нечта бу?!

— Ким санабди дейсиз? — деди кампир мингиллаб. — Ўзи бир қопгина эди. Ярим қопини ўзингизга егизиб юборганман. Мошкичирини яхши қўрасиз-ку! Энди... Ёшлиқда бўлган-да, чол...

ЧОЛ

Қашқадарёга борганимизда фалон қишлоқда табаррук ёшга кирган бова бор, бир зиёрат қилсак, деб қолишди.

Бордик. Унниқиб кетган дарвозадан кирдик. Саҳни кенг ҳовли. Атрофи пастак девор билан ўралган: ёлғондан сакрасангиз, ростдан ошиб тушасиз. Ҳовлида товуқлар изғиб юрибди. Эски чорпоя соясида қулоқ-думи кесилган ҳайбатли ит тўрттала

оёғини чўзиб мудраб ётибди. Ким келди, деб қайрилиб ҳам қарамади.

Кўрпабоп матодан этаги узун, кенг кўйлак кийган кампир очик чеҳра билан кутиб олди.

Пастак, салқин уйга кирдик. Сўзана осилган девор тагида ўтирган чол билан қўшқўллаб кўришдик. Эгнида йўл-йўл яктак, бошида ихчам мисқоли салла. Соч-соқоли, ҳатто киприклариғача оппоқ.

Негадир қариянинг қулоғи оғир бўлса керак, деган хаёлда овозимни баландлатиб аҳвол сўрадим:

– Бардаммисиз, отахон?

– Худойға шукр, тетикман, – деди чол бамайли хотир. – Насибамизни жеб журиббиз, болам. Лелинниям кўрдиқ. Кал лелинниям кўрдиқ... Устихонипчи бўлдиқ.

– Сиз Ленинни кўрганмисиз? – деб сўради мезбонлар орасидаги ёш мухбир ҳовлиқиб.

– Ўзини кўрмаган чиқарман-ов, – деди чол. – Аммо Лелин деган калхўзда ишладиқ. Кал лелин деган калхўзда ишладиқ. Сўғин яна бирови бор эди. Темирниёзип...

– Тимириязев, – деди мухбир аниқлик киритиб.

– Бўлса-бордир, – деди чол. – Ўша Темирниёзипда ҳам ишладиқ.

Мухбир бола маҳмаданагина экан. Чолни гапга солди.

– Бова, сиз мўътабар одамсиз. Кўп жойларда бўлгандирсиз?

– Менма? – Чол қаддини ростлади. – Бўғанда қандоқ! Чияли бозорди кўрдим. Чироқчини кўрдим. Улим матакесилида Косонға довур оббориб келди. Э, болам, бу дунёда мен кўрмаған журт қолмади!

Мухбир бола «Медицина энциклопедияси»ни хўп ҳижжалаган шекилли, чолни тағин сўроқча тутди:

– Узоқ умр кўришингизни сири нимада, деб ўйлайсиз? Зелинни кўп истеъмол қилгандирсиз? Сутқатиқ ичгандирсиз?

– Зилин-пилинингни билмадим-ку, қатиқни кўп ичган чиқарман. Чаккини кўп жеган чиқарман...

– Гүштдан пархез қылганмисиз?

– Уттама! – Чол астайдил ҳайрон бўлди. – Эт жемаган жигит-жигитба? Дўсвойи қўйди қўйругини жеганман!

– Кечирасиз-ку, ичкилик масаласи...

– Бўған! – деди чол қувлик билан бош ирғаб. – Аммо бу укағардан наф кўрган одам жўқ. Овзимга олмай қўйганима уш жил бўлди!

Мухбир бир зум довдираб қолди.

– Қанча дейсиз?

– Уш жил!

Мухбир бошқа гап тополмади чофи, «оилавий аҳвол»дан келди.

– Момо билан тотувмисизлар, бова?

– Тотув, болам, тотув, – деди чол энсаси қотиброқ.

– Ҳеч сан-манга бормаганмисизлар?

– Бўған. Унисиям бўған... Нега кеч келдинг, деған, қай гўрда қолдинг, деған... Қизғонған-да! Ман борсам беганага бориппанба? Шу ўзимизди Жумагул сатангга борғанман-да!

– Узр, отахон, – дедим гапга аралашиб. – Неча ёшга чиқдингиз?

– Менма? Энам айтиб эдики, сен от жили тут пишиғида тувилгансан, ўша жили коғирлар Бухорои шарифни ололмай қиличи синган, деб эди... Сўғин ўша жили тут пишиғида қаттиқ жомғир жовиб, тутларди тўкиб жуборған экан... – Ўйлаб туриб қўшиб қўйди. – Бошпуртда тўқсон жетти. Энамди айтишига қарағанда жуз тўрт.

– Кўз тегмасин, бардамсиз, – дедим далда бериб. – Насиб этса яна юз йил умр кўрасиз.

– Билмадим-ов, болам, – чол маҳсили оёғини силаб қўйди. – Аяқ жаман оврийди. Шу ёшдан мунай бўлсак, ҳайронман, қартайганда не қиласбиз...

У деразага қараб, овоз берди.

– Ҳой, Норбиби, чай келтирмайсанба? – Кейин ҳасрат қилди. – Қулови том битган! Эшитмайди. Чай десам, тоҳарат суви келтиради!... Шуйтиб бошқа аёл

олсамба-а? – Гапи ўзига нашъя қилиб ҳе-ҳелаб кулди. – Аёлди жомони бўлмайди, болам! Вақтида желкасини қашлаб турсанг бас!

Кампир нон-чой олиб кирди. Дастурхон ёзди.

– Эваралар жўғида ҳалиям желкасини қашлаб турман, – деди чол. – Туврима, Норбиби?

– Туври, – деди кампир ҳеч балони эшитмай. – Норқулингизди келини қўзилабди... Қиз...

– Ана! – деди чол. – Мен буни желкасини қашлайман, буни чевара келини қиз тувади. Яхши қашламаган чиқарман-ов...

«ТАНИШУВ»

«Жиринг-жиринг!»

– Лаббай, эшитаман.

– Алло, ким бу?

– Ассалому алайкум. Кечирасиз, ким керак сизга?

– Ким бу ўзи?

– Узр, кимни чақирай?

– Ким бу, деб сўраяпман?

– Ким керак, ахир?

– Сендан сўраяпман: кимсан?

– Э, бор-э, ўзинг кимсан?

– Эш-ш-ш-ак!

– Танишганимдан хурсандман, аммо бу ерда сизнинг қавмларингиз йўқ. Хих!

«Тут-тут-тут...»

БЎЛГАН ЁКИ... БЎЛМАГАН ВОҚЕА

Бу ҳангомани қаердадир ўқиганмидим, эшитганмидим, эсимда йўқ. Аммо шахсан ўзим унга юз фоиз ишонаман.

Биласиз, америкаликлар бокс «жинниси» бўлади. «Жанг»ни томоша қилиш учун минг чақирим нарига учиб борищдан эринмайди. Америкаликлар бойвачча бўлади. Ярим соатлик «муштлашув»ни кўришга минг доллар, икки минг долларни аяб ўтирумайди.

Кунларнинг бирида дунёга донғи кетган икки боксчи «жанг» қиласидиган бўпти. Гумбирлаган рек-

ламалар қилинган. Неча юз минг долларлик чипталар сотилган. Тағин неча миллионлик гаровлар ўртага қўйилган... Буни қарангки, «жанг»га бир соат қолганида боксчилардан бири қўрқиб, жуфтакни рост slab қолибди...

Албатта, уни суд қиласилар, жарима соладилар. Лекин бу билан «жанг» ташкилотчиларининг дарди енгиллашиб қолмайди-ку! Ҳаммаёқ тўс-тўполон бўп кетади», «фирма»нинг обрўси уч пул бўлиб, қасодга учрайди!

Минг томонга зир югуриб, боксчи излайдиларки, қани энди нақ юз йигирма килоли «дев» билан олишадиган мард топилса!

Бир маҳал қарашса, спорт саройи олдидан дўппи кийган, қораҷадан келган, чайиргина йигит ўтиб кетаётганимиш, «ке, шунгаям бир ялиниб қўрайлик, шояд жонимизга оро кирса», деб гапга солишибди.

– Мен ўзбекман, менини инглизча «но», – дебди йигит.

Америкаликлар тадбиркор эмасми, дарров ўзбекчани биладиган таржимон топиб келишибди. Маълум бўлишича, бояги йигит Америкага сайёҳ бўлиб келган, шунчаки сайд қилиб, кўча айланиб юрган экан.

Худонинг зорисини қилиб ялинишибди.

– Ёрдам бермасанг, ҳолимиз хароб. Рингга чиқиб, уч раунд туриб берсанг бас, юз минг доллар оласан! – дейишибди.

– Долларинг ўзингга сийлов! – дебди йигит. – Биз ҳожатбарор халқмиз, кўрсат, ўша барзангингни!

«Жанг» айтилган вақтида бошланибди. Барзанги ўзбекни ураверибди-ураверибди! Бечоранинг соғжоий қолмабди. Шундаям қилт этмасмиш.

Уч раунд ўтибди, тўрт раунд ўтибди... Бир дақиқали танаффусда секундантлар ўзбекни елпиб ўтирган экан, таржимон ёнига келиб, маслаҳат берибди.

– Сен ҳам йўлига бўлсаям бир-икки мушт уриб қўй, ахир!

— Ие, мен ҳам урсам бўлаверадими? — дебди ўзбек.

— Албатта-да! — деган жавобни олибди-ю, кейинги раунд бошланиши билан барзангининг қоқ пеша-насига чунонам мушт туширибдики, шўрлик шилқ этиб йиқилиб, ялпайиб қолибди. Қўли буёқقا, оёғи уёққа тарвақайлаб кетибди.

Ҳакам унинг устига эгилиб, «бир», «икки», «уч», «тўрт» деб санаётган экан, ўзбек пастда ўтирган таржимонга тушунтирибди.

— Санаб овора бўлмасин, барибир ўрнидан турмайди. Мен Зангиотадаги қассобхонада ишлайман. Касбим — күшхонага кирган буқаларнинг бошига муштлаб, сулайтириш. Буям ҳаром ўлиб қолмасидан пичоқ тортиб юбораверинглар!

АЁЛ ПСИХОЛОГИЯСИ

Эридан мамнун бўлиб турганида:

— Аваз! Авазчик! Турақолсинглар энди! Вой ўзимнинг асал боламдан! Вой ўзимнинг полвон боламдан! «Адажоним қани?» дейсизми? Адажонингиз ишга кетдилар. Авазжон ҳам «ишга» борадилар. Адажониси-чи, Авазжонга-чи, ка-а-аттакон шоколад олиб келадилар. Авазжон-чи, адажонисига ўхшаган паҳлавон йигит бўладилар... Вой, иштонча яна ҳўл бўпқопти-ку! Майли, ҳозир алмаштирамиз-да. Вой ўзимнинг тойчофим!

Эридан хафа бўлиб турганида:

— Аваз! Хой Аваз! Тур ўрнингдан ялпайиб ётмай! Сенинг боғчангга мен боришим керакми? «Ада»лама! Аданг ишга кетди-да, гўрга борармиди?! Ие, иштонинг яна ҳўлми? Сияман, десанг ўласанми, хўкиздек бола! Ариллама! Отангдан нима роҳат кўрдиму, сен нима каромат кўрсатардинг!

ЭРКАК ПСИХОЛОГИЯСИ

Гоҳо «муроди ҳосил бўлган» эркакка бориб турган пари-пайкар ҳам хунук кўриниши мумкин. Бироқ, аёл ранжимаса ҳам бўлади. Эртасига у тағин пари-пайкарга айланади!

ЭНГ САЙРОҚИ ҚУШ

Булбулнинг эркаги сайрайди. Одамнинг – аёли.

«ТАДБИЙКОЙ»

Янги чиққан китобимга қалам ҳақи олгандим: Нәқд етмиш минг сўм. «Налуг»дан ташқари. Етмиш мингг-а! Ҳазилакам пулми? Арзимаган уч йил ичида ёзган китобимга шунча пул оламан-у, мен севинмай ким севинсин! Мана, мен ҳисоблаб берай, сиз санаб туриңг. Уч йил дегани ўртача минг кун бўладими? Хўш, деб туриңг. Етти мингни мингга бўлсак етти бўладими? Бундан чиқди менинг бир кунлик «ёзувчилигим» етти сўмга тўғри келаркан.

Шуни ўйлаб, пул санаб ўтирсам, эшик жириңди.

Чиқсан, етти-саккиз ёшлардаги болакай турибди. Қўлида каттакон сумка.

– Сув кеякми, амаки? – деди «р»ни яхши айтолмай.

– Қанақа сув?

– Минияй сув.

Вой шумтака-ей! Чанқаганимни қаёқдан билди бу?

– Керак, – дейишим билан сумкасидан бир «баклашка» «Нестле» олиб, чаққонлик билан бурама пўқакни очди.

– Манг, амаки!

Сувни фўлқиллатиб идиш оғзидан ича бошладим. Чанқофим қонгач, сўрадим:

– Қанча?

– Беш юз сўм!

– Чайқовчилик қилиш яхшимас, – дедим насиҳат қилиб. – Магазинда уч юз эллик сўм туради.

– Мен чайқовчимасман, амаки, тадбийкойман. Беш юз!

Ўргилдим, сендақа «тадбиркор»дан! Шу қилганингга бир адабингни бермасам!

Ҳали санаб ўтирган минг сўмликлардан биттасини узатдим.

— Қайтими니 бер! — дедим түнгиллаб.

Болакай минг сўмликнинг у ёини айлантириб кўрди, бу ёини айлантириб кўрди. Ўнг чўнтағига қўл суқкан эди бир даста минг сўмликлар илашиб чиқди. Чап чўнтағидан беш юз сўмлик, юз сўмликлар олди. Бармоғига туфлаб, чаққонлик билан бешта юз сўмликни санаб, қўлимга тутқазди.

— Баклашкани бўшатиб бейинг, — деди дона-дона қилиб, магазинга топшияман. «Спляйт» кеякмасми? Минг сўм.

— Кеякмас! — дедим мен ҳам беихтиёр «р»ни айтишга тилим келишмай.

— Баклашкани бейинг!

Уйга кириб, ичилмай қолган сувни косага бўшатиб чиқишига мажбур бўлдим. Энди эшикни ёпаётган эдим, болакай сўраб қолди:

— Сиз шойиймисиз, амаки?

Вой ховорией! Китоб ҳам ўқиркан-да, бу??

— Мен болаларга ёзмайман-да, — дедим юмшаб.— Ёзсам сенга китобимдан берардим.

— Китобмас, — деди болакай кўзини пирпираби. — «Зелений»дан бойми?

Ҳайрон бўлдим.

— Қанақа «зелений»?

— «Кўки»дан бойми? Доллай! — болакай бармоқларини ишқаб тушунтириди. — Доллай бойми?

— Доллар? Менда доллар нима қилсин? Умуман, сенга долларнинг нима кераги бор?

— Тўйюз мингим бой эди, — деди у дона-дона қилиб. — Шуни доллайга алмаштиймоқчиман. Доллай боми, амаки?

Эшикни қарсиллатиб ёпдим. Зум ўтмай қўшни нинг қўнғироги жиринглади.

— Сув кеякми, хола?

«БУТИЛКА» ҲОЖИ

(Бошқа ҳожиларга дахли йўқ)

Дўстим ўғлини уйлантираётган эди. Энди... тўй бўлганидан кейин... ўзингиз биласиз... Ҳалиги қур-

гурдан жиндай-жиндай қилиб ўтирасак, даврамизга оқ яхтак, оқ дўппи кийган тўрвасоқол йигит келиб қўшилди. Келин-куёвга бахт-саодат тилаб, фотиҳа тортди.

— Яратганга шукроналар бўлсин! — деди қироат билан. — Муқаддас сафар шарафи каминага ҳам насиб айлади!

«Қуллуқ бўлсин», дедик. Дастурхонда анави «шайтон суви» турганидан хижолат чекдик.

— Минг бор узр, Ҳожи ака. — Косагул шундай деб, шишаларни ими-жимида стол тагига олиб қўяётган эди, Ҳожи ака кескин бош чайқади.

— Йў-йў-йў, тақсир! — деди далда бериб. — Сизлар баҳузур, тақсир, баҳузур. Тўйда хурсандчилик қилишнинг айби йўқ.

Косагул иккиланиб қолди.

— Сиздек мўътабар одамнинг олдида...

— Безиён, тақсир, безиён... Биз ҳам бундан бисёр нўш айлаганмиз. — Ҳожи ака жиндай-жиндай ичкилик қўйилаётган пиёлалардан кўз узмай, таъкидлади. — Нўш айлаганмиз, бисёр нўш айлаганмиз.

Косагул шумгина йигит экан, Ҳожи аканинг кўзлари сувга тушган мунчоқдек йилтираб турганини пайқаб қолди.

— Сўраганнинг айби йўқ, Ҳожи ака. Мабодо ўзлариям...

— Йў-йў-йў! — Ҳожи ака кескин бош чайқади.— Биз ҳам нўш айлаганмиз... Айлаганмиз.

— Кўп эмас, жиччагина,— деди косагул илжайиб.

Ҳожи ака оғир муаммо қархисида қолгандек, бир зум ўйга толди.

— Каминани кўп хижолатли аҳволга сопқўйдиларда, — деди хўрсиниб. — Кeling, йигитнинг сазаси ўлгунча шайтоннинг бўйни узилсин!

— Қайси биридан?

— Каминага «қизили»ям бўлаверади, — деди Ҳожи ака камтарлик билан

Косагул пиёлага бир қултум конъяк қўйиб узатган эди. Ҳожи ака янаем синикроқ оҳангда қўшиб қўйди:

— Жонлироқ бўлаверсин, тақсир.

«Жонлигина» қўйилган пиёлани олиб, қисқа нутқ ирод этди:

— Ёшлар қўша қарисин! Ували-жували бўлсин!

Баайни совуқ чой ичаётгандек, қоп-қора соқолининг биттаям туки қилт этмади. Бодринг билан газак қилиб, «яратган неъматингга шукр», деб қўйди.

— Охиригача олмабсиз-ку, Ҳожи ака? — деди ко-сагул пиёла тагида қолган жиндай конъякка қараб.

— Ҳар нарсанинг қонун-қоидаси бор, укам! — деди Ҳожи ака виқор билан. — Ичкилик хамр, яъниким макруҳ нимарса. Аммо унинг ичида сув ҳам бор. Сув — энг покиза неъмат. Шундайми? Камина сувни ичдим. Макруҳи тагида қолди. Айтаяпман-ку, камина ҳам бундан бисёр нўш айлаганмиз. — У қиқирлаб кулди. — Бир улфатимиз бўларди. Фалати гапларни топиб юрарди. Бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. «Биринчи қадаҳ билан иккинчисининг орасига қил ҳам сифмаслиги керак», дерди. Топган гапини қаранг, баттолнинг! Қил сифмасин, дейди-я!

Косагул Ҳожи аканинг ишорасини дарров тушунди. Пайсалга солмай, пиёлани тўлдириб узатди.

— Йў-йў-йў! Ундоқ қилмасинлар-да, укам! — Ҳожи ака шундай дедию, конъякни сипқорди. «Яратган неъматингга шукр», деб пиёлани косагулга узатди. — Кўрдиларми, укам, макруҳи яна тагида қолди. Ўзлариям ўргансинлар!

Даврадагилардан бири сафар таассуротларини сўраган эди, Ҳожи ака яйраб кетди.

— Э, нимасини сўрайсан, ука! — деди шанғиллаб. — Уёқлар Хизир назар солган юрт! Ҳар қадамда магазин! Ҳар қадамда дўкон. Жамийки нимарса муҳайё! Апельсинларни текинга тарқатади-ей! Хоҳла — бир яшик ол! Хоҳла — бир тонна ол! Буни қаранг, ҳамма нарса бор-ку, термос йўқ экан. Учтагинасини обкетувдим, олам-жаҳон пул бўлди! Улфатим, шуни менгаям айтсанг, ўлармидинг, деб ёмон хана бўлди.

— Кечирасиз, қайси улфатингиз? — дедим тушунмай.

— Ҳалиги баттол-да! Биринчи қадаҳ билан иккинчисининг орасига қил сифмасин, дейдиган. Шу баттолнинг яна бир гапи бор. «Иккинчи қадаҳ билан учинчисининг орасига қил сифмасин, демайманку, аммо ип сифмаслиги керак», дейди!

Косагул яна пиёлани түлдирди. Ҳожи тагида озгина қолдириб, пиёлани қайтарди.

— Яратган неъматингга шукр, — деди виқор билан. — Кўриб қўй, укам! Тагида ҳар гал бир хил макруҳи қоляпти! Уёқда-чи, вей, видик, телевизор, камера деганлари капийка! «Сони» дейсанми, «Панасоник» дейсанми, «Плипс» дейсанми. Иккита «видик» олсанг, биттаси текин!

— Нега, Ҳожи ака? — дедим ҳайратланиб. — Биттасини пулга, биттасини текинга берадими?

Ҳожи ака хе-хелаб кулди.

— Нега текинга бўларкан? Икки ҳисса арzon бўлганидан кейин биттаси ёнга қоладими, ахир? Тижоратнинг айби йўқ-ку, тўғрими?! Биз тижорат қилаверибмиз, қилаверибмиз, қарасам юким кўпайиб кетибди. Икки қўлимда иккита чамадон. Орқамда сандиқдек сумка. Салапан халтанинг боғичини тишимга тишлаб олганман. Кетаяпсам, биттаси йўлимни тўсди. Ўзининг тилида важир-важир қиласи, тушунсан ўлай! Таржимон келди. «Нима деб алжираяпти бу?» десам, тушунтириди. «Юкингиз юз килодан ошиб кетибди-ку», дейди. «Юкимни оғирлиги унга тушибдими, ўзим кўтариб кетяпманку», десам яна важир-важир қилди. «Нима деяпти?» десам, «Жаноб зиёратчимилар, ё отмилар», деб сўраяпти, дейди. «Мен от бўлсан, бу эшшак», дедим-да амаллаб самолётга чиқиб олдим. — Ҳожи ака хохолаб кулди. Косагулга қараб маъноли томоқ қириб қўйди. — Тўртта видик обкелгандим, иккита-си ёнга қолди. Ўғилчаям қизиқади-да техникага.— Шундай деб яна косагулга қараб қўйди. — Уёқда-чи, дазмол пул экан. Янаги гал дазмол обораман. Баттол иккаламиз ўнта-ўнтадан олволсак, о-кей бўлади! Баттолнинг яна бир гапи бор. Учинчи қадаҳ билан тўртинчисининг орасига қил сифмасин, демайман,

иپ сифмасин, демайман, аммо-лекин арқон сифадиган бўпкетса, юрак сиқилади-да, дейди. Топган гапини қаранг! Вой баттолей!

Косагул шишадаги охирги конъякни силқитиб қуиб узатди. Шишани ерга ташлади. Ҳожи ака тагида озгина қолдириб, пиёлани қайтарди.

– Яратган неъматингга шукр! Кўриб қўй, братан! Макруҳи тагида қолди!

– Уёқда манави масалага қандоқ қарайдилар, тақсир? – деди косагул.

– Унақанги бетамиз гапларни гапирма, братан! – деди Ҳожи ака аччиқланиб. – Ичкилик ичган одам ўлимга маҳкум қилинади!

– Вой-бў, бир ўлимдан қопсиз-да, тақсир! – деди косагул. – Тақсир ўн бешинчи бўчка билан ўн олтинчи бўчка орасидан самосвал ўтмагунча қўймайдилар шекилли!

Ҳожи ака тутақиб кетди.

– Оғзингга қараб гапир, ўв братан! – деди қўлини пахса қилиб. – Мен сувини ичдим, билдингми? Макруҳи тагида қолди, билдингми?! Аввал ўрганиб олгин-да, кейин виступат қил, билдингми?!

Қарасам, жанжал чиқадиган. Секин туриб кета қолдим.

АЛЛА

Ўн тўққизинчи аср.

Алла болам, аллаё-алла.

Юрагимнинг доғисано, алла.

Оёғимнинг боғисано, алла.

Борай десам боғим йўқ,

Ботай десам, тоғим йўқ, алла...

Йигирманчи аср.

Алла болам, аллаё-алла.

Юрагимнинг мадори бўл,

Йигитларнинг сардори бўл, алла...

Йигирма биринчи аср.

Алла болам, аллаё-алла.

Ухлай қолгин аллаё-алла...

Нега чақчаяди бу, а? «Бай-бай» қил! Күзингни юм дейман! Нега ариллайсан, зумраша! Бирор сени уряттими? Ҳой, турсангиз-чи ўрнингиздан! Ўлиб қолганимисиз? Бола битта меникими? «Скорий» чақи-ринг! Психиатр кўрмаса бўлмайди. Отасига ўхшаган ненармалний бу бола... Нега менга ўдағайлайсиз? Дод! Золим эрнинг дастидан войдо-о-од!

ЖИННИ БЎЛИШ ОСОН ЭКАН

Биродарлар! Одам-чи, вей, хоҳласа бир кунда телба бўлиши мумкин экан. Қандоқ жинни бўлганини ўзи билмас экан. Касалхонага қачон келдим, ким опкелди, эсимда йўқ. Аммо биринчи қор ёғиб турган ўша қуриб кетгур оқшом аниқ ёдимда.

Шундай қилиб десангиз, ишдан чиқдиг-у, панжара девор олдида гижинглаб турган яп-янги «жий-ронтой»нинг эшигини очдик. Ойнани қор босиб қолган экан, аввал артдик, кейин ойна тозалагични ўрнатдик. Шифиллатиб ҳайдаб кетдик. Троллейбус бекатида турган одамлардан камида ўнтаси қўл кўтарди. Тўхтамадик! Эсимни ебманни тўхтаб! Сенку, савоб бўлар деб тўхтайсан, ГАИ кўриб қолса, киракашлик қиляпсан, деб талонингни тешиб беради.

Бекатдан эллик қадамча ўтганимда бир жонон шундай ҳимо билан қўл кўтардик, тормозни қандай босганимни ўзим билмай қолдим. Машина янги қор тушган асфальтда сирғаниб бориб, шундоққина жононнинг оёғи олдида тўхтади. Эшикни очишим билан жонон лип этиб, ёнимга ўтириб олди. Димогимга ширин атир иси кирди. Ўзиям оппоққина, дўмбоққина. Плашининг елкасига қор қўниб, жиққа ҳўл бўлиб кетибди.

Қаёққа боришини сўрамасимдан ўзи гапириб қолди:

— Печкангизни ёқинг, совуқ қотдим.

Печкани варанглатиб қўйиб юбордик.

— Поччамлар эрталаб пальто кийгизиб, юбормабдилар-да?! — дедим илжайиб.

«Жонон» очиққина экан.

— Поччангиз аввал ўзларини эпласинлар! — деди таманно билан. — Машинангиз янги экан, ҳиди келиб турибди. Маркаси қанаңа?

Машина маркасини айтиб, яна илжайдим.

— Сиз машинамнинг отини билиб олдингиз. Энди машинам ҳам сизнинг отингизни билсин-да.

«Жонон» ширин жилмайди.

— Лёля!

— Лолахон экансиз-да. Ўзингиз ҳам худди лолага ўхшаб...

— Лолахонмас, Лёля! — деди у гапимни кесиб.

— Э, Лаълихон денг?!

— Қанаңа Лаъли? — у аразлаб лабини чўччайтириди. — Лёля!

Ҳай Лёля бўлса, Лёля-да! Йўлимиз бир экан. Гаплашиб кетдик. Лёляхон ательеда дизайнер бўлиб ишларканлар. Поччамиз «предприниматель» экан. Уйга ҳафтада бир келаркан. Шу гапни эшитганимдан кейин шайтон йўлдан оздирдими, бошқами, билмайман. Хуллас, машинани қандай қилиб гараж томонга бурганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Ўлай агар, кўнглимда ёмон ният йўқ эди. Шунчаки, Лёляхон билан бирпас ҳангомалашиб ўтиргим келди. «Дом»имиздан юз қадамча наридаги темир гараж олдида тўхтаганимизни кўриб Лёляхон ипдек қошини чимирди.

— Ҳорманг!

— Биласизми...— дедим чайналиб.— Машина олганимга энди уч кун бўлди. Ҳали «ювганимча» йўқ... Шу... сиз билан... Илтимос, мени тўғри тушунинг...

Лёляхонга гапиряпман-у, икки кўзим «дом»имизнинг бешинчи қаватида. Машинада бегона жувон билан келганимни хотинбой деразадан кўриб қолса борми?!

Хайрият, Лёляхон замонавий аёл эмасми, мени тўғри тушунди. Машина гаражга кириши билан бу эшикдан мен тушдим, у эшикдан — у.

— Сиз ўтираверинг! — дедим машинага имо қи-

либ. – Иссиққина... Мен физиллаб бориб битта шампан олиб келаман.

Лёляхон аввалига ним қоронғи гаражнинг бурчак-бурчагига хавотирланиброқ қараб қўйди-ю, кейин хотиржам бўлди. Негадир темир-терсак асбоблар солинган тахта яшикдан болғача олди.

– Майли... – деди болғачани саланглатиб. – Буквально беш минут. Бўлмаса... – У қўлидаги болғача билан ширингина таҳдид қилиб қўйди.

– Уч минутда келаман.

Ҳовлиқиб гараждан чиқдим-у, ўйлаб қолдим. Хотинбой бешинчи қават деразасидан қараб турган бўлса... Гаражни очиқ ташлаб, аллақаёққа гумдон бўлганимни кўрса. Пастга тушса...

Яна қайтиб келдим.

– Лёляхон! – дедим гараж эшигидан мўралаб.– Кечирасиз, уч минутга устингиздан қулфлаб кетаман. Тағин бирор обқочиб кетмасин сизни...

У оғзини очишга улгурмай гараж илгагига отнинг калласидек қулфни солиб шарақ-шуруқ қулфладим-да, чорраҳадаги дўконга қараб чопдим.

Кечадан бери эзилиб ёқсан ёмғирдан кейин қор тушгани учунми, ер ўлгудек сирғанчиқ. Ҳарсиллаб чопиб боряпман-у, ичимда ўзимга қойил қоламан. Гапниям жа оламан-да! «Сизни ўғирлаб кетишимасин!» дедимми? Лёляхон билмайдики, хотинбойдан қўрқаним учун устидан қулфлаб кетяпман. Майли, мана ҳозир битта шампан, бир плитка шоколад оламиз. Уч минутда қайтиб борамиз...

Қўлтиқда шампан, чўнтақда шоколад. Дўконнинг ойнаванд эшигидан отилиб чиққанимни биламан... Бир маҳал кўзимни очсам, оппоқ шифтли уйда ётибман. Ўрнимдан турмоқчи эдим, чап қўлим чунонам зирқираб оғридики, жоним чиқиб кетай деди. Ён томонимдан фўлдираган овоз келди.

– Бахтинг бор экан, йигит, қўлинг синибди. Менга ўхшаб оёғинг синса нима бўларди?

Мундай қарасам, олти кишилик палатада ётибман. Ҳаммаси менга ўхшаб, сирғанчиқда йиқилган

майиб-мажруҳлар... Гастрономга борганим, шампан олганим эсимга тушди. Ўша заҳоти гаражга қамалиб қолган Лёляхон лоп этиб кўз ўнгимга келди-ю, қўлимнинг оғрифии ҳам унутиб, сакраб туриб кетдим.

– Калит қани?

– Нега бақирасан?! – деб ҳалиги киши яна ғўлдиради. – Калитни бошингга урасанми? Бир ўлимдан қолганингга шукур қилмайсанми, хумпар?

Чўнтағимни кавласам, ҳеч вақо йўқ! Шундангина шифохона халатини кийгизиб қўйишганини пайқадим.

– Калит қани? Соат неча бўлди? – дедим йиғла-моқдан бери бўлиб.

Палатадаги ҳамдарлар тонг отиб қолгани, соат етти бўлгани, кийим-кечагу калит-малитлар «приёмний покой»да бўлишини тушунтиришди. Гипсланган қўлимни чанглаб, югурдим. Искаладчи хотин соат тўққизда келаркан. Дод, деб юборай дедим. Нима қилай? Уйга телефон қилсам, хотинбайдан балога қоламан. Майли, йиқилдим, қўлим синиб, баннисага тушдим, дейишга дерман. Лекин тезроқ бориб гаражни оч, бир бечора қамалиб ётибди, кечаси билан совуқда тиришиб қолгандир, деёлмайман-ку!

Ақлимга балли! Ўйлаб-ўйлаб йўлини топдим. Ҳамшира қизга дўхтирнинг эшигини очтириб, тўртинчи подъездда турадиган Марат деган ўртоғимга қўнфироқ қилдим.

– Жон дўстим, тезроқ кел! – дедим ялиниб. – Аммо баннисага тушганимни хотинимга айта кўрма.

Ҳақиқий дўст шунаقا пайтда билинаркан. Марат ярим соатда етиб келди. Эгнида пальто, бошида телпак.

– Совуқми? – десам, қўлларини ишқалаб дийдидари:

– Эшак ўладиган совуқ бўляпти.

Дўстимга аҳволни тушунтирдим. Искаладчи хотин келиши билан калитни олдик.

– Лёляхондан узр сўра! – дедим эшикка йўналган

Маратга. – Шундоқ-шундоқ бүп қолди, кечиаркан-сиз, дегин.

– Хотиржам бүл. Ҳаммасини ес қиласыз.

– Шошма! Аввал Лёляхонни кузатиб қўйгин-да, кейин хотинбойга бу ёқда ётганимни айт. Телефон қилса банд экан, дегин...

Дўстим ҳовлига отилди.

Кўнглим анча жойига тушиб, палатага кириб ётдим. Навбатчи дўхтири суягим икки жойдан сингани, камида бир ҳафта ётишим кераклигини айтди. Жаҳли тез бўлсаем, ўзимизнинг хотинбой яхши-да! Кўрасиз, ҳализамон товуқ шўрва кўтариб кепқолади. Чўлоқ бўлган қўлимни силайди. Ўзингизни эҳтиёт қилсангиз бўлмайдими, дейди. Кўз ёши ҳам қилиб олади. Мехрибон-да!

Ширин хаёл суриб ётган эканман, палата эшиги фийқиллаб очилди. Семиз санитар хотин тарақ-туруқ қилиб эски кушетка судраб кирди.

– Жинни бўлганми булар ҳаммаси! – деди норози тўнғиллаб. – Бири йиқилади, бири муштлашади. Баннисада бўш жой қолмади. Пиёнисталар!

Ўша заҳоти гавдали бир bemорни икки қўлтиғидан суяб олиб киришди. Касал бечоранинг боши дока билан қалин ўралган, рангидан ранг қолмаган, мўйлови шалпайиб турарди.

Кушеткага жой солишлари билан bemор шилқ этиб ўзини ташлади. Тепасига борсам... Мўйлови танишдек кўринди. Синчиклаброқ қарасам ўзимнинг қадрдон дўстим – Марат!..

– Нима бўлди?! – Жон ҳолатда қичқириб юбордим шекилли, Марат амаллаб кўзини очди.

– Дард бўлди! – деди инқиллаб. – Бало бўлди! Гаражингни эшигини очганимни биламан, ичкаридан бир алвости югуриб чиқиб, болға билан қоқ пешанамга чунонам туширди, чунонам туширди... – У гапиришга мадори қолмади шекилли, юзини девор томонга ўгириб олди.

Эгнимда банниса халати, оёғимда шиппак, кўчага отилдим. Таксичи дийдираб турганимни кўриб, раҳми

келди шекилли, гап-сўзсиз тўхтади-ю, машинасини айтган томонимга фириллатди. Йўқ, уйгамас, ўзимнинг темир гаражимга.

Шуниси эсимдаки, гараж ланг очиқ турарди. Энг аввал орқа капот устида ётган болғага кўзим тушди. Кейин... Нима десам экан?.. Дўлда қолган таппини кўрганмисиз? Менинг машинам – уч кунгина мингандан яп-янги машинам худди ўшанақа аҳволга тушган эди. Ойналари чил-чил синган, томию капотлари, орқа-олдию ёнбошлари болға билан пачоқланган, шу қадар ҳафсала билан, шу қадар эринмай, тартиб билан пачоқланган эдик, ақалли номига бир қарич соғ жойи қолмаганди. Гаражга қамалиб қолган Лёляхон кечаси совқотиб тарашага айланмаслик учун хўп файрат қилгани кўриниб турарди.

...Одам қандоқ жинни бўлганини билмас экан. Касалхонага қачон келдим, қандоқ келдим, ким обкелди, эсимда йўқ. Кейин, сал ўзимга келганимда айтиб беришди. Аввал гипсланган қўлимни тишлаб ириллабман. Ундан кейин шиппак билан қор тепиниб хумордан чиққунча ўйнабман... Бу ёққа хотинбой билан ўша инсофли таксичи олиб келибди.

Мана, ётибмиз, энди. Хотинбой ҳар куни товуқ шўрва олиб келади. «Қўяверинг, жинни бўлган битта сизми?»— деб юпатади. Айтмоқчи, кеча хушхабар топиб келди. Учинчи синфда ўқийдиган ўғилчамиз темир-терсак топширишда шаҳар биринчилигини олибди.

Муаллиф изоҳи. Бу – бўлган воқеа. Фақат ҳикоя қаҳрамони мен эмасман!

«ОНАСИ ЎПМАГАН»

Маҳаллада Нури сатанг дегани бор. Нуқул «онаси ўпмаган қизим бор, онаси ўпмаган қизим бор», деб мақтанади. Тўғри айтади: унинг қизини онасидан бошқа ҳамма ўпган!

СҮҚҚАБОШ БЕВАГИНА

Мумкинми? Гуд монинг! Салом! Рухсатингиз билан ўзимни представить этсам... Жонетта Кабуловна Халтаева! Мен к сожалению сизнинг сочинениеларингизни ўқиган эмасман. Ростини айтсан, китоб ўқишига вақт йўқ. Биласиз, время – деньги. Хотя эшитганман. В основном мамашкалар ҳақида ёзаркансиз.

Менинг ҳам тўртта болам бор... Нима? Унақага ўхшамайди, дейсизми? Раҳмат, комплемент учун! Ҳамма шунаقا дейди. Мен мамамга ўхшайман. Мамам олтмиш ёшдаям аппетитний эди. Как куколка! Ҳар куни сочини причёска қилдиради. Альчибалътга! Альчибалътни танийсизми? Неужели? Первоклассний мастер-ку! Мужской салонига бормаганмисиз? Впрочем, майли... Оловингиз борми?.. Йўқийўқ, мен «Море» чекаман... Сенкю. Зажигалкангизга гап йўқ. Точно импортний!

Итак, тўртта болам бор. Маратик – Нукусда. Интернатда. Ёши... минуточку, ёши, помоему ўн тўртда. Шу йил ўн тўртга киради. Копия – папаси. Кр-р-расавчик! Смуглайлиги, кўзининг разрези... Папаси билан биринчи встречамиз Нукусга практикага борганимда бўлган. Зам министр эди. Шунаقا абаятельний, шунаقا интеллигентний. Икки йилча турдик. Цивилизованный ажрашдик. Тўғрисини айтди. «Жаночка, жоним, – деди, – бу ёғи прокол бўладиганга ўхшайди, хотиним жалоба ёзибди, двоеженство учун ишдан ҳайдашлари мумкин», деди. Биласиз, у пайтда бунаقا масалалар строгий эди. «Маратик учун волноватся қилма, ўзим опекамга оламан, сен, Тошкентга кетавер, регулярно бориб тураман», деди. «О-кей!» дедим...

...Нигорочка – Самарқандда. Тоесть, Нигорочка эмас, Наргизочка! Нигорочка – Қўқоида...

Где-то икки йилча олдин Самарқандга бордим. Наргизочканинг детдомига кирдим. Детдом – так себе. Аммо директор ништяк экан! Дылда!

Бўй-басти икки метр. «Братан, дедим, – Наргизочкадан хабар олишим қийин. Ишларим навалом, дедим. «Хотиржам бўлинг. Наргизочкага ўзим оталик қиласман», деди. Уч кун меҳмон бўлдим. Кр-р-утой эркак экан! Молодец!»

Наргизочканинг папочкиси ҳам крутой эди. Межрайонний нефтебазада директор бўлиб ишларди. Ёши элликдан ошган бўлсада, как огурчик эди. Самарқанднинг пахани эди. Хотинидан қўрқмасдан шик-к-карний тўй қилди. Ресторанда. Ёмон яшамадик... Қамалиб кетгани чатоқ бўлди.

Ўша ердан «ксива» келди – хабар. У кишининг айтишларича как будто ҳаммасига мен виновата эканман. Э, тўкил дедим! Бензинга дистопливо қўшишни мен ўргатдимми сенга дедим!

Аммо Нигорочкадан анчадан бери хабар олганим йўқ. Айтим-ку, «время–деньги». Қўёнга ҳеч йўлим тушмаяпти. Нигорочка отасида қолган. Предприниматель эди. «Жаҳон бозорида» саккизта «точка»си бор эди. Характери «миленький». Такой послушный. Иккита хотинидан боласи бўлмагани учунми, Нигорочекани жонидан ортиқ кўради. Ҳар куни минг хил ўйинчоқ олиб келади. Ҳаммасига ўзи айбдор! Нуқул замечание беради, нотация ўқийди. «Жаннатхон, таҳорат сувини яхши иситмабсиз. Хуфтондан кейин кўчага чиқмасинлар. Номаҳрамларга кўринмасинлар. Бегона эркаклар билан гаплашмасинлар!» Томи кетган фанатик! Э, сирпал, дедим! Обберган бир хонали квартирангга как дурочка учинчи хотин бўлиб ўтиришим керакми, дедим!...

Пардон, яна оловингиздан... Сенкю. Между прочим, зажигалкангизга гап йўқ! Кўп чекасизми? Шавкатнинг папасиям кўп чекарди. Мана буни настоящий мужик деса бўлади! Қомат бесподобний! Сочлар курчавий! Бизнесни синдириб қўяди! Ҳамма иши «дода»! Тўртта хотинини вот так обеспечить қилиб қўйган. Разумеется ЗАГСимиз йўқ эди. Впрочем буниси неважно. Иккита «Мерси» бор эди. «Мерс-600»! Белдерсойдаги дачасини айтинг! Саунаси, бассейни...

Нет равных! Бир йилча бўлди. Россияга кетганча дараги йўқ. Ўша ердаги братанлардан суриштиrsам, биз не в курсе дело, дейди...

Шавкатчик ўзимда. Икки ёшга чиқди. Шустрий. Ходячий бомба. Между нами бир гап айтайми? Уйга нотаниш «дядя»лар келса, ҳалитдан мени ревновать қиласди, паразит! Сизни «фазендам»га «ходячий бомба» йўқлигида чақираман, о-кей!

В общем майли, ближе к делу! Менга сизнинг паддержкангиз керак. Ҳокимиятга заявление берган эдим. «Мен мать одиночкаман. Қийналиб кетдим, шаҳар марказидан квартира беришингизни сўрайман», деб. Борсам бир пацан ўтирибди. Ўн кундан кейин келинг, деди. Бугун борсам нима дейди денг? «Тўрт хонали уйингиз бор экан-ку!» дейди. Мен уйни сенинг пулингга опманми? Худога шукур, бошимда эрларим тоест, эрим бор, тоест бор эди. Бу уйни ўз пулимга сотиб олганман. Эллик минг «бакс»га! Тағин нима дейди денг, фраер? «Опажон, «монетный двор»дан чиқиб келдингизми, ҳамма ёфингиз бриллиант-ку!» дейди. Менга комплимент қиляпти, сопляк! Бриллиантни сен подарка қиссанми? Аёл бошим билан бизнес қиляпман. «Челнок»ка боряпман. Стамбулга, Дубайга, Южний Кореяга... Осонми? Ҳар қадамда «мент!» «Доля» чўзмасанг, ҳаммасини обқўяди!

Кстати... Дубайда бўлганмисиз? Обязательно боринг! Техника почти даром! Тилла – навалом. Араблар темпераментний бў... Ну, буниси неважно!

Короче, ҳокимиятдаги ўша пацан «Сизга уй йўқ, ҳамма квартиралар приватизация қилиб бўлинган, қаёққа борсангиз, «катта кўча», деди. Шуни бир фельетон қилинг! Беспомошний мать-одиночкани унижат қилиш қанақа бўлишини бир, кўрсатиб қўйинг! Мен ҳам қарздор бўлиб қолмайман. Фамилияси... минуточку, фамилияси... ёзib олганман...

Нима? Ёзмайсиз? Тоест, как ёзмайсиз? Нима? Нима дедингиз? Яна бир қайтаринг! «Мен инкубатор тузатадиган уста эмасман», дедингизми? Ким

инкубатор? Нега аёл кишини ҳақорат қиласиз? Нима ҳаққингиз бор. Нахал! Писака несчастный! Ма, за-жигалканг бош-ш-шингдан қолсин!

«ҲАЯЖОНЛАНМАНГ»

Машойиҳлар билиб айтган экан: дўстнинг эскиси, хотиннинг янгиси яхши бўларкан. Янги хотин дегани-чи, янги калишга ўхшаркан, вей! Иссиққина. Юмшоққина... Аввалги хотини сигир мижоз зди. Лапанглаб юрадимией, овқатни пишиллаб ейдимией... Бунисининг юргани билинмайди-я! Мушукка ўхшайди, барака топкур! Бирам одобли, бирам меҳрибон! Икки гапнинг бирида «жоним», дейди. Унсизгина пилдираб келади-да, тиззасига ўтириб олади. Тиззасига ўтири-и-и-б, томофини ялайди. Шундай қилса, эркак кишининг асаби ором олармиш. Дўхтир-да, билади... Аввалги эри шундоқ хотиннинг қадрига етмаган экан, номард!

Мана, бугун ҳам диванда ўтире-е-еб, «Саломатлик» журналини ўқиётган экан. Эри эшикдан кириб келиши билан мулойим товушда сўради:

- Яхши келдингизми, жоним?
- Яхши, – деди эр, – бугун мажлис бўлди.
- Ҳаяжонланманг, жоним, ҳаяжонланманг, – деди хотин.

Эр хайрон бўлди.

– Ҳаяжонланаётганим йўқ. Ишхонада мажлис бўлди. Мажлисда...

– Ана, яна ҳаяжонланаяпсиз! Мажлис бўлса бўпти-да! Шунгаям ҳаяжонланиш керакми?

– Ҳаяжонланаётганим йўқ, ахир! – деди эр баттар хайратланиб.

– Қўйинг, жоним, арзимаган мажлис деб ҳаяжонланманг. Бир марта гапимга киринг. Илтимос, ҳаяжонланманг!

– Ҳой, барака топтур, ҳаяжонланаётганим йўқ!

– Ана, қўлингизни пахса қиляпсиз. Биринчи стадия. – Хотин унинг кўзига диққат билан тикилди.– Нима кераги бор ортиқча ҳаяжонни!

— Ҳаяжонланаётганим йўқ, дедим-ку! — Эр инграб юборди. — Ҳаяжонланаётганим йў-ў-ўқ!

— Овозингиз титра-а-аб чиқаяпти. Демак, ҳаяжонланаяпсиз. Одам ҳаяжонласа, юрак тез уради. Юрак тез урса, томирдаги қон босими кучаяди. Ҳаяжонланманг, жоним, ҳаяжонланманг! Ўтиринг, томофингизни ялаб қўяман. Фақат ҳаяжонланманг!

— Ҳаяжонланаётганим йўқ, инсон, ҳаяжонланаётганим йў-ў-ўқ!

— Кўрдингизми, овозингиз борган сайин баланд чиқаяпти, жоним. Одам қаттиқ ҳаяжонланса шунаقا бўлади. Аввал овози титраб чиқади. Кейин баландлашади. Қон оқими кучайса, андриналин кўпаяди. Андриналин кўпайса, босим кўтарилади. Босим кўтарилса, қон томирлари зўриқади. — Хотин азза-базза ялинди. — Хўп денг, жоним, ҳаяжонланманг!

Эр тиззасини муштлади.

— Ҳаяжонланаётганим йўқ, дейман-а, ҳаяжонланаётганим йўқ!

— Ана, бақирияпсиз! Кўзингиз бежо... Иккинчи стадия! Қон томирлари зўриқса, асаб толалари ўлади. Асаб толаси ўлса, одам инсульт бўлади: фалаж! Кўзи филай бўли-и-иб, оғзи қийшайии-и-б қолади. Оёқ-қўли ишламай қолади! Мен психиатрман-ку, жоним, биламан-ку! Хўп денг, ҳаяжонланманг!

— Ҳаяжонланаётганим йўқ! — деди эр бўкириб.— Ҳаяжонланаётганим йўқ, фалча, ҳаяжонланаётганим йў-ў-ў-қ!

— Оғзингиздан кўпик чиқа бошлади. Учинчи стадия! Фалаж бўлсангиз ундан нари-я, жинни бўп-қолсангиз... Хўп деб қўяқолинг жоним, ҳаяжонланманг!

— Нима? «Жинни?» Ким жинни?! — Эр аввал столни муштлади. Кейин қўшқўллаб сочини юла бошлади. — Ҳаяжонланаётганим йўқ! До-о-од! Войдо-о-од! Ҳаяжонланаётганим йў-ў-ў-қ!

...Хушига келиб қараса, хотин нариги хонадан кимгадир телефон қиляпти.

— Аллёёё, бу жиннихонами? Флорочка, ўзингисан, жоним? Ҳаяжонланма-а-а-ай ўтирибсанми?

Эримга неча марта айтаяпман: ҳаяжонланманг, ҳаяжонланманг, десам бу яна ҳаяжонланаяпти. Пешанам қурсин, аввалги эрим ҳам ҳаяжонланиб-ҳаяжонланиб, уч ойда жинни бўпқолувди. Буниси бир ойгаем бормайди шекилли?.. Нима, Йў-ў-ўқ, у ёфина ўйлаб қўйганман. Гугурт, пичоқ, болта – ҳаммасини бекитиб ташлаганман. Нима дединг? Вой, сенинг эрингни уже опкелишдими? Яна битта койка тайёрлаб қўй, жоним! Эрта-индин меникиям бориб қолади-ёв...

«ГУРУЧ» ОПЕРАЦИЯСИ

Сайд Аҳмад ака девзира гуруч таңлашга уста. Бир гал азза-базза Кўқон бозорига кириб, Чўн-фаранинг гуручидан харид қилдик: Сайд Аҳмад ака – ўттиз кило, мен ўттиз кило. Мезбонлар гуруч солинган қофоз қопларни вагонга чиқариб беришиди. Поезд жилганидан сўнг устоз билан алла-паллагача гурунглашиб ўтиридик. Кейин ухлаб қопман.

Бир маҳал ғалати шатир-шутур товушдан уйғониб кетдим. Қарасам, купе шифтида хира чироқ ёниб турибди. Сайд Аҳмад ака майкачан бўлиб ўриндиқقا ўтириб олган. Олдида иккита қоп. Менинг қопимдаги гуручдан ҳовучлаб-ҳовучлаб оладида, ўзининг қопига солади.

– Ҳорманг, устоз? – дедим. – Нима ҳаракат?

– Уйғондингми? – деди оқсоқол киройи меҳр билан. – Ухлайвер, болам, чарчагансан, ухлайвер.– Шундай деб юмушини бамайлихотир давом эттираверди. – Мен билан ишинг бўлмасин, – деди тушунтириб. – Шунаقا, ярим кечадан кейин эсим жиндай киарали-чиқарли бўлиб қолади. Нима қилаётганимни ўзим билмайман.

Ҳайрон бўлдим. Қарасам, гуручимнинг баракаси учиб кетяпти.

– Эсингиз киарали-чиқарли бўлса, нега ўзингизнинг гуручни менинг қопимга солмайсиз-да, меникини ўзингизнинг қопингизга соласиз?

Сайд Аҳмад ака хотиржам қараб қўйди.

– Унда сапсем жинни бўламан-ку, болам!

ЭНГ «АНИҚ» ЖАВОБ

Наврӯз – диний байрам, деган гап авж олган кезлар эди. Самарқандга бордик. Мезбонлар бизни Ургутга – Тўпхона деган жойга олиб боришиди. Одамлар ҳашар қилиб тоғ устида Наврӯз учун маҳсус қурган оромгоҳни кўрсатишиди...

Тушдан кейин Самарқанд давлат университетида учрашув бўлди. Саид Аҳмад ака негадир менга меҳрибонлик қилиб, «Аввал сен гапирасан», деб туриб олди. Бунақа ғамхўрлик тагида нима маъно ётганини кейин тушундим. Ёзма саволлар орасида «Наврӯз нега тақиқланди?» деган сўроқ бир неча марта такрорланган эди. Жавоб бермай қўя қолдим. Гапимни тугатай, деб турганимда бир киши ўрнидан туриб сўраб қолди.

– Битта савол жавобсиз қолди. Наврӯз байрамининг динга алоқаси йўқ. Нега шундоқ байрам бекор қилинди?

Нима дейман? Чиндан ҳам бу байрамнинг динга алоқаси йўқ, шу иш нотўғри қилинди, десам, зуфумли раҳбарлардан балога қоламан. Бу байрамнинг кераги йўқ, десам, виждонсизлик бўлади. Шумлик қилдим.

– Гап бундай, – дедим. – Орамизда кўпни кўрган устозимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ака ўтирибдилар. Бу саволга шу киши жавоб бермоқчилар.

Ёнига келиб ўтиришим билан Саид Аҳмад ака шивирлади:

– Ярамас! Шу саволга сени рўпара қилиш учун аввал сен гапиргин, дегандим.

У киши ҳам бошқа ҳамма саволларга жавоб берди-ю, Наврӯзга йўламади. Шунда бояги одам тағин ўрнидан турди.

– Домла, ҳалиги савол тағин жавобсиз қолди-ку?

Саид Аҳмад ака ясама жаҳл билан жеркиб берди:

– Нима, мен сенларга авлиёманми? Анави редактор билмаган нарсани мен қаёқдан билай? Жудаям билгинг келса, бугунги кунни дафтaringга ёзиб қўй. Бу саволингта икки йилдан кейин жавоб оласан!..

Чиндан ҳам шундай бўлди. Оқсоқолнинг гапига фаришталар омин деган экан. Мустақиллик шарофати билан Наврӯз тикланди.

НОТАВОН КҮНГИЛ

«Худо урган» бир танқидчи бўларди. Шунағанги «зўр» эдики, ўзбек адабиётида ҳаммага ёқсан асар пайдо бўлиши билан чангини чиқариб дўппосларди. Агар маҳаллий матбуотда унинг «фош қилувчи» мақолаларига жой беришмаса, Москва газеталарида «уриб чиқар»ди. Яна бир одати – ҳазил, ҳажв, юмор деганинг кўчасидан ўтмагани учунми, ерга ётқизиб қўйиб бир ҳафта қитиқласангиз ҳам ўшшайиб тураверар, кулгига тоқати йўқ эди. Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзголони», Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» ва яна талай суюкли асарларни «фош қилган» шу эди...

Хуллас, кунлардан бирида наҳорги ошга борадиган бўлдик. Саид Аҳмад акага мен «шўпирлик» қилдим. Буни қаранг, меҳмонлар шу тартибда ўтириб қолдики, Саид Аҳмад aka билан бояги «зўр» танқидчи бир лагандан ош ейдиган бўлди.

– Менга қаранглар! – деди Саид aka овозини баралла қўйиб. – Ҳеч замонда ит билан мушук бир товоқдан овқат еганини кўрганмисизлар? Кўрмаган бўлсаларинг, энди кўрасизлар!

Худди шуни кутиб тургандек, ош тортилди. Иккевларининг ўртасига лаган келтириб қўйишди. Танқидчи аланг-жаланг бўлиб қолди: қошиқ йўқ экан.

– Қашиқ борма? – деди танқидчи бўйини чўзиб.

– Қошиқни нима қиласан? – деди Саид Аҳмад aka. – Ҳамма қўли билан оляпти, сен ҳам ошалаб еявер-да, ё қўлингни ювмаганмисан?

– Йўқ, – деди танқидчи. – Қашиқ билан еса «гигиеничний» бўлади.

– Ҳой, болам, – деди Саид Аҳмад aka чой ташиб юрган йигитчага, – мана шу акангга битта қошиқ топиб кел. Чўмич бўлсаям майли!

Қошиқ келиб, танқидчи уч-тўрт луқма егунича
Саид Аҳмад ака сабр қилиб турди. Кейин сўради:

– Қалай?

– Зўр! – деди танқидчи фўлдираб.

– Биласанми, – деди Саид Аҳмад ака салмоқлаб. – Сен ош еётган қошиқ неча кишининг оғзига неча марта кириб-чиққанини билмайман-у, менинг қўлим ўзимдан бошқа ҳеч кимнинг оғзига кирмаган! Олавер, «гигиеничний», олавер!

«ДУОГЎЙ»

Саид Аҳмад ака бошчилигига бир гуруҳ адиллар олис тоғ қишлоғига бордик. Меҳмонга чақиришди. Уй тўла одам. Давра бошида тўрвадек соқоли кўксига тушган қария ўтирибди. Ҳамма унга таъзим бажо қиласди. Даврага ким келиб қўшилмасин чол узундан-узоқ дуо ўқийди. «Сен ҳам менинг ёшимга жетиб жургин, бачам», деб фотиҳа тортади.

Бир хил дуо такрорланавергач, Саид Аҳмад ака сўради:

– Неча ёшга чиқдингиз, тақсир?

– Менба? – деди чол салмоқлаб. – Иккам жетмишга бордим!

– Вой бў-ў-ў! – деди Саид Аҳмад ака бош чайқаб. – Агар сенинг дуойинг мустажоб бўлса, мен саккиз йил аввал ўлиб кетишим керак экан-да, укам? Мен етмиш олтига чиқдим! Турақол энди, жой алмашамиз!

«АҚЛИНГ ЕТМАГАН НАРСАГА АРАЛАШМА»

Жамики ижодкор қавмига теккан «касал»дан Саид Аҳмад ака ҳам бенасиб қолмаган: мақтовни яхши кўради. Жиндай танқид қилсангиз балога қоласиз! Устоз, бирон нарсаси газетада чиқиб қолса, дарров шогирдларига қўнфироқ қиласди:

– Хабаринг боми, бугун фалон газетда классик ҳикоя чиқди! Дарров ўқи!

Навбатдаги ҳикояси чиққан куни ҳам шундай қиласди.

— Ўқи, болам, ўқи! Ўзиям жа-а-а «обборганман». Бунақа асарни мендан бошқаси ёзолмайди.

Үқидим. Ҳикоя чиндан ҳам жуда таъсирчан эди, Сталин лагерларида азоб чекканлар қисмати бутун даҳшати билан тасвирланган... Ҳикояни ўқиб бўлмасимданоқ устоз тағин қўнфироқ қилди.

— Қалай, «оббориппанми?»

— «Обборишга обборипсиз-ку», бир жойида жиндай «қовун тушибди», — дедим ростини айтиб.

Сайд Аҳмад аканинг овози дарров ўзгарди.

— Сан ўзи, мани кўролмийсан. Ҳар нарсадан бир ишкал қидирасан.

— Бўғилманг, устоз, бўғилманг, — дедим ховридан тушириш учун. — Аммо китобга киритаётганда барабири ўша жойини тузатиш керак... Сиз тасвирлаган воқеа қишида бўлади. Тўғрими?

— Тўғри, — деди Сайд Аҳмад ака. — Қаҳратон қишида бўлган. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман.

— Ишонаман, оқсоқол, ишонаман. Шундай қилиб, қаҳратон қишида қамоқдаги баракка ўт кетади, тўғрими? Ноинсоф дежурний, юқоридан буйруқ бўлмагунча барак эшигини очмайман, менга деса ҳаммаси ёниб кетсин, дейди. Қанча одам жароҳатланади, заҳарланади, бир ўзбек йигит бечора куйиб ўлади, тўғрими?

— Тўғри, — деди устоз. — Маҳбуслар пайтавасини қуритиш учун печка устига илиб қўйган. Шундан ўт чиққан. Жезқазғоннинг қишини кўрмагансанда! Изгиринда ҳанграган эшак шамоллаб «васпалена лўкки» бўпқолади. Маҳбуслар пайтавасини қуритмаса, оёғи музлаб, тарашага айланади-ку!

— Бунисини тушундим, оқсоқол. Шундай қилиб, ўлган йигитни қорга обчиқиб ташлайдилар. Тўғрими? Эртасига музлаган ерни минг машаққат билан кавлаб гўр қазийдилар. Майитни кўмгач, буҳоролик икки аскар бола Қуръон тиловат қилади, тўғрими?

— Тўғри. Бизга ўхшаган маҳбуслар тиловат қилса, балога қоларди-да!

— Қуръон тиловат қилинаётганда осмонда учиб юрган түрфайлар қабристон устига келиб, муаллақ туриб қолади. Ҳатто сайрашни ҳам бас қилади, түгрими?

— Түғри. Шу... болам, түрфай жа ақлли қуш бўларкан-да!

— Шунаقا-ку, устоз, қаҳратон қиш бўлса, музни кўчириб, гўр кавланган бўлса, «эшакни васпалена лўкки» қиладиган совуқ бўлса, түрфайга бало борми?

Устоз бир лаҳза сукутга кетди. Чамаси, нима дейишни билмас эди. Аммо зум ўтмай телефондан зардали овози келди:

— Сан, ярамас, ақлинг етмаган нарсага аралашма, хўпми? Мани түрфайларим «зимний» түрфай! Ёзда кетиб, қишида келади, тушундингми? И вапше, бунаقا майда-чуйда гапларни кўтариб юрма, хўпми?

...Шундай дейишга деди-ку, ҳафта ўтмай ҳикоянинг ўша жойини қойилмақом қилиб тузатиб қўйди.

«ЯҚИН КЕЛМА!»

Избоскандаги учрашувдан кейин ўтириш бўлди. Андижонга қайтиб юрмасдан ўша ерда қоладиган бўлдик. Мезбонлар бизни меҳмонхонага кузатиб, қайтиб кетишли. Шунда аллакимдан Андижонга кетайлик, деган таклиф тушди. Вақт ярим кечадан ошган, машина йўқ.

— Хоҳласанг, машинани мен топаман! — деди Сайд Аҳмад ака.

Кўчага чиқдик. Бунаقا бетартибликларни унча ёқтирмайдиган Носир Фозилов — тажанг. (Носир аканинг сочи ҳам, ўзи ҳам, борингки, гапи ҳам сариқ. Тез жаҳзли чиқади. Аммо ниҳоятда ростгўй, дангалчи одам).

— Кўй, сариқ болам, хуноб бўлма, ҳозир йўлини қиламиз, — деди Сайд Аҳмад ака юпатиб.

Ниҳоят «Тез ёрдам» машинаси учради.

– Жон акалар! – деди ҳайдовчи эланиб. – Сизлар учун ҳар қанча хизматга тайёрман. Аммо бу «дежурний» машина. ГАИ тұхтатса, правамни олиб құяди.

– Ишинг бўлмасин! – деди Саид Аҳмад ака. – ГАИ тұхтатса ўзим гаплашаман. Сен Носир, бу ёққа ўтири, сен бу ёққа чиқ!

Ҳайдовчи билиб гапирган экан. Шаҳарга кираве-ришда чиндан ҳам машинани ГАИ тұхтатди.

– Ана, расво бўлдим! – деди ҳайдовчи йиғлам-сираб.

– Сен жим ўтири, мелиса билан ўзим гаплашаман, – Саид Аҳмад ака шундай деди-да, машина ёнига келаётган ёш лейтенантга пешвоз чиқди. Лей-тенант гап бошламасиданоқ тұхтатди.

– Яқин келма, жон укам, яқин келма! Жонингдан умидинг бўлса, яқин келма! Бола-чақанг бўлса ке-рак, яқин келма!

Лейтенант эсанкираб қолди. «Нима гап?» деб сўраган эди Саид Аҳмад ака тушунтириди:

– Бир укамиз сариқ бўпқолди. Ишонмасанг, ўзинг қараб кўр!

Лейтенант иккиланиброқ машина кажавасининг эшигини очди. Сапсариқ хира чироқ остида, сап-сариқ күшеткада хўмрайиб ўтирган сапсариқ Носир акани кўрдию, ўзини орқага ташлади.

– Вой-бўйў! Жудаям ўтиб кетганга ўхшайди! Тезроқ оборинглар!

«БЕМОР ПИЁЗ»

Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур дачасида кейинги йилларда Саид Аҳмад ака яшади. Бу – биринчи-дан. Иккинчидан, дача Ёзувчилар бофининг шундоқ кираверишида жойлашган. Учинчидан, Саид Аҳмад ака паловни «сайратиб» юборади. Чўнғаранинг гу-ручию, зайдун ёғидан қилинган ошни кўп адилар еган. Нега деганда устоз пиширган ошини ба-рибири битта ўзи емайди. Боққа дам олишга борган ёзувчилардан кўнгил яқинларини албатта чақириб чиқади.

Ошхўрлар ҳам жудаям ноинсоф эмас. Ошга ҳар ким баҳоли қудрат «ҳисса» қўшади. Бирор тўртагина сабзи, бирор Ёзувчилар боғининг ошхонасидан олиб чиқилган бир кафтгина туз, бирор бир қути гутурт дегандек... Қолган «арзимас» харажатлар – гўшт, ёғ, гуруч, ичимлик – Саид Аҳмад акадан.

...Кунларнинг бирида Эркин Воҳидов қўнфироқ қилиб қолди.

– Юринг, оқсоқолнинг дачасига бориб, пиёздан хабар олиб келамиз.

– Қанақа пиёз? – деган эдим, тушунтириди.

Эркин ака устознинг дачасига ошга солиш учун нақ олтита пиёз олиб борган экан. Пиёз бўлгандаям унақа-бунақаси эмас. Олтиариқнинг пиёзи!

Эркин Воҳидов, Раҳматулла Иноғомов, мен – узун-қисқа бўлиб кириб бордик. Пиёздан хабар олгани келганимизни айтдик. Устоз пешонаси тиришиброқ ош дамлади. Маълум бўлишича, бу Эркин ака билан Раҳматулла аканинг тўртинчими-бешинчи марта «пиёздан хабар олиши» экан.

Мен ҳам мазахўрак бўлиб қолдим. Текин ош кимга ёқмайди! Келаси шанба Эркин Воҳидовга қўнфироқ қилдим.

– Пиёздан хабар олиб келмаймизми?

– Иложи йўқ, – деди Эркин ака, – «пиёз операцияси» барбод бўлди!

Кейин воқеани тушунтириди. Эрталаб кўчага чиқса, дарвоза олдида чиройли лента билан ўралган қофоз қути турган эмиш. Эркин ака қутини очса, қат-қат қофоз орасидан битта буришиб кетган пиёз, ёнида конвертга солинган хат чиқибди. Хатда шундай сўзлар ёзилган экан: «Эркин, болам, пиёзинг уйимга кетаман деб харҳаша қилавериб юрагимни сиқиб юборди. Сени қаттиқ соғинибди. Ичикиб, касал бўлиб қолди. Хафа бўлма, уч-тўрт кун табибга қаратсанг, ўзига келиб қолади. Сен пиёзингни яхшилаб даволатиб тур. Келаси ҳафта ўттиз-қирқ киши кўргани борамиз».

– Энди нима қиласиз? – десам, Эркин Воҳидов топган чорасини айтди.

– Ҳозир оқсоқолга қўнфироқ қилмоқчи бўлиб турвудим. «Пиёзнинг дарди оғир экан, шўрлик ўлиб қолди», деб қўя қоламан.

– Эсингиз жойидами? – дедим капалагим учиб.– Оқсоқол пиёзингнинг таъзиясига келдик, деб юз кишини бошлаб келса нима қиласиз?

– Буёғи ҳам бор, – деди Эркин ака ўйланиб.– Майли, бир йўлинни қиларман.

Уч кундан кейин Сайд Аҳмад акага Эркин Воҳидовдан хат борибди. Хатда шундай сўзлар битилган экан.

«Устоз! Пиёзимни шунча боққанингиз учун раҳмат. Икки кунда оёққа туриб кетди, келиб овора бўлиб юрманглар. «Ёшлик – бебошлиқ» деб шуни айтади-да! Ҳайронман, тенгини топибдими, битта пиёз билан Олтиариққа қочиб кетди!»

БЕХИ

Намангандик шоир Ҳабиб Саъдулла билан ишхонада суҳбатлашиб ўтирсак, Сайд Аҳмад ака қўнфироқ қилиб қолди. Ҳабибжон келганини эшитиб, боғига таклиф қилди.

– Бир соатда етиб келларинг, ош дамлаб қўяман.

Борсак, чиндан ҳам ош дамланган экан.

– Беҳиям солдим, – деди устоз мақтаниб. – Есанг, оғзингда эриб кетади! Жонивор ўзиям бошини еб мева солди-да, бу йил!

Дачада беҳи борлиги эсимга тушиб, гапни айлантирдим.

– Қоронғи тушиб қолаяпти, кеч қолсам уйдагилар хавотир олмасмикан.

Сайд Аҳмад ака жўяли маслаҳат берди:

– Ана телефон! Қўнфироқ қил, меникида ўтирганингни айт. Ош бўляяпти де.

– Тўғри-ку, – дедим «маъюс тортиб». – Уйдагилар сизнинг боғ ҳовлингизда ўтирганимизга ишонади. Ош бўлаётганигаям ишонади. Аммо устоз ошга

беки солибдилар, дачадаги беки «бошини еб» мева қипти, десам барибир ишонмайды-да!

— Оббо, ҳар келганингда бир нима юлиб кетмасанг, күнглинг жойига тушмайды-а! — Саид Аҳмад ака шундай деб, ўрнидан турди. Аллақаердан елим халта топиб чиқди. — Сен Ҳабиб билан чой ичиб ўтиргин, хўпми? — деди боғ томон юриб. — Қороиги тушмасдан сенга ўзим беки узиб бераман.

Бунақа «меҳрибончилик» бежиз эмаслигини билib, секин кетидан бордим. Қарасам, битта бекини шохдан узаяпти-да, иккитасини ердан олиб қопчиқقا солаяпти. Ириганроқ, заха еганроқ...

— Устоз! — дедим икки қўлимни кўксимга қўйиб. — Одамни унақа хижолат қилманг, устоз! Шу беки савилни ўзим узақолай, устоз!

Саид Аҳмад ака кескин бош чайқади:

— Йў-йў-йў, сан уринма! Менинг қўлим чанг бўлишга бўлди. Қара, кўйлагинг оппоққина экан!

— Сизнинг табаррук қўлингиз чанг бўлгунча менинг кўйлагим йиртилиб дабдала бўпкетгани яши масми! — дедиму, энг сархил бекиларни узиб халтага солавердим.

Қопчиқ тўлаверган сайин оқсоқолнинг пешанаси тиришиб кетаётганини кўриб, гапни чалфитдим.

— Устоз! Анави тепа шохдаги бекини қаранг! Нақ Носир Фозиловнинг калласидек келади-я! Нарвон қаёқда эди?

— Сан тополмайсан, ўзим обкеламан! — Саид Аҳмад ака шаҳдам қадамлар билан нари кетди.

Шохга тармашиб, тағин уч-тўртта беки узган эдим, ёнбош томондан устознинг овози келди:

— Жа-а-а қийналиб кетдинг-а, болам?

Мундай қарасам, Саид Аҳмад ака занглаб кетган каттакон аррани қўлтиқлаб турибди.

— Ушла! — деди арранинг бир дастасини менга узатиб. — Бир томондан сен торт. Бир томондан мен тортай... Сенам қутуласан, менам қутуламан, бекиям қутулади!

«ЗИЁФАТ» ОПЕРАЦИЯСИ

Арзимаган баҳонада зиёфат қиласам, шу масалада Эркин Воҳидовга маслаҳат солмасам, олам-гулистон эди. Ўйлаб қарасам, биринчи ҳикоям чиққанига қирқ йил бўпти. Шуни дўст-биродарлар билан нишонлагим келди.

– Ие, бу тарихий воқеа-ку! – деди Эркин ака қувониб. – Бунаقا байрамни нишонламаса гуноҳ бўлади! Банкетни қайси ресторонда қилмоқчисиз?

– Ҳайронман, – дедим иккиланиб. – Уйда йифилиб қўя қолсакмикин...

– Жуда тўғри! – деди Эркин ака маъқуллаб. – Аммо бир нарсани олдиндан айтиб қўяй. Сиз ўзингизни ортиқча уринтирманг, хўпми? Бир хилларга ўхшаб иккита қўй сўйиш зарилми? Битта бўлса етади! Жудаям катта қўчкор бўлишиям шартмас. Ҳа, боринг ана эллик килоли бўлақолсин. Тоғ кўкатларини еган қора қўчкорнинг кабоби бошқача бўлади. Зомин тоғими, Нуротами, майли-да...

Қўй сўйиш деган гап хаёлимдаем йўқ эди. Шуни айтай деб, энди оғиз жуфтлаган эдим, Эркин ака янаем меҳрибонроқ оҳангда давом этди.

– Сиз қийналманг, дейман-да! Баъзиларга ҳайронман. Закуска – яъни газакка қази-қарта, курка гўшти, каклик гўшти, тандир кабоб, қоқланган қизил балиқ, немис пишлиғи, Гуржистон бринзаси, ликлиқ холодец, мариновка қилинган қўзиқорин, криветка – булар-ку майли, дастурхоннинг кўрки... Устига-устак икки хил икра бало борми? Ҳам қора, ҳам қизил икра! Сиз биттасини олинг тамом. Узоқ Шарқнинг қизил икраси бор. Осетрина балифиники. Ҳар биттаси анор донасидек келади. Ўшандан биттагина банкасини оласиз. Чиройли тунука банка. Беш килолиги бор, уч килолиги бор. Сиз ўзингизни қийнаманг, уч килолигидан ола-веринг!

Ичимдан узундан-узоқ хўрсиниқ келди. Гапирай десам овозим чиқмайди. Эркин ака шавқ-завқ билан давом этяпти:

— Хў-ўш, таом масаласи, яъни меню. Баъзан қуда чақириқقا борасиз, банкетга, юбилейга борасиз... Истрофгарчиликни кўриб, ҳайрон қоласиз. Бир эмас, ўн беш хил овқат тортади-ей! Сиз ўн икки хил овқат қилсангиз кифоя. Биринчисига бедана шўрва, Қўқоннинг «кўза шўрvasи». Кейин ҳўл норин, иссиққина ҳасип, сомса... Айтмоқчи, сомса масаласи... Одамлар аллақандай алмойи-алжойи рекламалар ўйлаб топади. Бир куни кўчада кетаётсак, «Сомсанинг додаси» деб ёзиб қўйибди. Буниси «сомсанинг додаси» бўлса, «онаси» қаёқда деб сўрайдиган одам йўқ. Ўзимизнинг пармуда сомсадан буюраверинг. Сиз қийналманг, дейман-да! Шашлик, яъни кабоб икки хил бўлса етади. Жазли кабоб билан қийма кабоб. Жа, кўнглингиз бўлмаса, думба-жигар ҳам тортиб қўя қоларсиз. Ундан кейин янгича таом удум бўлган. Арабча қовурдоқ дегани. Беш ойлик тўқли-қўзичноқнинг миён қовурғасидан қилинади. Устига қаймоқ солинган француз котлети ҳам лаззатли таом... Табака масаласи. «Буш оёғи» деган гапни эшигтанмисиз? Ҳозирги Буш эмас, унинг отаси президент бўлган замонда американклар дори билан боқилган товуқ еявериб, семириб кетган. Борганингизда ўзингиз ҳам кўрган бўлишингиз керак. Шунинг учун табакани товуқдан қилманг. Ўрмончи Мансурхўжага айтсангиз, ўн-ўн бешта қирғовул оттириб қўяди. Қирғовулнинг табакаси бошқача бўлади... Охирида ош тортасиз. Асаканинг Чўнтағидаги чойхоначидан илтимос қилсангиз, девзирадан қулинг ўргилсин, ош дамлайди.

Оғзим машинаси ўғирлаб кетилган гаражнинг дарвозасидек ланг очилиб қолган бўлса керак, Эркин aka қўзимга хавотирланиброқ тикилди.

— Ёзиб оляпсизми? Эсингиздан чиқмайдими?

— Чиқмайди, — дедим хўрсиниб. — Бунаقا гапларни унугиб бўларканми? Минг раҳмат сизга! Мунча меҳрибонсиз?!

— Сиз қийналманг дейман-да! Меҳмонлар неча киши ўзи? Ўнтами? Биласиз, мен ичмайман. Аммо дастурхонда анави сабил турмасаям бўлмайди. Бир

яшик тоза ароқ. Франциянинг бир яшик коњьяги бемалол етади. Ҳа, айтмоқчи, Голландиянинг «Хайнекен» деган пивоси бор. Ушандан бир қутигина олсангиз, бошқа нарса керакмас.

Мева-чева bemalol! Xандон писта, бодом, нўхат, майиз... Оқ кишмиш сал камёброқ. Космонавтлар ейди. Эски жўвадаги Мирваққос баққолга менинг номимдан илтимос қилсангиз уч-тўрт кило топиб беради. Олма, анор, нок, узум ўзимизнинг мевалар. Бозорда нима кўп, банан кўп. Ортиқча уриниб юрманг-да, жон бошига бир шодадан банан, икки кишига биттадан ананас олсангиз, етмоқ тугул етади. Қайси куни бир зиёфатга борсак, дастурхонга қулупнай тортибди. Ҳали ўзимизнинг қулупнай чиқмаган, тўғрими? Худо билсин Хитойдан олиб келганми, Эронданми? Сувда маза бор, унда маза йўқ. Сиз ўзингизни уринтириб юрманг-да, гилос билан шафтоли олинг! Бангладешданми, Малайзияданми, бир тоғора шафтоли, бир тоғора гилос келтирсангиз, олам жаҳон бўп кетади.

– Эркин ака, – дедим йиғламоқдан бери бўлиб, – меҳмонлар тарқаётганда, елкасига тўн ҳам ёпайми?

– Ана шуниси шартмас. Ҳечам шартмас! Бу одатни ким ўйлаб топган ўзи? Қаёққа борсанг тўн беради. Ҳамманинг уйида сандиқ-сандиқ тўн! Сиз бундай қилинг! Меҳмонларнинг ўлчовини сўраб олинг-да, биттадан костюм-шим олиб қўяқолинг. Биласиз, «Версачи» деган машҳур фирмаси бор. Ўшанинг костюми ҳам чиройли, ҳам модний бўлади. «Оптовой»дан олсангиз, 400 доллардан беради.

– Бир нарса сўрасам майлими? – дедим ўпкам тўлиб. – Мабодо биттагина вертолёт олиб меҳмонларни уй-уйларига вертолётда обориб қўйсам нима дейсиз?

– Керакмас! – деди Эркин ака бош чайқаб. – Биринчидан, вертолёт ҳайдашга учувчи керак, иккинчидан, ҳеч кимнинг уйида вертолёт қўнадиган майдон йўқ. Биттагина «Дамас» олсангиз бўлди. Сиқилишиброқ ўтиrsa ҳамма сифади. Шўпирликни ўз зиммамга оламан. Меҳмонларни уй-уйларига

обориб қўяман-да, машина меникида қолаверади.
Сиз қийналманг, дейман-да!

— Мабодо, — дедим ўпкам тўлиб. — Мабодо зиёфатдан беш-ўн сўм ортиб қолса, ўшанга арқон берармикин?

— Беради! Албатта беради. Нима кўп — хўжалик дўкони кўп. Арқоннинг пишиғидан олинг. Йиғичка бўлсину, пишиқ бўлсин. Ундан кейин жудаям узун бўлиши шарт эмас. Бўлмаса одамнинг оёғи ерга тегиб қолиши мумкин. Сиз қийналманг, дейман-а! Аммо бу ишни жиндак кечиктириб турасиз. Асарингиз чиққанини яна беш-ўн марта нишонласангиз, арқонни меҳмонларнинг ўзи олиб боради.

...Шундай бўлди. Ҳаётимдаги «тарихий воқеа»ни зўр «тантана» билан нишонладик. «Чархпалак» ошхонасида. Эркин Воҳидов, ИброҳимFaфуров, мен — учовлашиб бир косадан лағмон едик. Ёлғон бўлмасин, бир шишадан пиво ҳам ичдик. Ўзимизнинг «Қибрай» пивоси.

ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

(Эркин Воҳидов эллик ёшга тўлишига багишилаб Тошкент давлат университети талабалари билан ўтказилган учрашувда сўзланган нутқ)

Эркин Воҳидов университетни энди битирган пайтидаёқ таниқли шоир эди. Ўзингиз биласиз, олий ўқув юртини битирган одам олдида уйланиш муаммоси кўндаланг бўлади. Шу масала юзасидан Эркин aka Сайд Аҳмад акага маслаҳат солибди.

— Оқсоқол, — дебди. — Хабарингиз бор, биринкита китобим чиқди. Уч минг сўмча пулим ҳам бор. Лекин қайси бирига етказишин билмаяпман. Машина олайми, уй солайми, хотин олайми? Машина олсам, уй сололмайман, уй солсам, уйланолмайман, уйлансам, машинага пул қолмайди... Нима қиласай?

Сайд Аҳмад aka пешанасини Рашид абзининг гармонидай тириштириб, чуқур ва узоқ ўйга толибди. Охири чеҳраси ёришиб бундай дебди:

— Болам, мен хўп ўйладим. Ҳисоблаб кўрсам, уч минг сўм пулинг ҳаммасига етаркан. Маслаҳат шуки, сен автобус сотиб олгин! Автобус дегани машина бўлади. Рулини қаёққа бурсанг кетаверади. Бу – биринчидан. Автобуснинг ичи кенг-мўл бўлади. Кўч-кўронингни олиб кирсанг тайёр уй бўлади. Бу – иккинчидан. Учинчидан, ростки автобус бўлганидан кейин ичидаги кондуктори ҳам бўлади. Ўша кондукторни хотин қилиб олиб қўя қоласан!..

«ПАМИЛДОРИ» ОПЕРАЦИЯСИ

Ўғлимнинг тўйи куни саҳарлаб дарвоза олдида машина тўхтади. Чиқсам, Озод Шарафиддинов «Волга»нинг чап эшигини очиб, рулда ўтирибди.

— Дачадан келаяпман, — деди домла. — Қани, дарров капотни очинг.

Юкхонани очсам, икки пақир памилдори турибди.

— Ўз қўлим билан тердим, — деди Озод ака тантанавор оҳангда. — Идишларни тез бўшатинг-да, қофозкалам олиб чиқинг!

Қофоз олиб чиққан эдим, буюрди:

— Ёзинг! «Тилхат. Менким, ушбу ҳужжатга имзо чекувчи фалончи шуни зътироф этаманки, Озод Шарафиддинов тўйимизни жамики сабзавот маҳсулотлари билан тўла таъминлади». Ёздингизми? Энди қўл қўйинг!

Табиийки, бу гап ўша заҳоти тўйхонага тарқалди. «Памилдори» операцияси пишишиб қўйилди. Эрталабки ош дастурхонига памилдори ҳам тортилди. Домла ёнимда турган эди, маҳалла оқсоқолларидан бири келиб, у киши билан қўш-қўллаб кўришди.

— Ўғлим, — деди менга қараб, — ошинг яхши бўптию, аммо памилдориси, айниқса, зўр экан-да! Экканинг қўли дард кўрмасин!

Озод ака мамнун томоқ қириб қўйди.

Зум ўтмай иккинчи одам келди.

— Илоё ёшлар бахтли бўлсин! — деди қироат билан. — Дастурхон хў-ў-ўп тўкин бўптида, укам.

Раҳмат! Айниқса, памилдорини айтгин! Асал-а, асал!
Ишонсанг, мен ош еганим йўқ, нуқул памилдори
едим!

Озод ака камтарона ерга қараб турибди.

Қариндошлардан бири памилдорини мақтаб-мақтаб,
жиндай танқид қилиб ҳам ўтди:

– Памилдори хўп яхши пишибди-ю, сал майдароқ эканми? Олхўри деб ўйлапман.

Шу пайт Эркин Воҳидов келиб қолди.

– Ўткиржон! – деди гапни узоқдан бошлаб. –
Ёзда тўй қилишнинг шуниси яхши-да. Қовун-тар-
вуз мўл, мева-чева кўп... Манови олчанинг чиройли
пишганини қаранг, деб, тўрттагинасини кафтигга
олиб еб кўрсам, данаги йўқ! Қарасам, памилдори
екан! Қаёқдан топдингиз бунақасини?

Зимдан қарасам, Озод аканинг қовоғи тушиб ке-
таяпти.

Сайд Аҳмад ака узоқдан мени койиб келаверди.

– Сенга қачон ақл киради, а? Янгилик яратаман
деб, ҳар балони ўйлаб топаверасанми? Ош дастур-
хонига итузум қўйиш қаёқдан чиқди! Қаёққа қараса
талинка-талинка итузум!

Озод ака бунисига чидай олмади.

– Чўрт побери! – деди қўл силтаб. – Мен тўйга
памилдори эмас, тариқ обкелганман! Бўлдими! Қу-
тулдимми энди?!

ЎЗБЕКНИНГ СОДДАСИ

Тошкент дорилфунунининг домласи Баҳодир Фу-
ломов боладек беғубор, содда одам эди, раҳматли.
Сафарга чиқадими, ўтиришга келадими, деярли ҳар
гал навбатдаги «шумлик»нинг «қурбони» бўлиб, ё
чойхона паловга, ё зиёфатга «тушар», «тушмагани-
га» қўймас эдик.

...Боботоғда, арча тагида давра қуриб ўтирибмиз.
Баҳодир ака «тандир» пишгунча «жиндек мизғиб
олиши» учун ёнбошлади ю, пинакка кетди. Кейин
мотори яхшилаб созланган машинадек бир текис,
осойишта хуррак ота бошлади. Қарасак, пиджаги-

нинг ич чўнтағидан паспорти кўрпачага тушиб қолибди. Табийки, паспортни «ўғирладик».

Озод Шарафиддинов «текширув» операциясини ишлаб чиқди. Бизни тоққа олиб чиқсан «РАФ» машинасида мезбонлардан бири азза-базза пастга тушиб, бўлажак ҳангомани пишитиб чиқди.

Тандир кабоб пишганда домла ҳам уйғонди. Ейилди, ичилди. Кечга томон шариллатиб жала қуиб берди. Машина сирғалиб-сирғалиб амаллаб, пастга тушиб олди. Ҳамон момақалдироқ гумбурлайди, ёмғир челаклаб қуиб турибди. Бийдек даланинг қоқ ўртасида бир милиционер машинани тўхтатди. «РАФ»га чиқиб совуқдан тишлари такиллаганча гапирди:

– Кечирасизлар, ҳужжатларингизни кўрсатинглар!

Жаҳлимиз чиқсан бўлиб, паспортларимизни кўрсата бошладик.

Баҳодир ака типирчилаб қолди.

– Бошпуртим йўқ-ку! – деди хавотирланиб. – Ҳалигина ёнимда эди.

Худди шу пайт милиционер йигит домланинг яқинига келди.

– Марҳамат, сизнинг ҳужжатингиз!

– Ҳалигина бор эди, – деди Баҳодир ака аланглаб. – Мана, булар гувоҳ, бошпуртим бор эди.

– Нима гап ўзи, чўрт побери? – деди Озод ака аччиқланган бўлиб.

– Хавфли жиноятчи тоққа қочган, деган хабар бор. – Милиционер йигит Баҳодир акага қараб қўйиб давом этди. – Ўзи кексароқ, кўзойнак тақиб юради, тилла тиши бор, дейишган.

– Вой, бу мени айтяпти шекилли. – Домла бутунлай эсанкираб қолди. Яйловнинг қоқ ўртасида милиционер нима қиласди, нега энди машинани текшириши керак, деган гап хаёлига ҳам келмади.

– Мен жиноятчи эмасман, укажон, – деди ялиниб. – Олимман, Тошкентдан келганмиз. Мана, ҳаммалари гувоҳ.

— Мен бу одамни танимайман! — деди Озод ака жиддий қиёфада. — Ҳозир, йўлдан машинага чиқди.

— Вой, домла, эсингизни едингизми? — Баҳодир ака ҳаммамизга жавдираб қаради. — Унақа ҳазил қилманглар. Мени ҳаммаси танийди.

Биз ҳам Баҳодир акани «танимадик».

— Пастга тушишингизга тўғри келади. — Милиционер кулиб юбормаслик учун тескари қаради.

Домла хўп ялинганидан кейин уни «кафилликка» оладиган бўлдик. Эвазига битта зиёфат қилинадиган бўлди.

Милиционер шофёр ёнига ўтириб уф тортди.

— Қойил-е, икки соатдан бери кутаман-а! Ҳаммаёфим шилтаи шалаббо бўлди-ку!

— Нима деяпти? — сўради Баҳодир ака овозини пасайтириб.

— Жим! — дедим лабимни тишлаб. — Жаҳли чиқиб турибди. Мелиса билан ҳазиллашиб бўладими? Омон қолганингизга қувонмайсизми?

— Рост айтасиз. Қуруқ тухматдан асрасин! — Баҳодир ака қунушиб ўтириб олганича шаҳарга киргунимизча бир оғиз ҳам гапирмади.

Эртасига домланинг паспортини «стопиб», суюнчисига яна битта ош қарздор қилдик.

* * *

Қоракўлга борадиган бўлдик. Озод ака, Баҳодир ака, Абдуғафур Расулов, Бегали Қосимов поездга ўтириб жўнадик. Бир маҳал, тонг палласида проводник купе эшигини тақиллатди.

— Жон акалар, — деди ялиниб. — Вагон йўлагида югуриб юрган одам сизларнинг шеригингизми? Айтинглар, бир соатдан бери у ёқдан-бу ёқса чопади. Қийналиб кетди-ку бечора... Устига-устак хотинхалаж ювингани ўтишга қийналаяпти.

Норозилик билан тўнфиллаб ўрнимиздан туришга мажбур бўлдик.

— Бирон нарсасини ўғирлаб қўйинг, иккинчи саҳарлаб ҳаммани безовта қилмайдиган бўлади, — деди Озод ака.

Баҳодир аканинг яп-янги дўпписи вагон токчасида ётган экан. Олиб портфелимга солиб қўйдим. Домла терлаб-пишиб кириб келди.

— Ҳа, дангасалар, турдингларми? — деди илжайиб.

Қоракўл станциясида поезд икки дақиқа тўхтар экан. Ҳаммамиз тушиб кетяпмизу, Баҳодир ака нуқул тимирскиланади. «Нима бўлди», десак, «дўппим бор эди, тополмаяпман», деди.

Озод ака жеркиб берди.

— Қанақа одамсиз ўзи, сизнинг дўппингиз деб поезд тўхтаб туармиди? Бўлинг тезроқ!

Пастга тушишимиз билан Ozod ака жуда жиддий қилиб гап бошлади.

— Бу томонларда менингит касали тарқаган дейишиди, эҳтиёт бўб юринглар.

— Менингит нимадан бўлади? — сўради Абдуфафур ака «соддалик» билан.

— Нимадан бўларди, шамоллашдан-да!

— Энг кераклиги бош-да, — деди Бегали фалсафий оҳангда.

— Менингитга йўлиқкан одам уч кунда ўлади,— Ozod ака қаттиқ тайинлади. — Айниқса, бошни эҳтиёт қилинглар!

Баҳодир ака секин ёнимга келди.

— Уткиржон, — деди, — мабодо биронта ортиқча дўппингиз йўқми?

— Ортиқчаси йўқ-ку, ўзимники бор. Сизга кичкина келармикин дейман...

— Майли, вақтинчага бўлсаям, — деб домла энди гап бошлиши билан Ozod ака мени уришиб берди.

— Бош кийимни бирорга бериб бўлмайди. Тем более, сафарда юрганда.

Кимдир бояги гапни давом эттирди.

— Уч кунда дейсиз-ку, одам бир кунда ўлиши ҳам мумкин.

— Албатта, ҳар кимнинг организми ҳар хил-да...

Баҳодир ака ялинишга тушди.

— Хўп десангиз дўппингизни сотиб олардим, укажон.

Оғринган киши бўлиб портфелимни очдим.

— Йигирма беш сўмга олувдим, — дедим икки-
ланиброқ.

— Ўттиз сўм! — Озод ака гапни кесди. — Бу ёқ-
ларда дўппи қиммат.

Ўттиз сўмга «бор-барака» қилдик. Пул менга,
дўппи Баҳодир акага ўтди.

— Ие ўзимники шекилли? — домла юпқа кўз-
ойнагини тақиб дўппига узоқ термулиб қолди.

Озод аканинг «жаҳли» чиқиб кетди:

— Беринг, пулинни қайтариб беринг! Бир одам ўз
ҳаётини хавф остида қолдириб яхшилик қилсаю, бу
киши...

— Йўқ, йў-ўқ! — Баҳодир ака дўппини маҳкам
чанглаб олди. Бошига кийиб мамнун жилмайди.— Тўғри айтибсиз, сал кичкинароқ экан. Майли,
бўлаверади. — Дўппини ечиб яна томоша қилди. —
Қаранг, сизнигини гули ҳам бошқачароқ экан.

Мени ранжиди, деб ўйлади шекилли, кўнглимни
кўтарди:

— Хафа бўлманг, укажон, эрталаб йўлакка чиқиб
кетаётганимда купе эшиги олдида афти хунукроқ
бир одам турганди. Меникини ўша ўғирлаган. Тош-
кентга борсак сизга ўзим яхши дўппи олиб бераман.
Раҳмат, укажон!

* * *

Оҳангарондан қирқ чақиримча нарида, тоғ тепа-
сида Арашон бува деган булоқ бор. У пайтларда
Арашон бувага машина бормас эди. Беш-олти отлиқ
йўлга тушдик. Келинчак деган жойда фаргоналик
чорвадорларнинг ўтовида тунаб қолдик. Аллама-
ҳалгача гурунглашиб ўтирдик. Баҳодир ака эса
ўтовнинг бир чеккасида маза қилиб уйқуни уриб
ётибди. Ора-сира ўртачароқ хуррак ҳам тортиб
кўяди.

— Чўрт побери, ҳозир уйқуни уради-да, сўфитўр-
фай уйғонмасдан туриб олиб ҳаммани безовта
қилади,— деди Озод ака. — Бир иш қилмаймизми?

Эрталаб бажарилиши керак бўлган «операция» пишитилди. Унга иштирок этишга ўтов эгаси – Чимирвой акани ҳам кўндирилди.

Эрталабки чой устида Чимирвой ака салмоқлаб гап бошлади:

– Меҳмонлар, сизларни кўриб бошимиз осмонга етди. Қанийди, сиздек улуг одамлар ҳар куни келса... Кўриб турибсизлар, бизда гўшт кўп. Сўрасангиз ўзимиз берамиз. Ўғирлаш шарт эмас. Тоғликлар қўли эгри одамни ёмон кўради.

– Нима, ҳали сиз бизни ўғри гумон қиляпсизми? – деб ўрнимиздан туриб кетдик.

Чимирвой ака қулиб юбормаслик учун ўзини зўрға тутиб давом этди:

– Биламан, сизлар таниқли одамсизлар. Бирингиз олим, бирингиз ёзувчи... Шундоқ бўлганидан кейин сўрасангизлар ўзимиз...

– Э, оч чамадонингни! – Озод ака баҳириб юборди. – Ҳамманг оч!

Ўзи биринчи бўлиб портфелини очиб ичидаги нарсаларни тўкиб ташлади. Сочиқ, тиш чўтка, балобаттарлар ҳар ёққа сочилиб кетди. Кейин Умарали ака, Абдуғафур ака, Бегали, мен жаҳл билан портфелимизни тўкиб кўрсатдик. Баҳодир ака каттакон портфелини шахт билан очиб бир силтаган эди, ичидан эски газетага наридан-бери ўралган тўртта каттакон пишган гўшт бўлаги лоп этиб ерга тушди. (Кечаси ўзимиз солиб қўйган гўштлар.)

– Ие? Вой? Во-о-ой! – Баҳодир ака турган жойида тахта бўлиб қолди. Юпқа кўзойнаги ортидан ҳаммамизга жовдираб қарайди.

Чимирвой ака «ана» дедиую, уёфини гапирса кулиб юборишини билиб ўтовдан қочиб чиқиб кетди.

– Кўрдингизми, мезбон сизнинг қилифингизга чидолмай қочиб кетди!

– Шунинг учун ҳаммадан олдин туаркансиз-да!
– Сиз бизни шарманда қилдингиз!
– Ўғри деган ном орттиридик!

Ҳамма ёқдан талаб ташладик, «айбини» бўйнига қўйдик. Баҳодир ака минбаъд бошқалардан аввал

үйғонмасликка, Тошкентга борганидан кейин битта чойхона палов қилишга вайда бериб аранг қутылди.

...Тилла одам эди Баҳодир Гуломов!

Охирати обод бўлсин!

ҚУРУТ

(Бекатдаги савдо)

- Қурутингиз қанчадан, буви?
- Нима? Қулоғим оғир, балам, қаттиқроқ гапир!
- Қурутингиз неча пул?
- Донаси юз сўм.
- Ие, нега бунча қиммат?
- Доллар ошди, балам, доллар ошди!

ИШ БИЛГАНДАН ГАП БИЛГИН

(Баъзи ёшларга мойдек ёқадиган ҳангома)

Тиқилинч троллейбусда кетаётган кампир ўринидикда мудраб ўтирган йигитчага ялинди:

– Мен бирпас ўтирай, жон болам. Оёқларим қақшаб кетаяпти.

Йигитча кўзини ярим очиб сўради:

– Ёшлигингида ўзингиздан катталарга жой берганмисиз, бувижон?

– Албатта, – деди кампир инқиллаб. – Ёши улуғларни кўрсам, дарров жой бўшатиб, тик туриб кетаверардим!

Йигитча кўзини қайта юмиб олди.

– Оёғингиз шунинг учун оғрийди-да, буви!

«МУХЛИС»

Бозорга кирдим. Олма олмоқчи эдим.

– Икки минг сўм, домла. Сизга икки минг сўм! – деди сотувчи йигит шанфиллаб.

– Бошқаларга-чи? – десам

– Бошқаларга бир ярим минг, – дейди.

Ҳайрон бўлдим.

– Нечук бизга бунча меҳрибонлик?

— Сизники таварук-да, домла! — деди илжайиб. — Уйдагиларга мақтанаман. Яхши күрган ёзувчим бир ярим минг сўмлик олмани икки мингдан олдилар дейман.

— Шунақами? — дедим кулиб. — Бўпти, икки кило тортинг!

Сотувчи икки кило олмани танлаб-танлаб елим халтага солиб берди. Қўлига минг сўм берган эдим, ҳайрон бўлди.

— Кам-ку, домла?

— Мен ҳам уйдагиларга мақтанаман. Бозорда зўр мухлисим бор экан, бир ярим минг сўмлик олмани менга минг сўмдан сотди, дейман.

— Домлажон... — бу сафар сотувчининг овози ялиниброқ чиқди. — Келинг, эл қатори бўлақолсин.

ШАМОЛ ЭСАВЕРАДИ

Сезганимисиз... Эрта баҳор пайтлари, сүнгти қорлар эриб биттәч, ер юзида қадимий, сокин жонланыш бошланади. Күпчиб ётган далалар узра дилни орзиқтирувчи алланечук қадрдон бир ис – тупроқ ҳиди парвоз этади. Олма дараҳтларининг тагида бултурги хазонни у ер-бу еридан тешиб чиқсан нозик майсалар кўриниб қолади. Ариқлар бўйида мунис бинафшалар кўз очади. Осмон тиниқлашиб, укпар булатлар билан артиб тозалангандай мовий тусга киради. Туш кезлари офтоб елкани қиздиради. Илик, оромбахш шабада эсиб, дараҳтларнинг сочидан тортқилаб уйфота бошлайди. Оқшомлари бошингиз устида сассиз-садосиз учиб ўтган кўршапалакларни кўриб қоласиз. Деворлар орқасида, томлар устида кечаси билан мушуклар миёвлаб чиқади...

Кексаларнинг айтишича, бундай пайтларда бирон-бир тепаликнинг устига чиқиб, жимгина қулоқ солиб ётсангиз, ернинг нафасини эшитармишсиз. Чиндан ҳам бутун борлиқ эндигина туғилаётган майсаларнинг сирли шивир-шивирига тўлади, ер азamat кўксини тўлдириб, чуқур-чуқур нафас ола бошлайди.

Боғишамол қишлоғида қиши ҳам, баҳор ҳам Хирмонтепадан бошланади. Биринчи қор мана шу тепа бошига ёғади, биринчи майсалар ҳам Хирмонтепа бағрида кўкаради...

Қишлоқнинг қоқ ўртасида қад кўтарган тепалик қорини силкитиб ташлаганига бир ҳафтадан ошди.

Кўклам кирди. Кишини олис уфқларга парвоз этишга чорловчи тонглар, энди балофатга етиб, гўзалликни ҳис эта бошлаган қизлар кўнглини орзиқтирувчи оқшомлар бошланди.

Шу оқшом Гавҳар алламаҳалгача ухлаёлмай ётди. Ярим кечага яқин шамол кучайиб, тунука том бўғиқ гувуллай бошлади. Ёмғир ёғяпти. У

күрпадан бошини чиқариб қулоқ солди. Томчиларнинг деразага чирсиллаб урилиш аниқ эшитила бошлади. Зум ўтмай, янги бўёқдан чиқсан ялтироқ шифтда, узунчоқ қандилнинг тепасида қизғиш доира пайдо бўлди. Гавҳар доиравчанинг титраб туришини қизиқиб томоша қила бошлади. Шафақдай қизғиш нур қалтираб турар, бирдан чил-чил бўлиб кетар, кейин яна ўз ҳолатига қайтар эди. Айвон пештоқидаги чироқ ўчирилмаган бўлса керак, дераза тагида ҳалқоб бўлиб қолган сувнинг акси шифтга тушиб турар, ҳар томчи тушганида ҳалқоб титрар, унинг шифтдаги акси ожиз силкинарди.

Шамол қаттиқроқ гувуллай бошлади. Томчининг чипиллаши аста-секин сийраклашди. «Баҳор ёмғирида, – пичирлади Гавҳар, – ҳозир ўтиб кетади». Чиндан ҳам кўп ўтмай ёмғир пасайди. Ташқари жимжит бўлиб қолди. Ҳовли этагидаги оғилхона томондан сигирнинг пишиллагани, алланиманинг тап-тап этиб ерга тушгани эшитилди.

Неча кундан бери Гавҳарга тинчлик бермаётган савол тагин хаёлида чарх ура бошлади. «Нимага хат ёзмай қўйди?» Мансурнинг ўзи эмасмиди, кунора хатингизни олмасам ҳеч нима кўзимга кўринмайди, деган? Ўзи эмасми, онамнинг ҳолидан хабар олиб туринг, сизга ишонаман, деб илтимос қилган?.. Уч йилдан бери Тошкентдай шаҳарда ўқийди-ю, ҳеч бир қизни учратмаганмикин?

Дафъатан хаёлига келган бу саволдан ўзи чўчиб кетди.

Гавҳар қўшни хонада акасининг босинқи овозда фўнғир-фўнғир гапирганини, аячасининг кулганини эшитиб, девор томонга ўгирилиб ётди. «Ажаб бўпти, – у жаҳл билан тез-тез пичирлади. – Қараб турсин, хат келса биттаям жавоб ёзмайман». Аммо шу топдаёқ ёлғон гапираётганини, бундай қилол-маслигини билиб ширин жилмайди-ю кўзларини чирт юмиб олди. Кўрпани бошига тортиб чуқур хўрсинди. Қўноқдаги хўroz чўзиб-чўзиб қичқирди. Бошқалар унга жўр бўлди. Шамол ёмғирнинг сўнгги томчиларини деразага келтириб урди...

* * *

– Кап-кatta қиз, пешингача чўзилиб ётишга уялмайсанми?

Гавҳар Фиёс акасининг шанғиллаб айтган дашномини уйқу аралаш эшилди-ю, кўзини очди. Акаси эшик ёнида кўйлакчан туриб олиб, ҳўл бўлиб кетган сочини, юзларини сочиқ билан артарди. Ўзини атайлаб жиддий тутмоқчи бўлар, аммо муғамбирона кулаётган қисиқроқ кўзларидан синглисининг жигига теккиси келаётгани сезилиб турар эди.

– Бошингни кўтарсанг-чи, дангаса!

Гавҳар тўзиб кетган қалин соchlарини шоша-пиша ўраркан, унга қовоғини солиб, зимдан қараб қўйди.

Айвондан аячасининг товуши эшитилди:

– Кўяверинг, бугун бозор-ку, бирпас дам олсинлар.

– Шунаقا ётганининг устига бир совчилар келиб қолармиди!

– Бачкан! – Гавҳар аразлагандай тескари қараб олди.

– Сигир туғди. Бор, аямларга қарап.

– Ростданми? – Гавҳар суюниб кетганидан дик этиб ўрнидан турди.

Акасининг ёнидан лип этиб ўтиб, айвонга чиқди. Кечаги ёмғирдан кейин бўрсиллаб ётган ҳовлига сакраб тушди. Тонг ёришиб кетган, кунчиқар томондаги чўққилар устига қўёш аланга солган, мусаффо баҳор осмонида тоғларнинг қирраси аниқ кўринар эди. Ҳамон илиқ, сокин шамол эсар, ҳовлидаги гилосларнинг бўртиб қолган куртакларига қўниб аргимчоқ учарди.

Гавҳар кўм-кўк ниш урган пиёз пушталари устидан сакраб ўтиб, оғилхонага югурди. Дафъатан ҳеч нима кўрмай, эшик ёнида бир зум туриб қолди. Нариги томондаги дарчадан тушган найзадай нур кўз очиргани қўймас, пичан аралаш гўнг ҳиди анқирди. Кўзи қоронфиликка кўникканидан кейин, охур ёнидаги сигирни, ола-була бузоқчани кўрди. Бузоқчанинг узун-узун оёқлари қалтирас, калта ду-

мини ликиллатиб қўяр, юрай деса, гандираклаб кетарди. Сигир ўқтин-ўқтин ёнига бурилиб, бузоқни ялар, пишилларди. Бузоқча пичан устида уч-тўрт қадам юрди-да, чўккалаб қолди. Унинг энтак-тетак қадам босишини кўрган Гавҳар кулиб юборди.

– Сенга кулиш бўлса-а, шайтон қиз? – Кўйлагининг этагини липпага қистирган аяси тоғора кўтариб кириб охурга қўйди. – Бор, катта ҳовуздан сув олиб кел... Шунча кун кутиб юриб, ухлаб қолганимда туғса-я, бу жонивор...

Гавҳар Хирмонтепа этагидаги майдонга келганида қуёш тоғ тепасига тармашиб чиққан, кунботар томонга тип-тиниқ осмоннинг бир чеккасида бўзарган тўлин ой хомуш осилиб қолган эди. Мол боқишига чиққан болалар эндиғина майсалар кўз очган майдонда бақириб-чақириб футбол ўйнашарди. Гавҳар сув тўла челакларни ерга қўйиб, узоқ қараб қолди уларга. Бир вақтлар Мансур ҳам ўртоқлари билан шу майдонда футбол ўйнар, сочи халақит бермаслиги учун қора кепкасини қошигача бостириб дарвозабонлик қиласиб эди. Ўшанда Гавҳар бир чеккада ўтириб, уларнинг ўйинини томоша қиласи, Мансурнинг жон ҳолатда ўзини ерга ташлаб, тўп ушлашини кўрганида ачиниб кетарди. Мансур қора терга тушиб кетса ҳам парво қилмас, болаларнинг оёғидан тўп илиб, гоҳ пешанаси фурра бўлар, гоҳ тиззалири шилиниб кетар эди.

Гавҳар ич-ичидан хўрсиниқ тошиб келаётганини сезди-ю, бурилиб кетди. Нарироқча борганда жамалак соchlарини силкитиб, чопиб келаётган қизчага дуч келди. Қизалоқнинг мўъжаз калиши лойга ботган, майда гулли кўйлакчасининг этаги ҳам лой эди. Унинг қўлларида бир даста бойчечак силкиниб-силкиниб келарди. Шу топда Гавҳарнинг ўзи ҳам шу қизчага айланиб қолгиси, қуёш иси анқиб турган бойчечакларни тўйиб-тўйиб ҳидлагиси келди.

– Тўхта, ҳой қиз!

Қизча уч қадамча нарида тўхтади. Узун-узун киприкларини пирпиратиб, ҳайрон бўлиб тикилди унга.

- Бойчечакни қаердан тердинг?
- Ҳув анитдан, – у Хирмонтепани күрсатди.
- Менгаям битта бер.
- Ҳо! – Кизча қўлидагини бирор олиб қўядигандай бойчечакларини орқасига яширди.
- Бера қол, – деди Гавҳар ялиниб.
- Ҳо, ўзингиз теринг, – қизча жилмайган эди, кемшик тишлари кўриниб кетди.
- Қизғанчиқ!

Кизча тилининг учини чиқариб уни масхара қилди-да, чопиб ёнидан ўтиб кетди. Гавҳар унинг ли-киллаб бораётган соchlарига, қўлидаги бойчечагига қараб қоларкан, тағин бақириб-чақириб футбол ўйнаётган болаларга кўзи тушди.

Кўнгли хижил бўлиб, челакларни кўтарди-да, тез-тез юриб кетди.

Кўча эшикдан кириши билан айвонда турганча электр устарада соқол олаётган акаси тағин жаҳлини чиқара бошлади.

– Толқон еб, сувга юборадиган экан-ку сени! Юргансанда, хаёл суре-еб.

Оғилхонада уймалашиб юрган аяси бақириб берди:

– Қўйсанг-чи, Fiëc! Нима қиласан ҳадеб жигига тегиб.

– Йўқ, билмайсиз, ая, бунингизнинг ўйлайдиган одами бор. Ҳайронман, бизлар йигирма ёшгача ҳам севги деган нарсани билмасдик. Булар бўлса ўн саккизга чиқар-чиқмас балога ақли етади! Ўзи-ку, мактабни энди битиряпти.

Гавҳар сакраб айвонга чиқиб, акасига рўпара бўлди. Жаҳли чиққанидан лаблари пирпираб, қоши чимирилиб кетди. Акаси аввал ҳам унинг жигига тегишини яхши кўрар, аммо ҳозиргидай таъсир қилмасди.

Гавҳар ер тепиниб, чинқириб юборди:

– Бўлди!

Акаси қувлик билан жилмайиб, устарани филофга солди.

— Йўқ, бўлмади! — у шимининг чўнтағидан конверт олиб Гавҳарнинг даҳани олдига келтириб силкитди. — Мана бу-чи?

Гавҳар бир лаҳза оёқлари титраб кетганини, айвон устунига суяниб қолганини сезди. Қулоқларигача ловиллаб, икки юзи ўт бўлиб ёна бошлади. «Мансур акамнинг хати!»

— Бу ёқса беринг! — унинг овозида ҳам ўтинч, ҳам таҳдид оҳангি бор эди.

Акаси бўлса ҳамон жилмаяр эди.

— Бермасам-чи?

— Беринг, деяпман! Бироннинг хатини очишга ҳақингиз йўқ.

— Ҳақим бўлса-чи? — У синглиснинг ялинишини кутиб тураг, аммо энди Гавҳарнинг болаликдан ўзига таниш бўлган ўжарлиги тута бошлаганини сезган эди.

— Яхшиликча беринг! — Гавҳар қўлинини хатга чўзди. Акасининг чеҳраси жиддий тус олди. Аясига эшиттирмаслик учунми, овозини пасайтириб дона-дона қилиб шипшиди:

— Сенга ким қўйибди йигитларга салом хат ёзишни, тирранча! — Унинг кўзлари қисилиб, Гавҳарнига ўхшаган қалин, қуюқ қошларининг ораси туташиб кетди. — Агар финг этиб гап чиқса, аяб ўтирумайман, билдингми?

— Ўзингиз-чи? — Гавҳар ундан ҳам паст, аммо таҳдид тўла оҳангда шивирлади. — Аячам сизга тегмайман, деганда ёзган хатларингизни ташиб юрган ким эди?! Үшанде ялинганингиз эсингиздан чиқдими?

Фиёс шу қадар самимият билан қаҳқаҳа уриб юбордики, киприклари орасидан тирқираб ёш чиқди. Гавҳарнинг бижир-бижир қилиб гапириб ташлага-ни шунчалик кулгили эдики, у ўзини тўхтатолмас, ҳамон кулар эди.

Ёнбошдаги хонадан аячаси ҳайрон бўлиб мўрлади. Гавҳар акасининг қўлидан хатни юлқиб олди-ю, ўз хонасига кириб, эшикни жаҳл билан қарс этиб ёпди.

Мансурнинг хиёл эгикроқ ҳарфлар билан ёзилган сўзларини иккинчи бор ўқиётгандагина ҳаяжонини босиб олди.

«Салом, Гавҳар! Боғишамолда баҳор сезилиб қолган бўлса керак. Тошкентда ҳам кўклам. Ёмғирда ювилган йўлкаларда юрсанг шунчалик енгил тортасанки, имтиҳонларни ҳам, ҳозирги замон физикасининг муаммоларини ҳам, стипендия ташвишини ҳам унугиб юборасан киши. Бизлар қишки сессияни тугатдик. Таътилда қишлоққа бормоқчи эдим, бўлмади: ядро физикасидан синовни топширолмай қолдим. Кун бўйи лабораторияда қамалиб ўтираман.

Гавҳар, аямлар тузукмилар? Кеча тушимга кирибдилар. Қандайдир чакалакзорда юрганмишлар. Чакирсам, эшитмасмишлар. Жуда хавотир оляпман. Яқин орада деканатдан рухсат олиб, қишлоққа борам...»

Охиригина сўзларни ўқиркан, Гавҳар маъюс тортиб қолди. Қайси куни аяси ёпган нондан иккитасини қўлига бериб, Ханифа холангдан хабар ол, деганда, чиқиб холанинг бир ҳолатда ётганини кўрган, юраги ззилиб анчагача ёнида ўтирган эди. Улар ёнма-ён қўшни бўлгани учун бир-бировидан доим боҳабар бўлиб туришар, хола анчадан бери бетоб бўлса-да, бунчалик «тўклиб» қолган эмасди. Ханифа хола ётган жойида кўзига ёш олиб, Гавҳарни узоқ дуо қилди. «Қизим, – деди титроқ овозда. – Худойимдан ўргулай, бандасини доим ҳам орзусига етказавермас экан. Пешонамга битган битта-ю битта ўғлимнинг тўйини кўрмоқчи эдим. Сенга ўхшаган қизни келин қилсан армоним йўқ эди... – Бир зум жим ётдида, маъюс оҳангда қўшиб қўйди. – Худоё тавба деб гапирай-ку, бу ниятимга ҳам етишим қийинга ўхшайди...»

Ўшанда Гавҳар йифлаб юборишдан ўзини базўр тийган, холани нима деб юпатишни билмас, аммо нимадир дейиши керак эди. «Холажон, Мансур акам келадилар, сиз тузалиб кетасиз», – деб қўлидан келганча юпатди... Мансурга зудлик билан хат ёзиб юборди...

* * *

Турналарнинг ўйчан қийқириғида мудраган ойдин кечалар бошланди. Сомонсувоқ томлар устида чучмомалар очилди, довучча түккан ўриклар шохидада мусичалар кукулай бошлади.

Баҳор жой танламас экан... Қишлоқ чеккасидаги мозорда ҳам кўклам чечаклари қулф урди. Мунгли дўппайган қабрлар устида бағри қон қизғалдоқлар бош эгди.

Куёшнинг аллаловчи нурлари остида мангулик уйқусига чўмган қабрлар ёнида тағин бир тепача пайдо бўлди. Яктагининг устидан белбоғ боғлаган одамлар кетмон билан илиқ, намхуш тупроқни торта бошлади... Мунча тез ишламаса, мунча шошилмаса бу одамлар!

Мансур тизза бўйи кўкатлар устида чўнқайиб ўтирап, боши кўксига тушган, бир нуқтага тикилиб қолган, аммо ҳеч нимани кўрмас, ҳеч нарсани сезмас эди. Фақат қулоқлари остида кетмоннинг гуп-гуп ерга урилаётгани, мана шу азиз одам устига уюм-уюм тупроқ тушаётганини эшитар, ҳар тупроқ тушганда юраги ўпирилиб кетгандай зирилларди.

Қабристондан чиққач, Мансур гандираклаб-гандираклаб юриб кетди. Қаёққалигини ўзи билмас, тезроқ узоқроқ кетишни истарди...

Эртаси оқшом Хирмонтепага чиққанида қуёш лахтак булултарнинг кўксини доғлаб ботиб борар, дилни фижимловчи оқшом қўнмоқда эди. Алвон қизғалдоқлар билан қопланган тепалик бағри шафақдай қизарган, атроф сукутга чўмган эди.

Мансур тиззаларини қучоқлаб узоқ ўтирди.

Қишлоқни оқшом нимранг йўргагига чирмар, гуллаб ётган олчазорлар орасидан уйларнинг томлари қизариб кўринар эди. Мансур болалиқдан қадрдон бўлиб қолган уйининг томини кўзлари билан излаб топди. Бир вақтлар у ўша том устида варрак учирарди... Ана, ўша ҳовли ўртасидаги баланд мирзатерак.

Хотиралар қуюни хуруж қилиб келди-ю, лабини маҳкам тишлаб, мук тушиб олганича ёш болалардай ўксисб-ўксисб йифлаб юборди. Кеча одамлар олдида негадир йифлай олмаган, энди бўлса ўзини тўхтата олмасди.

У шунча йиллардан бери гўдак каби аясининг паноҳида ухлаб ётган экан. Ўтган ҳаётининг ҳаммаси туш экан. Ширин туш экан! Шунинг учун аясининг кун сайин сўлиб бораётганини сезмай қолибди. Мана бугун бирдан уйғониб кетди. Уйғонди-ю, суянган тоғии ийқотиб қўйди. Энди уни тополмайди, ҳеч қачон тополмайди!

...Бир вақтлар ўша мирзатерак остидаги супада онаси хамир қорарди. Мансур мактабга қатнамасди. Онаси ҳам ёш, орқаси билан битта соч, кўркам жувон эди. Ҳар гал нон ёпганда унга атаб жажжи кулча ясар, то қўллари куйиб тандирдан узиб бермагунча, Мансур пойлаб ўтиради...

Мансур онасининг қўшиқ айтганини атиги бир марта эшитган. Лекин бу шунчалар ажиди бир қўшиқ эдики, умрбод ёдида қолган.

Бир куни у мактабдан қайтса (ўшандада ё олтинчи, ё еттинчи синфда ўқирди) онаси супада, шапарак кўрпача устида ўтириб, кўл машинада иш тикаётган экан. Терак япроқлари орасидан тушиб турган олачалпак нур супани қиздирап, аясининг пешонасида, қирра бурни устида тер томчилари ялтиради. Машина фув-фув қилас, онаси унга жўр бўлиб қўшиқ айтарди:

*Отма мени тошлар билан, айланайин, ёр-ёр.
Учуб кетай қушлар билан, ўргилайин, ёр-ёр.
Қушлар келса мен келмасман, мен келмасман, ёр-ёр.
Кўзинг тўлсин ёшлар билан, ёшлар билан, ёр-ёр...*

Мансур ўшандада биринчи марта вужуди жимирлаб, онасига тикилиб қараган. Чаккасидаги соchlари оқариб қолганини, кўзлари чўкиб, атрофида ажинлар пайдо бўлганини кўрган.

Ақли кириб, оқ-қорани таний бошлаганда Мансур бир нарсаны тушунди. У ҳаётида бирон марта «дада» деган сүзни тилга олмаган экан. Тенгқұрлари отаси ҳақида фахрланиб гапирса, «дадам мени фалон жойға олиб борди, дадам велосипед олиб берди», деса, Мансур худди отаси йүқлиги учун ўзи айбдордек бўйини қисиб даврадан чиқиб кетар эди. Онасининг айтишига қараганда отаси «артис» экан. Мансур ҳали эсини танимасдан отаси аллақандай раққосага ошиқу бекарор бўлиб, Хоразмгами, қаёқ-қадир кетиб қолибди...

Тўғри, онаси Мансурни «шум етим» қилиб қўймади: кундузи далага чиқиб кетмон чопди, пилла боқди. Томорқага картошка, пиёз экди... Хуллас ўқинтирмади. Мансур ўнинчи синфни битириш палласида «отаси» совфа юборибди, қоракўл терисидан тикилган телпак: «кубанка» телпак. Онаси худди хазина топган одамдек «суюнчи» олди. «Қара, Мансуржон, отанг сенга совфа юборибди!» «Менинг отам йўқ!» деди Мансур хотиржам оҳангда... Шу бўйи бу мавзуга қайтмадилар. Фақат институтга кирганидан кейин онасининг такрор-такрор айтадиган бир гапи унинг шуурига ўрнашиб қолди. «Отанани боғлаб бергани йўқ, ўғлим. Вақти қазоим етиб кўз юмсан, чирофимни ўчириб қўйма. Мен ҳам орзу-ҳаваслар билан тўй қилсан, келин кўрсан дейман. Насиб этса, Гавҳаройни келин қиласман. Биламан, ўғлим, шу қизнинг сенда кўнгли бор...»

...Мансур бағри қон қизғалдоқлар билан қопланган Хирмонтепада ўтирган кўйи шуларни ўйлар экан, онасининг орзуси тағин ёдига тушди. Сўнг шу пайтгача англаб етмаган бир ҳақиқатни тушунди. Бола жиндек бетоб бўлса, она шўрлик ваҳимага тушиб қолади: худди боласи ҳозироқ ўлиб қолаётгандек. Она касал бўлганда эса бола ваҳима қилмайди: худди онасини боғлаб бергандек. Мансур анча муддат бетоб ётган онасининг бошида бўлолмагани, меҳр кўргаза олмагани учун ўзини ўзи ёмон кўриб кетди.

У асабий ҳаракат билан ёнида очилиб ётган қизғалдоқни юлиб олиб, ёшдан хиралашган күzlари билан тикилганча пирпирата бошлади. Гулбарглар орасыга яширинган тирноқдай қүнғиз учыб кетди. Мансур қизғалдоқ гулбаргларига хомуш қараб турди-да, улоқтириб юборди.

* * *

Гавҳар Мансурнинг Хирмонтепага чиқиб кетаёттанини узоқдан кўриб, бошини эгиб, аста-аста қадам босишидан таниди. Бир лаҳзалик илиқ ҳаяжон оғушида хўрсинди. Аммо жойидан жилолмади. Мансурнинг тепаликка чиқиб ўтирганини, кейин пиджагини улоқтириб, мук тушиб олганини кўрди-ю, югурди. Қишлоқ кўчасидан ўтиб, тепалик этагига етгунча нафаси қисилиб қолди. Ўтлар орасида оқариб кўринаётган сўқмоқдан чиқиб борди.

Қуёш ботмасдан қишлоқ тўда-тўда булутлар соясида қолган, уфқда чақмоқ синиқ чизиқлар тортар, момақалдироқ овози келар эди. Боягина шодон сайраётган қушлар аллақаёққа фойиб бўлган, ёмғир иси келарди. Гавҳар қадамини тезлатди. Ён томонидан айланиб ўтиб, Мансурдан ўн қадамча берида тўхтади.

Мансур пиджагини ўт устига ечиб ташлаган, кўйлагининг ёқасидан майкаси, озгин, чайир елкалари кўриниб турарди. У иягини кафтига тираганча кунботар томонга тикилиб ўтирап, оқшомнинг кулранг соясида кўзлари яна ҳам ўйчан, фамгин кўринарди. У озиб, ёноқлари туртиб чиқсан, қорайган эди. Устки лабининг икки бурчагида чуқур чизиқчалар пайдо бўлибди...

Шу топда унинг чеҳраси Гавҳарга шунчалик қадрдон, шунчалик азиз туюлиб кетдики, ўзини тутолмай чопиб бориб қўлидан тортди.

— Туриңг, кетамиз.

Мансур ҳайрон бўлгандай бошини кўтариб қарди-да, юзини ўғирди. Чор-атрофни қоплаётган зулмат бу ерга ҳам етиб келган, булутлар пасайган эди. Гавҳарнинг пешонасига совуқ бир томчи тушди.

Бирдан чақмоқ чақди, кетидан момақалдироқ гумбурлади.

— Юриң, Мансур ака, кетайлик. Ҳозир жала күяди, — Гавҳар унинг қўлидан қаттиқроқ тортди, аммо кучи етмади.

Тағин момақалдироқ гумбурлади. Шамол кучайиб қизғалдоқларни ёнбошлатиб ўтиб кетди. Гавҳар бошида сирпанаётган дуррачасини томоғи остидан танғиб боғлади. Ўтлар устига шатир-шутур ёмғир туша бошлади.

Мансурнинг пешонасига томган ёмғир томчилари ёноғидан юмалаб, иягига тушар, лаблари орасига сизиб киради.

Гавҳар ўт устида ётган пиджакни олиб, унинг елкасига ташлади. Мансур ҳамон индамас, кўзларини бир нуқтадан узмас эди. Унинг мунгли қиёфаси Гавҳарнинг юрагини ўртаб юборди.

— Турсангиз-чи, ахир! — қичқирди у Мансурнинг қўлидан силтаб тортиб.

Момақалдироқ гумбурлаб овозини босиб кетди. Гавҳар оёғи толғандай Мансурнинг ёнига чўккалаб қолди. Юраги гупиллаб ураг, шамолдан қулоқлари шанғиллар, тиззасининг кўзи муздай ерга тегиб турганини элас-элас сезарди.

У Мансурнинг елкасидан ушлаб силкитганча ялинди:

— Мансур ака, бўлди энди... Мансур ака...

Шунда Мансурнинг илиқ қўллари пешонасини, сочини силаётганини сезиб, кафти билан юзини тўсди-ю, унсиз йифлаб юборди.

* * *

Икки ҳафтадан кейин Ҳанифа холанинг қабри устида ёмғирдан жонлаган майсалар ўсиб чиқди. Кимдир суқиб кетган тол ёғочи кўкариб, куртак ёзди.

Шу куни Мансур онасининг қабри устида узоқ ўтирди. Гўрков Қуръон тиловат қилганидан кейин ҳувиллаб қолган ҳовлига қайтди.

Тез-тез кийим-кечакларини йифиштириди. Поезддан қолмаслик учун шошилиб чиқиб кетаётган эди, дарвоза олдиде Гавҳарга дуч келди. Қайтиб йўлакка киришди.

— Човли керак бўлиб қолди. Аямлар сўрадилар, — Гавҳар бошини қуи солиб, туфлисининг учи билан ер чиза бошлади. Мансур унинг хайрлашиш учун чиққанини тушунди.

Мансур шунча кундан бери ўз кулфати билан бўлиб, зътибор бермаган экан. Гавҳарнинг ҳусни очилиб кетган, оддий қизалоқ эмас, вояга етган қизларга хос нафосат борлиғидан гуркираб турар эди.

Бўй етган қизлар гуллаётган дарахтга ўхшайди. Кўклам келиши билан дарахтлар гуллашга шай бўлиб туради. Сезилар-сезилмас фунчалайди, анчагача фунчалар кўзга ташланмайди ҳам. Аммо ажойиб кунларнинг бирида тонг саҳар уйғониб қарасангиз, дебразангиз рўпарасидаги ўрик қийғос гулга бурканиб қолган бўлади. Кечагина шамолда силкиниб турган шоҳларда шунча гул қаёқдан пайдо бўлганини ўзингиз ҳам тушунолмайсиз...

Хозир Мансур Гавҳарга қараб туриб шуни ҳис қилди. «Сен» дейишини ҳам, «сиз» дейишини ҳам билмай иккиланиб қолди. Онасининг васият каби айтган гапи ёдига тушди. «Гавҳарни келин қилсан...»

Гавҳар унинг кўнглидан кечаётганларни сезгандек бошини қуи солиб, ерга қаради.

— Мен хайрлашиш учун кирдим, — деди ростини айтиб. — Кетмоқчи экансиз, Фиёс акам айтдилар.

— Мен ҳам сизларнига кирмоқчи эдим, — деди Мансур. — Калитни ташлаб кетаман. Илтимос, уйдан боҳабар бўлиб туринглар...

— Мен... мен... — Гавҳар бир лаҳза иккиланиб турди-да, анчадан бери ўйлаб юрган ниятини айтди. — Институтга кирмоқчиман. Сиз ўқийдиган институтга.

Мансур бир зум сукутга чўмди. Бир жиҳатдан Гавҳар Тошкентга боришини юрак-юракдан хоҳлар, иккинчи томондан башарти кириш имтиҳонларидан

ўтолмай қолса, кўнгли ўксишини истамас эди. Гавҳар унинг дилидагини сезди.

— Мансур ака, мен яхши ўқийман! — деди ишонч билан.

— Бўпти! — Мансур қалбida қувонч уйғониб кулимсиради. — Тошкентда кўришамиз. Сизни ўзим кутиб оламан.

* * *

У Гавҳарни кутиб олгани тонг қоронғисида вокзалга чиқди.

Муҳаббат ажид нарса экан! Атрофингизда нур каби пирпираб, чарх ураётганини анчагача сезмай юрасиз. Кейин бирданига қалбингизнинг туб-тубига жойлашиб олади-ю, ўзингиз унинг парвонасига айланниб қоласиз. Севги юракка билинтирмай кириб олади, деганлари шу бўлса керак...

Мансур авваллари Гавҳарга шунчаки акаларча хат ёзиб юрганида бу шўх-шабада қизга бунчалик боғланиб қолишини билмасди. Ўшанда, Хирмонтепада баҳор жаласи остида учрашганларидан бери уни севиб қолганини ҳис қилди. Тошкентга келган куниданоқ уни қаттиқ қўмсайдиган бўлиб қолди. Авваллари боғларда сайр қилиб юрган, дараҳтлар панасидаги ўриндиқларда ўтирган ошиқ-маъшуқларни кўрганида индамай ўтиб кетаверарди. Энди бўлса кечқурун ўртоқлари висолга отланишса, ҳаваси келадиган, ўзи ҳам Гавҳар билан нурли оқшомларда сайр этишни орзу қиладиган бўлиб қолди.

Бугун Гавҳарнинг телеграммасини олиши билан вокзалга югурди.

Поезд тонготар палласи келди. Иккинчи вагон анча олдинга ўтиб тўхтади. Мансур ёп-ёруғ платформа бўйлаб, поезд билан ёнма-ён чопиб бораркан, кўз ўнгидан лип-лип ўтаётган хира деразалардан Гавҳарни излар, негадир ўзидан-ўзи жилмаяр, юраги гурс-гурс урар эди.

Перрон чеккасидаги газсув дўкони ёнида туриб, вагондан шоша-пиша тушаётган одамларни кузади.

та бошлади. Беш-олти кишидан кейин нимқоронғи тамбурда Гавҳарнинг чеҳраси кўринди. Мансур қандайдир ички бир туйғу билан шунча одам орасидан уни дарҳол таниб олди. Юраги яна ҳам қаттиқроқ гурсиллаб ура бошлаганини сезиб, бир қадам босди-ю, тағин тўхтади. Гавҳар жажжи чамадон кўтариб олган, атлас кўйлак кийган, бошяланг эди. Зинадан сакраб тушиб у ёқ-бу ёққа аланглаётганида сочини битта қилиб ўриб олганини кўрди.

Нотаниш шаҳарга илк бор қадам босгандга уйғонадиган ғалати бир ҳис Гавҳарни ҳам банд этди. У шоша-пиша шаҳарга чиқиб кетаётган одамларга, оппоқ нурли чироқларга бир лаҳза тикилиб қолди. Перрон устидаги соат миллари беш рақамини кўрсатарди.

«Телеграммани олмаган бўлса-я!» Унинг юраги шув этиб кетди. Бирпасда перронда одамлар сийраклашиб қолди. У бўлса бир жойда тураверишини ҳам, юришини ҳам билмасди. «Қаёққа бораман?»

Аллаким унинг чамадонини секин тортди. «Мансур акам!» Гавҳар кескин бурилиб қаради.

Мансур жилмаяр, чуст дўппи кийиб олган, ўжар соchlари дўппини кўтариб турарди. Унинг қўллари негадир илиқ туюлди Гавҳарга.

– Узоқдан томоша қилгим келди. Анови дўкончанинг ёнида эдим. – Мансур қўли билан платформа ёнидаги газсув дўконини кўрсатди.

– Мен бўлсам... Кўрқиб кетдим. Нега овозингиз бўғилиб қолди? – деди Гавҳар унга тезгина қараб олиб.

Мансур унинг чамадончасини оларкан, қўл силтади.

– Қайси куни кўлга чўмилгани боргандик. Сал шамоллабман шекилли.

Гавҳар Мансурнинг анча озганини, қорайганини сезди.

– Кетдикми?

Вокзал гавжум эди. Кутиш залида бирор чамадонига ёнбошлаб ухлар, бирор папирос тутатар,

бурчакдаги буфет олдида одамлар уймалашарди. Йўловчиларнинг ғовур-ғувури, сухандоннинг бир оҳангда чўзиб гапириши Гавҳарнинг бошини айлантириб юборди. У бу ердан тезроқ чиқиб кетишга шошиларди.

Шаҳарга чиқишлиари билан Гавҳар осмонга ёқут наизадай қадалган телевидение минорасининг қизил чироқларини кўрди. Кўчалар четида ҳам маржон-маржон чироқлар ёнар, мусаффо ҳавода гул иси кезарди. Уларнинг ёнидан машина сув сепиб ўтди. Ранго-ранг афишаларнинг акси асфальт кўчада жилолана бошлади.

– Ҳозир тонг отади. Хоҳласангиз, қуёш чиқишини томоша қиласиз.

– Майлингиз, – деди Гавҳар астагина.

Шаҳар осуда тонг уйқусига чўмган, фақат ондасонда узун супурги кўтарган фаррошлар кўриниб қоларди. Қадам товушлари кўчанинг икки четидаги баланд-баланд бинолар пештоқида акс-садо берив қайтади, аллақаерда тунги соқчиларнинг мотоциклни гуруллайди.

Анҳор устидан ўтиб, чироқлар нурида жимгина мудраётган боқса киришди. Камалак рангига бўялган скамейкага ўтиришаркан, Гавҳар унга зимдан қараб қўйди.

Мансур биринчи бор кўраётгандай унга тикилиб қолган, кўзларида тубсиз бир соғинч бор эди.

– Гавҳар! Жуда соғиндим... – Бир лаҳза жимиб қолди-да, сўради:

– Қишлоқда нима гаплар?

– Тинчлик, – Гавҳар уйдаги янгиликни эслаб жилмайди. – Аямлар неваралик бўлдилар.

– Ростдан-а! – Мансур суюниб кетди. – Ўғилми, қизми?

– Иккаласи ҳам... Фотима-Ҳусан... Ўзингиз таътилда бормадингиз-ку.

Онасининг вафотидан кейин ҳувиллаб қолган ҳовли кўз ўнгига келди шекилли, Мансур қуруққина шивирлади:

— Кейинроқ борарман... Ёзда қурилишда ишладим. Янги ётоқхона қуриляпти.

Гавҳар Мансурнинг ўкинганини сезиб, бошқа ҳеч нима сўрамади. Шамол турди. Чинор япроқларининг сояси титрай бошлади.

— Ўқишга киришингизга уйдагилар ҳеч нима дейишмадими?

— Бари бир киролмайсан, дейишди. — Гавҳар титроқ соялардан кўз узмай хўрсинди. — Балки ростдан ҳам киролмасман. Дадам билан Фиёс акам қишлоқдаги ательедами, колхоздами бир-икки йил ишла, стажинг бўлмаса ўтолмайсан, дейишди. — Унинг қошлари чимирилди. — Киролмасам ҳам Боғиша-молга қайтмайман. Ўртоқларим олдида нима деган одам бўламан! Бу йил киролмасам, янаги йил ҳаракат қиласман.

Иккаласи бир нафас жим қолиши.

— Ёмон ният қилманг, — Мансур акаларча меҳрибонлик билан Гавҳарнинг елкасидан тутиб далда берди. — Кирасиз!

Гавҳар қуюқ киприклари орасидан унга қараб қўйди.

— Уйдагилар мени сизга ишониб юбориши... — Бу гапни шундай ширин жилмайиб айтдики, Мансурнинг юраги тағин гупиллаб ура бошлади. Уни маҳкам қучоқлаб бағрига босгиси келди.

Дараҳтлар орасида порлаб турган чироқлар бирин-сирин сўнди. Кунчиқар томонда, баланд осмоннинг бир бурчидаги сузиб юрган булутларнинг қаноти ловиллаб ёнди. Тонг отиб келарди. Аллақаердан учиб келган қалдирғочлар йўлкалар устида пастлаб шўнғир, боғ ичи япроқларнинг шивир-шивирига тўлган, баланд бинолар орқасида трамвай фийқиллар, кўчалар машиналарнинг гулдуросига тўлган эди. Эрта уйғонган қуёш нурли киприкларини пирпиратиб бош кўтарар, мусаффо ёз тонгидаги мусаффо ниятлар билан ўтирган мана шу икки вужудни оппоқ истиқбол сари чорлаётгандек эди.

Тошкент ишга шошиларди. Кўчалар гавжум, троллейбуслар тиқилинч, одамлар газета дўконлари олдидаги навбат кутишарди.

Қизлар ётоқхонасига етиб келишгунча бир соатча вақт ўтди. Нимқоронғи, ҳозиргина сув сепиб супурилган салқин зиналардан учинчи қаватга чиқишиди. Мансур пастак эшикни очиб Гавҳарга йўл берди. Қарши томондаги дераза рўпарасида нозик гавдали қиз оёқларининг учида кўтарилиб, дераза раҳидаги гулларга сув қуяр эди. У эшик фийқиллаганини эшишиб, бурилиб қаради-ю оппоқ юзига табассум ёйилди. Қўлидаги алюмин чойгумини ерга қўйиб, югуриб келди.

— Гавҳармисиз?

У сув теккан муздек қўли билан Гавҳарнинг кафтини сиқаркан, Мансурга имо қилиб жилмайди:

— Мансур акангиз сизни кутавериб эслари кетди. Яқинда синглим келади, дейдилару секин уф тортиб қўядилар.

Қош-кўзи попукдай бу қиз кулганида, айниқса, чиройли бўлиб кетар, киприкларини туташтириб, ҳадеб жилмаярди.

— Қўяверинг, Гавҳар, Зулайҳо опангиз шунача ҳазилкашлар. — Мансур чамадончани бир четга қўйди-да, курсига имо қилди. — Утиринг.

— Вой, эсим қурсин! — Зулайҳо суюнчиғи қирилган стулни чаққонлик билан олиб, Гавҳарнинг олдига сурди. — Марҳамат.

Мансур бир нафас пешонасини тириштириб ўйланиб турди-да, эшик тутқичига қўл чўзди.

— Сизлар гаплашиб ўтиринглар. Қабул комиссиясига учрашиб келаман.

Мансур чиқиб кетгач, Зулайҳо боягидай чаққонлик билан дераза олдига борди.

— Ҳозир нонушта қиламиз. — У энгашиб чойгумни оларкан, киприкларини туташтириб тағин жилмайди. — Ҳеч тортинманг, Гавҳар. Мен ҳам аввалига тортиниб юрадим. Йўқ, кейин ўрганиб кетдим. Талабалиқда ҳамма опа-сингилдай бўлиб қоларкан.

Гавҳар ўзининг Зулайҳо айтганчалик тортинчоқ эмаслигини ўйлаб, мийифида кулиб қўйди. Зулайҳо чойгумни тезроқ бўшатиш учун бўлса керак, шоша-пиша гул тувакларга сув қуяр, деразадан тушаёт-ган нур юпқа кофтасидан ўтиб, оппоқ елкаларини ёритарди. Унинг кийиниши Гавҳарга ёқмади. Лекин жилмайиб, бурилиб қараганида алланечук илиқ бир меҳр Гавҳарни яна банд этди.

— Дарров чой қўйиб келаман. Каравотга ўтириング.

Гавҳар ёлғиз қолгач, хонани кўздан кечирди. Дे-разанинг нариги ёғида ёнғоқ барглари оҳиста сил-киниб турар, ташқаридан қалдирғочларнинг шодон сайраши эшитиларди. Хонанинг икки томонига ик-кита каравот қўйилган, бурчакдаги китоблар билан тўлиқ шкаф устида ўроғлиқ чизма қофозлари ётар эди. Қизларга хос нозик дид сезилиб турарди: дераза ёнидаги тумбочка устига гулдор ёпқич ташланган, уч тавақали тошойна ёнига упа-эликлар дид билан терилган, хонада атири иси кезар эди.

Зулайҳо бир чойнак чой, қўлтифида каттакон қовун кўтариб кирди.

— Зерикмадингизми? — У стол устига дастур-хон ёзиб, чақонлик билан қовун сўя бошлади. — Ётоқхона ҳовлисида дўконча бор, қишин-ёзин мева-нинг таги узилмайди... Келинг, ўтиринг.

Гавҳар бир карч қовун ер экан, Зулайҳо яна Ман-сурни эслади.

— Мансур сизни кўп гапирадилар. Тиришқоқ қиз, дейдилар. Уzlари ҳам камтар, серғайрат йигитлар.

Гавҳар «ўзим ҳам биламан» дегандай жилмайди. Деразадан кўчанинг шовқин-сурони кириб турарди. Қаердадир трамвай фийқиллайди, троллейбус, авто-буслар вафиллайди. Бирор бирор билан шанғиллаб гаплашади... Гавҳар тўйиб ухламагани учунми, боши фувиллаб бораради.

— Тошкент жуда сершовқин шаҳар экан, — деди нолиб.

Зулайҳо мийифида кулди.

— Зарари йўқ, ўрганиб кетасиз. Катта шаҳар бўлганидан кейин сершовқин бўлади-да! Баъзилар

Тошкентни «тош шаҳар» дейишади. Бўлмаган гап! Дунёда Тошкентдек бағрикенг шаҳар йўқ! Ҳаммани бағрига олади, ҳамма сифиб кетаверади! Масалан, менинг ўзим Қирғизистондан келганман. Ўшлиқман. – У болалик хотираларини эслади чоғи, ўйчанлик билан давом этди. – Ўшнинг қоқ ўртасидан «Оқбувра» деган сой ўтади. Ўзбекчасига «Оқ тия» дегани. Кичкиналигимда ўша сойда оқиб кетган эканман. Онам билан холамникига кетаётганимизда сув бўйига бориб қолибман. «Сув чақиради», деган гап рост бўлса керак... Онамнинг дод-фарёдини эшитган бир йўловчи сойга калла ташлаб мени олиб чиқкан экан... Отамни яхши эслолмайман.

Онамнинг айтишига қараганда, тоғдаги кўмир конида ишлар экан. Бир куни шахта ўпирилиб, ер тагида қолиб кетибди. Иккинчи синфга кўчганимда онам турмуш қурди. Ўзи билан бирга ишлайдиган ўқитувчига. Аввалига отамнинг ўтайлиги билинмади. Икки йилдан кейин укам туғилгач, уйда жанжал кўпайди.

Онам отамдан қўрқани учунми, ҳеч қачон мени ҳимоя қилмасди. Ҳатто менга тузук-қуруқ эътибор ҳам бермай қўйди. Мактабга бораманми-йўқми, қандай ўқияпман, иши бўлмас, баъзи пайтлар ёш болалигим тутиб сўйкансам, «талтаймасанг ўласанми, кап-катта қиз», деб жеркиб берарди. Мен эса барибир ёш бола эдим, меҳрга муҳтож эдим. Ёзги таътилга чиққанимда онам бирон ой холангнида туриб кела қол, дегандек қилди. Шу бўйи уйга қайтмадим. Поччам яхши одам эди. Ўзининг қизига совфа олса, мени ҳам унутмас, ҳеч қачон қаттиқ гапирмасди. Шунаقا-ку, кўчада ўйнаб юрганимизда бошқа қизалоқлар чопқиллаб отасининг олдига борганида, отаси бошини силаётганини кўрганда барибир ўқинардим...

Зулайҳо ўйчан кўзларини деразадан узмай жимиб қолди. Столда ётган қовун пўчоғини асабийлик билан эзфилай бошлади. Шу топда у қуишлиб келаётган ўтмиш хотираларини унутишга уринаётгани

күриниб турар, қоп-қора, ингичка қошлари чимирилган эди.

— Чарчадингиз-а, Гавҳар? Ўтган-кетганларни бир эсладим-да. — У елкаси оша опаларча самимият билан Гавҳарга юзланди. Унинг жавобини кутмай илдам бориб, шкаф томондаги каравотга жой солди.

— Шу жой сентябргача сизники. Эгаси уйига – Сурхондарёга кетган. Таътилда уйга бормаганлар янги ётоқхона қурилишига қараашяпмиз.

Гавҳар чала ечиниб, девор томонга ўгирилиб ётди. Аммо энди уйқуси ўчиб кетган, Зулайҳонинг ҳикоясини ўйлаб ачинар, аммо нима деб юпатишини билмас эди. Ниҳоят мудрай бошлади. Кун қизиб борар, хона ичи дим эди. Аллақаерда овози баландлатиб қўйилган радио шанғиллайди, йўлакда қизлар полни гурсиллатиб юришади... Қаердадир челак тарақлади. Аллаким қийқириб кулди. «Сувсепар ўйнашяпти», деб ўйлади Гавҳар кўзини очмай. Унга нотаниш чучмал ис – эриган асфальт ҳиди димоғига урилди.

Ўзи ҳам пайти келиб мана шу қизлардай дугоналари билан қийқириб ўйнай олармикин? Институтга кира олармикин? Имтиҳонлардан ўтолмаса-чи? Бали етмай қолса-чи? Дадаси, Фиёс акаси, кўз ёш қилиб темир йўл шоҳбекатигача кузатиб қўйган аяси кўз ўнгига келди. Айтсак, унамаган эдинг, мана, нима бўлди, дейишмайдими?

У ухладими, йўқми, билолмади. Мансурнинг таниш овозини эшишиб, уйғониб кетди.

— Ухляяптими?

Гавҳар аста айтилган шу бир оғиз сўздан меҳрибонлик, эркалаш оҳангини сезди-ю, атайлаб кўзини юмиб олди.

— Ҳозир ётдилар, — деди Зулайҳо пицирлаб. — Ўтириб туринг... Қовун ейсизми?

Гавҳар тепасига Мансур келганини сезди. Унинг илиқ нафаси юзига урилди.

— Жилмайиб ётиби-ку!

Гавҳар елкалари силкиниб кулиб юборди.

— Вой тентаг-ей! Ухлашни биладими бу, шайтонку!

— Туриңг! — деди Мансур ясама жиддийлик билан. — Қабул комиссиясида аспирант танишим ишләтган экан. Биздан икки босқич аввал ўқиган йигит.

Гавҳар қушдай учиб ўрнидан турди. Мансурнинг елкалари ҳўл бўлиб кетганини кўриб сўради:

— Терлаб кетибсиз?..

— Йўқ, қизлар бир-бирига сув сепишаётган экан, мени ҳам сувга пишишди.

Уларнинг суҳбатини жилмайиб кузатиб турган Зулайҳо каравот елкасига илиб қўйилган гулдор кўйлакка имо қилди:

— Кўйлагингизни дазмоллаб қўйдим.

Гавҳар унга ҳурмат билан қаради-ю, секин:

— Раҳмат, Зулайҳо опа, — деди.

* * *

Узоқ қиши кечаларида қўшнингизнинг боласи сизниги чиқиб ётади. Алла-паллагача шўхлик қилиб ухламайсиз. Онангиз койиб чироқни ўчирганидан кейин муздек кўрпа орасига кириб ётасиз. Қўшнингиз боласи сизга топишмоқ айтади. Сиз кўрпадан бошингизни чиқариб ташқарига, гувиллаётган шамолга, қор учқунларининг деразага урилишига қулоқ солиб узоқ ўйлайсиз. Топишмоқнинг жавоби тилингизнинг учидаги тургандай бўлади-ю, барибир тополмайсиз. Ўртоғингиз бўлса дамини чиқармай ич-ичидан хурсанд бўлиб ётади. Охири «шаҳар беришга» мажбур бўласиз.

Ҳаёт ҳам гоҳо топишмоққа ўхшаб қолади. Тез орада тақдирингиз ҳал бўлишини биласизу, аммо нима бўлишини, қандай бўлишини тополмайсиз.

Гавҳар қабул комиссиясига келганда шундай аҳволда эди. Кенг залнинг ҳар чеккасига қўйилган столлар атрофида йигит-қизлар уймалашар, хона дим эди. Шифт ўртасида каттакон қандилнинг кимдир ўчиришни унугланган чироқлари ёнарди. Мансур уни дераза тагидаги стол олдига бошлаб борди. Нав-

бат кутиб турган талабалар орасидан чўзилиб, стол қаршисида ўтирган йигитга қичқирди:

– Талъат, биз келдик.

– Бунақаси айланиб ўта қолинглар.

Гавҳар стол олдига борганида Талъат бир қўли билан стул суюнчигига таяниб энгашиб турарди. Бурчакда турган вентилятор унинг калта енгли оқ кўйлагини ҳилпиратар, пешонасига ёйилиб турган соchlарини тортқиларди.

Талъат Гавҳар билан қўл бериб кўришди.

– Акангизга ўхшамайсиз-ку! – У жилмайганида қизларникига ўхшаш текис тишлари ярқ этиб кетди. Талъат пешонасига тушган соч толаларини силтаб тузатди-да, жойига ўтириди. Синовчан табассум билан Гавҳарни бошдан-оёқ кузатиб чиқди. Гавҳар унинг келишган йигит эканини сезди-ю, негадир қизара бошлади. Ийманиб Мансурга қаради.

– Бланкаларни берасизми? – деди Мансур Талъатга жиддий тикилиб.

Талъат учта бланка олиб узатди. Гавҳар ўртадаги столга келиб Мансурнинг ёрдамида қофозларни тўлдиаркан, Талъатнинг зимдан қараб қўяётганини қизларга хос сезгирилик билан ҳис этар, Мансурдан хижолат чекар, бу ердан тезроқ чиқиб кетгиси келарди.

Тағин бир марта Талъатнинг олдига боришга тўғри келди. У Гавҳарнинг ҳужжатларини олиб, диқ-қат билан кўздан кечирди.

– Норбоева Гавҳар, – деб қалин дафтарга ёздида, ҳужжатларни стол тортмасига солди.

– Бўлди! – деди қувноқлик билан. – Бешта имтиҳон топширасиз: физика, математикадан иккита, адабиёт, химия. Тайёрланаверинг. – Кейин Мансурга қаради. – Имтиҳонларда мен ҳам қатнашаман.

Гавҳар бу гапдан «қўлимдан келса ёрдамимни аямайман», деган маънони уқди. Индамай столдан узоқлашди. Одамлар орасидан ўтиб кетаётганида Талъатнинг Мансурга айтган охирги гапини эшишиб қолди.

- Сиз ҳам балосиз-а! Индамай юриб-юриб...
«Қизиқ йигит экан-ку!» Гавҳар шошилиб йўлакка чиққанида Мансур етиб олди.
– Учиб кетдингизми, Гавҳар?
– Келяпман, – деди у секин.
Мансур Талъатнинг бояги гапини Гавҳар эшитганини сезди.
– Қўяверинг, Талъатнинг ўзи шунақароқ...
– Баттар бўлмайдими? – Гавҳар жаҳл билан қўл силтади-да, зиналардан тез-тез тушиб кетди.

* * *

Кейинги бир ҳафта Гавҳарнинг назарида тушдай ўтди. Зулайҳо ётоқхона қурилишига қарашар, эрталаб шошилиб ишга кетарди. Гавҳар кечгача хонадан чиқмай дарс тайёрлар, кечқурунлари Зулайҳо билан Мансур биргалашиб унга қўмак беришарди. Кўпинча Абдухалил деган йигит ҳам келиб турарди. Катта-катта кўк кўзлари устига сарғиш қоши қайрилиб тушган бу йигит жуда ҳазилкаш эди. Гавҳар Зулайҳо билан унинг ўртасида яқинлик борлигини сезди-ю, эътибор бермади. У ўзи билан ўзи овора, тезроқ имтиҳонлар бошланишини, нима бўлса ҳам тезроқ ҳал бўлишини истарди.

Эртага имтиҳон дейдиган куни Зулайҳо билан Мансур уни оқшом сайрига олиб чиқишиди.

– Энди дам олинг. Фикрингиз тўпланади, – деди Зулайҳо.

Қуюқ дараҳтларга кўмилган боғ устида гул нафаси гуркирар, алланечук сокинлик бағишлиовчи неон лампалари ҳаммаёқни ипакдай майин нурга тўлдирган эди. Гавҳар жуфт-жуфт бўлиб сайр қилиб юрган ошиқ-маъшуқларга лоқайд тикилар, музқаймоқхона столчасига тирсагини тираб ўтиради. Зулайҳо унинг нима учун индамас бўлиб қолганини сезиб, меҳрибонлик билан жилмайиб қарар, музқаймоқ ейишга қистарди.

Столнинг нариги томонида ўтирган йигитлар ўз суҳбатларига берилишган, Абдухалил Мансурга эгилиб, алланимани тушунтиради.

- Қаттиқроқ гаплашсангиз бўлмайдими? – деди Зулайҳо.
 - Ие, сизларни бутунлай унугиб юборибмиз. Узр.
 - Рост-да, оғзингиз гапириб, бурнингиз эшиятти.
- Абдухалил беғараз кулди.
- Сизнинг имтиҳонингизни гапираётгандик. Фулом Саидовичнинг ўзи оларкан, – деди Абдухалил Гавҳарга қараб. – Имтиҳондан қўрқмаслик керак. Мана, мендан қиёс. Бир куни сопроматдан Валиевага имтиҳон топширганман. – У бошини қаттиқ-қаттиқ чайқади. – Бай-бай-бай, ўзи жинқарча бўлсаям шунаقا заҳар аёлки, худди Зулайҳо опангизга ўхшайди. Баъзан икковини адаштириб ҳам қўяман!
 - Бўлди-е, бирам лоф қиласизки!
 - Ҳеч қанақа лофи йўқ! Хонангизда ари кўплигини сездингизми, Гавҳар? Ўшалар Зулайҳо опангиздан заҳар заправка қилгани келади-да! Булардан йифади-ю, бошқаларни бориб чақади.
- Гавҳар зимдан Мансур билан Зулайҳога қаради. Иккаласи ҳам беғараз жилмайиб ўтиришар, Абдухалил бўлса ҳамон ҳикоясини давом эттираарди:
- Хуллас, ўша Валиевага имтиҳон топширишга тўғри келиб қолди. Қаршисида ўтириб жавоб бериш у ёқда турсин, ёнидан ўтсам, юксак кучланишли трансформатор олдига бориб қолгандай бўламан... Барибир, йўли топилди. Аллақачон кўкариб чиққан аммам иш бериб қолди. Имтиҳондан икки кун олдин деканатнинг эшигидан бундоқ мўраласам, Валиева чиқиб келяпти. Нарироққа ўтдим-да, қўл қовуштириб турдим. Ёнимга яқинроқ келганида таъзим қилдим. Ассалому алайкум, опажон, дедим қироат билан. Йўқ, бигиздай пошналарини тўқиллатиб ўтиб кетди. «Кўрмади-ёв!» – дедим ўзимча. Югуриб бориб олдига ўтдим-да, тағин салом бердим. Ингичка қошини чимириб тўхтаб қолди. «Ўлдим!» – дейман ичимда. «Салом, менда ишингиз бормиди?» – дейди. «Иш эмасу, мана шу, – дедим дудукланиб, – аммамлар вафот этибдилар. Телеграмма келибди. Иложи

бўлса, мендан имтиҳонни бугун олсангиз». Валиева ўйланиб қолди. «Қани телеграмма?» – деб қоладими деб юрагим така-пука! Йўқ, сўрамади. «Имтиҳонга тайёрмисиз?» – деди. «Қизиқ экан-ку, – дейман, тайёр бўлсам ёлғон гапиравмидим?» «Ўқидим», – дедим бўшашиб. «Бўлмаса кечқурун келинг, математикларнинг имтиҳони тамом бўлганидан кейин сиздан оламан», – деди. «Хўп, опажон», – дедиму театрга югурдим. Бир жуфт билет чўнтакда! Кечқурун соат олтиларни мўлжаллаб келсам, имтиҳон бўлаётган аудиторияда ҳеч ким йўқ. Валиеванинг бир ўзи тирсагини столга таяб, икки кафти билан чаккасини қисиб ўтирибди. «Чарчабди, – дейман суюниб, – яшасин, чарчабди!» Секин эшикни очиб тағин бир марта салом бердим. «Келинг», – деди қошини чимириб. «Кечирасиз, опажон, сизниям овора қилиб куттириб қўйдим. Поездга билет олиб келдим, – дедим уф тортиб, – соат саккизда жўнайман». «Билет олинг», – деди. Имтиҳон пайтида билет нима-ю, чўғ нима! Шафқат тилагандай секин қараб-қараб қўйдим. Тикилиб турибди. Олдим. Бундоқ қарасам, етти ухлаб тушимга кирмаган саволлар. «Аммамлар раҳматли ўз онамдай эдилар», – дедим йигламсираб. Худо ҳаққи, ўша пайтда аммамнинг куни кеча ўлганига ўзим ҳам чиппа-чин ишониб кетдим, ўзидан-ӯзи кўзимга ёш келди. Валиеванинг раҳми келди шекилли, нардан-бери сўраб, уч қўйиб берди. Лабим ўзидан-ӯзи бир ёқса қийшайиб илжаяман. Ўзингни бос, Абди, дедиму, раҳматни қуюқ қилиб ётоқхонага югурдим. Кўйлак-шимни дазмоллаб театр ёнига келсам, Зулайҳо опангиз илҳақ бўлиб фойеда турган эканлар.

– Ёлғонни ҳам сувдек ичасиз-да! – Зулайҳо кафти билан столни урди. – Иккаламиз ҳечам театрга тушмаганмиз.

– Шунақами? – Абдухалил ҳайрон қолгандай кипригини пирпиратди. – Бўлмаса бошқаси билан тушган эканман-да!

Боғ устида қувноқ қаҳқаҳа янгради. Абдухалил парво қилмай давом этди:



Отам – Атоуллохон
Ҳошимхон ўғли.



Онам Ҳакимахон
Ибодхўжа қизи.



Умр йўлдошим Ўлмасхон билан.



Биринчи устоз – Абдулла Қаҳхор, Учқун Назаров,
Хайридин Салоҳ билан.



Ёшлик баҳори.



Озод Шарафиддинов билан самарқандлик мухлислар
ва олимлар даврасида.



Устоз Асқад Мұхтор билан.



Ўғлим Фаррух ва набирам Фахриёр билан.



Опам Озодахон ая билан.



Устозлар ва шогирдлар.



Ижодкорлар даврасида.



Набираларим – ширинтоларим.



Қизим Юлдуз билан.



Расмий сафарнинг масъулияти бўлади.



Китобхонлар билан учрашув.
Таниқли олима Мұҳаббат Шарағиддинова билан.



Ака-укалар, дўст-бирадарлар даврасида.



«Кетдик, миттивой!»



Устоз Саид Аҳмад билан.



Талабалик йилларим.



«Дунёнинг ишлари» телевизионидан лавҳа.



«Баҳор қайтмайди» телевизионидан лавҳа.



Аждодлардан ёдгорлик.
Абулқосимхон эшон мадрасаси. XIX аср.



Ўзбекистон Қаҳрамони
Эркин Воҳидов билан.



Битта романни уч ойда ёзиш мүмкін.
Аммо уни уч йил муттасил үйлаш керак.



Умр — оқар дарёдир...



Эллик йиллик синфдошлар.



Оила даврасида.



«Дунёнинг ишлари» телесериалдан лавҳа.



Таниқли режиссёр Мираббос
Мирзааҳмедов билан.



«Баҳс» кўрсатувига
тайёргарлик.



«Баҳор қайтмайди» телевизиондан лавҳа.



«Инсон садоқати» телевизиондан лавҳа.

— Икковлашиб ичкари кирдик. Сигарет чекиб турсам, бирор орқамдан келиб: «Тутатиб олсам майлими, биродар?» — дейди. Форма кийган лейтенант экан. «Марҳамат», — деб гугурт узатдиму, қочишга жой тополмай қолдим. Ишонасизми, лейтенантнинг орқасида Валиева қошини чимириб турибди. «Нима бўлса-бўлди», дедиму яна бир марта салом бердим. Аммо бу сафар жуда сипо саломлашдим. «Салом, Васила Валиевна! Ҳа, томошага келибсиз-да! Дуруст-дуруст!» — дедим. «Сизнинг ҳам аммангиз ўлганмиди», демоқчи бўлдиму, қўрқдим.

— Бўлди! — деди Зулайҳо жиддийлик билан. — Энди дам олиш керак. Эртароқ кетайлик.

Гавҳар боғдан қушдек енгил тортиб чиқди. Кўчаларда йўловчилар сийраклашиб, баланд-баланд акас япроқлари оромбахш тун шабадасига қучок очиб, қўшиқ айтар, узоқ-яқинда трамвай дугасида чақнаган ўт ялт-юлт этиб сўнарди.

Мансур Гавҳарнинг ёнида оҳиста юриб борар, Гавҳар унинг олисларга тикилган сокин кўзларига соғинч билан қараб-қараб қўярди.

Ётоқхонага келганларида Гавҳар эртага имтиҳон оладиган домлани Зулайҳодан билиб олгиси келди.

— Фулом Сайдович ким?

Зулайҳо жилмайди.

— Кўрқманг. Яхши одам. Илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари. Профессор. Талабчан, яхши домла.

Гавҳар анчагача ухлай олмади. У имтиҳондан қўрқмаса ҳам ҳаяжонланарди...

Шу кеча Мансур ҳам ухлаёлмади. «Гавҳар ҳаракатчан қиз. Яхши ўқиган. Лекин уч балл етмаса ҳам институтта киролмайди». Шу ўн кун ичидаги унга шунчалик суюниб қолдики, энди ажралишни тасаввур ҳам қилолмайди. Йўқ, Гавҳар шу ерда, унинг ёнида бўлиши керак!

— Тальят «ёрдам бераман», деяпти-ку! — деди у пичирлаб. Лекин унинг ўшанда айтган гапи, Гавҳарнинг ранжигани ёдига келди-ю, ижирғаниб лабини тишлиди. «Нимага қайириб ташламадим? Ўзи

дуч келган қизнинг кетидан югурадиган шилқим бўлса!»

...У эрта билан ювинаётганида ойнага қараб, уйқусизликдан кўзлари қизариб кетганини кўрди. «Майли, уйқудан қолиш талаба учун янгилик эмас».

Имтиҳон бораётган аудитория эшиги ёнида талабалар тўпланиб туришар, босинқи ғовур-ғувурдан бош айланарди. Гавҳар ҳаяжонланар, асабийлик билан ҳадеб уф тортарди. Мансур бўлса хотиржам жилмаяр, аммо Гавҳар унинг уйқусизликдан киртайиб қолган кўзларига, озғин чеҳрасига тикилиб, бетоқат бўлаётганини сезиб турарди. Нимагадир мана шу ҳаяжонли дамда ҳам Гавҳарнинг вужудини мулойим бир ҳис чулғаган, ёнида Мансур борлиги учун суюнар эди.

— Норбоева!

Гавҳар сесканиб бурилиб қаради. Эшик тутқи-чидан ушлаб турган Талъат имо қилди:

— Келмайсизми?

Гавҳар Мансурнинг охирги гапларини эшитмади. Аммо шоша-пиша гапираётганидан далда беражётганини тушунди.

У Талъатнинг қаршиисига келганида эркакларга хос аллақандай, бошини айлантирувчи исни сезди. Ёки ўзига шундай туюлдими, эшик олдида бир зум тўхтаб қолди.

— Кираверинг! — Талъат «Қўрқманг!» дегандай хушчақчақлик билан бош силкиди.

Хонага ҳаяжонли сукунат чўккан, салқин эди. Гавҳар қўрққаниданми, ҳаяжонданми, гандираклаб кетди-ю, секин-секин юриб, ўртадаги стол олдига борди. Дуч келган чиптани олди. Иккинчи қаторга бориб ўтирганидан кейин машинкада ёзилган саволларни ўқиди:

1. Жоуль-Ленц қонуни.

2. Резонанс.

Учинчи савол электромагнит майдони ҳақидаги масала эди.

Унинг вужудини осойишта илиқлик чулғади. Ҳаммаси ўзи билган, ёд қилиб юборган саволлар!

Устига гулдаста қўйилган стол ёнида қотма, ўрта яшар аёл билан сийрак соchlари оқарган, тўладан келган киши ўтиради. У қархисида турган гулларга тикилиб хаёлга чўмган, кўйлагининг юқори тутмаси ечилиб кетган, кўкрагидаги оқиш туклар кўриниб туради. «Фулом Саидович шу бўлса керак», деб ўйлади Гавҳар ундан кўзини олиб қочиб.

Талъат жимжит аудиторияда айланиб юrap, ҳар бир талабанинг тепасига галма-гал бориб, эгилганча шивирлаб гаплашарди. У секин-секин юриб Гавҳарнинг тепасига келди. Гавҳар шоша-пиша саволга жавоб ёзаркан, Талъатнинг кафти елкасига текканини сезиб, столга энгашди.

– Саволлар тушунарлим? – Талъат дўстона жилмайиб Гавҳарнинг елкасидан кафтини олди. – Қийин эмасми?

Гавҳар индамасдан бош силкиди.

– Ким тайёр?

Профессорнинг йўғон овози жимжит аудиторида гулдираб эшитилди. Ҳеч ким жавоб бермади. Гавҳар Фулом Саидовичга кўринишга қўрқандай бошини қуи солди. Хона ичи тағин жимжит бўлиб қолди. «Энди чақирса чиқаман». Гавҳар саволларга ёзган жавобларини тағин бир марта кўздан кечириб, бошини кўтарди. Профессор Гавҳарнинг ўзига қараб ўтирганини кўриб, сўради:

– Тайёрмисан?

Гавҳар ўрнидан турди. Профессорнинг қархисига келганида иккиланиб қолди. У қўлларининг қалтираётганини яширишга уринар, унга сайин баттарроқ ҳаяжонланарди. Бир лаҳза кўз ўнги хиралашиб кетди-ю, стулга оғир чўқди.

– Қўрқма, қизим. Нега қўрқасан?

Гавҳар унга бир қаради-ю, ҳорғин кўзларида оталарча меҳр учқунини сезди, аста хўрсинди. Майли, уч қўйса ҳам, «ёмон» қўйса ҳам майли! Мана шу бир оғиз сўзи учун Гавҳар ундан хафа бўлмайди!

У биринчи саволни ўқиди.

– Гапиравер, қизим... Йўқ, шошилмасдан гапиргин-да!

Гавҳар хаёлида чарх ураётган фикрларни тўплаб олиб, қайтадан бошлади:

– Биз электр токининг металларни ҳам, суюқлик билан газни ҳам иситишини биламиз. Мана шу иссиқлик миқдорини инглиз олимни Жоуль билан рус олимни Ленц топган. – Гавҳар секин ўрнидан туриб бориб тажриба столидан ичига сув тўлдирилган шиша идишга темир пластинка туширди. Ишончли ҳаракатлар билан бир учи амперметрга уланган симни пластинкага теккизди-да, реостат тутқичини сурди. Профессор дикқат билан кузатиб турганини сезиб, давом этди: – Агар токни икки марта оширсак, суюқликнинг ҳарорати икки ҳисса эмас, тўрт ҳисса ошади. Мабодо, темир пластинка ўрнига қаршилиги униқидан икки марта кўпроқ бошқа ўтказгич ўрнатсак, сув ҳам икки даражада кўпроқ исийди. – У ҳаяжондан бир ютиниб олди-да, профессорга қараб қўйди. – Пластинкаларни ўзгартирмай, токни қанча ўтказиб турсак, суюқлик ҳам шунча кўп исийверади. Шундай қилиб, ўтказгичдан ток ўтганда ажralиб чиқадиган иссиқликнинг миқдори, ток катталигининг квадратига, ўтказгичнинг қаршилигига токнинг ўтиб туришига мутаносиб бўлади. – У бир варақ қофозга тажрибанинг формуласини шоша-пиша ёзиб кўрсатди.

Профессор формулага бир қараб қўйди-ю, тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди шекилли, бош силкиди.

– Иккинчи савол нима экан?

Гавҳар бир лаҳза ўйланиб қолди-да, гап бошлади:

– Бир жисмдан чиқиб тарқалган товушнинг бошқа жисмга урилиб тебраниш ҳосил қилиши резонанс ҳодисаси деб аталади. Камертонларнинг резонанслашиши бунга яхши мисол бўла олади.

– Шошма! – столни кафти билан секингина уриб қўйди профессор.

Гавҳар чўчиб тўхтади. Тўғри айттаётган эди-ку!

Профессор жилмайди. Салқи қовоқларининг атрофида тугунчалар пайдо бўлди.

— Яхши, учинчи саволга ўт.

Гавҳарнинг кўнглидаги қўрқув ўрнини илиқ қувонч ҳисси чулғади. Шошилмасдан охирги масалани еча бошлади. Профессор ҳамон ундан кўз узмай гапини тугатишини кутиб турарди.

— Бўлдими? Қаердан бўласан?

Гавҳар айтди.

— Ота-онанг борми?.. Колхозда ишлашадими?

Гавҳар бош силкиди.

— Мактабингда яхши ўқитишган экан. Институтга кириб олсанг, янаям яхшироқ ўқи! Майдачуйда нарсалар билан ўралашма. Энг муҳими, ҳалол бўл! Ҳалол одам ҳаётда қоқилиши мумкин. Аммо унчамунчага йиқилмайди. Уқдинми, қизим?

Гавҳар унга фарзандларча меҳр билан тикилди. Салқи қовоқлари ҳам, қонсиз юзлари ҳам азиз кўриниб кетди. «Неча баҳо қўйса ҳам хафа бўлмайман!»

— Аъло, — деди профессор хотиржамлик билан.

— Раҳмат, — Гавҳарнинг овози титраб эшитилди.

— Раҳматни менгамас, мактабда ўқитган домланингга айт... Қани, ким тайёр!

Гавҳар чиқиб кетаётганида эшик олдида турган Талъат секин шипшиди:

— Сиз бўлсангиз қўрқиб юрибсиз?

Гавҳар унга миннатдор қараб қўйди-да, йўлакка чиқди. Зулайҳо уни бағрига босиб, шундай маҳкам қучоқлаб олдики, анчагача типирчилаб, оғушида қолди. У ҳадеб Гавҳарнинг икки юзидан ўпар, суюнганидан кўзларидан ёш чиқиб кетган эди. Мансур жилмаяр, Гавҳарни энди кўраётгандай ошкора соғинч билан тикиларди.

— Кеч қоляпмиз, Зулайҳо, — деди у ҳамон Гавҳардан кўз узмай. — Сиз, Гавҳар, бугун дам олинг.

* * *

Бир вақтлар, қизалоқ пайтида Гавҳар ёз кечалари аяси билан айвонда ётар эди. Чигирткалар оҳиста чириллар, том тепасига келиб туриб қолган тўлин ой мўл-мўл нур сочар, шамолда силкинаётган дарахт шохининг сояси ерда тўлғанарди.

— Ая, нимага кечасиям соя тушади-я? — дерди Гавҳар пичирлаб.

— Нур бор жойда соя ҳам бўлади, яхши бор жойда ёмон ҳам... — дерди онаси осойишта оҳангда... Рост айтган экан. Нур бор жойда соя ҳам бўларкан. Нур билан соя ёнма-ён юраркан.

Гавҳар иккита имтиҳондан аъло олди-ю, математикадан ёзма иши билан иншоси «тўрт» бўлиб қолди. Математикадан «яхши» олишига ўзи ҳам ишонмаган эди. Масалани тўғри ечди-ю, оқقا кўчираётганида вақт тугаб қолди. Гавҳар икки жойда манфийлик белгисини мусбатлик белгиси билан алмаштириб юборганини йўлакка чиққанидан кейин фаҳмлади.

Адабиётдан «тўрт» олгани жуда алам қилди. «Шоҳи сўзана»ни мактабда ўzlари саҳналаштирган, Гавҳар Ҳафиза ролини ўйнаган, асар ёд бўлиб кетганди унга. Нима учун «беш»га илинолмаганига ҳайрон қолди.

Охирги умид кимёдан эди. Агар шундан аъло ололмаса, тамом!

Охирги умиди ҳам пучга чиқади. Ростини айтганда, бу фанни ўзи ҳам унча ёқтиरмас эди. Имтиҳон саволларини ўқигандәёқ қийналишини билди. Аммо бутун диққатини тўплаб, иложи борича аниқ жавоб беришга ҳаракат қилди. Имтиҳон олаётган ёш аёл жавобидан қониқяптими-йўқми, ифодасиз юзидан билиш қийин эди.

— Билимингиз чуқур эмас, — деди у.

Гавҳарнинг ичидаги бир нима узилиб кетгандек бўлди. Аммо ўқитувчи опага ялиниб-ёлбориш, «қўшимча савол бера қолинг», дейишга фурури йўл қўймади.

— Меҳнат стажингиз бўлмаса, институтга киролмайсиз, — деди ёш домла опа. — Аввалги баҳоларингиз яхши экан. Сизга ачиняпман. «Уч» қўйсам, сизнинг ҳақингиз кетади, тўрт қўйсам — меники. — У бир зум иккиланиб турди-да, имзо чекиб, имтиҳон қофозини Гавҳарга узатди.

— Раҳмат! — деди Гавҳар варақани олиб. Бу гапи ўқитувчига киноя маъносидаги эшитилганини эшик олдига етганидан кейин англади. Аммо индамай чиқиб кетаверди. Мансур, Зулайҳо, Абдухалил унинг атрофини ўраб олишди.

— Нима бўлди? — Зулайҳо хавотирланиб Гавҳарнинг қўлидан имтиҳон қофозини олди.

— Уч. — Гавҳарнинг овози қуруқ эшитилди.

— Тўрт-ку! — Зулайҳо суюниб кетди.

— А?!

Гавҳар имтиҳон қофозини Зулайҳонинг қўлидан юлқиб олди. Ҳозиргина елкасидан босиб ётган тоғ бирдан ағдарилди-ю, қувончдан энтикиб қолди. «Тўрт! Тўрт экан!» Атрофини ўраб олган талабалар, нимқоронги йўлак, Зулайҳо билан Абдухалил, Мансур шу қадар қадрдан кўриниб кетдики, севинчдан ёнган кўзлари билан атрофига жавдираб қолди.

— Тўрт экан! — деди қувонч билан пичирлаб.

* * *

Мандат комиссиясининг мажлиси қоронфи тушгунча чўзилди. Неча кундан бери жонга теккан ғовур-ғувур бугун, айниқса, авжига чиққан, бирор кулар, бирор йиғларди. Шифтдаги лампочкалар папирос тутунидан хиралашиб қолган, йўлак дим бўлиб кетган, лекин исми чиқса эшитолмай қолишидан чўчиб, ҳеч ким ташқари чиқмасди.

Зулайҳо маъюс бўлиб қолган, Мансур Гавҳарнинг кўзларига сокин тикилар. Абдухалил ҳазилхузул қилмоқчи бўлар, аммо ҳеч ким қулоқ солмасди. Охиригача ўтиришди. Гавҳарнинг номи чиқмади. Ичкаридан навбатчи чиқиб, комиссия тамом бўлганини айтди...

Мансур шу кунгача ҳеч қачон ҳеч кимга ялинмаганди. Аммо шу тобда Гавҳар учун ҳар нима қилишга тайёр эди. Майли, уни институтдан ҳайдашсин! Гавҳар кирса бўлгани. Ўзи шу атрофда юрса, Гавҳар билан ёнма-ён юрса бўлгани!

Талъатнинг комиссия ўтаётган хонадан чиқишини кутиб турди-да, йўлакда кўриниши билан тўхтатди. Гавҳардан панароқ бўлиши учун бўш аудиторияга бошлаб кирди. У ҳеч қачон шунчалик эсанкираб қолмаган, ҳеч кимга шунчалик ёлвормаган эди.

– Талъат, дўстим, жон дўстим! Нима талаб қилсангиз, қилинг! Нима буюрсангиз, тайёрман. Фақат шу қизни олиб қолайлик. Яхшилигингизни бир умр унутмайман, жон дўстим!

– Норбоевами?

– Ўзингиз тушунасиз-ку, ахир!

Талъат унга ачиниб бирпас иккиланиб турди-да, Мансурга эмас, бўм-бўш аудиториянинг бир бурчагига қараб гапирди:

– Деканатдан илтимос қилиб кўрай-чи...

Мансурнинг кўнглида умид учқуни ярқ этиб кетди. Агар шу масала ҳал бўлса, бу йигитни бир умр бошига кўтаради! Бир умр содик қолади!

– Жон дўстим, бир марта илтимос қилиб кўринг.

– Юринг-чи...

Улар йўлакка чиқишиди. Талъат Гавҳарнинг ёнидан ўтаркан, унга бир қараб қўйди-да, комиссия йиғилиши бўлиб ўтган хонага кириб кетди. Анчадан кейин эшикдан мўралаб, имлади:

– Юринг!

– Тезроқ боринг! – деди Зулайҳо пицирлаб. Мансур эса ҳозиргина Талъатга ялинганини Гавҳарга сездирмаслик учун ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қиласарди.

Гавҳар кенг хонага кириб, ўртада тўхтаб қолди. Ҳар ер-ҳар ерда ўқитувчилар гаплашиб турар, ҳаво оғир эди. Бирдан унинг бу ердан чиқиб кетгиси, Мансурнинг қўлидан тутиб кўчага отилгиси келди. «Нима қилади, ялиниб-ёлворадими, шафқат тилайдими?»

Талъат унинг билагидан секингина қисиб, бурчакни кўрсатди. Элликларга бориб қолган озғини киши бир қўли билан кўк духоба ёпилган столга таяниб, иккинчиси билан аллақандай ҳужжатларни

варакларди. Қирра бурни устидаги күзойнагининг нозик гардиши чироқ нурида ялтирап, чөхрасидан қаттиқ чарчагани сезилиб турарди. «Декан шу бўлса керак». Гавҳар оғир-оғир қадамлар билан унинг ёнига борди. Декан асабийлик билан бошини кўтарди.

— Норбоевамисиз? Қишлоқ меҳнатидан қочиб келибсиз-да! — Унинг күзойнак орқасидаги кўзлари кинояли қисилди.

«Меҳнатдан қочиб?!» Гавҳар бу ерга кирганига афсусланди. Нимага қочади? Иш қилиб ўрганмабдими? Ҳалиям бўлса кетаверади! Эҳтимол, уни бу ерга ўқишдан бошқа бир нарса – кучлироқ нарса олиб келгандир?

Гавҳар энди бурилиб кетай деб турган эди, декан сўради:

- Неча балл бўлганди?
- Йигирма икки, — деди Гавҳар бўғиқ овозда.
- Нима гап?

Гавҳар Фулом Сайдовичнинг йўғон товушини эшитиб, бурилиб қаради-ю, уялиб кетди. Уни кўрмай қолгани учун айбордрай бош эгиб хўрсинди.

— Йигирма икки балл олиди. Узокдан келган экан, — деди декан маслаҳат сўраган оҳангда.

— Асосий фанни яхши билади. — Фулом Сайдович Гавҳарга яна бир қараб қўйди. — Резервда қолдирса бўлмасмикан?

— Буни ректорат ҳал қиласди. — Юнусов ўйланиб қолди. — Балки деканат тавсия қилса йўқ дейишмас.

— Шундай қила қолайлик, — деди Фулом Сайдович хайриҳоҳлик билан.

Юнусов бир Гавҳарга, бир Тальятга қараб хуласини айтди.

— Стипендия бермаймиз. Ётоқхона ҳам. Агар ўзини ҳар томонлама кўрсатса, кейинги семестрдан қабул қилиш имкони бўлиб қолар.

...Эшик олдида турган Тальят унинг қўлини маҳкам қисди.

- Қутлайман, студент!

Гавҳар унинг табассум қалқиган чөхрасига тезги на қаради-ю, йўлакка отилди.

Ҳаммалари күчага чиқишганида Талъат Гавҳарга қараб жилмайди.

— Энди мени уялтириб қўймайсиз-да!

Гавҳар негадир хафа ҳам эмасди, хурсанд ҳам. Чироқларнинг ола-чалпоқ нури тўкилиб ётган йўлакдан индамай кетаверди.

— Уялтирмайдилар, — Гавҳар учун Мансур жавоб берди. — Раҳмат сизга, дўстим! — У бу сўзларни шу қадар миннатдорчилик билан айтдики, Зулайҳо билан Абдухалил ҳам, Талъатнинг ўзи ҳам анчагина жим боришли.

* * *

Гавҳар ўқишига келар, аммо у билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Домлалар журналда унинг номини ўқимас, курсдошлари ҳам бегонасираб юришарди. Гавҳар парво қилмасликка уринар, бир чеккада ўтириб сабоқларни иштиёқ билан тинглар, яхши ўқишига ишонарди. Баъзида Талъат кўриниб қолар, яқин орада уни қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқиши аниқлигига ишонтирас, юпатар эди. Гавҳар ҳамон Зулайҳоларнинг хонасида яшар, ўрнининг эгаси Саодат деган қиз тошкентлик билан қариндошлариникуга кўчиб кетганди.

Гавҳар Мансур билан, Зулайҳо билан суҳбатлашганида, Абдухалилнинг қувноқ латифаларини эшифтганида тағин хушчақчақ бўлиб кетар, ёлғиз қолганида эса бу ташвишларнинг тезроқ билан ёқлиқ бўлишини истарди.

Уч ҳафта ўқиганидан кейин пахта йифум-теримига ҳашарга чиқишиларини эшиитди-ю, енгил тортди. У қишлоқ ҳавосини соғиниб қолган, чарчагунча ишлагиси келар эди.

...Осмон фонусини қишлоқ устига илиб қўйган, чор-атроф сокин ой нурига тўлган, пастак уйлар тор кўчаларга соя ташлаган, эрта кузнинг салқин ҳавосида гўзапоя иси, беда ҳиди анқирди. Қишлоқни ёнбағирлаб ўтган канал соҳилида қамишлар оҳиста шовуллар эди.

Тахталари фирчиллаб турган күпrik устида Мансур Гавҳар билан юзма-юз турар, уларнинг узун сояси сув устида қалқирди. Мансур ой нурида мудраётган қишлоққа сукланиб тикилар, илк куз ҳавосини тўйиб-тўйиб симиради.

– Қишлоқни қўмсаб қолган эканман... Ҳар йили пахтага чиқишимизни эшитсан, севиниб кетаман. Киши дам олади-да...

– Мен ҳам... бугун йўлга чиқишимиз билан енгил тортдим. – Гавҳар бошини қўйи солиб, оёғиннинг учи билан кўпrik тахтасини фирчиллата бошлади. Унинг киприклари ойдинда қоп-қорайиб кўринар, аллақандай сирли гўзаллик берарди чеҳрасига. «Яхши бўлди, – деб ўйларди Мансур ундан кўз узмай. – Шаҳарда курсдошлари олдида хижолат чекиб юрарди. Энди яхшироқ ишласа, институтга қабул қилишлари аниқ».

– Кетамизми? – Гавҳар бошини кўтарди. – Тағин, булар қаёққа кетишиди, дейишмасин. Зулайҳо опам уришиб берадилар.

Мансур мамнун жилмайди, Зулайҳо Гавҳарни ўз синглисидай тергаётганидан, Гавҳар ҳам шунга кўнишиб кетганидан хурсанд эди.

Нотаниш қишлоқнинг тупроқ билқиллаб ётган кўчаларидан юриб кетишиди. Мансур оёқларининг майин тупроққа юмшоқ ботишидан ҳузур қилар, туфлисини ечиб олгиси келарди. Кўчанинг икки четида шовуллаб турган тераклар орасида ой уларга эргашар, олис-яқинда итлар акиллар эди.

Мансур боя ўйлаган гапини энди айтди.

– Мактабда ўқиб юрганингизда пахтани яхши терардингиз-а, Гавҳар?

Гавҳар «нимайди» дегандек ҳайрон бўлиб қаради.

– Бу ерда ҳам яхши ишлаб, ўзингизни кўрсангиз, ёмон бўлмайди. Семестр тугамасидан ҳам институтга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқиши мумкин экан, ҳали Талъат айтди. – Мансур бир зум ўйланиб, қўшиб қўйди. – Талъат бунақа нарсаларни

ҳал қилиш йўлини биладиган йигит. Устига-устак, деканнинг жияни.

Гавҳар Мансурнинг кўзига термилиб хўрсинди:

– Сиз нима десангиз шу, Мансур aka! Юзингизни ерга қаратмайман!

Улар факультет талабалари келиб тушган мактаб биносига келганда чироқлар ўчмаган эди. Мансур дeraзадан ичкари мўралаб, йигит-қизларнинг қатор бўлиб сиқилишиб ўтирганини кўриб тушунди.

«Мажлис бўляпти. Декан ўтказяпти». Мансур бу одатларга кўникиб қолгани учун хотиржам эшик олдига борди.

– Юринг, – деди Гавҳарга.

Гавҳар чўчиб, тўхтаб қолди. «Юнусов койисачи? Қаерда юрган эдинглар, деса-чи?»

– Юраверинг, – Мансур уни эшикдан бошлаб кирди. Ўртада Юнусов турар, кўзойнакларини чироқ нурида ялтиллатиб бошини сарак-сарак қилиб гапи-рар, деворнинг тўрт томонида қаторлашиб ўтириб олган талабалар чурқ этмай эшитишарди. Юнусов уларни кўрди-ю индамади. Гавҳар жой излаб алангларкан, тўғрида – уйнинг тўр томонида ўраб қўйилган тўшак устида ўтирган Талъатга кўзи тушди. Талъат уни кузатиб турган экан шекилли, кўзлари тўқнашиши билан «бери келинг», деб имлади.

Гавҳар ён томонда Зулайҳонинг чақирганини эшилди-ю, бурилиб қаради.

– Келинг, – деди Зулайҳо секин.

Гавҳар Зулайҳо билан Абдухалилнинг ўртасига ўтирди. Мансур ҳамон эшик олдида турар эди. Юнусов талабаларни жойлаштиргунча анча қийналган бўлса керак, чехраси ҳорғин, уст-боши чанг, куйибишиб, қаттиқ гапиради.

– Бу ер – фронт! Комсомолнинг шонли тарихи бор. Ўтюрак ёшлар колхозлаштириш йилларида фидойилик қилган, урушда душман пулемётига кўксини қалқон қилган. Урушдан кейин тўқайларда чивинга ем бўлиб янги ерлар очган! Сизларнинг олдингизда ҳам қаҳрамонона вазифалар турибди. Пахтазор фронти ғолибларни ёқтиради!

— Тушунарли, домла! — деди Абдухалил ўтирган жойида ғўлдираб. — Фалаба қозонмагунча қўймаймиз!

Гавҳар кулиб юбормаслик учун лабини тишлади. Чиндан ҳам домланинг бу қадар тантанавор гапларни қалаштириб ташлаши фалати эди. Абдухалил бунақа ваъзларни кўп эшитган бўлса керак, бемалол илжайиб ўтирас, ундан пиёз ҳиди анқирди: бугун уни ошпаз қилиб тайинлашган эди...

Юнусов эрталаб барвақт туришларини тайинлаб, чиқиб кетди. Талъат хонадан чиқиб бораркан, уларнинг ёнидан ўтаётганида хушмуомалалик билан бош силкиди.

— Хайрли тун.

Гавҳар бу гап ўзига қаратилганини тушунди-ю, бошини кўтариб қарамади. Зулайҳо бу ерда ҳам Гавҳарни ёнидан жилдирмаган, иккаласи мактаб яқинида турадиган бир кампирникига жойлашишган эди. Гавҳар кичкина деразадан тўкилиб турган ой нурига тикилиб узоқ ётди. Анчадан кейин Зулайҳо йиғма каравотни фирчиллатиб унга ўгирildi.

— Ухланг, Гавҳар, эртага чарчаб қоласиз...

* * *

Бу кунларнинг фалати гашти бор эди. Тонг палласи ёноғи қизарган уфқларга тикилиш ҳам, шудринг томчилари титраб турган момиқ паҳталарни шоша-пиша териш ҳам, ўз хаёлларига эргашиб, пайкаллар оралаб юриш ҳам — ҳаммаси totли эди. Этакка ёпишган тўнғизтароқларни юлиб ташлаб, «барака» қидиришлар, ғўзалар орқасига яшириниб олганча қизларга хом кўрак отиб шўхлик қилишлар ҳам — ҳамма-ҳаммасида алланечук қувноқ, қайтиб келмас лаҳзалар бор эди. Туш пайтлари хирмондаги бакдан тунука иси анқиб турган кружка билан муздек сув олиб, тишлари қамашиб кетгунча тўйиб-тўйиб ичишлар, илиқ паҳта уюмига чалқанча ётиб олиб, олам-олам нур сочаётган юмшоққина куз қуёшига тикилиш ҳам оромбахш эди. Ойдин оқшомларда

қишлоқнинг сокин кўчаларида Мансур билан жимгина кезишлар, кечалари толиқиб, қақшаётган оёқ-қўлларини ҳузур қилиб узатганча донг қотиб ухлашларнинг ҳам гашти бор эди.

Гавҳар жон-жаҳди билан ишлар, қуриган чаноқлар бармоқларини шилиб, қонатиб юборганига парво қилмай пахта терар, ҳар куни юз килодан термагунча қўймайман, деб аҳд қилган эди. Қаттиқ толиққандан пахта билан тўла этак устига ўтириб, нафас ростлаб оларди. Чуқур осмоннинг бир чеккасида қатлам-қатлам булутлар муаллақ тўхтаб қолган, фўза барглари орасидан тушиб турган қуёш нури Гавҳарнинг қорайган чехрасида титрар эди. Юқори томонда – пайкал бошида бўлса керак, бир қиз қўшиқ айтар, бўғиқроқ, аммо ширали овози аниқ эшитилиб турарди.

*Ўсма тортдим авайлаб қундуз қошимга,
Не савдолар тушмади менинг бошимга.
Кундуз қошли бир йигит ўтди кўчамдан,
Айтинг, бехабармикин, бедор кечамдан.*

Шамол ашула овозини адаштириб кетди. Гавҳар нафас чиқармай қулоқ сола бошлади. Шамол тағин шу томонга бурилди, бу сафар овоз жаранглаб эшитилди.

*Бир қараб ўтдию ҳушимни олди,
Ишқ билмаган кўнглимга лахча чўғ солди.*

Бир нафас жимлик чўкди-да, бояги бўғиқ овоз фамгин давом этди:

*Кундуз қошли йигитнинг ёри бор экан.
Ўша ёрин йўлига интизор экан...*

Кейин яна жимлик чўкди. Фўза барглари ўйчан шитирлай бошлади. Гавҳар «гурс-гурс» урилаётган қадам товушларини эшитди-ю, пахта устида ётган дуррачасини танғиб ўрнидан турди. Ӯн қадамча нарида, ўқариқ ичида Талъат турарди. У Гавҳарни кўриб суюниб кетди.

– Бу ёқдамидингиз?

Талъат далада ҳам оппоқ күйлак кийиб юрар, шимининг дазмоли бузилмасди. Тез юрганидан бўлса керак терлаб кетибди, сочи елпифичдай ёйилиб тушиб, пешонасига ёпишиб қолибди.

— Ўтираверинг, — деди пешонасини артиб. — Кейин ички бир ҳаяжон билан жилмайди. — Қизлар-эй! Бирам ашула айтадики, одамнинг юраги зириллаб кетади. Қаёқдан топади бунаقا ашулани?

Гавҳар биринчи марта унинг кўзига тик қаради. Биринчи марта бу қуралай кўзларда кўнгилга яқин самимият кўрди.

— Кеча тўқсон икки кило терибсиз... Яхши ишлапсиз, Гавҳар. Деканга сиз тўгрингизда тағин бир илтимос қилиб кўраман. Овқатга юрмайсизми? Қани, этагингиз?

Гавҳар этакни ерга ёзди. Уюлиб ётган пахтани икковлашиб босиб-босиб солишди. Талъат бир кўтаришда орқалади-ю, зўриққанидан юзлари қизарип кетди.

— Қирқ кило бор шекилли, ўзиям.

Гавҳар жилмайди.

— Нариёқда тағин бор.

— Сизга ҳаммолчилик қилиш қийин экан, — Талъат ораси очиқроқ тишларини ярқиратиб кулди-да, энганишиб тез-тез юриб кетди.

* * *

Талъат даладан қайтиши билан Юнусов уни штабга чақиртирди. У лампочкаси хира ёнаётган хонага кириб, чой ичиб ўтирган деканни кўрди. Юнусов қўлинин стул суюнчигига ташлаганча ёнламаси эшикка қараб ўтирас, стол устида нон, печене, қуюлтирилган сут банкаси ётарди.

Талъат ўтириши билан Юнусов сўради:

— Ишлар қандай кетяпти?

— Яхши.

— Яхши эмас! — Деканнинг кўзойнак орқасидаги митти кўзлари қисилди. — Мутлақо яхши эмас! Бултур байроқдор эдик. Бу йил-чи? Факультетимиз инс-

титут бўйича бешинчи ўринга тушиб қолибди. Қани, факультетнинг юлдузлари?!

Талъат деканнинг иш юзасидан ҳар қандай яқинликни йифиштириб қўйишини, талабчан, қаттиққўл раҳбар экани, ҳеч кимни аяб ўтирмаслигини биларди. У Гавҳарни эслади-ю, чеҳраси ёришиб кетди. Кўпдан бери кутиб юрган қулай фурсат келди! Гавҳарни ҳам, деканни ҳам хурсанд қилса бўлади!

— Юлдузлар бор, — деди у Юнусовдан кўз узмай. — Норбоева деган қиз юз килодан ошириб теряпти.

— Қайси у?

— Резервист қиз бор-ку... Бало қиз!

Юнусов қўлидаги пиёлага қараб ўйланиб қолди.

— Эртага ректоратдан комиссия келади. Тайёрланнинглар.

Талъат чиқиб кетаётган эди, тўхтатди:

— Ҷақир, Норбоевани!

Талъат ташқарига чиқди. Тераклар орасидан баркашдек ой чиқиб келар, салқин тушиб қолган эди. Талабалар бир-бирига бақириб-чақиришар, товоқ-қошиқлар тарақларди. Талъатнинг кўнгли хижил бўлди. «Ҳар йили биттадан «машъал» чиқади. Бир ой-бир ярим ой кўтар-кўтар бўлади-да, кейин сувга чўккандай дами чиқмай кетади». Нима қилсин? У Гавҳарни кўз олдига келтириб хаёлан жилмайди. «Кўзга яқин қиз-да, қурғур».

Теракзор орасидан Мансурнинг овози келди. Талъат зулмат қўйнига тикилиб қичқирди:

— Мансур?

— Талъатмисиз?

— Гавҳарни кўрмадингизми?

— Шу ерда.

— Келсин, домла чақириптилар.

Ховли томонда бирпас жимлиқдан кейин тағин Мансурнинг овози келди.

— Боринг, мен кутиб тураман.

— Юринг, — деди Талъат Гавҳарга йўл бошлаб.

«Нима гап экан?» Гавҳар ичкарига кирмай эшик олдида тўхтади. Қофоз титкилаб ўтирган Юнусов

кўзойнагини олиб, стол устига ташлади-да, ўрнидан турди. Гавҳар унинг кўзлари у қадар баджаҳл эмаслигини, мулойим жилмайишни энди кўрди.

– Ўтирамайсизми?

– Раҳмат, домла, – деди Гавҳар уялиб.

– Бугун неча кило тердингиз?

Гавҳар айбдор одамдай астагина жавоб берди:

– Тўқсон тўрт...

– Гап бундай, синглим, сиз ўзингизни кўрсатяпсиз, тез кунда сизни институтга қабул қиласиз.

Гавҳар гапнинг охири нима билан тугашини кутаётганини декан сезди.

– Эртадан бошлаб, юз эллик килодан терасиз. Бошқалар сизга эргашиши керак.

Гавҳар аввалига декан ҳазиллашяпти, деб ўйлади. Аммо бошини кўтариб қараганида, унинг жиддий тикилиб турганини кўриб ҳайрон қолди.

– Мен юз эллик кило теролмайман, – деди бўшашиб.

– Ёрдам беришади.

Гавҳар тушунмади.

– Ким ёрдам беради?

Декан бир зум ўйланиб қолди. Сўнг негадир Тальатга қараб гапирди:

– Ўттизинчи, қирқинчи йилларнинг ёшлари фидои бўлган, ташаббускор бўлган. Ҳозирги авлод ҳам ўхشاши керак уларга. – Сўнг тағин Гавҳарга юзланди. – Шаҳарлик талабалар, пахта теришга қийналаман деса, тушунса бўлади. Сиз қишлоқда ўсгансиз, ҳар йили қилиб юрган ишингиз...

– Шунақа-ку, – деди Гавҳар гарангсиб, – барибир шунча териш...

– Домла айтдилар-ку ёрдам беришади деб! – Тальат бир қадар тажангланиб дашном берди. – Сўнг овозини пасайтириб шипшиди. – Тезроқ ўқишига кириб олишни ўйласангиз-чи!

Гавҳар ташқарига чиққанида ҳам ҳеч нимани тушунмаган бўлса-да, институтга кириши тезлашишини ўйлаб кўнглида хушнудлик туйди.

— Фақат бир шарт, — деди Талъат. — Катта домла сизга ишонч билдирияпти. Буни оқлашингиз керак. Яна бир гап айтайми? — У овозини пасайтирди. — Ҳар битта факультетнинг ўз «машъали» бўлиши керак. Тушундингизми? Аммо буни ҳеч кимга айтманг! Ҳеч кимга! Ваъда берасизми?

Гавҳар индамай бош силкиди.

Дараҳт тагида турган Мансур қоронғида Гавҳарнинг кўзига хавотирланиб тикилиб сўради:

— Тинчликми?

— Тинчлик. Қандай ишлаётганимни сўради.

Мансур елка қисди.

— Бошқалардан кам ишлаётганингиз йўқ-ку!

* * *

Талъат пахта хирмони устида ёнбошлаб ётар, бир чеккаси тутзорга туташиб кетган пайкал бу ердан кафтдай кўриниб турарди. Куз қуёши майин нур сочар, шудрингга ювинган далалар бодроқ қовурилган қозондай чатнаб ётган пахталарга тўлиқ эди. Тонг саҳардан ишга киришиб кетган қизларнинг рангоранг дуррачалари, йигитларнинг дўпписи, кепкаси кўриниб қоларди. Нариги пайкалда терим машинаси гуруллаб ишлар, фидираклар остидан кўтарилган енгил чанг бункерлар тепасида айлана-айлана, куз осмонининг бир чеккасига сингиб йўқолар эди.

Эрталабдан табелчи пахта пунктига кетди. Талъат ёлғиз қолиб зерикса ҳам пахта тераётган тала-баларнинг олдига бормади. Нима қилади, ишдан қолдириб? Транзисторли радиосининг қулоғини бурай-бурай, керакли тўлқинни топди. Олис тоғ ва денгизлар оша мексиканчами, испанчами, куй янграй бошлади. Гитара гоҳ инграр, гоҳ тантанавор жаранглар эди.

Ҳар сафар гитара товушини эшитганда уйфона-диган, унутилаёзган ҳис тағин қалбини қизитиб ўтди.

Бирор ўтмишини суюниб эслайди, бирор куюниб. Талъат ўша воқеаларни эслаганда суюнмайди

ҳам, куюнмайди ҳам. Бир вақтлар куйди ҳам, ёнди ҳам – қарор топмади.

Отаси катта идорада ишлаганига қарамай, уни ортиқча эркалатмади, ўз йўлини ўзи топишга ўргатди. Рост, Тальят ўсган сайин оиланинг ташвиши ҳам ўсиб борар, дадаси билан онасининг ўртасида майда-чўйда жанжаллар авж олар эди.

Тальят мактабни медал билан тамомлади. Аммо ўша куни ёш кўнгли илк бор синди. У синфдош дўстларини йифиб, уйида зиёфат қилмоқчи эди, дадаси бир сўзда туриб олди:

– Мактабда хайрлашув кечаси бўлдими, тамом! Зиёфат бўлса кейинроқ, эсингни таниб олганингдан кейин қиласан.

Онаси ўртага тушди. «Зиқнасиз, яккаю-ёлғиз ўғлингизнинг орзу-ҳавасига қулоқ солмайсиз», – деди. Аммо дадаси қулоқ солмади. Институтга кириш имтиҳонларидан ўтаётганида Тальятнинг кўнгли тағин ҳам чўқди. Ёшлиқдан физикага қизиқар, онаси Юнусовга сுянарди. «Тоғанг бор, бемалол кириб ўқийверасан», дерди. Ўша ёз оқшомларидан бирида Тальят институтга ҳужжат топшириб келса, уйда тоғаси ўтирган экан.

– Ҳали ҳам бўлса, тоғанг оталик қиласи, – деди онаси дадасига пичинг қилиб.

Отаси бу сафар ҳам қайириб ташлади:

– Менга қолса, институтга эшик қолиб, тешикдан кирмагани маъқул, – деди у Юнусовга. – Ўз билими билан кирсан. Киролмаса ишласин!

Онасининг айтишича, Тальят дадасини уялтириди. Имтиҳонлардан аъло баҳо олди. У иккинчи курсданоқ талабалар орасида юлдуздай ярқ этиб кўриниб қолди. Муттасил оширилган стипендия билан ўқиди, талабалар илмий кенгашига қатнаша бошлади. Институтда яхши ўқиди. Мана энди аспирантурага ҳам кирди. Илмий иши анча силжиб қолди... Аммо одамнинг омади ҳар доим ҳам юришавермайди. Ҳаётда нурли кунлар ҳам бўлади, қоронфи дамлар ҳам... Ҳозир у қўл радиосида гитаранинг дилни

орзиқтирувчи оҳангини тингларкан узук-юлуқ хотиралар ёпирилиб келди.

Ёшлик баҳорга, биринчи муҳаббат эса баҳор ёмғирига ўхшайди. Қачон ёғиши, қандай ёғишини ҳеч ким билмайди. Талъатнинг биринчи севгиси «индийский кино»га ўхшаб бошланган. Иккинчи босқичда ўқиётганида кечқурун уйига қайтаётиб, одатдагидек троллейбусга чиқди. Троллейбус тиқилинч эди. Қандайдир бурилишда дугаси чиқиб кетдими, йўлидан бирор чиқиб қолдими, троллейбус кескин тўхтаган эди, у қалқиб олдинда турган қизга «ёпишиб» қолди. Димоғига қандайдир нотаниш, дилни орзиқтирувчи атир ҳиди урилди. «Кўзингга қарасанг ўласанми, кап-катта йигит!» деди қиз бижир-бижир қилиб. Унинг чиройли қоши чимирилиб кетган, жаҳлдан юзлари қизариб, қовоғини солиб олган эди. Қизик, у шу ҳолатда ҳам ниҳоятда жозибали эди. «Кечирасиз, мен бехосдан», деди «кап-катта» йигит эсанкираб. Ишчилар шаҳарчаси бекатига етганида қиз троллейбусдан тушиб кетди. Табиийки, Талъатга қайрилиб ҳам қарамади. Аммо Талъат ундан ҳамон кўз узмас эди...

Қизифи шундаки, уларнинг иккинчи учрашуви ҳам шундай такрорланди. Фақат бу сафар Талъат қизга эмас, қиз Талъатга урилиб кетди. Танаффус пайтида Талъат иккинчи қаватга чиқиб бораётса, тепадан шошиб тушаётган қиз ортидан кимдир чақирганига андармон бўлиб бурилиб қаради-ю, Талъатга урилди. «Вой!» деди хижолат чекиб. Бир зум эсанкираб турди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Яна бир бор «вой!» деди. Аммо бу сафар ҳайратланиб эмас, қандайдир эрка оҳангда айтди. «Мана энди «раччўт» бўлдик!» деди баттар кулиб. Буни қарангки, Ҳамидахон ҳам шу даргоҳда, фақат биология факультетида, учинчи босқичда ўқир экан. Йўллари бир бўлгани учун троллейбусда кўпинча бирга кетадиган бўлишиди.

Сўнг «Панорама»га кинога тушиб, охирги қаторга ўтириб олиб, ўпишадиган бўлдилар... Қизик,

Ҳамидахон Талъатни умидсиз қилмас, аммо умидвор ҳам этмас эди. Қачон, қаерда кўришишни унинг ўзи айтар, бошқа пайтлари танаффусдами, кутубхонадами, кўришиб қолишса, танимагандек сипо бўлиб ўтиб кетар, Талъат сабабини сўраса, «ортиқча гап-сўзга тоқатим йўқ», деб силтаб ташлар, телефонинг рақамини ҳам айтмас эди.

Ёзги таътилга чиқишганида Ҳамидахон денгиз бўйига дам олишга кетаётиб, Талъатнинг манзилини сўради. Ўша ёқдан хат ёзишга ваъда берди. Қайтгач, уни ўзи топиб олишини айтди. Шундагина Талъат бу қизни чин дилдан яхши кўриб қолганини англади. Бир ойгача ундан хат ҳам, хабар ҳам келмади. Кейин... тўсатдан таклифнома келиб қолди. Чиройли таклифнома... «Муҳтарам Талъатжон! Сизни... куни бўладиган висол оқшомимизга лутфан таклиф этамиз. Жасурбек, Ҳамидабону».

Талъат бунаقا зарбага биринчи марта учрагани учун эсанкираб қолди. «Лутфан таклиф қилинган» «висол оқшоми»га бормади. Хаёлини ғалати ўй қуршаб олган, қачондир Ҳамидани учратиб қолса қандай аҳволга тушишини ўйлар эди.

Учрашишди ҳам... Ўқиш бошланишига бир ҳафта қолганида Талъат эстрада театрида машҳур хонанданинг концертига тушди. Кунгирадор, залворли эшиқдан кириши билан Ҳамидага рўпара келди. Худди илк учрашувлардаги каби. Талъат гарангсиб туриб қолган эди, Ҳамиданинг ўзи қўл бериб кўришди. Бирпас тикилиб турди-да, фоят самимий кулди. «Бечорагинам! Нега бунча озиб кетдингиз?! Чинданам яхши кўрармидингиз?» Сўнг Талъат эси ни йифиб олмасидан фойе бурчагига қараб чақирди. «Жасур aka!» Сигарет чекиб турган башанг кийинган, озғин, аммо чайир, гавдали йигит яқин келиши билан Талъатга имо қилиб таништирди. «Бу киши Талъатжон. Менинг тутинган укам».

Талъат алланима деб фўлдираганча залворли эшиқдан чиқиб кетди. Қаёққа бораётганини ўзи билмас эди. Бир маҳал қараса, «Зарафшон» ресторани

олдида турибди. Унинг ичгиси, ҳамма нарсани унуби, маст бўлгиси келар эди... Ҳамиданинг бояги гапи ҳамон қулоғи остида жарангларди. «Тутингган укам!» Ўз укасига ўптириб юрадиган «опа»!

Футбол жамоасида, одатда, захирада турадиган «зapas» ўйинчи бўлади. Уни хоҳласалар майдонга туширадилар. Хоҳласалар захирада ушлаб тураверадилар. Ҳар эҳтимолга қарши! Демак, Ҳамидабону учун Тальят захирадаги ўйинчи бўлган. «Ҳар эҳтимолга қарши!»

У дераза ёнидаги столда ўтириб, ароқ буюрди. Онасининг меҳрибонлиги туфайли киссасидан пул аримас эди. Бироқ ҳозир у буни эмас, шунча вақт Ҳамидабонуга «зapas» ўйинчи бўлиб келганини ўйлар, ўйлагани сайин гоҳ fazabi, гоҳ xўrлиги келарди...

Бир маҳал боши фувиллай бошлаганида қандайдир жўшқин, одамнинг юрак-юрагини титратиб юборадиган оҳанг шуурига кирди. Беихтиёр бош кўтариб қаради. Зал тўридаги «эстрада супачаси»да уч-тўрт нафар хонанда бири гитара, бири «барабан», яна бири гармон чалар, айниқса, гитаранинг дилларни титратувчи садоси минг оҳангда тебраниб, инграётганга ўхшар эди. Шу пайт ичкаридан ҳарир кўйлак кийган қорасоч, қоракўз гўзал аёл чиқиб келди. Гитара садоларига жўр ҳамоҳанг шу қадар оташин рақс ижро эта бошладики, Тальятнинг оғзи очилиб қолди.

Раққосанинг қочиримлари нозик ва чиройли, аъзои бадани баравар қимиirlар, одамнинг қонини гупуртириб юборадиган ҳаракатлар қилас эди. Тальят уларни лўлилар ансамбли деб ўйлади. Анча фурсат маҳлиё бўлиб ўтириб-да, гандираклагудек бўлиб ўрнидан турди. Куй ва рақс тугагач, супачага яқин борди. Одатда, ресторандаги ансамблни безовта қилиш тақиқланади. Зўр келса, сурбет хўрандани ташқарига улоқтириб юбора қолишади. Бироқ Тальят сурбетлик қилмади. Фақат раққосага яқин бориб, тили тутилгунча «бир зум меҳмони бўлиш»ни илтимос қилди. Раққоса унга яқин келиб, қўлинини чап

биқинига тираганча истеңзоли табассум билан узок қараб қолди. Шу туришда у ўзи минмоқчи бўлган «тойчоқ»ни чамалаб кўраётган чавандозга ўхшар эди.

— Бир минутга, — деди Талъат оғзидан гапи тўкилиб. — Атиги бир минутга... Илтимос...

— Кейин-чи? — деди раққоса.

У ёғига нима дейишни Талъат билмас эди. Раққоса яна бирпас қараб турди-да, «тойчоқ» ҳарқалай маъқул келди шекилли, овозини пасайтириб бир оғиз гап айтди:

— Эртага, ровно соат учда фонтан ёнида...

Зум ўтмай тағин гитара тилга кирди. Раққоса аввалгидан ҳам кўпроқ жунбушга соладиган ҳаркатлар қила бошлади.

Эртаси айтилган пайтда Зуля (ракқосанинг оти шунаقا экан) ваъда қилинган жойга келди. Сўнг «тойчоқ»ни ўзининг шаҳар чеккароғидаги шинам безатилган уч хонали квартирасига бошлаб борди. Ўзининг айтишича, уларнинг ижодий гуруҳи лўлилар эмас, қурама ансамблъ экан. Асосан жаҳон куй ва қўшиқлари, рақсларини ижро этишаркан.

Зуля чиндан ҳам тажрибали «чавандоз» экан. Талъатга кўп нарсаларни ўргатди. Яшаш қоидаларини ҳам. «Талгатчик, — деди бир куни. — Сен хотин зотига ишонма! Аёл киши хоҳласа қирқта эшак эмас, қирқта филнинг белини синдириб юборадиган макр ўйлаб топади... Ундан кейин Талгатчик, яна бир нарсани қулоғингга илиб ол. Менинг ҳаётин шиорим шу. Сен ўзинг алданиб қолмаслигинг учун бошқаларни алда! Ўзинг хиёнатга йўлиқмаслик учун бошқаларга хиёнат қил! Бўлмаса «лох» бўлиб, оёқ остида қолиб кетасан!»

Ҳамидабонунинг қилмиши ёдига тушди-ю, Талъат Зуля минг бора ҳақ эканини эътироф этди... Уйдагилар анчадан бери тўй тараддуудида. Онаси «Қачон уйланасан, танлаганингни айт», деб тиқилинч қилади. Талъат аввал диссертация ёқлаб олиши кераклигини баҳона қиласарди. Ростини айтганда чин дилдан ёқтирган одами йўқ!

У хирмонга ёнбошлаган кўйи ҳамон гитара садоларини тинглар, гоҳ Ҳамидабону «опа»сини, гоҳ Зуллянинг ним қоронғи, сербезак хонасини эсларди. Албатта, энди кўп нарсалар унугиди. Ишқ-муҳаббат, садоқат-вафо деган гаплар бачкана туюладиган бўлиб қолди. Зуля тўғри айтади. Сен алдамасанг, бошқалар сени алдайди. Қиз бола дегани гулдек гап. Сен ҳидламасанг, бошқаси ҳидлайди, сен узмасанг, бошқаси узади... Гавҳарни биринчи кўргандаёқ хаёлига шу фикр келган эди. Чиройли, соддагина қиз... Анча вақтгача «ҳидлаб юрса» бўлади. Ўқишга кириши учун маълум шартларни адо этиши кераклиги яна яхши! Суянадиган тоги ҳам йўқ. Биттаси аввали Мансурми? Кўй оғзидан чўп олмаган оддий талабанинг қўлидан нима келарди? Хоҳласа, шунаقا қиладики, Гавҳарнинг ўзи «Бировнинг ишига бурнингизни суқманг», деб жойига ўтқазиб қўяди ўша «Отелло»ни!

...Узокдан тракторнинг гуруллаган овози эшитилиди. Тальят транзисторни ўчириб ўрнидан турди. Табелчининг ўзи майкачан бўлиб олиб, трактор ҳайдаб келар, иккита бўш тележка эгри-буғри дала йўлида сакраб-сакраб шалдирап, фидираклар остидан чанг кўтарилилар эди. «Кун тиккага келиб қолибди. Ҳадемай тушлик бўлади», деб ўйлади у пайкал оралаб юрган талабалардан кўз узмай. Узокда – тутзорлар орқасидаги кўчада машина кўринди. Машина шу ёқса бурилди. «Ректоратдан комиссия келяпти». Тальят сирғалиб хирмондан тушди-ю, шимиға ёпишган пахта толаларини қоқиб ташлади. Бармоқлари билан сочини текислади.

* * *

Мансур эрта билан ўрнидан туролмади. Боши оғирлашиб кетгандай ёстиқдан кўтаролмас, қўл-оёқлари қақшар, кўзини юмиши билан туш кўра бошлар, аммо нима кўраётганини англай олмасди. Гоҳ ердан бир қарич баландда муаллақ учиб кетаётгандай бўлади, гоҳ тубсиз жарликларга шўнгийди, сесканиб кўзини очади-ю, тағин ухлаб кетади...

У тушга яқин ўзига келди. Уй ичи қуёш нурига түлган, жимжит эди. Мансур ёнига аланглаб, юмалоқланган күрпа-түшакларни күрди. «Болалар кетиб қолишибди... Жуда уятли иш бўлдику-а! Келиб-келиб арзимаган баҳона билан ҳам касал бўладими одам!» У икки кун аввал ҳамхона йигитлар билан қишлоқ четидаги каналга чўмилишга борган, кеч кириб салқин тушиб қолгани учунми, чўмилиб чиққач бадани увишиб сесканган эди. Демак, сал шамолласа томоғи оғриб, иситмаси кўтариладиган эски дарди яна қўзғабди. У ўрнидан турмоқчи эди, боши сирқираф оғриди. Ёстиққа ёнбошлаб, ташқарига қулоқ солди. Абдухалил гурсиллатиб ўгин ёпар, дераза ортида чумчуклар чирқиллашар, шамолга эргашган терак хазонлари ҳавода пирпиради.

Мансур болалигига ҳам кўп касал бўларди. Биринчи қор ёғиши билан ўртоқларига қўшилиб, Хирмонтепага чиқиб кетар, кечгача чана уча-уча юзлари совуқдан ловиллаб уйга қайтарди. Аяси уни койиб-койиб жиққа ҳўл бўлиб кетган этигини, чопончасини ечиб олар, дарров ўраб-чирмаб, танча ёнига ётқизиб қўярди. Мансур кечаси билан алаҳлаб чиқар, аяси ярим кечада туриб қайтадан чой қайнатар, гултожихўroz дамлаб ичирарди. У ёз бўйи Мансур учун атайлаб ялпиз, сариқбош, исириқ, яна аллақанаقا гиёҳларни йифиб юрар, «иҳ» деса ҳозир ундан айрилиб қолаётгандай бошида парвона бўларди. Ҳозир ҳам у ёш боладай аясининг меҳрибонликларини қўмсади. Бирор эшитиб қолишидан чўчигандай, секин уф тортди-ю, қаддини ростлаб ўтиарди.

Бир оздан кейин Абдухалил бир чойнак чой кўтариб кирди.

— Турдингизми, Мансуржон? — деди шанғиллаб. — Гавҳар бечора аҳволингизни кўриб қўрқиб кетди! Зулайҳони айтмайсизми? «Ҳар балони сиз бошлайсиз, ўзингиз-ку, қишда музни тешиб чўмилсангиз ҳам балоям урмайди, Мансурни бошлаб боришга бало бормиди», деб менга ёпишади. «Ҳой,

барака топгур, менинг чўмилишга вақтим борми, эртадан кечгача қозон кавлаб, сизларни боқиш билан овораман-ку!» десам қулоқ солмайди! Қани, мана-ви чойдан иссиқ-иссиқ ичинг, бригадир Тўхташ ака-нинг уйидан озгина асал олдириб келдим!

Бир-икки пиёла асал чойдан кейин Мансур ўзини анча енгил ҳис эта бошлади. Абдухалил каттакон тоғорада картошка олиб келиб, ёнига қўйди-ю қаламтарош билан артатуриб, тағин гапга киришди:

– Шу ошпазлиқдан озод қилсанглар, тағин бир марта ош қилиб берардим... Ўз ёнимдан! Жуда жонга тегди! Сўфи аzon айтмасдан тур, чой қайнат! Омбордан гўшт олиб кел! Овқат пишир, аравага ортиб далага бор. Тағин буларнинг димоқ-фирофини айтмайсизми! Худо ҳаққи, бир кунмас-бир кун чўмич билан тушириб қоламан-да! Ўтган куни биринчи курсларга макарон шўрва олиб борсам, бир хонимча косачаларини қайтариб олиб келдилар. «Ҳа?» «Овқатингизнинг тузи йўқ, ўзингизга ўхшаб» эмиш! «Ана туз! – дедим шўрхок ерни кўрсатиб, – тўйгунча ялашинг мумкин! Есанг ҳам бирор фириңг демайди».

Мансур кулиб юборган эди, тағин боши сирқиллади. Гуруҳдошлар Абдухалилни соғдиллиги, меҳнаткашлиги учун яхши кўради. Шу топда Мансур ҳам унга жилмайиб тикилиб ётар, Абдухалил бўлса парво қилмай ҳикоясини давом эттиради:

– Ўзингиз биласиз, мен гапирмасам туролмайман. Гаплашай десам, олдимда одам йўқ. Кун бўйи атрофимда ўралашган қушлар билан гаплашаман. Мошхўрданинг қолган-қутганини ейишди-да. Кечқурунлари Зулайҳо билан бундоқ ёзилиб гаплашай, кино-пинога борай десам, қозон ювиш керак.

– Қушчаларга от қўйиб олдингизми? – деди Мансур жилмайиб.

– От нимаси, оғайни! Ўзи қанақа қуш деб сўранг! Чумчуқ билан қарғадан бошқасини танимайман! – Абдухалил бир нимани эслаб қолди шекилли, жойлашиб ўтириб олди. – Бир куни биофакда ўқийдиган бола билан баҳслашиб қолдик. Жасур деган бола. Нуқул билағонлик қилиб тинкани қуритади. Шуни

бир боплагим келиб юрарди. Бир куни «Дунёдаги ҳамма қушларни биламан», деб мақтаниб қолди. «Йўғ-е, дунёда минг хил қуш бор, ҳаммасини қаёқдан биласиз» десам, «менинг отам орнитолог, мен билмайдиган қуш йўқ», деб туриб олди. «Бўпти, – дедим, – дунёнинг бир чеккасида эмас, ўзимизнинг Ўзбекистонда шундай қуш борки, сиз уни билмайсиз», дедим. «Баҳс бойлашамизми?» деди. Аканг қарағай худди шуни кутиб тургандим. «Бўпти, аммо битта шартим бор», дедим. «Қанақа шарт», деган эди, ётиғи билан тушунтирудим. «Сиз биологсиз, демак, бу соҳани мендан ўн ҳисса яхшироқ биласиз. Шунинг учун сиз ютқазсангиз, ўн сўм берасиз, мен ютқазсам, бир сўм», дедим. Икковимиз қўл ташлашдик. «Ўзбекистонда шундай қуш борки, осмонда учиб кетаётганда оёғи битта бўлади, ерга қўнгандиа иккита бўлиб қолади, топинг-чи, бу қанақа қуш?» дедим. «Бунақа қуш йўқ», деди ҳафсаласи пир бўлиб. «Бор-да», деб туриб олдим. «Айтинг, билсангиз», деди. «Аввал ўн сўмни чўзинг-да», десам ўн сўм чиқариб берди. «Қани, айтинг?» деб тиқилинч қилди. Тўққиз сўмни чўнтағимга солиб, бир сўм қайтариб бердим. «Бунақа қушни ўзим ҳам билмайман», дедим. «Орамиз очиқ, сиз ҳам ютқаздингиз, мен ҳам», деб кўзимни лўқ қилиб туравердим.

Мансур боши оғришига қарамай, қотиб-қотиб кула бошлади.

– Йўқ, – деди Абдухалил, – тўққиз сўмга ўзини ҳам, бошқа болаларни ҳам пиво билан сийладим. – У артилган картошкани тоғорага ташлаб бирпас ўйланиб турди-да, бирдан тишини фижиллатди. Қовоқларини уйиб пишқирди. – Мана кўрасиз, Мансуржон! Эрта-индин анави олифтага энасини кўрсатиб қўяман-да!

– Ким у?

– Анави Талъатга-да! – деди Абдухалил кўзлари чақнаб. Мансур унинг феъли нима учун айниб қолганини тушунди. Абдухалил Талъат билан чиқишолмас, отини эшитиши билан жини қуришарди.

— Кеча ўзи ҳам студент эди, — деди Абдухалил бўғилиб, — бугун хўжайин бўлиб олиб, менга ақл ўргатяпти. Қайси куни овқат олиб борсам, сошиб қолибди, деб жанжал чиқарди. «Яна бир марта шундоқ қилсангиз, стипендиядан олиб ташлайман», дейди. Вой, сени хўжайин қилганни... — Абдухалил чапаничасига қалаштириб сўкди. — «Хўп, хўжайин!» — дедиму келавердим! Эртасига макарон жаркоп қилгандим. Аравага отни қўшиб, энг аввал уларга олиб бордим. Бу гал ҳам тихирлик қилиб, йўлимни тўсди. «Нимага тушликни тез олиб келдингиз?» — дейди. «Эсингиз жойидами, Талъат, соатингизга қаранг, бирдан ошди, болалар оч ишлайверсинми?» — десам, қани кўнса! «Зарари йўқ, одам қанча оч қолса, шунча яхши ишлайди, дуторнинг ҳам қорнини тешишмаса жарангламасди», — дейди. Қамчи билан қулоқ-чаккасига солиб юборай дедиму, ўзимни босдим. «Хўп, — дедим, — бўлмаса бугун сиз тушлик қилмайсиз!» Атрофимизни ўраб турган талабалар кулиб ётибди. Гапим алам қилди шекилли, аравага чиқиб термосни очди. «Аравани тез ҳайдабсиз, овқат аралаш-қуралаш бўлиб кетибди, эртагаёқ масалангизни деканатга қўямиз», — дейди. Болалар овқатланиб олгунча тишимни-тишимга қўйиб турдим. Ҳамма ишга тушиб кетгандан кейин отнинг қоринбоғини еча бошладим. Тепамга келиб фўддайиб турибди. «Қарашиб юбормайсизми, оғайнчалиш», — дедим силлиққина қилиб. Инқиллаб-синқиллаб хомутбоғни ечди. Отни чиқариб, бир чеккага арқонладим. У бўлса тағин белини ушлаб, тепамда турибди. «Қани, кирмайсизми, нима қилиб турибсиз, оғайнчалиш?» — дедим. «Қаёқقا?» — дейди анқайиб. «Шу ёқقا-да», — дедим икки шотининг ўртасини кўрсатиб. — От дам олсин, ўрнига сизни қўшамиз. Сиз ундан кўра ақллисиз. Керак бўлса тез юрасиз, бўлмаса секин!» Кўзлари ола-кула бўлиб кетди. «Сен мени майна қилма!» эмиш. «Бўлмаса, сен ҳам мени майна қилма, — дедим. — Бир гал кеч қолдинг дейсан, бир гал тез келдинг, дейсан, муд-

даонг нима?!» Орқасига қарамай пайкалга жўнаб қолди! – Абдухалил нафрат билан қошини чимирди.

Мансур бу йигит ноҳақликни ёмон кўришини, алам ўтса ҳеч кимни аяб ўтирмаслигини билгани учун юпатди:

– Майли, Абдухалил. Унга ҳам қийин-да. Шунча одамнинг кўнглига қарааш осонми?

– Сиз ҳам қизиқсиз-да, Мансуржон! – Абдухалил чириган картошкани четга улоқтириди. – Ҳаммага ишонаверасиз! Бу ялоқи Гавҳарнинг атрофида бекорга пашшахўрда бўлаётгани йўқ. Мени айтди, дерсиз! Сал ҳаддидан ошса-ку, сиздан аввал ўзимоқ хотинчалиш башарасини пачақлаб ташлайман-а!

Унинг охирги гапи Мансурнинг ҳамиятига тегди.

– Ошириб юбордингиз. Гавҳар унақа қиз эмас.

– Биламан, Гавҳар яхши қиз. Лекин анави иблис бурганинг думини кўрган! – У жимиб қолди. Дера-зага қараб, пичоқни тоғорага ташлади. – Оббо, де-кан келиб қолди-ку!

Мансур эшиқдан кириб келаётган деканни кўриб, хижолатдан эсанкираб қолди. Юнусовнинг ортидан Фулом Сайдович кириб келди. Мансур баттар мулзам бўлди. Одатда, ҳашарга чиқсан талабалар билан домлалар, декан келар, аммо институтнинг нуфузли проректори Фулом Сайдовичнинг ўзи ҳашарчилардан хабар олиши кам бўлар эди.

«Жуда ноқулай бўлди-да», Мансур ийманиб салом берди.

– Салом, ўғлим! – деди Фулом Сайдович, – Мазанг йўқми? Майли, қимиirlама.

Мансур жавоб қилишга улгурмай тепасига Юнусов келди.

– Нима қилиб чўзилиб ётибсиз?

Мансур қизариб-бўзариб ростини айтди:

– Каналда чўмилгандим... Шамоллаб қопман.

– Баракалла! – деди декан кўзойнак ортидан қаттиқ тикилиб. – Урушда бўлганингизда эди, музлаган дарёдан кечиб ҳам шамолламасдингиз! – Шундай деб проректорга юзланди. – Нозик ойимдек

ётишини қаранг! Ҳайронман, ҳозирги ёшларга нима бўлган, Фулом Сайдович!

Фулом Сайдович бир Мансурга, бир Абдухалилга юзланиб сўради:

– Қийналаётганинглар йўқми? Овқат масаласида тақчиллик бўлмаяптими?

– Ташвишланманг, домла! – деди Абдухалил илжайиб. – Овқатлар зўр. Хоҳлаган болага хоҳлаганча «дп» бераман! Қўшимча улуш.

– Баракалла! – деди проректор кулимсираб. Мансур боши сирқиллаб кетаётганига қарамай ўрнидан турди. Декан истеҳзо билан қўл силтади:

– Ётаверинг энди!

Нарироқда турган Фулом Сайдович кексаларга хос бўлмаган чаққонлик билан илдам келиб, Мансурнинг елкасидан тутди.

– Ўтир-чи, болам! Вой-бў, иситманг бор-ку. Шошма, – унинг кўзлари меҳрибонлик билан парпиради, – ҳозир тузатамиз! Менинг ҳам одатим шу: сал шамолласам дарров ётиб қоламан. Шунинг учун, – у пиджагининг чўнтагини кавлади, – эҳтиётимни қилиб юраман... Чой борми?

Эшик олдида турган Абдухалил дарров совуқ чой олиб келди. Фулом Сайдович қофозга ўроғлиқ думалоқ доридан биттасини узатди.

– Қани, ичиб юбор-чи!

Мансур проректорнинг талабаларга меҳрибон эканини кўп эшитган эди. Энди ўзи ҳам кўрди.

– Раҳмат, домла! – деди оҳиста.

– Мана бунисини кечқурун ичасан, – профессор яна битта таблетка узатди. – Ўралиб ётсанг, эрталаб ҳеч нима кўрмагандай туриб кетасан.

Аммо Мансур ётмади. Ётолмади. Домлалар эшикдан чиқиши билан ўрнидан турди. Йўлакда профессорнинг босинқи овози эшитилди.

– Сиз, азизим, «ҳозирги авлод», «уруш», «фронт» деган гапларни кўп писанда қиляпсиз! Уруш кўрмагани учун ҳозирги авлод айбдор эмас! Қўйинг, кўрмасин ҳам. Сиз билан мен ким учун жанг қил-

дик? Мана шу авлод учунми, ахир! Кўнгилни кенг қилиш керак, азизим.

Мансур деканнинг жавобини эшифтади. Ҳовлида машина гуруллади. Мотор товуши узоқлашиши билан этакни елкасига ташлаб ҳовлига тушди-ю, Абдухалилнинг койишига қарамай секин-секин далага қараб кетди.

* * *

Сумбула туғди. Канал бўйидаги қамишлар сарфайиб, таъзимга бош эгди. Сувлар тиниқлашиб, остидаги ўтлар кўриниб қолди. Осмонда шамолга эргашган мезонлар кезди, заъфарон хазонлар пирпиди. Унсиз куз шарпаси каҳрабо ҳассасига таяниб, ер юзида кеза бошлади. Эрталаблари қуюқ туман остида жунжиккан пахтазорга кириш кишини сес-кандирадиган бўлиб қолди.

Гавҳар ҳамон аввалгидай ишлар, аммо энди меҳнатининг «натижаси» икки ҳисса кўпроқ ёзилар эди. Биринчи марта юз саксон кило пахта тердим, деганида Зулайҳо уни бағрига босиб эркалади. Ўзини бунчалик қийнамаслигини тайинлади. Кейин... шубҳа билан қарай бошлади. Ундан кейин аллақандай бегонасираб қолди. Йўқ, у ҳали ҳам аввалгидай меҳрибон эди-ю, аммо ниманидир айттолмаётганидан хижолат бўлаётгандай кечқурунлари кам гаплашар, иш тўғрисида гап бошланса, мавзуни бошқа томонга буарди.

Гавҳарнинг ўзи ҳам бундай гаплардан юраги безиллар, аммо қочиб қутулолмасди. «Илфор»лиги ҳақида аввал курсдошлари орасида гапиришди, кейин «ташаббуси»ни бутун факультетга ёйишиди. Юнусов билан Талъат кўпчилик ўртасида унинг номини тилдан қўймайдиган, бошқаларни ундан ўrnак олишга ундейдиган бўлиб қолди.

Йигирма кун ичида Гавҳарнинг кўзлари киртаниб, озиб кетди. У одамлардан ўзини олиб қочар, камгап, одамови бўлиб бораарди. Ҳамма унга бегона-

сираб қараётгандай, орқасидан пичирлаб гапираётгандай эди. Фақат Мансур ҳамон ўзгармаган, ҳамон Гавҳарни аввалгидай авайлар, оқшомлари узоқ-узоқ сұхбатлашарди...

...Шу куни Гавҳар ланж бўлиб уйғонди. Унинг руҳи тушиб кетган, нимадан хафалигини ўзи ҳам билмас, лекин ҳеч ишга қўли бормасди. Пайкалга тушгандан кейингина ланжлиги йўқолди. Кўйлагининг этаклари тонг шудрингидан ҳўл бўлиб кетганига, иссиқ кофтасининг енги кўкариб қолганига парво қилмай чаққон ишга киришди. Пахталар унинг нозик бармоқларига илашиб чиқар, чаноқлар силкиниб қоларди. У энгашиб олганча тез-тез ишларкан, уйга ёзган хатларига жавоб келмаганини эслаб, кўнгли хижил бўлди. Мандат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтган куниёқ институтга кирдим, деб ёзган, аясини чўчитмаслик учун Мансур акаси ҳам ўзи билан бирга эканини айтган эди. Гавҳар аяси билан дадасини, Фиёс акаси билан Фотима-Ҳусанларни ўйлаган сайин соғинчи кучаярди.

Кун тиккага келиб қиздира бошлади. Гавҳар кофтасини ечиб, бир туп баланд фўза учига илаётган эди, хирмон томондан Абдухалилнинг овози гулдуради:

– Обе-е-ед!

Бир тўда талабалар аллақачон хирмон бошига бориб олишган, бошқалар терган пахтасини орқалаб ўқариқдан турнақатор тизилиб кетишарди. Гавҳар толиққанини энди ҳис қилди. Боядан бери терган уч уюм пахтасини этакка зичлаб жойлади-ю, юкнинг оғирлигидан икки букилиб, тарози томонга юриб кетди. Хирмонга яқинлашганида қадамлари секинлаша бошлади, этикнинг вазминлиги яна сезилди. У юкни тепаликка олиб чиқолмаслигини билар, аммо тўхтагиси келмасди. «Майли, барибир етаман!»

У тиришиб-тирмашиб хирмонга чиқа бошлади. Каттакон темир тарози ёнида турган Талъат уни кўриб қолди шекилли, ҳисоб дафтарини пахта устига ташлаб, чопиб тушди.

— Бунақа оғир күтарманг-да! — У Гавҳарга қўл чўзди.

— Керакмас, ўзим... — Гавҳар яна икки қадам босди. Энди у қўлларининг томири тортишиб, оёқлари қалтирай бошлаганини сезиб турарди.

— Бу ёқقا беринг! — Тальят унинг елкасидан этакни олди. Бир силтаб орқалади-ю, тез-тез юриб тарози тарафга кетди.

— Қирқ бир кило, — деди этакни тарозидан тушириб. — Ҳаммаси бир юз икки бўлди!

Гавҳар унга қарамасликка ҳаракат қилиб пахтани ағдарди, бир чеккада турган косасини олиб, бақдан сув қўйиб ювди. Йигит-қизлар навбати билан Абдухалилнинг ёнига келишар, у бўлса ҳар гал косани тўлдирган заҳоти «Кимнинг гали?» деб бақириб қўярди. Ҳавода мошхўрданинг хушбўй иси анқир, талабалар чекка-чеккага ёнбошлаб овқатланишарди.

Гавҳар билинтирмай ютиниб қўйди. Навбати билан бориб индамай идишини узатди. Терлаб-пишиб кетган Абдухалил бошини кўтариб жилмайди.

— Ҳорманг, Гавҳар!

— Саломат бўлинг, — деди Гавҳар секин.

— Рекордчиларга бир эмас, икки ҳисса мошхўрда бераман! — Абдухалил унинг косасига бир бўлак гўшт ташлади.

Гавҳар хижолатдан қип-қизариб ён-верига аланглади. «Рекордчи», «илфор» деган сўзлар энди унга ҳақоратдай туюлар, ҳар гал шу сўзни эшитса этлари жимирилашиб кетарди. Унинг кетидан навбат кутиб турган паст бўйли, сап-сариқ қиз лабини бурди. Гавҳар бу қиз билан курсдош бўлса ҳам ҳали яхшироқ танишиб олмаган, отини ҳам билмасди. Қиз ошкора пичинг қилди:

— Албатта рекордчи бўладилар-да! Гавҳар чиройлилар!

Гавҳарнинг кўнгли бузилиб кетди. Ўз-ўзидан қўллари титрай бошлади. Косани ташлаб юбормаслик учун бурилиб кетаётган эди, Тальят билан

тўқнаш келиб қолди. Афтидан, у ҳозирги гапни эшиштган, ранги қув ўчиб кетган эди.

– Тўхтанг! – деди у Гавҳарга. Кейин Абдухалилнинг тепасига келди-да, чўмични бандидан маҳкам ушлади. – Шошманг, ҳозир нима дедингиз?!

Абдухалил қаддини ростлаб, бир Гавҳарга, бир Талъатга қаради.

– Кимга?

– Норбоевага... – Талъат лабини қимтиб таъкидлади. – Сиз... умуман ақлингиз етмаган нарсаларга аралашманг, тушундингизми?

Абдухалилнинг сарғиш қошлари уюлди. Пишқириб, чўмични тортиб олди-да, паст, таҳдид оҳангода шипшиди:

– Боринг! Тошингизни теринг! Ақлим етгани учун гапиряпман!

Гавҳарнинг томоги фиппа бўғилиб қолди. Секин-секин юриб хирмондан тушди-ю ғўзапоялар орасига кириб кетди. Чўккалаб олганича овқатни тўкиб ташлади. Мошхўрда суви ариқнинг қатқалоқ бўлиб ёрилган тирқишлирага сингиб кетди. Мош, гуруч донлари битта-биттадан терилиб қолди. У ариқ ичига мук тушганча кафтлари билан юзини тўсиб олди. Йифлагиси келар, аммо йифлай олмасди.

«Нима бўляпти ўзи? – У бошини қатқалоқ ерга яна ҳам қаттиқроқ босди. – Кимга айланаб қолдим?!»

Бир маҳал елкасига аллаким кафтини қўйганини илғаб, бошини кўтарди. Абдухалил унинг устида эгилиб туар, кўзлари айборона жавдиради.

– Кечиринг, синглим, – у нима дейишини билмай пешонасига тушиб турган сарғиш соchlарини турамлади. Ичи тўлиб кетди шекилли, овозини барабла қўйиб юборди. – Хафа бўлмагин энди, синглим! Мен анави олифтани сўкмоқчи эдим. Қани, юр, бирга овқатланамиз.

Гавҳар билагини унинг қўлидан тортиб олди. У шу топда бир оғиз гапирса йифлаб юборишини билар эди.

– Мендан хафа бўлдингми?

– Мен сиздан хафа эмасман! – Гавҳар этакни елкасига ташлаб, пайкал ичига югуриб кетди. Ўқариққа етгунча тўхтамади. Кенг, зах ариқ ичига этагини ёзди-ю чалқанча ётиб олди. Қовжираб қолган фўза барглари шамолда силкиниб ҳазин шилдирар, аллақаерда терим машинаси гувулларди. Осмоннинг бир чеккасида самолёт кўринди. Қуёш нурида олмосдай ялтираганча, орқасидан тўзонли из қолдириб ўқдай учиб борар, момик булутларнинг патини тўзитиб олға парвоз этар, аммо овози эши-тилмас эди. Гавҳар самолёт кўздан фойиб бўлгунча тикилиб ётди.

Хирмон томондан элас-элас товуш келди.

– ...а-а-р-р! Гавҳар-р!

«Талъат чақирияпти! Нима, малайманми? Керак бўлса ўзи топсин?»

У индамай ётаверди. Анчадан кейин гурс-гурс қадам товушларини эшитиб ўрнидан турди. Баланд фўзаларни қўли билан эга-эга шу ёқقا келаётган Талъатни кўрди. У ёлғиз эмас эди. Кулранг шляпа кийган, қора кўзойннак тақсан, гавдали бир киши ариқ ичидан Талъат билан ёнма-ён келарди.

– Танишинглар! – Талъат яқин келиб гавдали кишига уни кўрсатди. – Факультет юлдузи Гавҳар Норбоева шу қиз бўлади. Кунига юз саксон, икки юз килодан теряптилар. – Кейин нотаниш кишига имо қилди, – булар вилоят газетасидан келибдилар. Марҳамат, ўртоқ Нуриддинов!

Гавҳар нотаниш кишининг фотоаппаратига эътибор бермаганди. Талабаларнинг ярмида фотоаппарат бор, кунора суратга тушиб туришарди... Гавҳар Нуриддиновнинг мухбир эканини энди билиб, уялиб кетди.

– Йўқ, мен тушмайман! – деди хижолатдан қизариб. – Бошқалар ҳам бор-ку!

– Бошқалар ҳам тушади. – Мухбир қора кўзойнагини қўлига олиб, аппаратини филофдан чиқарди. Одамларнинг камтарлигини кўравериб, кўнишиб

кетган бўлса керак, Гавҳарнинг қаршилигига қарамай, икки марта суратга олди-ю, раҳмат айтиб бурилиб кетди.

Талъат мухбирнинг кетидан қараб турди-да, узоқлашганидан кейин бир дона хом кўракни юлиб олиб орасини ёрди.

– Шу одатингиз қолмади-да, Гавҳар! «Икки юз кило термайман, суратга тушмайман!..» Қизиқсизда...

Гавҳар унга зимдан қаради. Талъат табассумли кўзларини кўракдан узмай, оппоқ, нам пахтани ипдай чўзиб-чўзиб суфуриб оларди. Гавҳар ҳар сафар унга қарамасликка ҳаракат қилса ҳам, нимаси биландир бошқалардан ажralиб турадиган бу йигитга бир лаҳза термилиб қолганини ўзи ҳам билмас, кейин ўзидан-ўзи фижиниб кетарди.

– Курсдошларимни алдаганим етмайдими? Энди газетани ҳам алдайманми?

Талъат кўракни улоқтириб юборди. Ҳамон кулиб турган кўзлари билан уни бошдан-оёқ кузатиб чиқди.

– Ҳозир бир гап айтсан, тағин йўқ дейсиз! Кечқурун туман марказида кимё факультетининг талабалари билан учрашув бор, – Талъатнинг кўзларига жиддият чўкди. – Сиз ҳам сўзга чиқасиз. Декан айтди.

У Гавҳарнинг жавобини кутмай кескин бурили-ю, юмшоқ ерни туфлиси билан чуқур-чуқур босиб юриб кетди.

* * *

Улар тош кўчада ёнма-ён келишарди. Чодир тутган ой сарғиш нур сочар, олис пайкалларда гуруллаётган терим машиналарининг чироқлари ялт этиб қўриниб қолар, кейин тағин бурилиб кетар, даларап устида серташвиш куз ҳаёти давом этарди. Аллақаерда бедана сайрап, подадан адашган сигир маърар, оёқлар остида юмалаган тош тун сокинлигига қаттиқ шарақларди. Талъатнинг юзи чекаётган

сигаретининг ялт этган қизғиши чўғида ўқтин-ўқтин ёришиб кетарди. Гавҳар эса тез юриб борар, ҳозир тугаган мажлис кўз ўнгидан кетмасди. Чироқлар нурига чўмган кенг зал, нотаниш чеҳралар, икки-уч оғиз сўз, қарсаклар... У шундан бошқани эслай олмайди. Нима деди? Кимларни гапирди? Гуруҳдаги илфор йигит-қизларнинг номини айтди. «Ўзим ҳам кунига икки юз килога яқин пахта тераман», деди. Бўлди!

— Зўр экансиз-ку, тағин сўзга чиқишни билмайман, дейсиз!

Гавҳар хаёллари тўзиб Талъатга ўгирилиб қаради. «Нимани ўйлаётганимни қаёқдан билди бу?»

— Яхши гапирдингиз... Фақат машина учрамагани чатоқ бўлди-да. Аксига юради ўзи. Ҳар куни пунктга пахта топширган машиналар қайтарди-я!

Гавҳар бу сафар ҳам жим кетаверди.

Уч-тўрт қадам юргандан кейин Талъат хавотирли оҳангда гапирди:

— Қаранг, Гавҳар, ҳавони булут ўрайпти. Одамларга жабр бўлади-да... Пахтага ҳам. Бир кун ёмғир ёғса, пайкалга бир ҳафтагача машина тушолмайди.

Гавҳар осмонга қаради. Чиндан ҳам ҳавога оқиши булутлар ёйилган, баданга чиққан ярадай қизғиши тус олган ой осмоннинг қоқ ўртасида қотиб қолган эди.

— Ишқилиб ёғмасин-да, — деди у секин.

— Биласизми, Гавҳар, авваллари мен пахтага чиқишидан қўрқардим. Тошкент мактабларида ўқувчиilar ҳашарга чиқишимасди. Жуда зарур бўлиб қолса ён-атрофдаги колхозларга дам олиш кунлари чиқиб келардик. Ўшанда ҳам бир амаллаб чиқмай қолардим...

Гавҳар Талъатнинг хўрсинганини эшилди.

— Ўшанда ўртоқларинг билан бир-икки ой ёнмаён яшаш қанчалик яхши бўлишини билмас эканман...

Гавҳар Талъатнинг ўқинч билан гапираётганини сезди.

– Энди билдингизми?

– Ҳа, энди яхши биламан. Ҳамма нарса ҳам йўқолганидан кейин азиз бўлади. Мана, сиз ҳозир талабасиз. Талабаликнинг қадрини билмайсиз. Беш йил кўз юмиб-очгунча ўтиб кетади. Ундан кейин шу йилларнинг қадри билина бошлайди.

Ярим соатчадан кейин қишлоққа кириб келишди. Уйлар жимжит, ҳамма уйқуга кетган, чироқ кўринмасди. Мактаб ёнига етиб қолишганида, тор кўчадан чиқаверишда девор тагида турган шарпани Гавҳар биринчи бўлиб кўриб қолди-ю сесканиб кетди.

– Аnavи итми, Талъат ака?

Девор панасидаги шарпа ириллади. Каттакон қоп-қора ит тупроқ чангитиб бирдан олдинга ташланди. Гавҳар тисарилиб-тисарилиб Талъатга урилди. Итнинг фужанак бўлиб олганини ҳам, бир сакраб чеккага ўтиб кетганини ҳам кўрмади. У қўрқувдан дaf-daf титрар, юраги гурсиллаб урарди.

Тўсатдан унинг лабларига илиқ нафас урилди. Биринчи марта физикадан имтиҳон топшириш учун эшиқдан кириб кетаётганида Талъатдан анқиган эркакларга хос, бошни айлантириб юборувчи исни туйди димоғида. Талъат унинг елкаси оша эгилганча узоқ, эҳтирос билан ўпди. Гавҳар унинг оғушида қолган, қимиirlай олмасди. Талъатнинг қайноқ лаблари бир зум узоқлашди-ю, аста пицирлади:

– Яхши кўраман сени!

Ўша лаблар яна чанқоқлик билан ўпа бошлади. Гавҳар кўзларини чирт юмиб бир лаҳза эсанкираб турди-ю, дафъатан Мансурнинг ишонч, меҳрибонлик билан қараашлари кўз олдига келиб, кучи борича силтаниб, Талъатнинг оғушидан чиқди. Югуриб кўчанинг ўртасига бориб олди-да, қайрилиб қарамай чопиб кетди. Тупроқ тўп-тўп қилар, оёғининг тўпифига урилиб, туфлисининг ичига тўлиб чиқар, аммо у тўхтамас, орқасидан Талъатнинг чақирган товушини эшигтан сайин қаттиқроқ югуруар, терлаб кетганди. Зим-зиё кўчанинг икки четидаги тераклар

шовуллар, яқин жойда ит акиллар, лекин шу топда Гавҳар ҳеч кимдан чўчимас, фақат бу ердан кетгиси, тезроқ кетгиси келарди.

Кампирнинг ҳовлисига етганидагина ўзини бо-сиб олди. Зулайҳони уйғотиб юбормаслик учун эшикни аста очиб қоронғи хонага кирди. Ўз караво-тига ўтириб туфлисини ечаётган эди, Зулайҳонинг хўрсинганини эшигиди.

– Қаёқда эдингиз?

Гавҳар унинг ухламай кутиб ётганини овозидан билди. У чироқни ёқмаганига хурсанд бўлар, Зулай-ҳонинг кўзларига кўринишдан қўрқарди.

– Кимё факультетининг талабалари билан учра-шув кечасига бордик.

– Бир оғиз айтиб кетсангиз бўлмайдими? Мансур уч марта сўраб чиқди. Ўтириб-ўтириб ҳозир кетди.

«Мансур! Мансур... Менинг Мансур акам!»

Гавҳар энтикиб кетаётганини яшириш учун кўр-пага бурканиб олди.

– Ким билан бордингиз? – Бу сафар Зулайҳонинг овозида зарда бор эди.

Гавҳар лабларини маҳкам тишлиб, бир нафас ин-дамай турди-да астагина:

– Талъат ака билан, – деди.

– Анави олифта-қуруқ биланми? – Зулайҳо жи-мийб қолди. Алланимани ўйлади шекилли, армонли оҳангда гапирди: – Ўзгариб қолдингиз, Гавҳар!

Гавҳар унинг ўрнидан туриб, ўтириб олганини сезди-ю қимиirlамай ётаверди.

– Қулоқ солинг, – деди Зулайҳо хўрсиниб. – Мен сизга насиҳатгўйлик қилмайман... Ростини айтяп-ман... Одам баъзида бир бор нотўғри босган қадами учун умрбод жавоб беради. Ҳаммасини сезиб юриб-ман. Талъатни беш қўлимдай биламан. Рост, илм-ли йигит. Лекин сиз ўйлаган одам эмас, бунаقا йигитлардан узоқроқ юрган яхши. Тағин мени йўлдан уряпти деб ўйламанг. Сизни яхши кўрганим учун айтяпман. Ўрнингизда мен бўлсам, Мансурни ҳеч кимга алишмасдим.

Гавҳар қаттиқроқ бурканиб олди. Кўрпа астари-ни тишлай бошлади. Ўз-ўзидан нафратланиш деган туйғудан ларзага келган вужуди қалтираб кетди.

У Мансурни Тальятта алишармиди? Мансурни-я! Бунақалардан мингтаси Мансурнинг тирнофига сада-қа бўлиб кетмайдими!

Зулайҳо ҳамон алланималарни куйиб-пишиб га-пирав, аммо энди Гавҳарнинг қулоқлари том битиб қолган, нафаси қисилиб бораради.

– Бўлди, – деди у кўрпага янаем маҳкамроқ бур-каниб. – Бўлди, гапирманг!

Зулайҳо яланг оёқлари билан полни чип-чип бо-сиб, унинг тепасига келди. Силтаб, кўрпани олиб ташлади. Гавҳар чўчиб турди-ю, ғужанак бўлиб ўтириб олди. Зулайҳо унинг ёнига оҳиста чўкди. Ел-каларидан қучоқлади.

– Жиннингинам! – деди меҳрибонлик билан. – Шунаقا соддасизки, шунаقا яххисизки...

Гавҳар индамай қоронги бурчакка тикилиб ўтираверди.

– Мендан аразладингизми? – Зулайҳо унинг иягидан аста ушлаб ўзига қаратди. Гавҳар унинг жилмайиб турган чеҳрасини фир-шира кўрди-ю, кўзларини олиб қочди. – Гавҳар... сиз софдилсиз, ёшсиз, ҳаётда адашманг, дейман-да...

Гавҳар Зулайҳонинг гаплари самимий эканини ҳис қилган сайин Тальятнинг бояги қилиғи хаёлида жонланиб, ўзини ўзи ёмон кўриб кетар эди... Ора-га узоқ сукут чўкди. Сўнг Зулайҳо тўсатдан сўраб қолди:

– Гавҳар, тўғрисини айтинг. Кунига шунча пахта тераётганингиз ростми?

Гавҳар сесканиб кетди. У худди шу саволни эшитишдан қўрқиб юрган эди. Мансур, Абдухалил, хуллас, яқин кишиларининг қарашида мана шу ун-сиз савол борлигини билар, бироқ ҳозирча бирор сўрамаган эди. Мана, ниҳоят Зулайҳо чидаб турол-мади, ёрилди.

Гавҳар алам билан кўзини чирт юмиб кўрпани устига тортмоқчи эди, Зулайҳо қўймади.

— Ахир бу гап ёлғон-ку, Гавҳар, ёлғон-ку!

— Кўйинг, жон опа, кўйинг! — У хўрлиги келганидан бошқа гап тополмас, овози титраб ялинар, Зулайҳонинг юзига қаравшга ботинолмасди.

Зулайҳо чуқур уф тортиб, туриб кетди. Ўз ўрнига бориб ўтиреди. Гавҳар тескари қараб ётиб олди.

— Институтга киравсиз ҳам, ўқирсиз ҳам, — деди Зулайҳо ўйчанлик билан. — Лекин кейинчалик гуруҳдошларингизнинг юзига қандоқ қарайсиз. Шундан қўрқаман...

Гавҳар ҳамон тескари қараб ётар, бармоқларини жон-жаҳди билан тишлар, аммо оғриқ сезмасди.

* * *

Эртасига туман тушди. Тушга яқин яна кун қизиб кетди. Осмон баҳордагидай топ-тоза бўлиб қолди. Йўл чеккаларида, канал бўйида умри қисқа куз чечаклари ханда қилди.

Мансур ишдан барвақт чиқди. Ҳозиргина пода қайтган, қишлоқ бузоқларнинг маъраши, хотин-халажларнинг қий-чуви билан тўлган, ҳавода пиёздоф иси анқийди. У сочиқни елкасига ташлаб, канал томонга кетди. Кечадан бери Гавҳарни кўрмади. Эрталаб сўраб кирса, ҳаммадан аввал далага чиқиб кетган экан. «Кеча сизнинг кетингиздан келди, — деди Зулайҳо. Туман марказига борган экан. Хавотир олманг».

Мансур бошқа ҳеч нима суриштиrmади. Аммо Абдухалилнинг ўша гапидан кейин кўнглининг бир чеккаси хижил бўлиб юрарди. Йўқ, Талъат ёмон йигит эмас. Абдухалилнинг ўзи шу: бировни бир яхши кўриб қолса, умрбод ажралмайди. Бир ёмон кўrsa, қасдлашгани-қасдлашган. Нимага у Талъатни ёқтиrmайди? Одамлар ҳам қизиқ, бировни ёмонотлиқча чиқаришади-ю, билар-билмас ёмонлашаверади. Талъатнинг айби нима? Бирорга ёмонлик қилаётгани йўқ-ку!

«Ҳаммадан ҳадиксирайвериш яхши эмас, — дерди унга онаси. — Ўзига тўғри одам бошқалардан

чўчимайди. Одамларга ишон, аммо ким сени алдай бошласа, унақалардан узокроқ юр».

Йўқ, унинг кўнглини фаш қилган булас, бошқа нарса. Юнусов билан Талъат Гавҳарни «қаҳрамон» деб бекор қилишяпти. Ҳар сафар у Гавҳарни кўрган замони шуни ўйлаб, юраги хижил бўлади. Бир вақтлар Боғишамолда ҳам энди ўнинчи синфни битирган Салтанат деган қизни шунаقا кўтар-кўтар қилишган эди. Қиз чиндан ҳам чаққон, меҳнатсевар эди. У боғбон отасининг бригадасида ишлаб юрди. Ўша йили узум мўл бўлди. Салтанатни туман газетасига мақтаб ёзиши. Келгуси йил у ёшлардан бригада тузди. Шу йил ҳам ҳосил яхши бўлди. Шундан кейин шошиб қолиши. Уни колхоз ёшлар ташкилотига котиб қилиб сайлашди. Ярим йил ишлар ишламас, энг катта пахтакор бригадага бошлиқ қилиб қўйиши. Ўшанда Мансур еттинчи синфда ўқирди. Чопиққами, теримгами ҳашарга чиққанида офтобда куйиб-пишиб юрган Салтанатни кўради. Энди фаҳмласа, Салтанатнинг фожиаси ўшандаёқ бошланган экан. Салтанат пахта тилини билмагани учунми, бригадани чўқтириб қўйди, ҳосил пасайиб кетди. Аммо колхоз раҳбарлари номи тилга тушган қизни ўқитар-ўқитмас ҳосилот мудири қилиб «сайлашди».

Салтанат амал поғоналаридан қанча тез кўтарилиган бўлса, шунча тез тушиб кетди. Охири қишлоқ дўконида сотувчилик қилиб, «ҳеч ким»га айланаб қолди.

Мансур каналдан ювиниб чиққанида оқшом қуюқлашиб қолган эди. Уфқда кезиб юрган булатлар қуёшни ётоғига киритиб, алвон говрапўш ёпган, қишлоқ тинчидан қолганди. Мансур ожиз куз чечакларини босиб бораркан, тағин Гавҳарни ўйлади. Йўқ, Салтанат билан Гавҳарнинг ўртасида катта фарқ бор. Аммо мақсад бир-ку, Юнусов билан Талъат Гавҳарни мақтаб одамларни унга «эргаштиromoқчику!» Гавҳарнинг «қаҳрамон» эмаслигини курсдошлари билмайдими? У дўстларидан, дугоналаридан ажралиб қолса, шунинг ўзи фожиа эмасми?

Гавҳар билан бафуржга гаплашмаса бўлмайди.

У илдам қадам босиб мактаб ҳовлисига кириб келди. Талабалар даладан қайтган, бирор ювингани кетар, бирор этигининг чангини қоқиб тозаларди.

Мансур ҳовли ўртасига етиши билан орқадан машина сигнали эшитилди. Мактабнинг очиқ дарвозасидан кўкиш такси кириб келди-ю, ярим доира қилиб айланаб тўхтади. Эшик очилиб, қора костюм кийган баланд бўйли йигит тушди. Мансур жилмайиб ўзи томон келаётган йигитни дафъатан таниёлмай турди-да, кейин суюниб кетди.

— Фиёс ака!

Фиёс у билан қучоқлашиб кўришди. Мансур унинг анча тўлишганини, катта кишилардай салобатли бўлиб кетганини сезди. У Боғишамол нафасини, ўтмиш сўқмоқларида қолган болаликнинг азиз хотираларини олиб келган бу йигитта ҳавас билан қарап эди.

Икковлари Гавҳарнинг қаёқдан етиб келганини сезмай қолишиди. Унинг соchlари, қизил тўр кўйлаги чангдан оқариб кетган, кўзлари қувончдан ёнарди. Мансур Гавҳарнинг акасига отилишини, бўйнига осилиб олишини кутиб турарди.

Аммо у секин-секин юриб яқинлашди-да, қўл узатди.

— Оббо сен-эй! Катта қиз бўлиб қопсан-ку, а! Си-полигини қаранг буни, Мансуржон!

Гавҳар акасига жиддий қараб тураркан, сўради:

— Қачон келдингиз?

— Уч кун бўлди. Зоотехниклар кенгашига келгандим. Кечаси самолётга чиқаман. Яхши юрибсанми? Хафа бўлмайсан, синглим, совфа ололмадим.

Гавҳар жилмайди.

— Аямлар, дадамлар яхшимилар? Аячамлар?..

— Ҳаммаси яхши! Фотима-Ҳусанлар яқинда «амма» дейдиган бўлиб қолади. Қачон борасан?

— Қишки таътилда.

Мансур ака-сингилнинг суҳбатига халал бермаслик учун хонага кириб кетди. Дераза токчасида турган идишлар орасидан ўз косасини топди.

«Ғиёс ака ҳам талабаларнинг «оши ҳалоли»дан бир totib кўрсин! Биргалашиб овқатланамиз».

У косани артиб, тозалаб ҳовлига чиқди-ю, тўхтаб қолди. Машина кўринмас эди. «Кетиб қолибди», унинг кўнгли хижил бўлди. Иштаҳаси бўғилди. Абдухалилнинг ёнида навбат кутиб, овқат олаётгандарга лоқайд қараб турди-да, хонага қайтиб кирди. Косани ёстиқ устига ташлаб, яна ҳовлига чиқди. Бир нафас иккиланиб турди-ю тез-тез юриб Гавҳарлар турган ҳовлига кирди.

Уларнинг хонаси очиқ турар, дераза ёнидаги йифма каравотга ўтириб олган Зулайҳо сочини та-рарди. Мансур оstonада бир зум туриб қолди.

Мансур бевақт кирганидан хижолат чекиб, яна бир зум иккиланиб турди-да, сўради:

– Кечирасиз, Гавҳар қайтмадими?

– Келинг, – Зулайҳо тароқни каравотга ташла-ди. Наридан-бери соchlарини текислади. – Акасини кузатгани кетди, шекилли. Кўприкдан қайтса керак. Утилинг.

– Раҳмат... – Мансур тутқичдан ушлаб эшик раҳига суюнди. Ўз саволидан ўзи хижолат бўла-ётгандай секин сўради. – Кеча Гавҳар нимага борган экан, билмадингизми?

Зулайҳо унинг нега суриштираётганини тушунди.

– Биронта мажлис-пажлис бўлгандир-да, – деди хотиржам гапиришга уриниб. Кейин тароқ тишли-рини тирноғи билан санаганча ўйланиб қолди. – Майли, – деди бошини кўтариб, – сиз инда-май қўяқолинг. Кеча ўзим ҳам тергаб хафа қилиб қўйдим, шекилли. Устига-устак сиз гапирсангизз бўлмас. Гавҳар эсли қиз. Ҳаммасини ўзи тушунади.

Мансур бирпас ўйланиб турди-ю, индамай чиқиб кетди.

* * *

Уч ҳафтадан кейин хўжалик режани тўлди. Шуни кутиб тургандай тушдан сўнг эзиб ёмғир ёға бошлади. Йигит-қизлар пайкалга киролмай қайтиб келишди.

Талабалар аллақачон қайтишган, Абдухалил ош дамлашга киришиб кетган эди.

Күнгилни ғаш қылувчи оқшом құнди. Гавҳар ёмғирнинг шивирлашига қулоқ солиб каравотда үтирап, китоб ўқигиси келмас, юрагига қыл сиғмасди. Буғланиб кетган дераза ортида қамиш томдан сизиб тушаётган томчилар күриниб қолар, ҳовли этагидаги маккажұхори поялари ёмғирдан жунжикағиб зәйтін, қачондир пушталар устига улоқтириб юборилған бир палла қовоқ пүчоғи хира ялтилларди. Ёмғирда ивиган тандир оғзидан эски кул күриниб турарди. Үз каравотида ёнбошлаб олиб китоб ўқиётган Зулайқо варақларни шитирлатиб очаётганида унга қараб-қараб құяр, аммо индамасди.

Гавҳар бир нарсани тушунолмасди. Одамлар ундан узоқлашыптыми, ё ўзи одамларга бегона бўлиб қоляптыми? Зулайқо Гавҳарга худди нотавон одамга қарагандай ачиниб қарайди, бундан кўра тутиб олиб ургани яхши эмасми?.. Мансур-чи? Фиёс акаси келган куни Гавҳар унинг кўзига кўринишдан қўрқди. Ўтган куни Мансурнинг ўзи қидириб чиқди. Кўзларига шундай диққат билан тикилдики, Гавҳар беихтиёр бошини қуий эгиб олди. Мансур унга ҳеч нима демади. Ҳар хил ўткинчи гаплардан гаплашиб үтирди. Фақат хайрлашиш олдидан эшик ёнида туриб секингина:

– Бир ёқса борсангиз, Зулайқо опангизга айтиб кетинг. Одам хавотир оларкан, – деди-ю тағин бир лаҳза туриб қолди. Кейин «хайр» деди-да, чиқиб кетди. Ҳозир Гавҳар шуларни ўйларкан, ўшанда Мансурга ҳаммасини айтиб бермаганига афсусланди.

...Эшик тақиллади. Зулайқо ўрнидан туриб чироқ ёқди, «киринг», деди. Сочларига ёмғир томчилари күнганды Тальятнинг боши кўринди. Уй ичига гуркираб ёмғир иси кирди.

– Мумкинми, қызлар?

Унинг юzlари қызариб кетган, қора пиджагининг елкалари жиққа ҳўл эди.

Гавҳар жаҳл билан юзини ўгираётган эди, эшикдан кириб келаётган Юнусовни кўриб, беихтиёр ўрнидан турди. Режа бажарилгани учун бўлса керак, бугун декан хурсанд эди. Гавҳар билан ҳам, Зулайҳо билан ҳам сўрашди. Кейин ёмғирпўшнинг тутгмаларини чиқариб, томчиларини силкитиб ташлади.

— Ўтиринг, дейишниям билмайсизлар-а, қизлар!

Зулайҳо стул йўқлиги учун ийманиб, уни кара-вотга таклиф қилди.

— Ҳазиллашдим, раҳмат, — декан каравот четига омонат ўтириди-да, ингичка иягидағи томчиларни сидириб ташлаб, пиджагининг ички чўнтағидан газета олди. Гавҳарга узатди. — Бу сизга эсадлик. Кейин... тағин бир йиғилишга боришга тўғри кела-ди, — у жилмайди, — ошни келиб ерсиз. Ёмғирдан қўрқмайсизми?

— Қанақа мажлис?

— Колхоз клубида план тўлганлигини нишонлашмоқчи. Химиклар ҳам келади. — Декан вазмин оҳангда давом этди: — Биз уларнида маҳмон бўлиб келдик. Энди улар келганда қўл қовуштириб ўтириш бўлмайди. Сиз талабалар номидан гапирасиз. Юнусов илдам ўрнидан турди-да, Талъатга тайинлади:

— Кечикиб қолманлар.

Декан чиқиб кетганидан кейин Гавҳар нам ўтиб кетган газетани вараклади. Иккинчи саҳифада Гавҳарнинг катта сурати босилганди. У ён томонга қараб қошини чимириб турарди. Гавҳар ўзининг суратига бир лаҳза тикилиб қолди. Орқада турган Зулайҳо унинг елкаси оша мўралаб ўқиди: «Физика факультетининг биринчи курс талабаси Г. Норбоева кунига 100–120 килограммдан...»

— Яхши, — деди у Талъатга ўгирилиб. — Мухбир инсофли экан, ростини ёзибди. Кунига бир тоннадан теряпти, деса нима қиласдингиз?

Талъат Зулайҳонинг киноясини сезмагандай, Гавҳарни қистади:

— Кийининг!

«Нега менга буюради?» Гавҳар унга шундай ғазаб билан қарадики, Талъат беихтиёр илжайди.

— Кеч қоляпмиз-да, Гавҳар.

Зулайҳонинг жаҳли чиқди:

— Нима, Гавҳар гўдакми, қаёққа етакласангиз кетаверадиган!

— Биринчидан, мен етаклаётганим йўқ. Шундай қилиш керак эканки, боряптилар, — Талъат шимињинг чўнтағидан тароқ олиб сочини текисларкан, тағин жилмайди. — Иккинчидан, кимдан рухсат олишлари керак эди? Мансурданми?

— Бунинг сизга даҳли йўқ, иззатингизни билсангиз-чи! — Зулайҳо Гавҳарга юзланди. — Мансур акангизга айтинг, бирга боринглар.

Гавҳар Талъат билан уч чақирим нарига — клубга бориш у ёқда турсин, шу тобда ўзини ҳайдаб чиқаришга ҳам тайёр, аммо бошқа иложи йўқ эди. Зулайҳога узр сўрагандай қараб қўйди-да, рўмолини бошига илиб ташқарига чиқди. Ёмғир майдалаб ёғар, қоронғи қуюқлашиб кетган эди. Гавҳар ёқасидан сизиб туша бошлаган томчилардан сесканди. Дуррачасини яхшилаб танғиб олди. Талъат мактаб биноси олдида уймалашиб юрган талабалар орасидан Мансурни топиб келди. У бошига кепка, эгнига пахталик чопон кийиб олган, совқотаётган бўлса керак, қўлини чўнтақларига суқиб, елкасини қисиб келарди. Мансурни кўриши биланоқ Гавҳар ҳеч қаёққа бормай унинг ёнида қолгиси, мана шу ёмғир ҳавосида биргалашиб кўча кезгиси келди. Мансур нимадандир аччиқлангани, бир амаллаб ўзини бошишга уринаётгани сезилиб турарди.

— Ҳар мажлисда гапириши шартми? Шунақа гапларсиз мажлис ўтмайдими? — деди зарда билан.

— Бўлмаса айтинг! Гапирма, деб буюринг! — Талъатнинг кулгиси сунъий чиқди.

— Мен ҳеч кимга ҳеч нима буюрмоқчи эмасман. — деди Мансур Гавҳарга қарамай. — Тушунинг, Талъат, одамлар шунақа ёлғон пропагандага зорми?

– Бу менинг эмас, юқорининг топшириғи. Шикоятингиз бўлса, ўзига айтинг. Мен ҳам бироннинг измидаги одамман.

– Қизиқ, Талъат, сиз кап-катта одамсиз-ку! Ақл фаросатингиз бор-ку!

Гавҳар икки қадам нарида ўзи тўғрисида бўлаётган гап-сўзларга чидаб туролмади. Талъат билан юзма-юз турган Мансурнинг қўлидан ушлаб тортиди.

– Юринг, Мансур ака, ҳеч қаёққа бормайман!

Улар уч қадамча юрган эдилар, орқадан Талъатнинг кулгани эшитилди.

– Мендан шунчалик қўрқиб қолдингизми, Гавҳарой? Еб қўймайман!

Гавҳар таққа тўхтаб қолди. Ичида алланима узилиб кетгандай бўлди. Талъатнинг нимага шама қилаётганини тушунди-ю, лов этиб ёниб кетди. Тез-тез юриб Талъатга рўпара бўлди.

– Нима? Нима дедингиз?

– Ана, қўрқсангиз Мансур акангизни бошлаб боряпсиз-ку! – Талъат яна сунъий илжайди.

Гавҳарнинг овози ғазабдан титраб кетди:

– Бўпти, кетдик! – деди Талъатнинг қўзига тик қараб. Шу топда у Мансур акасининг панасига беркиниш нияти йўқлигини, бу олифта-қуруқдан қўрқ маслигини кўрсатиб қўйгиси келар эди. Мансур индамай йўлга тушаётганини кўриб такрорлади. – Мансур ака, илтимос, бир марта хўп денг! Сиз қолаверинг!

Талъат бир Гавҳарга, бир Мансурга қараб ис-теҳзоли илжайиб турарди. Ҳудди икки гўдакнинг ўйинчоқ талашишини томоша қилаётгандек.

– Илтимос, – деди Гавҳар тағин ўша оҳангда. – Борманг!

Мансур қизиқ аҳволда қолган эди. Бормай деса, Гавҳарни қўзи қиймайди, борай деса, гўё Гавҳарга ишонмаётгандек бўлади.

– Кетдик! – Гавҳар яна Талъатга юзланди. – Бўлинг тез. Бораман ўша мажлисингизга!

Мактаб дарвозаси олдига етганда ортига ўтирилиб қаради. Мансур ҳамон ўша ерда иккиланиб турар, ёмғир эса эзмаланиб ёғар эди...

* * *

Гавҳар мажлисда гапирмади. Ўзи тўғрисида айтилган мақтовларга ҳам лоқайд қулоқ солиб ўтиреди. У тезроқ кетишга ошиқарди. Лекин мажлис тугаши билан ҳаммани клуб ёнидаги ошхонага таклиф қилишди. Хўжаликнинг ҳосил тўйи муносабати билан зиёфат беришаётган экан. Гавҳар столнинг бир чеккасида қимтиниб ўтирас, вақт ўтаётганини ўйлаган сайин юраги сиқиларди. Талъатнинг қисташига қарамай, ҳеч нимани қўнгли тусамас эди. Озгина ичганидан кейин Талъат жуда хушчақчақ бўлиб қолди. У бўйниларигача қизариб кетган, қизларниkidай чиройли киприкларини пирпиратиб, ҳадеб жилмаярди.

— Кетамиزم? — Гавҳар тоқати тоқ бўлиб ўрнидан тура бошлаган эди, Талъат тирсагидан тутиб ўтқазди.

— Бўпти, ҳозир. Фақат бир шарт билан. — У боядан бери бўшамай турган қадаҳни Гавҳарга узатди. — Шуни ичасизу кетамиз. Ҳеч нима қилмайди, жуда қучсиз вино...

— Йўқ! — Гавҳар эҳтимол ўнинчи мартадир, кескин бош чайқади.

У ҳеч ичмаганди. Ҳозир, айниқса, Талъат билан ёнма-ён ўтирганда асло ичмаслигини биларди.

— Келинг, сизнинг соғлифингиз учун! — Талъат қадаҳни одамлар кўрмаслиги учун бўлса керак, пастроқ тутиб тағин қистади. — Бунга ҳам йўқми?.. Менинг соғлифим учун!

Гавҳар унинг қўлида сал титраб турган қадаҳга лоқайд қараб қўйди.

— Бўлмаса... — Талъат керагидан узоқроқ сукут сақлади-да қандайдир сирли, истеҳзоли алпозда давом этди. — Бўлмаса, Мансур акангизнинг соғлиги учун ича қолайлик. Нуқул «касал бўлиб қоласиз», деб авайлайсиз.

Гавҳар ярқ этиб унга қаради. Юзидаги истеҳзоли ифодани кўриб, ғазаби келди. «Ҳали масхара қила-диган бўлиб қолдингми?» Қадаҳни шахд билан қўлга олди:

– Бўпти, Мансур акам учун!

Ўткир бир ис димоғига урилди-ю, бир нафас тўхтаб қолди. Кўз қири билан қараб, Талъат масхаромуз илжайиб ўтирганини кўрди-да, тағин бир марта пичирлади:

– Мансур акам учун!

У қадаҳни лабига теккизиши билан нотаниш, ўткир ичимлик томофини, кўксини қуидириб ўтди. Кўзидан ёш чиқиб кетганини яшириш учун тескари қараб бўшаган қадаҳни стол чеккасига қўйди. Кейин ўзини бир оз босиб олди-да, Талъатга ўгирилди.

– Кетдикми энди? – деди хушчақчақ оҳангда.

– Юринг.

Кетма-кет кўчага чиқишиди. Гавҳарнинг кўкси ёнар, қулоқлари қизиб бораётганини сезар, лекин қадамлари енгил-енгил кўчарди. Сочлари орасидан пешонасига сизиб тушаётган томчиларнинг фашига тегишига парво қилмас, Талъатдан жиндай бўлса ҳам ўч олганига суюнар, ўзидан-ўзи жилмаяр эди. «Рост-да, Мансур акамни мазах қилиш шунаقا бўлади!»

Гавҳар зимдан Талъатга қаради. У бошини баланд кўтариб, қўлларини шимининг чўнтағига суқиб борарди. Клуб чироқларидан узоклашганларидан кейин сўради:

– Катта кўча билан айланиб ўтамизми? Пахтазорни кесиб чиқа қолайлик.

Гавҳар йўл четидаги шумшайған толларга, у ер-бу ерда фарамланган ғўзапояларнинг қоп-қора кўланкасига, ёмғирдан ивиб ётган пахтазорга бепарво қараб қўйди.

– Менга барибири.

Оёққа елимдай лой ёпишаётган сўқмоқ бўйлаб кетишиди. Талъат олдинда борар, бир чеккаси бўзариб турган осмон фонида унинг баланд гавдаси текис талпинарди. Анча юришиди.

— Аnavи куни мендан хафа бўлдингиз-а, — деди Талъат орқасига қарамай.

Гавҳар ўша кеча тун бўйи ухломай чиққанини, Мансурни кўрганида уятдан юраги ларзага тушганини эслади-ю индамади.

— Ростдан... Хафа бўлдингиз-а?

Талъат тўхтаб қолди.

— Юрсангиз-чи, ана сувга тушиб кетдим! — Гавҳар муздек кўлмакдан оёгини тортиб олди. Туфлисини ечиб, шўлтиллаётган сувни тўкиб қайта кийди. Уч-тўрт қадам юриб тағин тўхтади. — Оёғим музлаб кетди, газетангиз йўқми, Талъат ака, ичига солиб олмасам бўлмайди.

— Газета? — Талъат қоронфида у ёқ-бу ёққа аланглаб далда берди. — Топса бўлади. Ҳов аnavи сушилкада қофозми, қуруқ пичанми бўлиши керак.

Гавҳар Талъат кўрсатган томонга қаради. Даладан анча йироқда пастак, узун бинонинг девори оқариб кўринар эди. Таниди: фўзапоя қуритадиган эски бино. Икки ҳафтача бурун тушликка чиққанда қизлар билан шу ерга келиб тарвуз ейишган эди. Гавҳар ўшанда ерга газета тўшаб ўтиришганини эслади.

— Юринг, — деди Талъат йўл бошлаб.

Гавҳар ҳувиллаб ётган бостирмага яқин борган сайин кўнглида мубҳам бир ҳавотир сезиб, қадам босиши сусайди. Бостиurmанинг қия томидан шовуллаб ёмғир қуюлар, ичкарида, зулмат ичиди бир нималар ивирсиб юрганга ўхшарди. «Нимагаям хашакни эсладим, кетаверсам бўлмасмиди», деган фикр хаёлидан ўтди.

У бостирма деворига беҳол сுяниб қолди. Ичкари қуруқ, пичан иси, оҳак ҳиди келарди. Талъат бостирма ўртасига бориб гугурт чақди. Бурчакдаги бир уюм пичан, газета парчалари ёришди, томдан сизиб тушаётган чакка томчилари ялтиллаб кетди.

— Қофоз бор экан, — бўшлиқда Талъатнинг овози бўғиқ акс-садо берди. У бурчак томонга юрганди, қўлидаги гугурт ўчиб қолди. Гавҳарнинг ваҳимаси кучайиб кетди. Ичкаридан, сувоги кўчган деворлар

орасидан аллақандай шарпалар чиқиб, унинг устига бостириб келаётгандай бўлар, том гувуллар, шамол ўкирди. «Кетиш керак, тезроқ».

— Келмайсизми? — Талъат яна гугурт чақди. Бир чеккаси ўпирилган девордан шамол кириб тағин ўчирди.

Гавҳар овози титраётганини яширишга ҳар қанча уринса ҳам сездирив қўйди.

— Озгина олиб кела қолинг!..

— Вой-бў, шунаقا қўрқоқмисиз?

Гавҳар секин-секин юриб, пичан фарами олдига борди. Нафаси тиқилиб, юраги гурс-гурс ура бошлиди.

— Беринг туфлингизни.

Гавҳарнинг кўзлари энди қоронфиликка ўрганди. Туфлисини ечиб, Талъатнинг узатиб турган қўлига тутқазди. Бир оёқлаб туриш ноқулай бўлганидан, қўлига таяниб, пичан фарамининг бир четига ўтириди. Ёрилиб кетган деворлардан, бўғот орасидан шамол фуриллаб кирап, ўртадаги устун қийшайиб кетган эди. Гавҳарнинг ҳаммаёғи караҳт бўлиб қолган, томоғи қақраб ютинолмас, Талъат ўрнидан жилса, қочиб кетгиси келарди. Шамол бир оз пасайиб, сукунат чўкди. Қора қофоз ёпилган томнинг бўғиқ гувуллаши, чакканинг чипиллаши кучайди.

Талъат чўнқайиб ўтирганча унинг туфлисини пичан билан артаркан, хўрсинди.

— Мендан хафа бўлманг, Гавҳар. Сизни ранжитмоқчи эмасдим, — негадир унинг овози ҳам титраб кетди.

Гавҳар индамади.

— Манг!

Гавҳар ичига қофоз тиқилган туфлисини олди-ю, анчагача қўли титраб киёлмади. Энди оёғига илган эди, Талъат шундай шиддат билан бағрига босиб қучоқлаб олдики, нафас олишга улгуролмай пичан устига ағдарилиб тушди.

— Гавҳар! Жоним! — деди Талъат қаттиқ пичирлаб.

Гавҳар уни кучи борича итариб ташлади.

Бояги қўркув энди йўқолган, Гавҳар ҳамон тит-
пар, аммо бу қўркув эмас, бошқа куч эди.

Талъат уни қўйиб юбормади.

– Гавҳарим, шириним!..

– Қоч! Қўйиб юбор!

Аммо Талъат унга канадек ёпишиб олган, юз-
кўзларидан ўпар, ҳадеб бир сўзни такрорлар эди:

– Гавҳар! Гавҳарим! Узимникисан! Сени ўзим-
ники қиласман!

Гавҳар вужудига шунча куч қаердан қуилиб
келганини, Талъатнинг қучоғидан чиқиб, қандай тे-
пиб юборганини билмайди. Талъат чалқанча йиқилиб
тушди. Кафти билан бурнини тўсди. Ерга тупуриб
вишиллади:

– Ёввойи! Нимангга кериласан? Камайиб қолар-
миди?

– Виждонсиз!

Гавҳар югуриб чиқиб кетаётганида орқасидан
Талъатнинг фазабнок ҳайқирганини эшилди:

– Мен бекорга шунча овора бўлдимми? Кетинг-
дан шунча бекорга югардимми?

«Ҳаҳ-ҳа! Мана нима учун Талъат унга «ёрдам
берган» экан? Мана нимага ундан «қаҳрамон ясаёт-
ган» экан?!»

– Мараз! – деб қичқирди бостиurmанинг қийшиқ
дарвозаси олдига боргандা. – Виждонсиз!

Отилиб ташқарига чиқди-да, ботқоқقا айланган
дала ўртасидан югуриб кетди. Туфлиси қаерда лойга
ботиб қолиб кетганини ҳам, бошидаги рўмол шамол-
да тушиб қолганини ҳам сезмас, сирпаниб-сирпаниб
чопиб бораарди. Алланимага қоқилиб муккасидан
йиқилди-да, кўксидан аламли, изтиробли фарёд оти-
либ чиқди. Лой аралаш ғўзапояни чангллаганча
титраб-титраб йиғлаб юборди. Нимага шунчалик
оёқости қилишади уни? Айби нима? Бир одамни
яхши кўргани, ўшани деб ота-онасининг бағридан
чиқиб келгани учунми? Уни ким деб ўйлаяпти, ана-
ви ювиқсиз!

У мажолсиз қўлларига таяниб ўрнидан турди.
Олисда совуқ сўппайиб турган бостиurmага кўзи ту-

шиб, юрагини тағин ваҳима босди. Бор кучини тўп-лаб югуриб кетди. Каналнинг ёғоч кўпригидан ўтиб қишлоқ кўчасига, таниш ҳовлига отилиб кирди.

Ичкўйлақда ётган Зулайҳо кўзлари қинидан чиқ-қудек бўлиб сапчиб ўрнидан туриб кетди. Уни маҳкамам қучоқлаб олди.

— Гавҳар! Нима бўлди, айтсангиз-чи, Гавҳар!

— Мансур акамни чақиринг! — У шундай деди-да, каравотга мук тушди...

Зулайҳо хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди. Зум ўтмай ранги қув ўчиб кетган, бош яланг Мансур югуриб кирди.

— Гавҳар!

Гавҳар чайқалиб-чайқалиб ўрнидан турди-ю, ўзини унинг кўксига отди. Кейин мук тушиб ўтириб олди. Мансур уни кўтариб олишга уринар, аммо Гавҳар унинг оёқларини борган сайнин маҳкамроқ қисар, қўйиб юбормасди.

— Гавҳар, гапирсангиз-чи, ахир.

Гавҳар ҳиқиллаб-ҳиқиллаб, Мансурнинг тиззала-ри орасига юзини яширди.

— Талъат... менга... менга ёпишди... Ёпишмоқчи бўлди... — У бошини кўтариб илтижо қилди. — Уринг мени, Мансур aka! Жон Мансур aka, ўлдириб ташланг. Айб ўзимда!

Зулайҳо қўрқув ичра каравотга ўтириб қолган, ҳозир портлаш рўй беришини биларди. Мансурга бир нима дейиш, босиб қўйиш кераклигини тушунар, аммо тили калимага келмасди.

Бирдан Мансурнинг юзига қон гупуриб кетди. Аста эгилди-ю, Гавҳарнинг тўзиб кетган соchlарини силай бошлади.

— Тентак. Қўрқитиб юбординг одамни. Қани, бошингни кўтар-чи! — У Гавҳарнинг ҳўл бўлиб кетган юзларини силаб, кўзига тикилди. — Ҳаммаёғинг шилиниб кетибди...

Зулайҳо Мансурнинг ўйчан кўзларига қараб энтиқди. Мана шу кўзларнинг сокин боқиши учун, қувончни ҳам, аламни ҳам сифдира оладиган мана

шу қалби учун Гавҳар Мансурни бир умр бошида кўтариб юрса арзишини ҳис қилди.

Гавҳар ҳам Мансурга тикилган қўйи чуқур-чуқур хўрсинарди. Кейин бошини қўйи солди-да, ўзининг кўзёшидан ҳўл бўлиб кетган Мансурнинг қўлларини ўпа бошлади.

– Қани ўша номарднинг ўзи?

Абдухалилнинг овози гулдураганидан кейингина эшик ёнида турганини кўришди. У Зулайҳо Мансурни чақириб борганини эшитган бўлса керак, югуриб келган, эски телпагини бир томонга қийшайтириб бостириб олган, кўзлари ўт бўлиб ёнар, бурун катакларини кериб пишқиради.

Гавҳар ўтирган ерида эсанкираб, канал томонни кўрсатди.

– Қўрқманг, синглим... – Абдухалил кўзлари олайиб пишқиреди. – Ҳозир уни... – Кейин чапаничасига қалаштириб сўкинди-да, зулмат қўйнига шўнғиди.

Зулайҳонинг тили энди гапга келди:

– Чопинг, Мансур, югуринг! Ўлдириб қўяди!

Мансур Гавҳарнинг ҳали болалик нури кетмаган кўзларига яна бир қаради-да:

– Хотиржам дам олинглар, – деб чиқиб кетди.

Мансурнинг вужудида қизиб ётган вулқон энди портлади! У ғазабдан томири тортишиб қолаётган оёқларини катта-катта ташлаб югуриб кетди. Атрофга чилп-чилп лой сачрар, шамолда гувуллаган тераклар чирпирак бўлиб орқада қоларди. Қишлоқдан чиқаверишда Абдухалилга етиб олди.

– Тўхтанг! – деди ҳаллослаб. – Қайтинг.

Абдухалил бир силташда унинг қўлини қайириб ташлади, болохонадор қилиб сўкинди.

Мансур тағин унинг йўлини тўсади.

– Қайтинг, Зулайҳо илтимос қиляпти.

Абдухалил лойда сирғана-сирғана тағин олдинга интилди.

– Талъат келмайди энди... Қочворган. Зулайҳо юрагини ҳовучлаб ўтирибди, қайтинг, Абдухалил.

Мансур Абдухалилни бир амаллаб кўндириди-ю, ўзи канал кўпригига бориб тўхтади. «Барибир шу ердан ўтади, газанда!» У кўприк панжарасига сужниб олдинга тикилди. Зулмат орасида унда-мунда чироқлар кўриниб қолар, ёмғир томчилари каналга овозсиз урилар, ҳўл бўлиб кетган қамишлар ҳазин шитирларди.

«Келмайди! – пицирлади у мудҳиш зулматта тикилиб. – Келмайди!» Гавҳарнинг маъсум кўзлари хаёлида жонланди-ю, тишлари фижирлаб кетди. Унинг виждон азобида қийналиб юрганини Мансур билармиди? Биларди! Курсдошлари, дугоналаридан ажралиб қолганини билармиди? Биларди! Мансур буларнинг ҳаммасини Гавҳар ўзи учун, ўзи билан ёнма-ён туриш учунгина қилганини ҳам биларди! У фақат бир нарсани билмасди. Талъатнинг шу қадар пасткашлигидан бехабар экан.

Ёғоч кўприк лопиллай бошлади. Мансур кескин ўтирилиб қаради.

– Мансур!

У Зулайҳонинг товушини таниди.

– Юринг, – деди Зулайҳо яқин келиб. – Абдухалилни бир амаллаб кўндириб келдим. Сиз қайтиб бормасангиз, туман марказигача қидириб боришдан тоймайди.

Мансур бир зум иккиланиб турди-да, ниҳоят, Талъатнинг туман марказига жўнаб қолганига ишонч ҳосил қилиб, кўприкдан тушиб кетди.

* * *

Шунча кун эзиб ёқсан ёмғирдан сўнг ҳаво очилиб кетди. Кузнинг сўнгги илиқ кунлари бошланди. Осмон янаям тиниқлашиб, кўнгилга ором берувчи шамоллар эса бошлади. Каналда сув пасайди. Қишлоқ кўчалари, пахтазор пайкаллари селгиб қолди.

Ниҳоят, учинчи куни Талъат келди. Мансур бу кунни «корзиқиб» кутган эди. Ҳар оқшом штаб олдига келиб-кетар, Талъат билан «гаплашиб олиш»ни

күнглига туғиб қўйган эди. Штаб эшиги олдида папирос чекиб турган Талъатни кўрди-ю, кўзлари фазабдан қисилиб кетди. Ўзини босишга ҳарчанд уринмасин вужудини қамраган нафратни жиловлай олмасди. Талъат бошига шляпа кийиб олган, хотиржам тамаки тутатар эди. У яқин келаётган Мансурни кўриб ранги ўчиб кетди. Мансур қоронги бўлса ҳам аниқ сезди. Талъат илдам келиб қўл чўзди.

– Суюнчи беринг, Мансуржон! Индинга Тошкентга қайтамиз. Ректоратнинг буйругини олиб келдим.

Мансурнинг кўз ўнги қоронfilaшиб кетгандек бўлди.

– Торт қўлингни! – деди паст, аммо таҳдидли оҳангда.

Талъат тушунди. Анави жинқарча «акажони»га шикоят қилган. Шундай бўлса-да, талмовсираган бўлиб сўради:

– Тинчликми, Мансуржон?

– Тинчлик, – деди Мансур бир қадар осойишта алпозда. Бироқ тишлари фижирлаётгани сезилиб турарди. – Чеккароққа ўтайлик.

Талъат қўрқмади. Бунаقا «даҳанаки жанглар»ни аввал ҳам кўрган. Бир жиҳатдан Мансурнинг гапи тўғри. Бундай «муаммолар»ни эл назаридан четроқда ҳал қилгани маъқул. Ортиқча гап тарқалса, ўзига ёмон. Фалончи аспирант талаба қизга кўз олайтирибди, деган гап катталарга етиб борса, аспирантура билан хайрлашиши ҳам ҳеч гапмас.

Олдинма-кейин юриб бақатерак тагида тўхтадилар.

– Нега ёпишдинг? – деди Мансур гапни индалосидан бошлаб.

– Кимга?

– Менга қара! – тақрорлади Мансур ҳамон ўша паст, таҳдидли алпозда. – Кечагина мактабни битирган қизга нега осилдинг?! Нима, у сенинг юзта эркак тагидан чиқсан манжалақингми?

Талъат бўйин товлашга ўрин қолмаганини тушунди.

— Энди, — деди муросаомуз оҳангда. — Йигитчиликда баъзан бўп туради-да. Ўзингиз ҳам эркаксизку!

— Сен эркакмисан? Бўпти, эркакчасига гаплашамиз! — Мансур кутилмаганда фижимланиб кетган эски плашининг чўнтағидан пичоқ чиқарди. Талъат бундай бўлишини кутмаган эди. Беихтиёр орқага чекинди.

— Ҳазиллашманг, укажон! — деди. Овози ингичкалашиб кетганини ўзи ҳам пайқади.

— Мен сенинг уканг эмасман! Танла биттасини! Иккаласи бир хил. Тифи ҳам, банди ҳам. — Шундай деб Мансур қўлини олфа чўзди. Чиндан ҳам икки қўлида иккита бир хил чует пичноғи бор эди: тифи қоронфида хира йилтираб турган пичоқлар... — Индинга Тошкентга кетадиган бўлдик, дедингми? Иккаламиздан биттамизнинг ўлигимиз кетади. Танла пичноқни! Юр, канал бўйига!

Мансур бу гапни бақириб, ҳақорат қилиб айтса, Талъат қўрқмас эди. Аммо рақибининг кўзлари ёниб турар, гап оҳанги шу қадар осойишта, қатъий эдики, Талъатнинг ичидаги бир нима узилиб кетгандек бўлди. Тинч оқсан сувдан қўрқ, деганлари рост. Талъат шу топда бу йигит ҳамма нарсага тайёр эканини, ундан омон қутулиш мушкуллигини англади.

— Қўйинг энди, биродар, — деди овози титраб. — Тушунмовчилик бўлганга ўхшайди...

— Гапни кўпайтирма! Танла биттасини! — Мансур иккала пичноқни Талъатнинг қорнига тиқиб олгудек тақади. — Ол!

— Жон дўстим! — Талъат астойдил илтижо қилди. Келинг, яхшиликча гаплашайлик. Мен Гавҳарга... сиз ўйлаганчалик... Хўп, узр, деяпман-ку, биродар! Минг бора кечирим сўрайман. Бошқа такрорланмайди!

Мансур унинг кўзига тик қараганча узоқ туриб қолди.

— Нега мендан узр сўрайсан, хунаса! — деди-да, қўлидаги пичноқларни дуч келган томонга улоқтириди. Пичноқлар ариққа бориб тушди шекилли, «чўлл»

этган овоз келди. – Кимга итлик қилган бўлсанг, ўшандан узр сўрайсан! Ҳозир! Тиз чўкиб!

Талъат бу «телба»дан қутулишнинг бошқа чораси йўқлигини билиб, итоаткорлик билан эргашди. Юраги пўкиллаганча пойинтар-сойинтар қадам босиб бораркан, бир нарсани ўйлаб, ич-этини ер эди. Бу «Отелло» бутун гуруҳни йифиб, анави «хонимчаси»дан узр сўратишга мажбур қилса, обрўси уч пул бўлмайдими? Талабалар олдида ким деган одам бўлади? Ахир у аспирант, салкам дома-ла-ку!

Йўқ! Мансур уни талабалар билан рўпара қилгани йўқ. Қизлар қўнган хонадон эшигига келганда ичкари кириб Гавҳарнинг бир ўзини бошлаб чиқди.

Талъат бир чеккадаги симёфоч тагида қўркувданми, ҳаяжонданми, овози қалтираб шоша-пиша тавба-тазарру қилганида Гавҳар бир оғиз гапирмади. Юзига ҳам қарамади.

* * *

Эртасига хўжалик клубида жамоа аъзолари билан ҳашарчи талабаларнинг хайрлашув кечаси бўлди. Бунақа тантанали кечалар уюштиришни декан Юнусов ўрнига қўяр, бундай тадбирлар ёш авлоднинг маънавий оламини бойитади, уларни ҳаётга яқинлаштиради, деб ҳисоблар эди.

Хўжаликнинг анча унниқиб қолган залиниг де-ворига шиор ёзилган алвонлар осилган, оппоқ куз гуллари билан безатилган саҳнада қотмадан келган хўжалик раиси, Фулом Саидович, декан Юнусов дома-ла ўтиришарди.

Раис йифим-теримда ёрдамини аямаган талабаларга миннатдорчилик билдириди. Ўқишлирига ривож, саломатлик тилади. Кейин декан гапирди. Талабалар Ватан олдидаги виждон бурчини адо этиб, фидокорона меҳнат қилгани, халқимизнинг фахри бўлмиш «оқ олтин»нинг фалон миллион тоннали хирмонга муносиб ҳисса қўшганини жўшиб баён қилгач, бу ишда алоҳида қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб, кунига икки юз килодан ошириб пахта

терган биринчи босқич талабаси Норбоевага сүз берди.

Үртароқдаги қаторда Зулайҳо, Мансур, Абдухалил билан ёнма-ён үтирган Гавҳар эсанкираб қолди. «Тағинми? Яна минбарга чақиришяптими?»

Зулайҳо унинг хаёлига келган андишани ўқиб тургандек, энсаси қотиб хитоб қилди:

– Оббо, янами?

Унинг овозини ҳеч ким эшифтмади. Ҳамма баровар қарсак чалар, Гавҳар эса ўринидан туришни ҳам, үтираверишни ҳам билмай, талмовсираб қолганди.

– Норбоева, қаердасиз, чиқинг буёкقا! – деди Юнусов микрофонда.

Гавҳар шунча одам орасида домланинг сазасини ўлдириш яхши эмаслигини англади. Оёғига тош боғлангандек имиллаб саҳна томон юрди. Зиналардан қандай чиқиб боргани эсида йўқ. Шуурсиз бир тарзда минбар олдига келди.

– Мана, ўша, меҳнатсевар, чаққон қизимиз! – деди декан тантановор алпозда. Гавҳар беихтиёр ҳозир ўзи чиқиб келган қаторга қаради. Мансур ҳам, Зулайҳо билан Абдухалил ҳам «омма»га қўшилиб қарсак чалмас, унга диққат билан қараб үтиришар эди. Шунда Гавҳарнинг кўзи биринчи қаторда оёғини чалиштириб үтирган Тальятга тушди. У қандайдир нотабийй илжайиб үтирас, кеча тиз чўккудек бўлиб узр сўраган одамнинг қарашлари ҳозир киборларча мағрур эди. Гавҳарнинг назарида «Қалайсан, ойимча, сени ҳаммага танитган, минбарларга чиқариб, институт курсисига ўтқизиб қўйган мен бўламан!» деяётганга ўхшарди. Ҳатто «гапирисинлар энди», деб истеҳзоли бош иргаб қўйгандек ҳам бўлди.

– Уялманг, қизим, гапираверинг, – деди декан далда бериб.

– Мен... – Гавҳар ўёғига гап тополмай эсанкираб қолди. Яна «мен»... «мен»... деди-да, тўсатдан йиғлаб юборди. Сўнг қалбida қандайдир жасорат пайдо бўлди-ю, неча кундан бери юрагини ўртаб ке-

лаётган гапни бор овозда айтди. – Мен кунига икки юз килодан пахта терган эмасман. Бу гап ёлғон!

Зал сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди. Гавҳар зиналардан гандираклагудек бўлиб тушди-ю, кўчага отилди. Анча жойга етганида орқасидан келаётган қадам товушларини эшитди. Биринчи бўлиб Мансур, кетидан Абдухалил билан Зулайҳо етиб келди. Гавҳар тўхтади. Мансурнинг кўксига бош қўйиб унсиз, ўқиниб-ўқиниб йиғлаб юборди. Қизиқ, у йиғлаган сайин ўзини енгил сезар, елкасидан босиб ётган зилдек тош қулаётганга ўхшар эди...

* * *

Эртаси уни штабга чақиришди. Хўжалик идораси олдида беш-олтита автобус қаторлашиб турар, талабалар тезроқ шаҳарга кетиш учун кўрпатўшагини йиғишириш билан овора эди. Гавҳар уни бекорга «таклиф» қилишмаганини тушунар, кўнгли қандайдир бўм-бўш ва айни пайтда осойишта эди. Судга чақирилган айбдорга далда бериш учун яқин кишилари эргашиб боргандек, Мансур, Зулайҳо. Абдухалил кузатиб бориши. Аммо эшик олдида қолишдан бошқа чоралари йўқ эди. Ичкарига «судланувчи»нинг бир ўзи кириши керак! Мансур унинг қўлини маҳкам қисиб далда бермоқчи эди, Гавҳар «хавотир олманг, қўрқаётганим йўқ», деган маънода жилмайган кўйи ичкари кириб кетди.

У қуёш нури тўкилиб турган йўлакдан ўтиб охирроқдаги эшикка яқин борди. Эшик икки энликча қия очиқ турар, ичкаридан декан Юнусовнинг асабийлашиб айтиётган гаплари эшитилар эди.

– Қизиқсиз, домла, нима, мен ўзим учун қилдимми, бу ишни? Яхши ишлаганларни ўрнак қилиб, бошқаларни эргашишга ундаш гуноҳми? Ҳамма жойда бор бу одат! Ҳамма жойда! «Фалончи «зангори кемаси»да фалон юз тонна пахта терди», деган гапга ишонасизми? Бир мавсумда шунча пахта терган машина сочилиб кетади. Шунча терган механизатор майиб бўлиб, касалхонага тушади! Аммо

оммани күпроқ ишлашга ундаш учун керак, бундай пропаганда! Бошқалар қилаётган ишни қылсак, биз айбдор бўлдиликми, энди?

— Менга қаранг, домла... — Гавҳар Фулом Сайдовичнинг йўғон овозини таниди. — Ҳеч ким сизни айблаётгани йўқ. Сиз ҳам талабани айбламанг. Ўзимиз ишонмаган нарсага ёшларни ишонтириш шунчалик зарилми? Ёшларга тўғри бўл, ростгўй бўл, деб ўзимиз ўргатамиз-ку! Барака топсин, тўғрисиз қиз экан. Феълимиизни кенгроқ қиласайлик, биродар...

Гавҳар, бирор кўриб қолса, гап пойлагандек бўлмаслик учун эшикни очди.

— Мумкинми?

Фулом Сайдович тўрдаги стол ортида ўтирап, пиджагининг тутмаларини ечиб, бўйинбогини бўшатиб қўйган, кўриниши ҳорғин эди.

— Келавер, қизим, — деди самими оҳангда.

Декан хона ўртасида туар, асабийлашгани учун бўлса керак, юзи қизариб кетган эди. Гавҳар ийманиб салом берди.

— Дуруст, оғзи ботир қиз экансиз, — деди декан қўзойнак ортидан чақчайиб. — Шу гапларни ўзимизга айтсангиз бўлмасмиди? Колхозчилар олдида достон қилиш шартмиди? — Бир зум жим қолдида, давом этди. — Қўрқманг, ҳозирча институтдан ҳайдамаймиз. Лекин одам дегани бунаقا маҳмадана бўлмайди...

Гавҳар узр сўрашни ҳам, эътиroz билдиришни ҳам билмас, ростини айтганда, энди унга барибир эди: хоҳласалар ўқишда олиб қолишин. Бўлмаса, ҳайдашсин! Барибир нимадир дейиши керак эди. У тўзиб кетган фикрини анчагача йиғиб ололмай турди-да, Фулом Сайдовичга юзланди:

— Домла, — деди паст овозда. — Имтиҳон олаётганингизда «Ҳалол бўл, ҳалол одам йиқилмайди», дегандингиз. Мен ўқишга ўз кучим билан киромадим. Бошқа йўл билан кирсам, ҳалол бўлмайди. — Кўнглининг бир бурчида ўзининг ҳақ эканини ҳис қилди-ю, тетикланиб гапида давом этди. — Бу йил бўлмаса, келаси йили албатта кираман!

Гулом Сайдович деканга юзланиб жилмайды.

— Айтдим-ку, мард қиз деб! Балли, қизим! «Шу ҳалоллигинг учун ҳам сени институтта қабул қиласиз!»

* * *

Тушдан кейин қатор-қатор автобуслар пахта майдонида «жавлон урган» ёшларни ортиб, турна қатор йўлга тушди. Улардан бирида, охирги ўриндиқда Абдухалил, Зулайҳо, Гавҳар ва Мансур ёнма-ён ўтиришар, талабалардан кимдир рубоб чалиб қўшиқ айтар, бирор бирор билан шанғиллаб гаплашар, хуллас, ҳаммаёқ шодликка тўлган эди. Йил бўйи ҳосил бериш заҳматида чарчаган ер жафокаш она каби вазмин нафас ростлаётганга ўхшар, осмонда кеч кузнинг елпифичдек юпқа, қат-қат булутлари сузид борар, шамол минг йиллардан бери бажариб келган юмушини давом эттириб, уларни кўз илғамас, олис ва гўзал манзилларга олиб кетар эди.

Муаллиф изоҳи:

Асарга 1966 йил 26 апрель, тонг соат 3 дан 30 дақиқа ўтганда нуқта қўйилган. Икки соатдан сўнг Тошкент зилзиласи рўй берган.

ОҚ БУЛУТ, ОППОҚ БУЛУТ

Бадий асар ҳам тирик инсон каби түгилади. Үнинг ҳам қисматы бұлади... Бу ҳикоянинг тарихи қызық. У бундан салкам қирқ үйлі аввал ёзилған. Аммо кейинчалик әзілон қилинған китобларга кирилтілмаган. Сабаби шуки, орадан бир неча үйлі үтгач яратылған «Иккі эшик ораси» романыда ҳам шунга үхаша тасвир бор: иккі үйгитчаниң жонини гаровга қўйиб сувга калла ташлаши манзараси. Ёзувчи үзини үзи тақрорлашга ҳаққи йўқ. Лекин бу ҳикоядаги «ечим», хулоса бутунлай бошқача. Асар бугунги китобхонни ҳам ҳаяжонга солиши, ҳаёт ва муҳаббат деган сеҳрли нарса ҳақида ўйлашга ундашига умид қиласман.

Муаллиф

Самолёт ёмғирдан қорайиб ётган бетон йўлкадан шиддат билан юргилаб борди-да, бирдан муаллақ тўхтаб қолгандек бўлди. Ёмғир томчилари муттасил чизиқ тортаётган иллюминатор ойнасидан ташқарига қарадим. Самолёт қиялаб учиб борар, ердаги улкан резервуарлар, аэропортнинг йўлаклари лишиллаб ортда қолар, олисда эса қорайиб турган ўрмон кўзга ташланар эди.

Зум ўтмай атрофни қуюқ туман ўраб олгандек бўлди. Бунақа пайтда самолёт силкинавериб одамини безор қиласади. Ўзимни чалғитиш учун боя аэропортда олган газетани яна кўздан кечира бошладим. Аммо уни ўша ернинг ўзидаёқ ўқиб бўлгандим. Шунинг учун ҳафсаласизлик билан суюнчиққа бoshимни қўйиб, кўзимни юмдим. Билмадим, қанча фурсат ўтди, бир маҳал ёнбош томондан аёл кишининг овози келди:

– Газетангизни кўриб берсам майлими?

Ёнимга келиб ўтирган аёлга эътибор бермаган эканман. Бурилиб қарадим. Қарадиму, эсанкираб қолдим.

– Дилафрўзмисиз? Нима қилиб юрибсиз бу ерда?

У қуралай кўзларини сузиб, қандайдир босиқ, аммо ўкта м овозда кулди.

– Нима, самолётда сиздан бошқа одам учмаслиги керакми?

– Йўғ-е, мен... шунчаки, сизни бунаقا вазиятда учратаман деб ҳеч ўйламагандим.

Дилафрўз тағин ўша, ўзининг гўзаллигини биладиган аёлларга хос босиқ, хиёл эркароқ овозда кулиб қўйди.

– Дуруст, танидингиз... Мен қариб қолган бўлсам керак, деб қўрқувдим... – У бир зум ўйга толди-да, яна кулимсиради. – Кўришмаганимизга ҳам ўн саккиз йил бўпти.

Мен унга энди яқиндан, синчиклаб қарадим. Дилафрўз чиндан ҳам анча ўзгарган, тўлишиб, қандайдир виқорли аёлларга ўхшаб қолганди. Фақат кўзлари, кулганида ич-ичидан ёниб кетадиган қуралай кўзлари, ўзининг малоҳатига ишонган аёлларга хос хотиржам кулгуси ўша-ўша эди. Ҳозир унга шуни айтишим кераклигини билардим. Аммо оғзимдан бошқа гап чиқиб кетди:

– Мен сизни тушимда кўриб тураман. Ҳалиям...

Ҳа, мен уни ҳануз тушларимда кўриб туришим рост эди. Мен Дилафрўзни ҳар гал бир хил туш кўраман. У оппоқ кўйлакда бирдан пайдо бўлиб қолади. Қуралай кўзларида ўт ёниб, алланималарни гапиради, кулади... Кейин тўсатдан фойиб бўлади.

Ўшанда, ўнинчи синфда ўқиб юрганимизда у кунора тушимга кириб чиқарди. Сочлари чиройли турмакланган, оппоқ кўйлакда, кўзларида табассум... Бутун мактабда энг чиройли қиз шу – Дилафрўз эди. У бошқа мактабдан ўтган «янги» қиз бўлгани учунми, бир-бирини сенсираб гаплашадиган синфдошларнинг ҳаммаси уни сизлаб чақиради. Дилафрўз дарснинг биринчи куни оппоқ кўйлак кийиб,

Эшикдан кириб келганидаёқ уни севиб қолдим. Кечалари уйқуга кетиш олдиdan Худодан ёлғиз бир нарсаны тилар эдим. Уни туш күрсам, тушимда ақалли бир марта қўлидан тутсам... Эрталаб дарсга борганда, ўзини кўрганда эса ундан қочишга уринар, худди аразлаган одамдек узоқроқдан ўтишга ҳаракат қиласадим. Назаримда, Дилафрўз осмон-фалакдан, оппоқ булутлар орасида сузиб юрган афсонавий малакка ўхшар, унга гапириш, тикилиб қарашиб гуноҳ эди мен учун.

Очиини айтганда, синфимиздаги болаларнинг кўпи ошиқ эди унга.

Ҳатто Абжал деган «атаман»имиз ҳам Дилафрўзниң шарпасини сезиши билан мулойим тортиб қоларди. Асли исми Абдужалил бўлса ҳам феъли ёмонлигидан Абжал деб лақаб олган бу бола қўпол, тўнкамижоз эди. Аммо бутун синф ундан ҳайиқар, аллақандай безорилар тўдасига қўшилиб юришини билардик. Абжал билан фақат битта бола – тулкидек устомон Умар ошначилик қиласар, иккови доим бирга юришар, шунинг учун болалар унга «Дум» деб лақаб қўйишган эди.

Муҳаббат одамни чалғитади, дейишади. Ишонмайман. Муҳаббат одамга мислсиз куч-қудрат бағишилар экан. Ўша йили шу қадар яхши ўқий бошладимки, авваллари уч олса ҳам куюнмайдиган, беш олса ҳам суюнмайдиган мендек бепарвонинг бунчалик билафон бўлиб қолганига ўқитувчилар ҳам, уйда акаларим ҳам ҳайрон эди. Мен бўлсам, дарсда қойилмақом қилиб жавоб беражтганимда беш олиши ни эмас, Дилафўзни қойил қолдиришни ўйлардим.

Битириш имтиҳонлари чўзилгандан чўзилиб, ҳаммамизниң силламизни қуритиб юборди. Болалар мияси ачиб кетганидан нолир, бу азоблардан тезроқ қутулишни тилар, мен бўлсам, имтиҳонлар янайм чўзилишини ич-ичимдан орзу қиласадим. Мактабни битирсак, Дилафрўз билан бир умр видолашадигандек...

Эсимда, ўша куни кимё фани имтиҳонидан бир кун аввал йифилдик. Негадир ўқитувчимиз келмади.

Кўпчилик тарқалиб кетди. Саратон иссиғидан қизиб кетган, бўр иси анқиб турган синфда ўн чоғли бола қолдик.

— Яқинда имтиҳонлар тамом! — деди болалардан бири орзумандлик билан. — Кейин ҳаммамиз ҳар қаёқча «ҳушт!»

Парта устига миниб ўтирган Абжал дўриллаб кулди.

— Биз қаёқча кетсан ҳам Дилафрўзни обкетамиз! — Бу гапни у шунчалик беписандлик билан айтдики, ўрнимдан сакраб туриб кетдим.

— Нима-а? — дедим чўзиб. — Сен...

«Олиб кетасанми?» дейишга тилим бормади. Олиб кетиш у ёқда турсин, Дилафрўз мана шу Абжалинг ёнига келишини тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат эди мен учун.

Абжал боягидан ҳам беписандроқ оҳангда кулди.

— Ие, сен нега жириллайсан? Эшишиб қўй! Мен Дилафрўзхонни...

У ёфи қандоқ бўлганини билмайман. Бир маҳал иккаламиз полда думалашиб айлана бошладик. Абжал сочимдан чанглаб туриб бошимни уч-тўрт ерга урган эди, кўз ўнгим қоронfilaшди-ю, ҳеч нима кўринмай қолди. Ўзимга келганимда Низом деган ўртоғим суяб ўтиради. Амаллаб ўрнимдан турдим. Оғзим негадир шўртнанг эди. Кафтим билан артган эдим, қўлим қон бўлди. Абжал йўл-йўл кўйлагининг йиртилган ёқасини ғижимлаганича кимёвий формулалар ёзилган тахта олдида турар, ҳансираф нафас оларди.

— Агар яна битта гапирсанг, ё сен ўласан, ё мен! — Бу гапни шу қадар ишонч билан айтдимки, атрофни ўраб турган болаларнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Унақа бўлса бир ёқлик қилиш керак бу масалани. — Боядан бери охирги партада ўтирган «Дум» секин-секин юриб яқин келди. Қувлик билан ҳаммага бир-бир қараб чиқди-да, елкасини учириб давом этди. — Дилафрўзни Абжал яхши кўришидан хабарим бор эди. Энди Эргаш ёндан чиққан ёнқозиқ

бўлиб қолди. – У менга имо қилди. – Йигитчасига бирон чора топиш керак энди.

Низом ранги ўчиб, унинг олдига бостириб борди.

– Гапни айлантирма, «Дум»! Нима демоқчисан?

– Бирон нарсадан гаров ўйнашсин, ора очиқ бўлади-қўяди!

– Масалан?

– Масалан... – «Дум» мушкул муаммо қаршисида қолгандек пешонасини тириштириди. – Масалан, Бўрижарга калла ташлашдан. Ким омон чиқса...

– Думингни ликиллатма, Дум! – Низом нафрат билан ундан юзини ўгирди. – Эргаш яхши сузолмаслигини билиб, жўрттага айтяпсан.

Мен кафтим билан оғзимни артганча уларнинг баҳсини бепарво эшитиб турардим. Гўё бу гапларнинг менга мутлақо алоқаси йўқдек. Фақат «Бўрижар!» дейишганида бултур бир синфдошимиз темир йўл кўпригидан калла ташлаб, сувдан чиқмагани эсимга тушди. Унинг жасадини бир ҳафтадан кейин аллақайси тўfonдан топиб келишган эди.

– Хўш, нима бўпти? Гаровни эркак киши ўйнайди. – «Дум» ҳар эҳтимолга қарши Абжалнинг яқинроғига бориб, овозини баландлатди. – Йигит деган дўппи тор келганида «вийт» деб қочмайди.

Секин ўрнимдан турдим.

– Кетдик.

Низомнинг ранги қув ўчиб кетди.

– Жиннимисан! Вей, аҳмоқ бўлдингми?

– Ҳозирмас, – деди Абжал ҳамон қўйлагининг ииртигини фижимларкан. – Эртага соат ўнда, кўприк устида.

«Дум» қўли билан Низомга имо қилди:

– Низом сенинг секундантинг бўлади. Мен Абжалга секундантлик қиласман.

Ўша оқшом яrim кечагача хаёлан Дилафрўз билан гаплашиб ётдим. Қани энди бир марта кўрсам, охирги марта кўриб қолсам... Йўқ, у олисда эди. Оқ, оппоқ булутлар устида эди. Аксига олиб, ўша куни ақалли тушимга ҳам кирмади.

Эрталаб каражат бўлиб уйғондим. Бошим лўқиллаб оғрир, негадир худди йиғлаган одамдек кўзим ачишарди.

Кўчага чиқсан, дарвоза олдида Низом турибди.

– Борма! – деди қўл силтаб. – Биласан-ку, Абжал бандит! Тегирмонга тушса бутун чиқади. Нима, жонингдан тўйдингми?

Кўнглимнинг бир чеккасида Низом тўғри айтажетганини билиб туардим. Аммо ўзим ҳам тушуниб етмаган қандайдир қайсар туйғу нуқул олға итарарди. Қайтага яхши эмасми? Сен ўлиб кетасан, Дилафрўз ҳаммасини эштиб, зор-зор йиғлайди... Сени сев-маганига, қадрингга етмаганига пушаймон бўлади. Абжалдан бир умр нафратланиб юради.

– Менга қара, Низом, – дедим совуққонлик билан. – Кўрқаётган бўлсанг бормай қўя қол, менга секундантнинг кераги йўқ.

Низом бора-боргунча мени ҳам, Абжални ҳам, «ҳамма ғалвани бошлаган» ўша «Дум»ни ҳам сўкиб борди. Менга бу гаплар таъсир қилмас, хаёлим бошқа ёқда эди. Дилафрўз қаёқдайкин ҳозир? Нима қилаётганийкин?

Кўприк устига етиб келганимизда ҳеч ким йўқ эди. Кун эрталабдан қизиб кетган. Ялтираб ётган темир йўл изиданми, қорамойга беланган шпалларданми, чучмал ҳид анқиб, нафасни олгудек бўларди. Кўприк четига ўрнатилган лиқилдоқ панжараага суюниб пастга қарадим. Юқорида ёйилиб оқаётган сув шу ерга – темир йўл остига келганида кескин тораяр, икки чети бетонлаб қўйилган ўзандан шиддат билан оқиб ўтиб, нариги томондан отилиб чиқиб кетар эди. Шунинг учун бўлса керак, юқоридан сарғайиб келаётган сув нариги томондан кўпикланиб, оппоқ оқариб чиқарди. Жарнинг у юзида сап-сариқ қамишзор кўзга ташланар, янайм нарироқда ботқоқлик қорайиб кўринарди. Терак бўйи пастликда аждардек вишиллаётган Бўрижарга қарашим билан юрагим орқага тортиб кетди.

– Қалай, юрагинг пўкиллаб қолмадими?

Дўриллаган овоз эгасини таниб, бурилиб қарадим. Абжал бир қўлида «портвейн» шишаси, бир қўлини белига тираганча кинояли илжайиб турарди. Нарироқда эса Низом билан «Дум» юзма-юз туришар, Низом қўлини пахса қилиб, жаҳл билан алланималарни тушунтирас эди.

— Кетар жафосида отиб оласанми? — Абжал шундай деди-ю, шишани чаққон очди. Боши устида баланд кўтарганча қулқиллатиб ича бошлади. У ҳар ютинганида дўрдоқ лабининг икки четидан қип-қизил вино сизиб тушар, кўйлагининг ёқасидан тошиб, пастга оқар эди. Турқи кўзимга шу қадар жирканч кўриниб кетди, ижирғаниб юзимни ўгирдим.

Дилафрўзни шунга топшириб қўяманми? Шунга-я! Ундан кўра бир марта эмас, ўн марта чўкканим яхши эмасми? Абжал винони ичиб бўлди-да, кафтининг орқаси билан лабини артди. Шишани улоқтириб юборди. Шиша темир йўл четидаги қиррадор тошлар устига тушиб, чил-чил синди.

— Қани, ташла тангани! — Абжал «Дум»га қараб қичқирди. — Ташла, толеимизни синаб кўрайлик!

«Дум» дарров жилпанглаб етиб келди.

— Мана бу 20 тийинлик, — деди қўлидаги тангани кўз-кўз қилиб. — Қаёгини танлайсан?

Абжал кайфдан қизарган кўзларини сузиб қўл силкитди.

- Менга барибир.
- Сен-чи?
- Менгаям!
- Бўлмаса бундай...

Узоқдан эшитилган гудок товуши «Дум»нинг гапини бўлди.

— Шошма, поезд ўтиб кетсин! — деди у биланfonлик билан. — Ҳаммаси қоидаси билан бўлиши керак... Эркакчасига...

Шиддат билан келаётган тепловоз яқинлашиб қолганда яна бир сигнал берди-да, вагонларни судраганча гулдураб ўтиб кетди. Йўл четидаги мазут сачраган, қовжираб қолган ўтлар силкиниб-силкиниб

тағин қаддини ростлади. Зум ўтмай пастда яна Бўрижарнинг гувуллаши эшитила бошлади.

— Гап бундоқ, 20 тийин деб ёзилган томони тушса, Эргаш биринчи бўлиб калла ташлайди. Орқаси тушса — Абжал. — «Дум» шундай деди-да, тангани чириллатиб осмонга отди.

— Мана, Низом, сен ҳам кўр! — «Дум» шпалга тушган танга устига энгашди. — Қарасанг-чи!

Низом икки темир йўлнинг қоқ ўртасида караҳт бўлиб турар, чамаси, бу гаровнинг шунчаки ўйин эмаслигига ҳалиям ишонмас эди. Мен бўлсам аллақачон ҳукм қилинган одамдек хотиржам эдим.

— Мана, ўзинг кўр! — деди «Дум» негадир қувониб. — «Чув» тушди. Биринчи бўлиб Эргаш ташлайди.

— Бекор айтибсанлар! — Низом жон ҳолатда бақириб юборди. — Сенлар Эргашни ўлдирмоқчисан!

Мен қизиб ётган рельсга ўтиридим-да, индамай туфлимнинг бофичини еча бошладим. Пайпоғимни ечаётганимда негадир Низом ҳам, у билан фижиллашаётган «Дум» ҳам жимиб қолишиди. Туфлимни бир чеккага қўйиб, ўтирган жойимда бурилиб қарадиму, беҳуш одамдек анграйиб қолдим. Ўн қадамча нарида Дилафрўз турарди. Худди ўша — тушларимда кўргандек оппоқ кўйлак кийган, сочлари чиройли турмакланган Дилафрўз турарди. У оқ туфлиси билан шпалларни битта-битта босиб яқин кела бошлади. Нима бу? Оппоқ булутларнинг менга қилган сўнгги саховатими?

— Тинчликми? — деди у яқин келиб.

— Тинчлик, — «Дум» ноқулай илжайди. — Чўмилмоқчимиз.

Дилафрўз менга ўгирилди.

— Эргаш, сиз ҳам чўмилмоқчимисиз?

Мен шундагина ўзимга келдим. Унинг рўпарасида ялангоёқ, бемаъни алпозда ўтирганим учун мулзам бўлиб, секин ўрнимдан турдим.

— Шунаقا, — дедим иложи борича совуқон оҳангда, — чўмилмоқчиман.

Дилафрўз кескин Абжалга бурилди.

— Нима, мен құчада тушиб ётган чақаманми, орқамдан гаров ўйнайсизлар?!

Дилафрўз Абжалга гапирди-ю, менинг ичим музлаб кетди. Унинг бу қадар шиддатли оҳангда гапирганини ҳеч эшитмаган эдим. Кўзимни қаёққа яширишни билолмай қолдим.

— Ким етказди? — Абжал лабини бир чеккаси билан илжайди. — Ҳеч ким сизни чақиргани йўқ-ку!

Абжалнинг Дилафрўзга киноя қилиши вужудими ни қақшатиб юборди.

— Менга қара, ўв! — дедим овозим титраб. — Гапни кўпайтирма. Бошладик!

Абжал оёғини рельс устига қўйганича туфлиси-нинг боғичини еча бошлади. Шу пайт ҳеч кутилмаган воқеа бўлди. Дилафрўз «Дум» билан Низомнинг орасидан ўтди-да, Абжалнинг елкасига қўлини қўйди.

— Қулоқ солинг.

Абжал бошини кўтарди.

— Хўш?

— Абжал... Мен... — Дилафрўз Абжалнинг бошига хиёл эгилди. Кўзларида аллақандай ўт ёниб туарди. — Мен сизни яхши кўраман. Шуни билмоқчи-мидингиз?

Қулоқларим шанғиллаб, кўз ўнгим қоп-қоронги бўлиб кетди. Фира-шира туманлик орасида Абжалнинг бир зум анграйиб қолганини, кейин қаддини ростлаганини кўрдим. Юрагим гурсиллаб ураётганини, оёқларимдан мадор кетиб бораётганини сезиб туардим.

Зум ўтмай қиррадор тошлар устига чўккалаб қолдим. Кечалари тушимга кириб чиқадиган Дилафрўз шуми? Хаёлимда булутлар орасида сузиб юрадиган Дилафрўз шуми? Ҳозиргина осмонда учиб юрган Дилафрўз бирдан ерга тушди. Йўқ, ердан ҳам пастроққа тушиб кетди... Ана, у кетяпти.

Абжалнинг, ҳамма ёмон кўрадиган, ҳамма жирканадиган Абжалнинг қўлидан тутиб кетяпти! Бун-

дан чиқди, Абжал кеча бекорга гапирмаган, бундан чиқди илгариям...

Абжал унинг оппоқ билагидан тутиб борар, у эса тасмадек рельс устида дорбозларга ўхшаб эҳтиёткорлик билан мувозанат сақлаб юриб кетар эди. Гүё бир умр шундай юрадигандек. Гүё Абжал бир зум қўлини қўйиб юборса, ийқилиб кетадигандек. Бир неча қадам юришгандан кейин у орқасига бурилиб қаради. Кейин яна... Мен юзимни чирт ўғирдиму, бошимни чанглаб қолдим.

Анчадан кейин ҳушим ўзимга келди. Рўпарамда Низом турарди. У афтиимга тикилиб турди-да, қандайдир қуруқ оҳангда сўради:

– Қалай, ўлишингга арзирканми?

– Сенга нима! – дедим жиннилардек бақириб. – Сенинг нима ишинг бор? Йўқол, тошингни тер!

Эртасига кимё имтиҳонидан уч олдим. Чиқсан, мактаб дарвозаси олдида япроқларини чанг босган олча тагида Дилафрўз илжайиб турибди. Кўзимга шу қадар хунук кўриниб кетдик, юзимни тескари ўғирдим. Шитоб билан ўтиб кетаётган эдим, чақирди:

– Эргаш...

– Нима! – дедим бақириб. – Абжал камлик қилиб қолдими? Бирпас сабр қилсанг чиқади! – Шундай дедиму, югуриб кетдим.

Кейин... ҳаммаси тамом бўлди. Мактаб ҳам. Мұҳаббат ҳам... Тошкентдек шаҳри азимда институтга киришга кўзим етмасди. Омадим чопдими, яхши тайёргарлик кўрдимми, ҳарқалай Темир йўл транспорти инженерлари институтига кирдим. Ора-чора Низомдан хат келиб турарди. Икки марта Дилафрўз сени сўради, манзилингни берайми, деган мазмунда ҳам ёзди. Кўнглимда қувончга ўхшаш бир нима йилт этгандек бўлдию, ўша заҳоти сўнди. Унинг Абжал билан етаклашиб кетаётгани, мен бўлсам аҳмоқона бир алпозда темир йўл четида анграйиб ўтирганим кўз ўнгимга келиб, «аравасини тортсин» деган мазмунда жавоб ёзиб юбордим. Шунда

ҳам ҳар гал уни эсласам, юрагимнинг бир чети жиз этиб қўярди... Бора-бора жизилламайдиган бўлди... Тўртинчи курсни битирган йилим уйландим. Шунда ҳам қачондир кўнгил қўйган кишингни унутиш оғир бўларкан, унинг қисматига бефарқ қарай олмас экансан. Дилафрўз Андижон тиббиёт институтида ўқиётганидан хабарим бор эди. Ўша йили у ҳам турмушга чиққанини эшитдим. Йўқ, юрагимда рашк ёки изтироб эмас, ўқинчга ўхшашроқ бир нарса уйғонди. Уйғондию, сўнди. Фақат бир нарса-га ҳайрон қолдим. Дилафрўз Абжалга эмас, бошқа йигитга турмушга чиқибди...

Кейин булар ҳам унutilди. Фақат онда-сонда тушларимга оппоқ қўйлак кийган Дилафрўз кирадиган бўлди.

Ўн саккиз йил оз муддат эмас. Дилафрўз чиндан ҳам ўзгарган, аммо ўқтам кулгиси, қуралай кўзларининг киборона боқиши ўша-ўша эди.

— Мен сизни тушимда кўриб тураман, — деб тақрорладим унинг кўзига тикилиб.

— Йўғе! — Дилафрўз кўзларидан ўт чақнаб кулади. — Наҳотки?

— Бу гапни сизга ёқиш учун айтаётганим йўқ. Бор гап шу.

— Қаранг-а, мен шунча ҳаракат қилсам ҳам сиз сира тушимга кирмайсиз.

Бу гапни у ярим ҳазил билан айтди. Бироқ менинг кўз ўнгимда яна ўша совуқ манзара жонланди. Унинг Абжал билан етаклашиб кетгани-ю, мен аянчли қиёфада термилиб қолганим. Ҳарчанд ўзимни тутишга уринсам ҳам бундай паллада айтиш мумкин бўлмаган энг аҳмоқона гап оғзимдан чиқиб кетди:

— Абжални ҳеч кўрасизми?

У ярқ этиб қаради.

— Кимни-и-и? — деди чўзиб
Кулдим.

— Абжални-да! Эсингиздан чиқдими?

Дилафрўз кўзимга узоқ, синовчан тикилиб турди-да негадир истеҳзоли кулди.

– Бошимга ураманми уни?! – деди қошини чимириб.

Эсанкираб қолдим.

– Ахир ўшанда...

Дилафрўзниң кўзларига сезилар-сезилмас изтироб шарпаси соя солиб ўтгандек бўлди. Бироқ зум ўтмай кулимсираб сўради:

– Докторлик ишингиз битиб қолдими?

– Сиз... сиз қаёқдан биласиз? – дедим баттар ҳайратланиб.

– Мен шунаقا билағонман! – Унинг гап оҳангида яширин истеҳзо бор эди. – Ҳаммасини биламан! Қачон номзодлик диссертациясини ёқлаганингизни, Гули билан тўйингиз ўн тўртинчи июнь, шанба куни бўлганини. Тўнгич ўғлингиз май ойида туғилганини... Хотинингиз ҳамшира бўлиб ишлашини... Айтаверайми? – У кулди. Аммо бу сафар кулгусида ўқтамлик йўқ эди. Буни ўзи ҳам сезди шекилли, юзини ўтириб, бошини қуи солди...

Вужудим бирдан бўм-бўш бўлиб қолди. Самолёт ҳамон гувиллаб учиб борар, назаримда менинг қалбимда ҳам алланима гувиллаб жунбушга келган эди...

Нимага у сенинг ҳаётингни миридан-сиригача билади? Илмий ишингниям, қачон уйланганингнијам... Нимага? Нега у Абжалининг номини эшитганда ижирғанди? Демак, Абжалдан нафратланар экан-да?! Хўш, ўшанда кўприк устида ўзингни аянчли қиёфада қолиб кетганингни ўйлайсану, нега Дилафрўзни ўйламайсан? Ўшанда Дилафрўз учун, мактабнинг энг гўзал, энг мағрур қизи учун ўзи ёмон кўрган, ўзи жирканадиган одам билан қўл ушлашиб кетиш осон бўлмагандир? Ким учун қилди бу ишни? Шошма... Ўшанда рельс устида амаллаб мувозанат сақлаб кетаётганида нима учун орқасига қайта-қайта термилиб қаради? Балки ўшанда унинг кўзларида инграган изтиробини пайқамай қолгандирсан? Балки эртасига мактаб дарвозаси олдида сени кутиб турганида ҳаммасини тушунтироқчи бўлгандир? Сен

бўлсанг, уни ҳақорат қилиб жўнаб қолгансан. У шундаям сени кечирган. Бўлмаса, нима учун Низомдан қайта-қайта суриштирди сени? Нимага сен билан учрашишни тилади? Нимага? Нимага хотинингдан тортиб болангнинг туғилган кунигача билади? Нимага? Нимага?

Бир-биридан аччик, бир-биридан армонли саволлар кетма-кет ёпирилиб келар, самолёт моторининг гувиллаши, миямда чарх ураётган саволлар ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб вужудимни ларзага солар, Дилафрўз бўлса ҳамон нариёққа қараб ўтирас эди. Мен унинг юзидағи ифодани аниқ кўрмасдим. Аммо кўрмасам ҳам ўзимнинг беписандлигим туфайли, ўзимнинг бефаҳмлигим туфайли шунча пайтдан буён пайқамай келган туйгуларни энди аниқ сезиб турардим. Фақат... фақат энди кеч бўлганди. Ажаб, сендеқ «олим», сендеқ «зукко» эркакнинг бир аёл қалбини тушуниши учун ўн саккиз йил керак бўлибди! Ушандаям тасодифан, тұсатдан... Демак, шунча йиллардан бери бежиз тушларингга кирмаган экан-да?!

Сен бўлса... Сен галварс бўлса...

Дилафрўз ҳамон бошини қуий солиб, нариёққа қараб ўтирас, назаримда у яна ўша оқ, оппоқ булутлар орасида учиб юрадиган малакка айланиб қолганди...

1979 йил.

НИМАДИР БЎЛДИ

Азимжон эшиқдан кириши билан газ печка дувховкасида нимадир пишираётган Гулчеҳрани кўрди. Терлаб-пишиб куйманаётган хотинининг ёнига борди.

– Нима ҳаракат?

– Нозима телефон қилувди, – деди Гулчеҳра бошини кўтариб. Лўппи юзи иссиқдан анордай қизарип кетган эди. – Эртага загород чиқарканмиз. Файзулла aka айтибди.

Азимжон индамай ётоққа кирди. Шошилмасдан ечинди.

Нозима – Гулчехранинг қиз ўртоғи, мактабдоши. Азимжон Нозима билан ҳам, унинг университетда ишлайдиган эри билан ҳам хотини орқали танишган эди.

Гулчехра, «Ўртоғимнинг баҳти бор экан, эри ишнинг кўзини билади», деб кўп гапирав, аммо Азимжон Файзуллани давраларда уч-тўрт бор кўрган бўлса ҳам, дурустроқ гаплашмаган эди. Эртага далаға чиқиш баҳонасида Файзулла билан ҳамсуҳбат бўлишидан қувонди. Пижамасини кияркан, ошхона томонга қараб қичқирди:

– Далаға чиқсак, нимада борамиз, Гули?

Ошхонада алланима тарақлади. Гулчехра қўлини кўйдирив олди шекилли, «хаҳ ўлгур-эй!» деб қўйди. Кейин асабий товуши эшитилди:

– Нима дедингиз?

– Транспорт масаласи нима бўлади, дейман!

– Файзулла aka машина олибди, – бу гал Гулчехранинг овози хотиржам, ҳатто хийла тантанали эшитилди. – «Жигули» олишибди!

– Шунақами, зўр-ку!

Азимжон ўзига яқин оиланинг машинали бўлганига қувонди.

Чамаси бу фикр Гулчехранинг ҳам хаёлидан ўтган бўлса керак, Азимжон ваннадан ювиниб чиққанида хотин шундан гап очди.

– Одамлар машина олайпти... Сиз Нилуга «туфилган кунингга велосипедча олиб бераман», деганингизга ярим йил бўлди. Бир йўла келаси туфилган кунига ола қоларсиз...

Азимжон хотинининг пичингига ҳазил билан жавоб қилди:

– Зиёни йўқ, кутубхоначилигимга оладиган маошим билан ҳам машина олсак бўлади. Хисоблаб кўрсам, бирорванинг қозонидан овқат еб, бирорванинг кийимини кийиб ўн йил пул йифсак, bemalol машина оларканмиз...

Гулчехра бир қадар ён берди, чоғи, ётиғи билан сўради:

– Оз-оздан йифиб борсак-чи?

— Унда ўттиз йил!

— Сизга гап бўлса! — Гулчеҳра ошхона томон ўтиб бораркан, бамайлихотир чекиб ўтирган эрининг елкасига тирсаги билан беозор туртиб ўтди. Азимжон хотинининг кўнглидан ғубор кўтарилиганлиги-дан қувониб, унинг кетидан эргашди.

* * *

Эрталаб Азимжон хотинининг иссиқ нафасидан уйғонди. Гулчеҳра унинг қулоғига шивирлаб гапи-рарди. Азимжон аввалига уйқусираб ҳеч нарса ту-шунмади.

— Нима? — деди кўзларини аранг очиб.

Гулдор халат кийиб олган Гулчеҳра яна Азимжонга эгилди. Нафаси унинг қулоғига урилди.

— Бўлинг, пастда Нозималар кутиб туришибди.

Янги келин-куёвлик пайтларида Гулчеҳра ҳар куни уни шунаقا — қулоғига шивирлаб уйғотар, иссиқ нафасидан Азимжоннинг қитифи келар, бутун вужуди жимирилашиб кетар эди. Ҳозир ҳам Азимжон хотинининг халат ичидаги тиқмачоқдек гавдасига қараб, шўхлиги тутди.

— Намунча вақтли? — деди илжайиб. — Одамни мундоқ...

— Суюлманг! — Гулчеҳра шўх бурилиб нари кетди. — Устингиздан совуқ сув қуиб юбормай та-фин!..

Азимжон илдам туриб, майкачан балконга чиқди. Тонг ёришган, аммо кўчада одамлар кўринмас рўпарадаги магазин олдида нон машинаси турар эди. Азимжон балкон панжарасини ушлаб пастга қаради-ю, подъездга кираверишда турган садаф ранг «Жигули»га кўзи тушди. Енги калта йўл-йўл кўйлак кийган Файзулла дока билан машинани артар, негадир ялпоқ қора кўзойнак тақиб олган эди.

— Чиқмайсизми? — деди Азимжон турган жойида бақириб.

Файзулла бошини кўтариб қаради-да, «вақт кетяпти», дегандек билагидаги соатга имо қилди. Азимжон ювениб бўлгунча Гулчеҳра ҳам кеча ўзи пи-

ширган печене билин консерва, яна алланималарни ипак түр халтага жойлади. Эр-хотин бошлашиб пастга тушганларида, Файзулла машинага суюниб, сигарет тутатиб турарди. У кўзойнагини олиб, Азимжон билан қўл сиқиб кўришди.

— Ўтилинг, — деди ўнг томондаги эшикни кўрсатиб.

Азимжон Файзуллани анчадан бери кўрмаган эди. Ҳозир унинг хийла қорайиб, озганини пайқади. Пешанасидаги чизиқлар чуқурлашибди, қарашлари ҳорғин.

— Муборак бўлсин! — деди Азимжон ярақлаб турган машинага имо қилиб.

Файзулла камтарлик билан бош силкиб қўйди:

— Ҳа, энди...

Азимжон орқа эшикни очди-да, бурчакда ўтирган Нозима билан сўрашди. Нозима танга-танга гулли сариқ енгиз кўйлак кийиб олган, шунинг учун бўлса керак, сепкилли юзи, қизфиш соchlари одатдагидек кўзга яққол ташланмас эди. Оч-қизил чийдухоба қопланган ўриндиқча чиқиб олган тўрт яшар Шуҳрат, орқа томонда ойна тагига ўрнатилган, машина юрганида бошини ликиллатадиган поролон кучукчани олмоқчи бўларди. Нозима эса ўфил-часининг этагидан ушлаб пастга тортарди.

— Нилуфар қани? — деди Нозима Гулчеҳра билан ўпишиб кўришаркан.

— Нилуни қишлоқча жўнатдик, бувисининг олдига, — жавоб берди Гулчеҳра дугонасининг ёнига ўтириб. — Иssiқ кунда шаҳарда нима қиласди?

Янги машинанинг ўзига хос ҳиди бўлади. Чарм, елим, яна аллақандай ислар аралашиб, фалати, ёқимли бўй таратиб туради.

Азимжон олдиндаги ўриндиқча — Файзулланинг ёнига ўтириши билан аввало шу бўйни туйди. Эшикни тортган эди, енгилгина қирс этиб ёпилди. «Портсигарга ўхшайди» деб ўйлади. Файзулланинг машина олганидан яна қувонди.

— Кетдикми? — деди Файзулла орқада ўтирган хотинига қараб. — Қаёқча юрамиз?

— Йигирма саккизинчига, — қисқагина жавоб қилди ҳамон бурчакка сүяниб ўтирган Нозима.

— Сирдарёга кетаверишда — йигирма саккизинчи чақиримда зўр боғ бор, — деди Файзулла Азимжоннинг анграйиб турганини кўриб.

Машина қор устида сирғанган чанадек силлиқ юриб кетди. Бир зумда шаҳар кўчалари орқада қолди. Машина шовқинсиз шувиллаб борар, йўлнинг икки четида уфқача чўзилиб кетган пахтазорлар эрталабки қуёш нурида тўқ яшил тусда товланар, унда-мунда яккам-дуккам тутлар кўриниб қолар, олисда — уфқ этагида кетидан бир тутам чанг эргаштириб трактор ўрмалаб борар эди.

Файзулла радио қулоғини бураган эди, денгиз шовқинидек оҳанг тарала бошлади.

Қаердадир ўқиганими, эшитганми гапи Азимжоннинг хаёлига келди. «Машина олифтагарчилик эмас, эҳтиёж бўлиши керак». Тўғри-да, ҳар бир оиланингузофини яқин қиласиган улови бўлса яхши-ку...

Нозиманинг кескин, ингичка товуши унинг хаёлини тўзитиб юборди.

— Ўчиринг анави савилнинг овозини! Нима бало, қулоғингиз карми!

Азимжон беихтиёр бурилиб қаради. Нозиманинг сепкилли юзи янаем қизариб кетган, лаблари асабий титраб турарди.

Файзулла шоша-пиша радиони ўчирди. Чехрасида хоргин, маъюс ифода пайдо бўлди. Азимжон юмшоқ ўриндиқда ўзини ноқулай ҳис қила бошлади. Юрагининг бир чеккасида Файзуллага ачи-нишми, қандайдир ўнғайсизликми, уйғонди. Бироқ фикран қўл силтади. «Бирорнинг оилавий ишига аралашибга нима ҳаққинг бор?»

Чорак соатчадан кейин машина чапга, тупроқ йўлга бурилди. Файзулла машинани жилдираб ётган ариқчадан авайлаб ўтказиб, чанг кўтармаслик учун секин ҳайдаб кетди. Икки юз қадамча юргандан кейин олмазор боғ ичига кирдилар. Файзулла машинани чеккароқдаги бир туп чинор тагида тўхтатди. Олдинма-кетин тушишди. Шу ондаёқ Азимжон

димофида жуда таниш, қадрдон бир ис түйди. «Беда! Беда бор экан», деб ўйлади у қувониб. Олмазор катта бўлса керак, кети қўринмас, олмалар ҳали пишмаган, аммо шохлари мўл ҳосилини кўтаролмай эгилиб турар, дараҳтлар остига сепилган беда тизза баравар қулф уриб ётар эди. Одатда, эрта тонгда беда, айниқса, ўткир ҳид таратади. Азимжон худди маст бўлиб қолгандек тўйиб-тўйиб нафас ола бошлиди.

Файзулла юкхонадан каттагина шолча олиб, олмазор ичига судраб кетди. Азимжон унинг бедани босиб-янчиб боришидан оғринди.

– Шу ерга ёзавермайсизми? – деди чинор тагига имо қилиб.

– Мана бу ер текисроқ, – Файзулла шолчани каттакон олма тагига ёзди.

– Қайси хўжаликнинг боғи бу? – деб сўради Азимжон эски кўрпачани қучоқлаб бораркан. Файзулла елка қисиб қўйди. Нозима билан Гулчехра дарров тўр халталарни ташмалаб қолишиди. Шуҳрат дараҳтдаги меваларни кўриб, олма ейман деб хархаша қила бошлиди.

Файзуллалар термосда чой дамлаб олишган экан. Топган-тутганларини ўртага қўйиб ёнбошлаб ётганча нонушта қилишиди.

– Анҳор бўйига бормаймизми? – деди Файзулла чойдан кейин. Маслаҳат билан эркаклар сув бўйига борадиган, хотинлар шу ерда қоладиган бўлишиди.

Анҳор боғининг ёнидан ўтаркан. Бедазорни четлаб соҳилга боргунча Азимжоннинг шими тиззасигача жиққа сув бўлиб кетди. У шимининг почаси оёғига ёпишаётганидан ғаши келар, айни пайтда ҳузур қилас, таниш беда ҳидидан роҳатланиб, ёш болалардек сакраб-сакраб борар эди.

– Мана, анҳор! – деди Файзулла худди ўзининг мулкини кўрсатаётгандек тантанавор оҳангда. – Утилинг.

Азимжон эркаклаб кетган ялпизлар устига ўтириди. Кўйлагини ечиб, ўт устига ташлади. Баданига дарров салқин шабнам нафаси тегди. Кенгли-

ги олти-етти қулоч келадиган анҳор оқиб ётар, бу ер чуқур бўлса керак, сув текис, сокин, ойнадек сатҳида қоп-қора сузғичлар чаққон сузиб юрар эди.

— Ие, асосий нарсани унуглибиз-ку! — деди Файзулла ўрнидан илдам туриб. — Мен ҳозир. — У бедазорни шартиллатиб югуриб кетди. Сукунат чўқди. Шунаقا сукунат чўқдикни, Азимжон сув устидан учиб ўтган гунафша ранг қанотли ниначининг овозини ҳам аниқ эшитгандек бўлди. Кўнглида алланечук сокин бир енгиллик сезиб, нариги соҳилни томоша қилди. Сувнинг у бети ясси эди. Бу ерда моллар сув ичса керак, соҳил чеккасига туёқ излари тушиб қолган, тезак сочилиб ётарди. Сал нарироқдаги ёнғоқча кўп марта мол боғланган шекилли дараҳт танаси сарғайиб, силлиқланиб кетибди.

Азимжон жилмайганча, энтиқди. Одамни баҳтсиз қилиш учун арзимаган нарса кифоя. Уни баҳтиёр этиш учун ҳам кўп нарса керакмас. Азимжон бу қадрдон манзараларни кўриб болалигини эслади. Эслади-ю, кўнглида қўмсашга ўхшаган бир туйғу уйғонди. Одатда, одам болалиги ўтган жойларни тушида кўриб, кечаси уйғониб кетса, анчагача соғинч ўйлар гирдобига фарқ бўлиб ётади. Ҳозир у ҳам шундай бир ҳолда эди. Унинг болалиги ҳам шаҳар чеккасидаги қишлоқда кечган. Уларнинг қишлоғидан ҳам шунаقا анҳор оқиб ўтарди. Азимжон анча пайтгача сузишни ўргана олмаган, болалар: «Учта сузғични тутиб, сувга қўшиб ичиб юборсанг, сузғичи бўласан», деганда паққос ишонганди. Азимжон оиласда кенжа ўғил бўлгани учунми, мол-ҳолга қараш унинг зиммасига тушарди. Ўзи ҳам сигир боқиш, баҳор ёмғиридан кўпчиган ўтлоқларда чалқанча ётиб олиб, тубсиз осмонга тикилишни яхши кўрарди. Уларнинг тарғил сигири бўларди. Серсут, ювош сигир эди-ю, бир айби бор эди — ўзини ўзи эмисб қўярди. Тўрттала оёғини тарвақайлатиб ётганча, энгашиб ўзини ўзи эмаверарди. Шунинг учун сигирнинг тумшуғига ёғочдан найзадор қилиб тўртбурчак чамбарак илиб қўйишар,

шунда сигир ўтлашга ўтларди-ю, ўрганган номаъ-қулчилигини қилолмас эди.

Азимжон ўша кунларни эслаб, беихтиёр кулиб юборди. Боф томонда мотор товуши гуриллаб, хаёли бўлинди. Зум ўтмай бир қўлида конъяк шишаси, бир қўлида газетага ўроғлиқ алланима кўтарган Файзулла яқин келди.

Газетага ўроғлиқ иккита кичкина пластмасса стакан, тўрт-бешта шоколад конфетни олди-да, шишини очишга киришди.

— Сувга солмайсизми? — деди Азимжон дарров ичкиликни бошлишни хохламай. У ичишни кўп ҳам ёқтирас, давраларда мажбур бўлганидан бир-икки қадаҳ билан кифояланар эди.

— Совисин, демоқчимисиз? — Файзулла шишани чаққон очаркан, мамнун қулимсиради. — Ўзи совуқ, машинада холодильник бор.

— Шунақами? — Азимжон стаканни қўлига олиб, бир зум индамай қолди. — Машинангиз буюрсин, — деди жилмайиб. — Рангини ҳам зўридан танлабсиз.

— Кучли машина, — деди Файзулла конфетдан газак қиласкан, кўзлари сузилиб. — Мотори зўр.

Азимжон сидқидилдан такрорлади:

— Яхши кунларингизга хизмат қилсан!

Файзулланинг авзойи негадир бузилди. Қошини чимириб, конфет қофозини юмалоқлаб улоқтирди.

— Арава меники эмас, — деди яна конъяк қўйиб. — Қайнағамнинг пулига келган.

Азимжон Нозиманинг акаси кўмир омборида бошлиқ бўлиб ишлашини эшитган эди. Боя Нозима радиони ўчиринг, деб ўшқирганида Файзулланинг юзида қандай маъюс ифода пайдо бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай ўқинч кўринди. Бироқ зум ўтмай лабини қимтиб, истеҳзоли жилмайди. Стаканни бир кўтаришда ичди.

— Файзуллажон, рулдасиз, — деди Азимжон босиқ овозда.

— Балоям урмайди! — Файзулла шоколад еркан қўл силтади. — Мен бирордан қарздор бўлиб юрадиган йигит эмасман! — деди кимгадир таҳдид қилиб.

– Нега қарздор бўларкансиз? – Аваз ётифи билан тушунтирган бўлди. – Қайнағангиз ўз акангиздек гап. Қолаверса, илмий ишингизни ёқлаб олибсиз.

Аваз бу гапни сидқидилдан айтса ҳам негадир Файзуллага оғир ботди.

– Илмий иш эмиш! Падарига лаънат бунаقا илмнинг! Диссертация ёқлагунимча домла манави еримга олиб келди. – У кафтининг қиррасини томоғига арра қилиб кўрсатди. – Қилдирмаган иши қолмади. Участка қурди. Эшақдек ишладим. Пойдевор қўйишдан тортиб, лўмбоз босишгача мени текин мардикор қилди. Қизини узатаётганида: «Гарнитурга қарашиб юборасиз», деди. Уйига меҳмон келса ҳемири бермай бозорга физиллатади. Тағин «Арман конъягидан бўлсин», дейди. – Файзулла бир зум тўхтаб яна ичди. Сузилган кўзларини Азимжонга тикиб, кулади. – Машинасининг қайси детали синса менинг гарданимга! Ҳаммасини қилдим. Ҳаммасини!.. – Файзулла энди шанғиллаб гапира бошлади. –Faқат ич кийимини ювиб бермадим, холос. Шундан бошқа ҳаммасини қилдим. Аммо ўзини ҳам болладим. Ишим тасдиқланган кундан бошлаб саломни ҳам йифишириб қўйдим. Энди бошқа аҳмоғини топсин. Меники расчўт!

Азимжоннинг кайфиятидаги бояги тетиклик йўқолган, нариги соҳилдаги ёнғоқнинг оқиши-силлиқ танаси ҳам, туёқ излари ҳам кўзига аллақандай файзсиз кўринар эди.

– Бир мақолни эшитганмисиз? – деди Файзулла пишқириб.

«Тез кайфи ошаркан», деган хаёл Азимжоннинг фикридан кечди. Индамай ўтираверди.

– Эшитганмисиз? – Файзулла унинг кўзига қаттиқ тикилди. – «Ишим битди, эшагим лойдан ўтди», деган гап бор. Менинг ҳам эшагим лойдан ўтиб бўлди... Энди башарасигаям қарамайман, ўша чаласавод «устоз»нинг... Олмайсизми, буни?

– Раҳмат, – Азимжон конъякли стаканин ўт устига қўйди.

— Қадрига етмас экансиз! — Файзулла чуқур нафас олди-да, ўзига тағин конъяк қўйди. — «Белий аист». Тоза конъяк.

Орага ноқулай сукут чўқди.

— Илмий ишингиз нима мавзуда эди? — Азимжон тасодифан хаёлига келган бемаъни саволдан ўзиям хайрон бўлди.

— Нима, сиз фалсафани тушунасизми?

Файзулланинг «жавоби» ўринли ва истеҳзоли эди.

— Йўқ, — деди Азимжон ўйчанлик билан. — Фанга нима янгилик киритдингиз демоқчийдим.

— Янгилик? Нима у янгилик? — Файзулла елкасими силкитиб кулди. — Диссертация ёқлаганларнинг ҳаммаси янгилик яратса, одамлар аллақачон Марсга учиб бориб, бир бўлагини ушатиб тушарди. Янгилик эмиш. Ҳаммаси «туфта»! Сафсата!

— Сизникиямми?

— Нима, менинг ўқим ўзибдими? — Файзулла тағин кулди. — Диссертация ҳимоя қилишдан мурод — пул! Маошинг ошади, ҳамма институтда фалсафа деган мавҳум фан бор. Унвонинг бўлса институтда ишлайсан. Институт деган жониворнинг ўзига яраша «декончилиги» бор.

Азимжон ортиқча гапга ўрин қолмаганини билib, шошилмай туфлисини, пайпогини ечди.

— Исиб кетдиларми? Ё гапим ёқмадими? — деди Файзулла кулимсираб. Бир зум ўйланиб қолди-да, давом этди. — Дарвоҳе, эшак тўғрисида яна битта мақол бор. «Ишинг битгунча эшакни тоға дейсан». Бу дунёда нима кўп, эшак кўп. Менинг ҳам «тоға» деб юрган эшакларим бор. Лойдан ўтгунча «тоға» деб тураман. Қайноғам, анави шаллақи хотин... Аввал лойдан ўтиб олай, ўзим биламан! Бир эмас, ўнта боласи бўлмайдими?!

Азимжон бирпас турса, бу одамни тарсакилаб юборишини билиб, илдам ўрнидан турди. Қирғоҳдаги ялпизларни босиб анҳор лабига борди. Сирпанчиқ соҳилга оёқ қўйди. Анҳорнинг чуқур-саёзлигини

ўйлаб ўтиrmай сувга кирди. Анҳор чуқур эмас экан. Белидан келди. Ҳали кун қизиб кетмагани учун сув салқин, оромбахш эди. Бир-икки марта шўнғиб озгина сузиб кўрди. Кейин сирпана-сирпана соҳилга чиқди. Файзулла ҳамон бир қўлида шиша тутган кўйи чўнқайиб ўтирап, икки юзи қизариб кетган эди. Азимжон индамай четлаб ўтди. Олма панасига ўтиб артинди. Нарироқда, дараҳт соясида турган маши-нанинг очиқ эшигидан ухлаб ётган Шуҳратжоннинг оёқчалари кўриниб турарди.

Шолчадаги кўрпача устида похол панамаси билан юзини тўсиб оппоқ сонларини офтобга тобланча Нозима ётар, унинг бош томонида Гулчеҳра бедадан чамбарак тўқиб ўтирап эди. Азимжон бостириб бормаслик учун йўталиб қўйди. Гулчеҳра бурилиб қаради. Нозимани туртди шекилли, у эринибгина ўрнидан турди. Азимжон яқин келди-ю, шолча атрофидаги аллақанча беда майдони пайҳон бўлиб кетганини кўрди. Нарироқда ярми қизил, ярми кўк каттакон резина коптот ётарди.

– Вой, чўмилдингизми? – деди Гулчеҳра эрининг сочи ҳўллигини кўриб.

Азимжон индамай бош силкиди.

– Мен кетаман! – деди совуқ оҳангда.

Иккала дугона ҳайрон бўлиб баравар сўрашди:

– Вой, нега?

Азимжоннинг ёлғонлашдан ўзга чораси қолмади.

– Биласиз-ку, – деди хотинига қараб. – Кутубхонада ҳар якшанба навбатчилик бор. Бу сафар менинг галим эди. Паққос эсимдан чиқибди.

– Шошманг, ҳозир обориб қўяди сизни. – Нозима анҳор томонга қараб овоз берди. – Қаёқдасиз,xo-o-o??!

Азимжон ўзбекнинг хотини эрини «хой» деб чақиришини биринчи эшитиши эди.

– Раҳмат, – деди шоша-пиша. – Ўзим етиб оламан. Файзуллажон жиндай ичдилар.

Шу гапни айтмаса бўларкан.

– Саҳарлаб туриб заҳарига ичмаса ўлади бу гўрсўхта! – деди Нозима шанғиллаб.

«Мис қозонга лой тувоқ, – деб ўйлади Азимжон ғашланиб. – Икковининг тупроғини бир жойдан олған экан».

– Ташвишланманглар, дарров етиб оламан, – де-ди-ю бурилиб кетаётган эди, Нозима сўради:

– Гули қолади, а?

Гулчехра бир дугонасига, бир ўзига қараб турганини кўриб, Азимжон, «албатта, баҳузур дам ола-веринглар», дегандек бўлди-ю, туроқ йўлдан тез-тез юриб, катта кўчага чиқди. «Бетонка» йўлдан эрталабданоқ иссиқ ҳовур кўтарилар, қилт этган соя йўқ эди. Аксига олиб бирон машина тўхтамас, тезлигини баттар ошириб кетаётганга ўхшарди. У катта трасса четидан илдамлаб кетаверди. Ниҳоят кузовига шағал ортилган «ЗИЛ» вошиллаб тўхтади...

* * *

Гулчехра кечқурун эшикдан кириб келиши билан диванда оёғини чалиштириб ётган эрини кўриб ҳайрон бўлди.

– Ҳа, дежурликка бормадингизми?

– Йўқ, – Азимжон бир лаҳза сукут сақлаб, қандайдир руҳсиз оҳангда сўради. – Яхши дам олдингларми?

– Зўр! – Гулчехра орзумандлик билан енгил хўрсинди. – Одамлар яшашни билади. Тагида машина, ҳаммаси бадастур. Эри чизган чизифидан чиқмайди... Нозима келаси ҳафта тоқقا чиқайлик деяпти.

– Бормайсиз! – деди Азимжон қатъий қилиб.

Гулчехранинг қоши чимирилди.

– Нега?

– Ӯшанга!

– Қизиқ одамсиз, – Гулчехра юзини ўғирди. – Ӯзингиз ололмайсиз, биронникини кўролмайсиз...

– Ҳа, мен шунаقا баҳил одамман, ичқораман!

Гулчехра бир лаҳза ҳайратланиб турди-да, эрининг ёнига ўтирди.

– Нима бўлди ўзи?

– Ҳеч нима!

Гулчехра унинг кўзига узоқ тикилиб қолди. Сўнг ниманидир англагандек эрининг соchlарини кафти орасига олиб, силади...

1974 йил.

БАХТ

Уч соатдан кейин Янги йил киради. Уч соатдан кейин Мунира ўттизга қадам қўяди. Бу сафар ҳам у Янги йилни ёлғиз кутиб оляпти. Унчалик ҳам ёлғиз эмас. Нариги уйда жажжи Нилуфар ухлаб ётибди. Яхшиям бахтига шу қақажон қизча бор экан. Уз онасидан Мунирани яхши кўради. Ишдан келиши билан бўйнига осилади.

Бугун Мунира синглиси билан ўтиришмоқчи эди. Бўлмади. Сайёранинг одати шу ўзи. Бир гапни айтишга айтиб қўяди-да, охирида айниб қолади. Боласи беш ёшга чиқибди-ю, ўзи ёш болага ўхшайди. Боя қизчасини боғчадан олиб келди-да, Мунирага топшириб, кўчага югарди. Мунира нима гаплигини суриштирган эди, зинадан қайтиб чиқиб, «айноний ўзимнинг опажонимдан», деб у юзидан, бу юзидан ўпди-да, кетди-қолди.

Муниранинг бир ўзи яна мунфайиб қолаверди.

У секин-секин юриб, ошхонага кирди. Косадаги гуручни шошилмасдан юва бошлади. Гуруч юзига қалқиб чиқсан оппоқ сувни тўкаркан, негадир онасини эслади.

Мунира етти ёшидами, саккиздами опа-сингил баравар кўййутал бўлишганди. Ўшанда онаси унга гуруч ювилган сувни ичиргани Муниранинг эсида қолган. Гуруч суви аллақандай кўпикли, bemаза эди. Мунира-ку ўша bemаза сувни уч-тўрт қултум ичди-я, Сайёра «лўлилик» қилиб, ҳаммаёқни бузиб юборди. Ўшанда ойиси «сенларни одам қилгунча ўзим адо бўламан», деб йифлаганди.

Умуман, ойисининг чеҳраси негадир ҳамиша маъюс кўринар, айвон бурчагида турадиган оёқ машинада иш тикаётганида ҳам, уй йифиштираётганида

ҳам бошини бир ёнга ташлаганча хаёлга чўмиб юрарди. У иш тикаётганида бир ашулани кўп қайтарарди. Қайта-қайта эшитгани учунми, ўша сўзлар Муниранинг хаёлига муҳрланиб қолган:

«Оҳ, урарман, оҳ урарман,
оҳларим тутгай сани,
Кўз ёшим дарё бўлиб,
балиқлари ютгай сани»...

Мунира мактабга қатнаб, эсини танигандан кейин, онаси нима учун «оҳ ургани»ни тушунди. У отасини эс-эс танир, баланд бўйли, мўйловли бу одамга тузук-қуруқ меҳр қўйиб улгурган ҳам эмасди. Сайёра туғилганидан кейин кўп ўтмай отаси қаёққадир фойиб бўлди. Мунира бу «сир-синоат»ни ҳам кейин, эсини таниганда тушунди: отаси уларни ташлаб кетган экан. У бир нарсани – онасига кўмаклашиши зарурлигини жуда эрта тушунди. Олтинчи синфда ўқиётганида оёқ машинада иш тикишни ўрганди. Саккизинчи синфни битирганидан кейин Олой бозори биқинидаги тикувчилик ательесига ишга кирди.

...Қозон қаттиқ-қаттиқ қайнаб, Муниранинг хаёли бўлинди. У гуруч солди-да, ошхона деразасини қия очди. Мусаффо қор ҳавоси ёпирилиб кирди. Дераза ортидаги дараҳтларнинг шохи қордан ишкомдек эгилиб кетган. Бу ҳам камлик қилгандек, оқ укпарлар тўзиб ётган пастак осмондан момиқ заралар ёғилаверади, ёғилаверади. Гўё бутун табиат янги туғилган чақалогу само уни покиза йўргакка ўраётгандек. Рўпарадаги тўрт қаватли уй деразаларида чироқлар машъала бўлиб ётибди. Шодон куй янграйди.

Ҳа, бугун байрам... Мунира сувни тортган гуруч устига товоқ ёпаркан, секин хўрсиниб қўйди. Бугун байрам, Янги йил киряпти. У оҳиста юриб ётоқقا кирди. Нилуфар соchlарини тўзиганча ухлаб ётар, пешанаси терлаб кетганди. Мунира қизчанинг пешанасини кафти билан оҳиста артаркан, жилма-

йиб қўйди. «Шайтон-ей! Ҳали қўшни болалар билан роса чана учди. Совуқ элитган». Шу ондаёқ у арча чироқларини ёқиши кераклигини эслади-ю, илдам ўрнидан турди.

Қайси куни арчани безатишаётганида Нилуфар ҳадеб чирофини ёқиб беринг, деб хархаша қилган, ўшанда Мунира Янги йил кечаси арчанинг чирофини Қорбобо ёқиб беради, деб ишонтирган эди.

У тез-тез юриб меҳмонхонага кирди-да, чироқ маржони уланган симни илгакка тиқди. Шу ондаёқ қизил, яшил, сариқ, яна кўпдан-кўп анвойи рангдаги жажжи чироқлар ёнди-ю, хона бирданига алланечук сукутбахш, муnis бўлиб қолди. Мунира сеҳрланиб қолгандек арча рўпарасида бир зум қотиб турди. Кейин диванга бориб ўтирди. Анча ўтирди. Ташқаридаги ҳамон куй садолари янграр, дераза ортидан ўтаётган одамлар шодон шовқин солишар, қаҳқаҳ уриб қулишар, буларнинг ҳаммаси ичкаридаги, мана шу хонадаги сукунатни, танҳоликни янаям чукурлаштираётганга ўхшарди. Қизиқ, бунақа кунда, байрам кунида ёлғиз қолсанг, фалати бўларкан. Гўё бутун дунё бир тарафу, ёлғиз ўзинг бир тараф.

Мунира олти йилдан бўён Янги йилни бир ўзи кутади. Ҳар гал худди шунаقا аҳволга тушади. Бутун дунё бир тарафу ёлғиз ўзи бир тараф. Тўғри, у ҳам шу пайтда эри билан, бола-чақалари билан гавжум бир уйда ўтириши мумкин эди. Бўлмади... Ҳаёт шунаقا экан. Инсон ҳамма орзусига бир йўла етавермас экан...

Зокиржон яхши йигит эди. Қадди-қомати келишган, оғир-вазмин... Улар Зокиржоннинг «маршрутка»сида танишган эдилар. Мунира ҳар куни маршрут таксида уйига қайтар эди. Зокиржон шу машинани ҳайдарди. Бир-бирларига юлдузлари тўғри келиб қолдими, ё Муниранинг ўзи кўҳликмиди, хуллас, «шоффёр йигит» унга тинчлик бермади. Уйидан чиқса, кўча бошида кутади. Ишдан қайтаётганда ателье рўпарасидаги бекатда машинаси билан пойлайди. Муниранинг фаши келгандек бўлади-ю, аммо

«шофёр йигит» йўлини пойлаб туришини жуда-жуда хоҳлайди... Мунира энди билса, ўша кунлар ҳаёти-нинг энг ширин дамлари экан. Бирор интиқлик билан сенга талпиниб турганини ҳис этишдан каттароқ бахт йўқ экан. Ҳа, Мунира бахтиёр эди. Аммо бахт билан бахтсизлик доим етаклашиб юради. Тўсатдан онаси ўлиб қолди. Юрак дарди тутди-ю, «Тез ёрдам» машинаси етиб келгунча тамом бўлди. Фақат бир оғиз сўз айтди: «Синглингни хўрлама, болам. Отаси йўқ эди. Энди мен ҳам йўқман, сенга топширдим...»

Мунира онасининг руҳи олдида Сайёрани етим қилиб қўймасликка қасам ичди. Битта ирмоқ тўхтаб қолгани билан дарё суви қуримайди. Ҳаёт ўз йўлидан кетаверди. Ой ўтди, йил ўтди, бир куни Зокиржон дардини айтди.

— Тўйни тезлаштирмасак бўлмайди. Уйдагилар қўймаяпти.

Мунира икки йўл орасида қолди. Сайёрани ташлаб қаёққа боради? Ўн олти яшар қизалоқнинг тақдири нима бўлади?

Мунира ростини айтди.

— Синглим ҳали ўзини эплай олмайди. Мен ойимларга ваъда берганман.

Орадан яна ой ўтди, яна йил ўтди. Улар ҳамон бир-бирларига талпинишар, аммо энди Муниранинг кўнглида қандайдир мавҳум хавотир бор эди. Зокиржон билан кўришганида негадир кўнгли бир нимани сезаётгандек зирқиллаб турарди.

Бу орада Сайёра мактабни битирди. Зокиржон ўша таклифини яна қайтарди. Мунира яна ростини айтди.

— Синглим институтга имтиҳон топширмоқчи, кириб олсин-чи...

— Кейин-чи? — деди Зокиржон қандайдир бегона шиддат билан. — Кейин нима бўлади?

— Кейин... — Мунира тутилиб қолди. Кейин нима бўлишини ўзи ҳам билмасди. Барибир, Сайёранинг қисмати бир ёқлик бўлмагунча тинчий олмаслигига

ақли етиб туарди. – Ахир, сизникіга синглімні әргаштириб боролмайман-ку, – деди Зокиржонға термилиб.

У Зокиржоннинг жаҳли чиққанини ҳеч кўрмаган эди. Шу куни кўрди.

– Нима, сиз мен билан яшайсизми, синглингиз биланми? Синглингиз сиз учун яшамаса керак, ахир?

– Нима қиласай? – Мунира ерга қаради. – Бошқа иложим йўқ.

– Менинг ҳам бошқа иложим йўқ. Мен сизга ичкуёв бўлолмайман. Ёшим ўттиздан ошди. Шунча йил уйланмай юриб, маломатга қолганим ҳам етади.

Мунира ярқ этиб қаради-да, Зокиржоннинг кўзларида, ўзи учун қадрдон бўлиб қолган, кечалари тушига кириб чиқадиган оқил кўзларида fazab оловини кўрди. Кўрди-ю, кўнгли бўм-бўш бўлиб қолди.

– Мен сизнинг қўлингиздан тутиб қолаётганим йўқ. Йўлингиз очик.

Тамом. У кечалари синглисига билдирамай, кўрпага бурканиб йифласа ҳам. Зокиржонни олисдан кўрганида юраги кўксидан отилиб кетгудек бўлса ҳам тутқич бермади унга. Кеч кузда унинг тўйи бўлганини эшилди. Мунира эсдан оғиб қолсан керак, деб ўйлаган эди. Йўқ, одам чидар экан. Мунира чидади. У Зокиржонни айблай олмасди.

Сайёра ўқишига кирди. Ажаб, Зокиржон рост айтган экан. Синглиси Мунира учун яшамаслигини «исбот қилди». Эрта баҳорда Мунирани қучоқлаб йиғлади:

– Тўй қилмасак бўлмайди. Тушуняпсизми, опажон, бўлмайди.

Мунира тушунди. Тўй қилмаса бўлмаслигини, Сайёранинг ўзи учун ҳам, пахта теримида ҳашарга боришганида уни яхши қўриб қолган учинчи курс талабаси учун ҳам ёмон бўлишини тушунди. Ўзи не умидлар билан йиғиб қўйган сепларининг ҳамма-

сини синглисига берди. Атайлаб Зокиржон билан бориб олишган узугини ҳам, таътил пулига олган гиламини ҳам, касса ўйнаб йикқан пулига харид қилған чинни сервисларини ҳам – ҳаммасини... Онасининг руҳи шод бўлишини, синглиси баҳтини топганини ўйлаб қувонди. Елиб-югуриб хизмат қилди. Фақат куёвжуралар қарсбадабанг қийқириқ билан эшикдан кириб келишганида, «Тўйлар муборак»ни айтишганида нуқул хаёлига Зокиржон келаверди. Чидаб туролмади: кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

Синглисини узатганидан кейин у қандайдир ўйчан, одамови бўлиб қолди. Ўтиришларга борса, дугоналари зимдан бир-бирига имлаётгандек бўлади. Унга ширин муомала қилишса, қўнгли яримлиги учун етим боладек юпатишаётганга ўхшайди. У ишдан юпанч топди. Бутун меҳрини ишига берди. Файрати, ҳалол меҳнати билан обру топди. Фақат қўнглининг бир чеккаси бўм-бўш. Гўё Зокиржон Муниранинг қўнглига номини ўйиб ёзгану ўзи фойиб бўлган. Ўзи бўлмаса ҳам, номи ўша ўйилган жой ҳар куни, ҳеч қурса бир марта санчиб қўяди.

...Буёқда синглиси тағин бир «ишқал орттириди»: шошқалоқ бодомга ўхшаб «эрта гуллаб қўйиб, совуқ уриб кетган» қизларнинг қисмати шунаقا бўлади ўзи. Учинчи босқичда ўқиётганида (қизалоғи бир ярим ёшда эди) Сайёра йиғлаб келди. Эри ўқишини битирибди. Қишлоғига олиб кетмоқчи эмиш. «Обкетса, жуда яхши, – деди Мунира. – Эр қаерда бўлса, хотин шу ерда бўлади-да!» «Эрим ўлсин, – деди синглиси бобиллаб, – ўёқдаям хотини бор экан! Менга билдирмаган экан. «Қишлоқча кетамиз, хоҳлассанг, шу – иккинчи хотин бўлиб тураверасан, хоҳламассанг – катта кўча», деяпти!»

Ўша куни Мунира синглисини биринчи марта тарсакилаб юборди. Ўзи уриб, ўзи йиғлади... Шу кеча онаси тушига кирибди. Ойиси негадир нуқул унинг бошини силар эмиш. Қўллари юмшоқ, иссиқ эмиш...

...Шундоқ бўлди. Сайёра «икки латта, бир сочиғини» кўтариб қайтиб келди. Қизиқ, турмуши бузилганига чандон куюнмади ҳам. Ўқиши битириб, ишга кириб кетди. Мунира мана шу қизалоққа – Нилуфарга боғланиб қолди. Қақажон ҳам ўзининг онаси қолиб, Мунирага ёпишади. Аяжон дейди, эшикдан кира солиб, бўйнига осилади. Шунақа пайтларда Мунира ўзининг ҳам баҳти очилиши, гўдак исидан маст бўлишини тасаввур қилиб, энти-киб кетади. Қизиқ, ҳар гал Янги йил кираётганда шуни ўйлади...

Ким билсин, балки ўша баҳт энди кириб келар. Ана, соат занги ўн марта вазмин жаранглади. Демак, икки соат қопти.

Нилуфар уйғонди шекилли, каравотчасининг фичирлагани эшигилди. Зум ўтмай, эшик унсиз очилдида, соchlари тўзғиб кетган қизалоқ кўзини ишқалаб чиқди. Бурчакка, арча томонга қаради-ю, бирдан қичқириб юборди:

– Вой, Қорбобо келдими, ая?

Мунира кулиб юборди.

– Келди.

– Арчанинг чироғини ёқдими?

– Кўряпсан-ку, Қорбобо келиб, арчанинг чироғини ёқиб кетди. Нилу уйғониб суюнсин, деди. – Мунира қизалоқнинг қўлидан тутди. – Юр энди, ювинашимиз, ош сузамиз.

Нилуфар уч-тўрт қадам юрди-да, тўхтаб қолди.

– Сизга-чи, – деди тўсатдан. – Сизга нима обкелди Қорбобо?

– Менгами... – Мунира ўйланиб қолди. – Менга... Баҳт олиб келди.

Бирдан Нилуфарнинг лаби чўччайди.

– Нега мени уйғотмадингиз?

Мунира қизалоқнинг астойдил хафа бўлганини кўриб, қучоқлади.

– Нимайди?

– Қорбободан менам баҳт сўрардим.

Мунира кулиб юборди.

— Вой, пучуғ-эй, сен нима қиласан баҳтни?

— Сизга бераман! — Қизалоқ күзларини катта-катта очиб, таъкидлади. — Кейин-чи, сизда-чи, кү-ү-үп баҳт бўлади!

Муниранинг юраги қалқиб кетди. Қизчани бағрига босиб, у юзидан-бу юзидан ўпаркан, күзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Шу алпозда узоқ ўтирди. Унсиз йифлади. Бу — қувонч ёшларими迪, ўқинчми ўзи билмасди...

Остонада эса Янги йил эшик қоқиб туар, яхши ниятли кишиларга баҳт улашадиган, норасида гўдакларнинг ниятини мустажоб қиласадиган Янги йил кириб келмоқда эди... Умр эса ўтмоқда...

1977 йил.

УМР САВДОСИ

Хуршида ишдан келса Қумри хола айвон ўртасида чўккалаб олганча кўрпа қавиб ўтирибди. Энкайиб олгани учунми, муштдек гавдаси янаем кичрайиб қолганга ўхшайди. Хуршиданинг онасига раҳми келди. Бечорага қийин. Бир йилдирки, Тўлқинжонни уйлантириш ташвишида. Тўй қилиш осонми? Гоҳ униси етишмайди, гоҳ буниси.

— Бўлди энди, ойи, чарчаб қоласиз, — деди Хуршида сумкасини айвон бурчагидаги стулга қўйиб. — Тўй эртага бошланаётгани йўқ-ку!

Қумри хола бошини кўтарди. Оёқлари увушиб қолган экан, оғриқдан юзи буришиб тиззаларини уқалади.

— Кўнглим ғаш, болам, — деди тўсатдан.

Хуршида тушунмади.

— Нима бўлди?

— Эрталаб борсам, дарвозаси тақа-тақ ёпиқ. Аввал оқшомдан ётиб олиб, кеч пешингача ухлайди шекилли булар.

Хуршида кулиб юбормаслик учун тескари қаради. Кампири тушмагур-эй! Бундан чиқди хўroz қичқирмасдан қуда бўлмишникига борган. Ўзининг кал-

лаи саҳарлаб боргани билинмайди-ю, айбни қудаларга ағдаряпти. Нуқул юлдузи чап келяпти-да шулар билан!

– Қиз бола деган кун ёйилгунча ётмайди, ялпайиб!! – Қумри хола писанды қилди. – Дарвозасининг олди супурилмаган...

Қумри холанинг одати шу. Саҳарлаб туриб олади. Хуршида эсини таниши билан униям шунга ўргатган. «Қиз болали уй жигадек тахт бўлиши керак, уят бўлади», деб аzonлаб ҳовли супуртиради.

– Келиннинг акаси ичаркан. Униям эшитдим! – деди Қумри хола ҳамон ўша тажанг оҳангда. – Отасиниям оғзи шалоқ дейишяпти.

Онасининг кейинги гапи Хуршидага ёқмади. Ўзи-ку: «Уйланасанми, йўқми? Танлаганингни айт», деб Тўлқинжонни ҳоли жонига қўймадилар. Охир, Тўлқинжон ёқтирган қизини айтди. Қумри хола уч-тўрт марта совчиликка бориб «оқ ўраб» келди. Аммо негадир кейин айниб қолди. Гоҳ келинни дангаса дейди, гоҳ қуда холани эзма, дейди. Мана, энди акасининг ичиши баҳона бўлиб турибди.

– Келин ҳам ичарканми, ойи, бир сўрамапсизда, – деди Хуршида ачитиб.

Қумри хола ип қатимини шаҳд билан тортаркан, Хуршидага чақчайиб қаради.

– Таппи-таппидан узоққа тушмайди, билдингми?

– Бизлар ҳам оппоқ эмасмиз-ку, ойи! – деди Хуршида. – Қуда томон суриштиrsa бизлардан ҳам айб топар. Мана, мен... – У бир зум жим қолди-ю, хаёлига келган гапни қайтартмади: – Мениям турмушим бузилган. Улар ҳам суриштириб юргандир. Куёвнинг опаси нега эрдан чиққан, деб. Гапни ковласа гап чиқаверади-да!

Қумри хола тўсатдан мунғайиб қолди.

– Сенинг турмушинг бузилган бўлса... Шу иш шунаقا бўлганига... ўзинг сабабчисан... Энди Тўлқиннинг турмуши шунаقا бўлмасин, дейман-да, болам.

Онасининг бирдан бўшашиб қолиши, таскин оҳангига гапириши Хуршидага оғир ботди. Душма-

нинг тош билан ургани нимаю, дўстинг пахта отгани нима? Йўқ, онаси таъна қилаётгани йўқ. Ачиниб гапиряпти. Шунаقا-ю, бари бир қалампирни шакарга ботириб еган билан ширин бўлиб қолмайди-да.

Хуршида силтаб-силтаб игна тортаётган онасига бир зум қараб турди-да, индамай ичкарига кириб кетди. Шу топда у ойиси кетидан мўлтираб қараб қолганини ҳис қилас, ҳис қилган сайин юраги эзиларди.

Киз бола бўйига етганидан кейин фалати бўларкан. Ўз уйингда ота-онанг бағрида турасан-у, барibir бу хонадон эртами-индин сенга бегона бўлиб қоладигандек, гўё албатта қандайдир ўзгариш бўлиши шартдек туловеради.

Хуршида, айниқса, совчилар келганида буни чукур ҳис қилас, шунинг учун эшикдан узун-қисқа бўлиб кириб келаётган хотинларни кўрса, аллақандай бегонасираб турарди. Бора-бора уларни кўрса фаши келадиган бўлди. Қумри хола бўлса, совчилар билан очилиб-сочилиб сўрашар, куёв бўлмишни ипидан-игнасигача суриштиради. Совчилар кетгандан кейин Хуршидага насиҳат қиласарди:

— Қизлик уй – бозор, болам! Шоҳ ҳам келади, гадо ҳам. Бошингда отанг бўлмаса. Муносиб жойингни топгин, дейман-да, қизим.

Хуршида тутақиб кетарди:

— Ҳеч қанақа бозор-позорни билмайман, тушундингизми? Менга даллол керакмас.

Шундай дерди-ю, ҳаётида бўладиган ўзгаришни кутиб юарди. Бу ўзгариш тўртинчи июнь куни бўлди. Шу куни у ўн тўқиз ёшга тўлган эди. Кечқурун ателььеда бирга ишлайдиган дугоналарини уйга чақирмоқчи бўлди. Бозорга тушди. Чиллаки, гилос, янги помидор харид қилгунча кун қизиб кетди. Бир қўлида сумка, бир қўлида тўрхалта кўтариб бекатга келди. Аксига олиб автобус ҳам келавермади. Бир маҳал қизил люкс «Жигули» осойишта силкиниб Хуршидадан хиёл нарироқда тўхтади. Хуршида қўл кўтартмагани учун ҳам эътибор бермади. Лекин ўша томондан овоз келди:

– Қаёққа борасиз, синглим?

Бир оздан кейин бояги савол яна қайтарилди:

– Сизга айтяпман.

Шундагина Хуршида бу гап ўзига тегишли эканни билиб, бурилиб қаради. Машинасинг рангига мос – қизил водолазка кийиб олган йигит бир оғи ичкарида, бир оғи ерда, шу томонга қараб турарди.

– Қаёққа борасиз? – деди у яна.

Хуршида шахсий машинага ўтиришни умуман күшламасди. Ҳозир ҳам чимирилиб:

– Ҳеч қаёққа! – дедиу тескари қараб олди. У моторнинг гувиллашини, машина жўнаб кетишини кутиб турарди. Чиндан ҳам эшик қарсиллаб ёпилди. Аммо мотор гурилламади. Бояги йигит унинг рўпарасида пайдо бўлди.

– Кўлингизда юкингиз кўп экан, – деди Хуршидага жиддий тикилиб.

Хуршида унинг силлиқ таралган соchlарига, чимирилиб турган қошига бир лаҳза қарадиу кўзини олиб қочди:

– Қанча сўрайсиз?

Йигит кулиб юборди:

– Савоб ҳам керак-ку одамга!

– Унақа бўлса ўтирумайман.

Йигит яна кулиб унинг сумкасига қўл чўзди:

– Бўпти, бензин ҳақини берарсиз.

Хуршида машинанинг паролон филоф қопланган орқа ўринидигига ўтиаркан, йигит сўради:

– Қаёққа ҳайдай?

– Қўкчага!

Хуршида энди уйга етгунча бир оғиз ҳам гапирмасликка аҳд қилди.

Анчагача индамай кетишиди. Хуршида йигитнинг рўпарадаги ойначадан ўзига қараб қўяётганини ҳис қилар, шунинг учун кўчаларни томоша қилиб борар эди.

– Иссиққа қолиб кетибсиз? – деди йигит орқага бурилиб. Хуршида мўйлов қўйган йигитларни ёмон қўтарди. Аммо ҳайдовчининг мўйлови ўзига жуда

ярашиб тушганини ичидан тан олди. Индамай кетаверди. – Иссикқа қолиб кетибсиз, дейман? – Йигит яна саволини қайтарди.

– Шундоқ бўлди! Энди отимни сўранг! Қаерда ўқишимни сўранг! Иложи бўлса, йигитим борйўқлигини ҳам билиб олинг! – Хуршида бу гапларни шу қадар жаҳл билан бидир-бидир қилиб айтиб ташладики, ўзиям ҳайрон қолди.

Йигит бунаقا зарбани кутмаган бўлса керак, анчагача жимиб қолди. Кейин орқасига қарамасдан секингина гапирди:

– Ўзининг туғилган кунида ўзи бозор қилган одамни биринчи кўришим.

Энди Хуршида эсанкираб қолди. Худди унинг юзини яхшироқ кўриб олгиси келгандек олдинга эгилди.

– Сиз... Қаёқдан биласиз? – деди кўзларини пирпиратиб.

– Мен ҳамма нарсани биламан! Телепатман. – Йигит орқасига қараб жилмайди. Шунда Хуршида унинг мўйлови ўзига ярашганини яна бир бор ҳис этди-ю, хаёлига келган фикрдан уялиб, кўзини олиб қочди. – Сиз ҳеч нимани айтмай қўя қолинг, – деди йигит ҳамон жилмайиб. – Отингизни ҳам, бугун неча ёшга тўлганингизни ҳам, ҳаммасини биламан. Сиз бўлса мени билмайсиз. Шуям инсофданми? Келинг, сиз ҳам мени таниб олинг. Отим – Анвар...

Хуршида қараса гап гап билану машина бошқа ёққа бурилиб кетяпти.

– Кўкча у ёқдамас, – деди у овозини баландлатиб. – Ёйлни билмайсизми?

– Биламан! Бир минутга!

Зум ўтмай машина пастак, ойнабанд магазин рўпарасида тўхтади. Анвар кўча четидаги цемент ариқчадан ҳатлаб ўтди-да, магазинга кириб кетди. Хуршида ўтираверишини ҳам, тушиб кетишни ҳам билмай турган эди, Анвар ичкаридан бир сават гул кўтариб чиқди. Хуршида шундагина бу гул магазини эканини билди.

Анвар негадир орқа эшикни очиб, саватдаги гулни шундоққина Хуршиданинг оёғи тагига қўйди.

– Нима қиляпсиз? – деди Хуршида оёғини нари суриб.

– Туғилган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Илоё бахтли бўлинг! – Анвар қўлини шунақа қойилмақом қилиб кўксига қўйдик, Хуршида кулиб юборди:

– Артистмисиз, нима бало?

– Артист бўлсам, жон дердим. Эплолмайман. Аспирантман.

Анвар рулга ўтирдию машинани физиллатиб ҳайдаб кетди. Қизиқ, энди у Хуршидаларнинг кўчасига етгунча бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат Хуршиданинг юкларини, саватдаги гулни тушираётганда секингина: «Яхши дам олинглар», деб қўйди.

Хуршида ҳеч қачон туғилган кунини бунчалик хушчақчақ нишонламаган эди. Қизлар билан роса ўйнашди, ярим кечагача хурсандчилик қилишди. У ора-чора негадир Анварни эслаб қўяр, аммо ўша заҳоти уни хаёлидан ҳайдашга уринарди. «Яхши йигит экан. Одамгарчилиги бор экан. Шу билан нима бўлти? Энди қайтиб кўришамизми, йўқми? Кўчада учраган бир одам-да!»

Шунақа деб ўйларди-ю, барибир кўнглида ноаниқ умидга ўхшаш бир нарса айланаверарди. Кечаси меҳмонларни кузатаётганида худди ўша машина яна келиб қоладигандек беихтиёр атрофга аланглади. Эртасига, индинига, кўчаларда юрганида ҳам қизил «Жигули» кўринса бурилиб қарайдиган бўлди. Орадан бир ҳафтами, ўн кунми ўтди. У энди Анварни хаёлидан чиқара бошлаганида яна кўришиб қолишди. Хуршида узоқдан келаётган қизил «Жигули»ни кўрдию негадир юраги жиз этди. Машина унинг рўпарасига келиб тўхтади.

– Үқишга кетяпсизми? – Анвар ўтирган жойида чўзилиб эшикни очди. Хуршида иккиланиб орқа ўриндиққа ўтиаркан, унга қараб қўйди.

– Үқишга киролмаганман, ишлайман, эътиборин-

гиз учун! – деди таъкидлаб. – Мен тўғримда ҳамма маълумотга эга одам шуниям билмайсизми?

Анвар кулди:

– Очиғини айтсан, отингизниям билмайман.

– Қизиқ бўлди-ку! – Хуршида елка қисди. – Бўлмаса туғилган кунимни қаёқдан билдингиз?

– Кўзингиздан! – Анвар жилмайди... – Қалай, зиёфат яхши ўтдими?

Хуршида индамай бош силкиди.

– Уша куни сизнинг баҳтингиз учун мен ҳам ичдим.

– Ёлғон! – Хуршида қўл силтади.

– Ёлғон гаприсам, ёрилиб ўлай!

Хуршида кулиб юборди.

– Кўйинг, ҳали бола-чақангизга керак бўласиз.

– Шунақами, а? Айта қолинг, сизга жудаям керакманми?

Хуршида гап суюқлашиб кетаётганлигидан фashi келди-ю, аммо шунга яқинроқ мавзу давом этишини барибир хоҳларди. Шунинг учун индамай қўяқолди.

Эртасига Анвар унинг ишдан чиқишини пойлаб турди. Ўзининг ишхонаси олиб борди. Кибернетика бўйича илмий иш қилаётган экан. Ҳозирча лабораторияда кичик илмий ходим бўлиб ишларкан. Хуршида аллақандай чизмалар, ялтироқ аппаратлар билан тўла нимқоронфи хонага кириб қолди.

– Бизнинг ишимиз суратлар билан боғлиқ, – деб тушунтириди Анвар. – Хоҳласангиз, сизниям суратга тушираман...

Ўша кундан бошлаб у Анварнинг лабораториясига тез-тез бориб турадиган бўлди. Лабораториянинг ярим қоронилиги ҳам, турли вазиятларда суратга тушиш ҳам энди уни чўчитмас эди.

Уйда бўлса совчилар бозори қайнар, Қумри хола ҳар куни янги гап топиб қўярди. Куёв бўлмишнинг бири завуч эмиш, яна бири «пекарнийда» ишларкан. «Матасикли» бормиш. Тағин биттаси «пераводнийлик» қиларкан. Россиядан гилам олиб келаркан.

...Бир куни Хуршида онасининг рўпарасига ўтириб олди-да, очиқ-оидин қилиб айтиб қўя қолди:

– Қингир-қийшиқ совчиларингизга айтиб қўйинг, ойи! Менинг танлаганим бор. Эскилик сарқитидан қачон қутуласиз?

Онаси Хуршида куттандек сапчиб тушмади. Фақат сўради:

– Ким ўзи у? Қанақа одам?

– Яхши одам. Аспирант. Яқинда олим бўлади. – Онаси бировнинг «матасикли»ни гапиргани учун Хуршида ҳам атайлаб қўшиб қўйди: – Машинаси бор, «Жигули».

Эртасига у уйига совчилар кўп келаётганини гап орасида қистириб қўйди. Анвар одатдагидек масалани кўндаланг қўйди:

– Бўпти, эртагаёқ ЗАГСга ариза топширамиз.

Ҳамма иш кўнгилдагидек кетаётганида Қумри холанинг қайсарлиги тутиб қолди. Иккала оёғини бир этикка тиқиб туриб олди.

– Менинг кўчада қолган қизим йўқ! Уйланадиган одам беш-олти марта совчи юборади, одам қўяди. Отини билмасам, зотини билмасам. Йўқ, бўлмайди!

Хуршиданинг бир кулгиси келар, бир жаҳли чиқарди.

– Нимага тушунмайсиз, ойи? Беш марта совчи юбориш деган қонун қаерда ёзилган? Анвар aka Қашқадарёдан келган. Ота-онаси ёшлигига ўлиб кетган экан. Даллолнинг нима кераги бор?

– Ота-онаси бўлмаса, қариндош-уроф бордир, ишхонаси, хўжайинлари бордир. Ўзим бораман.

Хуршида кулди:

– Ишхонасига борганингиз билан нимани тушунардингиз? Кибернетикага ақлингиз етадими? Ўзим минг марта борганман ишхонасига, билдингизми!

Қумри хола барибир бўш келмади:

– Сен эчки эмассанки, дуч келган одамга етаклатиб юборсан. Бўлмайди.

– Балки ҳали қалин ҳам сўрарсиз?

– Таг-тахтини суриштиrmай туриб бермайман! Бўлмайди.

Қумри хола бўлмайди, дегани билан тўй тўхтаб қолмади. Анварнинг тоғаси бор экан, ўша ўртага тушди. Тўй бошландиу Қумри хола зада бўлган қушдек мунғайиб қолди.

Баҳор кунлари ғалати: тўсатдан жала қуядио ер-кўкни шалаббо қилиб юборади. Кетидан ярқ этиб офтоб чиқади. Олам яшнаб кетади. Замину осмон тароватли бир исдан – баҳор исидан маст бўлиб қолади. Хуршиданинг ҳаётида ҳам шундай бўлди. У Анварни бутун вужуди билан севиб қолди. Мұҳаббати эвазига баҳт қуёши унга жилмайиб боқдию бутун дунё яшнаб кетгандек бўлди. Қизил лентани кўндаланг тақиб олган ЗАГС мудирасининг нутқи, пешонасига қўғирчоқ қўндирилган машинада сайр қилишлар, гул иси май ҳидига қовушган чароғон ресторон... У баҳтиёр эди. Баҳт деган лаззатли туйғу ҳаётига шунчалик тез кириб келганига баъзан ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Назарида онаси ҳам уни тушунгандек эди. Фақат тўйдан кейин Қумри хола Анварнинг Юнусободдаги икки хонали уйига бормади. Умуман бормади. «Зиёни йўқ, ойим шунаقا бир ловиллайдилару ўчадилар», деб юпатди Хуршида эрини.

Тўйдан кейин бир ҳафта ўтгач, никоҳ сайлига чиқишиди. Августнинг ўрталари эди. Бунаقا пайтда денгиз янги соғилган сутдек илиқ бўларкан. Бир куни икковлари ойдин кечада чўмилишиди. Қизиқ, Хуршида сузган сайин қўлининг учидан сараган томчилар худди марвариддек ярақлаб кўринарди. Бундай лаззатли манзарани худди шунаقا пайтда денгизда чўмилган одамгина билади. Хуршида қорайиб, янаям ҳусни очилиб қайтди.

Бир куни Анвар ишдан ташвишлироқ қиёфада келди.

– Чамадон тайёрланг, – деди тўсатдан.

– Яна қаёққа борамиз?

– Сиз эмас, мен кетаман. – Анвар энди осойишта тушунтириди. – Илмий ишим бўйича Ленинградга боришим зарур бўлиб қолди. Домла чақирибди.

— Анчагами? — Хуршида бирдан ичи ҳувиллаб қолгандек, эрига термилди.

— Нари борса, бир ой.

Хуршида кузатиб қўймоқчи эди, Анвар уни аяди. Вокзалга чиқартирмади.

Икки хонали каталакда Хуршида ёлғиз қолди. Ҳовлида, маҳаллада одамнинг ёлғизлиги билинмайди. Аммо «дом»да бир кун танҳо қолган киши ёрилиб кетай дейди. Бунаقا жойда қўни-қўшнилар нимагадир саломлашишдан нарига ўтмайди. Хуршида уч кунда сиқилиб кетди. Ишга борай деса, Анварнинг гапига кириб бўшаб олган. У ўз уйига борди. Қумри хола ҳалиям жаҳлидан тушмаган экан. Хуршида икки кун турган эди, секингина тушунтирди:

— Узатилган қиз уйга келиб ётиб олмайди. Қўни-қўшнилар ҳалитдан гап қиляпти.

— Бўлмаса юринг бизникига, — деди Хуршида.

— Йўқ, болам. Оғзимга сўз олганман.

Хуршида умрида биринчи марта онасини ёмон кўриб кетди. Она деган ҳам шунчалик бемеҳр бўладими? У уйига келди. Телевизор, билан андармон бўлди. Ҳар кун йилдек чўзилар, аксига Анвардан на хат, на хабар бор эди. Баъзан Дилбар деган ўртоғи келиб турар, аммо унинг ҳам ўз тириклилиги бор эди. Кундузи ишга боради, кечқурун ўқишга...

Бир оқшом эшик жиринглаб қолди. Хуршида очиб қараса, «сим» рўмол ўраган аёл, дўппи кийган олти-етти ёшлардаги бола турибди. «Қишлоқдан келишибди, — деб ўйлади Хуршида аёлнинг ялтироқ рўмолига, беўхшовроқ осилиб турган жемперига қараб. — Адашган одамларга ўхшайди». У ҳамроҳ топилганига қувонгандай беихтиёр ичкарига таклиф қилди.

— Келинглар! — деди йўл бўшатиб.

Аёл дадил ичкарига кирди. Бола шўхгина экан. Бирпасда югуриб бориб магнитофон қулоғини бурай бошлади.

— Акбар, тек ўтир! — деди аёл жеркиб. Кейин Хуршидага қаради. — Сиз Хуршидахонсиз-а?

Хуршида ҳайрон бўлди.

— Мен сизни танимайроқ турибман, — деди ийманиб.

— Таниб қоларсиз. — Аёл хотиржамлик билан жемперини ечиб стул суюнчигига ташлади. Унинг беписандлиги, киноя қилиб гапириши Хуршиданинг фашига тегди. «Ким ўзи бу? Нимага олифтагарчилик қиласы?»

— Кимсиз ўзи? — деди у қошини чимириб.

— Кетдими? — Аёл негадир илжайди. — Анча бўлдими?

— Ким кетади?

— Узум обкетдими, тарвузми?

Хуршида шаҳд билан ўрнидан туриб кетди.

— Менга қаранг! — деди таҳдид билан. — Майнавозчиликни йифиштиринг! Кимсиз ўзи?

Аёл ўғлига қараб қандайдир нотабиий, асабий қийқириб кулди:

— Даданг Сибирга кетибди, ўғлим. Узум обкетиди. Шу ерда кутиб ўтиранг, сенга велосипед олиб келади.

Болакай кўзларини катта-катта очиб онасиға тикилди:

— Қачон, буви, қачон?

— Унисини манави аячангдан сўрайсан! — деб аёл Хуршидани кўрсатди. Яна ўша файритабиий оҳангда кулди. — Қачон қайтаман деган Акбарнинг дадаси?

Хуршида ниманидир тушунгандек бўлдию ичидаги нарса узилиб кетди. Бемадор бир ҳолатда эшикка суюниб қолди.

Аёл тантана қилгандек яна қийқириб кулди.

— Сизниям машинасиға ўтқазиб, қўлга туширдими? Сизгаям аспирантман, дедими? Сизниям тўй бўлмасидан «ишингизни тўғрилаб» қўйдими? «Ҳеч кимим йўқ, етимман», дегандир? Бир ой ичидаги тўй қилдими? «Свадебний путешествия»га олиб боргандир, ҳойнаҳой? Энди илмий иш билан Ленинградга кетган бўлса керак.

Аёл ҳар гапи билан Хуршидага бир тарсаки тушираётгандек бўлар, бундан роҳатлангандек ваҳшийларча қийқириб кулар эди:

— Ленинградда пишириб қўйгани йўқ! Новосибирскка кетган. Узум обкетган.

Хуршида бошидан ҳуши учиб бораётганини ҳисқилиб турар, юраги гурсиллаб урар эди.

— Ёлғон! — У ер тепиниб чинқириб юборди. — Ёлғон! Ёлғон!

Кейинги дақиқада у қийқириб кулаётган хотинга ташланди. Бошидаги «сим» рўмолига чанг солди. Аммо шу он изтиробга тўла бир чинқириқ янградио Хуршиданинг қўллари ҳавода муаллақ қотиб қолди.

— Буви! Бувижон! — Боядан бери магнитофон олдида ўралашиб юрган болакай ўқдек отилиб келиб онасига ёпишди. Шундагина Хуршида аёлнинг кўзларидан оқиб тушаётган ёшни кўрди. Аёл негадир каловланиб ўрнидан турди. Бир қўли билан боланинг бошини силай бошлади, бир қўли билан Хуршиданинг елкасидан қучди.

— Пешонанг шўр экан, синглим! Кўзингга қарасанг бўлмасми? — Шундай дедио елкалари силкиниб йифлаб юборди.

Ўша кеча тун бўйи икки «кундош» ҳасратлашиб чиқишиди. Бола ухлаб қолган, уй нимқоронфи, аёлнинг овози фамгин, аммо ўқтам эди. У асли андижонлик экан. Техникумда ўқиб юргандга Анварнинг қўлига тушибди. Эс-ҳушини йифиб олгунча, Анварнинг иккинчи хотинига айланиб қолибди.

— Сиз учинчисисиз! — деди у қандайдир киноясиз оҳангда. — Хоразмда ҳам хотини бор. Аммо ишни пишиқ қиласди. Законний ажрашади.

Хуршида ич-ичидан тошиб келаётган йигини аранг босиб ётарди. «Законний» ажрашганининг нима фойдаси бор? Бу билан дарди енгиллашармиди?

Анвар ҳеч қанақа олим эмас, сураткаш экан. Гоҳ у, гоҳ бу институт лабораториясида сураткаш бўлиб ишлаб юаркан. Кузда аллақандай шериклари билан Сибирь шаҳарларига бориб узум сотаркан. Манави кооператив уйлару машиналар, ресторонлару денгиз

саёҳатлари шундан экан. Хуршида бу гапларнинг туш бўлиб қолишини жуда хоҳларди. Қани энди тўхтовсиз гапираётган мана шу хотин ҳам, диванда пишиллаб ухлаётган анави бола ҳам туш бўлса. Туш бўлсаю у уйғониб кетса. Йўқ, туш бунақа бўлмайди!

— Балки, бирон нарса тама қилиб келди, дерсиз. Йўқ, ҳеч нима керакмас. Тошкентда қариндошларимиз бор. Шуларнига келувдим. Бу гапларни эшитиб қолиб, сизни огоҳлантириб қўйгим келди. Агар яхши кўрсангиз, маҳкам ушланг. Анвар туллак йигит.

... Она-бола зинадан тушиб кетаётганида Хуршида бирдан уйга югурди. Кеча болакай ўйнаган японча магнитофонни столдан юлқиб олди-да, зиналардан чопиб тушди.

— Ма, Акбар! — деди болага тутқазиб. — Барибир шу... сеники.

Кундоши қаршилик қилган эди, қўймади.

— Барибир менга керакмас. Энди керакмас.

Ловиллаб турган гулханга сув сепилса нима бўлади? Аччиқ, бўғувчан ҳовур кўтариладими? Ҳозир шундай бўлди. Хуршиданинг ловиллаб турган муҳаббатига сув сепилди. У ўзининг аччиқ ҳовурига ўзи бўғилиб қолди. Нима қилди у? Нима қилиб қўйди? Ширин гапларига учдими? Мўйловигами? Бир сават гулигами? Машинасигами? Балки жарақ-жарақ пулларига учгандир. Нимасига учди? Ҳаммасига! Машинасида катайса қилиш ёқармиди? Ёқарди. Жудаям ёқарди. Ресторанларга кириш, денгизга бориб чўмилиш, қоронфи лабораторияга кириб ўпишиш ёқармиди? Ёқарди. Ўзи-ку сураткашни аспирантдан, чайқовчини олимдан ажратолмас экан, нега суриштирмади? Нега онаси суриштираман деса, бир чеккага йиғиштириб қўйди? Эскилик сарқити, деб тўйга ҳам чандон аралаштирмади. Эскилик сарқити эмиш! Сарқит ким?! Ойисими, ўзими?! Ойисининг кўнгли бир нарсани сезгандирки, оёқ тираб туриб олгандир.

У Анвар келса нима қилишини билмас эди. Ал-

батта, бўйнига олмайди. Уйланганини ҳам, боласи борлигинини ҳам айтмайди. Ана ўшанда боплайди. Шунаقا бопласинки, эркак бўлганига минг пушаймон қилсин.

Қизиқ, Анвар ҳеч нимадан бўйин товламади.

– Нима қипти? Аввалги хотинларим билан законний ажрашганман. Узум масаласи... Нима, мен ўғирлик қиласаяпманми? Одамларнинг ҳожатини чиқараюпман. Буям савобли иш... Илмий иш ҳам бўпқолар. Бирон миরзақуруқ домлага «кўки»дан чўзсан, уч ойда номзодлик диссертациясини ёзиб беради.

– Нега мени алдадингиз? – деди Хуршида аламдан тўлғаниб.

– Қизиқ экансиз, тўйни тезлаштиринг, деган менми, сизми?

Хуршида алам ичидаги уни тарсакилаб юборди, Анвар бир ранги ўчди-ю, индамади.

– Бўлдими? – деди кулишга ҳаракат қилиб. – Аламингиздан чиқдингизми энди?

Хуршида бу одам билан ўрталарида каттакон жарлик пайдо бўлганини ҳис қилди. Бу жарлик иккевларини икки соҳилга улоқтириб ташлади. Ким билсин, балки илгари ҳам жарлик бўлгандир-у Хуршида кўрлик қилиб нариги соҳилга қадам босгандир.

...Айвон томондан Қумри холанинг товуши келди.

– Тўлқинжоннинг тўйи юришиб қолди, овсинжон! Шунаقا-ю, кўнглим фашроқ. Келиннинг акаси ичаркан. Отасиниям оғзи шалоқроқ дейишади.

– Синанг, ўргилай, обдан синанг. Қуш уясида кўрганини қилади. Кейин куйиб алангасига исиниб ўтираманг, овсинпошша!

1979 йил.

ЗИЛ – ҲАЗИЛ

Равшан янги ишга ўтди-ю, худди жаннатга тушиб қолгандай бўлди. Конструкторлик бюросида қирқ икки лойиҳачи ишласа, шундан қирқтаси қизлар экан. Равшан бола бўлиб бирорни қизининг билагидан ушлаган эмасди. Институтда ҳам жуда тортичоқ эди, ҳеч ким билан аҳду паймон қилмаганди. Бу ерда шунча қизнинг орасига тушиб эсанкираб қолди. Бунинг устига идоранинг бошлиғи заҳаргина Опа ишга олаётганида Равшани огоҳлантириб қўйди.

– Ўнг қулоқ, чап қулогингиз билан эшишиб олинг, йигитча! Ташкилотимизда нима кўп – қиз кўп. Биронтаси билан фиринг деб гап чиқадиган бўлса, икковларингаям катта кўчани кўрсатиб қўяман! Келишдикми?

Равшан, Опанинг ҳар сўзини чертиб-чертуб гапиришидан, ингичка гардишли кўзойнак орқасидаги кўзлари қисилиб кетишидан бу хотин ҳар балога қодир эканини тушунди.

– Хўп бўлади опа, – деди довдираф. Асли бу ерга ишга кирмоқчи эмасди-ку, ўзидан бир йил илгари институтни битирган Турсунбой қўймади. Бу йигит ўзи оққўнгил, хушчақчақ, фақат бир нуқсони бор. Юзи эринмай чакиchlантган патирга ўхшайди. Қачондир тошган чечак шўрликка шу тамғани босиб кетган. Равшан унинг нима учун шунчалик елиб-юрганини кейин билди. Илгари шунча қиз орасида битта ўзи ишларкан. Энди иккита бўлишди. Равшан Турсунбой билан бирга ишлайвераман-да, деб ўзини юпатган эди. Аксига олиб, бошқа хонага жойлашди. Ўртоғи уни ўн беш чоғли қизлар чизма чизаётган хонага олиб кирди-да, тантана билан таништирди.

– Ҳой, жононлар! Зерикдик деб, ҳадеб йиғлайверганларинг учун шу болани топиб келдим. Кўн-

диргунча она сутим оғзимдан келди. Энди маҳкам
ушлайсизлар.

Қизлар қий-чув күтаришди. Равshan уялганидан лавлагиси чиқиб тураверди. Уни сийлашди шекили, энг түрда, дераза рўпарасида жойлашган столни беришди. Тағин ёнида телефон ҳам бор. Равshan аввалига хонада муттасил анқиб турадиган атирупа, аллақанақа ислардан маст бўлиб юрди. Кейин-кейин кўникуди. Янги ишхонанинг қонун-қоидаларини ўрганди. Қизлар Турсунбойга «артист» деб лақаб қўйишишган экан. Равshan шунисига тушунмади. Аммо «Опа»га лақабни боплаб топишибди-да. «Кобра» келяпти, деса сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетади. Опа, умуман, эрга тегмаган экан. Шунинг учунми, қизларнинг биронтаси Равшаннинг олдидаги телефондан йигитига қўнфироқ қилса, бошқаси эшик олдига бориб «Кобра»ни пойлаб туради. «Йигит» қўнфироқ қилган қизни чақириб бериш эса Равшаннинг зиммасида. Кунига камида йигирма марта бўлар-ов!

– Бир куни одатдагидек қўнфироқ жиринглади... – Ким бу? – деди нозиккина овоз.

– Кимни чақириб берай? – деди Равshan ҳафсаласизлик билан.

– Ҳеч кимни. Сиз Авазовмисиз?

– Ҳа.

– Равшанжон акаммисиз?

Равshan ҳайратдан эсанкираб қолди.

– Ҳа, нимайди? – деди дудуқланиб.

– Кечирасиз... – нотаниш овоз энтикли. – Сиз мени танимайсиз. Мен сизни танийман.

– Кимсиз ўзингиз? – деди Равshan довдираб.

Нотаниш қиз бир лаҳза жим қолди. Равshan атрофига олазарак аланглади-ю, қизлар бир-бирига маъноли қараб қўйишаётганини кўриб, қулоғигача қизариб кетди.

– Равshan ака! – деди нотаниш овоз. – Мени одобсизлик қиляпти, деб ўйламанг. Троллейбус бекатига, газ сув дўкони олдига чиқсангиз... Гапим бор эди...

— Равшаннинг юраги орзиқиб кетди. Мунча ширин овоз. Мунча маъюс гапиради?

— Ҳозир, — деди товушини пасайтириб. — Лекин... — у дудуқланиб қўшиб қўйди. — Лекин қандоқ танийман сизни?

— Атлас қўйлак... Қўлимда оқ сумка... — нотаниш овоз бир лаҳза жимиб қолди. — Мен, танийман-ку, сизни.

— Ҳозир...

— Кечирасиз, овора қилдим-да, Равшанжон ака! — Нотаниш овоз соҳибаси бу сўзларни шу қадар мулоим қилиб айтдик, Равшан ўзидан-ўзи питирлаб қолди. Ҳовлиқиб йўлакка чиқса, Турсунбой сигарет тутатиб турибди.

— Ҳа, — деди тутун қайтариб. — Йўл бўлсин?

— Ўзим. — Равшан бепарволик билан қўл силтади. — Сув ичиб келай. У энди зина томон юрган эди. Турсунбой ҳам эргашди.

— Бормисан оғайн! Кеча қиттай-қиттай бўлган эди, ичим ёниб кетай деяпти. Юр.

Равшан энсаси қотиб индамади. Кўчага чиқ-қанларидан кейин баттар хуноб бўлди. У учгани қанот тополмайди. Турсунбой бўлса имиллайди. Ора-чора гап ҳам ташлаб қўяди:

— Поезддан қоляпсанми, нима бало?

Охири бекатга ҳам етиб келишди. Равшан сув ичаркан, атрофга аланглаб, атлас қўйлакли қизни қидирар, ҳар қултум сув томоғида тиқилиб қолаётгандай бўларди. Ана, биттаси автобусга чиқиб кетди. Равшанга қараб майин жилмайиб қўйди. Ўша! Худди ўзи! Қўлида оқ сумкасиям бор.

— Нима бўлди сенга оғайн?!

Равшан Турсунбойнинг ўзига тикилиб турганини энди пайқади.

— Ўзим! — деди тўнғиллаб.

У тўрвасини йўқотган гадойдек қовоғи уюлиб қайтиб кетди. Кун бўйи чиройи очилмай юрди.

Эртасига худди ўша пайтда — соат ўн бирда яна телефон жиринглади.

— Лаббай, — деди Равшан овози титраб.

— Равшан ака, ўзингизмисиз? Салом, танидингизми?

Равшаннинг ичидаги чироқ ёниб кетганда бўлди.

— Танидим, сиз...

— Ҳа, Ферузаман. Кеча мендан хафа бўлдингизми?

Равшан бир лаҳза ишхонадаги ҳамма қизларни кўз ўнгидан ўтказди. Йўқ, Феруза деган қиз йўқ. Демак, кечаги автобусга чиқиб кетган атлас кўйлакли қиз шу – Феруза.

— Кеча нега кетиб қолдингиз, Ферузаҳон? – деди Равшан овозини пасайтириб.

— Ўзингиз бировни бошлаб чиқдингиз-ку.

— Уми? – деди Равшан Турсунбойни эслаб. – Сув ичгани чиққан эди-да!

— Мен уялдим... – Феруза бир зум жимиб қолдида, яна энтикди. – Майли, хайр.

— Шошманг! – деди Равшан жонҳолатда. – Қаердан гапирияпсиз?

— Яқин... – Феруза хўрсинди. – Китоб магазини олдидан.

— Ҳозир чиқаман. Кетиб қолманг, илтимос.

— Равшан гўшакни қўйди-ю, бир-бирига маъноли тикилиб қараётган қизлар орасидан ўтиб, йўлакка отилди.

Чиқиши билан яна Турсунбойга дуч келди. Индамай олдидан ўтиб кетаётган эди, Турсунбой гап отди.

— Хў, ака! Орқа-олдилариға қараб юрсинлар, мундай.

— Сигаретим тамом бўпти, обчиқай! – деди Равшан тезроқ қутилиш учун баҳона қилиб.

— Мундоқ демайсанми, оғайни! Мениям сигаретим тамом бўлди. Юр, биргалашиб бориб келамиз.

— Менга қара! – деди Равшан тўхтаб. – Қанақа сигарет чекасан?

Турсунбой кўзини пирпиратди.

— Нимагайди?

— Бир блок обкеб берсам қутуламанми сендан?

— Нима, мен сенга тиланчиманми? – Турсунбой ундан олдин йўлга тушди. – Дўқингни қараю! Мен

сеникига ўхшаган қаланғи-қасанғи сигарет чекмайман! Қимматидан оламан!

Бугунги учрашув ҳам расво бўлди. Равshan магазин атрофини уч марта айланиб қайтиб келди.

Эртасига худди ўша пайтда қўнфироқ жиринглади.

– Ўзингизмисиз, Равshan aka? – деди Феруза. – Нега кеча анави юзи ғалатироқ ўртоғингизни бошлаб чиқдингиз? Кечирасаниз-ку, у кишини камситмоқчи эмасману...

– Чўтири чўтири, дейди-да! Сиз эмас мен кечирим сўрашим керак, – деди Равshan астойдил куюниб. – Бир хил одамлар ўлгудай калтафаҳм бўладида. Менга қаранг, илтимос, ҳозир учрашайлик.

Феруза бир лаҳза жим қолди.

– Бугун зачётга боришим керак. Икки кундан кейин имтиҳонлар бошланади. Майли, Равshan aka, кейин кўришармиз.

– Йўқ, йўқ! – Равshan ўрнидан туриб кетди. – Мен ҳозир чиқаман. Қаердасиз?

– Бекатдаги автоматда.

– Ферузахон, илтимос, – деди Равshan ҳовлиқиб. – Кўчанинг у юзига ўтиб, юз қадамча юрсангиз сартарошхона бор. Шунинг олдига бориб туринг.

Феруза тушунмади шекилли, эсанкираб сўради.

– Вой, нега?

– Гап бор, кейин тушунтираман. Хўп, денг, Ферузахон, илтимос.

Равshan гўшакни қўйди-ю йўлакка отилди. Хайрият, бу сафар Турсунбой кўринмасди.

– Турқинг ўчгани рост бўлсин, – пичирлади у Турсунбой ўтирадиган хонанинг эшиги олдидан оёқ учида ўтар экан. Лекин ўн қадамча юрган эдики, зина панжарасига суюниб турган Турсунбойни кўриб, тўхтаб қолди.

– Сигаретга кетяпсанми? – деди Турсунбой.

– Йўқ! – деди Равshan тўнғиллаб. – Очиқ мозорга!

– Унақа бўлса, бу ёқса юр! – Турсунбой уни қўлтиқлаб олди. – Соқол-поқолингни олдириб борсанг прямой жаннатга тушасан! – У бирдан жиддий

тортди. – Бу соқол деган нарса мунча тез ўсади-я? Кунора олдириб турмасанг маймунга айланиб кетасан. Қара, сеникиям тиканакдек бўлиб қопти. Юр, биргаллашиб олдириб келамиз. Опани биласан-ку, ўзига қараб юрмаган ходимларни ёмон кўради.

– Ҳой, менга қара, тинч қўясанми-йўқми одами? – деди Равшан йифлагудек бўлиб. – Уз ҳолимга қўясанми-йўқми!

– Ие, сенга нима қилдим, оғайни! – Турсунбой астайдил ҳайрон бўлди. Ўзи сенга жин тегибди.

– Ҳа! – деди Равшан бақириб. – Жин тегди. Ўша жин сенсан!

Бу сафар ҳам худди Равшан ўйлагандай бўлиб чиқди. У Турсунбой билан жиғиллашиб бўлгунча Феруза эркакларнинг сартарошхонаси ёнида яrim соат туармиди?

Эртасига Равшан телефон ёнидан жилмади. Тушликка ҳам чиқмади. Феруза кечқурун телефон қилди.

– Кеча нега келмадингиз?

Равшан қизнинг овозидаги ўқинчни сезиб, қўрқиб кетди.

– Кечирасиз, – деди ялингудек бўлиб. – Анави шилқим тағин эргашиб чиққанини кўрмайсизми?

– Қайси шилқим? – деди Феруза.

– Анави чўтири-да! – деди Равшан алам билан.

Феруза бир зум жим қолди.

– Анави ўртоғингизни айтаяпсизми? – деди. – Қўйинг, дўстингизни унаقا деманг. Яхши одамга ўхшайди-ку!

– Э, нимаси яхши! – Равшан баттар тутоқди. – Сиз уни узоқдан кўргансиз. Яқинроқдан кўрсангиз, қочиб кетасиз.

– Унчаликка ўхшамайди шекилли, – деди Феруза.

– Юришини кўрдингизми, юришини? Худди бузоққа ўхшаб юради. Қаердасиз, Ферузаҳон?

Яна бир зум сукут чўкди.

– Майли, қўя қолинг, – деди қиз ниҳоят. – Тағин ўртоғингиз эргашса...

— Эндиам эргашсин-чи, чүтири башарасини текис-лаб қўяман!

— Равшан ака, — деди Феруза унинг гапини бўлиб. — Сизга биринчи бўлиб қўнфироқ қилганимни нотўғри тушундингиз шекилли. Майли, узр.

— Ферузахон! — Равшан жон ҳолатда гўшакни чангаллаб олди.

— Хайр, кечирасиз...

Телефонда қисқа-қисқа сигнал эшишилди. Равшан шалвираб ўтириб қолди.

Муҳаббат одамни девона қилиб қўяди, деганлари рост экан. Равшан йигирма кун ичиди озиб кетди. Телефон жиринг этса, гўшакка ёпишади. Турсунбойни кўрса, кўнгли айнийди. Кечалари Феруза тушларига кириб чиқади. Сариқ атлас кўйлак, қўлидаги оппоқ сумкача... Бу орада Опа, ишни эплай олмаяпсиз, деб икки марта дакки берди.

Ниҳоят, йигирма биринчи куни телефонда қадрдан овоз эшишилди.

— Равшан ака!

— Қаердасиз? — деди Равшан энтикиб.

— Бекатда...

— Кетдим!

Равшан хонадан отилиб чиқди. Ҳар вақтидагидек йўлида пайдо бўлган Турсунбойни шундай туртиб юбордики, шўрлик гандираклаб деворга урилди. «Етиб бўпсан чўтири!» — деб қўйди ичиди Равшан зиналарнинг учтасини бир қилиб тушиб бораркан. Машина йўлини кесиб ўтди-ю, бекатга қараса, телефон будкаси олдида худди ўша кечалари тушини, кундузлари ҳушини ўғирлаган Феруза жилмайиб турибди. Эгнида атлас кўйлак.

— Ферузахон! — Равшан югуриб бораркан, беш қадамча беридан қичқириб юборди. Яна икки қадам қўйган эди, забардаст бир қўл билагини омбурдай сиқиб ўзига қаратди.

— Кимга хирайлик қиласан, ўв, фраер! — деди шопмўйлов йигит қўзидан ўт чақнаб.

— Қўйинг, ўзингизни босинг. — Қиз Равшанга жирканиб қаради. — Жинни шекилли бу.

Шу пайт ортидан етиб келган Турсунбой Равшанни четга тортди.

– Тинчликми? – деди меҳрибонлик қилиб.

Равшан ўриндиқнинг бир чеккасига Турсунбой иккинчи чеккасига ўтирди. Сўнг юпатди.

– Аҳволингни қара! Бир йил касал бўлиб ётган одамга ўхшайсан-а! Э, сендаقا ошиқдан ўргилдим. – У бир лаҳза ўйлаб турди-да сўради. – Пулинг борми?

– Бор, – деди Равшан талмовсираб. – Нимайди?

– Юрaver!

Турсунбой Равшанни магазинга бошлаб борди.

Икки шиша шампан, икки плитка шоколад олдирди. Кейин ишхонага қайтишди.

– Қизлар! – деди Турсунбой шампан шишаларини баланд кўтариб. – Бугун биз янги томоша премьерасини ювамиз. Шишелар очилсин! Асосий ролларни ижро этганлар шарафига ичилсин.

Қизлардан бири қиқир-қиқир кулиб, стакан топиб келди. Яна бири эшик олдига бориб, «Кобра инига кириб кетди», деб хабар қилди. Равшан бир чеккада анграйиб турарди.

– Равшан акажон!

Равшан таниш овозни эшитди-ю, сесканиб бошини кўтарди. Овоз эгасини қидириб аланглар экан, Турсунбой стаканни унинг қўлига узатди.

– Равшан акажоним! – деди Турсунбой қизларникидай майин, ингичка товушда. – Кўришадиган кунимиз бор экан-ку, бирам соғиниб кетдимки!

Қизларнинг қаҳқаҳасидан Равшан ёниб кетди. Турсунбой бўлса ҳамон ўша товушда давом этарди:

– Чўтирни чўтир дейдими-а? Юриши бузоқча ўхшайдими? Ўша бузоқча ўхшаган чўтир ўртоғингизни эргаштириб чиққанингиз учун сиздан аразладим. Майли, энди ярашамиз. Ҳи-ҳи-ҳи... Келинг, шуни ичиб юборинг, жо-о-он Равшан ака!

Равшан бирдан ҳаммасига тушунди. Қизлар нима учун Турсунбойни «артист» деб аташини ҳам, нима учун телефонда Феруза билан гаплашганда

қызлар бир-бирига маңноли қарашини ҳам, нима учун Турсунбай доим унга эргашиб юрганини ҳам... Равшаннинг важоҳати ўзгариб, мушти тугилди. Турсунбай бу ёғини ҳам ҳисобга олиб қўйган экан шекилли, лапанглаб қочиб қолди. Равшан унинг кетидан отилган эди, қызлар қий-чув қилиб йўлини тўсишиди.

Шу куни кечгача Равшан ўшшайиб, қызлар ҳиринглаб, Турсунбай илжайиб юрди. Иш куни охирлаб қолганида «чўтири» аллақаёққа даф бўлди. Кўп ўтмай палакат телефон тағин жиринглади.

– Ким бу? – деди яна ўша майин товуш.
– Ким керак? – деди Равшан жеркиб.
– Авазомисиз?
– Ҳа-а-а-а, Авазовман! – деди Равшан алам билан. – Хўш, нима дардинг бор?

– Менга Авазов керак! – деди телефондаги овоз анчайин қатъият билан.
– Шунақами? – Равшан ҳузур қилиб кулди. – Зато сен менга керакмассан! Эринг йўқлигини биламан. Аммо сенга эр бўлолмайман, тушундингми? Эр керак бўлса, кўчадан қидир!

– Нима? Менинг эрим бор-йўқлиги билан нима ишинг бор??

Равшан чўтирнинг нозик жойига текканини билиб, қувониб кетди.

– Эр керак бўлса-чи, газетага эълон бер! Менга эр керак, дегин! Бўйи фалон метр бўлсин, оғирлиги фалон кило, бўйнининг йўғонлиги фалонча бўлсин дегин, хўпми?

– Нима-нима?! – телефондаги овоз чийиллаб кетди. – Нима дединг?!

– Битта эълон берсанг, йигирмата эр югуриб келади! – Равшан маза қилиб кулди. – Иложи бўлса-чи, жиннихонада ётиб чиқсан эр топ, хўпми. Худди мис қозонга лой тувоқдек мос тушасанлар!

– Учир, ярамас! – деди овоз дағдаға билан.
– Ҳа-а-а! Алам қилдими? – Равшан баттар завқланиб кулди. – Эрга тегсанг-чи, аламинг уч кунда босили-и-иб қолади!

— Ур-р-руфингни ўйнатиб юбораман! — Телефон гўшаги ёрилиб кетай деди.

Равшан баралла хохолади.

— Ўйнатасан-а, ўйнатасан! — Директор Опа борку, «Кобра»! Ўша «Кобра»га қизлар бир оғиз айтса, ўзингни уруфинг ўйнаб кетади! Кўзойнагини ечиб туриб битта чақса борми, тил тортмай ўласан!

Равшан ўзини шунча калака қилган чўтирни яна анча тузламоқчи эди-ку, гўшакдан қисқа-қисқа гудок эшитилди.

— Шунаقا бўлади! — деди Равшан ўзига тикилиб қолган қизларга қараб. — Бирорни масхара қилиш шунаقا бўлади! Ярамас, чўтири! Аҳмоқ!

Шу гапни айтиши билан хона эшиги шарақлаб очилди. Ҳамма ўша томонга бурилиб қаради. Остонада Опа туар, ранги докадай оқариб, лаблари гезарип кетган эди. Ҳозиргина чангллаган бўлса керак, соchlари тўзиб алвастиси чиқиб кетган. Ҳатто кўзойнаги ҳам бир томонга қийшайиб қолган эди.

— Аазов! — бақирди у оғзидан кўпик сачратиб. — Ҳозир телефонда гаплашган сизми?

Равшан ранги ўчиб, ўрнига ўтириб қолди.

— Жавоб бер! — деди Опа қўлинни пахса қилиб.

Равшан Турсунбойни Феруза деб қанақа алданган бўлса, опани Турсунбой деб ўйлаб баттар адашганини, энди ҳаммаси тамом бўлганини тушунди-ю, индамай қўл силкиди.

— Қани, бу ёққа! — деди Опа лаблари титраб.

Равшан унинг олдига тушиб йўлакка чиқди. Опа сўзида турадиган хотин экан. Чиндан ҳам унга «кatta кўчани кўрсатиб қўйди».

МЕН, БУВАМ ВА РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР

Мен бувамга қанчалик алоқадор бўлсам, рангли телевизор ҳам менга шунчалик алоқадор. Агар бувам бўлмаса, отам бўлмасди. Отам бўлмаса, мен бўлмасдим. Мен телевизор олмасам, бувамнинг жаҳли чиқмасди. Бувамнинг жаҳли чиқмаса, иргай

ҳассасини кўтармасди. Ҳассасини кўтармаса... Ҳеч нимага тушунмадингиз-а? Худо ҳаққи, ўзимнинг ҳам бошим айланиб кетди. Келинг, бир бошдан гапириб бера қолай. Шундай қилиб, мен – бу мен. Бувам – отамнинг отаси. Саксон уч ёшда. Бутун бошли буқани, десам лоф бўлар-ку, ўртачароқ гунажинни бир мушт уришда сулайтиради. Фақат икки йил бурун оёғига бод келиб, сал оқсаб қолди. Сурхондарёга борганимда Боботоғдан атайлаб ирғай ҳасса олиб келганман. Ўзиям салкам чорак пуд келади!

Шу десангиз, бир куни тинчгина романимни ёзиб ўтирсан, олдимга бувам кириб келди.

– Ким айтади сени ёзувчи деб? Алмисоқдан қолган телевизорни кўришга уялмайсанми? Олсанг бўлмайдими, бундай ойнаси каттарофидан! – деди ҳассасини ерга дўқиллатиб уриб.

Ўғлим мендан қанчалик қўрқса, мен отамдан шунчалик қўрқаман. Мен отамдан қанчалик қўрқсам отам бувамдан шунчалик қўрқади. Оиласизда бувамнинг сўзини икки қиласиган мард йўқ.

– Хўп бўлади, шу шанбагача ест қиласиз, – деб юборибман икки қўлимни кўксимга қўйиб.

Бувам чиқиб кетиши билан телефон жиринглаб қолди.

– Мен кинорежиссерман, – деди ўртачароқ йўфонликдаги овоз ўртачароқ қўполлик билан. – Сизни кўришим керак!

Ярим соатдан кейин кўришдик. Режиссер сочи елкасига тушган, ўртачароқ мўйлов қўйган йигит экан.

– Қалай? – деди у тўсатдан.

– Нима қалай?

– Бизнинг фильмлар?

Чайналиб қолдим. Ростини айтсан, шу режиссернинг киноларини жиним суймасди.

– Билмасам, – дедим минғиллаб. – Фильмингиздаги одамлар ғалатироқми-е... Томошабин экранда ўзига ўхшаган одамларни кўrsa яхши бўлармиди.

- А, ким виноват? – деди у дағаллик билан.
Елкамни қысдим.
- Сиз виноват! – режиссёр қўлини тўппонча қилиб пешанамга ўқталди.
- Мен?
- Да, да, сиз! – режиссёр ўрнидан туриб кетди. Чўнтағидан сақич чиқариб, зар қофозни очди-да, карсиллатиб чайнай бошлади. – Сиз ёзувчилар сценарий ёзиш деса, қорангизни кўрсатмайсиз-у, бирор нинг фильмини ёмонлайсиз.
- Энди оғиз очиб фикримни айтмоқчи эдим, режиссёр гапиртирмади.
- Мен деловой одамман! – у бошини бир силтаган эди елкасига тушган соchlари арслоннинг ёлидек силкиниб кетди. – Гап шу: современный темада сценарий ёзиб берасиз. Сизга бир йил срок.
- Ахир мен умримда сценарий ёзган эмасман.
- Роман ёзган одамга сценарий чепуха! – режиссёр жеркиб берди. У чиндан ҳам деловой одам экан. Бирпаста қўлимга шартнома қофозини тутқазишиди. Шартномага биноан мен бир йил ичидан замонавий мавзуда сценарий ёзишим, шунинг эвазига қалам ҳақининг тўртдан бирини олдиндан олишим мумкин экан. Қандоқ қилиб қофозга қўл қўйганимни ўзим ҳам билмай қолдим.
- Пулингизни учинчи қаватдаги кассадан олинг, – деди режиссёр яна арслоннинг ёлидек соchlарини силкитиб. Умримда битмаган ишга ҳақ олган эмасман. Бу гал ҳам олмоқчи эмасдим-у, бувамга берган ваъдам эсимга тушиб қолди. Кассага боришим билан қўлимга пул тутқазишиди.
- «Қари билганни пари билмас», деган гапни ким айтган бўлса, уйига буғдой тўлсин! Экрани кенгмўл телевизор кўриш жоннинг роҳати экан. Чир айланиб ўйнаётган рақкосалар, қўйиб берсангиз экрандан чиқиб кетгудек муқом қиласди! Нуқул бувамга тасанно ўқийман! Бир чеккаси анави «делавой» кинорежиссёрниям дуо қилиб қўяман. Аммо олмоқнинг бермоғи бор, деганларидек, бўй-

нидаги қарзни узиш керак. Эрта биланоқ ҳамма ишимни бир чеккага йифишириб қўйиб, сценарий ёзишга киришдим. Тўрт ой деганда сценарий битди. Кўлтиқлаб обордим.

– Маладес! – деди режиссёр арслоннинг ёлидек соchlарини силкитиб. – Бир ҳафтада ўқиб қўяман.

Бир ҳафтадан кейин бордим.

– Чепуха! – режиссёр сценарий солинган папкани бир отган эди, стол устидан сирғалиб келди-да, қўлимга тушди.

– Нимаси чепуха? – дедим ҳайрон бўлиб. – Ҳаётий эмасми?

– Вот именно ҳаётий! – деди режиссёр ўртачароқ қўполлик билан.

– Бўлмаса қанақаси керак?

– Менга ҳар қадамда учрайдиган одам керакмас. Оригинал бўлсин. Ҳеч кимга ўхшамасин!

Режиссёр у деди, мен бу дедим. Хуллас, яна икки ой муҳлат беришди. Энди ҳамма рангли телевизор кўрса, мен хонамга қамалиб, қаҳрамонларими ни ҳеч кимга ўхшатмаслик билан овора бўлдим. Айтилган муддатда сценарийни яна обордим.

– Маладес! – режиссёр елкамга қоқди. – Бир ҳафтада ўқиб қўяман. Бир ҳафтадан кейин бордим. Бироқ бу сафар эшикдан қувониб эмас, ижирфаниб кириб бордим. Режиссёр ҳам ижирфаниб ўтирган экан. – Ерунда! – деди сочини силкитиб.

– Яна нимаси ерунда?

– Биронта эпизодда эшак йўқ.

– Нима?

– Эшак йўқ, дейман!

– Эшакни нима қиласиз?

– Местний колорит керакми-йуқми?

– Қачонгача эшак колорит бўлади? – дедим бўилиб. – Эшакка бошқоронғи бўлганмисиз, нима бало?

Режиссёр мендан бунаقا қайсарликни кутмаган бўлса керак, ўйланиб қолди.

– Барибир колорит керак.

– Менга қаранг, – дедим анчадан буён ўйлаб юрган гапимни айтиб. – Пулингизни обкелиб кассангизга топширсам қутуламанми?

– Нима? – Режиссёр соchlарини шу қадар шиддат билан силкитди, елкасидан чўф сачраб кеттандек бўлди. – Ни за что! Ишингиз судга тушмасдан сценарийни битиринг. План куйяпти.

Уйга келсам, бувам рангли телевизор рўпарасига ўтириб олиб, мақом концертини кўряпти. Тўғриси, бувам ҳам кўзимга хунук кўриниб кетди.

Бир ярим ойдан кейин сценарийни яна обордим. Бу сафар режиссёр уч кунда ўқиди.

– Шу... помоему биринчи вариантнинг ўзи ничего эди шекилли, – деди бўшашиб.

– Бўлмаса нега шунча бошимни қотирдингиз?

Режиссёр соchlарини оҳиста силкитди.

– Ёзувчи режиссёرنинг хизматкори, деган гапни эшитганмисиз?

Аlam қилганидан ўрнимдан туриб кетдим.

– Судга берасизми, сургунга юборасизми, тамом! Мен сиз билан ишламайман.

– Зато мен сиз билан ишлайман! – режиссёр яна асабийлашиб, сақич чайнашга тушди. – Шуни биллингки, кино китоб эмас. Сценарий аллақанаقا роман ёзишмас.

– Ўзингиз айтгандингиз-ку, роман ёзган одамга сценарий чепуха, деб.

– Совершенно тўғри. Лекин роман битта сизники бўлса, кино коллективники. Тушундингизми?

Чиқиб кетдим. Шу билан қутулдим деб ўйлаган эдим. Қаёқда? Яна олти ой судралиб юрдим. Сценарий деган нарсани хоҳлаган пайтда, хоҳлаган одам ўзгартираверар экан. У жойига актёрнинг тили келишмайди, бу жойи операторга ёқмайди... Орадан бир йил ўтди. Бир куни чала қолган романимни ёзиб ўтирсам, болалар қий-чув қилиб қолишли.

– Урре! Дадамнинг киносини бераркан!

– Катта хонага кирдим. Энг ўртада юмшоқ курсида иргай ҳассасини ушлаб бувам ўтирибди. У ёқда

дадам, бу ёқда ойим, хотиним, болалар... Бир маҳал фильм бошланди. Экранда сценарий муаллифлари деган ёзув пайдо бўлди-ю, бир эмас, уч фамилия кўринди. Биринчиси режиссёрники, яна бири мен танимайдиган аллақандай ажнабий фамилия, охирида меники... Ҳа, майли кино кўпчиликнинг мулки, деб қўя қолдим.

Шундай қилиб, кино воқеалари бошланди. Менинг сценарийим бўйича қишлоқнинг обрули отахони кичик ўғлининг машинасида шаҳарга – катта ўғлиникуга бориши керак эди. Менинг чолим бошига ихчам салла ўраб юрадиган нуроний чол эди. Кинодаги чол айвони баркашдек келадиган сомбреро кийиб чиқди. Муштдек трубкага мўлгина тамаки тўлдириб, бурқситиб тутата бошлади. Дарвоза олдига машина эмас, ҳангى эшак келиб тўхтади. Менинг сценарийим бўйича фаришталиккина кампир, чолининг қўлига тугунча тутқазиши, тугунчада набираларига аталган ёнғоқ, туршак, нок бўлиши керак эди. Кинодаги кампир «Қачонгача тамаки тутатасан, сассиқ чол, ма, «Орбит» чайнаб ол!» деб чолнинг оғзига «жевачка» тикиштириди. Кейин «мана, энди одамга ўжшадинг!» деди-да, негадир чолининг лабидан хафсала билан ўпди.

Бундай разм солсам, ойим тескари қараб олибди. Дадам рўмолча қидирган бўлиб, нуқул чўнтагини кавлайди. Бувамнинг кулранг қошлари уйилиб, учбурчак бўлиб кетибди.

Кино ҳамон давом этарди. Шундай қилиб, исқирт сомбреро кийган чол эшакка чақонлик билан минди-да, трубка тутатиб йўлга тушди. Менинг сценарийим бўйича чол чойхона олдида машинадан тушиб, бир пиёла кўк чой ичиши, чойхўрлар билан экин-тикин ишлардан гаплашиши керак эди. Кинодаги чол кафе олдида эшагидан тушди-да, ичкари кирди. Олтита сосискани паққос туширди. Устидан бир кружка кўпириб турган пивони ҳузур қилиб симирди-да, «гарқ» этиб кекирди. Узундан-узоқ фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди.

Менинг сценарийим бўйича чол йўлда кетаётиб, карнай-сурнайли тўйга дуч келиб қолиши, тўй эгалири қўярда-қўймай, иззат-икром билан уни ичкарига олиб киришлари, чол келин-куёвга оқ фотиҳа бериши керак эди. Кинодаги чол эшагига минди-да, пивонинг кайфи билан пинакка кетди. Бир маҳал эшагининг чўзиб-чўзиб ҳанграшидан ўзига келди. Қараса, қандайдир тўйхона эшигига келиб қопти. Эшагини темир панжарага боғлади-да, бирор таклиф қилмаса ҳам ичкари кирди. Тўрда ўтирган куёв-келиннинг рўпарасига келиб, ўз қўли билан шампанни пақиллатиб очди. Бокалга тўлдириб, фўлқ этиб ичди-да, келинга қараб ўзидан-ўзи муқом қила бошлади. Сўнг осмонга сакраб рақс тушаётган ёшлар даврасига қўшилиб ўйнаб кетди. Кимдир пул қистирган эди, бошидан сомбрероси учиб кетди. Кулги. Қийқириқ!

Секин разм солсам, уйдагиларнинг ҳаммаси чекка-чеккага қараб ўтирибди. Ойим билан хотиним секингина чиқиб кетиши. Бувамнинг ирфай ҳасса тутган қўли титрай бошлади. Ниҳоят, кинодаги чол катта ўғлиникига етиб келди. Хайрият, бувамга ёқадиган жойига келдик. Менинг сценарийим бўйича чол кичикроқ оиласвий жанжал устига келиб қолиши, ўғли билан келининг насиҳат қилиб, эр-хотинлик масъулиятини тушунтириши керак эди. Кинодаги чол ҳам жанжал устига келиб қолди. Биттаси беш яшар, биттаси уч яшар икки бола икки чеккада тўхтовсиз ариллар, соchlари пахмайган хотин нуқул чамадонга кийимларини жойлар эди. У қайнатасини кўрди-ю бирдан бобиллади: «Мана шу мишиқилар деб умримни ўтказаманми? Ҳечамда! Мен жинни бўлганим йўқ».

«Ё Худо, ўзинг асра! – дедим ичимда пичирлаб. Сценарийда бунаقا гаплар йўқ эди-ку!» Келин чолнинг рўпарасига келди-да, бошидаги кулранг парикни чанглаб ерга улоқтириди. «Кетаман! – деди чинқириб. – Сенинг дебил ўғлинг билан яшамайман! Дубайга қатнаб бизнес қиласман! Пул то-

паман!» «Маладес! – деди чол тұсатдан. – Тұғри қиласан! Иккита мишиқи деб умрингни үтказасанми? Сен современний аёлсан. Мен сени паддержка қиласан! Манави чурвақалар юмалаб-сумалаб катта бўпкетаверади. Сен үзингни ўйла!» Шу ерга келганда бувам чидаб туролмади. Шахд билан ўрнидан турди-да, чорак пудли иргай ҳассасини бир отган эди... Телевизор деганинг кинескопи куйиб үтирумас экан, портлаб қўя қоларкан!..

Ҳаммамиз пилдир-пис бўлиб, уй-уйга кириб кетдик. Ўша куни менга нашриётдан хат келди. «Ҳурматли... Романингизни ўз вақтида топширмаганингиз сабабли нашриёт режасидан чиқариб ташладик».

Ҳа, айтгандай ўша кундан буён бувам телевизорнинг яқинига бормайди. Мен умуман кино кўрмайман.

ОСМОНДАН ТУШГАН ПУЛ

Бозор иқтисоди деган гаплар пайдо бўлган, пуллар ўзгариб турган пайтлар эди. Бир куни ишлаб үтирсам, Ёзувчилар уюшмасидан қўнфироқ қилиб қолишиди.

– Сизга пулқоғоз кепти. Уюшманинг почта қутисида экан. Сайд Аҳмад aka менга ташлаб кетдилар.

– Қанча экан?

– Үн мингдан ортиқ!

Ишонқирамаган эдим, уюшма ходими астойдил ранжиди:

– Сизни алдайманми, aka? Мана, қоғоз қўлимда турибди-ку!

– Майли, эртага бориб оларман, – дедим ҳамон шубҳаланиб. Ростдан, шунча пул қаердан келиши мумкин?

Бир соатчадан кейин Сайд Аҳмад aka қўнфироқ қилди:

– Пулингни олдингми, болам?

– Эртага олмоқчиман. Шунча пул қаердан келишига ақпим етмай турибди.

Сайд Аҳмад аканинг аччиғи чиқди:

– Шу сенга проблема бўлдими?! Худо берганига шукр қилмайсанми? Мен қанақа сигарет чекишимни биласан-а?

– Биламан. «Родопи».

– Маладес! Пулингни олсанг, менга сигарет олиш эсингдан чиқмасин.

– Хўп. Бир блок.

– Бекор айтибсан! Икки блок! Осмондан ўн минг тушиб турибдию зиқналик қиласди. Қурумсоқ!

Оқсоқол тўғри айтади. Ўн минг кичкина пулми? Балки бирон ерда китобим чиққандир. Ҳозир нима кўп, нашриёт кўп...

Кечқурун янгангиз ётиғи билан гап очди:

– Куз келиб қолди. Неварадарга иссиқ кийим олмасак бўлмайди.

Ўн минг лоп этиб хаёлимга келди.

– Оламиз! – дедим ҳозиржавоблик билан.

– Дишишкага этикча...

– Оламиз!

– Шоҳруҳга пальто...

– Оламиз!

– Ҳумоюнга...

– Оламиз!

– Қудангиз тўй қилияпти. Қудачилик – минг йилчилик...

– Тўёна берамиз! Беш-олти минг етар.

Янгангиз кўзимга хавотирланиб тикилди:

– Қарз оласизми?

– Нега қарз оларканман?

– Китобингиз чиқдими? – деди у қувониб.

– Шунақа шекилли...

Эртасига паспортни киссага солиб, уюшмага бордим. Кўнфироқ қилган ходим қўлимга пулқоғоз тутқазди. Ўн минг тўққиз юз саксон беш сўм! Ҳаммаси қонуний! Муҳриям бор!

— «Ювамиз!» — дедим ваъда бериб. Шўпирга машинани Главпочтага ҳайдашни буюрдим.

— Маҳкамжон, — дедим ҳайдовчига, — анчадан бери Чақарнинг лағмонига бормай қўйдик-а?

— Ҳа, — деди ҳайдовчи. — Лағмонни боплайди!

— Бугун борамиз! Жигар кабобниям сайратворади, азамат!..

Почтанинг бешинчи дарчасига бориб, пул-қоғозни тўлдирдим. Почтачи қоғозга қаради, паспортга қаради. Кейин стол тортмасидан ғиштга ўхшатиб тахламланган пулларни олиб, шундоқ бурнимнинг тагига, пештахтага териб қўйди. Ундан кейин чаққонлик билан эллик сўмликларни санай бошлади. У пул санаятию менинг хаёлим бошқа ёқда. Қудамизга тўёна — беш-олти минг. Саид Аҳмад акага сигарет. Икки блок. Дишишкага этикча. Таги қалинидан. Шоҳруҳга пальто... ичи мўйналигидан. Ҳумоюнга кўйлакча. Ўнта. Уюшма ходимига ароқ. Иккита. Чет элникидан...

— Ўн беш сўмингиз борми? — деди почтачи пулни санаб бўлиб.

— Саксон беш сўм қолаверсин! — дедим сахийлик билан. Тўғри-да, шуларгаям қийин. Кун бўйи бироннинг пулини санайди. Бизга саксон беш сўм нима бўпти! Яна иккита эллик сўмлик бераман. Болаларига ширинлик олиб берсин. «Сникерс» дейдими, ана ўшандан!

— Энди бланканинг иккинчи қисмига ҳам қўл қўясиз. — Почтачи шундай деди-да, стол четида турган қутичадаги қоғозларни титкилашга тушди. Узоқ титкилади. Қайтиб келиб, гоҳ мен тўлдирган пулқоғозга, гоҳ менга тикилиб қолди. Бирдан ранги ўчди. Пештахтага териб қўйилган тахламларни юлқиб олди-ю шоша-пиша тортмага тиқди.

— Бу нима? — деди пулқоғозни пештахтага қўйиб.

— Пулқоғоз, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Қачон олдингиз?

— Бугун.

— Бу — сўм эмас, сўм-купон-ку! Мана, қаранг, — у пулқоғознинг муҳрини кўрсатди. — Тўқсон тўртинчи

йил биринчи мартда юборилган. Ҳозир бу ўн сўм тўқсон тийин бўлади!..

Почтахонадан қандай чиққанимни билмайман. Машинага ўтиришим билан Маҳкамжон сўради:

– Лагмонга ҳайдайми? Абед ҳам бўпқолди ўзи.

– Ишхонага! – дедим зарда билан. – Бугун обед қилмаймиз. Эртагаям!

Пешиндан кейин Сайд Аҳмад ака қўнғироқ қилди:

– Менга сигарет обқўйдингми, икки блок?

– Обқўйдим! – дедим тўнғиллаб. – Икки отим нос!

Оқсоқол негадир қиқирлаб кулди.

– Раҳмат! Шунаقا бўлишини билардим. Ўтган ҳафта мен ҳам Главпочтага борганман. Битта мен аҳмоқ бўлавераманми, сен ҳам аҳмоқ бўлгин, дедим-да, болам! – Бир зум жим қолди-да, қўшиб қўйди. – Хафа бўлма, болам, менини ўн етти минг эди!

ЎЛДИ – АЗИЗ БЎЛДИ

Ҳар ҳафта бўлиб турадиган, «қатъий», «охирги» чоралар кўриладиган, одатдаги мажлис эди.

– Маҳкамов қани? – бошлиқ қўзойнагини бурнининг учига тушириб, тўпланганларга таҳдидли қараб чиқди. – Мажлис тўққизда бошланишини билармиди? Маҳаллий қўмита раиси ранги ўчиброқ ўрнидан турди.

– Ўтган жума куни йўлакка эълон осиб қўйганмиз, – деди минғирлаб. – Меҳнат интизоми муҳокама қилинади, деганмиз. Ўқиган бўлиши керак. Ҳар нечук саводи бор-ку...

– Саводи бормиш! – Бурчакда ўтирган бошбуҳ тўнғиллади. – Саводи борлиги учун келмаган. Аслида худди ўша Маҳкамовнинг интизомини муҳокама қилиш керак! Худони берган куни кечикади, мукофотдан маҳрум қиласайлик десак, жонларинг ачийди.

— Ай, ҳаммаси бесполезно! — деди фаррош кампир шарттакилик билан. — Пьянство юқ бўлди деймиз, арақ соғлиқقا вредний, деймиз... Азизнинг кабинетидан каждый день бутилка шифади! Қаёқдан пул топади, арақ паразитга!

— Э, содда хотин! — қоровул тоға носини бурчакдаги симсаватга туфлаб, тўнининг енги билан мўйловини артди. — Ичаман, деган одам ўғирлик қилиб бўлсаям пул топади, арақ палакатга! Бир қўшним бор, фирт пиёниста! Қайси куни хотини айтибди. Шу арақ ўлгурни тилла баҳоси қилиб қўйса ичишни ташлармидинг, деса эри айтармиш: «Арақ тилла баҳоси бўлса, мен-ку ичишни ташламасдим, лекин сен бола-чақанг билан оч қолардинг», дермиш! Азиз деганларингам париштамас. Кечаям ҳамхонаси билан алламаҳал чиқиб кетувди. Баданида бор эдиёв...

— Шуҳрат биланми? — деди бошлиқ қовофиии солиб.

— Э, отини қаттан биламан! — Қоровул тоға қўлинни силтади. — Шуҳратми, Шовкатми?! Гапнинг очиғини айтами? Манга қолса шу идорага ҳар куни ўттиз тўққиз одам кириб, ўттиз тўққиз одам чиқиб кетса бўлди. Қачон келади, қачон кетади, ишим нима? Ман ўн беш ёшимда ишга кирганман. Зовутга. Уруш охирлаб қолган эди. Ўртоқ Исталинга қойилман. Ишга етти «милит» кечикдингми, онангни Учқўрғондан кўрдим деявер! — Қоровул тоға аразлагандек юз ўғирди. — Аммо-лекин худойлигимни айтаман: кечаям бор эди, Азизнинг баданида. Биламан-да, бу зорманда дарров одамни юзини қизартириб юборади. Иккаласини юзиям мошеган хўрознинг тожисига ўхшаб турувди.

Ҳар томондан ҳайратомуз хитоблар янгради.

— Ие, Шуҳратнинг ўзи қани? Уям кўринмайди-ку?

— Ҳамтовоқлар!

— Ҳаммаҳалла денг! Бир кўчада туради. Мохов мохов билан қоронғида топишади-да.

Шу пайт эшик журъатсизгина фийқиллади. Остонада кичик ходим Шуҳрат Эминов пайдо бўлди.

– Мумкинми? – деди мунғайиб.

– Келардингиз-да! – Маҳаллий қўмита раиси чимирилди. – Юқорига ўтинг! Ҳар нечук ёш ходимсиз.

Шуҳрат ўрнидан жилмади. Ҳаммага бирма-бир мўлтираб қараб чиқди-да, тўсатдан ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

– Айрилиб қолдик, – деди бурнини тортиб. – Азиз акамдан айрилиб қолдик!

Хонага оғир, узоқ сукунат чўкди. Кейин кичик ходимни ўқинч, меҳр, ҳайрат, ҳатто қизиқиш аралаш саволларга кўмиб ташлашди.

– Ие?

– А?

– Маҳкамов-а?

– Азизжонни айтаяпсизми?

– Вой бечора-а-а! Ёшгина эди-я! – Қачон?

Биринчи бўлиб қоровул тоға ўзини босиб олди. «Худо раҳмат қилсин», деб юзига фотиҳа тортди.

– Тушунтириброқ гапиринг, укажон! – деди бошлиқ овози титраб. – Нима бўлди ўзи?

– Ҳар куни бирга кетиб, бирга келардик, – деди Шуҳратжон ҳиқиллаб. – Кечаям биргалашиб кетдик. Бекатга борсак 63-автобус турган экан. «Азиз ака, автобусга минамизми?» десам, «Йўқ, юрагим сиқилиброқ турибди, пиёда кета қолайлик», дедилар. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетдик. Кўчаларининг бошига борганда, Азиз акам айтдилар: «Шуҳратжон», дедилар, «укаҗон», дедилар. – Шу ерга кетганда Шуҳрат Эминов ўпкасини тутолмай баралла йиғлаб юборди. «Укаҗоним», дедилар. «Мен ўлиб қолсам, йиғлайсизми?» дедилар. Юрагим шув этди. «Унақа деманг, акајон!» дедим. Шунда кулдилар. Бирам чиройли, бирам мулоим кулдиларки... – Шуҳрат киссасидан рўмолча чиқариб кўз ёшини артди. «Ҳазиллашдим», дедилар. «Эрта билан саккиздан кечикмай етиб келинг, мажлис бор», дедилар. «Хўп», дедим. Эрталаб... эрталаб... – Шуҳратжон

тағин ўпкаси тұлыб йиғлаб юборди. – Келсам, Азиз акам қүрінмайдилар. Үн дақиқа күтдим. Йигирма дақиқа күтдим. Үзидан-үзи юрагимга фулфула тушди. Үйларига борақолай деб шундоқ күчага кирсам, эшикларини олдида тумонат одам. Опалари – Ҳанифа холам «Вой жигарим», деб дод соляптилар. Тұртта ўғиллари... – Шұҳрат рўмолчасига бурнини қоқди. – Тұртта ўғиллари тұн кийиб, белига белбоғ бөглаб турибди. «Отажоним, отажоним», деб чунонам йиғлаляпти, чунонам йиғлаляпти, самандар чидамайды...

Мажлис тұхтади.

– Та-а-ак... – деди бошлиқ ғуссага ботиб. – Чатоқ бўпти! Яхши йигит эди... Хўп, ўзаро ёрдам кассасида қанча пул бор?

Кассир келинчак дик этиб ўрнидан турди.

– Ҳаммасини олиб келинг! Сиз... – бошлиқ маҳаллий қўмита раисига буюорди. – Местком қарорини чиқаринг. Бундан ташқари, марҳум дўстимизнинг бир ойлик тўлиқ маошини бериш керак.

– Укалар... – деди қоровул тоға салмоқланиб. – Ёшим иккам саксонга чиқиб, ўн битта ўлик кўмдим. Тўй маслаҳат билан бўлади. Үлим бехосдан келади. Үлик кўмишнинг ўзи бўларканми? Гўрков, юғучи, бало-баттар... – у тўнининг этагини қайириб, эски шимининг пистон чўнтағидан пул чиқарди. – Мана! Азизжоннинг сағир болаларига... пийсабилло. Ҳаммамизнинг борадиган жойимиз икки қулоч ер!

Бошлиқ киссасидаги бор пулни стол устига ташлади. Бирпасда аллақанча пул тўпланди.

Кассир пулларни санаб, қанчалигини айтди.

– Ёрдам кассасидан ҳам қўшинг, – деди бошлиқ буюриб. – Кейин кичик ходимга юзланди. – Авазжон! Фириллаб боринг. Пулни Азизжоннинг опала-рига берасиз. Жамоа номидан. Раччўтини тағин олиб келаман денг... Кейин... қачон чиқаришларини аниқ билиб келинг. Пастга тушиб, Боряга айтинг. Хўжайн буюрдилар, тез борарканмиз, денг.

Шұҳрат бурнини тортганча хонадан чиқиб кетди.

— Сиз, — деди бошлиқ боядан бери бир нүктадан кўз узмай мунфайиб ўтирган бўлим мудирига, — газетага таъзиянома тайёрланг! Жамоа номидан. Эртагаёқ чиқаришсин!

Бўлим мудири индамай бош иргаб чиқиб кетди.

— Одамшинавандалигини айтинг... — Котиба боя узилиб қолган гапини давом эттириди. — Азиз акам баъзан кириб қолардилар. Бошқаларга ўхшаб «чой ҳани?» деб дағдаға қилмасдилар. Чойниям ҳазил қилиб сўрардилар. «Эй тавариш бўлса гар, юз грамм чойдан налей», дердилар. Яна бошқа гаплариям бор эди. — Котиба пешанасини тириштириб узоқ ўйлади. Эслади шекилли, юзига маъюс табасум ёйилди. — «Ҳазратим, чанқовдан ўлдим, ичгали чой бер менга», дердилар...

— Желудочник — вообще опасний касал, — фаррош кампир оғир бош чайқади. — Миним куёвимда желудка билан китти. Ҳозир мин неудобний положенияда қолдим. Может бит Азизжон арақмас, минералний сув ичган чиқар... Аллах, ўзинг простит ит!

— Э, фалак! — деди қоровул тоға оҳ чекиб. — Одамзотнинг ҳоли шу-ку, беш кунлик дунёда қадри йўқ. Ман-ку, саводсиз, оми бир одамман. Аммо локигин Худонинг бегуноҳ бандасини шунчалик хўрлаш инсофданмиди? Аввалги майлисдаям ҳаммамиз Азизжонни ўртага олиб талагандик. Ишга икки соат кеч келса осмон узилиб ерга тушибди-ми? — Қоровул тоға бошлиқقا надомат аралаш қараб қўйди. — Мени айтди дерсизлар. Азизжон борганда жаннатнинг эшиги ланг очилиб туради! Пропуска сўрамасдан қўйиб юборади, фаришталар... Ўтган чоршанба куни десангиз, соат ўнлардамией, ўн бирлардамией, хуллас, хуфтонни ўқиб бўлгандим. Мундай қарасам, зинадан секин тушиб келяпти. «Баҳай, Азизжон, кеч қопсиз?» десам, кулади. «Тоға, — дейди, бир топишмоқ айтсан, топасизми?» — дейди. «Қани эшитайлик!» десам, нима дейди денг? «Борида кўролмайсиз, йўғида тополмайсиз,

нима бу?» дейди. Гапнинг очиғини айтсам, ўйлаб-ўйлаб тополмадим. «Ҳай, шаҳар бердик, укажон», десам у юзимдан ўпади, бу юзимдан ўпади, нуқул кулади. «Оббо, тоғажон-е! Одамни айтяпман, тоғажон, одамни!» дейди. Шундоқ деди-ю йўлига кетаверди. Вақти қазоси етганини билган экан-да, шўрлик. Авлиё эди, Азизжон, авлиё эди! Илоё жойи жаннатда бўлсин! – Қоровул тоға қизил белбоғини ечиб, мижжаларини артди.

– Ҳар нечук мукофотдан маҳрум қилмаганимиз яхши бўлган экан, – маҳаллий қўмита раиси хўрсинди. – Биласизларми, мен Азизжон билан бир курсда ўқиганман. Йичимизда энг қобилиятили студент – Азиз Маҳкамов эди! Бирон марта дарс қолдирмасди. Ҳашарга чиқсан, ҳаммадан кўп пахта терарди...

– Азиз акам жўн одам эмас, фаришта эдилар, – деди котиба хўрсиниб. – Шуҳратга айтган гапини эшитдингларми, «Мен ўлсам, йиғлайсанми», дебдиларми?

Бўлим мудири қоғоз кўтариб кирди.

– Таъзияномани ўқиб берайми? – деди савол назари билан қараган бошлиқча. Сўнг тутилиб ўқий бошлади: «...ташкилоти собиқ ходим, ҳалол меҳнаткаш, камтарин инсон...»

– Улуғ! – деди бошлиқ ердан кўз узмай. – «Улуг» деган сўзни ҳам қўшиб қўйинг. – Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дегани тўғри. Азизжон ҳақиқатан ҳам улуғ инсон эди!

Яна чорак соатча ҳамма ўз хаёли билан банд бўлиб ўтирди.

– Хўп, ўртоқлар! – деди бошлиқ маъюс суҳбатга айланиб кетган мажлисга якун ясад, – Шуҳратжон келсин, ҳаммамиз марҳумни чиқаришга борамиз. Аёллар ҳам. Ҳарна, оиласига руҳий мадад бўлади.

Ходимлар энди ўрнидан турган эди, эшик яна журъатсиз фийқиллади. Остонада Шуҳрат Эминов пайдо бўлди.

— Хўш? — деди бошлиқ. — Соат нечада?

— Кечаси узилган бўлса, пешинга чиқарадида! — Қоровул тоға девордаги соатга қараб қўйди. — Масжиддан мўйсафидлар чиқишига мўлжаллашса, икки соат қопти.

Шуҳратжон хонадагиларга тағин бирма-бир мўлтираб қаради.

— Биласизларми? — деди каловланиб. — Жиндай англашилмовчилик бўпти...

Ўрнидан турганлар қайтиб жойига ўтириди. Ўттиз етти жуфт кўз кичик ходимга қадалган, ҳеч кимдан садо чиқмас эди. Шуҳрат Эминов бутунлай довдираб қолди.

— Биласизларми? — деди овози қалтираб. — Ўлган Азиз ака эмас... поччаси экан.

— Қанақасига? — бу сафар биринчи бўлиб бошлиқ тилга кирди. — Сиз... сиз Азиз Маҳкамов ўлибди деб...

— Қаёқдан билай? — Шуҳратжон қочиб қолишни мўлжаллагандек эшик тутқичини ушлади... — Бир ёқда опаси, бир ёқда хотини «вой жигаримлаб» турган бўлса, болалари «отажоним» деб додлаётган бўлса...

— Хўш! — деди бошлиқ қовоини солиб.

Кичик ходим нажот кутгандек атрофга олазарак қаради.

— Поччаси касал эди ўзи, — деди бурнини тортиб. — Ярим йилдан бери... Азиз акам опасининг уйида турар эди.

— Унисини сўраётганим йўқ! — бошлиқнинг қон босими кўтарилди чофи, икки юзи қизариб кетди. — Сиз бўлган гапни айтинг!

— Пастга тушдим, — деди Шуҳратжон тушунириб. — Шопирингиз папирос чекиб ўтирган экан. Айтдим. «Боряжон», дедим. «Шундоқ, шундоқ, Азиз акам ўлиб қоптилар», дедим. Боряжон дарров папиросни ташлади. «Ўтиинг, ака», деди. Учиб бордик. Борсак, Азиз аканинг болалари «отажон», деб изиллаб йифлаяпти. Ҳовлига кирдик. Ҳанифа

холамдан кўнгил сўрадим... Бир маҳал бундоқ қарасам... бурчакдаги уйдан Азиз ака чиқиб келяпти... – Кичик ходим бир зум жим қолди. – Қўрқиб кетдим! Ўлай агар, қўрқдим. «Келдингизми, укажон», дейди. «Поччажонимдан айрилиб қолдик-ку, Шуҳратжон, поччам эмас, туғишган отажоним эди», дейди.

– Пул-чи? – кассир келин нажот кутгандек илтижо қилди. – Пул нима бўлди?

– Қанақа пул? – Шуҳрат кўзини пирпиратди.

– Марҳумга ажратилган пул. Ёрдам кассаси-нинг пули! – деди кассир йифламоқдан бери бўлиб. – Эртага камиссия текширса нима дейман?

– Қаёқдан билай? – кичик ходим ҳар эҳтимолга қарши эшикни каттароқ очди. – Ўзларинг Ханифа холага бергин, дединглар-ку! Бердим.

– Ҳаммасиния?!

– Эсингиз жойидами, Шуҳрат?! – деди котиба жиғибийрони чиқиб. – Эрим налугга тўлайсан, деб берган пул эди. Иситмаган «доми» ўлгурга ойига ўн икки мингдан «атапления» налуги келади! Уёқда электр, буёқда ахлат пули! Шўрим қурсин, эримга нима дейман энди!

– Сизларни билмадим-ку, шахсан мен янги ходимман! – деди кассир келин ўрнидан туриб. – Биз бюджетдаги ташкилотмиз. Давлат пулинни алла-кимнинг ўлган поччасига сарфладим, деб ҳужжат қилолмайман! Бунаقا атчўт ўтмайди!

– У-бу дейсизлар-ку, Азиз аканинг ўзидаям, борда, – деди котиба. – Бирам бачкан! Бирам бачкан! Ёшига ярашмаган қилиқлар қиласидими-ей, шифир тўқийдими-ей! Чой ичгинг келса кир, ич заҳарингга! Шоирликни ким қўйибди сенга, одамни ишдан қолдириб... Вой Худойим. Шунча налугни қандоқ тўлайман энди?

– А вообще, – фаррош кампир қўлини пахса қилди. – Точна биламан! Азизнинг кабинетидан каждий день арақ бутилкаси шифади. Этикеткасини олиб ташласа-да, запахидан биламан! Точний «Не-обикновенный» арақ!

Маҳаллий қўмита раиси мажлис давом этяпти, деб ўйлади шекилли, кўл кўтарди.

— Мумкинми? — деди минғиллаб. — Азиз Маҳкамов билан бир курсда ўқиганимиз рост. Ҳар нечук биринчи курсда ёмон ўқимади. Аммо иккинчи курсдан айниди. Дарсга арақ ичиб келадими-ей! Курс ишларини нуқул мендан кўчирган. Учинчи курсдан у ёғига пахтага ваабше бормаган!

Мажлис аллақачон тугаган бўлса ҳам ҳеч ким жойидан жилгиси келмас эди.

— Гапнинг очиини айтайми? — Қоровул тоға ўрнидан туриб, тўнининг барини қайирди. Киссанини кавлаб, чап кафтига мўлгина нос солиб отди. — Гапни осифини этсам, Азиз диганинг қип-қизил зинни! Қип-қизил пияниста! Исга келаётганда босини сангллаб келади-да, исдан кетаётганда басараси хўзозни тозисидай қиззазиб қайтади! Мен ҳайлонман, мунақа аҳмони нимага ислатиб юзибсила? — У эшик олдида мўлтираб турган кичик ходимга қўлинни бигиз қилди. — Манаву Суҳратми, Совкатми отини билмиман, буям ўсани ҳамтовори!

Эшик олдида шумшайиб турган Шуҳратни нари суриб, бўлим мудири кирди.

— Таъзияномани редакцияга ким олиб боради?

— Анавинга беринг! — деди бошлиқ тўнғиллаб. — Таъзияномани ўликнинг ўзига обориб беради!

Шу куни навбатдаги мажлис навбатдаги қарорни қабул қилди...

Мажлис қароридан кўчирма: «Меҳнат интизомини муттасил бузиб келгани, ичкиликбозлик қилгани учун Азиз Маҳкамовга охирги марта қатъий хайфсан зълон қилинсин! Маҳкамов билан ҳамтовоқлик қилган Шуҳрат Эминов жамоани алдагани учун сўнгги марта огоҳлантирилсин! Марҳум Маҳкамовга адашиб бериб юборилган пул жойига қайтарилсин!» Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Тўрт кундан кейин Маҳкамов билан Эминовни Чифатойдаги лағмонхонада кўрганлар бор. Икков-

лари жиндай-жиндай «нўш айлаб» меҳнат интизоми масаласидаги янгиликлардан гурунглашиб ўтиришган эмиш.

«ФАРМОНБИБИ ПЛЮС»

«Келинлар қўзгалони»нинг муаллифи,
Халқ ёзувчиси Сайд Аҳмадга

Муҳтарам Сайд Аҳмад домла! Бизнинг «Эркин муҳаббат» хусусий театримиз сўнгги пайтларда эришаётган ютуқлардан хабарингиз бор. Ижодий гуруҳимиз саҳналаштирган асарлар томошибинлар ўртасида машҳур бўлиб кетган. Айниқса, «Лўли қизнинг хуржуни», «Иффатли суюқоёқ», «Кимнинг кўнгли кимда бўлса, қўяверинг, ўйнасин», «Эрини гаровга қўйган хотин» каби замонавий мавзудаги спектаклларимиз ҳар куни аншлаг! Патталар талаш!

Ҳурматли домла! Сизга айтадиган хушхабаримиз бор. «Келинлар қўзгалони» комедиясини саҳналаштирик, табриклаймиз! Фақат бугунги томошибин дидига мос келмайдиган айrim саҳналарга жузъий тузатишлар киритдик. Масалан, сизнинг Фармонбибингиз кенжа келин Нигора ибораси билан айтганда икки аср нарида қолиб кетган феодал, чаласавод кампир. Бизнинг Фармонбиби эса «современний бизнесмен!» Бутун бошли фирманинг директори. Аллақанча корхоналари, магазинлари, ошхоналари бор. Үфилларию келинлари ҳам мирқуруқ «интеллигентлар» эмас. Ҳаммаси «деловой». «Фармонбиби плюс» фирмасида ишлайди. Бу асарнинг биринчи кўринишидаёқ билинади. Сизнинг Фармонбибингиз Нигоранинг эрталаб туриб гимнастика қилаётганини кўриб, дод устига дод солади. Бизники эса келинидан олдин туриб, «Адиdas» олимпийкасини кийиб бадантарбия қилади. Саҳнанинг бу чеккасида қайнона, у чеккасида келин! Нигора ярим қулоч сакраса, Фармонбиби бир метрга иргишилайди. Сўнг ораларида шундай диалог бўлиб ўтади.

Ф а р м о н б и б и . – Движениеларинг ўзингга
бирам ярашиб турибди-ей, келин!

Н и г о р а . – Сиз ҳам ништаксиз, ойижон!

Ф а р м о н б и б и . – Жиндай терлабсанми?
Енгилроқ кийинавер, келин!

Н и г о р а . – Бундан ҳам енгил кийинсам пачти
яланғоч бўпқоламан-ку, ойижон, уяламан!

Ф а р м о н б и б и . – Кимдан уяласан? Ўзингни
үйинг, ўзингни жойинг. «Стриптиз»ни биласанми?

Н и г о р а . – Сал-пал...

Ф а р м о н б и б и . – Эртадан бошлаб «стриптиз»
қил!

Н и г о р а . – Йўғ-е, ойижон! Тўхтавой акам
уришадилар!

Ф а р м о н б и б и . – Бу хонадонда мен
хўжайинман! Эртадан бошлаб «стриптиз» қиласан!
Фармонбиби бир нарсани билмаса гапирмайди!
Биринчидан, фигуранг чиройли бўлади. Иккинчидан,
фигуранг қанча чиройли бўлса, Тўхтавоимга шунча
ёқасан. Уқдингми?

Н и г о р а . – Хўп бўлади, ойижон!

Шундай қилиб, Нигора «стриптиз» қилаверади,
«стриптиз» қилган сайн Тўхтавоига ёқаверади.
Охири Тўхтавой ўтирган жойида пинакка кетадиган
бўлиб қолади. Меҳри янгасининг қазиси ҳам, Му-
ҳайё янгасининг женшени ҳам кор қилмайди. Бу
орада нуқул маош кутишдан безор бўлган Ҳаким
дўхтириликни ташлаб, «Фармонбиби плюс» фирмасида
хусусий аптека очади. Фармонбиби Тўхтавой
масаласида Ҳаким билан кенгашади.

Ф а р м о н б и б и . – Ҳой, аптекачи! Ўтири
мундоқ!

Ҳ а к и м . – Хўп бўлади, ойижон!

Ф а р м о н б и б и . – Мен сенга ким бўламан?

Ҳ а к и м . – Онам бўласиз, ойижон!

Ф а р м о н б и б и . – Тўхтавой сенга ким
бўлади?

Ҳ а к и м . – Укам бўлади, ойижон!

Ф а р м о н б и б и . – Уканг бўлса, ҳолидан хабар
олсанг ўласанми?

Ҳ а к и м . – Тұхтавойга нима қипти, ойижон?

Ф а р м о н б и б и . – Дард қипти! Бало қипти!
Бола бечоранинг қулоғидан кун тугул юлдуз күри-
надиган бўпқопти-ку! Ким айтади, сени аптекачи
деб? Укагинангга бир пачка «Виагра» олиб берсанг,
давлатинг камайиб қоладими?

**Ҳ а к и м . – Хўп бўлади, ойижон! Проблема йўқ.
Бутуноқ ест қиламиш!**

**Ҳаким ўша куниёқ бир пачка эмас, бир салапан
халта «Виагра» обкеб беради. Жигар дегани шунаقا
пайтда билинади-да!**

Бир ҳафтадан кейин Нигора «стриптиз» у ёқда
турсин, гимнастика ҳам қилмай қўяди. Ўн кундан
кейин онасиникига қочиб кетади. Фармонбиби
денишманд аёл эмасми, келинини қайтариб олиб
келади. Тұхтавой «Виагра» ичишни, Нигора «стрип-
тиз»ни бас қиласди.

Қаранг, қандай оригинал «решение!»

Иккинчи пардада ҳам озгина ўзгариш бор. Сиз-
нинг Фармонбиингиз маош теккан куни ўғилларию
келинларини қатор турғазиб қўйиб, ҳаммасининг
пулини қўлидан ситиб олади. Бизнинг Фармонбиби
кимнинг маоши қанчалигини олдиндан билади.
Ведомостга ўзи кўл қўйган. Аммо пул тақсимлашни
назорат қиласди. Сизнинг Фармонбиингиз Бўстон
келинга собиқ эридан келган алиментни қайтариб
юборишни буюради. «Менга боласини ташлаб
кетган эркакнинг пули керакмас, болани ўзим катта
қилиб оламан», дейди. Кечирасизу домла, сизнинг
тасвирингиздан эскилик ҳиди келади. Яъни феодал
эр муштипар хотинни ташлаб кетган. Бизнинг
Бўстон унақа аёл эмас. Ўз ҳуқуқини яхши тушунади.
Шунинг учун аввалги эрини уч талоқ қўйиб, «итдан
бўлган қурбонликка ярамас», дейди-да, боласини
ташлаб кетади. Ўзи суйган одамга – фирманинг
главний бухгалтери Маҳкамга тегиб олади.

Маош куни Фармонбиби билан Бўстон орасида
шундай диалог бўлади.

**Ф а р м о н б и б и . – Анави лапашангни али-
ментини юбормадингми?**

Б ў с т о н. – Вой отгинаси ўчсин ўша уродни!
Ҳар ойда пул юборавераманми?

Ф а р м о н б и б и. – Биламан, бивший эринг
фирт нотавон. Сенинг битта абед пулингга бир ой
рўзғор қиласди, ландовур! Аммо яхшими-ёмонми
соқолини селкиллатиб уйдан чиқмай болангни боқиб
ўтирибди-ку! Сени йўриғинг бошқа. Сен кучли пала-
винасан. Аёлсан! Бир оёғинг Дубайда, бир оёғинг
Малайзияда! Кимсан «Фармонбиби плюс»нинг бро-
керисан! Майли, нима қилгандаям ўша «лоҳ»дан
бўлган болани сен туқцансан-ку! Юз доллар кимни
ўлдирибди, жўнатиб юбор!

Б ў с т о н. – Эллик «евро» юборсам-чи?

Ф а р м о н б и б и. – Вой, тавба! «Евро»ни тушу-
нармиди ўша аммамнинг бузоги! «Бакс»дан юбora-
вер! Каптансасини ўзимга берасан. Накладнойга
тикиб қўяман. Тағин эртага маҳалла-кўйга чиқиб,
хотиним муштипар эрига алимент тўламай қўйди,
деб юрмасин. Отимизга ор, итимизга номус-а, келин!

Б ў с т о н. – Хўп бўлади, ойижон!

Сизнинг учинчи пардангизда нотаниш хотин
Фармонбибининг олдига келиб, ўғлини қамоқдан
чиқариб бериш учун пора таклиф қиласди. Бизницида
бошқача. Узоқ қишлоқдан бир фермер келиб,
Фармонбибига кредит ололмай қийналиб юрганини,
банқда ишлайдиган Ўринбой ёрдам бермаётганини
айтади. Фармонбиби, Ўринбой, фермер ўртасида
«разборка» бўлади.

Ф а р м о н б и б и. – Манави деҳқон болани
танийсанми?

Ў р и н б о й. – Танийман, ойижон! «Бир кўрган
таниш, икки кўрган билиш», дегандек...

Ф а р м о н б и б и. – Танисанг, нега бунинг
ишини «Орбит» жевачкасидек чайнаб юрибсан?

Ў р и н б о й. – Энди, ойижон, ўзимга қолса-ку,
бирпасда ҳал қилиб берардим. Шефимиз «кира-
версин давлат, чиқаверсин палакат», дейдиганлар
хилидан. Фиринг десанг, «ўйнашмагин арбоб билан,
арбоб урап ҳар боб билан», дегандек...

Ф а р м о н б и б и. – Неча марта айтаман сенга, мақол қўшмасдан гапир, деб! Нима бало, хотининг билан тонг отгунча мақол тўқиб чиқасанларми? Башор ўлгур ҳам мақол қўшмаса гапиролмайди!

Ў р и н б о й. – Энди, ойижон, «эр-хотин қўш хўқиз», дегандек... Қолаверса, бу ёғи бозор иқтисоди... «Отанг бозор, онанг бозор...

Ф а р м о н б и б и. – Яна гапирадия? Мен сенга бозорманми?

Ў р и н б о й. – Узр, ойижон, мен эмас, шеф шунаقا дейди. «Мушук текинга офтобга чиқмасмиш...»

Ф а р м о н б и б и. – Вой, мушук бўлмай итларга талансин, ўша шефинг! Бўғотдан йиқилиб майиб бўлсин! Нима энди, дехқон бола орқасини силаб қўйисинми, мушугингни?

Ў р и н б о й. – Энди ойижон, шефимиз икки гапнинг бирида «қуруқ қошиқ оғиз йиртади», деб турганидан кейин...

Ф а р м о н б и б и. – Э, ўша шефингни оғзига қошиқ эмас, чўмич тиқилсан! Энди ўзим банк очмасам бўлмайди шекилли! Булар давлат топшириб қўйган кредитниям «қуруфи»ни олмасдан бергиси келмайди.

Ў р и н б о й. – Айб мендамас, ойижон, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Шефимизни...

Ф а р м о н б и б и. – Бўпти, чайналмасдан гапир! «Ставка»си қанча шефингни?

Ў р и н б о й. – Ўн прасан! Танишларга ўн прасан.

Ф а р м о н б и б и. – «Нал»ми, «перечисление»ми?

Ў р и н б о й. – «Нал», ойижон. Шеф «узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши», дейди.

Ф а р м о н б и б и. – Бекор айтибди, ўша ўпка-хўринг! Беш прасан! Дехқон болани қийнамасин.

Ў р и н б о й. – Ие, ойижон, «ёмон даллол ёнидан», деб қолганини ёнимдан тўлайманми?

Ф а р м о н б и б и. – Ҳаҳ, ўша шефингни нафсига ўт тушсин-а! Савоб ҳам керак-ку, одамга!

Ў р и н б о й. – Сиз шунаقا дейсиз-да, ойижон. Шеф «савобнинг таги тешик», дейди.

Ф а р м о н б и б и. – Яна мақол түқийдия! Менга қара, деҳқон болам! Оладиган кредитларингдан беш прасан «нал» тўлайсан! Бошқа илож йўқ. Кўриб турибсан, бу ишга Ўринбой акангни алоқаси йўқ. «Нал»сиз кредит олиш, ҳатто Фармонбибингни ҳам қўлидан келмайди. Майли, қолган беш прасанини ўзим қўшаман, уқдингми?..»

Шундай қилиб, Фармонбиби нотаниш фермерга деловой ёрдам беради...

Ниҳоят, Сотти билан боғлиқ тағин бир ўзгариш.

Сотти Нигорани «сотади». «Ўғритомоқ» келин умумий қозондан овқат емай, кечаси ётогига кириб ўзига алоҳида овқат қилаётганини Фармонбибига чақиб беради, Фармонбиби иккала келинини юзмай юз қиласди.

Ф а р м о н б и б и. – Бунинг бекитиқча овқат қилаётганини қаёқдан била қолдинг, Сотти?

С о т т и. – Ҳидидан билдим, ойижон.

Ф а р м о н б и б и. – Ниманинг ҳиди экан?

С о т т и. – Сосисканинг ҳиди, ойижон.

Ф а р м о н б и б и. – Бурнинг ўлсин, сени! Искович итга ўхшаб ҳар тешикка суқулмай, бурнигинанг ўлсин! Менга қара, Нигора, ростми шу гап?

Н и г о р а. – Рост.

Ф а р м о н б и б и. – Нима, обший қозоннинг овқати ёқмай қолдими? Фирма ҳисобига «контракт» тўлаб ўқийдиган студент Тўхтавойнинг маликаи Турандотлари айрича овқат егилари кепқолдими?

Н и г о р а. – Гап ундамас, ойижон!

Ф а р м о н б и б и. – Нимада, бўлмаса?

Н и г о р а. – Шу кунларда кўнглим айнийдиган бўлиб қолган, ойижон. Бошим айланади. Сосиска егим келади. Ўшанга...

Ф а р м о н б и б и. – Кўнглим айнийди, дейсанми?

Н и г о р а. – Шунаقا, ойижон.

Ф а р м о н б и б и. – Вой, бўйларингга бўйту-мор! Вой ўзимнинг «стриптиз» келинимдан айланай! Вой, сосиска сендан айланублар кетсин! Ҳой, Сотти!

Бир ваңт ўзинг ҳам қапчүнний колбасага бошқоронғи бўлувдинг шекилли? Бугундан бошлаб икки ой «шпион»ликдан отпускага чиқасан! Сенинг вазифанг шу: ҳар куни уч марта «Гамбургер» ресторанига борасан. Ўзинг тепасида туриб, свежий сосискадан «хот-дог» пиширтирасан. Ўзинг обкелиб Нигорага едирасан! Уқдингми?

С о т т и. – Хўп бўлади, ойижон!...

Асарда бошқа ўзгариш йўқ. Фақат финалда Нигора саҳнага эгизак чақалоқлар кўтариб чиқади. Бирининг оти Диана, иккинчисиники Виагра!

Якшанба куни премьера! Албатта келинг, мухтарам домла!

*«Эркин муҳаббат» хусусий театрининг
и.о. директори. Имзо...»*

БЎЙДОҚҚА МАСЛАҲАТ

Она: – Қачонгача шундоқ юрасан, ўғлим? Кўчага чиқолмайдиган бўлиб қолдим-ку? Кимни кўрсам, «тўй қачон?» дейди. Тавба, бир замонлар хотин олиш деса йигитлар ўзини томдан ташларди. Энди бўлса, уйланиш деса заҳраси кетади ҳаммасининг. Нима, боши олтин, оёғи кумушдан оласанми? Ҳамма хотин бир хотин-да! Ана, Холпошнинг келини. Тинчиди – қўйди! Шўрлик куни кеча қўли косов, сочи супурги бўлиб юрувди. Ҳозир кўрсанг ҳавасинг келади. Қайнонасини оқ ювиб, оқ тараб қўйибди, барака топгур келин! Мен ҳам кексайиб қолдим. Кундан-кунга нари кетаяпман. Бу қишдан чиқаманми-йўқми, Худо билади. Тўйингни кўрсам, ўз қўлим билан эгангга топширсам, дейман-да! Силкиниб-силкиниб хизматимни қилса, кўчадан келганингда ош-овқатингни тайёрлаб турса, кийимингни дазмолсиз қолдирмаса бўлди-да! Ҳалиям бўлса ўша тоғангни қизидан қолма! Нима қипти, қумридай қиз. Ҳусндан камми, ақлдан камми? Бунинг устига дўхтири бўлса! Мени ётарим бор, турарим бор. Нима қилса ҳам ўзингники. От теп-

киси отта ўтмайды. Кече тағин келиб-кетди, бояқыш. Биламан, сенда күнгли бор шу қизнинг.

Деҳқон: – Қариндошдан қызы олганнинг падарига минг лаънат! Мана, ўзим. Э, ўғлим! Сиз сўраманг, ман гапирмай! Нима қылсам ҳам ўзимники, деб аммаваччам билан қуда бўлгандик. Э, аттанг, аттанг! Икки орада ўғлим куйиб кетди! Хотинни деса – бизлар, бизни деса – хотини. Фиринг деган товуш чиқдими, қариндош-уруг ўртасига совуқчилик тушиди. Ҳарқалай институтни битирган-ку, бошига бир мушкул иш тушиб қолса эрига суюнчиқ бўлар, деб ўйлагандик. У қулоқ – бу қулофингиз билан эшитиб қўйинг: зинҳор-базинҳор олий маълумотлисига осилманг! Олган бир парча дипломи нима қилиб берарди? Оладиган маоши йўлкираси билан абед пулига етмайдио, димоги от араванинг гупчаги! Эри билан баравар чиқиб кетади, баравар кириб келади. Худо ярлақаб ишдан сал вақтлироқ қайтиб қолсаям картишканинг ярмини арчиб, ярмини арчмай ўтиради. Қолганини эрим келиб арчин, мен повир эмасман, дейди. Аллақанақа «гугуртми» – «югуртми» деган иприсқи нарсаларни кўтариб келади. «Бу нимаси», десам, «телевизорга қарасангиз тушунасиз», дейди! Аммо нон емайди. Нон еса, семириб, пигураси бузилармиш! Ўргилдим пиғурангдан! Шунақанги қилтириқки, деразадан кирган шабадага йиқилиб тушмасайди, деб қўрқаман! Қўлига қўлқоп кийиб ўтин ёқдан хотинни биринчи кўришим! Тағин нега природний газ туширмагансизлар, деб жаҳл ҳам қилади. Унг қулоқ, чап қулофингиз билан эшитиб қўйинг: ёшидан уйланинг! Хотин киши битта тукқанидан кейин тамом! Иложи бўлса сапсем ўқимаганидан топинг! Ўқидими, тилининг узун бўлгани шу! Кейин, онасини суриштиринг! Тавба қилдим, келинимнинг пиширган москичирисиям худди онасиникига ўхшайди. Яна бир гапим: келин дуркун бўлсин, юрганда ер титрасин. Ҳа, энди, агарўт-пагарўт деган гаплар бор. Ер чопиш, сигир соғиши, далага гўнг чиқариш дегандек.

Эшитдингиз-а? Ёш бўлсин. Содда бўлсин, гунгурс-дек бақувват бўлсин!

Ёзувчи: – Ўзинг биласан, дўстим, ҳаёт мураккаб. Хотининг биринчи галда сени тушунсин. Ёшини нима қиласан? Йифлаб ошини ичадиганини бошингга урасанми? Бальзак ўзидан йигирма ёш катта хотинни нега севганини биласанми? Нега деганда шу хотин мени тушунади, деган! Мана, масалан, пешанангни тириштириб номерга репортаж ёзаяпсан. Хотининг шаппа елкангдан босиб, «фалончи дугонамнинг эри минг долларлик шуба оберибди, сиз қачон оберасиз?» деса нима қиласан? Бир йиллик маошинг билан гонаарингни қўшиб ҳисоблаганингда ҳам шуба жониворнинг битта енгига етмайди-ку! Иложи бўлса ҳамкасбингдан топ. Таҳририятда эрга тегаман, деб турган қизлар бордир ахир? Мана, ўзимдан мисол. Хотиним шунаقا меҳрибон, шунаقا меҳрибон! Айниқса, каттароқ асар ёзаётганимда бошимда парвона бўлиб туради. Китобим қачон чиқишини мендан яхшироқ билади. Нашриётдаги бухгалтер опа билан қадрдон: гонаар олишга мен бориб овора бўлиб юрмайман. Шундоқ қил, дўстим! Иложи борича оддийроқ, камтарроқ оиласа куёв бўлганинг маъқул. Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв»ини ўқиганмисан? Бўпти-да!

Тадбиркор: – Менга қара, ҳов братан! Иложи бўлса-чи, миллионернинг қизига уйлан, тушундингми? Бизнеснинг отаси нима? Пул, тўғрими? Отам бир умр магазинда сотувчи бўлиб ишлаган. Доим бир гапни қулогимга қуярди. «Дўкончи ўзига эҳтиёт бўлгани маъқул, конфет ўраб берадиган қофоздан қолганининг ўзиям битта оиласи боқади», дерди. У замонларда эллик грамм «обвес» ёки эллик тийин «обсчет» учун беш йилга тиқиб қўярди. Шумоюн иш бўлдию! Бизнесмен кругой бўлиши керак. Ташлаган ўн долларинг эртага қандай қилиб юз долларга айланишини билиш керак! Бунаقا секретларни отамдан эмас, қайнотамдан ўргандим.

Қайнотамнинг калласи любой академикнидан зўрроқ ишлайди. Рўпарасида турган одам нимани ўйлаётганини Мессингдан яхшироқ билади! Аввалига мениям роса синади. Охири «сен боқса одам бўладиган хилидан экансан», «икки карра иккини беш қилиш» қўлингдан келади экан, деб гулдек қизини берди. ЗАГСга йигирмата оқ, йигирмата қора «Мерс» келди. Тўйни «Шеротан»да қилдик. Эртасига яп-янги «Джип»нинг калити қўлимга тегди. Ана ҳурмату мана ҳурмат! Бултур баҳорда бир йўла тўртта комиссия босса дегин! Беш юз яшик ароқнинг акцизний маркасидан ишкал топди, уродлар! Қарасам бу ёғи прокол бўладиган. Қайнотамга бордим. «Дадажон, дедим, «олди-берди»сини қип-қўйган бўлсан ҳам тинчитмаяпти-ку, булар» дедим. Шунача десам нима дедилар, дегин?! «Ўғлим, дедилар, бугундан бошлаб «олди-берди» деган гапни унутинг, «берди-олди»ни ўрганинг, дедилар! Аввал берасиз, кейин оласиз, қоида шу!» дедилар. Ўша-ўша мен қайнотамнинг йўриғидан чиқмайман, камиссия ҳам безовта қилмай қўйди. Ништяқ йигитга ўхшайсан, братан! Бир гап айтами? Қайнинглим етилиб турибди. Законний қиз! Хоҳласанг, божа бўламиз. Қайнотамга бир оғиз айтсам, собственный газета очиб беради. Рекламаларни гумбирлатиб, қайси раққосанинг нечта ўйнаши борлигини ёзив, миллионер бўлпетасан! Қайнинглим копия опасининг ўзи. Бир хиллар қари қиз, оёғи чўлоқ, дейди. Бекор айтиби! Чап оёғи калтамас, ўнг оёғи сал узунроқ, холос. Менинг хотинимниам бир оёғи узунроқ. Фақат ўнги эмас, чап оёғи! Хўп, нима қипти шу билан? Қайтага яхшимасми? Кўча-кўйда бегона эркаклар кўз олайтириб қарамайди, кўнглинг тинч, бизнес билан шуғулланасан. Келишдикми, братан? Қўлни ташла!

Пиёниста: – Нима? «Уйланмоқчиман», дейсизми? Оғзингиздан шамол олсин! Соқолингиз киндингизга тушиб кетсаям уйланманг! Хотинни нима қиласиз? Хотин олдингиз нимаю, товуқ боқдингиз

нима? Икковиниям миасида шамол «сквозняк» бўлиб юради. Товуқдан-ку, озми-кўпми наф бор. Тухум туғади. Аввал тухум туғиб, кейин қақофлайди. Хотинчи, вей, капийкали иш қилмасдан қулоққа тепади! Хотинимни танийсизми? «Йўқ» дейсизми? Тўғри қиласиз! Кўрсангизчи, вей, минг километрга қочиб кетасиз! Онаси мақтаб-мақтаб берган эди! «Бунақа камсуқум, бунақа шириңсўз қиз оламда битта», деб! Шириңсўз-а, шириңсўз! Гар-рантия бериб айтаманки, хотинимнинг рўпарасидан кобра чиқиб қолиб, «виш-ш-ш» деб оғзини очса, хотиним «туф» деса борми, илон тил тортмай ўлади! «Нуқул қай гўрларда қолиб кетасиз», дейди. Ҳой, товуқмия, мен гўрда нима қиласман?! «Нега заҳарингизга ҳар куни ичасиз», дейди. Нима, ҳар куни ичмай, кунора ичсам, бир нима ўзгариб қоладими? Ичсам, сенинг пулингга ичаяпманми? Ўзининг оғзи қалампир завод-ку, тағин менга «оғзингиздан кир ўранинг ҳиди келади», дейди! Бирор сенга менинг оғзимни ҳидла, деяптими? «Ҳар куни исқиরт босиб келасиз, кийимларингизни ювавериб жонимдан тўйдим», эмиш! Фаҳми йўқ-да, фаҳми йўқ! Ювиб нима қиласан, эртасига тағин исқиরт бўлади-ку! «Ярим кечада келавериб одамни безор қилдингиз», эмиш. Ярим кеча бўладими, тонготарми, адашмай уйимни топиб келганимга шукр қилмайсанми, аҳмоқ? Шу кунларда янги ҳунар чиқариби. Кечаси келишим билан боласини етаклаб қўшниникига диконглаб чиқиб кетади. Ҳой, овсар. Диконглаб нима қиласан? Мундай ёнимда ўтирумайсанми, бир-икки мушт емайсанми, кейин секин эмаклаб чиқиб кетавермайсанми?

Уйланманг! Зинҳор уйланманг! Менинг сизга акалик маслаҳатим: улфатлар билан ялло қилиб юраверинг! Қани, олдик!.. Э, қолдирманг-да! Йигитнинг гули ичади буни!

Муаллиф: – «Кенгашли тўй тарқамас», деганлар. Яна бошқалар билан ҳам маслаҳатлашиб кўринг! Қанча кўп маслаҳатлашсангиз, шунча яхши! Сизга

ҳам насиб қилгани бордир. Парво қилманг, топилади! Мени айтди, дерсиз, бир йўла пенсия оладиганига уйланасиз. Кампирнинг нафақасини е-е-еб ётасиз!

«ШПАНА»

Университетни янги битирган кезларим эди. «Одамлар нима деркин» деган қиссам китоб бўлиб чиқди... Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов, Умарали Норматов, наманганлик қадрдонимиз, шоир ва олим Нуридин Бобохўжаев, бир-икки мезбонлар билан Саричелек қўриқҳонасига бордик. Тоғ устидаги кўл бўйида ётиб дам олдик. Кун бўйи чўмиламиз, ош-овқатни ўзимиз қиласиз. Бутун оламдан ажralиб, бир ҳафта радио эшитмасликка, соқол олмасликка, хуллас «ёввойи» бўлиб юришга қарор қилганимиз... Ўн кунлардан кейин юк машинасида тоғдан қайтиб тушдик. Соч-соқоллар ўсган, кийимлар афтодаҳол.

Янгиқўргон марказида тўхтаб тамадди қиладиган бўлдик. Йўл-йўлакай аллақандай магазинга кирдик. Чиройли қиз пештахта ортида китоб ўқиб ўтирган экан. Озод ака одатдаги «қитмирлик» билан сўради:

— Синглим, нима китоб ўқияпсиз?

Қиз фаши келиброқ бошини кўтарди. Индамай китобнинг муқовасини кўрсатди. Бу — менинг китобим эди. Ёш ёзувчи бунаقا пайтда қандай аҳволга тушишини биласиз. Хурсандман. Нуқул илжаяман!

— Бунаقا бемаъни китобларни ўқиманг, — деди Озод ака «шумлик» қилиб.

Қизнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ўзингиз бемаъни! Китобни тушунмасангиз гапириб нима қиласиз!

Бизнинг оғиз — қулоқда.

Озод ака менга қараб кулди.

— Кўрдингми, муҳлисларинг кўпайиб қопти. — Кейин қизга тушунирди. — Қўлингиздаги китобни

мана шу бола ёзган. Беринг, дастхат ёзиб беради.

Қиз менга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, жаҳл билан бижирлади: – Э, йўқол, шпана!

Довдираф қолдим. Қийқириқ, кулги... Айниқса, кекса Субутой домла тиззасига уриб-уриб кулади.

Йўқ, Озод ака амаллаб, қизни ишонтириди. Қўлидан китобни олиб, «Ҳурматли фалончихонга...» деб энди дастхат ёза бошлаганимда ичкаридан башанг кийинган, тилла тишли киши чиқди. (Магазин мудири бўлса керак.)

– Хўш, нима шовқин? – деди қовофини солиб.

Озод ака нима гаплигини тушунтириди. Мудир ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди-да мендан сўради:

– Ҳужжатинг борми?

– Обке паспортингни! – деди Озод ака жаҳли чиққан бўлиб.

Машина кабинасида қолган паспортимни олиб келишга мажбур бўлдим. Мудир аввал паспортга, кейин менга, ундан кейин китоб муқовасига қаради. Узоқ ўйланиб қолди.

– Фамилияси ўхшайди, – деди салмоқланиб, – сурати ҳам ўзига ўхшайди, аммо кўриниши ёзувчига ўхшамайди.

– Ана! – Субутой домла тантана билан кўрсаткич бармоғини осмонга бигиз қилди. – Ана! Одам танишни биларкансан-ку, ўғлим. Ёзган дастхатини кўргин! Ёзувчиям шунаقا хунук ёзадими? Афтини қара, афтини! Тошканнинг хулигани-ку бу! Ҳа, қизим-а, содда қизим-а! Шунинг гапига ишондингми?!

Сотувчи қиз жаҳл билан мен дастхат ёзган варақни йиртти-да, фижимлаб ерга улоқтириди...

«МЕҲРИБОН» ШОГИРД

Ёзда Озод Шарафиддинов билан Фарғонада дам олдик. Тўй мавсуми авжига чиққани учунми, Худонинг берган куни саҳарги ошга таклиф қилишади. Хўроz қичқирмасдан туриш малол келади. Аммо айтилган жойга бормаслик ҳам одобсизлик.

Бир куни Озод ака иккинчи қаватдан хушламайроқ тушди.

— Чүрт побери, кечаси билан биқиним оғриб чиқди, — деди нолиб. — Даволанишга келганимизми, түйма-түй юришгами?

Санаторий дарвозасида, одатдагидек, машина кутиб турган экан. Физиллатиб олиб кетиши.

Түйхонага киришимиз билан «Умарали ака-а-а!» деган ҳайқириқ янгради. Сүриток тагида үтирган найнов, саксовулдек чайир одам сапчиб туриб биз томонга келаверди. Эрталабдан «отиб» олгани күриниб турибди. Оёқлари чалишиб кетаяпти. Икки юзи түйиб мош еган хўрзанинг тожисидек қипқизил. Яна бир марта «Умарала-ака-а-а!» деди-да, Озод акани даст кўтариб чирпирак қилиб айлантира бошлади. Домланинг у юзидан, бу юзидан үпавериб шилта қилиб ташлади.

— Бормисиз, Умарали ака? Софмисиз, домлажон? Эшик-эллар тинчми, домлажон? Неваралар чопқиллаб юрибдими, домлажон? Соғинтириб юбордингизку, домлажон!

Упгани ҳам бор бўлсин! Ҳар «домлажон» деганида Озод акани силкитиб-силкитиб қўяди. Озод ака «Мен... мен» дейди-ю, «Умарали эмасман», дейишга бояги одам қўймайди. Домла «кечаси билан биқиним оғриб чиқди», дегани эсимга тушиб, ачиниб кетяпман.

Бир зумда Озод ака бошигача терлаб, қизариб кетди. Нуқул ҳансираф нафас олади.

Бояги одам домлани ерга қўйди-да, менга юзланди.

— Эркин ака-а-а! — деди ҳайқириб. Кураш тушадиган полвонлардек қулочини кенг ёйганича тепамга бостириб келаверди. Қарасам, қовурғамни дазмоллаб ташлайдиган! Шоша-пиша, үзимни одамлар орасига урдим.

Домла иккаламизни алоҳида хонага олиб кириши. Озод ака ҳамон ҳансираф нафас олар, пайдарпай рўймолча билан юзини артар эди.

- Бояги одам ким? — дедим нон ушатаётіб.
Домла эшитмадими, жавоб бермади.
— Ким ҳалиги одам? — дедим чой қуйиб.
Домла бир чимирилди-ю, тағин индамади.
Харқалай, ўша «меҳрибон шогирд» кимлигини
жудаям билгим келарди.
— Домла, — дедим, — бояги одам ўзимизда ўқи-
ганми?
Озод ака базёр чидаб ўтирган эканми, бирдан
портлади.
— Ҳой! — деди қўлини пахса қилиб. — Қанақа
эзма одамсиз? Жимгина ўтира оласизми, йўқми?
Билмайман! Эшитдингизми? Танимайман! Умуман
танишни ҳам хоҳламайман! Ўз ҳолимга қўясизми-
йўқми?
Дамим ичимга тушиб кетди. Ташқари чиққани-
мизда «шумлигим» тутди. Озод аканинг қулоғига
секин шипшидим.
— Умарали ака! Анови шогирдингиз яна келяп-
ти. Хайрлашмоқчи шекилли.
Озод ака аланг-жаланг қаради-да, ўзини маши-
нага урди.
— Ҳайданг, — деди эшикни ёпиб. — Ҳайданг, чўрт
побери! Тезроқ кетайлик шу ердан.

«ҲОЖАТБАРОРЛИК»

Булунурга кетаётгандик, йўлда машина бузилиб
қолди. Амаллаб етиб боргунча алла-паллага қолиб
кетдик. Қорин — пиёзнинг пўсти. Асаблар таранг...

Уй соҳиби дастурхон безатиб қўйган экан. Бир
пиёла чой ичдикми-йўқми, мезбон ҳасрат қилиб
қолди.

— Неча йилдан бери шеър ёзаман, чиқаришнинг
иложи йўқ. Газета-журналларда таниш-билишчи-
лик...

— Мана, шеър чиқарадиган одам! — Абдуғафур
Расулов мени кўрсатди. — Опкелинг шеърларингиз-
ни. Ҳозир опкелинг!

Мезбон ҳам шуни кутиб турган эканми, бир папка шеър қўлтиқлаб кирди. Папкани очиб, ўқишга шайланган эди, Абдуфафур ака маслаҳат берди:

– Сиз ўқиб овора бўлиб ўтирасизми? Ўткиржоннинг ўзи ўқийди. Ичидан танлаб-танлаб олаверади.

Папка менинг қўлимга ўтди. Бири-биридан хароб шеърларни пичирлаб ўқияпман-у, ўғринча Абдуфафур акага қараб қўяман. У киши нону ангур қилиб, олтиндек узумни уриб ётибди. Охири чидолмадим. Бир бурда нон кавшаб, узумга қўл чўзган эдим, Абдуфафур ака дашном берди.

– Шеър дегани овоз чиқариб ўқийди-да. Биз ҳам эшитайлик бундоқ!

Овоз чиқариб ўқишга мажбур бўлдим. Ҳар сафар мезбон «қалай, домла, зўрми?» деб қўяди. «Шеърингиз икки пулга қиммат», дей десам, дастурхонида ўтирибман. устига-устак қорин ҳалигидай. Абдуфафур Расулов эса нуқул олқишлийди.

– Зўр ҳам гапми? – дейди қаймоқقا нон ботириб. – Китоб қилиб чиқариш керак. Ҳаммасини Ўткиржоннинг ўзи эплайди. Бу киши ҳожатбарор одам.

Папкадаги шеърларни ўқиб бўлгунимча бир соатлар ўтди. Қаймоқ тамом бўлди, узумнинг шингилшапоги қолди.

Мезбон мастава олиб кирди. Бир қошиқ ичмасимдан Абдуфафур ака тағин шеърларни мақташга тушди.

– Шундоқ зўр асарларни босишимадими, а? Вой, номардлар-ей! Янгиларидан борми?

– Э, бундан ҳам зўрлари бор! Олиб келайми?

– Албатта-да!

– Мезбон бу гал иккита папка кўтариб кирди. Маставани маза қилиб ураётган Абдуфафур Расулов ора-чора менга далда бериб қўяди.

– Ўқинг, дўстим, ўқинг! Шеър дегани жаранглатиб ўқиш керак.

Ош устида тўртинчи папка очилди...

Эртасига эрталаб Булунғур бозорига кирдик. Рӯпарадан қовун кўтариб келаётган сийрак соқолли

чол чиқиб қолди. Йўлини тўсиб салом бердим. Молҳолини, кампири-ю невара-чевараларини суриштиридим.

— Худога шукур! — деди чол жиндай ҳайратланиб. — Қирқ битта невара, ўн саккизта чевара бор. Сизни танимайроқ турибман, болам.

— Ҳозир танийсиз-да! — дедим меҳрибонлик билан. — Мабодо бир парча қофозингиз йўқми, отахон?

Отахонда қофоз йўқ экан. Абдуғафур Расуловдан қарз олишга тўғри келди. Қофозга Абдуғафур аканинг исми-шарифини, турар жойини, ишхонаси ни, телефон рақамини батафсил ёздим.

— Шу қофозни эҳтиёт қилинг, хўпми, отахон? — дедим чолга узатиб. — Керакли одамнинг адреси ёзилган.

Чол нима гаплигини англамай турган эди, сўрадим:

— Мабодо институтга киришни ният қилган невараларингиз борми?

— Бор! — деди чол жонланиб. — Бир эмас, тўрттаси бор. Бултур ҳам иккитаси Тошкентга ўқишга кираман деб бориб, қайтиб келганди.

— Мана бу одам, — дедим Абдуғафур акани кўрсатиб, — Тошкентдаги энг катта институтнинг энг катта домласи Абдуғафур Расулов бўладилар. Олтита неварангизнинг ҳаммасини юбораверинг. Ўқишга жойлаб қўядилар: бу киши — ҳожатбарор одам.

Чол қувониб кетди. Манзил ёзилган қофозни ҳафсала билан белбоғига қистирди.

— Ие, сизларни Худо етказди-ку, — деб аззабазза қовунни ерга қўйди, икки қўлини очганча дуо қила бошлади. — У дунё-бу дунё ёмонлик кўрмагин, болам! Невараларимни ўқишга киргизиб қўйсанг, ҳар куни беш маҳал намоз устида дуо қиласман. Яхшилигинг мендан қайтмаса, бола-чақангдан қайтсин. Бола-чақангдан қайтмаса, Худодан қайтсин... — Чол дуонинг энг қуюқ жойига келганда тўсатдан кўзи олазарак бўлиб қолди. — Ия, ҳа, қаёққа? — деди ҳайрон бўлиб.

Абдуғафур ака ўзини оломон орасига урди-ю,
бир зумда кўздан фойиб бўлди.

«БИТТА КУЛДИРИНГ»

Анча йил илгари Эркин Воҳидов билан олис қишлоқлардан бирига бордик. Йўл бошловчимиз аллақандай тўйга олиб кирди. Чоғроқ хонада ўтирганларга бизни таниширишди. Содда одамлиги, бунинг устига жиндай «отиб олгани» кўриниб турган биттаси Эркин акага қараб-қараб қўйди-да, сўради:

— Акун, сиз шоирми?

Эркин ака камтарлик билан «ҳа, энди», деб гап бошлаган эди, бояги одам астойдил илтимос қилди:

— Унай бўлса, бир кулдиринг!

Эркин Воҳидов нима дейишини билмай қолди.

— Шоир акангиз сизни кулдиришлари мумкин, — дедим жиддий оҳангда. — Аммо жиндай оворагарчилиги бор-да. Дўхтир керак. Таниш дўхтирингиз борми?

— Бор, — деди ҳалиги одам. — Ҳамсоямиз тиш дўхтири.

— Тиш дўхтири бўлмайди, — дедим тушунтириб. — Невропатолог керак. Аввал сизни яхшилаб текширади. Қаерингизни қитиқласа кулишингизни аниқлайди. Қўлингизга испарапка ёзиб беради. Ўша испарапкани олиб келсангиз...

— Шошманг! — деди Эркин ака гапимни бўлиб. — Укол-чи, укол? Аввал учтагина укол қилдирадилар. Кейин ангина бўлса уни олдириб ташлайдилар. Ундан кейин кўричакни кестирадилар. Яна битта шарти бор. Яқинда биттасини кулдирган эдим, қитифи ёмон экан, ҳушидан кетиб қолди. Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши ёнларида тўрттагина дўхтири бўлиши керак.

Бояги одам каловланиб ўрнидан турди.

— Иби! — деди эшик томон юриб. — Унай бўлса, бу дафъа кулдирарсиз.

Даврадагилар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Ана! — деди бояги одам останада тұхтаб. — Испарапкасиз ҳам кулдиаркансиз-ку!

«ХИТОЙЧА УСУЛ»

Тоққа, Азим Суюннинг қишлоғига боргандик. Күпчилик эдик. Меҳмонларни бир хонадонга олиб киришди. Дастанхон түкин. Буни қарангки, бошқа ноз-неъматлар қатори бир пиёла асал ҳам бор экан. Ҳамманинг кўзи ўша пиёлада.

— Тоза асалга ўхшайди, — деди меҳмонлардан бири. — Ҳидидан сезилиб турибди.

— Тоғнинг асали зўр бўлади-да, — деди иккинчиси.

— Ҳозир тоғда ҳам тоза асал қолмаган, — деди яна бири.

Гап айланиб асалнинг тоза-нотозалигини аниқлашга келиб тақалди. Бирор «қошиқнинг учига илиб чўзиб кўриш керак, агар бир қулоч кўтарилганда ҳам асал узилиб қолмай ипдек тушаверса, тоза бўлади», деди. Яна кимдир чойга солиб кўришни маслаҳат берди. Тағин кимдир асални кафтга суреб, ручка билан чизишни таклиф қилди. Индамай турсак, асал хомталаш бўладиган.

Эркин Воҳидов менга қараб қўйди-да, сўради:

— Асални синашнинг хитойча усулини эшитгансиз-а?

Ҳеч қанақа «хитойча усул»ни билмасам ҳам, бир «шумлик» бошланаётганини сезиб, дарров тасдиқладим:

— Эшитганман! Энг қулай усул шу!

— Ундан ташқари замонамиз руҳига ҳам мос келади, — деди Эркин Воҳидов. — Ҳақиқий демократик усул.

Ҳамма «хитойча усул»га қизиқиб қолди.

— Айтсан үрганиб оласизлар-да, — деди Эркин Воҳидов сирли қилиб.

Даврадагилар ялинишга тушди.

— Бўлмаса гап бундоқ, — деди Эркин ака. — Ҳозир орамиздан битта одамни «асал синовчи» қилиб сайлаймиз. Ким энг кўп овоз олса, «синовчи» ўша

бўлади. «Синовчи» пиёладаги асални бир кўтаришда охиригача симиради. Соатга қараб турамиз. Агар ярим соатдан кейин оғиз-бурнидан варақ-варақ қон келиб ўлиб қолса, бундан чиқди, асал – тоза асал бўлади. Қани, ўзининг номзодини қўядиган одам қўлинини кўтарсин!

Биттаям «номзод» топилмади.

– Начора, – деди Эркин Воҳидов мушкул муаммо қаршисида қолган одамдек чуқур ўйга толиб. – «Дўстинг учун асал ют», деган гап бор. Келинг, дўстлар учун қурбон бўлсак, бўпмиз-да!

«Жасорат» кўрсатиб, икковлашиб пиёлани бўшатдик.

Хайрият, асал «зўр эмас» экан, ёмон таъсир қилгани йўқ.

УВОЛ

Саксонинчи йилларнинг бошида Ўзбекистон телевидениесида «Баҳс» деган кўрсатув бўлар эди. Бир сафар нон ҳақида баҳс қилдик. Кўрсатувда новвойлар, ошпазлар, хуқуқшунослар, талаба ёшлар иштирок этди. «Кимўзар» тўйларда қоплаб нон исроф бўлаётгани, ортиб қолган қозон-қозон ошлар сувга оқизилаётгани, чўчқахоналарга топширилаётгани, бაъзи ноинсофлар дўкондан сувтекинга ун олиб молини семиртираётгани, хуллас, шунга ўхшаш кўп армонли гаплар айтилди. Ўзим гувоҳ бўлган аянчли воқеа – кўпқаватли уйлар орасидаги майдончада ёш болалар ярим буханка суви қочмаган нонни «футбол» қилиб ўйнаётганини ҳам эсладик.

Кўрсатувга икки мингга яқин хат келди. Томошибинлар нонни увол қиласидиганлар кўпайиб кетганини афсус билан ёзишган эди.

Андижонлик иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси бўлган отахоннинг хати менга, айниқса, қаттиқ таъсир қилди. Хатнинг мазмуни қўйидагича эди. Сизлар кўп яхши фикрлар айтдингиз. Аммо бунаقا хавоий гаплар одамларнинг бу қулоғидан кириб унисидан чиқиб кетади. Бундай иллатни йўқотишнинг иккита йўли бор. Бири – агар давлат нонтепкиларни, Худо одам учун яратган унни молига атала қилиб берадиган ноинсофларни, дабдабали тўйларда нозненъматларни оёқости қиласидиганларни жазолаш тўғрисида қонун чиқарса. Иккинчиси – очарчилик бўлиб, нон деганда кесак фирилласа! Бошқа йўли йўқ!

Орадан йиллар ўтди. Нонни копток қилиб тепадиганлар, ун билан мол семиртирадиганлар йўқ бўлди. Мамлакатимиз Президентининг имзоси билан тўй ва маъракалардаги исрофгарчилик, дабдабозликни чеклашга қаратилган Фармон эълон қилинди. ЗАГСнинг ўзига куёв томонидан ўнта

қора «Мерседес», келин томонидан ўнта оқ «Мерседес» миниб боришлар тийилган бўлса-да, шоҳона тўй қилувчилар, «миллионер» қўшнисидан қолса «қулоғини кесадиган», ўн йил йигиб-терганини бир кечада совуриб, эртасига қозонини сувга ташлаб ўтирадиган «эррайим»лар ҳалиям учраб турибди. Майли, ҳар кимни тўйга етказсин. Масаланинг бошқа томонини ўйлаб кўрайлик. Болалигимизда ота-онамиз, амма-холаларимиз «нонни увол қилган кўр бўлади, нонни тепганинг оёғи синади, нонни ўнг қўлинг билан ол, нон ушлашдан олдин «бисмилло» дегин, ерда ётган нон бурдасини кўриб қолсанг, авайлаб кўзингга суртиб, покиза жойга олиб қўй», деган гапларни ҳар куни неча бор қулоғимизга қўйишар эди... Эслаб кўрайлик. Бизнинг ўзимиз яқин орада болаларимиз ёки неварапаримиз билан нонни увол қилмаслик ҳақида бирон марта чин дилдан гаплашдикми?

Ёши улуғроқ авлоднинг эсида бўлиши керак. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ошхоналарда нон текин бўлди. Ростини айтганда бошқа маҳсулотлар масаласида ҳам тўкинчилик эди. Бу-ку яхши, аммо текин нарсанинг қадри бўладими ўзи? Айнан нонни текин қилиб қўйиш тўғри бўлдимикан? Нон текин бўлгани учун ҳам увол бўлди! Оёқ ости бўлди! Пўконидан ел етмаганлар хор қила бошлади, нонни. Нонни!

Ўша кезлари дам олиш учун денгиз бўйига борган эдим. Санаторий ошхонасида тўрт киши бир стол атрофида овқатланардик. Рўпарада ўтирадиган хомсемиз одамнинг хунук одати бор эди. Овқат еб бўлгач, лаб-лунжини бир бурда нон билан артиб, дастурхонга ташларди. Бу қилифи ёлғиз менинг эмас, бошқаларнинг ҳам фашига тегиб бўлган экан. Бир куни хомсемиз тағин оғзини нон билан артаётган эди, ёнимда ўтирадиган ёши улуғроқ киши кучи борича столни муштлади.

— Одаммисан, чўчқамисан? Нега тумшуғингни нонга артасан, олдинга салфетка турибди-ку! — деди-да, ошхонадан чиқиб кетди.

Ортидан чиқсам, ошхона рўпарасидаги гулзор олдида, ёғоч скамейкада бошини чанглаб ўтирибди. Қон босими кўтарилиган бўлса керак, юзи бўғриқиб кетибди. Қандайдир бефаросат деб бунчалик бўғилиш шарт эмаслигини айтиб, таскин бердим. Сўнг хаёлимга келган саволни сўрадим:

— Сиз Ленинград қамалида бўлганмисиз?

— Йўқ, мен москваликман, — деди у. — Уруш бошланганда ўн бир ёшда эдим. Отам ногирон — бир оёғи чўлоқ эди. Кўча супурарди. Ҳар куни пақирини тўлдириб, бурда-сурда нон олиб келарди. (Одамлар кўчага ёки ахлат қутисига ташлаб кетган нонларни...) Онамнинг фифони фалакка чиқар, «Сен крахоборсан, Плюшкинсан», деб бақирав, отам эса нон бўлакларини артиб-тозалаб духовкада қизартириб оларди-да, бурчакдаги сандиқقا солиб қўярди... Лоп этиб уруш бошланиб қолди. Аввалига тақчиллик учча билинмади-ю, аммо кўп ўтмай шунақсанги қаҳатчилик бошландик!.. Шунда отам териб келган нонлар жонимизга оро кирди! Отам ногирон бўлгани учун урушга бормади. Уни қандайдир ҳарбий заводга ишга олишди. Бир куни онам тўрт-беш бурда сухарини тугунга ўраб, тунги сменада ишлаётган отамга олиб кетди-ю, қайтиб келмади. Кечаси билан қўрқиб йиғлаб чиқдим. Эртасига отам ишдан келиб онамни сўради. Кеча онам заводга бормаганини айтиб, чиқиб кетди-да, кечга томон ёмон хабар олиб келди. Қандайдир безорилар онамнинг қўлида нон борлигини билганми, хуллас пичоқлаб кетибди...

...Нимани хор қилсанг, ўшанг зор бўласан, деган гап хўп ўйлаб айтилган. Етмишинчи йилларда хор қилинган нон саксонинчи йиллар охирида тортилиб қолди. Дўконлар эшигига «қадрдон» «очеред»лар пайдо бўлди...

Худога шукр, бугун ўлкамизнинг қайси бурчидаги қайси бозорга кирманг, бир-биридан чиройли нонни қўрасиз. Нонни санъат асари даражасига айлантириб юборган новвойларимиз бор! Бироқ, бу уни увол қилиш мумкин деган маънони англатмайди. Нон қанча хор қилинса, шунча қимматлашиб

кетиши мумкин. Дунёнинг биронта мамлакатида, ҳатто бойлиги кўплигидан ёрилиб кетай дейдиганида ҳам ҳеч ким ҳеч кимга текинга нон бермайди!

«Нон одамдан азиз бўптими?» деган гапни кўп эшиитамиз. Тўғри, одамзот – Худонинг энг мукаррам мавжудоти. Лекин нон одамдан азиз бўлиши жуда ҳам мумкин!

Жануби-шарқий Осиёнинг айрим мамлакатларида тиланчилар кўп бўлади. Машина тўхташи билан атрофингизни ўнлаб гадойлар ўраб олади. Кўчак-кўй, бозор-ўчарда ҳам ортингиздан тўда-тўда бўлиб эргашиб юради. Тағин ўндан тўққизтаси ёш болалар, қизалоқлар... Бунинг устига кўпчилиги чўлоқ-маймоқ. Бирининг чап қўли орқасига файри-табиий қайрилиб кетган, бирининг ўнг қўлида учта бармоғи йўқ... Сафарда бизга таржимонлик қилаётган йигитдан сўрадим:

– Бу болалар туғма маймоқми? Нега деярли ҳаммасининг бирон қусури бор?

Саволимга ақлга сифмайдиган жавоб олдим.

– Улар туғма майиб эмас. Кичкиналигига атай-лаб шундай қилишган. Одамларнинг раҳмини келтириб, кўпроқ «бахшиш» топиши учун.

– Ўз ота-онаси шундай қилганми? – дедим ҳайратланиб.

– Баъзилари етим. Баъзиларини ота-онаси рухсати билан мажруҳ қилишган. Албатта, бундай ишлар давлат идораларидан яширинча қилинади. Тиланчиларнинг ўз «мафия»си бор.

– Ахир бу ваҳшийлик-ку! – десам, таржимон тағин кутилмаган жавоб қилди:

– Унчалик эмас. Гадойлар «ташкилоти» жуда пухта ишлайди. Бир кунда ким қанча топганини яхши билади. Алдаган омон қолмайди. Лекин тиланчиларнинг биронтаси бирон кун кулбасига нонсиз бормайди ҳам. Башарти ўша бола бугун ҳеч нима «ишломаган» бўлса-да, умумий тушумдан ўз улушини олади. Уларнинг ҳам ўз «адолати» бор. Хуллас, бир бурда нон топиш учун ҳар ким қўлидан келган ҳунарини қиласди...

Бундай манзарани кўрганда нон оламдан азиз эканига ишонмай иложингиз йўқ...

Биз билиб-бilmай увол қиласиган неъмат фақат нонми? Халқимизда «сув текин», «сувдек сероб» деган иборалар бор. Аслида сув текин бўлиши мумкинми? Сув деган неъмат шунчалик серобми?

Болалик – тонг саҳардаги туш каби тотли бўлади. Кўмсайверасан, киши... Мактабимиз ёнидан Ширин деган ариқ оқиб ўтар эди. Суви ҳам номига муносиб ширин, тиниқ бўларди. Биз – болалар танафус пайтида югуриб бориб, ҳовучлаб ичишга ҳам тоқат қилмай, шундоқ қирғоқча ётиб олиб, симириб чанқофимизни қондирар эдик...

Кейинчалик ўйлаб қарасам, «табиатни асраш», «экология» деган гаплар у пайтларда йўқ бўлса ҳам одамлар бу «иљм»ни аллақачон пухта эгаллаб бўлган экан. Оқар сувни ҳаром қилиш у ёқда турсин, биронта хасни ариққа ташлаш ҳам гуноҳ саналарди.

...Болалигимда рўй берган бир нохуш воқеа эсимдан чиқмайди.

Дўмбравотнинг боғ-роғли гўшасида тўқимачилар комбинатининг кашшофлар оромгоҳи бўларди. Ёз келиши билан шаҳардан келган юзлаб болалар қий-чуви оламни тутар, биз «қишлоқи»лар учун ҳам янги ўйинлар топилиб, яйраб қолардик. Акам сал жангарироқ, «жанжални пулга сотиб оладиган» хилидан эди. Бир куни ака-ука айланиб, Дархон арифи бўйига борсак, бир бола қирғоқда туриб, бемалол сувга «чоптияпти». Акам югуриб келиб орқасига бир тепган эди, бола шалоп этиб сувга тушди. Буни қарангки, сузишни билмас экан. Оғзидан билқиллаб сув чиқиб, кўзи ола-кула бўлиб кетди. Акамнинг ўзи Дархонга ташланиб уни олиб чиқди. Воқеа ўша заҳоти «вожатий»га етиб борибди. Ҳаммаёқ тўполон бўлиб кетди! «Фалончи безори лагерда дам олаётган кашшофни чўқтириб ўлдирмоқчи бўпти!» Бирор мелиса чақирадиган бўлди, бирор акт тузадиган бўлди... Адам (биз отамизни «ада» дердик) ҳам боғбон, ҳам қоровул бўлиб ишларди. Ҳамма айбни адамга юклашди.

«Ростки, қоровулмисан, бунисига ҳам сен жавоб берасан!» Шунда адам ғалати иш қилди. Бояги «жабрдийда» боланинг қўлидан етаклаб лагерь ошхонаси олдидағи «сиймонланган» ҳовуз бўйига олиб келди. «Биламан, сен шаҳарда жўмракдан сув ичсан, – деди боланинг бошини силаб. – Сен томонларда ариққа ахлат оқизилади. Ке, болам, манави ҳовузга сий!» Вожатийларнинг эсхонаси чиқиб кетди. (Шаҳардан ўн чақирим наридаги қишлоқда водопровод нима қилсин? Ҳамма, жумладан, дам оловчи-лар ҳам ариқ сувини ичади). «Нима, сиз болаларни дизентерия қилмоқчимисиз? – деди лагерь дўхтири ўдағайлаб. «Уларчи? – деди адам сув этаги томонга имо қилиб. – Улар одам эмасми? У ёқда яшайдиганлар ҳам шу сувни ичади-ку!» Оромгоҳ бошлиғи – лабини памилдоридек қизилга бўяб юрадиган хотин эди. «Бу одам тўғри айтаяпти! – деди қатъий қилиб. – Қайси отряд боласи сувни ҳаром қилса, вожатийси ишдан ҳайдалади!» Лаби памилдорига ўхшаш ўша директорни ҳамон ҳурмат билан эслайман...

Шу йил эрта баҳорда бир вақтлар ўзим сув ичган, чўмилган Қонқус анҳори бўйига бордим. Ариққа ҳали сув келмаган экан. Қарасам, ўзанда йўқ нарсанинг ўзи йўқ! Машинанинг сийқа баллони, бир пой резина этик, занглаб кетган арматура, мушукнинг ўлиги... Анҳор бўйидаги кўпқаватли уйлар этагидан мағзава оқиб тушаяпти...

Сувнинг уволи тутмайдими?

...Чет элларга борганлар бир нарсага эътибор берган бўлиши керак. Мусофирихонада юзингизни ювмоқчи бўлсангиз, хоҳласангиз ҳам сувни шариллатиб оқиза олмайсиз. Сув кетадиган тешик шундай ўрнатилганки, жилдиратиб туширишга мажбурсиз. Бўлмаса, дарҳол тошиб кетади. Мехико – дунёдаги энг катта шаҳарлардан. Аҳолиси йигирма миллион! Меҳмонхонага киришимиз билан навбатчи бир нарсани тайинлади. «Ювениш хонасида пластмасса идишда сув бор. Тишингизни шунга ювинг. Жўмракдаги сув экологик тоза эмас. Бет-қўлни ювиш мумкин, аммо оғзини чайиб бўлмайди». Бутун

бир мамлакатга тенг шаҳар тоза сув танқислигидан қийналар экан. Кейин Мехикодан Гвадалахара-га машинада бордик. Йўл-йўлакай фалати манзарани кўрдим. Фермерларнинг томи устида параболик антеннани эслатадиган қурилма ўрнатилган. Деярли ҳар бир ранчо томида! Йўл бошловчидан «бу нима?» деб сўраган эдим, тушунтириб берди. Бу – антенна эмас, ёғин сувни тўплайдиган маҳсус резервуар экан. Деконлар қор ва ёмғир сувларини ўшанга тўплаб, қувурлар орқали пастга туширад, эҳтиёжига ишлатаркан...

«Олдингдан оқсан сувнинг қадри йўқ», дейдилар. Келинг, айбни бирордан эмас, ўзимиздан излаб кўрайлик. Табиийки, ҳар куни эрталаб ювинамиз, соқол оламиз... «Табаррук» соқол олиб бўлингунча жўмракни охиригача шариллатиб очиб қўяшимиз. Қарабисизки, камида бир челак сув кетди оқиб! Бет-қўл ювилгунча тағин икки челак... Оиласа олти киши бор... Нонуштадан кейин келин-пошша неваранинг иштончасини ювадилар-да, чайиш учун жўмрак тагига ташлаб қўядилар: иссиқ-совуқ сув аралаш. Чорак соат... Ёз палласи ишдан қайтишда футбол коптогидек тарвуз қўлтиқлаб келамиз. Ваннага тўлатиб сув солиб, тарвузни ташлаб қўяшимиз: совутиш учун. Ҳовлидаги водопровод жўмрагини варанглатиб «бир соатгина» очиб қўйиш ундан ҳам қулай! Эртасига регби коптогидек қовун олиб келамиз...

Шўро замонида пахтанинг ҳузурини марказ кўрди. «Фалон миллион тонна ҳосил оламиз», деб Оролни ўлим ёқасига олиб келдилар... Кейинроқ бўлган қурғоқчиликдан Қорақалпоғистоннинг олис овулларига машинада сув ташиганлар, икки челак ичимлик сувни кўзига тўтиё қилганлар «олдингдан оқсан сув» қадрини яхши билади...

Қўйингчи, сиз билан биз увол қилмайдиган нарсанинг ўзи кам! Бостирмадаги чироқ кеча-кундуз ёниб ётса, ваннахонадаги титан қишин-ёзин гуриллаб турса, «ҳай, барака топгур, шуларнинг ҳам уволи бор-ку», дейдиган одам йўқ!

Холбуки, ярим соат газ бўлмай қолса, электр бир соат ўчиб қолса, фифонимиз фалакка чиқади...

Бир неча йил олдин ён қўшни мамлакатга хизмат сафари билан бордик. Анча жиддий халқаро йигин бўлди. Ҳаммаси жойида. Фақат кечқурун меҳмонхона деразасидан ташқарига қарасам, рўпарадаги кўп қаватли уйлар зим-зиё. Унда-мунда деразаларда ўлимтик чироқ кўринади... Эртасига бизга ҳамроҳлик қилаётган мезбондан сўрадим:

— Нима бало, одамлар аввал оқшомдан ётиб, уйқуни урадими?

— Йўқ, — деди мезбон, — бизда электр энергияси етишмайди. Шаҳарнинг қайси туманида ҳафтанинг қайси куни чироқ ўчирилиши олдиндан эълон қилинади. Одамлар ҳам шунга яраша ҳаракатини қилиб қўяди: шамми, керосин лампами...

Шубҳасиз, бундай тақчиллик бизга келмасин. «Бирини кўриб фикр қил, бирини кўриб шукр қил», деган гапни эслаяпман, холос...

* * *

Моддий неъматларни увол қилишни гапирдик. Энди бундан ўн карра ортиқ уволлар тўғрисида ҳам тўхтаб ўтмасак,adolatdan бўлмас. Ноn ҳам топилар, сув ҳам, ҳарорат ҳам... Ўзини ўзи увол қилаётган одамларга нима дейсиз?

Аччиқ бўлса-да, бир ҳақиқатни тан олайлик. Ўз боласини туғруқхонага ёки «мехрибонлик уйи»га (аниқроғи етимхонага) ташлаб қочаётган «инкубатор» хотинлар йўқми? «Пул дарди – кабоб» деб, катта шаҳарларга, иложини топса, чет элларга югурадиган аёллар-чи?

Ўзининг гуноҳи эвазига туғилган бегуноҳ гўдакнинг уволи «инкубатор» хотиннинг ёқасидан олмасмикан? Бугун бўлмаса эртага? Оиласининг, эрининг, борингки, фарзандларининг кўзига чўп солиб «ҳам тижорат, ҳам саёҳат» қилиб келганинг касофати ўзига урса-ку садқаи сар! Бегуноҳ болаларига урмасмикан?

Минг афсуслар бўлсинки, аёлининг «мўмай» пул топишига монелик қилмайдиган «эркак»лар ҳам йўқ эмас экан! «Тижоратчи» хонимлар чет элга серқатнов бўлиб қолган кезлари бир одам узоқ мамлакатдан келгани, «зарил» гапи борлигини айтиб, қўнфироқ қилди... Кўришдик... Гаплашдик...

— Худога шукр, — деди меҳмон фотиҳадан сўнг, — Ватанимиз мустақилликка эришиб, она юртимизни зиёрат қилиш баҳтига мұяссар бўлдик. Отам раҳматлик бу кунларни кўролмай армонда кетдилар...

Унинг айтишича, ота-болалари ўттизинчи йиллардаги қатағонлардан безор бўлиб, чет элга кетган. Қанча сарсон-саргардонликдан сўнг ўша юртда қўним топганлар. Бу киши ўша ерда туғилган экан. Аммо она тилини, удумларимизни унутмаган. Истиклол шарофати билан она юргига келиб, Марфилондаги қариндошлари билан дийдор кўришиб тураркан.

— Сизга айтадиган нозик гапим бор: қиёмат қарз гап, — деди у муддаога кўчиб. — Ҳамма ҳалқнинг ўзига хос жиҳатлари бўлади. Араблар яхши одамлар. Фақат бақириб, шанғиллаб гапирадиган одати бор. Бу ерга келишимдан олдинроқ хунук бир нарсанинг гувоҳи бўлдим. Икки араб товушини баралла қўйиб гаплашяпти. «Юр, фалон мусофири-хонага, фалон юртдан суюқоёқ хотинлар келган. Арzon-гаровга майшат қиласиз!» Турган жойимда қотиб қолдим. Титраб кетдим! Улар ўзбек аёллари тўғрисида гапираётган эди! Тақсир, қиёмат қарз гапим шуки, газетадами, телевизордами шу нарсани ётифи билан айтинг. Хотинлар тижоратга борса, эри билан борсин.

Бу ҳақда телевидениеда чиқиш қилишга ваъда бердим. Албатта, тижорат қилиш гуноҳмас. Аммо фақат молни эмас, номусни ҳам ўртага қўйиб «тижорат» қилишни оқлаш мумкинми? Устига-устак булар фақат ўз оиласини эмас, бутун бошли Ватанини, бутун бошли элини етти ёт бегоналар олдида бадном қиласапти! Бунисини икки дунёда кечириб

бўлмайди! Телекўрсатувлардан бирида шу ҳақда бир қадар пардали, аммо тушунарли қилиб айтдим...

Эртасига бир одам телефон қилди. Салом-алик йўқ. Хотиним қайси юрга бориши билан кимнинг нима иши бор?» деб гўшакни илиб қўйди... Эрнинг ўзини Худо уриб қўйганидан кейин хотинга гапиришдан нима наф?

Бундан ҳам нохушроқ бир воқеа эсимдан чиқмайди.

Мустақиллик шарофати билан йўллар очилиб, бир замонлар шўро зуғумидан қочиб чет элга кетишга мажбур бўлганлар ота юртини тез-тез зиёрат қила бошлаган кезлар эди. Шундай кунлардан бирида жануби-шарқий Осиёнинг олис мамлакатидан келган йигит билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Ўттиз ёшлар атрофидаги, зиёли, одобли йигит экан. Боболари ўттизинчи йилларда аввал Аффонда, сўнг яна аллақанча мамлакатларда дарбадар кезиб, охир ҳозирги жойида қўним топган экан. Йигит илмли, университетда дарс бераркан. Айтишича, ҳозир яшаётган жойларида кўп бўлмаса ҳам ўзбек оиласи бор, ҳаммаси юрт соғинчи билан яшаркан. Суҳбат асносида кўнглидаги энг катта орзусини айтди:

— Ўзбек қизга уйлансан дейман. Отамнинг вазияти ҳам шу эди. Яратганга шукр, бирордан кам жойимиз йўқ. Насиб этса, келинни ҳам, қудаларни ҳам ҳурматини жойига қўямиз. Шу ердан уйлансан, фарзандларимизнинг томири тағин ота юрт билан боғланарди...

Ростини айтсан, унинг гаплари шунчаки ҳавасдек туюлгани боис чандон эътибор бермадим. Бироқ ярим йилдан кейин ўша ёқдан тағин телефон қилди. Ўзида йўқ хурсанд! Худо ниятига етказибди – Тошкентда тўй қилибди. Мени айтиб борса, таътилда эканман, келин-куёв иноқ яшаётган эмиш...

Табрикладим. Қувончига шерик эканимни айтдим. Ёшларга баҳт тиладим... Бу гаплар эсимдан ҳам чиқиб кетган эди, икки йиллардан кейин куёв тағин телефон қилиб қолди. «Тузукмисизлар, келин

қалайлар, юртини соғынмаяптыми?» десам узоқ жи-
миб қолди-да, уф тортди.

— Мени Худо уриб қолди, ака! — деди ўқинч би-
лан. Айтишича, хотини аллақандай инглиз миллио-
нерига «илакишиб», гүдак боласини ташлаб уйдан
кетиб қопти.

— Номусга ўлдим, ака, — деди йифламоқдан бери
бўлиб. — Қайнонамга айтинг, қизини йўлга солсин.
Мен қўнфироқ қилсам, телефонни олмаяпти. Ҳеч
кимга ёмонлик қилганим йўқ-ку! Рисоладагидек
тўй қилдим. Қайнонамга тўрт хонали уй, етарли ан-
жомлар олиб бердим... Тўғри тушунинг, буни иддао
қилиб айтаётганим йўқ. Она-ку, ахир, қизига наси-
ҳат қилиб қўйсин. Атрофимдагилардан уяляяпман.
Нима етмаяпти, хотинимга!

...Ўша куни эмас-ку, эртасига айтилган рақамга
қўнфироқ қилдим. Пардалироқ алпозда фикримни
айтдим:

— Узр, сизларнинг ички ишингизга аралашиш-
га ҳаққим йўқ-ку, куёвингизнинг илтимосини ай-
таяпман. Қизингиз у кишини ранжитган кўрина-
ди. Ҳарқалай ёш оила бузилиб кетмагани маъқул-
микин...

— Менга қаранг, — деди қайнона эътиrozга ўрин
қолдирмайдиган оҳангда. — Нега бировнинг ишига
аралашасиз?! Нима ишингиз бор?!

Гўшакни илиб қўя қолдим. Демак, қизининг
«хурмача» қилиқларидан хабардор экан-да! Ким
билсин, балки ўзи ўргатгандир бунаقا «хунар»ни...
Хаёлимга ўзбекнинг доно мақоли келди. «Таппи
таппидан узоққа тушмайди!»

Икки кундан кейин куёв қўнфироқ қилган эди,
хулосамни айтдим:

— Хафа бўлманг, ука, бунаقا хотиндан қутул-
ганингизга шукр қилинг!

Куёв хўрсинди:

— Ахир мен уни ўзбек деб...
— У ўзбек эмас! — дедим гапини кесиб, — умуман
ҳеч ким эмас! Онаси ҳам, ўзи ҳам!

Номусини увол қилғанларни тағин ким аташ кепрак?!

...Чилонзорда туралын жияним айтиб берган «ҳанғома» бундан ҳам «қызық». Бир куни ишлаб ўтирса, пастдаги құшниси құнғироқ қилиб, сув тошиб кетаётганини айтибди. «Дом»да яшайдынлар сув тошиши қанақанги бало эканини билади. Хуллас, ҳовлиқиб борибди. Қараса, сув уникидан эмас, түртінчи қаватдан тошиб тушаётгандың экан. Юқоридан тушған сув унинг хонадонини хароб қилиб, пастки қаватга ҳам оқиб ўтған. Иккі құшни ҳайхайлашиб, юқори қаватга чиқадилар...

У ёғини жиянимнинг ўз сүzlари билан айтиб құяқолай.

— Эшикни шу тақиллатамиз, шу тақиллатамиз, биров кимсан, деб сұрамайды! Карсоқовлар жамиятининг аъзосими булар, ҳайронман! Йүқ, бир маҳал эшик очилиб, ялтироқ халат кийған ёшгина хонимча пайдо бўлди... Қарасам ичкарида ҳам иккитаси хонада тошиб ётған сувни латтага бўқтириб, пақирга солаяпти. «Уйнинг эгаси ким?» — десак, «Билмаймиз, бошқа жойда туради», дейди. «Ўзларинг кимсизлар?» — десак, «квартиранлармиз», дейди. «Қаёқдан келгансизлар, қаерда ишлайсизлар?» деган саволга жавоб «ноль!» Аёлни етаклаб ўзимизнинг хонага олиб тушдим. Бўёқлари кўчиб кетган шифтни, олапес бўлган деворларни, расвоси чиқдан гиламларни кўрсатиб, «буларнинг ҳақини ким тўлайди?» десам, «бизда пул нима қилсин?» дейди. Тағин-чи, хижолат бўлиш ўрнига кўзлари сузилиб, илжайи-иб турибди. «Ақажон, — дейди, — шу иш яхши бўлди-да, сиз билан танишишга баҳона тополмай юргандик ўзи!» дейди. Шу гапни хотиним эшитиб қолса борми, нақ терингни шилиб олади, дедим... Ярим кечаси келиб сигнал чаладиган машиналар, зинада думалаб ётадиган шприцлар ҳамманинг жонига теккан эди ўзи! Милицияга хабар қилдик. «Квартиранлар»дан қутулдик. Ижаражур ҳам даф бўлди. Бола-чақали бошқа құшни кўчиб келиб, тинчиб қолдик...

...Бугун тафаккури, дунёқараши мустақиллик йилларида шаклланган авлод пайдо бўлди. Ёшларимизнинг юриш-туришига, илмга чанқоқлиги, жаҳон миқёсида фикрлашига қойил қоласиз! Институт талабаси у ёқда турсин, коллеж ўқувчиси ҳам иқтисод, сиёсат, чет тилини сиз билан биздан яхши билади! Дунё воқеаларидан чуқур хабардор, шижаотли, энг замонавий техниканинг «розеткасидан кириб, антеннасидан чиқиб кетади!» Бу авлодга ҳавас қилсак арзиди!

Шу билан бирга гуруч курмаксиз бўлмагани каби баъзи ёшлар орасида енгил ҳою-ҳавасга интилиш, ҳамма нарсага «бир йўла» эга бўлишга ҳаракат қилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Бир умр кетмон чопган отанинг минг машаққат билан топган пулига шартнома ҳақини тўлаб ўқиётган, аммо илм олиш ўрнига бугун қимматбаҳо чет эл сигаретини чекиш, эртага ичкилик ичиш, индинга «нина»га ўрганиш йўлига кираётган йигитчалар бор. Ота шўрлик «ўғлим олим бўлиб келади, «праписир» бўлиб кела-ди, тўй қиласман», деб хурсанд! «Праписир» эса ўз умрини ўзи увол қилиш билан овора!

Тавба деб гапирайлик. Ҳаммамизнинг ҳам фарзандларимиз бор, набираларимиз бор... Бунчалик андишасизлик илдизи қаерга бориб тақалади? Ахборот асрининг «акс мўъжизалари»дан бири шу эмасмикан? Телевидение, Интернет, турли дискотекалар, «стриптиз-бар»лар, шубҳали клублар, фаҳш видеокассеталар... Булар камлик қилгандек, «инсон эрки», «инсон ҳуқуқи», деб шовқин соладиган, «миллий удум» десангиз, тепа сочи тик бўлиб кетадиган, ҳаммани ўз қолипига солишга, ҳаммаёқни глобаллаштириб, ҳалқни ҳалқ сифатида, миллатни миллат сифатида маҳв этишга уринадиган турфа хил «ташкилот»лар... Бундай пайтда сиз билан биз – отоналар ҳам ўз ҳуқуқимизни талаб қилишга тўлиқ ҳақлимиз! Шунача «инсонпарвар» «хайриҳоҳлар»га «менинг болам сеникига ўхшашини хоҳламайман, менинг фарзандим ор-номусини оёқости қилмайди»,

дессангиз ҳеч қандай «халқаро ҳуқуқшунос» фириңг деёлмайди...

Биламан, булар анчайин дардли гаплар. Лекин касални яширсанг иситмаси барибир ошкор қиласы. Ҳаётнинг күп паст-баландини күрган, иссиққа ҳам, совуққа ҳам бардош берган отахонлар билан бу мавзуда бир неча бор суҳбатлашдик. Күп ўринларда фикр бир жойдан чиқди. «Қулоқ қилиш» замонидаги қаҳатчиликта ҳам, уруш йилларидаги очарчиликта ҳам одамлар ҳар қанча машаққатга қарамай, орномус, инсоф, андиша, сабр-қаноат деган нарсани унутмаган.

Назаримда ҳозир айнан шу сабр-қаноат тушунчаси хирадашкан күринади. Эрининг күзига чўп солиб «тижорат» аралаш хиёнат қиласидиган аёл «нега қўшнининг хотини бриллиантга беланиб юради-ку, мен ақалли «модний костюмчик» ололмайман, нимам кам ундан», деб ўйлади. Отасининг тер тўкиб топган пулига ўқиётган бўлажак «праписир» «нега фалончи курсдошим ўқишга ўзининг «Мерседеси»да келади, ҳар куни ресторонда «жононлар» билан майшат қиласиди-ю, мен ақалли бир марта «тортмаслигим» керак?» деган хаёлга боради. Куппа-кундузи боғда «йигит»нинг пинжига кириб «эркин муҳаббат» изҳорини эшитаётган қиз «фалончи дугонам нима учун ҳар куни ҳар хил йигитнинг машинасида дискотекага боради-ю, мен нега ўйнаб-кулмаслигим керак, мен ундан чиройлироқман-ку», деб хаёл суради... Шу тариқа одамни яхшиликдан кўра ёмонликка кўпроқ ундейдиган, қандай қилиб бўлмасин, тезроқ бой бўлиш, тезроқ «баҳтли» бўлишга интилиш истаги кучайиб кетади. Аслида кунига ресторанга бориб майшат қилиш, яширин наркотик чекиш охирокибат одамни абгор қиласи. Ҳаром-хариш йўл билан топилган пул бир куни тешиб чиқади. Ҳар куни ҳар хил йигитнинг машинасида «катайса» қиласидиган қиз беномуслик кўчасига киради. Беномус эса бадном бўлмай қолмайди...

Савол туғилади. Ҳўш, бундай ҳолатларни жиловлаш учун нима қилиш керак?

Келинг, ҳаммасини бошидан бошлай қолайлик. Нонни увол қилиб ахлат қутисига ташлаган судга берилсин, сувга мағзава оқизган бадарға қилинсин, кундузи электрни ўчириб қўймаган жазолансин, тарвузини ваннада совутадиган сазойи қилинсин, деган қоида йўқ. Ўзбек аёли эрининг иштирокисиз чет элга бориб «тижорат» қилмасин, олисдан келган аёллар «аллақайси қариндошига қариндош бўлмиш аллакимникида» «меҳмон» бўлмасин, талаба йигит ресторонга кирмасин, талаба қизалоқ боғда «хуштори» билан сайр қилмасин, деган қонун ҳам йўқ.

Демак, яна савол туғилади. Буёғи қандоқ бўлди? Нима қилиш керак?

Бизда маънавият масаласи давлат сиёсати дара-жасига кўтарилигани бежиз эмас. Зеро, маънавияти суст жамият охир-оқибат таназзулга юз тутади. Увол тушунчasi эса маънавиятнинг ўзак нуқталаридан бири. Уни аждодлардан олиб авлодларга етказиш, етказганда ҳам заха қилмай, бутун қиммати, теран моҳияти билан англашиб сиз ва биз – катта авлод зимасига тушиб турибди. Биз бунга оғринишимиз эмас, севинишимиз керак. Ёш авлод ота-боболаридан қолган гўзал қадриятларни авайлаб давом эттирса, қувонмай бўладими?!

АНДИША

Буюк адаб Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ҳар сафар ўқиганда адебнинг ўзбек халқининг ўзига хос ажиб фазилатлари, феълатвори, замонавий тилда айтадиган бўлсак, менталитетини нақадар теран билиши ва нозик тасвирлашига қойил қоламан. Асарда одоб-ахлоқ, ақл-идрок, ҳаё-ибо сингари тушунчалар бениҳоя табиий акс этган. Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Мана, шулардан бири.

Отабек билан Кумуш бахтидан энтикиб яшаётганда кутилмаган фалва чиқади. Ўзбек ойим Юсуфбек ҳожи олдига мантиқли талаб қўяди. Ё Отабек

хотини билан Тошкентта келсин, ёки Тошкентда бошқа қызга уйлансын. Бир қараганда бу гаплар «эскилик сарқити» бўлиб кўринса-да, Тошкентдаги ота-она орзусини ҳам тушунса бўлади. Улар биттаю битта ўғлининг Марғилонда «ичкуёв» матлабида қолишни истамайди. Кумушни олиб келса бош устига! Лекин Кумуш ҳам ёлғиз фарзанд. Унинг ота-онаси ҳам қизини бағридан чиқаришни хоҳламайди. Марғилонлик қудалар охир-оқибат Отабекнинг иккинчи хотин олишига розилик берадилар. Шунаقا-ку, бундай фожиага Кумуш қандай қарайди? Романда бу манзара шундай чизилади.

Кумушнинг кўзида ёш кўрган Отабек оғир руҳий азобга тушади.

— «Ота-она розилигини бир томчи ёшингизга арзитдимми?» — дейди изтироб билан.

Кумуш нима дейди?

— «Мен рози, мен кўндим, — деди дафъатан Кумуш. Бу сўзни нимадандир қўрққандек шошиб айтди».

Бу гапни айтиш Кумушга осон бўлдимикан? У исён кўтариши, «сен — бевафо, сен — алдоқчи устимга нега хотин оласан?» деб жанжал қилиши мумкинмиди? Албатта! Ёки, «сен менинг қадримни билмасанг, эркак зоти қуриб кетган эмас», деб эри ойлаб йўқ бўлиб кетганида «жазман» орттириши (француз адабиёти модели), ёки эриними, кундошиними ўлдиртириб юбориши (инглиз адабиёти модели) мумкинмиди? Кумуш нега шундай қилмайди? Нима бу? Феодализм иллатими? Хотин-қизларни одам санамасликка кўр-кўрона бўйсуниш — забунликми? Ўзбек ҳаётини билмаганлар энг асосий сабаб шу, деб кўрсатиши аниқ. Лекин бу ўринда бошқа сабаблар ҳам бор. Кумуш Отабекни беқиёс севади, унинг садоқатига, башарти бошқага уйланишга мажбур бўлган тақдирда ҳам барибир айнан ўзини севишига ишонади. Қолаверса, Отабекнинг ота-она раъийга қарашдан ўзга иложи йўқлигини тушунади. Эрининг камроқ изтироб чекишини хоҳлайди ва Отабекнинг

қалбини жароҳатламаслик учун ўз юрагини абгор қиласы! Бу – Кумушнинг ожизлиги эмас, мардлиги, нодонлиги эмас, донолиги! Ва яна бир гап: унда андиша бор. Ҳарчанд озор чекмасин, эрининг юзига тик қарамайди. Бетгачопарлик қилмайди!

Суюксиз хотинга уйланишга мажбур бўлган Отабек «чиласи» чиқар-чиқмас қанот боғлагудек бўлиб, Кумуш томон – Марғилонга учади. Ҳомид ёллаган қотил – Содиқнинг қўлида сўйилиб кетиш хавфидан тасодифан омон қолиб, қадрдан хонадони дарвозасига етиб келиши билан қайнотаси – Қутидор уни ҳайдаб солади. Кўришмак учун узатган қўли ҳавода муаллақ қолган Отабек ҳайратланиб сўрайди:

– «Бу қандай ҳаракат, ота?

Қутидор титроқ ва ҳаяжонли бир товуш билан:

– Уятсизга менинг уйимда ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашишга ҳам тоқатим йўқ. Борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз! – деди-да, ўзини ичкарига олди...»

Қайнотанинг аҳволини тушуниш мумкин. Ҳомид уюштирган фитна – Отабек номидан Кумушга ёзилган «талоқ хати» уни адои-тамом қилган. Қизининг устига хотин олишга розилик берган, Кумушнинг баҳтиқаро бўлишига ўзини ҳам сабабчи ҳисоблаган одам шундай аҳволга тушиши табиий эди... Шунақаку, алам ва изтиробдан титраб турган Қутидорнинг муомаласига тағин бир карра эътибор беринг. У Отабекни ҳақорат қилмайди, лаънатламайди, шовқин солмайди. Ҳатто шу ўринда ҳам «сиз»лаб гапиради. Отабек-чи? «Шошманг, ота, нима гап ўзи, аввал масалани ойдинлаштириб олайлик», демайди. Боши оққан томонга кетаверади. Нега шундай? Албатта, у иккинчи хотин олганини бу хонадондагилар кечиролмаяпти, деган ҳаёлга борган бўлиши керак. Ундан бўлса ўртага одам қўйиб, охиригача ҳақиқатнинг тагига етиши мумкинмиди? Албатта! Нега шунақа қилмади?

Унда андиша бор эди! Энди бу хонадонга қадам босиш у ёқда турсин, дардини бирорвга айтишга ҳам ор қилар эди.

Романнинг якуний қисмida яна бир фалати тасвир бор. Кумуш ўғил туғди. Отабек фарзандли бўлди. Ўзбек ойим Отабекни қутлайди. Адид бу лавҳани шундай тасвирлайди.

«Қоронғу бўлса ҳам Ўзбек ойимнинг тусидаги шодлик белгилари қўриниб турарди.

– Ўғил муборак бўлсин, болам!

– Ўзи тетикми?

– Тетик!

– Олдига кирайми?

– Йўқ, – деди Ўзбек ойим, – чиллалик уйга кечаси келиб кириш яхши эмас...

– Ўзи?..

– Ўзи яхши. Хотиржам бўл! – деди Ўзбек ойим. Отабек кетига бурилиб ташқари йўлакдан киргувчи дадаси билан Ҳасанали шарпасини олди ва ўйланиб тўхтади. Айниқса, ҳозирги пайтда дадаси билан тўқнашиш унинг учун бир оз ўнғайсизроқ эди!»

Қизиқ, Отабек нима учун Юсуфбек ҳожининг кўзига қўринишга ийманаяпти? Нега ўзини «ўнғайсиз ҳис қиляпти»? Гап шундаки, у ўзбек! Отабек хотини туқъанини айтиб, отасидан «суюнчи» оладиган даражада тўнкамижоз эмас! Мана шунинг отини андиша дейдилар!

«Андиша» деган сўз, ҳаё, уят, мулоҳазакорлик, оқибатини ўйлаш каби кенг маънолар ташийди. Бу кеча ёки бугун пайдо бўлган тушунча эмас. Ҳазрат Навоий ҳам бу иборага бир неча бор мурожаат қилганлар.

«Умр ўтмакни андиша қил.

Давронга йўқдир меҳр, бил.

Эй шоҳ, гадони кўзга ил –

Ким на гадо қолур, на шоҳ...

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллиатнинг ўзига хос удумлари, ҳаёт тарзи бор. Бир халқники бошқасига ўҳшамаслиги, гоҳо зид келиши ҳам мумкин. Аммо бу билан уларнинг бирини яхши, бошқасини ёмон дейиш тўғри эмас. «Фин ҳаммоми» деган гапни эшигтансиз. Чиндан ҳам финларнинг ҳаммоми мил-

латнинг ифтихори саналади. У фақат ювиниш учун эмас, саломатлик учун ҳам ниҳоятда мос қурилма. Фақат шуниси борки, ҳаммомда эр ва хотин, мўйлови чиққан ака ва бўй етган сингил бемалол чўмилавериши мумкин. Чунки у «оилавий» маскан. Ўзбек бундай «томоша»ни тасаввур ҳам қилолмайди. Кўп ўзбек оиласарида бўй етган қизнинг она олдида (отани қўятулинг), вояга етган ўғилнинг ота олдида (онани қўятулинг) ич кийимда юриши, куёвнинг қайнота олдида чекиши, келиннинг қайнона-қайнота олдида овозини кўтариб гапириши андишасизлик саналади. Аммо бу билан финларни андишасиз деб аташ тўғри эмас. Сабаби – «оилавий ҳаммом» бу халқнинг кўп асрлик анъанаси. Шу боисдан бизга ҳуш келмайдиган одатларни қоралашимиз шарт эмас. Аммо миллатга ёт бўлган, бизни миллий ўзлигимиз, менталитетимиздан узоклаштиришга «хизмат қиласидиган» нарсалардан сақланишга мажбурмиз. Жумладан матбуотда ҳам.

Бир неча йил аввал америкалик бир хонимнинг ишқий саргузаштларини ёзмаган газета, кўрсатмаган телеканал қолмади. Хуллас у бўлди-бу бўлди, ўша хоним, қўполроқ қилиб айтганда, этагини бошга илиб, китоб ёзди. Китоб жонивор шунақсанги оммалашиб кетдики, хоним салкам «миллий қаҳрамон»га айланди ва икки орада миллионер бўлиб олди!

«Узок» ёки «яқин» чет эл мамлакатлари киностудияларида суратга олинган ҳар ўнта фильмдан биттасида учрайдиган, ҳаммамизга таниш бир лавҳани эслатишим мумкин.

Ота уйда, креслода газета ўқиб (ёки телевизор кўриб) ўтирибди. Қиз кириб келади.

О т а. Келдингми, қизим?

Қ и з. Келдим.

О т а. Кайфият қалай?

Қ и з. Жойида.

О т а. Чарчаган кўринасан?

Қ и з. Чарчаганим йўқ. (Хотиржам алпозда). Иккичатман.

О т а. Мен танийманми?

Қ и з. Кимни?

О т а. Ўша йигитни.

Қ и з. Танимайсан.

О т а. Сенга уйланадими?

Қ и з. Нима ишинг бор? Унга тегаманми-йўқми, бу – менинг проблемам! Ўн еттига кирдим. Мен мустақил одамман. Илтимос, менинг ишимга аралашма!

...Айтинг-чи, ўзбек қизи ўзбек отасига шундай муомала қилиши мумкинми? Билмадим...

Чет эл кино юлдузлари-ю, санъаткорлари ҳақида «сариқ матбуот» тарқатадиган «сенсация»ларини таъна қиласардик. Таъна таги тайфандоқ, деганлари ростмикан, бугун ўзимизнинг олдимизга келиб турибди. Сиз билан биз икки қўшни аёлнинг «ажабтовор» суҳбатни эшитсак, парво қилмайдиган бўлиб қолдик. «Эшитдингизми, овсинжон, фалончи ўлгурни эри тутвопти, ўйнаши билан!» «Вой, ростданми?» «Ўқимадингизми, газитда чиқди-ку!» «Вой-й-й-й! Эри сўйиб қўймабдими, ишқилиб?» «Сўяди-я-сўяди! Қайтага фалончихон эрининг паттасини қўлига тутқазибди! «Бу мени ўйнашиммас, делавой партнёrim, хоҳласам ўнта партнёр билан гаплашаман», дебди. «Ажаб қипти! Эр қаҳатми унга? Қоп-қоп доллари бўлса!»

Ана, сизга «сенсация!» Шунача «хайратомуз» хабарларни тарқатишни ёқтирадиган бир журналистдан сўрадим. «Фалончи судга бермайдими, чиққан мақола фирт шармандалик-ку», десам, у кулимсиради. «Нега судга бераркан, ўзи илтимос қилди-ку, шунача сенсация беришни!» Қаранг, қандай ажойиб! Газетага «пиар» керак, мақола «қаҳрамони»га реклама!

Келинглар, нуқул айбни бошқа ёқдан изламай, ўзимиздан ҳам қидириб кўрайлик. Кейинги пайтларда сериаллар «наркотик»ка айланиб қолди. Кўплар сериалга «бошқоронги» бўлганми, бир кун кўрмаса, хумори тутиб, бетоб бўлиб қолади. Албатта, улар

орасида шарқона одобни, инсоний муносабатларни тараппнум этадиган фильмлар бор. «Қишиң сонатаси», «Куз эртаги», «Сарой жавоҳири», «Ёз ифори» каби... Аммо аччиқ ичакдек йиллаб чўзиладиган маза-матрасиз томошалар, икки қуда ёнма-ён ўтириб томоша қилса кўзини қаерга яширишни билмай қоладиган «кино»лар ҳам йўқ эмас. Ажаб, нима учун уларга тилла топган гадойдек ёпишиб олганмиз?

Ўзим гувоҳ бўлган воқеани айтишим мумкин. Тошкент вақти билан Вашингтон вақти ўн бир соат фарқ қиласди. Бизда ярим кеча бўлганда ўёқда қоқ пешин, бизда тушлик пайтида у ерда ярим кеча бўлади. Кечада билан кундуз алмасиб қолгани учун тонготар ухломадим. Нима қилишни билмай, мингга яқин телеканалларни бураб кўрдим. Ишонсангиз, арzon-гаров сериаллар, эротика, фахш фильмлар, олди-қочди, урди-сўйди кинолар йўқ. Деярли ҳаммаси жиддий кўрсатувлар: сиёсий, иқтисодий, ахлоқий мавзудаги қизиқарли томошалар, болаларга, спортга бағишлиган программа ва фильмлар, концертлар. Нега шундайлигини ўйлаб бир хуласага келдим: гарбдагилар олди-қочдилару, енгилелли серайларни кўравериб «тўйиб бўлган». Ўша «мағзава»ни энди биз бошимиздан қуяяпмиз!

Ўзимизнинг газеталарда чиқаётган уятсиз латифалар, театр саҳнасидан айтилаётган беибо луқмалар, катта саҳналардан туриб қилинаётган шармандали қилиқлар, эфирларда «жаранглаётган» бетайин қўшиқ ва клиплар, номус, уят деган миллий қадриятларимизни оёқ-ости қилишда давом этаяпти.

Андиша деган тушунча фақат ўзаро муносабатларда эмас, кўча-куйда юриш, кийиниш одобида ҳам аниқ мазмун касб этади. Масалан, ҳинд аёллари асрлар давомида сари кийиб, аниқроғи сарига ўраниб юрган ва ҳозир ҳам шундай. Бу фақат миллий либос бўлиб қолмай, иқлим шароитининг ўзи шуни тақозо этади. Кейинги пайтларда ўзимизнинг кўчаларда сарига ўхшатиб қорнини очиб юриш, бу ҳам етмагандек киндигига зирак тақиб ликиллатиб «ҳаммани

қойил қолдириш», аниқроғи «жалб этиш» «мода» бўла бошлади. Майли, ўн саккиз яшар қизалоқ-ку ёшлиқ қилса қилгандир, «модница» бўлгиси келгандир. Ота-она жониворни нима Худо урди? Наҳотки фарзандига «ҳой зумраша, кўча-кўйда баданингни кўз-кўз қилиб юришга уялмайсанми, беномус?!» деса ҳақи кетади! Унинг тасаввурида бу «европача» мода! Барака топгур, ўзинг Европанинг қайси мамлакатига бордингу, қаерда кўрақолдинг бунақа «мода»ни? Ишонинглар, Швейцария ва Германияда ҳам, Америка ва Японияда ҳам эркақдир-аёлдир жуда оддий ва ярашиқли кийинади. Ярим яланғоч юриб ўзини бозорга соладиган хонимларни эса «қизил фонар» кўчасининг вакиллари дейдилар!

Андишасизлик, ҳатто бадиий адабиётга ҳам ўта бошлагани жиддий ташвишга солади кишини. Адабиётнинг бош вазифаси инсонийлик ва эзгуликни тараннум этиш! Афсуски, айрим адилларимиз ўзи билган ёки билмаган ҳолда беҳаёликни тарғиб қилаяпти. Йўқ, улар эротика ёки фахш ҳақида ёзаётгани йўқ. Бироқ асарнинг тагмаъносидан фалати хулоса чиқаяпти. Мазмуни бир-бирига икки томчи сувдек ўхшайдиган бир неча ҳикояни ўқиб ҳайрон қолдим.

«Асар»ларнинг лўнда мазмуни қуидагича. Қишлоқда, камбағал оиласида ўсан йигитча шаҳарга келади-да, бой одамнинг қизини севиб қолади. Бойнинг қизи ҳам ҳе йўқ-бе йўқ уни жонидан яхши кўради. Йигит шўрликнинг отаси (бошқа ҳикояда онаси) ўлиб кетган. Ўз ажали билан эмас, автоҳалокатда. (Чамаси ёзувчи автоҳалокатни қаҳрамонни ўлдиришнинг энг қулай усули деб ўйласа керак). Майли, буни мұхим эмас. Буни қарангки, «ёмон бой ота» билан «ёмон бойвучча она» ёшларнинг турмуш қуришига тиш-тирноғи билан қарши. Тўй бўлмайди! Тамом-вассалом! Фақат бу ўринда «жиндай», «арзимас» муаммо бор. Қизнинг бўйида бўлиб қолган. «Атиги «уч ойлик»... Муаллиф бутун айбни қизнинг ота-онасига юклайди, ҳамма фожиага шулар айбдор

деб хулоса чиқаради. Асосий фожиа нимада ўзи? Севган қизининг номусини поймол қилган «яхши» ошиқ ва иффатини кўчада йўқотган «яхши» қизда айб йўқми? Шунинг ўзи ахлоқсизлик, беандишлигни тарғиб қилиш эмасми? Бу сизларга юқорида айтилган «яқин» ва «йироқ» чет эл фильмидаги лавҳани эслатмаяптими?

Албатта, андишасизлар, бехаёлар кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» деган нарса қонун тусига кирган шўро замонида ҳам «шармандага шаҳар кенг» шиорини қурол қилиб олганлар йўқ эмас эди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида рўй берган бир воқеа эсимдан чиқмайди. «Тошкент оқшоми» газетасида ишлардим. Башанг кийинган, тилла тақинчоқлари ўзига хўп ярашган, кўхлиkkина аёл шикоят билан келиб қолди. «Раисполкомдаги бирократларни боплаб фельетон қилишим»ни сўради. Мен фельетон ёзмаслигимни айтганимда бир муштипар аёлнинг поймол қилинаётган ҳуқуқини ҳимоялаш менинг ёзувилик бурчим эканини эслатди.

Воқеа бундай бўлган. У «сўққабош аёл» сифатида тўрт хонали уй олишга ҳақли. Икки ўфил, бир қизи билан икки хонали каталакда сикилиб қолган. Ижрокомдагилар анчадан бери ишни пайсалга солиб келаётган экан. Бу эса қонунга хилоф экан. Аёл гапининг тасдифи сифатида ҳукумат қарорини ҳам кўрсатди. Унга биноан аёлга янги уй беришлари зарур экан.

– Нима, эрингиз вафот этганимилар? – дедим ачиниб.

– Мен бева эмасман, «мать-одиночкаман!» – деди аёл энсаси қотиброқ. – ЗАГСимиз йўқ.

– Нима, ажрашиб кетганимисизлар?

– Бунинг нима аҳамияти бор? – деди у қошини чимириб. – ЗАГСимиз бўлди нимаю, бўлмади нима?!

Ўшандаям ҳеч балони англамадим.

– Учта болангиз бўлса-ю, на ЗАГС, на никоҳ...

— Учта боламнинг отаси учта, тушунарлими? — деди у зарда билан. Мен сизга ЗАГС, никоҳ деганини тушунтириб беринг, деётганим йўқ. «Мать-одиночка» сифатида ҳуқуқимни тиклашга ёрдам беринг деяпман!

Шундагина гап нимадалигини тушундим. Демак, бу хотин уч болани учта эркакдан орттирган. (Иложи борича бадавлатроқ ва гўлроқ эрлардан) Худо билсин, болалар шўрлик отасини (оталарини) танимаса ҳам керак. Баайни инкубатордан чиқкан жўжадек.

Ҳарчанд тилимни тийишга уринмай, айтмаслигим керак бўлган гапни айтдим:

— Тўртинчи эрдан никоҳсиз тўртинчи бола туғсангиз, беш хонали уй талаб қиласизми?

Бўлди жанжал! Бўлди тўуплон! «Совет хотин-қизини», устига-устак муштипар «мать-одиночкани» ҳақорат қилган мендек «феодал» бир амаллаб қутулиб қолдим.

Эҳтимол, бундай қонун-қоидалар ўша пайтда эркаклар кам бўлган узоқ шимолдаги аёллар манфаатини ҳимоя қилгандир. Лекин қанақасига айлантирганда ҳам у ўзбек халқи руҳига мос келмас, чунки, амалда орсизлик, андишасизлик учун йўл очувчи «хужжат» эди. Туппа-тузук аёл ўша ҳуқуқдан «унумли» фойдалангани масаласига келсак, начора, эл-юртчилик: ҳар хил одам бўлиши мумкин.

Яқинда маҳалладаги йигинда отахонлар билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Фалати гапларни айтиб беришди. Уруш йиллари очарчиликдан силласи қуриган одамлар ярим кечаси нон дўконига «заборний карточкаси»ни кўтариб чиқиб «очирид» турган. Бирорни навбатдан чиқариб юбориш, ёш болаларни ҳайдаб, ўрнига ўзи кириб олиш деган гаплар бўлмаган. Аммо «заборнийси»га нон ололмай қолиш ҳоллари (нон етмаган ҳолатлар) бўлиб турган. Шунда нон олишга улгурган қўшни ўзи-ю, болалари чалақурсоқ қолса ҳам қўлидаги нонни қўшниси билан баҳам кўрган.

Қадимдан қолган тағин бир одат бор. Үчоқбошини ҳеч қачон қўшнининг деворига ёпишириб қуриш мумкин эмас экан. Таом пишираётганингда чиққан тутун қўшнининг кўзини ачитса еган овқатинг ҳаром бўлади, дейишаркан... Андиша дегани бўлса, шунчалик бўлади!

Бизда таом пиширишу овқатланиш одобидан тортиб меҳмон кутишгacha, кўчада юрищдан тортиб, даврада ўзини тутишгacha ҳаммаси андиша деган тушунчага асосланган. Нима бу, мутеликми? «Инсон ҳуқуқини камситишми»? Йўқ, буларнинг ҳаммаси донишманд ҳалқнинг минг йиллар давомида тўплаган хазинасидир! Шунинг учун хазинаки, у асрлар оша инсон зотини бир-бирини қадрлашга даъват этиб келди. Одамни одам бўлиб яшашга ўргатди. Шунинг учун хазинаки, Тангрининг суюкли мавжудоти – Инсон билан ўз нафсини қондириш йўлида бир-бирини ғажиб ташлашга тайёр ҳайвон ўртасида чегара борлигини муттасил эслатиб турди. Шу маънода айтиш мумкинки, андиша – инсониятни ҳайвонот оламидан ажратиб турадиган сарҳаддир! Яратганга шукроналар бўлсинки, бу хазинани совуриб юборганимиз йўқ.

Миллий қадриятлар, юксак маънавий тушунчалар мустақил Ватанимизда комил инсонни тарбиялаш, ёшларни ўз аждодлари асрлар давомида тўплаган маънавий бойликларни авайлашга ундаш етакчи фоялардан бирига айлангани бежиз эмас.

Шунақа дейман-ку, кўча-куйда, бозор-ўчарда юрганда, давраларга борганда, хизмат юзасидан турли одамларга рўпара келганда гоҳо ўйланиб қоламан.

Орамизда «шармандага шаҳар кенг» шиорини қурол қилиб қилиб олганлар йўқми? Беномусликни касб қилган аёллар қаёқдан пайдо бўляяпти? Уларнинг «раҳнамолари» бўлмиш «Мама-Розалар» йўқми? Юз доллар учун ўз акасини «сотиб» юборадиган «ука»лар, мерос талашиб синглиси билан юлишадиган «опа»лар-чи? Қайси эркакдан «илаштиргани»ни ўзи ҳам билмайдиган гўдакни

чирқиллатиб туғруқхонага ташлаб қочаётган «она»-лар, ўз отасини «ғарифхона»га обориб ташлаётган «ўғил»лар, квартирага эга чиқиш учун ўз онасини жиннихонага жойлаштириш ниятида югурниб юрган «қиз»лар йўқми?

«Андишанинг оти қўрқоқ» деб индамай тураверсак, андиша пардаси сийқалаша-сийқалаша йиртилиб кетмасмикан?! Охир-оқибат миллий маънавиятимизнинг гўзал бир хазинасини бой бериб қўймасмиканмиз?!

...Баъзи фикрларим кескинроқ бўлса узр сўрайман. Зоро, донишманд халқимизнинг асрлар давомида авайлаб келган маънавий қадриятларини асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

АДАБИЁТ – МАЪНАВИЙ-ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА

«Ёзувчилик – оддий касб эмас, Худо берган истеъдоддир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса бир умр ҳаётнинг ичидага бўлиш, ўз халқи билан ҳамдард, ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садокат билан хизмат қилишдир», деб таъкидланади Президентимиз Ислом Каримовнинг «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» мурожаатида. Бу сўзларда теран ҳақиқат бор.

Давлатимиз раҳбарининг мурожаатидан сўнг давлат ёрдамида Ёзувчилар уюшмасининг янги раҳбари томонидан талай ишлар қилинди. «Ижод» фонди ташкил этилди. Дўрмондаги боғ ва ижодхона тубдан қайта таъмирланди. Ёзувчилар поликлиникаси қайтадан курилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Богда республикамиизда ижод қилаётган юзга яқин ёш қаламкашлар семинари ўтказилиб, унда атоқли адаб ва шоирлар ёшлар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Истеъоддли ёшларнинг асалари ўқилиб, нашрга тавсия этилди. Хуллас, уюшмада ижодий жараён давом этмоқда.

Ёзувчилик истеъдоди чиндан ҳам Оллоҳ томонидан берилган инъомдир. Уни эзгулик йўлида ишлатмоқ керак. Қалам аҳлининг қисмати аввало ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилмок, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқат ва адолат тарафида бўлмоқдир.

Машҳур гуржи адиби Нодар Думбадзенинг гапи бор. «Мен ўз халқимнинг содик итиман», дейди. Чиндан ҳам қаламкаш ўз халқининг содик фарзанди, содик посбони бўлмоғи керак. Чунки ҳар бир ёзувчи ўз халқи, ўз юртининг гўзал фазилатларини дунёга достон қилишга, бу билан фахрланишга ҳақли.

Биз собиқ шўро тузумини мустабид деб аташимиз бежизмас. Шўро тузумида бепоён мамлакатда яшовчи барча миллит вакиллари – рус ва ўзбек ҳам, украин ва қозоқ ҳам, яхудий ва қалмиқ ҳам қатағон қиличидан омон қолмади. Золим тузум жаллодлари ҳар бир миллатнинг энг сара, энг истеъдодли фарзандларини қирғин қилдилар. Алам қиласиган жойи шундаки, халқнинг энг содик фарзандларига «халқ душмани» деган тамға босилди. Халқнинг фидойи фарзанди қандай қилиб «халқ душмани» бўлиши мумкин? Шўрлик олим, адиб, шоир ёки давлат арбобининг айби адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилгани, ўз юрти ва халқининг озод бўлишини орзу қилганимиди?

«Ўткан кунлар» романни қаҳрамони Юсуфбек ҳожи тилидан остоңандага қандай қаттол ёв турибди, сенлар «қипчок», «қора чопон» деб бир-бирингни гўштингни еб ётибсан», дегани учун Абдулла Қодирийни, ўзбек аёли номидан «кулган бошқалардир, йиғлаган менман», деб ёзгани, яъни халқ дардини ифодалагани учун Чўлпонни отдилар. 37-йил қатағонлари 50-йилларда яна такрорланди. Шўронинг қонли қиличи миллионлаб истеъдодли инсонларнинг ёстигини курилди.

Зулм пойдеворига қурилган шўро тузуми билимли, истеъдодли, ватанпарвар ва эркесвар инсонларни ёмон кўрар, каттадан-кичик ҳамманинг муте, оломонга айланишидан манфаатдор эди. Ижод – фақат «кўнгил иши» эмас, қаламкаш шунчаки кўнгли тусаса ёзиб,

тусамаса бекор ўтирадиган «қоғоз қораловчи» эмас. У – ижтимоий шахс! Ватан туйғуси, адолат туйғуси қалбидар жүш уриб туради. Ижодкорнинг вижданы ҳамиша уйғок бўлмоғи керак. Олтмишинчи йилларда истеъоди ўртачадан пастрок, аммо «сиёсий ҳушёр» бир шоирнинг радиода ўқиган шеърини эшишиб, тепа сочим тикка бўлиб кетган эди. «Ким эдик ўтмишда биз, номи йўқ, қашшоқ, гадо!» Ҳой, барака топгур, арзимаган қалам ҳақи ёки қандайдир таъма учун ўз халқингни бунчалик ҳақорат қилишга уялмайсанми? Балки ўтмишда сенинг авлод-аждодларинг тиланчилик қиласа қилгандир, аммо бутун бошли халқни «гадо», «номи йўқ» дейишга нима ҳаққинг бор? Номи йўқ халқ ҳам бўладими?

Ижодкор зиммасига юкланадиган яна бир вазифа бор. Бу – умумбашарий қадриятларни тараннум этиш. Асрлар қаърига назар ташласак, факат ўз халқи эмас, умуман башариятнинг фарзандига айланган сиймоларни кўрамиз. Ҳазрат Навоий ва Шекспир ҳам, Лев Толстой ва Бальзак ҳам, Пушкин ва Тагор ҳам шундай улуғ зотлардир. Турихда адолат туйғуси кучлилиги сабабли бошқа юрт ва халқлар ҳимоясига қаратилган асарлар ёзган адилларни ҳам кўрамиз. Бунга буюк рус ёзувчиси Лев Толстой мисол бўла олади. У ёшлигида Кавказ урушида қатнашган. Аммо йиллар ўтиб яратилган «Ҳожи Мурод» деган гўзал қиссасида Кавказ халқларининг миллий озодлик ҳаракатини ҳимоя қилган. Яна бир рус адаби К.Паустовский ёзувчининг виждан бурчи ҳақида ҳикоя килар экан, ғалати мисол келтиради. Бундан бир неча аср аввал Голландия Индонезияни босиб олади. «Ёввойилар» истиқомат қиласидан Ява оролини забт этиш учун юборилган зобитлар орасида Эдуард Беккер деган йигит ҳам бўлади. Ёзувчилик иктидори бор йигит голландиялик аскарларнинг камалак ва ўқ-ёйдан бошқа қуроли бўлмаган «ёввойилар»ни замбаракдан ўққа тутиб қириб ташлашаётганини кўриб, даҳшатга тушади. Айниқса, бир нарса унинг нафратини кўзғайди. Европаликлар замбаракка қарши ўқ-ёй билан дангал бор-

ган маҳаллий аҳолини кўркитишнинг «антиқа» усулини ўйлаб топадилар. Улар замбарак ўкини (снарядни) нажасга булғаб отадилар. Замбаракдан парча-парча бўлиб кетишдан кўркмаган маҳаллий жангчилар нажас ҳидидан жирканиб, чекинадилар. Шунда Беккер «бу ўрмонлар юртининг ярим яланғоч одамлари ёввойи эмас, биз – голландиялик босқинчилар ёввойимиз», деган қарорга келади. Юртига қайтгач, ўзига ваъда қилинган каттагина лавозимдан воз кечиб, «Жабрдийда» деган тахаллус остида «Севги мактублари» деган роман ёзади ва асарида ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни тасвирлайди. Бу ўша замондаги Голландиянинг босқинчилик сиёсатига қарши исён эди. Табиийки, романни ҳеч ким нашр этмайди. Охири «ишбилармон» бир ношир роман қўлёзмаси ва нашр этиш хуқукини адибдан арzon-гаровга сотиб олади ва ...романни жуда кам нусхада, бирор ҳарид қилолмайдиган даражада қиммат баҳода чоп этади. Асар китобхонларга етиб бормайди. Хукмрон доира-лар адибни миллат душмани деб эълон қиладилар. Ёзувчи хор-зорликда вафот этади... Буни қарангки, ўтган асрнинг иккинчи ярмида, иккинчи жаҳон урушидан кейин Индонезия мустақилликка эришгач, «Севги мактублари» романи Индонезия ва бошқа мамлакатларда нашр этилади. Индонезияда Эдуард Беккерга ҳайкал қўйилади. Бу ижодкор ижтимоий шахс эканига ёрқин мисолдир.

Кези келганда масаланинг маънавий жиҳатдан ташқари моддий томонига ҳам эътибор беришга тўғри келади.

Адиб ва шоирнинг чоп этилган китобини ўн минглаб одам ўқиёди. Энди унинг меҳнат маҳсулни шунчаки «кўнгил мулки» деган чегарадан чиқади. Ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан. Ёзувчининг асари китобга, китоб – товарга, товар эса пулга айланади. Мана шу ўринда муаллиф меҳнатини тўғри баҳолаш ва китоб савдоси масаласига тўхталиш мумкин. «Муаллифлик хуқуки ва турдош хуқуқлар тўғрисида»га Қонунда ҳам, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Махкамасининг махсус қарорида ҳам муаллиф ўз меҳнатидан манфаатдор бўлиши шартлиги таъкидланган. Халқаро нормаларда муаллиф чиққан ҳар бир китобнинг номинал нархидан ўн фоизигача ҳак олишга ҳақли экани белгиланган. «Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Конуни лойиҳаси устида ишлашда мен ҳам қатнашганман. Конун лойиҳасини Америка, Швейцариядаги нуфузли халқаро комиссияларда муҳокама қилингани ва маъқулланганида иштирок этганман.

Афсуски, Конун тўлиқ ишляяпти, дейиш қийин. Бу нарса китоб савдоси масаласида ҳам ўзбошимчаликка олиб келаётир. «Баҳоси эркин нарҳда» деган бошкетининг тайини йўқ тушунча бор экан, китоб бозоридаги «ким ошди» савдоси давом этаверади. Ноқулайроқ бўлса ҳам ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтишим мумкин. Бир китобим «Шарқ зиёкори» китоблар марказида анча арzon баҳода сотилаётган эди. Кўриб хурсанд бўлдим. Сўнг Тошкентдаги (Қорақалпоғистон, Хоразм ёки Сурхондарёнинг чекка туманида эмас, айнан Тошкентдаги) бошқа бир дўконда, худди ўша китобни уч ҳисса қимматга сотишаётганини кўриб, ҳайрон бўлдим. Нега бундайлигини сўрасам, «буни бозор деб қўйибдилар», деган жавоб олдим. Майли, сенинг меҳнатингдан кимdir озми-кўпми наф кўrsa, Худога шукр килиш керак. Аммо инсоф сари барака деган гап ҳам бор. Қизик, нима учун бир «тадбиркор» (аниқроғи чайқовчи) тайёр маҳсулотни беш чакирим нарига обориб пуллагани учун асар ёзган муаллифдан ҳам, нашриётдан ҳам кўп наф кўриши керак? Ҳамма мамлакатларда, жумладан, бизда ҳам ВААП (Жаҳон муаллифлик хукуки ассоциацияси)нинг бўлими бор. Бу ташкилот адаб ва рассомлар, бастакор ва драматурглар, умуман, интеллектуал мулк эгаларининг хукуқини химоя қилади. Дейлик, қайси драматургнинг қайси асари қайси театрда неча марта қўйилди ва неча сўмлик чипта сотилди, шундан конунда белгиланган фоизи муаллифга тўландими-

йўқми, қайси шоирнинг қайси китоби қанча нусхада нашр этилди, баҳоси қанча, шундан қанчаси муаллифга ажратилди – ҳаммасини аниклаб боради ва қонун хужжатларини бузганлар жавобгар бўлади. Бундан ташқари, баъзи мамлакатларда китоб ҳам худди аптеқадаги дори каби аниқ нархда сотилади ва манзилнинг узок-яқинлигига қараб маълум суммадан ортиқ устама нарх қўйиш тақиқланади. Масалан, Германияда китобнинг номинал (бошланғич) баҳосига ўн фоиздан ортиқ нарх қўйиб сотиш мумкин эмас. Бу гапни азбаройи сотувчи дўстларимизни камситиш учун эмас, уларни инсофга чақириш ва ижодкор меҳнатини қадрлаш лозимлигини таъкидлаш учун айтаяпман.

Китоб савдосини тўғри ва оқилона йўлга қўйган ташкилотлар йўқ эмас. Масалан, «Шарқ зиёкори» китоблар маркази фаолияти кўп томонлама ўннак бўларлидир. Бу ерда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилган китобларгина эмас, бошқа нашриётларнинг маҳсулотлари ҳам сотилади. Марказнинг ҳамма вилоятларда бўлимлари бор. Марказ Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Бухоро вилоятларидаги айрим туманларда ҳам дўконлар очган. Ҳозир Тошкентдаги бир неча олий ўкув юртларида китоб савдоси ташкил этилмоқда. Муҳими, марказ тасарруфидаги тармоқларда китоб қатъий белгиланган нарх билан сотилади.

Юртбошимиз мурожаатида тағин бир жиддий масала ўртага қўйилган.

«Бугунги кунда нашриётларга тўла эркинлик берилган, уларнинг фаолиятига ҳеч ким четдан туриб аралаша олмайди. Лекин ана шу эркинликни тўғри тушуниш, масалага масъулият билан ёндошиш даркор. Яъни факат иқтисодий манфаат ортидан кувиб, бадиий жиҳатдан заиф, миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга тўғри келмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган китоблар нашр этилишига йўл қўймаслик керак!» деб таъкидланади.

Бу соҳага давлатимиз раҳбарининг ўзи аниқ-равшан ойдинлик киритгани жиддий гап! Албатта, сўз

эркинлиги, хурфикрлик – улуғ тушунча. Бу ўринда гап тақиқлаш, «цензура килиш» ҳақида кетаётганий йўқ. Бирок Худо берган истеъдод борми-йўқми, хоҳлаган одам хоҳлаган «асарини» ёзаверса, хоҳлаган ношир хоҳлаган китобини босаверса, хоҳлаган «савдо ходими» хоҳлаган китобини хоҳлаган жойида «эркин нарх»да сотоверса, булар маънавиятга қандай таъсир қиларкин?

Айнан шу нуқтада адабиётимиз равнақи учун муҳим аҳамият касб этадиган босқичлардан бирига келамиз. Бу – қаламкаш ва нашриётнинг алоқаси ма-саласи.

Бугунги кунда республикамиизда ўнлаб нашриётлар, юзлаб босмахоналар фаолият кўрсатмоқда. Конунга биноан лаёқатли ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс ноширлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли. Оммавий ахборот воситалари сингари нашриётлар ҳам кўп бўлгани яхши. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон», «Янги аср авлоди», «Ўқитувчи», Fafur Fулом номидаги нашриётлар билан бир қаторда талай нодавлат ва хусусий нашриётлар ҳам бор. Инсоф билан айтганда, хусусий ва нодавлат нашриётларида ҳам яхши китоблар чоп этилмоқда. Афсуски, ноширлар орасида бозор бошида ўтириб олган чайковчини эслатадиганлари ҳам учраб турибди. Ёзувчиликнинг кўчасига кирмаган «адиб»ларнинг бозорини чакқон қилаётган шундай ноширлардир. Улар эшикдан кириб келган муаллифнинг истеъдоди, ёзган асарининг бадиий кувватига эмас, чўнтағига қараб баҳолайди. Шогирдларимдан бири шундай бир нашриёт директорининг хонасига кириб, тасодифан гувоҳи бўлган ҳангомани айтиб берган эди. Башанг кийинган бир одам хонага ташриф буюради ва директорга «зўр роман» ёзиг ташлаганини, шуни тезроқ ва чиройлироқ китоб қилишнинг «харажати» қанча бўлишини сўрайди. (Зўр романни ким ёзган, агар шу «истеъдод эгаси»нинг ўзи ёзган бўлса, шу пайтгача қаерда юрган эди, нега бирон газета ёки журналда шапалоқдеккина биронта

ҳикояси ҳам босилмаган, буниси билан ноширнинг иши йўқ.) Ношир хаёлига келган рақамни айтиб, фалон босма табоқ китоб фалон минг нусхада чоп этиладиган бўлса, нашр баҳоси фалон миллионга тушишини айтади. Бунинг учун олдиндан ўн беш – йигирма фоиз «предоплата» қилиш зарурлигини тушуниради. Шунда бояги «классик ёзувчи» дипломатидан пул чиқариб, «мана ўша предоплата», китобни фалон муддатда чиқариб берсангиз, қолганини оласиз!» дейди. Бу гапга ишонмай, десам, шогирдим ёлғон гапирганини эшитмаганман. Барака топгур ношир «роман»ни қўлтиқлаб келган одамдан «тақсир, ўзингиз кимсиз, аввал бирон сатр ёзганимисиз, қўлёзмангизни ким ўқиди, ким тавсия қилди?» деб сўраши керак-ку! Ё бу ёғи «така бўлсин, сут берсин»ми? Бунинг оти адабиётни, маънавиятни оёқ ости қилиш деб аталади!

Мени кувонтирадиган жиҳати – бугунги кунда адабиётга наср соҳасида ҳам, шеъриятда ҳам ёркин истеъдодли ёшлар қўшилмоқда. Жумладан, катта прозада ҳам китобхонни ўйлатадиган, жиддий, бадиий бакувват романлар яратилаяпти. Афсуски, юзинчи сахифага борганда ўнинчи сахифаси эсдан чиқиб қоладиган, «романлар» ҳам йўқ эмас. Холбуки роман ёзиш жуда оғир меҳнат. Дейлик Лев Толстойдек даҳо адиб етмиш йиллик фаол ижоди давомида нима учун учта роман ёзган? Хоҳласа ҳар йили биттадан – етмишта романни қойил қилиб ташлаши мумкин эди-ку!

Ўзимизнинг атоқли адиблар – Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳхор, Сайд Аҳмад, Асқад Мухтор, Шуҳрат домла, Ҳамид Ғулом, Мирзакалон Исмоилий, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбековлар ҳам беш-үнтадан роман қолдириши мумкин эди. Нега шундай қилишмаган? Гап шундаки, роман ёзиш учун роман тафаккури керак! Қолаверса, катта полотнодаги ҳақиқий ижод билан «вокеанавислик» орасида жиддий фарқ бор! Романнинг уч юз ёки беш юз сахифасини баб-баравар

ёритиб турадиган қалб алангаси керак! Китобхонни ларзага соладиган инсонлар қисмати, ҳалқ ва жамият ҳаётининг катта қатламини тасвирлаш зарур. Китоб бўлиб чиқкан асар ўкувчининг маънавий мулкига айланиши керак. Бадиий адабиёт дегани шунчаки «шахсий кузатувлар» мажмуи ёки олди-қочди «во-кеанавислик» эмас.

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг бир гапи бор эди. «Учувчиликни билмаган одамни самолёт штурвалига яқин йўлатмайдилар. Аммо ёзувчиликнинг кўчасига кирмаган одам чала-чулпа «асар» ёзib ташласа ва босасан, деса нега индамай туриш керак?»

«Пулини тўлаб қўйиб» китоб чиқарадиган «ёзувчи»нинг «шедевр» асарини қандай қисмат кутади? Бу ҳолат икки хил бўлиши мумкин. Китоб чиққач йиллаб дўконларда чанг босиб ётади. Ёки аксинча, муаллифнинг «аралашуви» билан тезда тарқалиб кетади. Аммо ҳар икки ҳолатда ҳам бундай «ижод намунаси»нинг фойдадан кўра зиёни кўпроқ бўлади. Сабаби, у китобхоннинг адабиётдан кўнглини совутади, ҳалққа, жамиятга маънавий зарар келтиради.

«Бозор иқтисоди» шароитида қоғоз, пленка, матбаа харажатлари кимматлашиб бораётган пайтда нашриётлар «олдиндан ҳақи тўланадиган» китобларни битта-яримта чиқарса-ку, садқаи-сар! Аммо Юртбошимиз таъкидлаганидек, иқтисодий манфаат кетидан қувиб, маънавиятимиз, қадриятларимизга тўғри келмайдиган бундай «самиздат»ларни истеъоддли ижодкорларнинг асари ўрнига чоп этишни одат қилиб олган нашриётнинг боридан йўғи афзал! Бундай «чайқовчи» ноширларни лицензиясидан маҳрум қилиш керак.

Яна бир нарса «удум бўлиб» бораяпти. Мана, бир газетада чиқкан эълон. «Ибратли кишилар ҳаёти» деган китобимга қаҳрамон излаб юрибман! Бу нима дегани? Киссаси қаппайган одам ўзи босиб ўтган «шонли ҳаёт йўлини» айтиб беради, бир қаламкаш «чойчақани» олиб ва пешонаси тиришиб уни китоб қилиб ёзади ва китоб «қаҳрамон»нинг пули ҳисобига нашр этилади. Албатта, ҳар кимнинг ҳаётида ибратли

ҳолатлар бўлиши мумкин. Уни китоб қилиб чиқариш ҳам мумкин. Жаҳон тажрибасида бу ҳам бор. Фақат ўша китоб қаҳрамони эл-юрт учун, Ватан учун бекиёс хизмат қилган бўлса, таникли шахс, ҳақиқий қаҳрамон, давлат арбоби, машхур санъаткор, улкан ихтиrolар қилган олим ёки эл севган шоир бўлса, буни тушуниш мумкин. Аммо, узр-ку, кўчанинг нариги бетига ўтса бирор танимайдиган одам ҳақида бутун бошли китоб нашр этиб, уни минглаб нусхада тарқатишдан маънавият қандай наф кўради? Бунака китобни ўша «асар» қаҳрамонининг ўзию, болачасидан бошқа ким ўқиди?

Яна бир нозик жойи, асарнинг бадиий кувватига эмас, муаллифнинг киссасига қараб турадиган нашриётлардан истеъдодли ёзувчи ва шоирлар қадамини торгади. Уларнинг китобини-ку, бу бўлмаса бошқа инсофли нашриётлар чоп этаверади. Энг ёмони ёш, истеъдодли қаламкашлар бунақа ноширларнинг эшигига яқин келолмайди, тўғрироғи, уларни яқин йўлатмайдилар!

Яна бир карра айтай, ҳалол меҳнат килаётган ношир дўстларимиз, китоб савдоси соҳасининг заҳматкашлари мендан ранжимасин. Бу гапларни бировга иддао килиш маъносида айтәётганим йўқ. Биринчи навбатда, истеъдодли асарларни чоп этиш, уларни кўпроқ тарқатишга эътибор қаратилса, энг муҳими – шу!

Президентимиз томонидан адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка (Келажакка!!!) эътибор деб баҳолангани мамлакатдаги қалам аҳли томонидан чуқур миннатдорлик билан кутиб олинди. Адаб ва шоирлар ўзининг меҳнати давлат эътиборида эканини, Истиқлол гояларини тараннум этувчи, бадиий савияси баланд асарлар яратишлари учун имконият кенгайиши, уларнинг ижоди ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватланишини ҳис қилмоқдалар. Бу эса қаламкашлар зиммасидаги масъулиятни янада кучайтиради. Уларни янги ижодий парвозларга ундейди.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

(Ёзувчи Мурод Тиллаев билан суҳбат)

– Энг яхши ҳунар қайси?

– Мехнатнинг айби йўқ, ҳунарнинг ёмони йўқ. Аммо ҳунарлар орасида энг яхшиси – дехқончилик. Ҳазрат Навоий дон сепиб ризқ ундирувчи дехқонни Одам Атога киёслагани бежиз эмас. Бу касбда илоҳиётга алоқадорлик бор. Дехқоннинг қўли кетмонда, кўзи осмонда бўлади...

– Ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос хусусиятлари – менталитети бўлади. Бизнинг ҳалқимизга хос фазилатлар ва малол келмаса, айрим «мундайроқ» жиҳатлар ҳақида нима дея оласиз?

– Ўзбек ҳалқининг жаҳонга кўз-кўз қилгулик юзлаб фазилатлари бор. Инсоф, андиша, болажонлик, сабр-қаноат, меҳнатсеварлик, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, меҳр, оқибат, камтарлик...

Сиз айтиётган «мундайроқ» жиҳатларга келсак... Албатта, ўз ҳалки тўғрисида «мундайроқ» гап айтиш ўз онасига иддао қилишдек ҳунук нарса. Лекин бундай «фазилат»дан кўпчилигимиз бенасиб қолмаганимизни айтсак, бошқалар ранжимайди, деб ўйлайман.

Қадимдан қолган афсона бор. Эмишки, бир юрга кўп қатори ўзбек савдогарлари ҳам борган экан. Иттифоқо ўша мамлакат подшосининг ҳазинасидан бебаҳо бир гавҳарни кимдир ўмарид кетибди. Ўзга элдан келганлар, шу қатори бизнинг тўрт нафар савдогарлар ҳам ҳибсга олинибди. Гумон қилингандарнинг ҳаммасини зиндонга солиб, тепасига ўнлаб қуролланган қоровуллар қўйишибди-да, ўзбек савдогарларини оддий бир чуқурга ташлаб тепасига соқчи ҳам қўйишмабди. Сабабини сўрашса, «буларга соқчининг кераги йўқ, биттаси қутулиб кетмоқчи бўлса, бошқаси оёғидан тортиб ушлаб қолаверади», дебди.

Албатта, бу жуда аччик, жуда армонли гап. Бирок тан олиш керак. Бизда локайдлик, ноаҳиллик қусури бор. Саксонинчи йиллар ўрталарида «ўзбек иши», «пахта иши» баҳонасида марказдан келган Гдлянчи жаллодлар минглаб бегуноҳ инсонларни қамоққа тиқди, ҳўрлади... Улар Кавказда ёки Болтиқбўйида бутун бошли ҳалкни оёқ остида тоитаб, бундай хунрезлик қила олармиди? Менимча йўқ, ҳалқдан кўрккан бўларди. Афсуски, ўша пайтдаги айрим раҳбарлар олисдаги казо-казолардан, қолаверса, ўз курсисини йўқотиб қўйишдан қўркиб, индамай тураверди. Худога шукр, Мустақиллик шарофати ва Юртбошимиз жонкуярлиги билан «ўзбек иши» дегани фирт тухмат экани исботланди ва гдлянчилар ин-инига кириб кетди.

Ўзимизнинг қонимизда бор бўлган лоқайдлик ҳақида кескин гапирган бўлсан, узр сўрайман.

— Талабалик — олтин даврим, дейдилар. Сизнинг талабалигингиз...

— Менинг талабалик даврим олтин эмас, «бриллиант» бўлган. Навоий театри бекати билан Хадра бекати орасида трамвайдга қатнаш билан ўтган. Гарчанд мактабни медаль билан битирган бўлсан-да, оиласа ёрдам бериш учун ишлашга тўғри келган. Аввал сиртки бўлимда ўқидим. Сўнг кундузги бўлимга ўтганда ҳам ишни давом эттиридим. «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти Навоий театри ёнида, факультетимиз эса Хадрада эди. Куннинг биринчи ярмида ишлаб, иккинчи ярмида ўқишишга шошилар, тушликни ҳам трамвайдга кетаётуб, «ТП» сомса — ҳозирги гуммага ўхшаган, «тўрт тийинлик перашка» билан «камаллаш»га тўғри келар эди... Аммо бунга афсусланмайман. Барибир, ўша дамлар энг жўшқин йиллар эди...

— Қандай одамга ҳавас қиласиз?

— Қандай одамга дейсизми? ...Эрталаб тойчоқдек гижинглаб уйғонадиган, ахли-аёли, фарзандлари билан бир бурда нонни еб олгач, ишига шошиладиган, елкалари офтобда чўяндек қорайиб, терлаб-пишиб бетон қуядиган, кечкурун шошилиб уйига келиб, ои-

ласи қуршовида бир коса насибасини иштача билан тановул қилиб, «минг серияли» кинонинг навбатдаги кисмини кўргач хотинига «жойни солмайсанми, онаси», деб имо қиласидиган ва ...эрталабгача ҳурракни вадаванг қўйиб ухлайдиган одамга жуда ҳавас қиласман.

– Кейинги пайтларда адабиётда удум бўлаётган «модернзм»га қандай қарайсиз?

– Ижод – изланиш демак. Модерн эса янгилик дегани. Ижоддаги ҳар бир изланишни маъқуллаш керак. Ҳозир адабиётда йигирмадан ортиқ «изм»лар бор. Уларнинг ҳар бири ўз сўкмоғидан тогнинг энг баланд чўққисига чиқиб бораётган альпинистга ўхшайди. Ўша чўққининг номи Гуманизм деб аталади. Зоро, адабиётнинг бош вазифаси Инсонни кашф этиш. Чўққига ким етиб боради, ким ярим йўлда қолиб кетади, буниси Худо берган талантга боғлиқ.

– Энг катта армоннингиз?

– Онам билан суратга тушмаганман!

– Энг оғир гуноҳ нима?

– Ота-онани ва гўдакни хўрлаш.

– Ёзувчининг ижтимоий бурчи ҳақида...

– Тушундим. Ҳақиқий ижодкор ўз халқининг содик фарзанди, содик посбони, содик хизматкори, борингки, содик «қули» бўлмоғи керак!

– Қандай инсоний фазилатларни қадрлайсиз?

– Ҳалоллик. Самимият. Ростгўйлик. Камтарлик. Садоқат.

– Қайсан иллатларни ёмон кўрасиз?

– Нопоклик. Иккююзламачилик. Ёлғончилик. Ялтоқилик. Калондимоглик. Хиёнат.

– Она меҳри ота меҳридан юз чандон кучли бўлади, дейдилар?

– Унчалик эмас. Отa меҳри она меҳридан кучсиз эмас, «яширинрок» бўлади.

– Ўз феълингиз туфайли азият чеккан пайтларингиз бўлганми?

– Сўраманг! Қайси биридан бошлай. Биринчидан, бирор камситилаётганини кўрсам, чидаб туролмайман. Етти ёт бегонани ҳимоя қиласман деб, балога

қоламан. Иккинчидан, ўзим ёлғондан хазар қилганим учун мени ёш бола ҳам бемалол алдаши мумкин. Учинчидан, түғри сўзнинг «тўқмоғи» бошқалардан кўра ўзингни пешонангни кўпроқ ғурра қилишини билсам ҳам шу ярамас одатни ҳеч йўқота олмайман... Бир одамга шунча нуқсон етарли бўлса керак?

– **Кайси асарингиз ўзингиз учун, айниқса, қадрли?**

– Неча йил аввал ёзилганидан қатъи назар бугун ҳам китобхонни ҳаяжонга солаётган, ҳаёт ҳакида ўйлашга ундаётган асарни. Улар қайси китоб эканини ўкувчининг ўзи ҳал қиласди.

– **«Дафтар ҳошиясидаги битиклар» қайта-қайта нашр этилиб, кўлма-кўл бўлиб ўқилаяпти. Бу асарни қайси жанрга киритган бўлардингиз?**

– Умуман, инсоннинг, қолаверса ижодкорнинг тафаккури бир лаҳза ҳам «бекор турмайди», муттасил фикрлайди. «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» – менинг яrim аср давомидаги ўйларим, инсоннинг буюклиги ва ожизлиги ҳакидаги кузатувларим, хулосаларим... Аммо улар шунчаки бирорга «акл ўргатиш» ниятидаги насиҳатлар эмас. Уларнинг ҳар бирини алоҳида «синтезланган» асар деб атаса бўлади. «Битиклар» китобхонни ҳаяжонга солса, ўйлашга ундаса, демак, уларда туйғу билан фикр уйғунлашган экан...

Яъни бу – бадиий-фалсафий китоб. Уни қандайдир жанр қолипига солишини ўйлаган эмасман. Назаримда бунинг китобхон учун ҳам аҳамияти йўқ...

– **Инсон учун энг азиз ва қудратли туйғу нима?**

– «Ишқ-муҳаббат» дейишимни кутаяпсиз, шундайми? Инсон учун энг қудратли ва муқаддас туйғу – она меҳри. Ишқ-муҳаббат, албатта буюк нарса. Аммо кези келиб у совиши, камайиши, ҳатто тугаб қолиши ҳам мумкин. Она меҳри сусаймайди ҳам, ўзгармайди ҳам, тугамайди ҳам...

– **Сиз фарзанди учун жон фидо қилишга тайёр жафокаш оналар ҳақида кўп ёзгансиз. Айтинг-чи, аёллар орасида боласини етимхонага ташлаб кетаётганлар кўпайиб бормаяптими? Иккинчи жаҳон урушида бизнинг оиласаларимиз жангоҳлардан чи-**

қиб келган юз минглаб етим болаларни боқиб олган, сүнгги бурда нонини уларга берган. Ҳозир нега баъзилар ўз боласидан воз кечаяпти?

– Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Аёл киши бирон мусибатга йўлиққан ёки ноиложлик туфайли шундай қилаётганини тушуниш мумкиндир. Аммо учта болани учта эркакдан «илаштириб», «стуғиш мендан, боқиб олиш давлатдан», деб фарзандини етимхонага ташлаб қочаётганлар Она деган, Аёл деган унвонга лойиқ эмас! Бундайларнинг миллати ҳам, оналик меҳри ҳам, аёллик ори ҳам йўқ! Булар жўжаси халақит бермаслиги учун тухумини инкубаторга топшириб, ҳар куни ҳар хил ҳўроз билан «дон олишадиган» товукқа ўхшайди.

– Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида республика телевидениесида «Баҳс» деган кўрсатувни олиб борар здингиз. Муболагасиз айтиш мумкини, уни миллионлаб одамлар ҳаяжонланиб томоша қилас, чунки унда ҳалқнинг тили учида турган муаммолар, айниқса, маънавиятга оид жиддий фикрлар ўртага ташланар эди. Кўрсатув тўсатдан тақа-тақ тўхтаб қолганининг сабаби нимада?

– Чиндан ҳам «Баҳс»да кўтарилиган талай муаммолар – миллий қадриятларни асраш, оила муқаддаслиги, нонтекилик қилиш гуноҳ эканлиги – хуллас турли мавзудаги кўрсатувларга минглаб хатлар келган. Анчали архивимда турибди.

Кўрсатувнинг тўхташига сабаб... Ажойиб кунларнинг бирида мени «юқори идора» – Марказкомга чакиришди. «Баҳс» томошибинлар орасида машхурлигини айтиб, «муҳим» бир мавзуни тавсия қилишди. «Атеизм – худосизлик мавзууда баҳс қилсангиз, бу сизга «партиявий топшириқ» дейишишди». Бир камим миллионлаб ҳалқ олдида даҳрийликни тарғиб қилиш қолувди», деб кажбаҳслик қилсангиз балога қоласиз. «Мен бу соҳанинг мутахассиси эмасман, бундай кўрсатувни атеистларнинг ўзи қилгани дуруст, бу менинг қўлимдан келмайди», деб узр сўрадим. Эртасидан телевидениега бормай қўяқолдим.

– Эсимда, 1989 йили «Икки эшик ораси» романнингиз 120 минг нусхада нашр этилиб, бир йилга қолмай тарқалиб кетган эди. Ҳолбуки, асар ундан бир оз аввал 60 минг нусхада чиқиб, улар ҳам тез сотилганди... Кейинги пайтларда китоб ўқиш анча камайиб кетяпти. Сабаби?

– Чиндан ҳам ўтган асрнинг саксонинчи йилларида шеърий китоблар 60 минг, насрый асарлар 120 минг нусхагача босилар ва тезда тарқалиб кетарди. (Албатта яхши асар бўлса). Кейинги йилларда китобнинг «оммавийлиги» бир қадар камайгани тұғри. Бунинг сабаби, яхши асарлар кам ёзилаётганида эмас. Сабаблари кўп. Нашр харажатлари қимматлашгани учун китобнинг таннархи кўтарилигини, китоб савдосидаги айрим нуқсонлар, масалан, харидоргир китобни уч-тўрт хисса қимматга сотаётган чайковчи «тадбиркорлар», бир марта ўқишга аранг арзидиган «олдиқочди» «асарлар»нинг «болалаб кетгани», «кўнгил хуши учун» пулинни олдиндан тўлаб кўйиб, китоб чиқарадиган ҳамёни бақувватлар пайдо бўлгани... Яна бир сабаб. Бугунги ёш авлоднинг китоб ўқишдан кўра «осонроқ», «қизиқарлироқ» бошқа машғулотлари ҳам оз эмас. Қайси кўчага кирманг, қайси бекатга борманг, «Интернет клуб»га дуч келасиз. Албатта, Интернет йигирманчи асрнинг энг буюк ихтиrolаридан бири. «Клуб»га кириб «ралли» ёки «боевик» ўйнайдиган боланинг реакцияси тезлашади. Бироқ ақли пешланиб қолмайди. «Болажонли» «бойвачча» ота-она эса олтинчи синфда ўкийдиган боласига «компьютер ўйини учун» пулни аяб ўтирумайди. Аммо болага китоб олиб беришга пул қизғанади. Интернет ўйини бир соатга яраса, китоб (албатта яхши асар) бир йил, ўн йил, эҳтимол бир умрга хизмат қилиши мумкин.

Демак, айбни ўзимиздан ҳам излаш керак. Бир нарсани мамнуният билан айтишим мумкин. Кейинги пайтда ўшларнинг китобга қизиқиши, бадий асарни тушуниши кучайиб бораётгани кўриниб турибди. Демак, адабиёт ўзининг буюк вазифаси – инсонпарварлик миссиясини давом эттираверади!

- Энг мұхим ижодий принциптингиз?
- Худо күнгилга солмагунча ҳақиқий ижодкор күлига қалам олмайди.
- Танқидга мұносабатингиз?
- Танқидни ёңгөкқа үхшатаман. Қақиб құраман. Мағзи түк бўлса, мамнуният билан қабул қиласман. Пуч бўлса, тупуриб ташлайман.
- «Үнг юзингга урсалар, чап юзингни тутиб бер», деган фалсафага мұносабатингиз?
- Бундай фалсафа ҳамма ҳалқлар ва ҳамма динларда бор. Аслида бу одамзотни кечиримли, инсофли бўлиш, қасоскорликдан ўзини тийишга давъяят этувчи инсонпарвар шиор. Мен ҳам доим шунга амал қилишга уриндим. Ҳар ким қилмишига яраша жавобини олишига ишондим. Қолаверса, яна бир шиорим бор эди. Эсли одам оёғига ёпишган лойни қўли билан тозаламайди...

Афсуски, андишани қўрқоклик, камтарликни нодонлик деб санайдиган, ёмонлигига жавоб қиласанг, «ана, гуноҳи бўйнида эканки, овози ўчиб колди», деб баттар кутурадиганлар ҳам бор экан. Шуни англагандан кейин гарчанд ўзим феълимни ўзгартиришим мушкул бўлса-да, фарзандларимга бошқача ўгит берадиган бўлдим. Бир юзингга урсалар, икки юзига уриб жавоб қил! Шунда сен билан ҳисоблашадиган бўладилар! Набираларимга ҳам шуни ўргат!»

– Сизнингча, қаламкаш учун энг катта бойлик нима?

– Китобхон меҳри... Оллоҳ шундан бегона қиласин...

ЭЛ АРДОҒИДАГИ АДИБ

Озод Шарағиддинов,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Бу воқеа Қувадаги бир колхозда рўй берганди. Дала шийпонида, тушлик вақтида китобхонлар билан учрашув бўляпти. Авжи саратон. Қуёш роса забтига олган. Чоққина ҳовуз теварагидаги толлар ҳам, дид билан саралаб экилган анвойи гуллар ҳам иссиқдан толиққандек қилт этмайди. Лекин учрашувга тўпланганларни жазирама шаштидан қайтаргани йўқ.

Олис бригадалардан ҳам, ҳатто қўшни хўжаликлардан ҳам одамлар келишган.

Бир маҳал, одмигина кийингин ўрта ёшлардаги аёл минбарга кўтарилди. Чеҳрасида чўнг бир мусибатнинг муҳри илғаниб турган бу аёлнинг исми Мушарраф ая экан.

— Ўткиржон, сиз менинг ўғлимсиз, — деди у ҳаяжон ичида. — Ҳайрон бўлманг, менинг ўғлим бор эди. Афондан темир тобути келди. Йифлай-йифлай кўзимда ёш қолмади. Мусибат мени енгиши аниқ эди. Бир куни қўлимга бир китоб тушди. «Дунёнинг ишлари». Уни ўқидиму руҳим енгил тортгандай бўлди. Аёлнинг, Онанинг улуғлигини яна бир бор ҳис қилдим. Шунда сизни ўғлим ўрнига ўғлимдек қабул қилдим. Аллоҳдан ўғлим яшаётмаган умрини сизга бағишлишини тиладим. Шу тилак билан сизга атаб дўппи тикдим...

Мушарраф ая гапини тугатиб, Ўткирнинг ёнига борди ва оқ докага ўралган дўппини олиб, бошига кийгизди. Йўқ, гулдурос қарсаклар янграмади, кимлардир бўғзига келган йифини ютиб, кўзларини пирпиратди, кимларнингдир кўзларига ёш қалқди.

Оддий қишлоқ аёлининг адибга бунчалик мөхри мени ҳанузгача ҳаяжонга солади. Бора-бора оддий одамларнинг Ўткирга бағоят эҳтиром кўрсатишига кўнишиб ҳам кетдим. Чунки ҳар йили камида биринки марта бундай ҳодисаларнинг гувоҳи бўла бошладим... Бир куни Жаъфарали Пайғамов деган одамдан телеграмма келди. У киши Ўткирнинг номига атаб бир қути ортиқ пилла тутипти ва унга олган 828 сўм пулни Ўткирнинг номидан Тинчлик фондига ўтказипти. У пайтларда 828 сўм катта пул эди. Бир куни йўлимиз Қўқонга тушганда, Жаъфаралини излаб топдик. У шундоққина Қўқоннинг биқинида, «Ўзбекистон» туманидаги Фаниобод совхозида истиқомат қиласар экан. Уйига бордик. Хийлагина аёлманд одам экан. Ҳовлида бир гала бола-бақра чангга беланиб ўйнаб юришипти. Ҳовли-жойнинг ўзи ҳам ҳашаматли эмас. Ҳар қалай, 828 сўм зинҳор-базинҳор ортиқчалик қилмайдиган рўзгор. Гап айланиб, Жаъфаралидан нега бундай қилганини сўрадик. «Билмасам, – дея кулибгина жавоб берди у. – Шу ёзувчи менга ёқади. Ҳурматимни билдириб қўяй дедим-да...»

Бир гал Самарқанддан қайтаётib, Фаллаоролда тўхтадик. Бизни шу районлик Маматқул aka билан таниширишиди. Ўрта ёшлардаги қотмадан келган бу одам ўша китобдан таъсиrlаниб тумандан бешолти чақирим нарида, сувсиз адирлар бағрида боғ қилипти. Маматқул aka бизни боғига олиб борди. Ярим гектарча жойда турфа дарахтлар яшнаб кўкариб ётипти. Маматқул aka уларни кўкартириш учун роса меҳнат сарф қилипти – аввал адирнинг тепасида қор ва ёмғир сувлари тўпланадиган сардоба артезиан қудуқ қазипти, унинг устини ёпибди ва катта-кичик қувурлар орқали сувни қуйига оқизиб, ниҳолларга тарапти... Лекин бизни бошқа нарса ҳайрон қолдирди – шунча меҳнат сарфлаб барпо қилган боғини Маматқул aka Ўткирнинг номига атапти, боғнинг кираверишидаги шийпон пештоқига

эса адибнинг сувратини илиб қўйибди. Ўткир суратни олиб ташлашни илтимос қилди. Маслаҳат билан боғ дарвозасига «Оналар боғи» деган ёзув илиб қўйиладиган бўлди. Табиийки, ўзи қурувчи бўлган, адабиётга ишқи тушиб қолган Маматқул aka Ўткирнинг ҳамма асарларини ўқиган, ҳамма суҳбатларини тинглаган ва унга чин юракдан тан берип, ихлос қўйган экан.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг кўпчилигига ўзим гувоҳ бўлганман. Қарангки, республикамизнинг ҳар хил вилоятларида, шаҳар ва қишлоқларида, тоғлик жойларда ва водийларда, ёшлар ва кексалар, эркаклар ва аёллар ўртасида касби кори адабиётга алоқадор одамлар ҳам, адабиётдан узоқ турадиганлар ҳам Ўткирни ана шундай самимият билан севадилар. Кимларнингдир «уюштириш»и, кимларнингдир буйруфи билан эмас, ўз қалбларининг амири билан севадилар.

Ўткир Ҳошимов – эл ардоқлаган адаб. Унинг баҳти шундаки, у адабиётта кириб келганидан бери ижодда фирромлик ва мўлтонилик йўлидан юрмади, виждонига хиёнат қилмади, истеъдодини шахсий манфаатларига қурбон қилмади.

Унинг қалбига қулоқ солмай, виждонига хилоф равишда ёзган, ёлғонга ва ёмонликка хизмат қилувчи ёки китобхонни лоқайд қолдирувчи биронта асари йўқ.

Ўткир Ҳошимов 1941 йилнинг 5 августида Тошкентнинг Дўмбиравот деган жойида туғилди. Унинг аждодлари ўз замонасининг етук инсонлари бўлишган. Бобокалони Абулқосимхон эшон Чор Россиясининг Туркистонга қилган босқинига қарши турган уламолардан бўлиб, ўн тўққизинчи аср ўрталарида ўз маблағига катта мадраса қурдирган. Унда юздан ортиқ талаба илм олган. Абулқосимхон эшон аҳли илмнинг ётоғидан тортиб кундалик турмуши учун нафақа (стипендия) ҳам тўлаб борган. Бу дар-

гоҳда Абдулла Қодирий ҳам ўқиган, таҳсил кўрган. Абулқосимхон мадрасаси ноёб тарихий обида сифатида ҳозир ҳам сақланиб турибди.

Бу зоти шарифнинг жасорати ва фидойилигини исботловчи яна бир воқеа тарихга кирган. 1892 йили Тошкентда вабо касали тарқалади. Келгиндилар зулмидан безор бўлган халқ оёққа туради. «Вабо қўзғалони» бошланади. Шунда Чор Россиясининг аскарлари Эски шаҳарга бостириб кириб, қатли ом бошлай деб турганида Абулқосим эшон ўлимни бўйнига олиб, ўша пайтдаги генерал–губернатор Вревский номига ариза ёзиб киради ва бундай хунрэзлик ҳар икки томон учун ҳам фожиали бўлишини ётифи билан тушунтиради. Аскарлар Эски шаҳардан олиб чиқилади. Сўнг Абулқосимхон ҳазратлари номиздан кейин юзлаб халойик олдида вабони ўзи билан олиб кетишини тилаб Аллоҳга илтижо қиласди. Орадан кўп ўтмай вафот этади ва... вабо барҳам топади...

Бўлажак адиднинг отаси Атаулло Ҳошимов эса оддий ишчи бўлган – у умрининг кўп қисмини Тошкент тўқимачилик комбинатида, кейин шу комбинат қошидаги болалар оромгоҳида ишлаб ўтказган. «Отам эскича алифбедаги китобларни ҳам, замонавий газеталарни ҳам муттасил ўқиб борар, камгап, хийла тажанг, аммо ниҳоятда ҳақпараст одам эди... Бирон ноҳақликни кўрса, лоп этиб ёниб кетар, «падарингга лаънат», «кўрсатиб қўйиш керак», деб шовқин кўтарарди». Отасидаги стихияли ҳақпарастлик кейинчалик фарзандига кўчган бўлса, асарларидағи жиғибийронлик, ҳақсизликни ёниб қоралаш, адолатни ҳимоя қилиш шу отамерос ҳақпарастликнинг оқибати бўлса не ажаб.

«Отамдан қаттиқ ҳайиқар эдик, – деб ёзади адид. – Отам бирон марта ҳам бир тарсаки урган эмас (оилада фарзандлар бир қиз, тўрт ўғил бўлишган – О. Ш.) Отани қаттиқ иззат қилишни онам ўргатган».

Бўлғуси адибнинг онаси Ҳакима Ҳошимова уй бекаси эди. Бу аёл мадраса кўрмаган бўлса ҳам, фоятда зеҳни ўткир, жуда хушфеъл аёл бўлган. У ниҳоятда фариштали, диёнатли аёл бўлгани учун маҳалла-куйда уни ёшу қари баравар ҳурмат қиларди. Одамлар ўртасида бу ажойиб инсон «Пошша ойи» деган ном билан шуҳрат топганди.

Ўткир маҳаллада ҳашар йўли билан қурилган бир қаватли мактабда ўқиган. Бироқ унинг мактабдаги ҳаёти ҳам осон кечган эмас. У мактабга борганида уруш тугаганига бор-йўфи уч йил бўлган, мамлакат оғир жароҳатларини ҳали даволаб улгурмаган эди. Кийим-кечакнинг тайини йўқ, қорни бир кун тўқ бўлса, бир кун оч, чалақурсоқ...

...Ўткир мактабни медаль билан битиргач, «ёзувчи тайёрлайдиган» ўқув юртига кириш кўйига тушди. Бундай ўқув юртини излай-излай Тошкент дорилфунунининг филология факультетига, аниқроғи унинг журналистика бўлимига борди. Бу ерда аввал сиртдан ўқиди, кейин кундузги бўлимга ўтди ва 1964 йилда уни журналист дипломи билан битириб чиқди. Аммо унинг меҳнат фаолияти аввалроқ бошланган. Кўпгина машҳур ёзувчиларнинг ҳаёт йўли билан танишсангиз, ёшлиқда уларнинг қилмаган ишлари қолмаганини, тирикчиликнинг ҳар хил кўчаларига кириб чиқишга мажбур бўлганликларини билиб оласиз. Ўткирда ҳам шундай бўлган. У ишни бир газетада куръер вазифасидан бошлади. Буни ўзимизнинг тилга кўчирсак «дастёр» дегани бўлади. Кейин корректорга ёрдамчи бўлди, ундан адабий ходимликка кўтарилди. Фақат 1966 йилга келибгина ўткир айлана-айлана ўз қозифини топган – уни «Тошкент оқшоми» газетасида адабиёт бўлимининг бошлиғи этиб тайинлашгандан сўнг, шу лавозимда роса ўн олти йил меҳнат қилди. Кейин эса Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир муовини бўлди. 1985 йилдан 1995 йилгача «Шарқ юлдузи» журналида бош муҳаррир бўлиб

ишилади. 1995 йилдан 2005 йилгача Узбекистон Республикаси Олий Мажлисида Матбуот ва ахборот қўмитасини бошқарди. Истиқлол замонига мос қатор қонунларни яратишда фаол иштирок этди.

Ўткир Ҳошимовнинг ижоди анча аввал бошланган бўлса ҳам, «Пўлат чавандоз» деб аталган биринчи китобчаси 1962 йили чиқкан. Лекин адабининг ўзи ижоди бошланган йилни 1963 йил деб ҳисоблайди. Негаки худди шу йили «Шарқ юлдузи» журналида унинг «Чўл ҳавоси» деб аталган ихчамгина қиссаси босилди-ю, Ўткир бир зумда китобхонлар орасида машҳур бўлди-кўйди. Ўткирнинг асарларини кутадиган, улар ҳақида талашиб-тортишиб баҳс юритадиган турфа хил саволларга шу китоблардан жавоб излайдиган ихлосмандлар армияси пайдо бўлди. Ёзувчининг адабиёт даргоҳига қадам қўйганига анча йиллар бўлди. Шу йиллар мобайнида унинг етмишдан ортиқ китоби нашр қилинди. Буларнинг бир қисми рус ва бошқа қардош тилларда, ажнабий тилларда чоп этилди. Китобларнинг умумий тиражи икки ярим миллион нусхадан ошиб кетди. Бу китобларнинг ҳаммаси аллақачон тарқаб кетган – китоб дўконларидан унинг асарларини қидириб топиш амримаҳол. Шу китоблар ёнига Ўткирнинг тўртта драмасини қўшсак, ўнлаб асарларни таржима қилганини айтсак, ўнлаб публицистик асарлар ҳам яратганини эсласак, унинг ижодий фаолияти нечоғлиқ самарадор ва салмоқли эканлигига амин бўламиз. Ҳа, сўнгги эллик йил мобайнидаги ўзбек адабиётини Ўткирнинг ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Адаб ижоди юксак тақдирланди. «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол» қиссалари учун Республика ёшлар мукофотига, «Дунёнинг ишлари» китоби учун Ойбек номидаги адабий мукофотга, «Икки эшик ораси» романи учун эса Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ўткир Ҳошимов Узбекистон халқ ёзувчиси деган юксак унвон, «Меҳнат шуҳрати», «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирланди.

Ўткир Ҳошимов ҳамма қатори оилали. Унинг рафиқаси Ўлмасхон Ҳошимова Ўткир билан бирга ўқиган. Кўп йиллардан бери Тошкент Педагогика коллежида дарс беради. Ўғли Фарруҳ, қизи Юлдуз ҳавас қилса арзигулик фарзандлар. Юлдуз ҳиндунос ва юрист. Ўзбекистон телевидениесида олиб борган жиддий кўрсатувлар муаллифи, Фарруҳ филолог ва иқтисодчилик касбини чуқур эгаллаган. Ўткиржон билан Ўлмасхон бир неча набиранинг меҳрибон бобоси ва бувиси...

* * *

1963 йилнинг кеч кузи. Эрталаблар тушган қирров қиши қўшини яқинлаб келаётганидан дарак берса-да, пешинга бориб ҳаво илиб кетади. Уфқа туташ ҳудудсиз пахта далаларида талабалар меҳнат қилишяпти. Бўйи ўртадан пастроқ, яноқлари бир оз бўртиб чиқсан, жиккаккина йигитча бошини кўтармай пахта тераяпти.

Шу пайт узокдан бир қора кўринди. Дам ўтмай яқин келди. Ўткир таниди. Бу – икки кун аввал жавоб олиб, уйига кетган курсдош жўраси Тўлқин Алимов эди.

– Ўткиржон, суюнчини чиқаринг! – деди жўраси. – Сизга Абдулла Қаҳҳордан хат келибди. Очишга қўлим бормай, уйга ташлаб келдим.

Ўткир севинчдан ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Гарчанд ҳали хатни ўқимаса-да, Абдулла Қаҳҳордек алломадан хат келишининг ўзи унинг учун байрам эди. Икки курсдош улуғ адабининг мактубини пахтадан қайтгач, ҳаяжон билан ўқидилар.

«Ўткир!

«Чўл ҳавоси»ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади, қисса жуда соф, самимий, илиқ, табиий, роҳат қилиб ўқилади.

Қиссанинг хат шаклида бўлиши кўп жойларда ритмни бузади, сизни чеклаб қўяди. Ҳикоя биринчи шахсдан олиб борилса ҳам шундай бўлар эди. Буни ўйланг, ҳисобга олинг.

Шу аланга ҳеч қачон пасаймасин, ижодингиз ҳеч қачон тутамасин!

Хурмат билан: Абдулла Қаҳҳор».

Ўткир суюнганидан ўзини қўярга жой тополмай қолди – гўё бирдан бўйи ўсиб кетгандай, қўлини чўзса юлдузларга етадигандай ҳис қилди.

Чиндан ҳам «Чўл ҳавоси» мақтаса мақтагудек эди. Қисса ёшлар ҳаётига бағишлиланган бўлиб, унда илк муҳаббат, тотли висол онлари, дастлабки изтироблар ҳақида ҳикоя қилинган эди. Бу кичик қисса журналда эълон қилиниши билан кўпчилик ёшларнинг эътиборини жалб қилди, унинг тўғрисида қизғин баҳслар бошланди. Шунинг учун Абдулла Қаҳҳорнинг бу қиссага эътибор берганига ажабланмаса ҳам бўлади. Лекин шундоқ бўлса-да, барибир савол туғилади: ёшларга бағишлиланган, уларнинг ҳаётдаги дастлабки мустақил қадамларини, илк изланишларини тасвирлаган ҳикоя ва қиссалар, ўша кезларда жуда кўп бўлмаса ҳамки, ҳарҳолда бор эди. Нега энди Абдулла Қаҳҳор уларнинг ичидан Ўткирникини ажратиб олди? Услубининг равонлигими? Тилининг дилраболигими? Баёндаги самимиятми? Айтмоқчи бўлган гапининг салмоқдорлигими? Қаҳрамонларининг инсоний жозибасими? Тасвирланаётган ҳодисаларини яхши билишими? Эҳтимол... Эҳтимол, шуларнинг бири, ёхуд бир нечаси, ёки ҳаммаси жам бўлиб, катта ёзувчининг завқини қўзғагандир.

Жуда кўп одамлар санъатнинг сири борлигини ҳеч иккilanмай тан олишади ва бу сирни истеъдод деб ҳисоблашади. Ўтмишда ҳам, бизнинг замонамиизда ҳам минглаб мутафаккирлар, зукко ақл эгалари шу «истеъдод» деган нарсанинг мөхиятини аниқлашга, унинг қаердан келиб чиқишини

билишга, табиатини белгилашга уринишган. Айникса, шоирлар, адилар, мунаққидлар бу чистонни чақишига күп уринганлар. Үткір ҳам бу масалада, анча бош қотирган. У ёзади: «Бир тоифа одамлар бор. Мен ҳаётда күп нарса күрдим, энди китоб ёзсам бўлаверади, дейди. Яна бир тоифа бор. Мен күп китоб ўқидим, илмим етарли, ёзувчилик қиласверсан бўлади, дейди. Иккала фикр ҳам хато. Күп нарса кўрган билан, күп нарса ўқиган билан одам ёзувчи бўлиб қолмайди. Бунинг учун талант керак. Талантнинг биринчи белгиси – чидаб бўлмас дард демакдир. Дард эса ҳавас эмас, зарурат!»

Адид яна давом этади... «Тасаввур қилинг: сиз китоб ўқияпсиз. Оқ қофозда қора чизиқлар – ҳарфлардан бўлак ҳеч қанақа ранг йўқ. Ҳеч ким куй ҳам чалмайди. Аммо асарни ўқишига киришишингиз билан кўз ўнгингизда рангин манзаралар пайдо бўлади; қулоғингиз остида ажаб оҳанглар жаранглай бошлайди. Ўзингиз билмаган ҳолда қаттиқ ҳаяжонга тушасиз... Ҳеч шубҳасиз, адабиёт – дунёдаги саккизинчи мўъжиза!» Йўқ, Үткиржон, адашяпсиз, саккизинчи эмас, биринчи мўъжиза «Аввал Калом бўлган», деган гап ҳам бор-ку... Ахир бадиий адабиёт мўъжиза бўлса, унда уни яратадиган одамлар ҳам ўзимиз қатори жўн одамлар эмас, алланечук мўъжизакор одамлар бўлиб чиқади-ку! Қўйингчи, санъаткор бўлмоқ учун санъаткорнинг бошқа оддий одамларнидан фарқ қиласиган ўзгача кўзи бўлмоғи, ўзига хос қалби, ўзига хос кўнгли бўлмоғи лозим.

Үткір ҳаммамиз қатори оддий одам. Лекин бу гапнинг бир қисми, холос, ҳали «бердисини» айтганим йўқ. Унинг асарлари билан танишганда, уларда қалбингизга жон ато қилувчи нафасни ҳис қилганда Үткір ҳам Эркин ва Абдулла, Ҳалима ва Омон каби Хизр назар қилган одам эканига, у яратган кўпгина асарлар томирида илоҳий қон оқаётганига имон келтирасиз. Менимча, ўзи чина-

кам санъаткор бўлган Абдулла Қаҳҳор худди шу сабабдан Ўткирнинг биринчи қиссасини умумий оқимдан ажратиб ола билди. Худди шу сабабдан адид кейинчалик элу юрт ардоғига сазовор бўлди.

* * *

Истеъдодли одам санъатда ҳеч қачон бошқалар очган тайёр йўлдан бормайди, у ҳеч қачон ўз ихтиёрини оқимга топшириб қўймайди. Истеъдод – кашф этмоқ, турфа хил йўлларию сўқмоқлари сероб санъат мулкида ўз йўлини барпо этмоқдир.

Ўткир йиллар давомида яратган катта-кичик асарларининг ҳаммасида шу йўлни кашф этишга, ўз услубини яратишга ва мукаммаллаштиришга интилиб келди. Унинг асарларида, айниқса, қисса ва романларида биз муқаррар тарзда икки хусусиятнинг уйғунлашиб кетганини кўрамиз. Буларнинг биринчиси шуки, Ўткир бадиий асарни енгил ташвиқот воситасига, оддий тарғибот қуролига айлантиrmайди, шу куннинг долзарб масалалари ҳақида бадиийлашган шиорлар ва хитоблар айтиш йўлидан бормайди, балки ҳар бир асарида замонавий реалийлар муҳитида бирон муҳим умуминсоний муаммони ўртага қўйишга интилади. Унинг асарларида унутилиб кетган ёки унутилаётган инсоний қадриятлар етакчи ўрин тутади. Муаллиф кўпинча инсон ҳаётнинг ўзак масалаларини қўйиб, ҳар бир фикрловчи одамни ташвишга солмай қўймайдиган жиддий саволларга жавоб излайди. Иккинчидан эса, шу муаммоларнинг ҳаммаси, энг мураккаб саволларга жавоб излаш кишини ҳаяжонга солувчи юксак бадиий шаклларда амалга оширилади, ҳаётдан олинган, бизга таниш, ўзимиз теварак-атрофимизда тез-тез учратиб турадиган одамларнинг тақдирида ифодаланади. Энг муҳими эса, бу одамлар қуруқ ғоялар тажассуми эмас, ўз қиёфасига, шаклу шамойилига, тақдирига эга бўлган, инсоний жозибаси кучли шахслар сифатида намоён бўладилар.

Ўткир Ҳошимовнинг «Шамол эсаверади», «Одамлар нима деркин?», «Қалбингга қулоқ сол» каби қиссалари ижодининг илк босқичида яратилган бўлиб, ёшлар ҳаётига бағишиланган. «Қалбингга қулоқ сол» қиссасидаги Чарос талаба. Табиийки, унинг қалбида илк муҳаббат уруғлари уна бошлиди. У Ёдгор деган талабани севиб қолади. Аммо маълум бўладики, Ёдгор аввал уйланган экан, олти ой турмуш қуриб, ажралган экан. Буни Чарос катта бир фожиадай қабул қиласди. Фақат кетма-кет синовларга дуч келгандан кейингина Чарос Ёдгорнинг чин инсон эканига, юксак маънавий фазилатлар эгаси эканига амин бўлади ва уни севиб тўғри қилганига ишонади. Бироқ энди унинг ички ҳаётига онаси Васила Назаровна аралашади. Асадаги энг салмоқли гап шу аёл образида мужассам топган. Мактабда илмий мудир бўлиб ишлайдиган бу аёл қизини жони дилидан яхши кўради, унинг баҳтили бўлишини истайди, аммо унинг қалби кўр, у бошқаларнинг юрагини нозик ҳис қилолмайди. Чарос, албатта, онанинг измида бўлмоғи керак, ҳар бир қадамини унинг раъйига қараб қўймоғи шарт. Васила Назаровна фақат Чаросга нисбатан эмас, мактабдаги ўқувчиларга нисбатан ҳам шундай муомала қиласди. У тўққизинчи синфда ўқийдиган Дилфузанинг севгилисига ёзган хатини тортиб олиб, унга «тарбия бера бошлайди». Қизнинг нозик қалби бундай дағалликка, қўпол муомалага, ҳақоратга чидаёлмайди ва у ўз жонига қасд қиласди. Худди шундай воқеа Ёдгорнинг ҳам бошига тушади. Институтдаги «ҳушёр» раҳбарлар уни хотинини қўйиб, бошқа бир ёш қизнинг бошини айлантиришда айблашади ва Ёдгорнинг ахлоқий бузуқлигини «бўйнига қўйиб» институтдан ҳайдашмоқчи бўлишади. Шўро замонида бундай воқеалар ҳаётилизда тез-тез учраб турарди. Бу – инсонни қадрламаслик, унга расмий муомала қилишнинг оқибати эди.

Ўткир услубига хос инсонни эъзозлаш туйғуси қиссадан қиссага кучайиб боради. Масалан, унинг «Баҳор қайтмайди» қиссасининг ўз вақтида катта шуҳрат қозонгани, унинг асосида яратилган видеофильм ҳам тилларга тушганинг боиси шундан. Бу қисса ҳам биринчи қараашда жүн кўринадиган, турмушда тез-тез учраб турадиган воқеа асосига қурилган бўлса-да, жуда муҳим масала-га – ҳар қандай инсон ҳаётида тақдирини белгиловчи характер касб этиши мумкин бўлган муносабатларини, уларнинг силсиласидан ташкил топадиган тақдирларни таҳлил қилиб, ёзувчи яна умумбашарий қадриятлар ҳақида мулоҳаза юритади, китобхонни ҳам ахлоқий-маънавий муаммолар ҳақида ўйлашга ундейди. Албатта, «Баҳор қайтмайди» қиссаси ҳақида, айниқса, унинг бадиий хусусиятлари тўғрисида муайян баҳс юритиш мумкин. Жумладан, унинг финали айрим китобхонларда норозилик тұғдириши мумкин. Қисса охирида Алимардоннинг ҳалок бўлиши шартмиди? Бу қиссага бир оз мелодраматик рух бағишиламайдими? Адип «яхшилик, албатта, тақдирланади, ёмонлик албатта, жазоланади» деган ақидага амал қилмаяптымикин? Ахир, ҳаётда Алимардондек одамлар ҳаммавақт ҳам виждан азобига тушавермайди, ҳаммавақт ҳам жонига қасд қилавермайди-ку? Ҳалқ ўртасида тарқалган «ёмонга ўлим йўқ» деган гап ҳам бежиз эмасдир, ахир? Лекин бу мулоҳазалар шунчаки мулоҳазалар, холос. Асарни қандай тугатиш тўлалигича муаллиф ихтиёрида. Иккинчидан, Алимардон, мабодо, ҳалокатга учрамай, соғ қолганида ҳам, асарнинг умумий қимматига, салмоғига путур етмаган бўларди. Хуллас, гап финалда эмас, балки қисса қаҳрамонларининг кўз ўнгимизда содир бўладиган муносабатларида, шу муносабатлар замиридаги ҳаёт ҳақиқатида. Гап шундаки, табиат Алимардонга бебаҳо неъмат инҳом этган. У фавқулодда истеъдод эгаси. У истеъодини

ишга солиб, миллионлаб одамларнинг кўнглини овлаши, уларга завқ-шавқ улашиши мумкин. Лекин Алимардон бундай қилмади. У ўз истеъодига ҳам, ўзининг тақдирига ҳам, садоқатли дўсти Анварнинг, севимли рафиқаси Муқаддамнинг, жондан ортиқ кўрган ўғли Шавкатжоннинг тақдирига ҳам беписанд қарайди. Негаки, у болалигидан фақат ўзини ўйлайдиган, фақат ўз жонининг ҳузурини кўзлайдиган бўлиб ўсган. Кейин эса шуҳрат унинг бошини айлантириб қўйган. У истеъодини чакана пуллаш йўлига киради, ўз устида ишламайди, изланмайди, ўзини ҳаммадан юқори қўяди. Анвар унинг кўзига бўш-баёв, ландавур кўринади. Муқаддамга уйлангач, уни хўрлай бошлайди, ўзига-ўзи маҳлиё бўлиб, томошабинларини, халқини ҳам менсимай қўяди. Масъулиятсизлик, зътиқодсизлик, ўткинчи майлларга берилиш, умуминсоний қадриятларни менсимаслик Алимардонни фожиага олиб келади. Қиссанинг таъсир кучини таъминлайдиган омил шундаки, муаллиф бошқа образлар каби бош қаҳрамон Алимардонни ҳам турфа хил ранглар билан тасвирлайди. У ҳаётида қанча адашмасин, хатолари туфайли яқинлари бошига қанча кулфат келтирмасин, барibir одам. Асар давомида бирор саҳифада биз Алимардоннинг хатти-ҳаракатларида сунъийлик кўрмаймиз, ҳаёт мантиғига зид келувчи сифатларга гувоҳ бўлиб ранжимаймиз.

Ўткир Ҳошимов бошқа адилар каби кўпгина қиссалар ва ҳикоялар ёзиб, анча тажриба орттиргач, йирик эпик жанрга – роман жанрига мурожаат қилди. Аммо назаримда, уни роман жанрида кучини синаб кўришга унданган сабаб, фақат шу эмас эди. 70-йилларнинг бошларида ёк турғунылик даврининг иллатлари «мана мен» деб кўрина бошлади. Албатта, фармонбардор маъмурий тузум борган сари чокчокидан сўклилиб бораётган иқтисодиётни ҳали бир амаллаб эплаб турарди, лекин ижтимоий иллатлар тобора чуқурлашиб бормоқда эди. «Нур борки, соя бор» романи шундай шароитда майдонга келди.

Албатта, ҳар қандай ёзувчининг ҳам биринчи романи ҳар жиҳатдан баркамол бўлавермайди. Назаримда, «Нур борки...» ҳам муайян қусурлардан ҳоли эмас. Бу қусурлар менга, биринчи навбатда, роман композициясининг етарли даражада пишиқ эмаслигида кўринади. Аммо бу – менинг фикрим, холос. Композициядаги бу номукаммаллик асарнинг муваффақиятига халақит бермади. Қисқа муддат ичидан роман ўзбек тилида бир неча марта босилди, рус тилига таржима қилиниб, Москвада чоп этилди, турк тилида нашр қилинди, роман асосида видеофильм яратилди...

* * *

Ўткир Ҳошимовнинг навбатдаги ижодий муваффақияти 1986 йилда нашр этилган «Икки эшик ораси» романи билан боғлиқ. Роман қайта-қайта нашр қилинди, чет тилларга ўт哩лди. Шунинг ўзи ҳам асар китобхонлар ўртасида катта эътибор топганидан дарак беради. Ушбу роман Тошкент яқинидаги қишлоқлардан бирининг чорак асрли ҳаёти ҳақида ҳикоя қиласи. Ундаги воқеалар уруш арафаларида бошланади, уруш йилларида ва урушдан кейинги даврда давом этади, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласи билан тугайди.

«Икки эшик ораси» бир қатор бадиий фазилатларга эга. Муаллиф воқеалар тасвирида уларнинг табиий оқимини сақлашга интилади. Бу воқеалар замерида салмоқли умумлашмалар, одамлар ҳаётининг муҳим томонларини ифодаловчи фикрлар ётади.

Ўткир Ҳошимов ўзи тасвирлаётган муҳитни ҳам, одамларни ҳам яхши билади – шунинг учун тасвирда баландпарвозликка, патетикага берилмайди. Унинг услугиб табиийлиги ва самимийлиги билан ажralиб туради. Романнинг композицияси ҳам оригинал. У етти қисмдан иборат, бу қисмлар қирқ етти бобдан ташкил топган. Бу боблар эса қаҳрамонларнинг

тилидан ҳикоя қилинганди. Романдаги воқеаларни ҳикоя қилишда тўққизта персонаж иштирок этади. Бундай тасвир усули анча қийин, воқеалар тарқалиб кетиши, улар орасида узилиш юз бериши ҳеч гап эмас. Лекин муаллиф асарнинг охиригача «калаванинг учини қўлдан чиқармайди». Натижада, романда муайян ички яхлитлик пайдо бўлади. Бундай композицион қурилишнинг битта афзаллиги ҳам бор – ҳар қайси боб бирор персонажнинг ички монологи тарзида берилгани учун китобхон уларнинг ички дунёсини, аҳволи руҳиясини тўлароқ кўриш имконига эга бўлади.

«Икки эшик ораси» романни персонажларга бой. Уларнинг орасида Ориф оқсоқол, Ҳусан Дума, Комил табиб кабилар ажралиб туради. Муаллиф, айниқса, Ориф оқсоқол образини мукаммал чизишга муваффақ бўлган. У халқ ўртасида катта обрўга эга, энг оғир дамларда ҳам одамларни қийин ишларга отлантира олади. У кўпгина ўзбек қариялари каби ташаббускор ва донишманд. Айни чокда, ҳақиқатни юзга айтишдан чўчимайдиган шартаки, жасоратли одам. У одамларни баҳолашда ўз меъёрига эга – одамнинг белида белбоғи бўлиши керак. Белбоғ унинг учун мардлик, тантилик, одамлик белгиси. У ҳатто аёлларни ҳам шу ўлчов билан баҳолайди.

Романда Кимсан Ҳусанов образи ҳам муваффақиятли чиқсан. У роман воқеаларида бевосита кам иштирок этса-да, икки бобдаги ҳикояси орқали китобхон тасаввурида тугал образ сифатида гавдаланади. У ҳам мард, танти, ориятли, белида белбоғи бор йигит. Кимсан урушда ҳалок бўлади.

Романда аёллар образига ҳам кенг ўрин берилган. Улар ичида, айниқса, «Қора амма» ажралиб туради. Муаллиф унинг тавсифи учун жуда ўринли деталлар топган. Шунингдек, Робия ҳам тугал ва мукаммал ишланган образдир. Ёзувчи унинг оғир кечган ҳаёт йўлини тасвирлар экан, бу аёлдаги софликни, ҳалолликни, маънавий баркамолликни жуда яхши очиб берган.

Романнинг марказий қаҳрамонлари Музаффар Шомуродов ва Мунаввар Алиевалар. Урушдан кейин туғилган бу икки ёш бир-бирини самимий севади. Аммо аллақачон тугаб кетган урушнинг қора шарпаси уларнинг баҳтига чангаль солади. Романда Музаффар ва Мунавварнинг фожиаси анча кенг ва ишонарли кўрсатилган.

Муаллиф уруш йилларидағи ўзбек қишлоғини тасвирлар экан, ундаги қийинчиликларни хаспушламай қаламга олади. Бу қийинчиликлар фақат иқтисодий характерга эга эмас. Романда колхозга янги сайланган раис Умар Хўжаев образи бор. Бу одам кўпчилик манфаатини эмас, ўз ҳузурхаловатини ўйлайдиганлар тоифасидан. Шунинг учун ҳам уруш йилларида колхозга бағритошлиқ билан раҳбарлик қиласди. Ҳар қадамда, ҳар ишда унинг қамчисидан қон томиб турди. Унинг тенги йигитлар фронтда душман билан олишиб, жон олиб, жон бериб юрганда, у ўзгаларнинг хотинига қўз олайтиради, ҳийла-найранглар билан уларни йўлдан уради.

Романдаги асосий қаҳрамонлардан бири – Шомуроднинг жуфти ҳалоли Раъно эрига хиёнат қиласди. Умар закунчининг ҳийласига учиб, унга ўйнаш бўлади. Муаллиф бу воқеалардан муҳим маънавий холосалар чиқаради – Умар закунчи бағри тошлиги, нопоклиги учун, Раъно субутсизлиги, ўйламай иш қилиши, ўз баҳтини ардоқлаб авайламагани учун кейинчалик бутунлай баҳтсиз бўлишади.

Роман пухта бадиий асар сифатида олий ўқув юртлари ва мактаб дарсликлариға киритилди. Муҳими, бу китоб минглаб ўқувчилар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Муаллифга саноқсиз хатлар келди.

Ўткир Ҳошимов 1992 йилда «Тушда кечган умрлар» деган янги романини эълон қиласди. Бу роман муаллифнинг тинимсиз изланишлар йўлидан бораётганидан, унинг қалами муттасил ўткирлашаёт-

ганидан далолат беради. «Тушда кечган умрлар» теран бир дард билан ёзилган асар. Унда муаллифнинг ҳаётга қарашлари янада чуқурлашганини кўрамиз.

Романнинг бош қаҳрамони – Рустам Шоматов. У эндиғина 22 ёшга тўлган Алпомишдек девқомат, навқирон йигит. У ўз жонига қасд қиласди-ю, оламдан ўтади. Хўш, нега? Нега ўн гулидан бир гули очилмаган, эндиғина севгилисисининг висолига етган, тўйиб-тўйиб баҳт нашидасини тотиши керак бўлган йигит ақл бовар қилмайдиган файри-табиий ишга қўл уради – жонига қасд қиласди? Роман, аслида, шу саволга жавоб бериш учун ёзилган. Адиб секинаста Рустам ҳаётини кўз ўнгимизда гавдалантира борар экан, биз унинг турмуши одам боласи чидаши мумкин бўлмаган тарзда оғир кечганини кўрамиз. «Тақдирни қўл билан яратур инсон» деган ҳикмат бор. Лекин Рустам ўз тақдирини ўзи яратишга улгурмайди – муҳит, у яшаган тузум Рустамни тўлалигича ўзига бўйсундириб олган, уни бир япроқ мисоли чирпирак қилиб айлантиради, даҳшатли тегирмонга солиб, кукунга айлантиради. Романнинг бир жойида муаллиф персонаж тилидан «уруш – тескари ҳақиқат» деган фикрни айтади. Қолаверса, Рустамнинг аффон урушида кечган умригина эмас, йигирма икки йиллик бутун ҳаёти ана шу «тескари ҳақиқат» шароитида ўтган. Романда Рустам билан баравар ҳаракат қиласидиган Комиссар образи бор. У асарнинг foявий концепциясини англаб олиш учун foят муҳим аҳамиятга эга. Соат Фаниев деган бу кимса «инқилоб»дан олдин туғилган. «Иттифоқ миқёсидаги пенсионер». Миллати йўқ. Сўққабош. 1941 йилдан партия аъзоси. Отаси «инқилоб»чи бўлган, кейин йигирма бешмингчилар қатори қишлоққа келган ва бу ерда ўта шафқатсизлик билан «синфий душман»га қарши курашган. Соат Фаниев отасининг «инқилобий» фаолиятини кўриб улғайган ва «ўн

беш ёшидаёқ» комиссар бўлган. У ўша кезлардаёқ қўшнисининг девори нима учун ўзлариникидан баландлигини сўрайди. Отаси қўшниси Эшоннинг синфий душманлигини, сирларини комиссарлардан яширмоқ учун деворини баланд урдирганини айтади. Соатнинг тафаккури биринчи қадамлариданоқ ана шундай қийшиқ йўлдан кетади. Секин-аста у ўз принципларини ишлаб чиқади – у органларда ишлар экан, ҳаммага душман деб қарайди, ҳаммадан гумон қилишни ўзининг олий бурчи деб билади. «Юз фоиз ҳаммадан, ҳатто ўзининг хотинидан, боласидан гумон қиласди». Шу тарзда Комиссар ёшлигига бирга ўйнаб катта бўлган болаларнинг устидан туҳматлар уюштириб, уларни қаматади, ўзининг тузумга садоқатини исбот қилиш учун кўпгина яқин одамларининг ёстиғини қуритиш билан чекланмай, сўроқ пайтида уларни жисмонан азоблашнинг жуда даҳшатли йўлларини ўйлаб топади. Комиссар ҳар қандай инсоний жозибадан маҳрум. У, ҳатто нафақага чиққандан кейин ҳам теврагидаги одамларнинг ҳаётини заҳарлашда давом этади. Авваламбор шуки, Рустам ана шундай «комиссарлар» ҳукмронлик қилган шароитда туғилди ва уларнинг «қош-қовоғига қараб» улғайди. Бу «комиссарлар» кўпчилик қатори Рустамни ҳам ўз измларига бўйсунадиган бир мурватга айлантириб олишганди. Рустам вояга етгач, уни афонга жўнатадилар. Бу ерда у совет ҳарбий сиёсатининг жамики иккюзламачилигини, шафқатсизлигини кўради, шўро қуролининг сохта шон-шуҳратини яратища иштирок этади. Рустамнинг афонда кўрган-кечирганлари унинг ҳаёт ҳақидаги имон ва инсоф, виждон ва адолат тўғрисидаги ҳамма тасаввурларини ағдар-тўнтар қилиб юборади. Рустам йўлини йўқотиб, эътиқодидан адашиб, руҳан мажруҳланиб юртига қайтади. Аммо бу ерда ҳам яна у ҳақсизликка, адолатсизликка дуч келади. Энди унинг юртида «ўзбек иши» кенг қулоч ёя бошлаган, минглаб

ҳалол меҳнаткаш одамлар туҳматга қолиб, порахўрликда ёхуд пора беришда айбланаётган, қамалаётган ва бошқа жазоларга дучор қилинаётган эди. Адид турли персонажлар характери орқали бу машъум воқеаларнинг моҳиятини очади, соҳта байналмиллаллик, ёлғон «халқлар дўстлиги»нинг авра-астарини афдаради. Кўп йиллар ҳалол меҳнат қилган Рустамнинг отаси туҳмат билан қамалгандан кейин ўғлига хат ёзди: «Ўйлаб қарасам, ўтган умрим – умр эмас, туш экан. Гўё мен эсимни таниб-танимай бирор уйқу дори ичирган-у туш кўриб юраверганман: гоҳ ширин, гоҳ хатарли туш кўриб. Ўша «бирор» қаёққа судраса кетидан эргашиб кетаверганман... Уйғонишга эса қўрқканман... Мана энди, уйғониб, ён-веримга қарасам менга ўҳшаганлар кўп экан...»

Бу сўзлар даҳшатли адолатсизликларни кўриб кўзи очилган кекса раиснинг хулосаси – ўзи босиб ўтган ҳаёт йўли устидан, ўзини вояга етказган муҳит устидан чиқарган ҳукми. Лекин бу ҳукм фақат раисникигина эмас – роман персонажларининг кўпчилиги, ҳатто минглаб одамларни қон-қора қақшатган комиссарлар умрини тушда кечирган одамлар. Улар ҳаётларининг қай бир нуқталарида уйғониб амин бўладиларки, шу пайтгача ҳаёт деб билганлари ҳаёт эмас, балки совуқ ва қўрқинчли босинқираш. Бундай хулоса эса ўз навбатида яна фожиа туғдиради – инсон учун ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлининг маънисиз эканига амин. бўлишдан аламлироқ тақдир йўқ. Роман охирида Рустам оиласвий ҳаётдаги омадсизлиги учун ўзини ўзи нобуд қилади – даҳшатли афғон уруши, унда қўлланган турли-туман қуроллар-у, дорилар Рустамни ота бўлиш баҳтидан маҳрум қилиб қўйган, у оиласда эрлик бурчини ўтолмайдиган бўлиб қолганди. Бироқ Рустамни ўлимга етаклаган сабаб фақат бу эмас – биринчи навбатда, унинг тушда кечган умрининг маъносизлиги ва ҳечлигидир.

Шубҳасиз, «Тушда кечган умрлар» ижтимоий йўналиши жиҳатидан ҳам, инсоний мазмунининг теранлигига кўра ҳам, бадиий фазилатлари билан ҳам Ўткир Ҳошимов ижодида янги бир босқич бўлди ва адабиётимизга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

* * *

Менинг назаримда, Ўткир Ҳошимовнинг бошқа асарларини камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, «Дунёнинг ишлари» қиссаси ҳар жиҳатдан мукаммаллиги билан ажralиб туради. Ҳажман унча катта бўлмаган бу қиссада Ўткирнинг инсонпарварлиги ҳам, миллатсеварлиги ҳам, услубига хос фазилатлар ҳам ўз ифодасини топган. Ҳарҳолда, бу қисса ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлган одам ёзувчининг санъаткорлиги ҳақида анча тугал тушунчага эга бўлади.

Назаримда, истеъоддининг илоҳийлиги «Дунёнинг ишлари» қиссасида жуда аниқ кўринади – энг жўн, энг оддий ҳаёт воқеалари санъаткорлик сеҳри туфайли китобхоннинг бутун вужудини қамраб оладиган, уни ҳаяжонга солиб завқлантирадиган қудрат касб этган. Қисса китобхоннинг тафаккурига, онгигагина эмас, ҳис-туйғуларига, қалбига ҳам чуқур таъсир кўрсатгани учун узоқ вақтлар унинг энг қадрдон дўсти, ҳамрози бўлиб қолади.

«Дунёнинг ишлари» бир қарашда автобиографик қиссага ўхшайди. Унда муаллиф ўз онаси тўғрисида уруш йилларида кечган болалиги ҳақида ҳикоя қиласди. Лекин ёзувчининг асосий нияти ўзи учун энг азиз сиймо – ОНАнинг аниқ портретини чизиш, унинг ҳаёт йўлини баён этиш, шаънига мақтovлар айтиб, хотирасини абадийлаштириш ва шу йўл билан фарзандлик бурчини ўтashгина эмас. Агар шундай бўлса, «Дунёнинг ишлари» онага бағишланган қўпгина асарлардан фарқ қилинмайдиган жўнгина асар бўлиб қоларди.

«Дунёнинг ишлари» фалсафий умумлашмаларга бой, оддий инсон ҳаётининг турли муҳим жиҳатлари ҳақида ўйлашга чорлайдиган, юксак эмоционал пардаларда ёзилган лирик-психологик қиссадир.

Муаллиф ўқиб юрган кезларида астрономия дарсида бир ҳақиқатни кашф этганини ёзади: «Ойнинг ўзи нур сочмас экан. Бу дунёда офтоб борлиги учун ҳам ой нур сочиб турар экан». Муаллиф табиатнинг бу ҳодисасини одамлар ҳаётига қиёслайди ва гўёки «ҳар бир одамни нурлантириб турадиган офтоб бор, бу офтоб – муҳаббат, меҳр, шафқат, виждон, эзгулик, олижаноблик каби ақидалардурки, улар асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ўтиб, инсон ҳаётига теран мазмун ва гўзаллик бахш этиб келмоқда ва бу эътиқодлар, даставвал, оналаримиз сиймосида тугал мужассам топади», деган фикрни олға суради. «Дунёнинг ишлари» қиссадининг юксак ғоявий-тарбиявий аҳамиятини белгилаган, уни бугунги адабиётнинг пешқадам асарларига ҳамоҳанг қилган асосий фалсафий-ахлоқий концепция ана шундай.

Муаллиф Она образини яратишда ўзига хос йўл танлаган. У Онанинг портретини чизмайди. Биз айрим деталлар орқалигина унинг қўлларидан доимо сут ҳиди анқиб туришини, жуссаси кичиклигини, бўйи тандир тепасига етмаслигини билиб оламиз. Қиссада Онанинг биографияси ҳам китобхон учун қоронғи қолади. Ҳарҳолда унинг одам ҳақидаги тасаввури ўз оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалла доираси билан чекланган. Унинг умри рўзгор ишлари билан, болаларини ювиб-тараб, едириб-ичириш ташвиши билан ўтган. Хуллас, «бу дунёда камсуқумгина яшаб ўтган» Она кўпгина ўзбек аёлларидан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмайди. Лекин биз Онанинг ана шу камсуқум, жўн, оддий ҳаётини маънавиятдан холи деб, унинг ўзини забун ва муштипар деб атай олмаймиз. Аксинча, ёзувчи нигоҳининг ўткирлги, фикрининг теранлиги туфайли кўз

ўнгимизда Онанинг ҳаёти бетакрор улутворлик касб этади, зўр қудратга эга бўлган ибратга айланади. Оддий ҳаётий воқеалар силсиласида Онанинг руҳий поклиги, тубсиз маънавияти, инсоний гўзалиги очилади.

Она қалбида ҳаммага етиб ортадиган адоқсиз меҳр бор – у бу улуф туйнуни фарзандларига сингдиришни истайди. Унинг эътиқодига кўра инсонни инсон қиласидиган, қалбини оловдай иситиб, офтобдай нурлантирадиган қудрат – муҳаббат. Она фарзандининг қалбида ҳаётга, жамики инсонларга муҳаббат доимо тўлқин уриб туришини хоҳлайди. Шунинг учун фарзанди ақлини танир-танимас унга маънавиятимиздан сабоқлар бера бошлайди. Бу сабоқлар дастлаб ҳар хил ривоятлардан, пурҳикмат афсоналардан чиқадиган мантиқий хулосалар тарзida бўлади. «Қонқусни яхши кўргин», дейди Она фарзандига, «Қонқус ўзимизнинг анҳор. Ундан ўзимиз сув ичамиз». «Жониворларни яхши кўриш керак, болам», деб ўғит қиласиди Она. Лекин ҳамма нарсадан кўра ортиқроқ одамларни севиш керак. Инсонларга муҳаббат Она учун мавҳум туйфу эмас. «Одам энг аввал ўзининг яқинларини яхши кўриши керак. Дунёда яхши одамлар кўп. Аммо сен адангни, опангни, акаларингни... мениям яхши кўрмасанг, дунёда ҳеч кимни яхши кўрмайдиган бўлиб қоласан». Она учун ҳаёт – буюк неъмат. Инсон эса шу ҳаётнинг зебу зийнати. Онанинг бу эътиқодида ҳалқнинг асрлар синовидан ўтган, сайқаллашиб узил-кесил бир шаклга кирган табиий гуманизми ифодаланган. Она инсонга, унинг яхшилигига, маънавий баркамоллигига астайдил ишонади ва бу ишонч унинг олам билан, одамлар билан муносабатини зимдан бошқариб туради. Она ўзгаларнинг хатти-ҳаракатини баҳолаганда, яхши-ёмонлигини аниқлаганда содда, лекин салмоқли мезонларга таянади. У ўғлига офтоб ҳақидаги эртакни айтиб бериб, ундан «ким ер юзини тозаласа, ўша энг яхши одам»,

деган хулоса чиқаради. Боланинг мурғак тасаввури буни дарров онасининг фаррошлиги билан боғлайди. Ёзувчи эса бу ҳикматнинг рамзий маъносига ишора қилади. Яхши одам ҳамма вақт бошқаларга яхшилик қилиши, ҳеч кимдан меҳр-шафқатини аямаслиги керак. Аксинча ўзгаларнинг дардини ҳис қилмаслик, қаҳри қаттиқ бўлиш, бағритошлиқ ёмон одамнинг белгиси. Маҳалланинг бойваччасига айланган прораб йигит Тўхтавой қамалиб қолганида, Она унинг ҳадемай қутулиб келиб қолишига умид билдиради. Ўғил эса «кўпчиликнинг ҳақига хиёнат қилган қаллобни мақтаган» онасидан ранжиди. Шунда Она ўғлининг кўзига диққат билан тикилиб қолади ва анчадан кейин «қаҳринг шунаقا қаттиқми?» дейди. Бу хитобда ўқинч аралаш таассуф оҳангини илғаб олиш қийин эмас. Лекин бу ўринда Она ўғлини қаллобга нисбатан шафқатли бўлишига ундаётгани йўқ – у «ўқимишли, ҳар нарсани биладиган» ўғлидан кўра ҳаёт ҳодисаларига чуқурроқ назар ташлайди. «Онасида нима гуноҳ. Қон босими бўлса, эртага пуф этиб думалаб кетса, шунга суюнасанми? Она-ку бу ...» Бу қисқа диалогдан китобхон Онадаги инсонийлик туйфуси нақадар теран эканини пайқаб олади.

Она образини жозибадор қилган муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, у насиҳат қилиш, оддий ҳақиқатларни таъкидлаш, бўлар-бўлмасга тергаш билан фарзандларига тарбия бермайди, балки ўзи буюк эътиқодларга амал қилиб яшashi билан, ибрати билан уларнинг олам ва одам ҳақидаги тасаввурларини шакллантиради. Унинг бутун ҳаёти теварак-атрофдагиларга сахийлик билан меҳр-муҳаббат улашиш асосига қурилган.

Она одамсиз туролмайди, «фаришта киравмиш» деб эрталаб тонг отиши билан дарвозани ланг очиб қўяди. Халқимизнинг бу одатида чуқур маъно бор – эшикнинг очиқлиги – қўнгил очиқлигининг рамзи. Айрилиқ доғи нечоғлик аламли эканини Она яхши билади ва «ҳамиша яхшиликни каромат қилиб»

ўўксик дилларга далда беради. Ўгай бўлса ҳамки, фарзандни ота ё онадан жудо қилиш, унинг ҳолидан хабар олмаслик Она учун ашаддий диёнатсизлик. У ўгай қизини қидириб топиб, уни ота меҳридан баҳраманд қиласди. «Бу дунёда ҳеч ким ҳеч нарсанни орқалаб кетмайди, ўргилай. Болаларим бу ёқда отасининг бағрида яйраб юрсин-да, қизим у ёқда тирик етим бўлиб юрсин... Шуям диёнатданми?» дейди Она. Хўжанинг ойиси фронтдаги эрини кутмай, ўғлини тирик етим қилиб, бошқага тегиб кетади. Хўжа фронтдан қўлсиз қайтган отаси Эгамберди aka билан яшайди. У она меҳрига зор. Онаси ҳам ўғлини соғинади, кўришишни истайди. Она уларнинг кўришишга, дийдорига тўйишига ёрдам беради.

Она меҳрининг поёнсизлиги, ҳаётбахш муҳаббатининг қудрати, айниқса, унинг болаларга муносабати яхши очилган. У ҳамиша болалар чеҳрасида хушнудлик ва шодонлик балқиб туришини истайди, гўдак йиғисига бефарқ қараёлмайди. «Йиғлаб турган боланинг бегонаси бўладими? Йиғлаб турган норасидага раҳми келмаган одам одамми?» Онанинг ана шу жўн, лекин бениҳоя доно фалсафасида ҳам халқимизнинг муҳим маънавий эътиқоди ифодалангандан бири болажонликдир. Фарзанд, бола – халқ учун инсон зотини давом эттирувчи омилгина эмас, ҳаёт мангулигининг, навқиронлигининг ҳам рамзи-дир. Онанинг болаларга, фарзандларига муҳаббати шунчаки оддий муҳаббат эмас, балки том маънодаги фидойи муҳаббатдир. Она фарзандлари учун ҳар қандай мушқулотни бўйнига олишга, ҳамиша улар учун балогардон бўлишга, ҳатто ширин жондан кечишга тайёр. Она муҳаббатининг фидойилиги «Гилам пайпоқ» ҳикоясида ғоят таъсирчан тасвирланган: қиши кунларидан бирида ўғли шамоллаб, қаттиқ иситмалаб қолади. Она ўзининг жони кўзига кўринмай, сарпойчан ҳолда ўғлини табибникига

күтариб боради. Ўғлиниң ҳаёти сақлаб қолинади, аммо она бир умрга бод касалига чалинади.

Онанинг фарзандига мұхаббати бепоён, лекин бу күр-күрона севги эмас. Ўрни келганда, у ўғлини тергайди ҳам, жиндай койийди ҳам. Бир гал ўғли зарда билан талқонни түкиб юборганда, Она уни «Нон-ку бу, аҳмоқ! Гуноҳ бўлади-ку!» деб уришади. Яна бир гал фолбинникидаги гувоҳлик ёлғон чиқиб қолгани учун ўғли Онадан қаттиқ дакки ейди: «Бир бегуноҳга туҳмат қилгандан кўра ўлганим яхши эмасми! Бу шармандалилка қандай чидайман?!»

Онада виждон туйғуси ғоятда ўткир. У ҳалол, пок аёлгина эмас, айни чоғда тўғри, адолатли ҳамдир. Албатта, ҳаётда ҳар хил воқеалар бўлади. Она ҳам баъзан хато қилиб қўйиши, ўзгаларга озор етказиб қўйиши, ҳатто ўзи истамаган ҳолда бирорга туҳмат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда Она хатосини тузатмагунча, бирор йўл билан гуноҳини ювмагунча тиниб-тинчимайди, руҳий изтироблар исканжасида қийналади. Онанинг бу хислати, айниқса, «Олтин балдоқ» новелласида яхши ифодаланган.

Шу тарзда «Дунёning ишлари» қиссасида Она олижаноб, виждонли, имони бут, эътиқоди мустаҳкам, руҳи пок сиймо сифатида, қалби одамларга нисбатан меҳру мұхаббатга, саҳоватга, шафқатга тўла инсон сифатида кўринади. Бироқ Она ҳар қанча тўғри ва содда бўлмасин, одамларни қанча севмасин, яхшиликнинг қудратига ҳар қанча ишонмасин, бу дунё фақат яхшилардан иборат эмаслигини, ҳаётда ёмон одамлар ҳам бор эканини яхши билади. Муаллиф бир қатор, ҳаётий манзараларда ёмонликнинг хилма-хил шаклларда намоён бўлишини кўрсатади. Улар Ҳури сатанг, солиқ йиғувчи Далавой кабиладир.

«Дунёning ишлари» қиссасига юксак жозиба бахш этган омиллардан бири муаллифнинг самими-яти. У қиссанинг бирон жойида сунъийликка йўл

қўймайди, овозини кўтармайди, ҳайқирмайди. У Онасига теран муҳаббатини ҳам, поёнсиз ҳурматини ҳам ҳаққоний ифодалайди. Айни чоқда, китобхонлардан ўз хатоларини ҳам яширмайди. Муаллиф онаси ҳаётлигига уни етарли эъзозламагани учун таассуф туйфуларини ҳам ошкора тасвирлайди. Муаллиф буларнинг барчасидан муайян хulosалар чиқаради ва уларни ўзининг энг изтиробли ўйлари сифатида китобхонга ҳавола қиласди. Бу жиҳатдан «Оқ мармар, қора мармар» деб номланган сўнгти новелла характерлидир. Баҳор фасли ўғил Она қабрини зиёрат қилгани боради. Қабристонда оналар хотирасига ўрнатилган мармар лавҳалар кўп. Уларга фарзандларнинг дил тубидан чиқсан энг рост сўзлари ёзилган. Буларнинг бари яхши. Бироқ муаллифни бошқа нарса ўйлатади: «ҳар гал уларни ўқиганда бир нарсани ўйлайман. Мана шу сўзларни юрак-юракдан, изтироб билан айтган фарзанд онаси ҳаёт эканлигига қанчалик кўнглини ололди экан? Хотинига қимматбаҳо пўстин олиб берадетганида, онасига бир кийимлик кўйлак қўшиб олиш ёдидан чиқмадимикин? Ўз уйини чет эл мебели билан тўлдириб қўйганида онасига ақалли бўйрадеккина гиламча совға қилишни унутмадимикин? Қизини туғилган кунида атлас кўйлак, ўғлини велосипед билан қутлаганида онасига оддий бир пайпоқ олиб беришни эсидан чиқармадимикан?»

Муаллифнинг замондошларига қаратилган бу мурожаати қиссанинг foявий хulosасидай туюлади. Унда одамлар ҳаётининг энг муҳим, энг зарурий жиҳатларидан бири ифодаланган: биз ҳаммамиз ёшимиздан, жинсимиздан, мавқеимиздан қатъи назар, Она меҳрига, яқинларимизнинг, қариндошуруғларимизнинг, дўсту биродарларимизнинг меҳрига муштоқмиз, бу меҳрдан мамнуният билан ҳузур қилиб истифода этамиз.

* * *

Саксонинчи йилларда Фарфона водийсидаги са-
фарларимиздан бирида йўлимиз айланиб, Яйпанга
бориб қолдик. Ўша пайтнинг таомилига биноан
салом-алик қилиш мақсадида аввал райкомга кир-
дик. Бизни райком котиби Алижон Пайғомов кутиб
олди. Мен бу кишини кўрмасдан олдин номини
икки-уч эшитган эдим, у киши тўғрисида «ис-
теъдодли раҳбар, тажрибаси катта, ишнинг кўзини
билади», деган маънодаги мақолалар ўқиган эдим.
Аммо кўрганим, ҳамма эшитганимдан ортиқ бў-
либ чиқди. Бу одам ташқи қиёфасига қараганда
райком котибидан кўра бутун умри еру кетмон
 билан иноқликда ўтган асл деҳқонча табиати яққол
сезилиб турарди. У туманнинг туриш-турмуши ҳа-
қида, эртанги куни тўғрисида батафсил гапириб
берди, гап орасида «қишлоққа раҳбарликни нутқлар
ва мажлислар орқали эмас, амалий намуналар кўр-
сатиб қилиш керак», деди ва бизни райком ҳовли-
сига таклиф қилди. Ҳовлида эса унинг ўзи ясатган
иссиқхона бор экан – ҳали баҳор бўлишига қара-
масдан, иссиқхонада бодринг ва помидорлар пишиб
ётибди, ҳар хил кўкатлар яшнаб турибди, гуллар
очилган. Иссиқхонанинг бир бурчаги полизга аж-
ратилган экан. У ерда ҳандалаклар кўзни ўйна-
тади.

– Қани, меҳмонлар, ҳандалакдан ўз қўлларинг
 билан узиб олинглар. Гашти бошқача бўлади, – деб
таклиф қилди Алижон ака.

Ўшанда мен бу одамнинг тадбиркорлигига
қойил қолган эдим. Бироқ ростини айтсан, яна бир
нарса мени кўпроқ лол қолдирди ва шу туфайли
мен Алижон акани бир умр ҳурмат қиласидиган
бўлдим. Райком биносини айланиб юриб, бир неча
жойда деворга илиб қўйилган мурожаатномага
ўхашаш бир нарсага кўзим тушди. Улардан бирини
ўқий бошладим. Каттагина оқ қофозга анча йирик
ҳарфлар билан босилган, чиройли рамкага солинган

мурожаатнома аслида Ўткир Ҳошимовнинг «Қалб-нинг оппоқ дафтари» деган мақоласи экан. Мақола чиққанига беш-олти ой ўтган бўлса-да, унинг теварагидаги гап-сўзлар ҳали тўхтамаган, кўпчиликда мақола уйғотган ҳаяжон ҳали босилганича йўқ эди. Публицистик мақоланинг плакат тарзида тарғиб қилинишини биринчи кўришим. Менинг бир оз ажабланганимни кўриб, Алижон ака изоҳ бергандай бўлди:

— Ўткиржоннинг мақоласида ҳозирги куннинг ўзак масаласи кўтаришган. Биз «пахта-пахта» деб юриб, халқнинг маънавиятини унутиб қўйибмиз. Бугунги кунда мактаб жуда оғир, жуда ноchor аҳволда. Ўқитувчи эса ҳаддан ташқари қадрсизланган. Бугунги жамиятимизда ўқитувчидан пастроқ турадиган бошқа табақа йўқ. Ҳатто колхоз бригадири ҳам унга хўжайин, унга истаган буйругини беради. Йўқ, бу аҳволга ортиқ чидаб бўлмайди, агар биз истиқболни ўйласак, Ўзбекистоннинг эртасини ўйласак, минг йиллик маданиятимизнинг йўқолиб кетишини истамасак, ўқитувчининг обрўйини қайта тикламоғимиз лозим.

Алижон ака «лекция ўқиб юборганига» бир оз хижолат чекди шекилли, гапдан тўхтаб қолди. Аслида, у ҳаяжонга тушган ва гапирган сари ҳаяжони кучайиб борарди. Бир оз сукут қилиб, ҳаяжонини босиб олди-да, гапини якунлади:

— Мен мақолани ўқигач, уни минг нусхада бостириб, ҳамма мактабларда, ҳамма маҳаллаларда, ҳамма чойхоналарда, маданият клубларида, идораларда илиб қўйишни буюрдим. Бу мақолани ўқимаган, унда кўтаришган гаплардан бехабар бирон одам қолмаслиги керак. Район кўламида ўқитувчиларнинг кенгашларида унинг муҳокамалари бўлди. Ўқитувчиларимиз ҳам роса тўлиб юришган экан, ҳамма дардларини тўкиб солишиди.

Кейинчалик туманда кезиб юриб, ўқитувчилар ва бошқа зиёлилар билан учрашдик. Бундай уч-

рашувларда, албатта, ўша мақола қайта-қайта тилга тушарди. Кўйинг-чи, Алижон Пайғомовнинг гаплари тўғри экани тўла тасдиқланди. Ўшандада Ўткир ижодининг яна бир қирраси кўз ўнгимда бутунлай янгича намоён бўлган эди.

Ўткир Ҳошимов 60-йилларданоқ публицистика соҳасида кучини синай бошлиган. Аммо очифини айтганда, унинг бу соҳадаги муваффақиятлари кўпайган сари, тобора менинг хавотирим ошиб, уни ички бир безовталик билан кузата бордим.

Эсингизда бўлса керак, бундан бир неча йиллар муқаддам Ўзбекистон телевидениеси «Баҳс» деган номда туркум эшигтиришлар уюштирган эди. Уларни Ўткир Ҳошимов олиб борарди. Қисқа муддатда кўрсатувнинг шуҳрати кенг ёйилди. Одамлар кўрсатув кунини интиқиб кутадиган, ҳамма ишларини йигиштириб, уни томоша қиласидиган бўлиб қолишди. «Баҳс»да кўтарилиган масалалар ҳақида студияга мактублар ёғилиб кетди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Ўша кезларда оммавий ахборот воситаларида коммунистик мафкуранинг ҳокимлиги зўр эди, жиндай қуюшқондан чиқадиган гап учун катта маҳкамага чақириб, телевидение мутасаддиларининг таъзiri берилар, улар ўз навбатида қўллари остидаги ходимларни така-така қилишарди. Ортиқча фалвага кимнинг ҳам тоқати бор, дейсиз. Ундан кўра, оч қорним, тинч қулоғим, деган гапга амал қилган маъқул. Ўткир олиб борган «Баҳс» кўрсатувида эса борган сари рост гаплар, «қалтис» гаплар кўпроқ гапирила бошлиди. Шунинг учун бўлса керак, кунларнинг бирида «Баҳс» кўрсатуви белгиланган фурсатда эфирга чиқмади. Шу-шу кўрсатув сувга ургандек йўқ бўлди-кетди...

Бу биргина мисол, холос. Публицистикага қўл урадиган одам мана шундай ошкора ва хуфёна зарбалар ҳамда зарбачаларга тайёр турмоғи лозим.

Ўткирда жасорат ҳам, бардош ҳам бор экан. У танлаган йўлидан қайтмади ва «Оқ камалак», «Нон

ва иймон», «Давлат сири», «Болада нима гуноҳ» «Товус гӯштини еб бўладими?», «Муқаддас қасамни бузганлар», «Қобиллик ва қодирлик» каби жуда ўткир, фоят ҳаётий ва фойдали мақолаларини ёзди.

Ўткир тилга олиш мумкин бўлмаган мавзуларга қўл ураркан, ҳаётий воқеалар, ўша пайтдаги реал фактларни далил сифатида келтиради ва жуда муҳим умумлашмалар чиқаради. Масалан, у ўзбек дехқонининг ҳаётини тасвирлар экан, пахта яккаҳо-кимлиги бутун халқни гадо қилганини айтади. Бир килограмм пахтадан ўн хиллаб маҳсулот чиқарилгани ва бу маҳсулотлардан кўплаб даромад қилингани ҳолда, минг хил азоб ичидан шу пахтани етиштирган дехқоннинг меҳнати сариқ чақага баҳоланишини афсусу надоматлар билан ёзади.

«Авлодларга нима деймиз?» деган мақола ҳам пахтакор меҳнати ҳақида нақл қиласди. Бироқ бу гал бу масала табиатни асраш масаласи билан бирга қўйилади. Бизнинг ўйламай иш юритишимиз, мутлақо масъулиятсизлигимиз табиатни қон-қора қақшатаётганини кўпгина ҳаётий мисолларда очади.

«Мантиқ қани?» номли мақола ҳам жуда муҳим ижтимоий қимматга эга бўлди. Унда ҳам адабнинг теран кузатишлари кўп. У «социалистик турмуш тарзи» деб қўкрагимизга уриб, ҳаммага мақтаниб юрганимиз ҳаётнинг файриинсоний моҳиятини, том маънода «тескари ҳаёт» эканини кўрсатган. Коммунистик партиянинг «доно» раҳбарлиги остида барпо этилган ҳаётнинг энг муҳим қонунияти шундаки, унда иккюзламачилик принципи ҳукмрон – қофозда ёзилган ёхуд оғизда айтилган гап амалдаги ишга тўғри келмайди, «социалистик жамиятда ҳамма нарса инсон учун, инсондан улуғ бойлик йўқ», деб эълон қилинади, амалда эса ҳамма нарса инсонни хуноб қилиш, таҳқирлаш, қадрсизлантириш сари йўналтирилган бўлади.

«Қўрқув салтанати» деган мақола ҳам «Мантиқ қани?» билан мантиқан боғланиб кетади. Бу мақола

собиқ «сиёсий маҳбус», «собиқ ҳалқ душмани», Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Саид Аҳмад билан суҳбат бўлиб, унда Сталин зулми билан яратилган салтанатнинг даҳшатлари очиб берилган. Бу салтанатга «инсон ҳуқуқи» деган нарса бутунлай ёт, унда қўрқув ҳукмрон, бу салтанатнинг энг ардоқли «қадрияти» – хушомад, тилёғламалик, чақув, буқаламунлик. Бу жамиятда имонини сотиб, хиёнат йўлига кирганларгина, виждонининг овозини бўғиб, муҳитга мослашганларгина «бахтиёр» бўлиши мумкин.

Адибнинг жасорати нечоғлик кучлилигини тасаввур қилмоқ учун унинг яна бир мақоласини кўриб ўтиш керак. Бу – «Дўстлик – ҳурматдан бошланади» деган мақола. Маълумки, шўро пропагандаси етмиш йил мобайнида ҳалқлар дўстлиги ҳақида гапириб келди. Албатта, ҳалқлар дўстлиги муҳим ва зарур. Дарҳақиқат, советлар даврида ҳалқларнинг ўзаро дўстлиги борасида анча-мунча реал ютуқларга эришдик. Бироқ шу билан бирга дўстликни янада мустаҳкамлашга ҳалақит берган омиллар ҳам кўп эди. Айниқса, ҳалқларни «улуг ofa»га ва «кичик ука»га ажратиш ҳаётда кўп ҳолларда ёмон оқибатларга олиб келди. Ҳукмрон мафкурамиз эса бунга ўхшаш масалаларни қаламга олиш бир ёқда турсин, хаёлга келтиришга ҳам рухсат бермас эди. Ўткир мазкур мақолада чинакам байналмилалчи мавқеида туради, ҳалқлар ўртасидаги чинакам қардошлиқни улуғлади, дўстлик ғояларини тасдиқлади ва айни чоқда, бир миллатни бошқа бир миллат томонидан пастга урилишини, таҳқирланишини, катта миллатларда учраб турадиган, уларнинг айрим вакилларининг суюк-суюгига сингиб кетган улуғ давлатчилик шовинизмини кескин фош қиласди. Энг муҳими шундаки, Ўткир шовинизмнинг олий минбарлардан айтиладиган ваъзларда ёхуд салобатли китоблардагина эмас, балки жуда оддий нарсаларда ҳам,

биринчи қарашда арзимасдек кўринадиган ишларда ҳам намоён бўлишини аниқ ҳаётий мисолларда кўрсатиб берган. Жумладан, у «Клуб служебного собаководства» деб аталган ва Москвада 1979 йилда чоп этилган китобдаги И. Духновский деган кимсанинг «Итларга қандай лақаб қўйиш керак?» деган мақоласига мурожаат қиласди. Бу итшунос «зот» итларга Акбар, Алишер, Анвар, Араб, Арман, Асқар, Ботир, Бек, Жўра, Комила, Лола, Мухтор, Наим, Нодир, Наргис, Нодира, Умар, Падар, Рафиқ, Садир, Султон, Тоҳир, Тоир, Ҳайдар, Ҳасан, Шайх, Амир, Майна каби номлар қўйишни тавсия этади. Мақола муаллифи бундай тавсиялар И. Духновскийнинг саводсизлиги ёхуд фаросатсизлигининг оқибати эмас, балки бошқа халқларга менсимай қараш, уларни ошкора камситиш оқибати эканини ёзди ва бошқа шунга ўхшашиб «саводсизликлар», «нодонликлар» билан бирикиб (уларнинг мисоллари мақолада анча-мунча келтирилган), пухта ўйланилган бир сиёсатга айланиб кетганини исбот қиласди.

Кўринадики, Ўткир Ҳошимовнинг публицистикаси ҳам бадиий асарлари каби жуда катта қимматга эга – улар энг долзарб, энг ҳаётий муаммолар ҳақида баҳс юритиб, миллатнинг фикрини очиш ва миллий психологиямизнинг шаклланишига ҳисса қўшди. Миллий ифтихор туйғуси йўқ халқ ҳеч қачон аҳил бўлолмайди, бинобарин, аҳил бўлмаган халқ ҳар хил тажовузкор кучлар қаршисида ожиз қолаверади.

Ўткир Ҳошимовнинг ижодий қиёфасини тўлароқ чизмоқ учун унинг «Шарқ юлдузи» журналида бош муҳаррир сифатидаги ўн йиллик фаолиятини ҳам жиндай бўлса-да, ёритмоқ лозим. Гап шундаки, журналлар, айниқса, ижтимоий ривожланишнинг муайян босқичларида жуда катта роль ўйнайди. Бундай ҳолларда улар умумхалқ манфаатига хизмат қиласди, бутун миллатни улуғ гоялар теварагига бирлаштиради, ҳақиқат ва адолат минбарига ай-

ланади. Бир сўз билан айтганда, журнал миллий тараққиётнинг байроқдори бўлиб қолиши мумкин ва айни шу сифати билан у халқнинг ўз-ўзини танишига йўл очиб, уни фоғиллик уйқусидан уйғотмоғи мумкин.

Ўткир «Шарқ юлдузи»га 1985 йилда, яъни мамлакатимизда бошланган қайта қуриш билан бирга келди. Бироқ қайта қуришнинг энг асосий самараси деб ҳисобланадиган ошкоралик, ижод эркинлигининг тўла эмас, қисман даражада жорий бўлиши ҳам бизда бениҳоя қийин кечди.

Ўткир Ҳошимовнинг ҳам ҳар қандай бош муҳаррир каби журналдаги биринчи ва энг муҳим вазифаси яхши асарларни бостириб чиқариш эди. Аммо шу муҳим вазифани бажаришда у минг хил тўсиқларни енгишга, минг хил чиғириқлардан ўтишга мажбур бўлди. Журналда «Қуръони карим»нинг ўзбекча таржимаси, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр асарлари, «Темур тузуклари» босилди. Албатта, ўша йилларнинг ошкоралиги бўлмаса, бундай асарларнинг босилиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Шундоқ бўлса ҳам, юқоридаги асарларнинг ҳар бири жуда шиддатли курашлар оқибатида дунё юзини кўрди. Масалан, ўша йиллари Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони» романи икки марта терилган жойида тўхтатиб қўйилди, катта маҳкамадаги «доно» раҳбарларга бу роман ёқмади, чунки у Бобурнинг ўғли Ҳумоюн ҳақидаги, унинг бошқа фарзандлари образини чизадиган роман эди. Романнинг фойдали ва керакли эканини катталарга тушунишиб, ижозат олгунча Ўткир қанчадан-қанча раҳбарларга совуқ кўринди, қай бир мансабдорларнинг гапини қайтарди, улар билан айтишишдан чўчи-мади.

Ёхуд Чўлпон асарларини нашр этиш масаласини олайлик. Бу шўрпешона шоир 1956 йилда тўла оқлаганган бўлса-да, қайта қуриш йилларида ташкил қилинган маҳсус комиссия асарларини босиш керак, деган қатъий хулоса чиқарган бўлса-да, Марказий

Комитетдаги «ака»лар «Кеча ва кундуз» романини эълон қилишга икки йил розилик бермадилар. Бунда ҳам бош муҳаррир казо-казо мажлисларда романни эълон қиласа бўлмаслигини тушунтириб, том маънода жанг қилишга мажбур бўлди. Шундан кейингина муайян қисқартишлар билан, Чўлпоннинг «хатолари»ни халққа тушунтирадиган маҳсус мақола билангина романни босишга рухсат берилди.

Яна бир мисол. Гарчи, баъзи бирорлар «Қуръон»ни бошқа тилларга таржима қилиш мумкин, гуноҳ бўлади, деб ҳисобласалар-да, «Қуръони карим»нинг маъно таржимасини бошқа халқлар тилларида нашр этиш бениҳоя зарур ва савоб ишдир. Шунинг учун «Шарқ юлдузи» саҳифаларида «Қуръон» таржимаси эълон қилина бошлаганини кўриб бошимиз осмонга етганди. Аммо кўп ўтмай бу масала атрофида жанжал бошланди – бир гурӯҳ олимлар таржимани босиши тўхтатиши талаб қилиб, «катта идора»га мурожаат қилишди. Бош муҳаррир ва журналнинг баҳтига давлатимизга Ислом Каримов раҳбар бўлган эди. Хал қилувчи суҳбат Юртбошимиз ҳузурида бўлди. Юртбошимизнинг жонкуярлиги ва қўллаб-қувватлаши билан Муқаддас Китобнинг ўзбек тилидаги маънолар таржимаси тарихда биринчи марта «Шарқ юлдузи»да чоп этилди. Ўша кезлари мен Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Фарғонанинг Бешариқ, Ўзбекистон ва бошқа туманларида, республиканинг қатор шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, «Қуръони карим» таржимасининг чоп этилиши ҳақида ким қандай фикрда эканини турли соҳа вакилларидан суриштирдим. Уларнинг ҳаммаси бу – халқимизнинг маънавий ҳаётида жуда катта тарихий воқеа эканини бир оғиздан эътироф этдилар.

Ўткир Ҳошимовнинг бош муҳаррир сифатида иккинчи вазифаси ҳам бор эди. Бу ўта муҳим ва ўта қийин вазифа – бош муҳаррир адабиётнинг манфаатини ўйласа, китобхонни ҳамиша юксак

санъат асарлари билан таъминлаб туришни ўйласа, унда бадиий жиҳатдан саёз, пала-партиш асарларнинг босилишига йўл қўймаслиги керак. Гап шундаки, шўро замонида мутлақо истеъоддога эга бўлмаган одамлар баъзан «ёз-ёз» васвасасига тушиб қолишарди. Бундай ҳолларда улар жазавага тушиб, бир зумда юзлаб саҳифаларни қоралаб ташлайдилар. Уларнинг ёзганини лоақал тўрт бетини чидаб ўқиб чиқолмайди киши. Бироқ бу билан уларнинг иши йўқ. Уларнинг назарида ўзлари ёзган нарсалар – доҳиёна асарлар, кимда-ким бунинг фаҳмига етмаса, ўзидан кўрсин. Шундай қилиб, «асар» тайёр бўлгач, муаллиф уни қўлтиқлаб, журналга югуради. Чинакам жасоратли муҳаррир, албатта, унақа асарни босишдан бош тортади-ю, балога қолади... Ёки нима бўлишини атоқли груzin адаби Нодар Думбадзе «Абадият қонуни» романида киноя билан жуда чиройли тасвирлаган. Эсингиздами? Бош муҳаррир хонасига қимтиниб-симтиниб... маймун кириб келади ва камсуқумлик билан бир асар ёзганини айтиб, уни босиб чиқаришни илтимос қилади. «Сен маймунсан, ёзувчи бўлишинг мумкин эмас, қўй бу ишни», деган панднасиҳатлар унга кор қилмайди. У ялиниб-ёлвориб ўз мақсадига эришади. Орадан икки ҳафтача ўтгач, яна шу аҳвол такрорланади. Маймуннинг «асари» яна босилади. Бу беш-олти марта қайтарилади. Бир маҳал, қарабсизки, кечаги маймун ёзувчи бўлибди-қолибди. Одамлар унинг ёзувчи эмас, маймунлигини билишса ҳамки, «кел, менга нима!» деб индашмайди ва бора-бора унинг ёзувчилигига кўни-киб ҳам кетишади. Бош муҳаррирнинг кўнгилчанлиги маймун – «ёзувчилар»нинг уруғи кўпайиб кетишига сабаб бўлади.

Ўткирнинг бахтига у муҳаррирлик қила бошлагандан кейин бундайлар ёзувчиликдан тийилиброқ қолишли. Лекин мундоқроқлари ёзишда давом этаверди. Ўткир қўлидан келганича бунақаларнинг

асарларини чиқармасликка ҳаракат қилди. Бироқ бу унга осон бўлгани йўқ. Асари қайтаришган адаб борки, ҳаммаси енг шимариб, Ўткирнинг устидан шикоятлар ва мактублар ёза бошлади. Мен ўзим саксонинчи йиллар поёнида Марказий Комитетда бир қалин делони кўрган эдим – унда Ўткир устидан ёзилган шикоятлар тикиб қўйилган экан. Салкам 500 саҳифа! Бунга «ёзадиган, вақт сарфлайдиган, бош қотирадиган бошқа одам, ёзса ёзавермайдими?» деб қўл силтаб қўяқолса бўларди. Бироқ шўро замонида ҳар гал ариза тушгандা, Ўткир катта идорага чақирилар ва у ерда ўзининг «туя эмаслигини» бошқатдан исботлар эди. Катта идорадагилар ҳам «Ўткирни ўзимиз биламиш-ку, у бунақа эмас, аксинча, ёзган одамнинг ўзи ашаддий разил экани ҳаммага маълум, уни койиб, ҳайдаб солайлик-да, можарога нуқта қўяйлик», дейишмасди. Бинобарин, яна қанчадан-қанча изтироб, руҳий азоблар, ҳозирги замон таъбири билан айтсак, йўқ ердан орттирилган стресслар.

Ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқат томонида туриш унчалик осон юмуш эмас. Ўткир Ҳошимовда шундай феъл – ҳақпаратлилек бор.

Яратганга шукроналар бўлсин. Ватанимиз мустақилликка эришди. Узоқ йиллар «сифиниб келинган» шўро тузумининг миси чиқди. Юқорида эслатилган қатор асарларида Ўткир айнан шу ёруғ ният – мустақиллик фоясини илгари сурди. Истиқлолнинг биринчи йилларида яратилган «Тушда кечган умрлар» романи мустақиллик бўлмаса, дунё юзини кўрмас, мабодо нашр этилса ҳам муаллифни жазога тортишлари аниқ эди. Чунки асарда етмиш йиллик истибод бутун даҳшати билан тасвирланган. Ўтган аср охирларида саҳналаштирилган «Қаттафон» фожиасида ҳам кечаги кун фожиалари тасвирланган, ёш авлодни мустақилликни қадрлашга чақириқ каби янграйди, бу асар. Қайта-қайта нашр этилган «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» ки-

тоби ҳам адибнинг энг сара асарларидан бўлиб қолади.

Юқорида биз Ўткир қилган ишларни бир сарҳисоб қилишга уриниб кўрдик. Ўйлайманки, шу айтилганларнинг ўзиёқ адиб ижодий фаолияти фоят самарали бўлганини, бугунги адабиётимизни унинг ижодисиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди. Бироқ ёзувчилик касбининг ғалати томонлари бор. Жумладан, ёзувчи одам учун энг яхши асари энди ёзадиган асари бўлиб туюлаверади. Бу – жуда яхши нарса. Донолар ўз-ўзидан қониқмаслик туйғусини инсонни янги уфқларга ундейдиган муқаддас туйғу деб ҳисоблашган. Ўткирда ҳам навбатдаги – энг яхши асарини ёзиш истаги доим қалбida яшайди. «Шундай асар ёзсангки, китобхон уни ўқиётганида ҳамма нарсани унутса, асар қаҳрамонлари ҳаёти билан яшаса. Китобни ўқиб бўлган куни кечаси билан ухламай, тўлғониб чиқса... Вақти келиб ўша китобни яна қўлига олганида қайтадан ҳаяжонга тушса... Орзум шу...» дейди Ўткир Ҳошимов. Нима дейиш мумкин бу тилакка? Орзунг ҳамиша сенга йўлчи юлдуз бўлсин, дўстим. Адабиётимиз баҳтига кўп йиллар омон бўл!

1997 й.

МУНДАРИЖА

Машақұатли сафар	5
Дафтар ҳошиясидаги битиклар	31

Қисса

Шамол әсаверади	231
---------------------------	-----

Хикоялар

Оқ булат, оппоқ булат	320
Нимадир бүлди	332
Бахт	344
Үмр савдоси	351

Хажвий ҳикоялар

Зил-ҳазил	365
Мен, бувам ва рангли телевизор	374
Осмондан тушган пул	381
Үлди – азиз бүлди	384
«Фармонбиби плюс»	393
Бўйдоққа маслаҳат	399
«Шпана»	404
«Меҳрибон» шогирд	405
«Ҳожатбарорлик»	407
«Битта кулдиринг»	410
«Хитойча усул»	411

Үйлар

Увол	413
Андиша	427
Адабиёт – маънавий-ижтимоий ҳодиса	438

Мулоқот

Энг катта бойлик	448
----------------------------	-----

Сўнгсўз

Озод Шарафиддинов. Эл ардоғидаги адаб	455
---	-----

«Sharq» нашриётида чоп этилган янги китоблар:

1. **А. Қодирий.** Ўткан кунлар.
2. **А. Қодирий.** Меҳробдан чаён.
3. **С. Аҳмад.** Танланган асарлар. 2-жилд.
4. **О. Холдор.** Андижоннома.
5. **О. Мухтор.** Сайланма. Суратдаги йўлбарс. 2-жилд.
6. **О. Ҳаким.** Бир диёр бор... Сайланма. 1-жилд.
7. **Т. Малик.** Танланган асарлар. Талваса. 11-жилд.
8. Ёзувчининг сири. *Таржимон Отаули.*
9. **F. Фатхиддин.** Ложувард соя.
10. **Турсун Али.** Сайланма.
11. **Ў. Ҳайдар.** Фалак фаввораси.
12. **Ўзбек халқ мақоллари.**
13. **И. Абдулъазиз.** Аржуманд.
14. **Э. Али.** Кичкинтолларга шахмат ўинни.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

VI жилд

*Дафтар ҳошиясидаги битиклар,
қисса,
ҳикоялар,
ҳажсвий ҳикоялар,
ўйлар,
мулоқот*

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2012

Муҳаррир Қодиржон Қаюмов
Бадиий муҳаррир Феруза Башарова
Техник муҳаррир Раъно Бобохонова
Саҳифаловчи Любоў Бацева

19 200 сеъд

Нашр лицензияси АI № 201, 28.08.2011 й.

Теришга берилди 23.01.2012. Босишига рухсат этилди 06.06.2012. Бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$, «Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табори 26,04+16 б. зарв. Нашриёт-хисоб табори 24,97. Адади 5000 нусха. Буюртма № 2185. Баҳоси келишилган нархда.

**«Sharq» нашриёт-матбая акциядорлик
компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**